

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Э. ҒОЗИЕВ**

**УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

**Психология мутахассислиги учун дарслик**

**Тошкент-2006**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети**

**Э. Ғозиев**

## **УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

**Психология мутахассислиги учун дарслик**

**Тошкент  
«Университет»  
2006**

Мазкур дарслик умумий психология фанига бағишланган бўлиб, психологияга кириш, шахс ва унинг индивидуал-типологик хусусиятлари тўғрисидаги материалларни ўзида мужассамлаштирган. Дарсликнинг ўтмишдошларидан фарқи шундаки, унда барча психологик категориялар, муаммолар янгича методологик ёндашув негизига суянган ҳолда талқин қилинади. Унинг бош қисмида психологиянинг предмети, тадқиқот методлари, принциплари, психиканинг эволюцион тараққиёти, фаолият ва онгнинг психологик таҳлили умумлаштирилган.

Дарсликнинг кейинги саҳифаларида шахс тўғрисида тушунча, унинг тузилмаси, назариялари, асосий методлари, шахс эҳтиёжлари, мотивацияси, қизиқиши, эмоцияси (ҳиссиёти), характери, иродаси, қобилияти, темпераменти, билиш жараёнлари ҳамда уларнинг жаҳон психологияси фанида ўрганилиши масалалари ўз ифодасини топган.

Дарслик психолог мутахассисларни назарий ва амалий маълумотлар билан қуроллантириш имкониятига эга.

Дарслик психолог мутахассисларга, аспирантларга ва олий мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган.

ТАҚРИЗЧИЛАР: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика ун-т,  
психология фанлари доктори З.Т.Нишонава:  
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ ижтимоий психология  
кафедраси доценти Р.Ю. Тошимов

МАСЪУЛ МУҲАРРИР: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ ижтимоий  
психология кафедраси доценти М.М.Маматов

ЎзМУ Ўқув методик Кенгашининг 2006 йил. Мажлис қарори билан  
нашрга тавсия этилган. «Университет» нашриёти, 2006.

## МУҚАДДИМА

Йигирма биринчи аср фан ва техниканинг янги бир юксалиш палласига кирганлиги билан, шунингдек, қарама-қарши тизимлар барҳам топганлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади. XXI аср жаҳон цивилизацияга олтин ҳарфлар билан битилган сон-саноксиз зар вароғларга эга бўлиши билан бирга экология муаммоларининг юзага чиқарганлиги туфайли бошқа асрлардан кескин ажралиб туради.

Ер куррасида фаровонлик, мўл-кўлчилик, тинч, осойишта ҳаёт бўлиши учун қитъалараро, миллатлараро ҳамкорлик йўлга қўйилиши, экологияни мусаффолаштириш учун стратегик қуроллар ва технологияни зарарсизлантириш, она заминни ва мовий осмонни авайлаш лозим. Ер фарзанди деган нуктаи назар билан жаҳондаги миллат ва элатларни ҳамкорликка ундаш орқали абадийлик қонуниятини сақлаб қолиш мумкин, холос.

Маълумки, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни тадқиқот этишга мўжалланган фанлардан биттаси психология ҳисобланади. Психологик билимларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида татбиқ этиш кўлами кенгайиб бориши унинг масъулияти ва нуфузи ортаётганлигидан далолат беради. Худди шу боис психолог мутахассисларга нисбатан ижтимоий буюртманинг кўпайиши уларни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада тайёрлашни такозо қилмоқда. Истиклол шарофати туфайли илмий ёндашувларга, олдинги методологик муаммоларга ҳолисона муносабатда бўлиш имконияти вужудга келди. Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов асарларида, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун»да, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да, "Миллий ғоя ва миллий истиклол мафкураси" ҳужжатида мутахассислар олдига улкан талаблар ва масъул вазифалар юкламоқда.

Ана шу вазифаларни амалиётда ўз ифодасини топтиришда умумий психология фани муҳим роль ўйнайди. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида умумий психология фани касбий билимлар, кўникмалар ва малакаларни шакллантириш борасида устувор ўрин эгаллайди. Шунинг учун психолог ихтисослигига ушбу фан уч йил мобайнида ўқитилади.

Мазкур дарслик умумий психология дастурига асосланган ҳолда яратилган бўлиб, талабалар учун зарур материаллар изчил равишда, муайян тартибда жойлаштирилгандир. Дарсликда умумий психологияга кириш, шахс ва унинг индивидуал-типологик хусусиятлари, билиш жараёнлари юзасидан маълумотлар умумлаштирилади. Назарий ва амалий материаллар нисбати мақсадга мувофиқ тақсимланган бўлиб, назария билан амалиёт бирлиги принципига тўла риоя қилинган.

Дарслик психология мутахассислигининг бакалавриатура босқичи учун мўжалланган.

# **БИРИНЧИ БЎЛИМ ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ**

## **I БОБ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ**

### **1. Психология ҳақида тушунча**

Жаҳон фанларининг муайян қонуниятларга асосланиб туркумларга киритилишига кўра, психология фани бу тизимда нуфузли ўрин эгаллашига барча объектив шарт ва шароитлар етарлидир. қатъий ишонч билан айтилган фикрнинг замирида бир қатор муҳим ҳам табиий, ҳам ижтимоий омиллар ётиши шак-шубҳасиздир. Чунки психология фани инсоният томонидан кашф қилинган фанларнинг ичида энг мураккаби бўлиб, биосферик таълимотдан келиб чиққан ҳолда психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусиятини акс эттирувчи категория сифатида ўрганилиб келинган. Лекин бугунги кунда неосферик таълимотга биноан фазовий муносабатлар, сайёралараро алоқалар, ўзаро таъсирлар, моддалар, заррачалар, нурлар ҳаракати, алмашилиши, қўшилиши тўғрисида мулоҳазалар, фаразий асосда бўлса ҳам, юритилмоқда. Айниқса, биосферага кириб келаётган моддаларнинг ўзаро бирикуви, муайян фазовий майдоннинг ҳосил қилиши, тўпланиши инсон тана аъзоларига ижобий таъсир кўрсатиши, натижада фавқуллоддаги ҳолатлар содир бўлиши, кашфиётлар юз бериши, интуитив (лотинча *intueri* синчковлик, диққат билан қарамоқ ёки ички сезгирлик демакдир) шаклдаги руҳий ҳолатларнинг кучайиши намоён бўлиши мумкин. Булар қаторига телепатик (юнонча *tele* узоқни *pathos* сезаман деган маъно англатади) самаралар, ўта сезгирлик, экстрасензитивлик (лотинча *extra* ўта, *sensus* сезгирлик дегани), экстрасенслик (лотинча *extra* ўта, *sensus* ҳис қиламан маъносини билдиради) каби психологик ҳолатларнинг кечиши сабабларини киритса бўлади. Шунингдек, омадсизлик, ичкишлик, касалнинг интизор кутиши, насиб этмаслик, ишқий кечинмалар, тушда аён бўлиш каби руҳий ҳолатлар, ҳодисалар ханузгача ишончли далиллар билан тушунтириб берилгани йўқ. Аммо бу борада билиш объекти (лотинча *Objectum* жисм демакдир) билан субъектининг (лотинча *Subjectum* ташқи оламни билувчи инсон) бирикувида психологиянинг қулай имкониятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Ушбу фикрни яққоллаштириш мақсадида айрим мисоллар ва талқинларни қайтадан таҳлил қилиб ўтамыз. Жумладан, чақалоқ дунё юзини кўришдан эътиборан идрокида теварак-атрофни ва унга меҳригиёси билан термиллаётган кишилар муҳитини акс эттира бошлайди, даставвал объектив (ташқи) ва субъектив (ички, одамлар ўртасидаги) муҳитга мослашиш содда инстинктлар (лотинча *instinctus* табиий кўзғатувчи, туғма хусусият демакдир), шартсиз рефлекслар (лотинча *reflexus* акс эттириш) ёрдамида оддий таъсирланиш ва таассурот тарзида намоён бўлади. Тараққиётнинг мазкур даврида у ўзлигини тушуна ва англай олмайди, ҳатто бунинг юзага келиши ҳақида мулоҳаза юритиши ҳам асло мумкин эмас. Бола бир ёшгача даврда тез

суръатлар билан ривожланади, йил давомида унинг жисмоний аъзолари 50 фоизгача такомиллашиши мумкин. Жисмоний ўсиш - психик (руҳий) тараққиётни тезлаштиришга пухта замин ҳозирлайди, натижада кўриш, ушлаш, юриш, талпиниш, ғазабланиш ва қувониш, самимийлик ҳам беғуборлик сингари инсоний туйғуларни вужудга келади, нутқ фаолияти пайдо бўлиши унинг тушуниш даражасини янги бир сифат босқичига кўтаради. Психиканинг муайян хусусиятлари, ҳолатлари, ҳодисалари, хоссалари, сифатлари, фазилатлари, қонуниятлари орқали моддий дунёни тушуна боради ва унда ўз фаолиятининг мазмунида барча объектларни амалга ошира бошлайди. Болалик дунёсининг ички мураккаб қатламларидан аста-секин «ўзлик»ни, шахсий «мен»ликни тушуниш туйғуси, сезиш, ҳис қилиш жараёнлари шакллана бошлайди ҳамда у ёки бу ҳар хил хусусиятли тўсиқларни енгиш имконияти рўёбга чиқади. Мазкур тараққиёт босқичи психология фанида «Мен» даври ёки «Ўзлик»ни англаш даври деб юритилади, у болада нутқ пайдо бўлганидан бошланиб, бир неча ривожланиш босқичларини ўз ичига қамраб олади. «Мен» даврининг англашилган шакллари ва кўринишларининг намоён бўлиши ўсмирлик даврига тўғри келади. Ўсмирлик даврида ўғил ва қизларнинг руҳиятида ўзликни англашга боғлиқ бир талай муаммоли саволлар ва уларнинг турмушда қарор топтириш туйғуларини, истакларини, орзуларини пайдо бўлиб, кўпинча бу нарсалар якка шахснинг «кимлиги», «қандайлиги», «кимга ва нима учун кераклиги»га йўналтирилади. Боланинг психик хусусиятлари, функциялари (лотинча *functio* ижро этиш, бажариш деган маъно англатади) уни қуршаб турган жонли ва жонсиз табиат ажойиботларини жисмоний ва ижтимоий воситалар орқали эгаллаш учун хизмат қилади.

Худди шунга ўхшаш ўзлигини англаш жараёни инсониятнинг барча тарихий ва эволюцион (лотинча *evolutio* табиий равишда ўзгариш) тараққиёти даврларига хос хусусият саналади. Ибтидоий жамиятда кишиларнинг куч-қуввати яшаш учун курашга ва ташқи дунёни эгаллашга сарфланган, ана шу тариқа табиат ҳақидаги дастлабки билимлар, тажриба сабоқлари орқали ўзлаштирилган. Ярим йиртқич ҳолатдаги аجدодларимиз оловни кашф қилганлар, ёввойи ҳайвонларни овлаганлар, табиат неъматларидан баҳраманд бўлганлар ва худди шу қабилда табиат билан таниша бошлаганлар, моддий дунёнинг сахийлиги, табиатнинг эҳсонлари ва офатлари, ҳайвонот оламини маданийлаштириш (хонакилаштириш), ер илмини ўрганиш бўйича билимларнинг тўпланиши натижасида инсон табиатнинг қўллигидан қўтила борган сониядан эътиборан ўзлигини (кимлигини) англаш имконияти туғила бошлаган. Лекин у даврнинг одамлари болага ўхшаб ўзлигини оқилона, одилона, омилкорлик билан тасаввур эта олмаганлар. Инсоният тараққиётининг тарихий даврларида кишиларда ички руҳий имкониятлар юзага чиқа бошлаган, туғма майл ва лаёқатлар аломатлари аста-секин истеъдодга, қобилиятга айлана борган. Аммо бу жараён бирининг ўрнига иккинчисини механик (юнонча *mechanike* қурол ёки содда тарзда демакдир) равишда юзага келганлигини билдирмайди, балки, аксинча, мураккаб сифат ўзгаришлари, органларнинг такомиллашуви, тажрибаларда тўпланган татбиқий билимлар тартибга солинаётганлигини ифодалайди. Инсоннинг жисмоний (биологик), руҳий

(психик), ижтимоий (социал) ривожланиши натижасида ер куррасида моддий дунё, маънавият, ёзув, санъат, адабиёт, фан, техника яратилган. Буларнинг замирида инсон тафаккури, онги, ақл-заковати, кучли иродаси, мустаҳкам характери (юнонча *charakter* қиёфа, хислат дегани), ижодиёти, ҳаёлати ётади. Инсоният тараққиётининг муайян босқичида одам ўзини ҳаяжонлантирган, таажжубга солган саволларига жавоб излаш имконияти вужудга келган. Бунинг натижасида «Инсон қандай фикрлайди?», «Одам қандай янгилик яратиши мумкин?», «Ижод қилиш қай йўсинда пайдо бўлади?», «Моддий дунёни қай тариқа бўйсундириш мумкин?», «Ақл-заковатнинг ўзи нима?», «Инсонга унинг ички руҳий дунёси қайси қонунлар асосида бўйсунди?», «Инсон ўзига ўзи таъсир ўтказа оладими?», «Ўзгаларга-чи?» каби турли-туман муаммолар ечимини қидиришга ҳаракат қилади. Мана бунинг барчаси психологик билимлар туғилиш нуқтасини вужудга келтиради ва ана шу дақиқадан бошлаб инсон ўзини ўзи англайди. Бинобарин, психологик билимлар намоён бўлиши ўзини ўзи англашни омилига айланади, улар борган сари тобора уйғунлашиб, мутаносиблашиб бориб, изчил, узлуксиз алоқага ўсиб ўтади. Бебаҳо аҳамиятга эга бўлган инсониятнинг буюк ютуғи - бу тафаккурнинг кашф қилинишига олиб келди. Авваллари унинг фикри, ҳаёли ташқи дунёни эгаллашга қаратилган бўлса, тафаккур кашф қилинган даврдан бошлаб субъект-объект (инсон фикрлаши ташқи оламга қаратилган) муносабати ўрнини субъект (инсоннинг фикри ўзини ўзи англашга йўналтирилган) муносабати эгаллай боради. Демак, инсон объектив дунёни субъектив тарзда акс эттириш орқали ўзини ўзи тадқиқ қилишдек мураккаб, қалтис ишни амалга оширишга қарор қилади. Ана шу боисдан, психология фанининг вазифалари кўлами кенгайди, мураккаблашди, ички таркибида кескин бурилиш ясаб, ўз предметига инсонни илмий жиҳатдан ўрганишдан ташқари ўзини ўзи англашни ҳам киритди.

Психология фанининг бошқа фан соҳаларидан фарқли томони шундан иборатки, унинг амалий, татбиқий жиҳатлари мавжуд бўлиб, ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида бевосита қатнашади, муайян даражада таъсир ўтказади. Психология бошқа фанлардан фарқли ўлароқ ўз татбиқий маълумотлари, натижаларининг кўпқирра, кўпёқлама эканлиги билан тубдан ажралиб туради ва мутлақо бошқа сифат кўрсаткичига эга. Айниқса, бу борада ўзини ўзи бошқариш алоҳида аҳамият касб этади, шунинг учун у табиатни ўрганиш илмидан тафовутланиб, ўзининг психик жараёнлари, функциялари, ҳолатлари, ҳиссиёти, иродаси, характери, темпераменти кабиларни бошқаришда ўз аксини топади. Инсон ўзини англай бориб, ўз инсоний хислати, хусусияти, сифати, хулқини ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон психологияси фани ўзини ўзи бошқариш ва такомиллаштириш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи тарбиялаш бўйича бой материаллар тўплаган, бу эса ўз навбатида инсон муносабати, мақсади, ҳолати, кечинмалари ўзгариши ва янгидан яралиши ҳақида илмий-татбиқий маълумотлар беради, кундалик турмуш психологияси ранг-баранглигини таъминлаб туради. Психология инсон психикасини аниқлаш, шакллантириш, янги шароитга кўчириш, такомиллаштириш, ривожланиш динамикасини таъминлаш, янги сифат босқичига ўтишини қайд

қилиш имконияти борлиги билан ўта амалий, татбикий фанга айлангандир. Психология фанининг соҳалари унинг амалиёт учун муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради (хукуқшунослик психологияси, клиник психология, меҳнат психологияси, савдо психологияси, социал психология, педагогик психология, махсус психология, спорт психологияси ва ҳоказо). Психология амалий, татбикий жиҳатдан ўз предметиға эға бўлиб, амалий социал психолог, инженер (муҳандис) психолог, оилавий психотерапевт, тиббиёт психологи, мактаб психологи каби соҳаларни ўз ичига қамраб олгандир.

Юқорида билдирилган фикрларға якун ясаб, шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, психология фани кўҳна тарихға эға бўлишиға қарамай, у жуда навқирон фандир, чунки илмий психология немис психологи В. Вундт томонидан 1879 йилда Лейпциг (Германия) университетиде асос солинган биринчи экспериментал лаборатория очилишидан бошланади. Шунинг учун эндиғина рефлексияни (лотинча *reflexus* ўзининг руҳий ҳолатини таҳлил қилиш дегани) илмий жиҳатдан ўрганишни психология фани предмети таркибига киритиш даври (мавриди) келди.

Психология фани табиатшунослик фанлари ва фалсафа неғизиде пайдо бўлган бўлиб, то ҳанузғача унинг на гуманитар, на табиий фанлар қаторига киритилиши аниқлангани йўқ, лекин шунға қарамасдан, уни ҳар иккала йўналишдаги соҳалар бўйича тўпланган маълумотлар, қонуниятлар бирлашувининг маҳсули деб аташ мумкин. Аммо психологиянинг таркибиде ҳам гуманитар, ҳам ижтимоий билимлар мавжуд бўлишидан қатъи назар, у алоҳида хусусиятға эға бўлган мустақил фандир. Бизнингча, (Э.ғ), унинг моҳиятини ёритиш учун бошқа манбаға мурожаат қилиш ҳақиқатға яқинроқ маълумот бериши эҳтимол. Чунки психология фани яққол инсон фазилати, муайян тараққиёт хусусиятлари, механизмлари, қонуниятлари, ўзига хослик, алоҳидалик, яккаҳоллик табиати юзасидан баҳс юритади. Психология фанини таҳлил қилишда унинг қай фан соҳаси билан алоқасини аниқлашдан кўра илмий ва кундалик турмуш психологияси ўртасидеги муносабат тўғрисида мулоҳаза юритиш мақсадға мувофиқдир. Маълумки, ҳар қандай фан неғизиде одамларнинг турмуш ва амалий тажрибаси муайян даражада ўз аксини топган бўлади. Масалан, кимё предмети моддаларнинг хусусиятлари, уларнинг зичлиги, оғирлиги, ўзаро бирикуви тўғрисидаги кундалик турмуш билимларига суянади, математика фани сонлар, миқдорий муносабатлар, геометрик шаклларнинг хоссалари, тригонометрик функциялар ҳақидеги инсон тасаввурлари асосига қурилади. Лекин психология юзасидан ана шундай мулоҳазалар юритиш ёки билдириш мумкин эмас, чунки, унинг замириде тубдан бошқача ўзига хослик ётади. Ҳар қайси шахс кундалик турмушнинг ўзига хос психологик билимларини эғаллаган бўлиб, ўз савияси, салоҳияти билан турлича камолот кўрсатғичига эғадир, ҳатто турмуш тажрибасиде тўпланган билимлар илмий психологик билимлардан устунроқ туриши ҳам мумкин (қари билганни-пари билмас). Чунки йирик ёзувчилар (шахслараро муносабат ва муомала, мулоқот хусусиятлари юзасидан кузатувчанликка эғадирлар), врачлар, ўқитувчилар, руҳонийлар, савдогарлар узлуксиз равишда кишилар билан муомалаға киришишлари натижасиде уларнинг ички дунёси ва



хулқ-атвориға оид билимлар билан юксак даражада қуроллангандирлар. Лекин ҳар қандай инсонда ҳам озми ёки кўпми психологик билимлар мавжуддир, бунинг далили сифатида одамларнинг бир-бирларини тушунишлари, таъсир ўтказишлари, хулқ-атвор оқибатини олдиндан башорат қилиш, кишининг яккаҳол хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга ёрдам кўрсатишни таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Энди кундалик турмушнинг психологик билимлари билан илмий психологик билимлар ўртасидаги тафовутлар юзасидан мулоҳаза юритиш айти муддаодир. Кундалик турмушга оид психологик билимлар, даставвал, яққол ва алоҳида олинган ҳолат, вазиятни ўз ичига қамраб олади. Масалан, синчков бола ўз муддаосига етиш учун отасига, онасига, бувасига, опаси ҳамда акасига ҳар хил услуб билан таъсир ўтказади, турлича воситалардан фойдаланади. У кўзланган мақсадига эришиш учун катта ёшдаги одамларнинг индивидуал-типологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутеди. Кундалик турмушга оид психологик билимлар аниқ вазиятга қаратилганлиги, бирор шахсга йўналтирилганлиги билан илмий психологик билимлардан фарқ қилади.

Илмий психология эса муайян методлар, воситалар, услублар, усуллар, операциялар ёрдамида маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштиришга интилади, изланаётган объектнинг хусусияти, ҳолати, муносабати, боғланиши кабиларни акс эттирувчи илмий тушунчалар, таърифлар, қонуниятлар, хоссалар ёрдамида психологик механизмлар кашф қилишга ҳаракат қилади.

Одатда шахснинг хусусиятлари, сифатлари, фазилатлари, хислатлари, хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари бўйича турмуш шароитидаги билан фан оламидагилар (ҳатто илмий тушунчалар, атамалар) ўзаро ўхшаб кетса-да, лекин илмий психологик мазмун, моҳият, мажмуа ўзининг тузилиши, таркиби, аниқлиги, мантиқан изчиллиги, маънонинг йиғиқлиги билан кескин ажралиб туради.

Юқорида юритилган мулоҳазалар кундалик турмуш тажрибасида тўпланадиган психологик билимлар билан илмий билимлар орасидаги дастлабки (биринчи) фарқни шарҳлашга йўналтирилганлиги боис алоҳида аҳамият касб этади. Лекин шу нарсани ёддан чиқармаслик керакки, турмушга оид амалий психологик билимларга асосланмасдан туриб, илмий психологик назарияларни яратиш мумкин эмас. Ҳолбуки шундай экан, амалий билимлар генетик келиб чиқиши нуктаи назаридан бирламчи ҳисобланади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, кундалик турмуш психологик билимлари аксарият ҳолларда фаросатлилиқ, сезгирлик, топқирлик хусусияти асосида интуитив тарзда намоён бўлиши кузатилади. Бунинг асосий сабаби шуки, кўпинча эгалланаётган билимлар ҳаётий тажрибада учраган воқеликка нисбатан муносабат, амалий синовлар негизида вужудга келади, кейинчалик ундаги айрим дағаллик ва нуқсонлар силлиқланади. Шунинг учун ундай психологик билимлар махсус услублар ёрдамида қабул қилинади, аммо мантиқий таҳлил қилинмасдан туриб тўғридан-тўғри муомала тизимиға узатилади.

Турмушда учрайдиган гўдакларнинг ҳар хил шаклдаги хархашалари ва уларнинг мақсадга эришиш истаклари кундалик ҳаётий тажрибаларнинг

синовларида тобланади, сезгир болалар катта ёшдаги одамларнинг заиф ва мустаҳкам томонларини пухта ўрганадилар, бу борада муайян қарорга келганларидан сўнг ҳар қайси шахсга яккаҳол ёндашишини амалиётга татбиқ қилиб кўрадилар. Ана шу тариқа амалий психологик билимлар маълум тизимга киритилади, уларнинг барқарор хусусият касб этганлари эса турмушда қўллана бошланади.

Ижтимоий ҳаётда (муҳитда) жуда кўп учрайдиган, айниқса, ўқитувчилар, мураббийлар, тренерлар, раҳбарлар, врачлар фаолиятида намоён бўлувчи таълимий, тарбиявий, тиббий услуб арзимас ижобий силжишни пайқаш имкониятини яратади. Амалий фаолиятда эришилган ушбу самара психологик таҳлилга муҳтождир, чунки уни келтириб чиқарувчи объектив ёки субъектив омилларни далиллаш анча мушкулдир. Бунинг учун ўзгаларга таъсир ўтказиш усули, уларда ички имкониятга ишонч туйғусини уйғотиш кўзғовчиси, таъсирга берилувчанликни кучайтирувчи мотивлар (французча *motif* кўзғатувчи сабаб маъносини билдиради) табиатини чуқур таҳлил қилиш керак. Фақат мана шу йўл билангина силжишнинг психологик маъно касб этишини далиллаш мумкин, холос.

Ҳаётий психологик билимларнинг илмий психологик билимлардан фарқи шундан иборатки, илмий жиҳатдан асосланган билимлар англашилган, мантикий пухта, оқилоналик хусусиятига эга бўлади. Илмий психологик билимлар фараз ва ғояларни илгари суриш дақиқасидан бошлабоқ шакллана боради, улардан келиб чиқадиган оқибатларни мантиқан текшириш билан яқунланади. Бунда ҳам олға сурилган ғоялар текшириш жараёнида бирон-бир тасдиқ ёки инкор маъносига эришсагина илмий психологик билимлар тизимига киритилади.

Ҳаётий психологик билимларнинг илмий психологик билимлар билан қиёсланишни давом эттирсак, унда улар ўртасидаги тафовутлар янада яққолроқ кўзга ташлана бошлайди. Ўзидан ўзи маълумки, ҳаёт психологиясида тўпланган билимларни мерос сифатида бевосита қолдириш ёки уларни ёш авлод онгига қайсидир йўл билан узатиш имконияти ўта чеклангандир. Чунки кекса (катта) авлод томонидан яратилган турмуш психологиясини ёш авлод тўғридан-тўғри қабул қила олмайди. Ҳар бир ёш яккаҳол равишда ҳаётий психологик билимларни шахсий тажрибасидан ўтказганидан кейингина уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Ана шу боисдан кекса ёки катта авлод билан ёш авлод ўртасида юз берадиган низолар, тушунмовчиликлар узлуксиз, тўхтовсиз равишда давом этаётганлиги сабабли абадий қонуниятларига айланиб кетгандир. Авлодлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, англашилмовчилик тўсиғи, ҳаёт диалектикасини вужудга келтириб, мангулик муаммосига айланиб қолган инсоф, иймон, нафосат, адолат, эрк тушунчалари атрофидаги баҳсларни давом эттиришга пухта замин ҳозирлайди. Илмий психологик билимлар бундан фарқли ўлароқ тажрибаларда, илмий тушунчалар ва қонуниятларда янада ойдинлашади, сўз ва аломатлар орқали, нутқ ёрдамида муайян ёзма нутқ манбаларида қолдирилади. Шунинг учун уларнинг ёйилиш кўлами кенг, тарқалиш суръати тездир.

Кундалик турмушда тўпланадиган психологик билимлар кузатишлар, мулоҳазалар у ёки бу яққол ҳолатга нисбатан қарорга келишлар замирига қурилади. Илмий психологик билимлар ташхис қилиш, синаш, тажриба (эксперимент) ўтказиш орқали бир воқеликни бир неча марта такроран текширишлар ёрдамида умумлаштирилади. Агарда кундалик турмуш психологиясининг материаллари табиий равишда рўй берган вазият, ҳолат, воқелик кабиларни таҳлил қилиш натижасида юзага келса, илмий психологик билимлар кенг қамровли тажриба маълумотларига таянади. Тажрибалар эса бир неча босқичлардан, қисмлардан ташкил топган ҳолда вазиятлар табиий кўринишини кутиб ўтирмасдан, балки зарур шароит яратилади.

Шу фактни (омилни) яна бир маротаба таъкидлаш ўринлики, илмий психологияда катта ҳажмдаги материаллар, шу жумладан, қонуниятлар, хусусиятлар умумлаштирилади, инсоннинг ички имконияти, истеъдоди, ишчанлиги, қобилияти юзасидан умуминсоний тавсифга эга бўлган теран хулосалар чиқарилади. Бунинг натижасида одам психикасини аниқлаш, башорат қилиш, айрим рухий нуқсонларни тузатиш, нохуш кечинмаларнинг олдини олиш имконияти туғилади, бу эса ижтимоий, ижтимоий-психологик боғланишлар моҳиятини оқилона тавсифлаш учун хизмат қилади. Ижтимоий ва яққаҳол турмуш оғирликлари ва ташвишларини камайтириш, ақлий ҳамда жисмоний зўриқишларни пасайтириш, шахслараро низоларни бартараф этиш сингари саби-ҳаракатларни фақат илмий психологик материалларга асосланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Шунинг учун психологиянинг турли соҳалари(ёш психологияси, педагогик психология, тиббиёт психологияси, социал психология ва бошқалар)да ўтказилган тадқиқот ишлари илмий асосда психика, психик ҳолат, психик ҳодиса, психик жараён, психик функция, психик хусусият, ижодиёт, фаолият, онг, хулқ, муомала сингари тушунчалар бўйича материаллар тўплаб беради, шунингдек, психик акс эттиришнинг (физик, физиологик, психик, онг, ўзини ўзи англаш) моддий асослари, механизмлари юзасидан қонуният очишга имкон яратади, ҳатто инсоннинг ўзлигини англаш ва бошқариш сари етаклайди.

Энди психология фанининг предмети тўғрисидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қилайлик. Маълумки, психология тарихида бу муаммони таҳлил қилишга бағишланган сон-саноксиз тадқиқотлар мавжуддир. Лекин улар ҳақида батафсил фикр юритмоқчи эмасмиз, чунки бу нарса навбатдаги параграфда берилиши режалаштирилган.

«Психология» (юнонча psychelogos) сўзини ўзбек тилига таржима қилсак, у «жон», «рух» ҳақидаги «фан, таълим» деган маъно англатади. Бироқ ҳозирги даврда «жон» тушунчаси ўрнига «психика»ни қўллашда давом этмоқдамиз. Лингвистик нуқтаи назардан «жон», «психика» тушунчалари айнан бир хил маънони билдиради. Лекин «психика» тушунчаси бугунги кунда «жон»дан кенгроқ кўламга эга бўлиб, ҳам кўзга кўринувчи, ҳам кўзга кўринмовчи томонларини ўзида акс эттиради. Психиканинг таркибий қисмлари фаолият, хулқ, муомала яққол намоён бўлиш хусусиятига эга бўлса, билиш жараёнлари, психик ҳолатлар, ички кечималар, ижодий режалар, илмий фаразлар мияда мужассамлашгани учун улар кўзга кўринмайди. Психология

фанининг кейинги даврдаги тараққиёти улар ўртасида бир талай тафовутларни келтириб чиқарди.

Психика тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун даставвал психик ҳодисалар моҳияти билан танишамиз. Одатда психик ҳодисалар деганда ички, субъектив тажриба фактларнинг (воқеликнинг) намоён бўлиши тушунилади, бошқача сўз билан айтганда, психика ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл каби ҳар бири алоҳида олинган яққол шаклларида иборатдир. Ички, субъектив тажрибанинг ўзи нимани англатади? Инсондаги қувонч ёки зерикаш туйғулари, унинг нималарнидир эсга тушириши, бирон-бир хоҳиш ёки интилиш кечинмалари, хотиржамлик ёки ҳаяжонланиш, ҳадиксираш ҳисларининг барчаси шахс ички дунёсининг таркибий қисмларидир, яъни буларнинг ҳаммаси субъектив психик ҳодисалар саналади.

Субъектив ҳодисаларнинг асосий хусусияти - уларнинг бевосита субъектга тааллуқлилигидир. Агар инсон идрок қилса, сезса, фикрласа, эсласа, хоҳиш билдирса, албатта ана шу ҳодисаларни бир даврнинг ўзида тушуниб (кузатиб) ҳам туради. Инсон интилса, иккиланса, бир қарорга келса, биз уларнинг барчасини содир бўлаётганлигини англаб турамиз ҳам. Шунинг учун психик ҳодисалар бизнинг руҳиятимизда содир бўлишидан ташқари, улар бевосита кўз ўнгимизда намоён бўлиб туради. Образли қилиб айтганда, одамнинг ички дунёсида турли ҳодисалар вужудга келади, кечади, одатда шахс бундай ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларнинг томошабини ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган субъектив ҳодисалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда айрим психологлар психология фани субъектив кечинмаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кечиши билан шуғулланиши зарур, унинг асосий методи ўзини ўзи кузатиш (шахснинг ўз фикрлари, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини ўзи кузатиши) бўлмоғи керак деган хулосага келадилар. Лекин психология фанининг кейинги даврдаги тараққиёти бундай чекланганлик фанни мутлақо таъминлай олмаслигини тасдиқлади.

Психиканинг турли шаклларда кўриниши, жумладан, психик жараёнлар, англашилмаган ҳолатлар, ҳулқ-атвор, психосоматик (юнонча *psyche* «жон», *somo* «тана» маъносини англатади) ҳодисалар, инсон ақл-заковати ва қўлининг мўъжизакорлиги моддий ва маънавий маданият маҳсулини яратди. Ҳар қандай фактларда (воқеликда), ҳодисаларда психика намоён бўлади, ўзининг хусусиятларини ажратади, фақат улар орқалигина психикани ўрганиш мумкин.

Психологик воқелик - факт деганда субъектнинг ички кечинмаларининг таркибий қисмлари билан бир қаторда уларнинг объектив шакллари (ҳулқ-атвор, тана ҳаракати, жараёни, фаолият маҳсули, ижтимоий-маданий ҳодисалар) орқали психиканинг хусусиятлари, ҳолатлари, қонуниятларини ўрганиш тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, инсон онгидан ташқари, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳукм сурувчи объектив борлиқ, яъни атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар, муҳит, шароит ва бошқаларнинг психикада акс этиши психологик воқелик деб аталади.

Шундай қилиб, юқорида биз психология тўғрисидаги тасаввурлар, унинг предмети ҳамда унга кирувчи илмий тушунчалар, психологик ҳолатлар,

воқелик юзасидан фикр алмашдик, илмий психологик материаллар ўртасидаги боғлиқлик ва тафовут бўйича мулоҳаза юритдик.

Бугунги кунда психология тўғрисидагина эмас, балки унинг соҳалари бўйича ҳам бой илмий материаллар тўпланган. Жаҳон психология фани тажрибасидан мана бундай соҳалар мустақил тадқиқот предметиға эға эканлиги ҳақида ишончли далиллар мавжуддир: меҳнат психологияси (инженерлик психологияси, авиация психологияси, космик психологияси), педагогик психология (таълим психологияси, тарбия психологияси, олий мактаб психологияси, махсус психология, истеъдод психологияси) тиббиёт психологияси (психотерапия, психогигиена, психофармокология, патопсихология), юридик психология (меҳнат тузатиш, суд психологияси, суд психологик экспертизаси) ҳарбий психология, савдо ва реклама психологияси, спорт психологияси, ёш психологияси, қиёсий психология, психофизиология, экспериментал ва амалий психология кабилар.

Психология предмети қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

- 1) психологик билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира ва ҳоказо),
- 2) психиканинг шакллари (фаолият, хулқ, муомала),
- 3) психиканинг ҳолатлари (кайфият, хаёлпаршонлик кабилар),
- 4) психиканинг ҳодисалари,
- 5) психиканинг хислатлари, фазилатлари, сифатлари, хоссалари,
- 6) психиканинг қонуниятлари,
- 7) психиканинг механизмлари,
- 8) психик шароит, муҳит, вазият,
- 9) ўзаро сабабий боғланишлар,
- 10) тадқиқот методлари, воситалари, материаллари, принциплари ва ҳоказо.

## **2. Психология фанининг вужудға келиши**

Психология фанининг вужудға келиши, шаклланиши, ривожланиши тўғрисида батафсил маълумот бериш ушбу курс учун шарт эмас, чунки унинг психология тарихи соҳаси мавжуддир. Шунга қарамасдан, психология фанининг пайдо бўлиши ҳақидаги айрим илмий материаллар, маълумотлар юзасидан қисқача мулоҳаза юритиш мақсадға мувофиқ.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида қадимги одамлар табиий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ибтидоий жамоа аъзоларининг психологик хусусиятларини аниқлаш, улардан шахслараро муносабатларда оқилона фойдаланиш, ўзининг хатти-ҳаракати, шахсий фаолияти ва муомалаға киришишида уларни ҳисобға олишға интилиб яшаб келганлар. Кўп минг йиллик ижтимоий ҳаёт тажрибаларига асосланган равишда одамлар шахсининг индивидуал (лотинча *individuum* алоҳида, яккахол одам) хусусиятларини жон билан боғлашға ва унинг таъсири билан изоҳлашға ҳаракат қилишган. қадимги одамларнинг тасаввурларига қараганда, инсон танасида жон жойлашган бўлиб, у шахсға оид хусусиятлар, хислатларни вужудға келтириш имкониятиға эға эмиш. қадимги аждодларимизнинг «жон» тўғрисидаги тасаввурлари шунга боғлиқ, мутаносиб тушунчасини келтириб

чиқарди ва бунинг натижасида анимизм (лотинча *anima* «жон» деган) таълимоти инсоният томонидан кашф қилинади. Ибтидоий халқларнинг тасаввурларида руҳ инсоннинг танаси билан узвий боғлиқ ҳолда ҳукм суради, гўёки яшайди. Шунинг учун ижтимоий ҳодисалар, ҳатто онг, шунингдек, реал воқеликлар (ўлим, уйқу, беҳуш бўлиш, бетоблик) кабиларни содда тарздаги моддийлик (мавжудлик) нуқтаи назаридан талқин қилишга уринганлар. Содда тафаккур шакллари билан қуролланган қадимги одамлар атроф-муҳит тўғрисидаги ранг-баранг ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини илмий жиҳатдан далиллаш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли идрок қилинган нарсани унинг ҳақиқий моҳияти тарзида акс эттиришган. Уларнинг тасаввурларида куйидагича талқинлар кенг ўрин эгаллаган:

1) ўлим - уйқунинг бир тури, лекин руҳ баъзи бир сабабларга кўра танага қайтиб келмайди;

2) туш кўриш - уйқудаги танани тарқ этиб юрган ҳаракатдаги руҳнинг таассуротидир;

3) руҳ - инсоннинг айнан ўзидир;

4) руҳнинг эҳтиёжлари, турмуш шароитлари тирик одамникидан тафовутланмайди;

5) марҳумларнинг руҳлари муайян машғулотлар тизимида, ижтимоий қонун-қоидаларга риоя қилувчи ҳамжамиятни яратар эмиш;

6) тирик инсонлар билан марҳумларнинг руҳи бир-бирига боғлиқ бўлиб, моддий жиҳатдан ўзаро алоқадордирлар.

қадимги инсонлар табиатнинг қудрати (куч-қуввати) олдидаги заифлиги туфайли яқка шахс ҳам, жамоа ҳам руҳга итоаткор тарзида тасаввур этилиши натижасида дин, ибодат тушунчалари пайдо бўлади.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида меҳнатни режалаштириш, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг табақалашуви, одамлар тафаккурининг ривожланиши туфайли жоннинг (руҳнинг) моддийликдан ташқари хусусияти, кўриниши юзасидан ғоялар вужудга келади. Бунинг натижасида анимистик тасаввурлар ўрнини руҳни борлиқнинг натуралистик (лотинча *natura* табиат маъносини англатувчи) фалсафий манзараси тарзида изоҳлаш намоён бўла бошлади:

1. Руҳ оламининг ибтидосини ташкил қилувчи нарсалар (сув, ҳаво, олов)нинг инсонлар ва ҳайвонларга жон бағишловчи шакли (Фалес эрамиздан олдинги VII – VI асрлар, Анексимон V аср, Гераклит VI-V асрлар);

2. Эрамиздан олдин ижод қилган юнон файласуфларининг илмий изланишлари натижасида материянинг жонлилиги, яъни гилозоизм (юнонча *hule*- «модда», *zoi* «ҳаёт» маъноси) тўғрисидаги ғоя юзага келади;

3. Материянинг жонлилиги ҳақидаги ғояни ривожлантирган атоанизм (юнонча *atomos*-«бўлинмас» дегани) намояндалари (Демокрит эрамиздан аввалги V-IV асрлар, Эпикур IV-III асрлар, Лукриций I аср) бир қанча фикрларни илгари сурдилар, жумладан:

а) Руҳ танага жон бағишловчи моддий жисмлар;

б) моддий асос сифатидаги ақл;

в) ҳаётни бошқарувчи идрок вазифасини бажарувчи аъзо;

- г) руҳ билан ақл тана аъзолари, бинобарин, уларнинг ўзи ҳам танадир;
- д) улар шарсимон, кичик ҳаракатчан атомлардан иборатдир.

Атомистларнинг фикрлари таҳлили шуни кўрсатдики, унда тананинг (жонли нарсанинг) акс эттиришидан тортиб то психикага (юксак ақл-идроқча) жонлилиги хусусиятининг материяга хос хусусият эканлигининг эътироф этилиши ўша давр учун буюк илмий воқелик эди.

Юқоридаги психолог олимларнинг мулоҳазалари организмнинг анатомик-физиологик тузилиши, мианинг таркиби сингари моддий асосларга суянган ҳолда реал воқеликни тушунтириш имкониятига эга эмас эди. Худди шу омилдан келиб чиққан ҳолда инсоннинг тафаккури, шахсий фазилатлари, унинг мақсад кўзлаши, гавдани идора этишга қобиллигини далиллаш тўғрисида фикр юритиш мураккаб руҳий жараён ҳисобланади.

Жумладан, Афлотун (эрамиздан аввалги 428Ғ27–347 йиллар) жоннинг таркибий қисмлари тўғрисидаги тушунчани психологияга олиб киради: а) ақл-идроқ, б) жасорат, в) орзу-истак кабилардан иборат бўлиб, улар бош, кўкрак, қорин бўшлиғига жойлашгандир. Афлотун психологияда дуализм (лотинча *dualis* икки мустақил маъно билдиради) таълимотини руҳий оламни, тана билан психикани иккита мустақил нарса деб изоҳлайди.

Афлотуннинг шогирди Арасту (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар) ўзининг таълимотида психологияни табиий-илмий асосга қуриб, уни биология ва тиббиёт билан боғлаб тушунтиришга эришган. Арастунинг «Жон» тўғрисидаги китоби маълум бир давр учун тараққийпарвар манба вазифасини бажаради. Унда одамларнинг ва ҳайвонларнинг кундалик ҳаётий лаҳзаларини кузатиш орқали яққол воқеликни тасвирлаш, таҳлил қилиш жараёнлари мужассамлашгандир. Арастунинг таъкидлашича, жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятнинг озиқланиш, ҳис этиш, ҳаракатга келтириш, ақл, идрок каби турларга оид қобилиятларда рўёбга чиқади. Унинг мулоҳазасича, сезги билишнинг дастлабки қобилияти, у тасаввур шаклида из қолдириши мумкин.

қадимги дунёнинг кейинги ривожланиши паллаларида психологик ғоялар мукаммаллашиб, унга оид таянч тушунчалар вужудга кела бошлади, ҳатто руҳ ҳозирги замон психикаси каби қўлланиш қўлами кенгайди.

Психика категориясининг негизида идрок ва тафаккурдан ташқари онг тушунчаси юзага келди, бунинг натижасида ихтиёрий ҳаракатлар ва уларни назорат қилиш имконияти туғилди. Масалан, румолик шифокор Гален (эрамиздан олдинги II аср) физиология ва тиббиёт ютуқларини умумлаштириб, психиканинг физиологик асослари тўғрисидаги тасаввурларни янада бойитди. Унинг илгари сурган ғоялари «онг» тушунчаси талқинига муайян даражада яқинлашади.

XVII аср биология ва психология фанлари тараққиёти учун муҳим давр бўлиб ҳисобланади. Жумладан, француз олими Декарт (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлигини кашф этилиши, юракдаги мушакларнинг ишлаши (фаолияти) қон айланишнинг ички механизми билан бошқарилаётганлигини тушунтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, рефлекс (лотинча *reflexus* акс эттириш) организмнинг ташқи таъсирга қонуний равишдаги жавоб реакцияси сифатида талқин қилиниш, асаб-

мушак фаолиятини объектив тарзда билиш воситасига айланди, сезги, ассоциация, эҳтирос юзага келишини изоҳлашга имкон яратилди.

Психология фанининг илмий асосга қурилишида инглиз олими Гоббс (1588-1679) руҳни мутлақо рад этиб, механик ҳаракатни ягона воқелик деб тан олиб, унинг қонуниятлари психологиянинг ҳам қонуниятлари эканлигини таъкидлади. Унинг негизида эпифеноменализм (юнонча ері ўта, *phainomenon* ғайритабиий ҳодиса) вужудга келди, яъни психология танадаги жараёнларнинг сояси сингари рўй берадиган руҳий ҳодисалар тўғрисидаги таълимотга айланди.

Нидерландиялик олим Спиноза (1632-1677) онгни катта кўламга эга материядан сира қолишмайдиган воқелик, яъни яққол нарса деб тушунтирди. У детерминизм (лотинча *determinata* белгилайман) принципнинг, яъни табиат, жамият ҳодисаларининг, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг объектив сабаблари билан белгиланиши ҳақидаги таълимот тарғиботчиси эди.

Немис мутафаккири Лейбниц (1646-1716), инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704), инглиз тадқиқотчиси Гартли (1705-1757), француз Дидро (1713-1784) кабилар ғоялар ассоциацияси (боғланиши) қонуни, идрок ва тафаккурнинг пайдо бўлиши, қобилятлар психологияси ҳақида муҳим таълимотларини яратиш билан фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар.

XVIII асрга келиб нерв системасини тадқиқ қилишда улкан ютуқларга эришилди (Галлер, Прохазка), бунинг натижасида психика миyanинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот вужудга келди. Инглиз тадқиқотчиси Чарльз Белл ва француз Франсуа Мажанди томонидан ёзувчи ва ҳаракат нервлари ўртасидаги тафовут очиб берилди, унинг негизида рефлектор ёйи деган янги тушунча психология фанида пайдо бўлди. Буларнинг натижасида ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз) рефлектор турлари кашф қилинди. Юқоридаги илмий кашфиётлар таъсирида рус олими И.М. Сеченовнинг (1829-1905) рефлектор назарияси рўёбга чикди ва ушбу назария психология фанининг физиологик асослари, механизмлари, бош миё рефлексларининг ўзига хос хусусиятлари табиатини очиб бериш имкониятига эга бўлди.

Психология фанининг экспериментал, психоаналитик, бихевиористик, эмпирик, эпифеноменалистик, гештальт, ассоциатив, вюрцбург, психогенетик, редукционизм, солипцизм, гуманистик, биогенетик, социогенетик каби йўналишлари томонидан тўпланган маълумотлар ҳозирги замон психологиясини вужудга келтирди. Худди шу йўналишларнинг ранг-баранг методикалари, методлари умумий психология фанининг предметини ва унинг тадқиқоти принципларини аниқлаб берди.

### **3. Психиканинг физиологик механизмлари**

Психиканинг рефлектор табиати, хусусияти тўғрисида мулоҳаза юритилганда рус олими И.М.Сеченов ва унинг шогирдлари томонидан тўпланган материаллар тасаввур этилади. И.М.Сеченовнинг «Бош миё рефлекслари» номли асарида қатъий равишда фикр билдиришича, «онг ва онгсиз ҳаётнинг барча ҳаракатлари рўй бериш усулига кўра рефлекслардан



иборатдир». Психик ҳодиса сифатида онгнинг ҳаракати танасиз руҳнинг хусусиятига эмас, балки тадқиқотчининг мулоҳазасига қараганда, рўй бериш, вужудга келиш усулига, тузилишига биноан рефлексга ўхшаш хислатга эга бўлган жараёндир. Шундан келиб чиққан ҳолда фикр янада ривожлантирилса, психик (руҳий) ҳодиса инсоннинг шахсий ғояларини, ҳиссий кечинмаларини, сезги ва идрок жараёнларини ўзи кузатиш жараёнида акс этувчи воқеликдангина иборат эмас. Балки у рефлекс сингари ташқи кўзғатувчиларнинг таъсирини ва унга жавобан билдириладиган ҳаракат реакциясини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Маълумки, И.М. Сеченовгача бўлган психологик, физиологик назарияларда инсоннинг онгида образлар, тасаввурлар, мулоҳазалар, ғоялар тарзида инъикос (акс) эттирилувчи ҳодисаларни психология фанининг предмети сифатида тан олинар эди. Лекин бу психологик воқелик Сеченов томонидан организмнинг муҳит билан ўзаро таъсир ҳаракатининг алоҳида шаклидан иборат эканлиги, психологик яхлит жараённинг айрим ҳолатлари, унинг лаҳзалари тариқаси тушунтирилди. Психологияда тан олиб келинаётган психик жараёнлар онгнинг ичида туғилади ва унинг ичида яқунланади, деган ғоя И. М. Сеченов томонидан инкор қилинади, асоссиз даъво эканлиги таъкидланади.

И.М.Сеченовнинг фикрича, психик ҳодиса бус-бутун (яхлит) рефлектор ҳаракат туфайли юзага келувчи ва унинг маҳсули бўлиши билан бирга ҳам вужудга келмаган, лекин таъсир ўтказиш эҳтимоли мавжуд кутилмадан бохабар қилувчи омил функциясини ҳам бажаради, яъни илгарилаб кетувчи башорат вазифасини ижро этади. Бундай дадил илмий мушоҳадалар психик жараёнлар умуман қандай роль ўйнаши мумкинлиги, уларнинг ўрни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун моддий негизни вужудга келтиради. Психик жараёнлар организмда сигнал ва бошқарув (регулятив) функциясини ижро этиб, ўзгарувчан шарт-шароитларга ҳаракатни мослаштиради, шунингдек, мазкур дақиқада юқори самарага эришишни таъминлайди. Психик жараён миянинг бўлмалари (таркибий қисмлари) функцияси тариқасида ташқи олам (борлиқ) тўғрисидаги ахборотнинг қабул қилиниши, сақланиши, қайта ишланишини ўзида мужассамлаштирувчи жавоб фаолиятининг идора қилувчиси ҳисобланади. Шунинг учун одамларнинг билимлари борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари, шахснинг шахсий тажрибаларининг йиғиндиси (мажмуаси) рефлектор ҳаракат таркибига киради. Шундай қилиб, психик ҳодисалар деганда миянинг ташқи (қуршаб турган олам) ва ички (физиологик тизимдаги организмнинг ҳолати) таъсирларга жавобини тушунмоқ керак. Бошқача сўз билан айтганда, психик ҳодисалар: биринчидан, бу фаолиятнинг фавқулодда таъсир этаётган (сезгирлар, идрок), иккинчидан, ўтмиш тажрибада (хотира) акс этган кўзғатувчига жавоб тарзида рўёбга чиқадиган, мазкур таъсирни умумлаштирадиган, учинчидан, пировард натижаларни (тафаккур, хаёл) олдиндан пайқашга ёрдам берадиган, тўртинчидан, монотон таъсиротлар оқибатида фаолиятни (ҳис-туйғу, ирода) кучайтирадиган ёки сусайтирадиган, бешинчидан, умуман фаоллаштириб юборадиган, ўзгача таъсиротлар натижасида уни тормозлайдиган, олтинчидан, шахс хулқ-атворидаги

(темперамент, характер ва ҳоказолар) тафовутларни аниқлайдиган доимий регуляторлари (идора қилувчилари) дир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, И. М. Сеченов психиканинг рефлекторлиги ва фаолиятнинг психик жихатдан бошқарилиши таълимотини хаспўшлаб берди. Бу илғор ғоя, муҳим таълимот, назария рус олими И.П.Павлов (1849-1936) томонидан экспериментал тасдиқланди ва хусусий ҳолатларда кенг кўламда яққоллаштирилди. И.П.Павлов ҳам одамларнинг, ҳам ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати мия билан бошқарилиши қонуниятини очган эди. Унинг мазкур қонуниятларга тааллуқли қарашлари йиғиндиси биринчи ва иккинчи сигналлар тизими тўғрисидаги таълимот тариқасида фан оламида арзигулик мавқе эгаллади.

Теварак-атроф муҳитидаги нарса ва ҳодисаларнинг кўриниши, эшитилиши, ҳид тарқатиши, товланиши, енгил ёки оғирлиги, қаттиқ ёки юмшоқлиги кабилар ҳайвонлар учун шартсиз қўзғатувчи сигнал бўлиб хизмат қилади, кейинчалик улар шартли рефлексга айланиши мумкин. Ҳайвонлар ўз хатти-ҳаракатларида И.П.Павлов таъбири билан айтганда, биринчи сигнал системасининг сигналлари («биринчи сигналлар»)га риоя этадилар. Бинобарин, уларнинг психик фаолияти биринчи сигналлар системаси босқичида амалга ошади ва унга узлуксиз равишда амал қилади. Инсон фаолияти ва хулқ-атвори учун ҳам биринчи сигнал системасининг сигналлари (яққол, тасаввурлар, тимсоллар, образлар) уларни бошқариши, йўналтириши, ҳаракатлантириши фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, йўл (кўча) қоидалари, автомобиль, электровоз сигналлари, хавф-хатар белгилари шахс учун муҳим роль ўйнайди. Шуни унутмаслик керакки, инсоннинг хулқ-атворини сигнал қўзғатувчилар механик равишда бошқармайди, балки мазкур қўзғатувчиларнинг мияга ўрнашиб қолган тимсоллари, яъни сигналлари бошқариб туради. Муайян тимсолга эга бўлган тимсоллар нарса ва ҳодисалар тўғрисида сигнал жўнатади, бунинг натижасида инсоннинг хатти-ҳаракатини бошқариб туради.

Одамларда ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, биринчи сигналлар системаси билан бир қаторда иккинчи сигналлар системаси ҳам мавжуддир. Иккинчи сигналлар системасининг сигналлари одамлар томонидан талаффуз этилган, қабул қилинган, эшитилган, ўқилган тушунчалар ва сўзлардан («иккинчи сигналлари»дан) ташкил топади. Одатда биринчи сигналлар системасининг сигналлари тимсолий сигналлар, ўз навбатида сўзлар билан алмаштирилади, узатилади. Сўз биринчи сигналлар системаси сигналлари ўрнини босиши, умумлаштириши ва улар вужудга келтирадиган жамики хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Сигналнинг кузатувчилари билан уларнинг мияда сўзларнинг мазмуни, моҳияти, маъноси тарзида мужассамлашувини ўзаро тафовутлаш мақсадга мувофиқ. Мабодо, сўзнинг маъноси шахсга таниш бўлса, у ҳолда унинг хулқ-атворини бошқара олади, табиий ёки ижтимоий муҳитга мослашувини таъминлашга ёрдам кўрсатади. Агарда сўзнинг маъноси нотаниш бўлса, у одамга фақат биринчи сигналлар системасининг сигналлари тарзида таъсир ўтказади ёинки шахс учун мутлақо қийматсиз, аҳамиятсиз нарсага айланиб қолади. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда психика

объектив борлиқнинг субъектив образининг воқелик тарзида мияда акс этиши деб баҳолаш мумкин.

Психикани акс эттириш имкониятини тўғри, оқилона талқин қилиш учун билиш назарияси, билиш манбалари, шакллари, услублари, ҳақиқатни ўлчаш мезонлари, воситалари, йўллари кабиларга илмий ёндашиш лозим. Психикани ўрганишда объект билан субъектнинг ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатини ҳисобга олиш шахснинг борлиқ тўғрисидаги билимларининг чинлиги (ҳақиқатлиги), инъикоснинг ўхшашлиги муаммолар ечимини топишга пухта негиз ҳозирлайди.

Психология фани психикани ўрганишнинг тадқиқот методларига, яққол вазифаларига, изланишнинг ранг-баранг мавзуларига эга бўлиб, вазият ва шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда уларга мурожаат қилади.

Психология фани таъсир кўрсатувчи (ўтказувчи) объектлари ҳисобланмиш субъектнинг ички психик (руҳий) ҳолатига, шунингдек, ташқи таассуротлар натижасида вужудга келадиган ўзгаришлар жараён сифатида қай йўсинда кечишини текширади. Психология акс эттирилувчи нарса ва ҳодисаларнинг инъикос жараёнига айланиш механизмларини, субъектнинг ўз фаолиятини режалаштиришни, назорат қилишни, бошқаришни тадқиқот этади.

Психика фаоллик хусусиятига эга бўлиб, у майлларда, мақбул ечимни қидиришда, хатти-ҳаракат вариантлари эҳтимоллигини ҳаёдан ўтказишда, ундашда, турткиларда ўз ифодасини топади. Худди шу боис психик акс эттириш (инъикос) сушт нарса эмас, балки у ҳаракат, хатти-ҳаракат, таъсир, ўзаро таъсир кабиларни танлаш, қиёслаш, излаш, ажратиш билан бевосита алоқадор шахс фаолиятининг муҳим жабҳаси саналади.

Ҳозирги замон психологиясида фаолият, жараён ва ҳулқ-атворнинг фаол бошқарилиши тескари алоқа аппаратининг ишлашини тақозо этади (П.К.Анохин, А.Н.Бернштейн ва бошқалар). Тескари алоқа тушунчаси кибернетика, физиология, психология фанларида кенг кўламда қўлланилиб келинмоқда. Тескари алоқа психология билан физиология фанларида ҳар бир жавоб ҳаракати ҳал қилинаётган вазифа (муаммо) мияда баҳоланилиши тушунилади. П.К.Анохин нуқтаи назарича, организмда муайян цикл билан иш бажарувчи яхлит система мавжуд. Мазкур системада марказдан жавоб ҳаракатига буйруқ берилишининг бирорта ҳам лаҳзаси тескари йўналишда (перифериядан марказга қараб) ҳаракатнинг натижаси ҳақида зудлик билан ахборот (тескари алоқа) юборилмагунча тугалланмайди. Тескари алоқа аппарати (системаси) ёрдами билан организм ўз ҳаракатининг натижасини образ (тимсол) билан таққослаб кўради. А.Н.Бернштейн талқинича, натижага нисбатан образ олдинроқ пайдо бўлади, воқеликнинг ўзига хос модели тарзида унинг юз бериши тўғрисида олдиндан (илгарилаб кетиб) ахборот, хабар, маълумот беради («башорат эҳтимоллиги» назарияси).

П.К.Анохин ва А.Н.Бернштейн назарияларига асосланган ҳолда психиканинг мавжудлиги ҳаракатнинг изчил дастурини (программасини) тузиш, олдинига ички режада иш бажариш, ҳулқ-атвордаги эҳтимол кўринишларини танлаш, босқичларини амалга ошириш туфайли ҳаракат қилиш имкони туғилади.

Табиатшунос олимларнинг мулоҳазаларича, биологик эволюция жараёнида шахс психикаси хулқ-атвори бошқаришнинг алоҳида аппарати тарзида пайдо бўлади, сифат жиҳатидан ўзгариб боради. Ижтимоий муҳит, шахслараро муносабат, жамоавий, оилавий турмуш (ҳаёт) қонунлари, қонуниятлари таъсири остида одамлар шахсга айлана бошлайди (ижтимоийлашув натижасида), уларнинг ҳар бирида микромуҳитнинг, камол топган тарихий шароитнинг излари ўз аксини қолдиради. Умумийлик (этник) билан хусусийлик (шахслилик) ўртасида ўзаро уйғунлик ҳукм сурса-да, лекин алоҳида олинган инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари шахсий хусусият касб этади.

Юқорида юритилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда психология фанига таъриф бериш мумкин. Психология - воқеликнинг миёда образ тарзида юзага келтирувчи психик омиллар, жараёнлар, ҳолатлар, қонуниятлар, хоссалар, вазиятлар, хислатлар, фазилатлар, механизмлар тўғрисидаги фандир. Инсоннинг шахсий хусусиятга эга бўлган хулқ-атвори ва фаолияти воқеликнинг миёдаги образлар ёрдами билан бошқарилиб туради.

#### **4. Психология ва унинг моддий асослари**

Психиканинг моддий асослари тўғрисида фикр юритилганда, энг аввало, у миёнинг хусусияти эканлигини таъкид этиш жоиз. Билиш жараёнлари тўғрисида гап кетганида, албатта сезги, фикр, онг кабилар махсус равишда ташкил топган материянинг олий маҳсули эканлигини уқтириш мақсадга мувофиқдир. Организмнинг психик фаолияти тананинг кўп миқдордаги аъзоларининг ёрдами билан ишга тушади. Аъзоларнинг баъзи бирлари таъсиротларни қабул қилса, бошқалари уларни сигналларга айлантиради, хатти-ҳаракатларнинг режасини тузади ҳамда унинг амалга ошишини назорат қилади. Шунингдек, уларнинг бир гуруҳи хатти-ҳаракатга куч-қувват, ғайрат, шижоат бахш этади, яна бир тури эса мушакларни, пайларни ҳаракатлантиради. Мана шундай мураккаб функциянинг йиғиндиси (мажмуаси) организмнинг ташқи муҳитга мослашувини, унга мувофиқлашувини, ҳаётий вазифалар ижро этилишини, бажарилишини таъминлайди.

Органик оламнинг микроорганизмдан то инсонга қадар бир неча ўн миллион йил давом этган эволюцияси давомида хатти-ҳаракатларнинг, хулқ-атворнинг физиологик механизмлари узлуксиз равишда мураккаблашиб, табақаланиб, бунинг оқибатида организм муҳитнинг ўзгаришларига тез реакция қилувчан, мослашувчан хусусият касб этиб борган.

Жумладан, бир ҳужайрали амёбанинг ҳаёт кечириши унинг озуқа қидириш имконияти, ўз ҳаётини муҳофаза қилиш қобиляти муайян даражада чеклангандир. Ундаги ёлғиз ҳужайранинг ўзи ҳам сезувчи, ҳам ҳаракатланувчи, ҳам овқат ҳазм қилувчи вазифаларни ижро этади. Мураккаб тузилишга эга бўлган ҳайвонларда аъзоларнинг ихтисослашуви озукани кўриш, уни фарқлаш, хавф-хатарни тез сезиш, аниқ мўлжал олиш имкониятини беради. Ихтисослашувнинг асосий функцияси сигналларни идрок қилишдан иборат ҳужайраларнинг вужудга келишида ўз аксини топади. Мазкур ҳужайралар рецептор деб номланмиш ҳужайралар туркумини юзага келтиради.

Хужайраларнинг бошқалари мушак тўқималари ишини, безларнинг шира ажратишини назорат қилади. Бундай хужайралар эффекторлар дейилади. Ихтисослашув аъзоларни ҳамда функцияларни бир-биридан ажратади. Организмнинг асосий бошқарув имконияти яхлит нарса сифатида ҳаракат қиладиган марказий нерв системаси воситаси билан эришилади.

Нерв системасининг асосий унсурлари нерв хужайралари (нейронлар) ҳисобланиб, уларнинг функцияси қўзғатишдир. Нейрон хужайра таначасидан, дендритдан, аксондан ташкил топади. Марказий нерв системаси бош мия ва орқа миядан иборат.

Ҳозирги замон фанининг кўрсатишича, орқа мия ва мия найчаси рефлектор фаолиятининг туғма (шартсиз рефлекслар) ҳисобланган шаклларни амалга оширади, катта ярим шарларнинг қобиғи эса ҳаётда орттирилган, психика ёрдами билан бошқариладиган хулқ-атвор шакллариининг органи саналанади.

Мия катта ярим шарлари фаолиятининг умумий қонунлари И.П.Павлов томонидан кашф этилган. Ҳозирги замон физиологияси маълумотига қараганда, мияда ҳосил бўладиган тўлқинлар турли частотадаги электромагнит тебранишларига ўхшаб кетади. Мияда электроэнцефалограмма кўринишдаги кучайтиргич ёрдамида ёзиб олиш мумкин бўлган электр токлари пайдо бўлишининг кашф этилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки космонавт миясининг биотоклари ёзуви унинг марказий нерв системасида юз берадиган ўзгаришлар кўсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Одамнинг психик ҳаётида катта ярим шарлар қобиғи сиртининг пешона қисмлари алоҳида роль ўйнайди. Психик функциялар муайян тарзда чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланиши чуқур ўрганилган. Маълумки, психиканинг мазмуни тирик мавжудод ўзаро муносабатда бўладиган ташқи олам билан белгиланади. Шунинг учун ташқи олам инсон мияси учун шунчаки оддий биологик муҳит эмас, балки одамлар томонидан уларнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида яратилган ҳодисалар олами ҳамдир.

Психик ва нерв-физиологик жараёнларнинг ўзаро муносабати масаласи мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Психиканинг ўзига хос хусусиятлари нерв-физиологик хусусиятларидан қандай муҳим белгилари билан фарқланишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агарда мазкур ўзига хослик мавжуд бўлмаганида эди, у ҳолда психология мустақил билим соҳаси сифатида тадқиқ этилиши ҳам мумкин эмас эди. Психик жараёнлар ўзида ички, физиологик жараёнларнинг эмас, балки ташқи объектларнинг тавсифини мужассамлаштиради.

## **5.Психика ва акс эттириш**

Психика - бу юксак даражада ташкил топган материянинг системали хоссаси (хусусияти), субъект томонидан объектив борликни фаол акс эттириш, мазкур борлиқ манзараларини субъект ўзидан узоқлаштирмай ифодалаши, худди шу аснода ўз хулқини ва фаолиятини шахсан бошқаришдир. Психикада ўтмишнинг, ҳозирги давр ва келаси замоннинг ҳодисалари ифодаланган, тартибга солингандир. Ўтмиш ҳодисалари инсон хотирасида мужассамлашиб,

шахсий тажрибаларда намоён бўлади. Ҳозирги замон ақлий жараёнлар, ҳиссий кечинмалар, образлар ва тасаввурлар мажмуасида ифодаланади. Келажак эса турткиларда, мақсад, эзгу ниятларда, шунингдек, фантазия, виждон азоби, армон ва тушларда акс этади. Инсон психикаси ҳам англанилмаган, ҳам англанилган хусусиятга эга бўлиб, англанилмаган психика ўз навбатида ҳайвон психикасидан сифат жиҳатидан кескин тафовутга ва устуворликка эга.

Ташқи объектларнинг психика шаклида махсус тана аъзолари курилмасининг фаол ва илгарилаб инъикос этиши шарофати билан мазкур объектларнинг хусусиятига мутлақо мутаносиб ҳаракатларни амалга ошириш имконияти юзага келади. Шу билан бирга психиканинг вазият устуворлиги ва қидирув фаоллиги туфайли организмнинг таркиблари ўртасида яшаш учун кураш рўёбга чиқади.

Худди шу боисдан психикани аниқловчи асосий белгилари мавжуддир: предмет муҳити образини акс эттириш, тирик тана аъзоларини ҳаракат қилиш, уларнинг мазкур муҳитда ориентацияси, у билан алоқага киришиш эҳтиёжидан қониқиш, тўғри алоқалар тескари алоқа қилиш принципи бўйича акс эттириш тўғрилигини назорат қилиш кабилар. Инсоннинг назорат инстанцияси сифатида ижтимоий амалиёт хизмат қилади. Тескари алоқа шарофати туфайли образ билан ҳаракат натижасини таққослаш амалга оширилади, пайдо бўлувчи ҳолат бу натижасидан олдинроқ содир бўлади, чунки у борлиқнинг ўзига хос модели сифатида юзага келиш имкониятига эга. Генетик келиб чиқишига биноан, психика ўзининг рефлектор типига ва тарихига эга бўлган алоҳида циклли тизим сифатида рўёбга чиққан. Рефлекторлик организм ҳаётининг объектив шароитлари бирламчилигини билдиради. Идрок қилинувчи мазкур тизимнинг таркибий қисмлари ижро этувчанлиги, ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлигига, образ таъсирига «тескари» қонуний ўтиш жараёни ҳисобланади. Психиканинг рефлектор табиатининг биринчи шундай илмий талқини рус физиолог И.М.Сеченов томонидан амалга оширилган бўлиб, бир қанча асрлар давомида психика алоҳида танасиз нарса, уни ҳаракатга келтирувчи, уни нерв жараёни билан алмаштирувчи, унга тенглаштирувчи механик материалистик йўналишга кучли зарба эди.

Психиканинг фаоллиги реаллик билан бевосита мулоқотга киришиш жараёнида намоён бўлади, чунки нерв аппаратларида ҳаракатланувчи физикавий, кимёвий қўзғатувчиларни қайта қуриш кўзда тутилди. қўзғовчиларда, уларнинг доирасидаги хатти-ҳаракатларга куч-қувват берувчи, узлуксиз равишда интилувчи, хулқ-атвор дастури бажарилишини таъминловчи, унга қидирув жараёни ва вариантлар танлашни ўзида қамраб олувчи фаолликнинг хусусиятларидир. Психика биологик эволюциянинг маълум бир босқичида вужудга келган бўлиб, унинг ўзи омилларнинг бири сифатида организмни уларнинг яшаш шароитига тобора кучайиб боровчи мослашувни таъминлаб туради. Психиканинг инсонда пайдо бўлиши сифат жиҳатдан мутлақо янги тузилишга эга, чунки у ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қонуниятлари билан шартлангандир. Фаолият регуляциясининг юксак даражаси сифатида онг вужудга келади, психика фаоллигининг юксак кўриниши манбаи тариқасида эса шахс шаклланади.

Бизнингча, методологик нуқтаи назардан психика таҳлил қилинганда, албатта биосферик ва неосферик алоқалар натижалари, уларнинг таъсирчанлик кучи, вазият, муҳит ҳамда ҳолатлар (ҳодисалар) фазовий жойлашуви, «сунъий мия»нинг вужудга келиши имконияти юзасидан фикр билдириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон ақл-заковатининг қуввати етмайдиган, пайқаш имкониятига эга бўлмаган борлиқнинг мўъжизалари, сирлари мавжуддир, уни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Шунингдек, қарама-қаршилик мавжуд эканлигини тан олиш билан бирга, мураса-ю мадора, хаотик (бетартиб) ҳаракатлар ҳукм суришини унутмаслик лозим.

Акс эттириш материянинг умумий хусусиятидан иборат бўлиб, объектларнинг белгилари ва аломатларини турли даражада адекват (тўғри) идрок қилишга қобилиятлилиги, бошқа объектларнинг муносабатлари ва тузилишининг тавсифларини ифодалайди Инъикоснинг хусусияти материянинг ташкил топганлик даражасига боғлиқ, чунки у органик ва ноорганик табиатда, ҳайвонот оламида, ижтимоий ҳаётда ўта содда ва юксак ташкил топган тизимда сифат жиҳатдан хилма-хилдир.

Организмда дастлабки акс эттиришнинг вужудга келиши тирик тананинг ички ва ташқи стимуллариининг жавоб реакциясига танлаб муносабатда бўлиш манбаидан келиб чиқувчи сесканувчанликдан бошланади. Бу психикани акс эттиришнинг содда кўриниши бўлиб, у органик дунёни ривожланиш жараёнида сезувчанлик қобилиятига эга бўлгани туфайли сезги вазифасини бажарувчи бирламчи психологик образлар пайдо бўла бошлайди, улар организм ҳаракати эҳтиёжини, фазовий чамалаш (мўлжаллаш) мақсадини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Худди ана шу даврдан бошлаб муҳитга, экологияга тўғри мослашиш ва ҳаракатни идора қилиш функциялари юзага келади. Акс эттиришнинг содда шакллари мураккаброқ шакллариининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар сифатида хизмат қилади. Органик дунёнинг кейинги эволюцион тараққиёт даврида воқеликнинг ҳам сенсор, ҳам аклий образларини қамраб олувчи содда сабабий алоқалар ва вақтни идрок қилиш юзага келади, бунинг натижасида хатти-ҳаракатни тўғри ифодалаш имкони ва фаоллик хусусияти туғилади.

Бевосита ҳаракат қилувчи кўзғатувчи организмнинг тўғридан тўғри реакциясига жавоби олдиндан, илгарилаб акс эттиришни келтириб чиқаради. Инсон фаолиятининг ижтимоий шартланганлиги туфайли инъикос фаоллиги ошибгина қолмай, балки у сифат жиҳатидан мутлақо бошқа хусусият касб эта бошлайди. Акс эттиришнинг танловчанлик ва мақсадга йўналганлик хусусиятлари ҳамкорлик фаолияти жараёнида меҳнат қуроли орқали табиатни ўзгартириш эҳтиёжи даражаси кўрсаткичи аниқланади. Мазкур жараёнларда психик акс эттириш нафақат ҳиссий образларни, балки мантиқий тафаккур, маданият маҳсулини ўзида ифодаловчи ижодий фантазия, ўз навбатида тил таркибига кирувчи белгилар, аломатлар тизимининг моҳиятига қоришиб, яратувчи сифатида акс эттиришнинг тубдан, радикал ўзгаришга олиб келади. Бундай тоифадаги инъикоснинг оқибатида идеал образнинг пайдо бўлишига пухта замин ҳозирлайди, имкониятларнинг рўёбга чиқиши учун барча шарт-

шароитлар яратади. Акс эттиришнинг тўғрилиги, адекватлиги ўзини келиб чиқиш манбаига кўра, мазкур манбанинг моддий тавсифи билан миёда нерв импульсларини қайта ишлаш ўртасидаги қиёсий жараёни мужассамлаштиради ва субъектнинг психологик жиҳатидан намоён бўлиши, ривожланиши, ўзгариши, такомиллашиши каби ҳолатларни ҳам бевосита, ҳам билвосита усуллар ёрдами билан турлича шаклда, тарзда, кўринишда ифодалайди.

Психология фанида акс эттиришнинг қуйидаги кўринишлари тан олинади: физик, физиологик, психик, онг, ўзини ўзи англаш.

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Психология ҳақида тушунча
2. Психиканинг моҳияти
3. Психология фанининг предмети
4. Илмий психология ва кундалик психология
5. Психология фанининг вужудга келиши: а) Антик дунё психология тўғрисида тасаввурлар;  
б) XVII-XVIII асрларда психологиянинг тараққиёти
6. Психиканинг физиологик механизмлари
7. Психология ва унинг моддий асослари
8. Психика ва акс эттириш
9. Акс эттиришнинг ҳозирги замон талқини

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Психиканинг предмети тўғрисида психологик қарашлар.
2. Психология фани тараққиёти босқичлари.
3. Психиканинг моддий асослари тўғрисида мулоҳазалар.
4. Акс эттиришнинг психологик асослари.

#### **Адабиётлар**

1. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики.- М. : МГУ, 1972.
2. Павлов И.П. Условный рефлекс.- Полн. собрн. соч. Т. III.-М.-Л., 1951.
3. Сеченов И.М. Рефлекс головного мозга. –В кн.: Избранные философские и психологические произведения. -М : Госполитиздат, 1974.
4. Ярошевский М.Г. История психологии.-М: «Мўсль», 1966.
5. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. –Т.: «Университет», 2002.



## II БОБ

### ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ СОҲАЛАРИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

#### 1. Психология фанининг соҳалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Инсон ўзининг кимлигини англашга интилишдан, ўз руҳий дунёсини ва ўзгалар руҳиятини билиш истаги пайдо бўлишдан, табиат ва жамият ҳодисаларини тушунишга эҳтиёж сезишдан, ўтмиш, ҳозирги замон, келажак ҳақида мулоҳаза юритишдан эътиборан психология фан сифатида ривожлана бошлади. Психологик билимлар жуда узоқ ўтмиш тарихга эга бўлса-да, лекин у фан сифатида фалсафадан XIX асрга келиб ажралиб чиқди. Психологияни алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишга ўша даврда кишилиқ жамиятида юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар сабаб бўлди, чунки булар ижтимоий заруриятнинг тақозоси эди. Психологик ҳолатларни тадқиқ қилиш, яъни психика моҳиятини тушуниш мақсадида ўша даврда экспериментал илмий-психологик лабораториялар вужудга кела бошлади. Илк психологик тадқиқотлар лабораторияси немис олими В. Вундт томонидан 1879 йилда Лейпциг университетида ташкил қилинди. Худди шу лаборатория андозаси бўйича бошқа мамлакатларда бир қанча мустақил лабораториялар очилди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб психология фани тўғрисидаги илмий тушунчаларда кескин ўзгаришлар юзага келди ва уларнинг таъсири натижасида психологиянинг тадқиқот объекти сифатида инсонга муҳитнинг таъсири, унинг ҳулқ-атворини ўрганиш муаммолари танлаб олинди. Шу даврда психология фанининг ривожланишига ижобий ҳисса қўшган психология мактаблари вужудга келди, жумладан, Америка (АҚШ) психологиясининг асосий йўналишларидан бўлган бихевиоризм, Германия гештальтпсихология мактаби, Венада З.Фрейднинг психоанализи ва бошқалар. Шу мактабларнинг ҳаммаси ўзининг нуқтаи назарига асосланиб, психология фанининг таркибий қисмларини ўрганишга ҳаракат қилди. Психологик концепцияларнинг ранг-баранглиги сабабли ва фан-техниканинг ривожланиши таъсири билан психология ўзининг тадқиқот объектларига эга бўлган кўплаб соҳаларга ажрала бошланди. Ҳозирги даврда психологиянинг назарий ва амалий ютуқлари атроф-муҳит ҳамда жамиятнинг жуда кенг қирраларига татбиқ қилинмоқда.

Психология фанини муайян соҳаларга бўлишда аниқ, яққол фаолиятнинг психологик томони, инсоннинг жамиятга нисбатан психологик муносабати, тараққиётининг психологик жабҳаси асос қилиб олинган. қуйида психология соҳаларининг тавсифига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Умумий психология - умумий психологик қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, назарий ва методологик принциплар, илмий тадқиқот методлар, психиканинг фило ва онтогенетик ўзгаришларини, илмий тушунчалар ва категориялар, билиш жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқот қиладиган соҳа. Умумий психология бошқа соҳалар каби шартли равишда қабул қилинган номдан иборатдир. Психология фанининг илмий тушунчаларини, категориялари(шахс, мотивация, фаолият, муомала, онг)ни,

тадқиқот методларини умумий психологияда умумлаштириш учун унинг бошқа соҳаларидаги текшириш натижаларини мавхумлаштириш мақсадга мувофиқ. Шунинг билан биргаликда умумий психологиянинг тадқиқот натижалари психологиянинг бошқа соҳалари учун асос бўлиб хизмат қилади. Умумий психология фани асосий категориялар, тушунчалар, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, индивидуал-типологик хусусиятларни ўз ичига олади. 1. Психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва бошқалар. 2. Иродавий жараёнлар: мотив, мотивация, эҳтиёжлар, интилишлар, қарор қабул қилиш кабилар. 3. Ҳиссий жараёнлар: ҳис-туйғулар, эмоция, кайфият, эмоционал тон, стресс, аффект сингарилар. Психик ҳолатларга психик жараёнларнинг маълум бир сифатларининг кўринишлари киради. Масалан, ҳиссий жараёнлардан психик ҳолат сифатида кайфият, психик хусусиятларга қобилиятлар ва бошқалар киради. Умумий психологиядаги бу бўлиниш шартли равишда амалга оширилган бўлиб, унда жараён тушунчаси умумий тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг жараёний хусусиятга эга эканлиги таъкидланади, ҳолос. Психик ҳолат тушунчаси психик ҳолатларга нисбатан нисбий статиклигини англатади. Психик хусусият тушунчаси эса тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг мустақамлигини, қайтарувчанлигини акс эттиради ва бу нарса шахс тузилишида ўз ифодасини топади. Умумий психологиядан бошқа соҳалар, билимлар асос сифатида фойдаланилади, худди шу боисдан у универсал хусусият касб этади.

Экспериментал психология - экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш асосий роль ўйнаган. XIX асрнинг ўрталарида психологик ҳодисалар устидан илк бор амалий экспериментал-психологик тадқиқотлар ўтказилган. Бу физиологик лабораторияларда элементар функцияларни ўрганиш орқали, яъни илк бор сезги ва идрокни ўрганиш билан бошланган. Бу тадқиқотлар экспериментал психологиянинг фалсафа ва физиологиядан мустақил, алоҳида фан сифатида вужудга келишига муҳим асос ва объектив шарт-шароит яратиб берган. Экспериментал психология фан сифатида ажралиб чиқишига В.Вундт ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Илк экспериментал тадқиқотлар ўзини ўзи кузатиш методи ёрдами билан инсоннинг ички функцияларини ўрганишга қаратилган эди. Кейинчалик экспериментал ишлар турлича ҳайвонларда ўтказила бошланган. Тадқиқотларнинг кўпчилиги Т.Л.Морган, Э.Л.Торндайклар томонидан олиб борилган. Экспериментал тадқиқотлар орқали фақат психик функцияларгина эмас, балки ҳиссиётларнинг индивидуал вариантлари ҳам текширилган. Экспериментал психологиянинг тадқиқотлари психология соҳаларининг назариясига асос бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат психологияси - инсоннинг меҳнатга муносабати, меҳнат фаолиятининг қонуниятлари ва ривожланишини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Меҳнат психологиясининг объекти ишлаб чиқаришда ва меҳнатда шахснинг фаолияти, уни ишдан бўш вақтининг, дам олишининг ишлаб чиқаришга таъсирини ҳам текширган. Меҳнат унумдорлигига ишчини боқиш учун кетган сарфлар миқдори кўп бўлса, унга қанча қулай шарт-шароит

яратилса, шунчалик ижобий таъсир юзага келади. Шу асосда юқоридаги фанлар меҳнаткашга психологик илиқ муҳит яратиш учун меҳнат психологиясига ёрдам беради. Меҳнат психологиясини Г.Мюнстербергнинг «Психология ва ишлаб чиқариш унумдорлиги» (1913) ва «Психотехника асослари» (1914) китоблари чиққан даврдан бошлаб алоҳида соҳа сифатида вужудга келганлиги эътироф этилган. Меҳнат психологиясининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш муносабатларини ижобийлаштириш, меҳнаткашларга зарур шарт-шароит яратиб бериш, касбий касалликларнинг, ишлаб чиқаришда жисмоний фалокатларнинг, психологик зўриқишларнинг олдини олишдир.

Авиация психологияси - авиасаноат ва авиахизматчиларнинг меҳнат фаолиятида кечувчи психологик қонуниятларни ўрганади. Авиация психологиясининг предмети мураккаб авиация тизимини бошқаришдаги инсон психикасининг ролини текширишдан иборат. Авиация психологияси объекти шахс фаолияти, жамоа тузилишини ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳисобланади. Авиация психологияси субъекти учувчилар, муҳандис, техник хизмат кўрсатиш таркибини ташкил этувчи стюардессалар ва бошқалар. Авиация психологияси соҳа сифатида учувчи қурилмалар яратилиши вақтидан, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидан вужудга келган. Авиация психологияси туғилишининг асосий сабаби учувчи аппаратлар ишлатишда ва бошқаришда инсон омили хавфсизлигига шарт-шароит яратиш эҳтиёжидир. Авиация психологияси психологиянинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқдир.

Муҳандислик психологияси - инсон ва машина ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини ва инсоннинг машина билан муносабати жараёнининг психологик қонуниятларини тадқиқот методлари ёрдами билан ўрганувчи психология соҳаси. Муҳандислик психологияси фан-техника революцияси таъсирида вужудга келган бўлиб, қуйидаги муаммоларни текширади: 1) инсон ва ЭХМ каби автоматика тизими юкламасида инсон вазифасини таҳлил қилиш; 2) ЭХМ операторларининг ҳамкорлик фаолиятида мулоқот жараёни ва уларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш; 3) оператор фаолиятининг психологик тузилишини таҳлил этиш; 4) оператор ишининг сифатига, тезлигига, самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни текшириш; 5) инсон томонидан ахборот қабул қилишни тадқиқ этиш; 6) оператор фаолиятини бошқариш механизмининг ўрганиш; 7) ЭХМни бошқаришдаги буйруқларни инсон томонидан қабул қилиш хусусиятини аниқлаш; 8) операторлар учун психодиагностика ва профорентация методларини ишлаб чиқиш; 9) операторларни ўрганишни оптималлаштириш.

Муҳандислик психологиясининг юқоридаги муаммоларини текшириш натижасида ёлғиз оператор фаолиятидан умумий меҳнат фаолиятини ўрганишга ўсиб ўтилади.

Космик психология - вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмда жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психологик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси.

Экстремал психология - инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятининг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси. Экстремал шароитда инсонга бир қанча факторлар таъсир қилади: монотония, макон ўзгариши, хавф омили, вақт, шахсий аҳамиятга молик ахборотнинг ўзгариши, ёлғизлик, гуруҳий изоляция ва ҳаётий хавф. Экстремал шароитда инсон мослашишининг биологик вазифаси экстремал шароитда ишловчиларни танлаб олиш (космос, арктика, ёнғин ва ҳоказо), машқлантириш, тренинг ўтказишдан иборат.

Педагогик психология - тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланиши, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади. Педагогик психологиянинг мақсади - ўқитишнинг оқилона ривожлантирувчи таъсирини, шарт-шароит ва бошқа психологик факторлардан келиб чиққан ҳолда кучайтиришдир. Педагогик психология XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий тараққиётнинг таъсири натижасида вужудга келган. Экспериментал психология тадқиқотчилари педагогик психология ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Бундан ташқари, педагогик психологиянинг фан сифатида тараққий этишда ўша даврда юзага келган психологик йўналишлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Бихевиористик психология йўналиши педагогик психология учун асос қилиб тарбиячи ва ўқитувчига восита қилиб ташқи муҳит таъсирини олади. Ташқи муҳит қанчалик ижобий таъсир қилувчи омил бўлса, яъни қулай шарт-шароит вужудга келса, демак, шахснинг тарбияланиши шунчалик ижобий кечади.

Ҳозирги замон педагогик психология ривожланиши натижасида инсоннинг индивидуал-психологик фарқлари, ижтимоий-тарихий тажрибалар таъсири ҳамда бошқа одамлар ўртасидаги мулоқот, муомала таъсири борлигини, шунингдек, яна бир қанча факторларни ҳисобга олган ҳолда шахсни ривожлантирувчи таълим орқали ўқитиш ва тарбиялаш ётади. Педагогик психологияни шартли равишда бир неча турга ажратиш мумкин: а) таълим психологияси; б) тарбия психологияси; в) ўқитувчи психологияси; г) олий мактаб психологияси кабилар.

Тиббиёт психологияси - касалларнинг даволаниши, гигиена, профилактика, диагностика жабҳаларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Тиббиёт психологиясида тадқиқотлар тизимида касалликларнинг кечиши, уларнинг шахс психологиясига таъсири қонуниятлари, инсоннинг касалликдан соғайишига микросоциал гуруҳ таъсири ўрганилади. Тиббиёт психологияси ўз ичига клиник психология, патопсихология, нейропсихология, соматопсихология каби бўлимларни қамраб олади. Тиббиёт психологияси таркибига психотерапия соҳасини ҳам киритадилар. Тиббиёт психологиясининг асосий муаммоси касалликни даволашнинг инсон психологиясига таъсирини тадқиқ қилишдир. Унинг асосий муаммоси инсоннинг психологиясига ижобий таъсир қилувчи ва шу билан даволанишни тезлаштирувчи, ижобий даволаш муҳитини ташкил қилишдир. Психик ҳодисалар билан миёга физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган соҳа - нейропсихология.

Доривор моддаларнинг киши психик фаолиятига таъсирини текширадиган соҳа - психофармокология. Беморларни даволаш учун психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа - психопрофилактика.

Юридик психология - ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи психология соҳаси. Экспериментал психология таъсири остида XX асрнинг бошларида юридик психология соҳасида илк лаборатория тадқиқотлари ўтказилган. Бу тадқиқотчилар гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва сўроқ олиб бориш асосларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Юридик психолог сифатида ёзувчи А.К.Дойлнинг қаҳрамони Шерлок Холмсни аташ мумкин. Юридик психология бўйича тадқиқот ишлари ўша вақтларда Г.Гросс, К.Марбе, В.Штерн, К.Юнг ва бошқа психологлар томонидан олиб борилган. Кейинчалик юридик психологиянинг ўзига хос тадқиқот йўналишлари вужудга келди: жиноятчилар шахсини тадқиқ қилиш, гувоҳлик кўрсатувчилар кўрсатмаларини текшириш, суд психологияси экспертизасининг назарий ва амалий томонлари ишлаб чиқилган. Юридик психология умумий психологиянинг методлари ва ўзига хос уларнинг шакллари қўллайди. Ҳозирги замонда унинг бир қанча билимлари мавжуддир: криминал психология, суд психологияси, жиноятчиларни қайта тарбиялаш психологияси, яъни пенитенциар психологияси ёки ахлоқ тузатиш меҳнат психологияси кабилар.

Ҳарбий психология - ҳарбий фаолиятининг инсон психикасига таъсири, ҳарбий фаолиятнинг хусусиятларини психологик қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Жангчи шахсининг психологик факторларини текшириш - ҳарбий психологияснинг асосий муаммоларидан биридир. Ҳарбий жамоаларда шахслараро муносабатлар, командирлар билан жангчилар мулоқотининг психологик хусусиятлари, фавқулоддаги ҳолатларда ҳарбий хизматдаги кишилар психикасининг ўзгариш, бўлинмаларда психологик муҳит масаласи, ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини шакллантириш бирламчи муаммо эканлиги ва ҳоказо. Ҳарбий психология негизида социал психология, меҳнат психологияси, муҳандислик психологияси, педагогик психология соҳаларининг назарий-амалий материаллари, умумбашарий қонуниятлари ётади.

Спорт психологияси - спорт мусобақалари ва машқланиш фаолиятида инсон психикасининг ривожланиши, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа XX асрнинг 60-70 йилларида жадал суръатлар билан ривожлана бошлади ва унинг илк тадқиқотлари спортчиларнинг индивидуал-психологик фарқларини ўрганишга қаратилган эди. Ҳозирги даврга келиб эса спорт психологияси ўрганаётган муаммолар кўлами кенгайди, шу боисдан унинг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотга таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни яратиб беришдир. Бундан ташқари, спорт психологияси спортчиларнинг шахс сифатида ривожланишига, эришган ютуқларига психологик ёрдам кўрсатиш жабҳалари билан ҳам шуғулланади.

Савдо психологияси - жаҳон мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, тижорат таъсирининг психологик негизлари, объектив ва субъектив шарт-шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайдиган соҳа. Савдо психологияси савдо-тижорат рекламалари, модалар психологияси ва шу каби масалаларни тадқиқ қилади. Айниқса, сотувчи-харидор муносабати, кишиларга таъсир ўтказиш, уларда илиқ ҳис-туйғу, ишонч уйғотиш механизмлари, мантиқан уларни муомала жараёнида ишонтириш, қизиқтириш, ижтимоий аҳамиятини тушунтира билиш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, хизматда мулоқот маданияти ва унинг тренингларидан унумли фойдаланиш, харидорларнинг психологик хусусиятларини англаган ҳолда муносабатда бўлиш қонуниятларини тадқиқ этиш ҳам мазкур соҳанинг текширув предметиға киради.

Ижодиёт психологияси - бадиий қадриятларни ўзлаштиришда, уларнинг янги кўринишларини ижод қилишда ва шу қадриятлар инсон томонидан идрок қилишда кечадиган психологик ҳолатларни ҳамда бу ҳолатларнинг шахс ҳаёти, фаолиятига таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Ижод психологияси бир томондан психологизм таъсири остида, иккинчи томондан эса аксилпсихологизм исканжасида ривожланади. Психологизм тарафдорлари бадиий асарлар яратилиши индивидуал онг таъсирида вужудға келади, деб талқин қилишади. Аксилпсихологизм бу асарларга субъектнинг психик фаоллигининг таъсирини инкор қилди.

Ҳозирги замонда санъат асарларининг тарихий жиҳатдан уларни ижодкорларининг шахсий хусусиятлари бирламчи эканлигидан келиб чиқилади. Замонавий санъат психологияси санъаткорларнинг қобилиятларини асар яратишда ҳиссий кўринишларни, шахслараро муносабатларни психологик нуқтаи назардан ўрганади. Санъатда инсон руҳий оламини амалий жиҳатдан текшириш, баҳолаш, ўзига хос жиҳатларини гуруҳлаш, индивидуал, гуруҳий, жамоавий таъсир хусусиятларини шарҳлаш имконияти мавжуд. Санъат психологияси ижтимоий тарбия беришнинг психологик механизмлари, йўллари, қонуниятлари, методлари кабиларни тадқиқ этувчи муҳим соҳалардан биридир. Бугунги кунда унинг қуйидаги соҳалари ўз тадқиқот предмети ва объектиға эгадир: ижод психологияси, санъат психологияси, бадиий таржима психологияси, бадиий ижодиёт психологияси, халқ амалий санъати психологияси, бадиий меъморлик психологияси кабилар.

Ёш психологияси - шахснинг психик ривожланиш қонуниятларини инсон туғилишидан то умрининг охиригача бўлган даврни, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси. Ёш психологияси болалар психологияси сифатида XIX асрнинг охирида вужудға келган бўлиб, у фан ва техника тараққиёти, жамият талабига биноан болалар психологияси тараққиётида қўлланилган. Ёш психологияси ҳозирги замонда болалар психологияси, ўсмирлик ва ўспиринлик психологияси, етуклик психологияси, геронтопсихологиядан иборатдир. У инсоннинг онтогенезда ривожланиш жараёнида психик ҳолатларнинг кечиши, психик функцияларнинг роли, уларнинг ўзгариши, ҳаракатлантирувчи кучлар, механизмлар, таъсир ўтказувчи

объектив ва субъектив факторлар, тараққиёт қонуниятларини тадқиқ қилади. Ёш психологияси умр ўтиши билан психологик фарқлар, индивидуал-психологик хусусиятлар ўрганишини ўрганади, тадқиқотларда маданий, ижтимоий-тарихий, миллий таъсирни ҳисобга олади. Шунинг учун ёш психологиясининг объектлари ўта мураккаб бўлиб, тараққиётлар тараққиётини текширишни тақозо қилади. Жаҳон психологиясида тўпланган барча назарий материалларга, шу жумладан генетик моделлаштириш (Л.С.Виготский) методларига, эгизаклар методига ва шунга ўхшаш ўта мураккаб жараёнларнинг лонгитюд (узлуксиз) услуби ёрдамида текширишга асосланади. Ёш психологиясининг асосий вазифаларидан бири - болани психик ривожланишининг ижобий шаклда ташкил этилиши, ёш давлари инқирози босқичлари, жараёнлари ва пайтларида психологик ёрдам кўрсатиш чоратадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ёш психологияси педагогик психологиянинг илмий, амалий, тажрибавий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин бошқа соҳалари билан ҳам узвий алоҳида фаолият кўрсатади, инсон камолотининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ижтимоий аҳамиятга молик материаллар тўплайди.

Махсус психология - нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган нуқсонлар, дефектлар таъсири остидаги инсонларнинг психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси. Унинг бир неча бўлимлари ҳукм суради: патопсихология - ривожланиш жараёнида психиканинг айниши, миёдаги касалликнинг турлича кечиши, психиканинг тамоман издан чиқиши ҳолларини ўрганувчи соҳа; олигофренопсихология - психик ривожланишнинг миёдаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси тўғрисида тадқиқот ишларини олиб борувчи соҳа; сурдопсихология - қулоқ эшитишнинг бутунлай қар бўлиб қолгунга қадар жиддий камчиликлари, нуқсонлари билан шуғулланувчи, болани вояга етказишнинг омилкор йўл-йўриқларини топувчи, коррекцион-тузатиш ишларини олиб борувчи соҳа; тифлопсихология - чала кўрувчи ва мутлақо кўзи ожиз одамларнинг психологик ривожланишини тадқиқ қилувчи соҳа. Махсус психологиянинг яна ўзига хос тор бўлимлари ҳам мавжуд бўлиб, инсонларнинг касаллиги, нуқсони, ақл-идрок даражаси, нутқ фаолияти патологиясига биноан тадқиқот ишлари олиб борилади.

қиёсий психология - психологиянинг мураккаб бўлимларидан бири бўлиб, психиканинг филогенетик ҳолатлари ва уларнинг шаклларини тадқиқ қиладиган соҳаси. қиёсий психологияда ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутлар сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи кучлар, таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади. Зоопсихология қиёсий психологиянинг бўлимидан иборат бўлиб, у турли гуруҳларга, турларга мансуб ҳайвонлар, жониворлар психикасини, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганади. Этология - биологик ва психологик жабҳалар қоришмасидан иборат бўлиб, ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатидаги туғма аломатлар, механизмлар инсонники билан умумий негизга эга эканлигини ўрганувчи соҳа.

Дифференциал психология - шахслар ўртасидаги тафовут ва фарқларни ҳамда гуруҳ аъзолари орасидаги номутаносибликларнинг психологик

томонларини, яъни психологик фарқларини ўрганувчи психология соҳаси. Дифференциал психологияга Ф.Гальтон асос солган бўлиб, у индивидуал фарқларни статистик анализ қилиш учун бир қанча усуллар ва асбоблар яратган. Дифференциал психология терминини немис психологи В. Штерн ўзининг «Индивидуал фарқлар психологияси» (1900 йил) асарида ишлатган. Дифференциал психологиянинг асосий методларидан бири - тестдир. Аввал индивидуал тестлар, кейинчалик эса гуруҳий тестлар қўлланила бошланган, улар асосан ақлий ривожланишдаги фарқларни ўрганишга қаратилган бўлиб, муайян вақт ўтгандан сўнг проектив тестлар ишлаб чиқилган. Мазкур тестлар қизиқишдаги, интилишдаги, ҳиссиётдаги тафовутларни текширишга қаратилгандир. Тестларнинг фактор анализи ёки интеллектга оид маълумот берувчи омиллари ўрганилган. Жаҳон психологиясида энг кенг ёйилган назариядан бири - бу Н.Спирменнинг икки факторли концепциясидир. Бу назарияга биноан, ҳар бир фаолият учун умумий битта фактор мавжуддир, бундан ташқари, ўша фаолиятга қаратилган хусусий фактор ҳам мавжуд. Шу соҳага оид яна бир назария Л.Тёрстон, Дж.Гильфорд ва бошқаларнинг мультифакторлик ёндашувидир. Мазкур назария умумий фактор борлигини инкор қилади, унда бошланғич ақлий қобилиятлар асосий ўринга қўйилади. Психология инсон қобилиятлари генетик, биологик омилларга асосланган, деган ғоя мавжуд бўлиб, таъкидланишича, улар гўёки наслдан наслга ўтади. Ҳозирги замон дифференциал психология диагностика, прогностика методлари ёрдами билан шахсларни қобилияти бўйича танлашда илмий принцип ва қонуниятларга асосланади.

Психофизиология - одамларнинг индивидуал-психологик ва психофизиологик фарқларини тадқиқ қилувчи, психиканинг генетикасини ўрганувчи психология соҳаси. Ҳатто дифференциал психофизиология термини мавжуд бўлиб, уни 1963 йилда В.Д.Небилицин томонидан фанга киритилган. Психофизиологиянинг иккита асосий тадқиқот ёндашуви мавжуд: а) мустақил амалий тадқиқотларда олинган физиологик ва психологик натижаларни ўзаро солиштириш, қиёслаш; б) бирон бир фаолиятда физиологик функциялар ўзгаришини ўрганиш.

Ижтимоий (социал) психология - одамларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини, бу гуруҳий тавсифни, шахснинг гуруҳий фаолияти ва хулқ-атворини, ижтимоий-психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижтимоий установка кабиларни тадқиқот қилувчи психология соҳаси. қадимги замондан ижтимоий-психологик воқелик фалсафий нуқтаи назардан ўрганилиб келинган, лекин шахс, гуруҳ, жамоа муносабатлари қамраб олинмаган. Ижтимоий психология фанига асос бўлиб психология, социология, антропология, этнография, криминология, фалсафа каби фанлар хизмат қилиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмида социал психологияни фан сифатида ривожлантиришга илк уринишлар бошланган. Жаҳон жамоатчилиги томонидан социал психология 1908 йилдан эътиборан алоҳида фан сифатида тан олинган. Бунга асос бўлиб бир вақтнинг ўзида англиялик психолог У.(В) Макдугалл ва америкалик социолог Э.Россларнинг тадқиқот натижалари хизмат қилди. Чунки бу ишларда «социал психология» термини қўлланилган эди. Урушдан кейинги



йилларда АҚШда ва бошқа мамлакатларда социал психология муаммолари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш жараёни кенг ёйилди. Айниқса, АҚШ да ўтказилган Которннинг тажрибаси, Э.Мэйонинг изланишлари социал психология тарихида асосий роль ўйнайди. Бу тадқиқотчиларнинг асосий объекти бўлиб кичик гуруҳлар хизмат қилган, тажрибалар лаборатория шароитида ўтказилган. Социал психология фан сифатида мулоқот, муомала қонуниятлари, шахслараро муносабат, индивидуал ва гуруҳий ўзаро таъсир, гуруҳларнинг ички ва ташқи тузилиши, уларнинг турлари, таснифи, оммавий ҳолатлар ва бошқаларни текширади.

Социал психология бир неча соҳаларни ўз ичига қамраб олади: дин психологияси, оила психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳ психологияси, катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, этнопсихология ва бошқалар.

Дин психологияси - психологик ва ижтимоий психологик омилларнинг диний онг билан шартланганлигини, диннинг инсонга таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Дин психологияси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, инсонни ибодат қилишдаги, диний анъаналарни, расм-русумларни бажаришдаги ҳиссиёт ҳолатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Диний психологияни ўрганиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда: а) умумий назария: диний онг, унинг тузилиши, диний ҳиссиёт, диннинг шахс шаклланишидаги аҳамияти; б) дин психологияси дифференциацияси: ижтимоий муҳит ва тарихий даврдан шаклланган онг ва ҳиссиёт тадқиқоти; в) диний гуруҳ психологияси; г) диний расм-русумлар психологияси; д) хурфидоғлиқ таълими психологияси кабилар.

Сиёсий психология - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир ўтказиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

Оила психологияси - оиланинг психологиясини ўрганувчи фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳаси саналади. Оила психологияси оиланинг психологик муаммоларини ўрганади, у оилага таъсир қилувчи омилларни, оиладаги роллар тақсимланиши, эр-хотин муносабати, шахслараро муносабат, ёш хусусиятлари, жинсий тафовутларга асосланиб мулоқотга киришиш кабиларни ўрганади. Оила психологияси томонидан тўпланган материаллар оила мустаҳкамлигини сақлаш учун маслаҳатлар беришда, ҳар бир социологик ва психологик дастурлар тузишда қўлланилади. Шунингдек, оила типлари, тузилиши, иерархияси, уларга таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар ҳам мазкур соҳанинг тадқиқот предметиға киради.

Бошқарув психологияси - жамиятда фаолият кўрсатаётган шахслар, гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган назорат, баҳолаш, муносабат қонуниятларини, раҳбар фаолияти ва характери, қобилияти хусусиятларини тадқиқ қиладиган ижтимоий психологиянинг соҳаси.

Фан психологияси - илмий тадқиқот ўтказишнинг самарадорлигини ошириш учун психологик таъсир омилларини ўрганувчи психология соҳаси. Фан психологияси фанга оид бошқа соҳалар билан узвий боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришда, илмий марказларда ижтимоий ва индивидуал хусусиятларга эга

бўлган психологик қонуниятларни тадқиқ қилади, инсоннинг ижтимоий қобилиятлари, ақлий имкониятлари ҳамда улардан унумли фойдаланиш омилларини текширади. Кашфиётлар амалга оширилиши негизлари, механизмлари, шарт-шароитлари ва унда инсон омилининг роли каби ҳолатларни ўрганади.

Компьютерлаштириш психологияси - компьютернинг ишлаб чиқаришдаги роли, психик акс эттиришга таъсири, шахс тузилишининг ўзгаришини ўрганувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа компьютер ва инсон ўртасидаги диалогик муносабатни ҳам тадқиқот қилади, натижада «техника-инсон-техника» ўзаро таъсири механизмини текширади ва зарур жабҳалар ўзаро таъсирини аниқлайди. Компьютерлаштириш инсон психологиясида муайян ўзгаришларни юзага келтиради, сермахсул техника яратиш тизимини тезлаштиришга муҳим психологик асос яратади. Компьютерлаштиришнинг бош муаммоси - унинг инсонга таъсир ўтказиш механизмларини тадқиқот қилишдир.

Парапсихология - ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади. Экстрасенсорика - ўта сезувчанлик, телепатия - фикрни масофага узатиш, келажакни башорат қилиш ва ҳоказо. Парапсихологияга нисбатан қизиқиш қадимдан мавжуд бўлиб, унга нисбатан ихлос то ҳозирги кунгача камайгани йўқ, гоҳо уни психотроника деб ҳам аташади. Хиромантия-қўл кафтига қараб фол очиш, инсон келажаги ва унинг тақдири ҳақида олдиндан башорат қилишдан иборат ноилмий соҳа. Спиритизм-ўлган одамлар арвоҳлари, руҳлари билан алоқа ўрнатиш мумкин, улар ҳамиша барҳаёт ва биз билан мулоқотга муҳтож ғояни илгари сурувчи парапсихология соҳаси.

## **2.Психологиянинг методологияси ва принциплари**

Жаҳон психологияси фанида хулқ-атвор, муомала ва фаолият муваффақиятини таъминловчи омилларнинг энг муҳими тариқасида инсоннинг эмоционал ҳаёти ётиши аксарият назарийчи психологлар томонидан таъкидлаб ўтилади. Бу талқиннинг ҳаққонийлигига ҳеч қандай эътирозлар бўлиши мумкин эмас. Чунки мазкур омил экспериментал психологиянинг мустақил соҳа сифатида вужудга келишидан эътиборан устувор далил тақозо қилмайдиган атрибут сингари тадқиқот предмети моҳиятига сингиб кетган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, инсон муомаласининг, хулқ-атворининг кечиши, фаолиятининг муваффақиятли, сермахсул яқунланиши кўп жиҳатдан шахснинг эмоционал ҳолатларига «эмоционал тон, кайфият ,стресс, аффект ва ҳоказо», изоҳланиши мураккаб бўлган руҳий кечинмаларга, юксак ҳис-туйғуларга боғлиқ.

Ўйин, меҳнат, ўқиш, муомала ва бошқа фаолият турларининг муваффақиятли кечиши, шахслараро муносабатларда хулқ-атворнинг намоён бўлиши ижобий психологик ҳолат сифатида баҳоланса, эмоция ва ҳиссиётнинг барқарор, мақсадга йўналган тарзда ҳукм суриши эҳтимоли эътироф этилади. Ҳис-туйғуларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, мукамаллиги сифатларнинг мавжудлиги уларнинг динамик стереотиплар типига айланганлигидан далолат

беради, фаолият ва хулқнинг шахс томонидан онгли равишда бошқариш услуби шаклланганлигини билдиради. Табиатнинг таркибий қисмлари ва жамиятнинг аъзолари билан турли шаклдаги, ҳар хил хусусиятли муносабатга киришиши, улар билан муомала қилиш маромларини даврий «муваққат тарзда» ўзгаришни вужудга келтиради. Ана шу ўзгариш туфайли муваффақият ва муваффақиятсизлик, омад ва омадсизлик, оптимизм ва пессимизм, романтика ва реализм, симпатия ва антипатия, прогресс ва регресс, жўшқинлик ва тушқинлик, фаоллик ва сустлик каби биринчиси ижобий (позитив), иккинчиси эса салбий (негатив) руҳий ҳодиса келиб чиқади. Фаолият ва хулқнинг амалиётида бир текис кечишини таъминловчи эмоционал ҳолат барқарорлигининг бузилиши унга қиёс қилинган муваффақиятнинг бирламчи омили тўғрисидаги илмий маълумотларнинг шубҳа остида қолдиради. Бинобарин, жамики нарсанинг бошланғич асоси, манбаи эмоция деган ғояни, унинг қийматини умумий фонда бирмунча қадрсизлантиради, лекин иккинчи, устувор ва етакчи, умумий ва хусусий объектив ва субъектив, муҳим ва номуҳим мезонлар, аломатлар, ўлчамлар ёрдами билан баҳоланиши ушбу психологик масала моҳиятини оқилона талқин қилиш заруриятини вужудга келтиради. Ҳолбуки шундай экан, уларнинг моҳиятини, келтириб чиқарувчи сабабларни, ҳаракатлантирувчи кучларини муайян далилларга асосланиб таҳлил қилиш муаммоси майдонга келади.

Инсон фаолияти ва хулқининг муайян қонуниятларга асосланган ҳолда амалга ошиши ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитларга боғлиқ. Табиий омилларни келтириб чиқарувчи объектив (ташқи) шарт-шароитларга боғлиқ. Табиий омилларни келтириб чиқарувчи объектив (ташқи) шарт-шароитлар, яъни микро ва макро муҳит, моддий борлик, ёрдамчи воситаларнинг мавжудлиги, уларнинг юксак талабларга жавоб бера олиш имконияти, ташқи қўзғатувчиларнинг безарарлиги, вақт ва фазовий ўлчовларнинг мувофиқлиги, мутаносиблиги кабилардан таркиб топади. Хулқ ва фаолиятнинг намоён бўлиши учун табиий шарт-шароитлар тизими яхлит ҳолда иштирок этиши, уларнинг муваффақиятини таъминловчи омиллар мажмуаси тариқасида хизмат қилиши мумкин. Табиий шарт-шароитлардаги тўқисликдан ташқари айрим етишмовчиликлар ва узилишларнинг содир бўлиши нуқсонларни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида руҳий кечинмалар фаоллиги, илдамлиги, мақсадга йўналганлиги бузилади.

Табиий шарт-шароитлар муҳит таъсирида инсон руҳий оламида бир қатор кескин ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришлари вужудга келади, улар янгилаанишлар, янги фазилатлар, хислатлар туғилишида намоён бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлмиш географик муҳит бу борада муҳим роль ўйнайди, кўпинча у, биринчидан, биологик шартланган шахс сифатларига таъсир этиб, фенотипларни генотипларга айлантиради (худудий муҳит, рельеф, стихия кутилиши: зилзила, қор кўчкиси, довул, сув тошқини, оёқ етмас қирли тоғлар ва ҳоказо). Иккинчидан, онтогенезда шахс характерологик хусусиятларини табиий равишда шаклланишига таъсир ўтказди, шунинг билан бирга микро муҳит билан

генлар, ирсий белгилар, аломатлар ўртасида уйғунликни таъминлаб турувчи механизм вазифасини бажаради.

Объектив (табiiй) шарт-шароитлардан ташқари, инсон омили билан узвий боғлиқлиги субъектив (шахсга оид, унинг қиёфасига боғлиқ) шарт-шароитлар муомаланинг, фаолиятнинг, хулқнинг ижтимоий турмушда самарали амалга ошишини узлуксиз равишда таъминлаб туради. Субъектив шарт-шароитларнинг каторига шахснинг барқарорлиги, характернинг мустаҳкамлиги, эҳтиёж, мотив, маслак, салоҳиятининг пухталиги, ўзини ўзи бошқариш услубининг қатъий равишда шаклланганлиги, биологик шартланган хислатлар эса ўзаро уйғунлашганлиги кабилар киради.

Одатда объектив (табiiй) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлардаги ўзгаришлар туфайли ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) хусусиятли психологик ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар, кечинмалар устуворлиги юзага келиб, моддий асос функциясини бажарувчи олий нерв фаолиятини, марказий нерв системасининг ритмикасини, ишчанлик қобилятини пасайтиради. Бунинг оқибатида фаолият, хулқ ва муомала амалга оширишда одатий саъи-ҳаракатлар, операциялар, маромлар бузила бошлайди, ғавқулодда асабийлик, руҳий нуқсонийлик, қонуниятдан четга оғишлик, нохуш кечинмалар ҳокимлиги етакчилик қилади. Худди шу сабабдан, фаолият, хулқ ва муомаланинг муваффақияти шубҳа остида қолиши мумкин, чунки маҳсулдорлик, собитқадамлик, мақсадга йўналганлик сифатларининг доминантлиги йўқолади, натижада ушалмаган эзгу ниятлар армон тариқасида юксак ҳистуйғулар сифатида даврий ҳукм суришда давом этаверади.

Инсоннинг табиатга ва жамиятга нисбатан муносабати тасодифларсиз, ғавқулоддаги вазиятларсиз амалга ошиши мумкин эмас, чунки эҳтимоллар даражасидаги кутилманинг йўқлиги режасиз вазиятларни шахснинг идрок майдонида келтириб чиқаради. Ҳаёт ва фаолият стратегияси ва тактикасининг экстремал тарзда ўзгариши индивидуал ва ижтимоий хусусиятли вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Вазиятлар стихияли, хаотик (бетартиб, тасодиф) хатти-ҳаракатларни вужудга келтириб, текис, одатий, даврий, барқарор хусусиятлар ритмикасини издан чиқаради, натижада инсоннинг мотивацион, эмоционал, когнитив, регулятив, хулқий, иродавий тузилиш таркибларининг функцияси бузилади. Шахс тузилишига ғавқулоддаги вазиятларнинг ички ларзаси фаолият, хулқ ва муомаланинг онглилик ҳолатидан онгсизликка ўтишини тақозо этади, бинобарин, муваффақиятсизлик реалияга айланади.

Хўш, нима учун шахс тасодифларнинг олдини олишга тайёр эмас ёки кўпинча у бу борада кучсизлик, ожизлик қилади?

Ушбу муаммо ечимини жуда содда тарзда ҳал қилиш ҳам мумкин:

1) шахс онгли зот, яратувчилик қудратига эга бўлишидан қатъи назар, у табиатнинг таркибий қисми, инстинктлар, шартсиз рефлекслар таъсирига берилувчандир; 2) шахснинг тана аъзолари (организми) ғавқулоддаги ҳодисалар ва вазиятларга мослашган эмас (стихия, ҳалокат, тасодиф, стресс, аффект, хавф-хатар, риск); 3) шахс комиллик даражасига эришмаганлиги туфайли сабабий боғланиш оқибатларини, фобия (қўрқиш) билан боғлиқ ҳистуйғуларни олдиндан сезиш, пайқаш, уларга нисбатан акс таъсир бериш

имкони йўқ: 4) шахсда иккинчи қиёфанинг шаклланмаганлиги (тест, тренинг, тренировка билан қуролланмаганлиги) унинг хавф-хатар қурбонига айлантириши шубҳасиз.

Жаҳон психологияси фанининг маълумотларига қараганда, муваффақиятсизликдан ҳеч ким ҳимояланган эмас, чунки ижтимоий иммунитет жуда кучсиз аксил таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Маълумки, жисмоний, ахлоқий ва ақлий баркамоллик туб маънодаги комил инсон тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради ва таркибларнинг тўла муносиблиги, уйғунлашганлиги, ўзаро тақозо этувчанлиги асосий мезон вазифасини бажаради, комиллик даражаси субъектнинг маънавий дунёсига айланмас экан, у тақдирда ҳеч ким тасодифлар, ғавқулоддаги вазиятлар шахс томонидан одатий ҳодиса сифатида осойишта қабул қилинмайди.

Муваффақият гарови (кафолати) функциясини бажарувчи омилларнинг генезиси тўғрисида фикр юритилганида, энг аввало, уларнинг бирламчилиги, асосий манба эканлигини назарда тутиш назарий ҳамда методологик муаммолар ечимини оқилона топишга пухта негиз ҳозирлайди, бошланғич ҳаракат нуқтасини белгилаб беришга хизмат қилади. Назарий мулоҳазаларга биноан, фаолият, ҳулқ ва муомаланинг бир текис, самарали кечиши генетик нуқтаи назардан қуйидагиларга боғлиқ:

1. Объектив (табiiй) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлар мавжудлигига.

2. Объектив ва субъектив шарт-шароитлар ҳукм суришини ўзгартирувчи тасодифий ва ғавқулоддаги вазиятлар таъсирчанлигига, устуворлигига.

3. Эмоция ва ҳиссиётнинг ижобий (позитив), салбий (негатив) хусусият касб этишига.

4. Инсоннинг шахслилик ва характерологик хусусиятларининг барқарорлигига.

5. Шахснинг комиллик даражасига эришганлигига ва ҳоказо.

Шахснинг ҳаёт ва фаолиятида муваффақиятга эришиш, мақсадига мувофиқ саъи-ҳаракатларни унга йўналтириш учун қуйидагиларга эътибор қилиш заруратнинг заруратидир:

1) объектив ва субъектив шарт-шароитлар ўзгарса, уларга тузатишлар (коррекция) киритишга тайёргарликка;

2) ғавқулоддаги вазиятларга кўникиш учун шахсга тренинг ёрдами билан таъсир ўтказишга, унда иккинчи қиёфани шакллантиришга;

3) организмнинг ҳар қандай стихияларга чидамлигини орттиришга;

4) комилликка интилиш ҳис-туйғуларини такомиллаштиришга;

5) шахс имкониятларни рўёбга чиқишга кўмаклашишга ўзини ўзи кашф қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўзига ўзи таскин бериш, ўзини ўзи қўлга олиш ва ҳоказо.

Инсон ҳаёти ва фаолиятини ўзгартирувчи асосий омиллар мавжуд бўлиб, улар муайян даражада шахснинг таъсирига берилувчандирлар.

Умумий психологиянинг асосий принциплари детерминизм, онг ва фаолият бирлиги, психиканинг фаолиятида ривожланиши бўлиб ҳисобланади.

1. Детерминизм (лотинча *determinata*) белгилайман маъносини билдиради) принципи табиат ва жамият ҳодисалари, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг объектив сабаблар билан белгиланиши ҳақидаги таълимотдир. Шу боисдан психика, онгнинг объектив борлиқ ва нерв системаси билан белгиланиши илмий психологиянинг буюк ютуғи ҳисобланади. Шунинг учун детерминизм психиканинг турмуш тарзи билан белгиланишини ва турмуш тарзи ўзгаришига мутаносиб равишда у ҳам ўзгаришини англатади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳайвонлар психикасининг ривожланишини биологик қонун тарзидаги табиий танлаш мезони билан ўлчанади. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ инсонда онг шаклланишининг пайдо бўлиши муайян босқичлар орқали ривожланиши моддий ишлаб чиқарилиш воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш, маҳсулотларни қайта ишлаш қонунлари билан белгиланади. Инсон онгининг ижтимоий-тарихий тараққиёт хусусиятига эга эканлигини англаши (тушуниш) шахс онгининг ижтимоий борлиққа (макро, микро, мизе муҳитига) боғлиқлиги ҳақидаги ҳам табиатшунослик, ҳам инсоншунослик умумий принципга асосланган буюк хулоса кишилиқ жамиятининг оламшумул тантанасидир. Ҳозирги даврда детерминизмнинг тескари алоқа, системалиқ, статиклик кўринишлари мавжуд.

2. Онг билан фаолият бирлиги принципини психология фанида қабул қилиниши шундай маънони англатади: а) онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши воқелиқ эмас; б) онг билан фаолият айнан бирор-бирига ўхшаши ҳам эмас; в) онг билан фаолиятнинг бирлиги уларнинг ҳукм суриши механизmidир (курсив Э.ғ.). Фаолият ўзининг тузилиши бўйича ички ва ташқи таркибларига эга бўлса—да, воқелиқ ташқи ифодаси билан ажралиб туради. Онг бўлса фаолиятнинг ички режасини, унинг дастурий жабҳасини акс эттиради. Реал вақтларнинг ўзгарувчан (ривожланишини англатувчи) модели онгда юзага келади, одам атроф-муҳит билан муносабатга киришганда ундан мўлжал олади, натижада нуқсонларга йўл қўймайди. Фаолият онг ёрдамида амалга ошади ва ўз навбатида онг мазкур жараёнда такомиллашади (муаммо ва унинг ечими вариациялар, инвариантлар туртки вазифасини ўйнайди).

Илмий тадқиқот нуқтаи назаридан онг билан фаолият бирлиги принципи, биринчидан, ҳулқ-атвор, фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга оширишга кафолат беради; иккинчидан, ҳаракат, саъи-ҳаракатларни муваффақиятларга эришишни таъминловчи ички психологик механизмни аниқлашга имкон беради; уларнинг бирлиги психиканинг объектив қонуниятларини очишга муҳим имконияти, пухта шарт-шароит яратади.

Агарда психика фаолият самараси ва маҳсули сифатида талқин қилинса, у тақдирда психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиш принципи тўғри тушунилган бўлади. Мазкур принцип рус психологлари Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.М.Теплов, Б.Г.Ананьев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

3. Психиканинг тараққиётини диалектика нуқтаи назаридан тушуниш психик тараққиёт инсоннинг меҳнат фаолиятига, таълимга, ўйин фаолиятига боғлиқ эканлигини аниқлашдан далолат беради. Ижтимоий тажрибани

ўзгартириш жараёнининг юз бериши шахс учун психик тараққиётнинг шакли сифатида хизмат қилади ва дастурий билимларни эгаллашга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Ҳар қайси фаолият тури инсон психикасини ривожлантириш манбаи ва механизми ролини бажаради. Психологларнинг ушбу принципга тааллуқли фикрларидан намуналар келтирамиз: 1) Л.С.Виготский: таълим психиканинг ривожланишини йўналтиради, шу билан бирга бу жараёнда онгли фаолиятнинг янги, мутлақо бошқача шакллари яратилади; 2) П.П.Блонский: тафаккур кичик мактаб ёшида ўйинлар билан, ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланади; 3) С.Л.Рубинштейн: онг фаолиятда пайдо бўлиб, ана шу фаолиятда шаклланади; 4) Б.М.Теплов: қобилият фақат ривожланишда мавжуд бўлади, лекин ривожланиш фаолият жараёнидан бошқача муҳитда юз бермагандек, қобилият тегишли яққол фаолиятдан ажралмаган ҳолда пайдо бўла олмайди.

Маълумки, психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ва миянинг маҳсулидир. Психика борлиқнинг сезги органлари орқали инсоннинг миясига бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, билиш жараёнларида, шахснинг хусусияти ва ҳолатларида, диққати, ҳис-туйғулари, характер ҳислатларида, қизиқиши ҳамда эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

Психиканинг негизида миянинг рефлексор фаолияти ётади, ташқи дунёдан кириб келадиган кўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради. Бош мия катта ярим шарларида вужудга келадиган муваққат нерв боғланишлари психик ҳодисаларнинг физиологик асослари ҳисобланади ва улар ташқи таъсирнинг натижасида ҳосил бўлади.

Психофизиологик қонуниятларга биноан миянинг функцияси муваққат нерв боғланишларининг бирлашиш механизми ҳамда анализаторлар фаолияти механизмлари таъсирида ҳосил бўлади.

Психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун онгли фаолиятини - унинг ҳам назарий, ҳам амалий ҳаёт фаолиятини ўрганишдир. Одамнинг онглилиги унинг турли-туман фаолиятида, хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ҳамда амалий фаолиятларда таркиб топади. Бунда муҳит, ирсий белгилар, ижтимоий таъсир асосий омиллар ҳисобланади.

Инсон ўзи яшаб турган даврни, моддий турмушни акс эттиради, ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири остида билимларни ўзлаштира боради, ижтимоийлашади. Ижтимоий муҳитда унинг ҳис-туйғулари, характери, қобилияти, иқтидори, тафаккури, эҳтиёжлари, эътиқоди, уни фаолликка даъват қилувчи ҳаракат мотивлари, истаклари, тилаклари, хоҳишлари аста-секин ўзгариб боради.

Инсоннинг билиш фаолияти ривожланиши унга ўзини қуршаб турган борлиқни янада чуқурроқ, тўлароқ, аниқроқ акс эттириш имкониятини яратади ва у борлиқнинг асл моҳиятини, турли йўсиндаги ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлари ва алоқаларни тобора аниқроқ ёритади. Шу билан бирга мазкур жараёнларда шаклланиб келаётган инсоннинг борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўзига муносабати вужудга келади.

Инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи олами фаол акс эттиришда намоён бўлади. Инсоннинг моддий турмуши, у ҳаёт кечираётган тузумнинг моддий асосига эмас, балки уни қуршаб олган одамларнинг турмуш тарзлари, умуминсоний қиёфалари, дунёқараши, маслаги, ижтимоий воқеликка муносабатлари, интилишлари, ижод маҳсуллари ва хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир.

Инсоннинг борлиқни акс эттириши фаол жараёндир. Инсоннинг ривожланиши объектив борлиққа ва ўзига фаол таъсир кўрсатишида содир бўлади. Ўйинни кузатиши, меҳнати, ўқиши, адабий асарни мутолаа қилиши, қизиқишининг барқарорлашуви ва бошқалар шахснинг психик ривожланишини ифодалайди.

Ривожланиш инсон шахсининг таркиб топиши жараёнидир. Ривожланиш ўзаро боғлиқ қатор босқичларда амалга ошади. Шахс ақл-заковатининг кўрсаткичи, сифати, хусусияти унинг атрофдаги одамлар билан кундалик муносабатлари ва амалий фаолиятида вужудга келади, ўзаро таъсир натижасида унда ақлнинг ижодий маҳсулдорлиги, теранлиги, тезлиги, мустақиллиги, танқидийлиги, чуқурлиги орта боради.

Психология фанининг филогенетик, тарихий, онтогенетик ривожланишига янгича ёндашиш принциплари қуйидагича турларга ажратишга имкон беради:

- 1) детерминизм;
- 2) онг ва фаолият бирлиги;
- 3) тараққиёт;
- 4) тарихийлик;
- 5) предметлилик;
- 6) монизм;
- 7) нутқ ва тафаккур бирлиги;
- 8) фаоллик;
- 9) интериоризация ва экстериоризация;
- 10) фаолият ички ва ташқи тузилиши бирлиги;
- 11) психикани системали анализ;
- 12) акс эттиришни фаолият тузилмасидаги инъикос қилинувчи объектга боғлиқлиги ва ҳоказо.

### **3.Инсон психикасининг илмий-тадқиқот методлари**

1. Психологиянинг анъанавий, эмпирик методлари то ҳозирги кунгача муваффақиятли қўлланилмоқда.

**Кузатиш методи.** Психология фанида бу методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини ўзи) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

- 1) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади;
- 2) кузатиладиган объект танланади;
- 3) синалувчининг ёши, жинси, касби аниқланади;
- 4) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;



- 5) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;
- 6) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, меҳнат ва спортда) амалга оширилиши тавсия қилинади;
- 7) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа билан ўтказилиши) тайинланади;
- 8) кузатилганларни қайд қилиб бериш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон, видеоаппарат, фотоаппарат ва бошқалар) тахт қилинади.

Кузатиш орқали одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгирлиги, ҳаракатчанлиги, ишчанлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти ва ҳоказолари ўрганилади. Аммо ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантикий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етишмайди. Масалан, гўдак болани кузатишда унинг ҳаракатлари, ўйинчоқларга муносабати, ҳис-туйғуси, талпиниши, майли, хоҳиши аниқланади. Ўқувчининг дарсдаги ҳолатини кузатишда эса диққатининг хусусияти, ташқи кўзғатувчи билан таъсирланиши, темпераменти, хатти-ҳаракатининг суръати, эмоционал кечинмасининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар тўплашга имконият туғилади. Ўспирин ёшларнинг спорт фаолиятини кузатиш орқали уларнинг иродаси, ишчанлиги, ҳис-туйғусининг ўзгариш хусусиятлари, ғалабага интилиши, ўзининг ҳаракатини идора қила олиши юзасидан материаллар йиғиш мумкин. Ишчининг дастгоҳ ёнидаги фаолиятини кузатиш натижасида унинг ўз диққатини тақсимлаши, қийин дамларда ўзини тутиши, имо-ишоралари, ташқи кўзғатувчидан таъсирланиш даражаси ҳақида кенг маълумотлар йиғилади. Кексаларнинг мулоқот жараёнини кузатиш уларнинг характери, нутқ фаолияти, ҳис-туйғуси, экстравертивлиги ёки интровертивлиги, қизиқувчанлиги ва руҳиятининг бошқа хусусиятларини аниқлаш демакдир.

Ташқи кузатишда баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш: иш устидаги кайфиятини, фикрнинг муайян объектга йўналтирилганини, ташқи кўзғатувчилар таъсирига берилмасликни, чехрадаги ташвиш ва истиробни, кўздаги ғайри табиийликни, шунингдек, синчковлик, теранлик, термулиш каби руҳий ҳолатларни кузатиб тафаккурнинг кечишидаги ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Булардан ташқари, қўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши, ҳиссиётнинг беқарорлашуви ҳам инсон руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумот беради.

Психология фанида ўзини ўзи кузатишдан (интроспекциядан) ҳам фойдаланилади. Кўпинча тажрибали психолог ёки малакали моҳир ўқитувчи, салоҳиятли раҳбар ўзини ўзи кузатиш орқали илмий хулоса чиқара билади. Масалан, ўз тафаккурини кузатиб ўзидаги эмоционал ўзгариш ҳақида, шунингдек, тафаккурнинг ички механизмлари вужудга келиши ва кечиши тўғрисида маълумот олади. Натижада тафаккурнинг сифати, мазмуни, моҳияти ва қай тарзда, қандай тезликда, қай шаклда рўй беришини кузатади.

Чет эл психологиясида ўзини ўзи кузатишнинг инсон руҳиятини ўрганишдаги ролини ифодаловчи илмий-амалий материаллар тўпланган.

Интроспекция йўналишининг йирик намояндалари ўзларини ўзлари кузатганлар ва тўплаган материалларини таҳлил қилиб умумий психологик қонуниятларни яратишга ҳаракат қилганлар. Лекин инсон турли вазиятларда ўзини бир хил бошқара олмайди ва шунинг учун бу методнинг илмий аҳамияти унчалик катта эмас.

Шундай қилиб, кузатиш методининг қулай ва самарали жиҳатлари билан бирга заиф томонлари ҳам мавжуд. Шу сабабли инсоннинг мураккаб психикаси бошқа методлардан фойдаланиб тадқиқ қилинади.

**Сухбат методи.** Бу метод билан инсон психикасини ўрганишда сухбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, якка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Сухбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Сухбат орқали одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, тийраклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади.

Сухбат методининг ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. қайтариқ сўзлар, «ғализ» иборалар, нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлилиги муваффақиятсизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол-жавобнинг бир шаклда эмаслиги синалувчида ўзига хос ишлаш услуби, ошкораликнинг етишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофлича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

**Фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш методи.** Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва ҳаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод умумий психологияда кенг қўлланилади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, техник, бадий ва адабий қобилияти, ижодий ҳаёли юзасидан материаллар тўплаш мумкин. Объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан муайян ҳукм ва хулоса чиқарилади. Ижодий фаолият маҳсуллари кундалик, схема, ихтиро, диаграмма, кашфиёт, қурилма, асбоб, техник модель, мослама, миллий каштачилик, ҳунармандчилик, заргарлик буюмлари, реферат, курс ва малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертацияси, илмий маъруза, конспект, тақриз, тезис, мақола, кўрсатмали қуроқлар, лойиҳа, концепция, санъаткор, артист ва бахши ижодиёти қабилар қиради. Булар турли ёшдаги, жинсдаги ва касбдаги одамлар томонидан яратилган бўлиши ва шунга кўра шакли, мазмуни, сифати, оригиналлиги, ҳажми, кўриниши, хусусияти билан бир-биридан кескин тафовут қилиши мумкин.

Ижодий фаолият маҳсуллари таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар, конструкторлар, олимлар, ҳунармандлар, ишчилар, деҳқонлар психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондаги психик ўзгаришлар, камол топиш ва буларнинг кечишини ифодаловчи

материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи етмайди. Шунинг учун инсон психикасини ўрганиш мақсадида бошқа методлардан ҳам фойдаланиш маъқул.

**Тест методи.** Тест - инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш, демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, менталитетини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа масала, топширик, мисол, жумбоқ, сюжетли расм ёки шакл тест деб аталади. Тест айниқса одамнинг қандай касбни эгаллаши мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлиги, истеъдодлилар, иқтидорлилар ва ақли заифларни аниқлашда кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик маълумотларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қила билашга боғлиқдир.

1905 йилдан, яъни француз психологи А. Бинэ ва унинг шогирди А. Симон инсоннинг ақлий ўсиш ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ҳолатини олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўллана бошланди.

Чет эл психологлари тестларни шахснинг истеъдод даражасини аниқлаш воситаси деб билдилар. Бироқ тест текшириладиган ҳодисаларнинг психологик мезони ҳисобланмайди. Маълумки, бир муаммонинг ечимини излаш турли психологик воситалар билан амалга оширилади. Жаҳон (АҚШ, Европа ва ҳоказо) тестологлари тадқиқот объектларини ўзлаштириб турадиган ва қобилият, тафаккур, билим кўникма ҳамда малакаларни аралаш ҳолда ўрганишга интиладилар. Синаш жараёнида синалувчиларнинг эмоционал ҳолати ва саломатлигига боғлиқ руҳий кечинмаларни инобатга олмайдилар. Собиқ иттифоқ психологлари К.М. Гуревич, В.А. Крутецкий ва бошқалар қўллайдиган тестлар тубдан бошқача принцип асосида тузилган. Улар тестларнинг тафаккур кўрсаткичи (индикатори) бўлиши учун ҳаракат қилдилар ва муайян ютуқларга эришдилар. Шунингдек, тафаккур жараёнининг сифат хусусиятларини билмай туриб, қобилиятнинг моҳиятини ёритиб бўлмайди, деган қоидага амал қилган ҳолда тестлардан фойдаланмоқдалар. Ҳозирги даврда нодир тестлар қаторига психологлардан Роршах, Розенцвейг, Кэттелл, Вартегг, Векслер, Мейли, Айзенк, Анастаси, Равен ва бошқалар ижодининг намуналарини киритиш мумкин.

Психологияда тестлар қуйидаги туркумларга, турларга ажратилган ҳолда қўлланилади. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига:

1) Билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлик даражасини аниқлашга қаратилган диагностик методлардан бири мақсадга (ютуққа) эришув тестлари ёки педагогик тестлар деб номланади; бу тур ҳаракат тестлари (механизмлар, материаллар, инструмент кабилардан фойдаланишга мўлжалланган), ёзма тестлар (махсус бланкалардаги саволлардан битта тўғриси топишга ёки расмдан муҳим томонини ажратишга йўналтирилган), оғзаки тестлар (саволлар тизими умумий таълим ва касб таълимида тайёргарлик даражасини аниқлайди).

2) Инсоннинг ақл-идроки, ақл-заковати, ақлий қобилияти ва фикрлаш даражасини ўлчашга мўлжалланган тестлар интеллект тестлари дейилади;

улар вербал ва невербал шаклларда тузилган бўлиб, ақлий имконият, укувчанлик, топқирлик, зеҳн, фаросатлилик, ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш учун хизмат қилади; тест топшириқлари йўриқномасида аналогияга, умумлаштиришга, тушунчаларга, тавсифлашга мантикий муносабатни аниқлаш талаб этилади.

3) Ижодиёт (креативлик) тестлари шахснинг ижодий қобилиятларини ўрганиш ва баҳолашга мўлжалланган бўлади; улар ижодкор шахснинг ҳаётий тажрибасини таҳлил қилишга ва ижодкор шахснинг индивидуал хусусиятларини (ижодий тафаккур ва унинг маҳсулдорлиги: эгилувчанлиги, тезкорлиги топқирлиги, оригиналлиги, танловчанлиги, конструктивлиги ва ҳоказо) ўрганишга йўналтирилади.

4) Мезонга мўлжалланган (критериал ориентирланган) тестлар текширилувчидан эгаллаган ва касбий топшириқларни бажариш учун етарли ёки етарли эмаслигини аниқлашга мўлжаллангандир. Мезон (критерия) сифатида муайян билимлар тизими мавжуд ёки мавжуд эмаслиги хизмат қилади. У (мезон ўқув жараёни ташкил этишда тескари алоқанинг инструменти тариқасида гавдаланади. Мезоннинг яратилиши унинг мантикий-психологик тузилишини таҳлил қилиш асосида қурилади. Бунда методика билан мезоннинг психологик мутаносиблиги, релевантлиги олдиндан ҳисобга олиниши лозим.

5) Шахсга оид ёки шахслилик тестлари: шахснинг установа, кадриятларга муносабати, эмоционал ҳолатлари, мотивацияси, шахслараро муносабатдаги сифатлари, ҳуқ-атворининг типик шакллари ва ҳоказоларни ўрганишга, ўлчашга, аниқлашга ёрдам беради. Улар шахсни ўрганиш шкалалари, сўровномалари ва билим жараёнларини ўлчаш, баҳолаш, ўзини-ўзи баҳолашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, субъективликни акс эттирувчи текстлар тизимини ҳам қамраб олади.

6) Проектив тестлар (лотинча Прочестио-олдинлаб, илгарилаб намоён этиш маъносини билдиради): проекция натижаларини психологик талқин қилишга асосланган шахсни яхлит ўрганишга қаратилган методлар мажмуаси проектив тестлар дейилади. Психологик ҳимояланишдан ташқари, ғавқулоддаги вазиятда индивидуаллигини ўзига хос намоёиш этиш кабиларда мужассамлашади. Бундай тестлар туркуми ассоциатив (тугалланмаган гаплар ёки ҳикоя), экспрессив (психодрама, ўйинлар, ишбилармонлик ўйинлари, соцтренинг, эркин мавзуда расм чизиш) турларига ажратилади. Шахснинг ички дунёси моҳиятини субъектнинг шахсан ўзи тўлароқ намоёиш этишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, тестлар қаторига ютуққа (мақсадга) эришиш тестлари (улар дарсликларда берилган билим, малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий тараққиёт даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахслилик тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва ҳуққини баҳолашга йўналтирилган диагностик методлардан иборатдир), шахс «лойихаси» (проектив) тестлари(саволларга битта аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таҳлил қилиб шахс хусусиятларининг «лойихаси» ишлаб чиқилади), қобилият тестлари, хотира тестлари қиради.

Энди тестга айрим мисоллар келтирамиз.

Ортиқча сўзни чиқариб ташланг:

А) Енисей, Днепр, Сирдарё, Амур (жавоб: Днепр - у Европада жойлашган);

Б) Петрозаводск, Ижевск, Сиктивкар, Абакан (жавоб: Абакан - у Осиёда жойлашган).

**Тажриба (эксперимент) методи.** Бу метод турли ёшдаги ва касбдаги одамлар (чақалоқ, бола, ўспирин, балоғатга етган ва қарилар)нинг психикасини чуқурроқ, аниқроқ тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларнинг шаклланиши нутқнинг ўсиши, ғавқулдда ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнлари, шахснинг ҳис-туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, мураккаб механизмлари текширилади. Бунинг учун эксперимент материални текширувчи синчковлик билан танлаши, объект тарзида ҳар хил ҳолат ва вазиятларни яратиши, бунда синалувчининг ёши, ақл-идроки, характер хусусияти, ҳис-туйғуси, қизиқиши ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакаларига эътибор бериши лозим.

**Эксперимент методи** ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. Табиий метод психологик-педагогик масалаларни ҳал қилишда қўлланади. Бу методнинг илмий асосларини 1910 йилда рус психологи А.Ф. Лазурский таърифлаган. Табиий методдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалар ходимларининг, ўқитувчилар, кексайган кишиларнинг психологик ўзгаришлари, ўзаро муносабатлари, ишчанлик қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини ҳал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитларда инсон психикасини ўрганишда синалувчилар (боғча болалари, мактаб ўқувчилари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, бизнесменлар, фермерлар, илмий ходимлар ва ҳоказолар)нинг ўзлари беҳабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсади мувофиқлаштирилиши, катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш (интеракция) кундалик меҳнат тарзи доирасида амалга оширилиши, завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

**Лаборатория (клиника) методи** кўпинча индивидуал (гоҳо гуруҳ ва жамоа) шаклида синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатма ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Ҳозир инсон психикасидаги ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон ҳисоблаш машиналари (дисплейлар), қурилмалар, мослама ва жиҳозлар мавжуд. Улар одамдаги психологик жараёнлар, ҳолатлар, функциялар, вужудга келаётган янги сифатларни қайд қилиш ва ўлчашда қўлланади. Кўпинча детекторлар, электрон ва радио ўлчагичлар, секундомер, рефлексометр, хронорефлексометр, люксметр, аноматоскоп, тахистоскоп, аудиометр, эстезиометр, электромнограмма, электроэнцефалограмма кабилардан фойдаланилади.

**Лаборатория методи** ёрдами билан диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал ҳамда иродавий ва ақлий зўриқиш сингари мураккаб психик ҳолатлар текширилади. Кўпинча лаборатория шароитида кишилар (учувчи, шофёр, оператор, электрончилар) ва кутилмаган тасодифий вазиятлар (ҳалокат, портлаш, издан чиқиш, шовқин кўтарилиши)нинг моделлари яратилади. Асбобларнинг кўрсатилиши бўйича ўзгаришлар, ривожланиш динамикаси, жисмоний ва ақлий толиқиш, эмоционал-иродавий, асабий зўриқиш, жиддийлик, танглик қандай содир бўлаётганини ифодаловчи маълумотлар олинади.

**Тажриба (экспемент)** аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи) ва текшириш (назорат) қисмларига бўлинади. Экспериментнинг аниқловчи қисмида психик хусусият, жараён ёки ҳолат, ўйин, меҳнат, ўқиш каби фаолиятларда тадқиқ қилинади. Тадқиқот объектининг айнан шу пайтдаги ҳолати, имконияти аниқланади, лекин текширувчи синалувчига субъектив таъсир ўтказмайди. Шу паллада синалувчига ҳатто, йўлловчи саволлар ҳам бермаслик экспериментнинг принципи ҳисобланади.

**Таркиб топтирувчи (шакллантирувчи) экспериментда** (тажрибада) синалувчиларда бирор фазилатни шакллантириш, шунингдек, уларга мақсадга мувофиқ муайян малака, йўл-йўриқ ва усулни ўргатиш режалаштирилади. Эксперимент якка, гуруҳ ва жамоа тарзида ўтказилиши мумкин. Бунинг учун тажриба материалининг ҳажми, кўлами, қанча вақтга мўлжалланганлиги, нималар ўргатилиши, синалувчиларни психологик жиҳатдан тайёрлаш олдиндан белгилаб қўйилиши шарт.

**Текшириш ёки назорат экспериментида** (тажрибасида) таркиб топтирувчи (шакллантирувчи) босқичда шакллантирилган усул, восита, йўл-йўриқ, кўникма, малака ва шахс фазилатларининг даражасини, барқарорлигини аниқлаш, таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш учун моҳияти ҳар хил мустақил топшириқлар берилади. Текшириш (назорат) тажрибаси орқали таркиб топтирувчи синалувчига мутлақо ёрдам бериш мумкин эмас, акс ҳолда тадқиқот ўтказиш принципи бузилади.

**Аниқловчи, таркиб топтирувчи ва текширувчи (назорат) тажрибаларда** йиғилган маълумотлар, миқдорлар математик-статистик методлардан фойдаланган ҳолда ишлаб (ҳисоблаб) чиқилади, шунингдек, миқдорий таҳлил ўтказишга тайёргарлик кўрилади. Статистик методлар ёрдамида инсоннинг билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл) билан унинг индивидуал-типологик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги ва таъсири (корреляцияси) билиш жараёнларининг ҳис-туйғу билан бошқарилиши, ақл-заковат омилларини таҳлил қилиш амалга оширилади. Сўнгра миқдорнинг ҳамда қўлланилган методикасининг ишончлилиги, аниқлилиги даражаси аниқланади. Унгача ҳам математик статистиканинг содда методларидан фойдаланиб айрим ҳисоблашлар, масалан, ўртача арифметик қиймат, миқдорларни тартибга солиш, медианани ҳисоблаш, квадрат оғишни топиш ва бошқалар амалга оширилади.

Ҳозир инженер психологлар математиклар билан ҳамкорликда инсон психикасининг моделини яратиш устида тадқиқот ишларини олиб

бормоқдалар, шунингдек, медиклар, физиологлар, кибернетиклар психикани программалаштиришни ниҳоясига етказмоқдалар. Ишлаб чиқаришдаги «сунъий интеллектлар», роботлар, ЭХМлар ана шу изланишларнинг дастлабки самараси ҳисобланади.

**Биография (таржимаи ҳол)** методи. Инсон психикасини тадқиқ этиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, танбехлари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол ҳақидаги материаллар: эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, магнитофон овозлари, фотолавлар, ҳужжатли фильмлар, тақризлар ўрганилаётган шахсни тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

**Таржимаи ҳол** маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда, унинг суҳбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишга ёрдам беради. Масалан, мазкур маълумотлар орқали ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнлар: шеърят, мусиқа, нафосат, тасвирий санъат, техник ижодиётнинг нозик турлари ва кашфиётдаги тафаккурнинг ўзига хослигини, шахснинг маънавият, қадрият, қобилият, иқтидор, истеъдод сингари фазилатларини ўрганиш мумкин. Инсон онгининг ҳиссаси, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзига хос ва ижтимоий хусусиятлари атоқли одамлар билдирган мулоҳазаларда ўз ифодасини топади. Алломалар тўғрисидаги маълумотлар замондошлари, издошлари, сафдошларининг таърифу-тавсифлари орқали авлоддан авлодга ўтади.

**Биографик** маълумотлар одамларнинг ўзини ўзи тарбиялаши, назорат қилиши, идора этиши, ўзининг услубини яратиши, камолот чўққисига эришиши жараёнида намуна вазифасини ўтайди.

**Ёш психологиясида** болаларнинг таржимаи ҳоли асосидаги илмий тадқиқотлар, масалан, Н.А.Менчинская, В.С.Мухина каби собиқ иттифоқ психологларининг кузатишлари «Она кундалиги» номи билан машҳурдир. Шундай тадқиқотлар узоқ чет эл психологиясида ҳам кенг тарқалган.

Бадий адабиётда яратилган талай асарлар, масалан, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, С.Айний, Ойбек, Абдулла қаҳҳор ва бошқа қатор адибларнинг эсдаликлари таржимаи ҳол шаклида бўлиб, улар билан танишиш натижасида муаллифларнинг ҳис-туйғуси, темпераменти, характери, қобилияти, истеъдоди, қизиқиши, интилиши, дунёқараши, эътиқоди, нафосати, ахлоқ ва одоби тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

**Анкета методи.** Умумий психология фанида кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарс ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда уч хил тузилади. Уларнинг биринчи хили англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи хил анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади ва шкалали анкета деб аталади. Анкетадан турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг лаёқатларини,

муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, ҳамкасбларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида кенг қўламда фойдаланилади. Тарқатилган анкеталар йиғиштирилади ва электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаб чиқилади, атрофлича миқдорий таҳлил қилинади, сўнгра тадқиқотга яқун ясашиб, илмий ва амалий йўсинда хулосалар чиқарилади. Анкета методи инсон психикасини ўрганиш учун бой материал тўплаш имконини беради. Лекин унда олинадиган маълумотлар доимо холисона хусусиятга эга бўлавермайди. Бу камчиликка йўл қўймаслик учун анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи саволларни (контр саволларни) ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўзини ўзи баҳолаш шкаласини касб танлашга йўналтиришни касбий лаёқатни аниқлашни, қизиқиш ва мотивацияни ўрганишда анкета методи қўлланилади.

**Социометрия методи.** Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Унга америкалик социолог Джон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун ундан қайси фаолиятда, ким билан қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари гуруҳдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бу маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради, холос. Шунинг учун XX асрнинг охирларида собиқ иттифоқ психологлари Я.Л.Коломинский (Минск) ва И.П.Волков (Санкт-Петербург) томонидан социометриянинг ёш психологиясига (ижтимоий-педагогик психология соҳасига) мослаб ўзгартирилган турлари, модификациялари ишлаб чиқилган. Булар шахсларнинг бир-бирини танлаши мотивларини кенг ифодалаш имконини беради. Айниқса, социометриянинг Я.Л.Коломинский ишлаб чиққан ўзгартирилган тури болалар, ўқувчилар жамоасидаги шахслараро муносабатлар ҳақида тўлароқ ахборот беради.

Одатда ўқувчилардан қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб қилинади: «Сен саёҳатга ким билан боришни хоҳлайсан?», «Ким билан қўшни бўлиб яшашни ёқтирасан?». Ҳар бир савол социометрик мезон (ўлчов) вазифасини бажаради ва турмуш воқелигидан олинган. Синалувчи ҳар бир саволнинг учта жавобидан биттасини «энг маъқул» деб танлаши лозим. Унга, «аввал, ҳаммадан кўра кўпроқ ким билан бирга бўлишни хоҳласанг, ўшанинг фамилиясини ёз», «агар сен истаган шахс тўғри келмаса, яна ким билан бирга бўлишни истасанг, шунинг фамилиясини ёз», «айтилган шартларга биноан учинчи шахснинг фамилиясини ёз» деб уқтириш жоиз.

Гуруҳ табақаланишни кўрсатиш учун социограмма тўртта «майдон»га ажратилади. қизлар доирача билан, ўғил болалар эса учбурчаклар билан белгиланади. Доирача ва учбурчаклар сони фамилиялар сонига тўғри, мос келади. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари доирача ва учбурчаклар стрелкалар билан боғланганида ўз ифодасини топади. Энг кўп муносабатга эга бўлган синалувчи доиранинг марказидан ўрин олади. У гуруҳ аъзоларининг энг ёқимтойи ҳисобланади, шахслар билан алоқа ўрнатмаган синалувчи доиранинг



энг четидан жой олади. Ораликдаги «майдон»ларга ўртача ва ундан камроқ танланган текширилувчилар жойлаштирилади. Текширишда, биринчидан, шахслараро муносабатнинг даражаси ва кўлами аниқланади, иккинчидан, қизлар билан ўғил болалар ўртасидаги кўрсаткичлар таққосланади. Кўрсаткичларга қараб гуруҳдаги муносабатлар ёки қизлар билан ўғил болалар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ўзига хослиги, психологик механизмлари ҳақида хулоса чиқарилади. Шу билан бирга назарий аҳамиятга молик ғоялар олға сурилади, амалий кўрсатмалар берилади, тавсиялар билдирилади.

Бу методда синалувчиларга бевосита саволлар берилади ва уларга кетма-кет жавоб қайтариш орқали гуруҳ аъзоларининг ўзаро танлаш жараёни вужудга келтирилади. Мактабгача муассасалар, мактаб синфлари, меҳнат ва дам олиш лагерлари, олий мактаблар, меҳнат жамоалари ва турли ташкилотларнинг хусусиятлари, динамикаси, шахслараро зиддият (низо)ларнинг сабаби шу метод ёрдамида ўрганилади. Турли эҳтиёж, мотив, қизиқиш, интилиш, ҳаракат ва ҳоказолар муайян тартиб ва қоидага биноан системалаштирилади, уларнинг ижтимоий-психологик ҳамда соф психологик илдизлари тўғрисида маълумотлар олинади. Шу билан бирга гуруҳдаги шахсларнинг яққол, аниқ нуқтаи назари, гуруҳбозлик, оғмачилик, қарама-қаршилиқ, ҳис-туйғунинг зўриқиши, гуруҳий жипслик, мослик, муносабатнинг мотивлари ва унинг қурилиши, жинслар ўртасидаги мулоқотларнинг замини, муомаланинг мароми ҳамда сеҳри мана шу калит билан очилади ва барқарорлик хусусиятини касб этади.

Умуман айтганда, социометрия методидан турли ёшдаги, касбдаги, жинсдаги, савияси ҳар хил кишилар гуруҳларидаги психологик қонуниятлар, механизмлар ва ёндашувларни тадқиқ этишда унумли фойдаланса бўлади.

2. Яқин ва узоқ чет эл психологияси фанида инсон психикасини тадқиқот қилиш методларининг турлича классификацияси (таснифи) берилган. Умумий психология соҳаси бўйича хилма-хил илмий асосга қурилган назариялар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси тўқислик ва нуқсонли томонларига эга. қуйида биз рус психологи Б.Г.Ананьев тавсия қилган классификацияга асосланган ҳолда методлар хусусиятини ёритиб берамиз.

Б.Г. Ананьев психикани ўрганиш методларининг ташкилий, эмпирик (амалий), олинган натижаларни қайта ишлаш ёки статистик ҳамда натижаларни шарҳлаш деб номлаб, уларни тўртта катта туркумга, гуруҳга ажратган. Мазкур методлар гуруҳи ўз навбатида унинг мақсади ва вазифасига биноан яна бир нечта тоифа ҳамда турларга бўлинади. Навбатдаги фикрда ана шу методларнинг умумий, хусусий ва ўзига хос хусусиятларига ҳамда қиёсий тавсифига тўхталамиз.

Тадқиқот методларининг биринчи гуруҳи ташкилий деб номланиб, у ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёклама) деб аталадиган турларни қамраб олади. қиёслаш методи умумий психология (турли гуруҳларни ўзаро солиштириш), социал психология (катта ёки кичик гуруҳлар ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш), медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш), спорт психологияси (спортсменлар ҳолати, уларнинг уқувчанлиги ва ишчанлигини ўзаро чоғиштириш) каби фанларда унумли фойдаланилади.

Умумий психология фанида қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларини ўзлаштириш хоссалари, ақлий қобилияти, салоҳияти, тараққиёт динамикаси, шахс жинсий тафовутлари ва ўзига хослиги, индивидуал-типологик ҳолатларини ўрганишда татбиқ этилади. Рус психологлари Л.С.Виготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананьев, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин сингари олимлар ва уларнинг шогирдлари тадқиқотларида қиёслаш методидан фойдаланилган. Кейинги йилларда халқ таълими ва олий таълим тизимида ҳамда ишлаб чиқаришда XX асрнинг 70- йилларидан эътиборан то ҳозирги давргача «инсон омили» муаммосининг муҳокамага қўйилиши, вақт тақчиллиги, ишчанлик имконияти, қобилияти, психологик мослик масалаларининг алоҳида аҳамият касб этиши мазкур методни кенг қўламда қўллашни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, тажрибада олинган миқдорий маълумотлар ишончлилиқ даражасини ошириш учун ҳам қиёслаш методи ишлатилади. Айниқса, синалувчилардаги ўзгаришларни кўндаланг кесим ҳолатда олиб қараш, тадқиқот босқичини кесиб, яъни вақтинча тўхтатиб, алоҳида таҳлил қилиш ушбу методга борган сари диққат-эътибор тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, тажрибанинг биринчи босқичининг турли ёшдаги ва жинсдаги одамларга таъсирини аниқлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Умумий психологияда қиёслаш методи билан бир қаторда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам кенг қўламда қўлланилади. Ушбу методнинг бошқа методлардан фарқли томони шундан иборатки, унинг ёрдамида бир ёки бир неча синалувчилар узок муддат, ҳатто ўн йиллар давомида (А.Терменнинг 50 йиллик узлуксиз тажрибаси ҳозирча рекорд ҳисобланади) текширилади. Лонгитюд методидан АқШлик А.Термен, немис психологи В.Штерн, француз Р.Заззо ва Ш.Бюлер, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар кўп даврлардан бери унумли фойдаланиб келадилар.

Мазкур метод орқали ҳар хил жинсли эгизаклар (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) қўшалоклар кузатилган. Шунинг учун бир талай тадқиқотларнинг «она кундалиги» (Н.А.Менчинская, В.С.Мухина) деб номланиши бежиз эмас. Узок муддат давомида муайян бир шахсни (кичик гуруҳни) кузатиш синалувчида янгитдан пайдо бўлаётган фазилатларининг тараққиёт динамикаси, унинг хулқ-атворидаги иллатлар (меъёрмадаги хатти-ҳаракатдан четга оғиш) ва уларнинг олдини олиш муаммолари юзасидан материал йиғиш, шунингдек, мураккаб психологик муносабатлар, ички боғланишлар, қонуниятлар, механизмлар

тўғрисида мукаммал, ишончли, барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигидан ташқари, синалувчига объектив (табiiй) шарт-шароитларнинг, ижтимоий-психологик муҳитнинг таъсири ҳам ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўзаро ўхшашлиги ва уларнинг тафовутланиши, таъсирланиши, ҳис-туйғуларининг ўзгариши, шахслар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти системаси ва ҳоказолар) юзасидан олинган маълумотлар лонгитюд методининг шарофати билан рўёбга чиқади.

XX асрнинг иккинчи ярмида XXI асрнинг бошларида фан ва техниканинг тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлик даражасини янада ошириш учун (субъектив омиллар таъсирини камайитириш мақсадида) комплекс программа асосида бошқа фанлар (медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, философия, логика) билан биргаликда тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Бу воқелик фан оламида интеграция (қўшилиш, уюшиш) жараёни юз бераётганлиги кўрсаткичи ифодасидир. Амалий хусусиятга молик илмий-текшириш ана шу кўпқиррали (комплекс) ёндашишни талаб этмоқда. Психология соҳалари (психофизиология, космос, тиббиёт психологияси, муҳандислик ёки авиацион психология) ўртасида эса тадқиқот объектига тизимли ёндашиш принципи амалга оширилмоқда. Ушбу ижтимоий-психологик воқелик соҳалар дифференциациясидан (ажралишидан) далолат бермоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли соҳавий нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, шахснинг муайян билимларни эгаллаш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлинса, комплекс (кўпёклама) ёндашиш таъсирида ана шу ўзгартиришнинг фалсафий, мантикий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари очиб берилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш қари кишидаги психологик, физиологик, мантикий жиҳатларининг очилишига хизмат қилади.

Комплекс (кўпқиррали) программа (дастур) ёрдамида амалга оширилган тадқиқотнинг натижаси илмшунослик учун муҳим аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда ҳам алоҳида ижобий роль ўйнашига шак-шубҳа йўқ.

Илмий-тадқиқот методларининг иккинчи гуруҳи амалий (эмпирик) методлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг таркибига кузатиш (ўзини ўзи кузатиш), эксперимент (табiiй, лаборатория), тест (синаш), анкета (варақа), сўров, социометрия, суҳбат, интервью, фаолият жараёни ва маҳсулини таҳлил қилиш, таржимаи ҳол (биография), шахсий гувоҳнома, ҳужжат, турмуш фаолияти воқеаларини таҳлиллаш кабилар киради. Амалий методлар синаш, текшириш, диагноз (ташҳис) ва прогноз (башорат) қилиш вазифаларини бажаради. Инсоннинг туғилишидан тортиб то умрининг охиригача давр оралиғида содир бўладиган психологик ўзгаришларни чуқурроқ, объектив равишда тадқиқ этиш учун навбати билан амалий (эмпирик) методлар

гурухидан фойдаланиш самарали натижа беради. Чунки бир метод иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади.

Илмий-тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи олинган натижаларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, статистик (миқдор) ва психологик сифат таҳлили турларга ажратилади. Психологик-педагогик тадқиқотларда кўпинча қуйидаги статистик методлардан фойдаланилади.

Тўпланган миқдорларнинг статистик методлар ёрдамида ишлаб чиқишда қуйидаги формулаларни қўллаш мумкин.

1). 
$$M_k = \frac{\sum x_k}{n}$$

ўртача арифметик қийматни топиш учун ишлатилади.

$\bar{V}$ -йиғинди,  $V$ - вариацион миқдор,  $n$ - синалувчилар миқдори ёки объектларнинг саноғини билдиради.

2)  $G_k = S \cdot \sqrt{n-1}$  формуласи сон қаторидаги ўрта квадрат оғишни ҳисоблашда ёки стандарт оғишни аниқлашда ишлатилади.  $G$ -“сигма” квадрат оғиш,  $S$ -дисперсия, “ $n$ ”-миқдор.

3)  $S_k = (\sqrt{v-M})$ - миқдорлар тарқоқлигини аниқлаш учун қўлланилади, баъзан у « $S$ » –дисперсия деб аталади.

Психологик тажрибаларда олинган миқдорнинг, қўлланилган методиканинг ишончлилик даражасини аниқлаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланиш мумкин:  $t_{X-X}$ . Бунда  $t$ - ишончлилик белгиси,  $X$ -сон қаторидаги юқори балл,  $X$ -ўртача арифметик миқдор,  $\bar{G}$ -квадрати оғиш аломати.

Психологик тажрибаларда Мёрдокнинг кўчиш фоизларини аниқловчи формуласи:  $\xi = C / \xi \cdot C \cdot 100$  қўлланилади ва у синалувчиларнинг тўғри жавоблари билан нотўғри жавобларини ҳисоблаш учун хизмат қилади. Иккала миқдорнинг нисбати бирининг иккинчисидан қанчалик даражада юксакликка эга эканлигини кўрсатади. Бунда « $C$ »-назорат, « $E$ »-экспериментал гуруҳни англатади

Тафаккурнинг сўз-мантиқ тежамкорлиги хусусиятини аниқлашда қуйидаги формула қўлланилади (З.И.Калмикова тадқиқотларида).  $TCT = R^1 / R^2$ ;  $\sum R^1$ -синалувчилар топшириқни бажаргани учун олган баллар йиғиндиси,  $\sum R^2$ -синалувчилар максимал даражада баллар тўплаши мумкин бўлган имкониятлар. Топшириқ ечими уч балли шкала билан ўлчанади. Тўғри ечгани учун «3» балл, ечишга интилгани учун “1” балл, нотўғри ечгани учун «0» балл қўйилади.

Юқоридаги статистик методлар тажрибалардан олинган қийматларнинг ишончлилик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Лекин бунга ўхшаш методларнинг миқдори ҳаддан ташқари кўпдир. Биз уларнинг энг соддаларигагина тўхталдик, холос.

Тўпланган материалларнинг психологик жиҳатдан сифат таҳлили методи умумий психология учун алоҳида аҳамият касб этади. Аниқловчи, таркиб топтирувчи (тарбияловчи), текширувчи тажрибаларда олинган ҳар хил шаклдаги, қўламдаги, мазмундаги маълумотлар турли принцип, позиция, кўпқиррали (комплекс) ва яхлит (системали) ёндашишга асосланган ҳолда сўз-мантиқ ёрдами билан сифат таҳлили ўтказилади. Барча фикр ва мулоҳазалар

ишончли омиллар орқали далиллаб берилади, психологик қонуният, қонун, хусусият, хосса, ҳолат, тараққиёт, камолот қандай ўзига хосликка эга эканлиги исботланади. Материал алоҳида гуруҳларга ва туркумларга ажратилади, шунингдек, психологик воқеликнинг бошқа жиҳатлари билан узвий сабабий боғлиқлиги, ички мураккаб муносабати баён қилинади, синалувчилар эса муайян тоифаларга беркитилади ҳамда тадқиқот юзасидан яқуний хулоса чиқарилади.

Илмий-тадқиқот методларининг тўртинчи гуруҳи шарҳлаш деб аталиб, генетик ва доналаш методларидан иборатдир. Генетик методи ёрдами билан тадқиқот давомида тўпланган маълумотлар яхлит ҳолда мақсадга мувофиқ йўналишда шарҳланади. Мазкур методдан фойдаланишдан асосий мақсад - аввало синалувчида янгитдан вужудга келган шахсга оид фазилатларнинг шаклланиши ва билиш жараёнлари ўзгаришига тажриба натижаларига асосланган ҳолда таъриф ҳамда тасниф беришдир. Шунинг билан бирга инсон руҳиятида янгитдан вужудга келаётган шахс фазилати ва хусусиятининг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи бир машаққатли дақиқага, лаҳзага, санага қўшимча шарҳ бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланганда шахс руҳиятига ўзгаришлар билан тараққиёт босқичи ўртасида “вертикал” йўналишдаги алоқа манбаи аниқланади. Доналаш методи ёрдами билан тадқиқот объектига кирган шахс психикасига алоқадор барча ўзгаришлар, ўзига хослик, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир, изчиллик, уйғунлик ўртасида «горизонтал» йўналишдаги муносабат ўрганилади. Жумладан, бошқа одамлар нутқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир даврда бирга қатнашиши бунга ёрқин мисолдир. Мазкур жараёнда ҳар қайси билиш жараёнининг улуши доналанади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади.

Лекин тажрибада тўпланган маълумотларни шарҳлаш учун юқоридаги методларнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун ушбу узилишга чек қўйиш мақсадида йиғилган материал махсус босқичларга ажратиб шарҳланади. Тадқиқотнинг биринчи тайёрлов босқичида кашф қилиниши лозим бўлган психологик қонун тўғрисидаги тахмин, гипотеза, фараз таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида-тажриба ўтказиш принципи, шароити, объектив ва субъектив омиллар юзасидан мулоҳаза юритилади. Учинчи босқичда эса, олинган натижаларни қайта ишлаш назарда тутилади ва у ўз навбатида тўртта даражадан ташкил топади: а) материални бирламчи таҳлил қилиш: алоҳида олинган ёки топилган омил, аломат, кўрсаткич, хусусият шарҳланади; б) таҳлил қилинган материал билан тадқиқот гипотезасига алоҳида шарҳ берилади; в) иккиламчи таҳлил қилишда барқарор, ҳукмрон далиллар ажратилади; г) иккиламчи синтезда эса психологик қонуният, топилган далил, омил, тадқиқот гипотезаси ўзаро бирлаштирилиб махсус хулоса чиқарилади. Тўртинчи босқич шарҳлаш деб аталиб, ҳар бир факт, аломат, кўрсаткич, хосса психологик жиҳатдан сўз-мантиқ орқали таҳлил қилинади. Барча илмий-амалий мулоҳазалар далилланади, ҳеч бир шубҳали ўринларга, эътирозларга ўрин қолдирилмайди. Охириги (тўртинчи) босқичда

тадқиқотга якун ясалади, зарурий хулосалар чиқарилади, амалий тавсиялар берилади, ўрганилиши лозим бўлган муаммо аҳамияти, унинг истиқболи тўғрисида маслаҳатлар, тавсиялар берилади.

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Психология фанининг соҳалари тўғрисида тушунча
2. Психологиянинг методологияси
3. Психологиянинг асосий принциплари
4. Психологиянинг эмпирик методлари тавсифи
5. Психологиянинг методлари классификацияси

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Психология соҳалари (тармоқлари) тавсифи.
2. Психологиянинг асосий принциплари.
3. Психологиянинг тадқиқот методлари.

#### **Адабиётлар**

1. Петровский А.В. История советской психологии. – М. : “Просвещение”, 1967.
2. Рубинштейн С.Л. Проблемы обшей психологии. – М. : “Педагогика”, 1973.
3. Ярошевский М.Г. Психология в XX столетии. –М. : “Политиздат”, 1974.
4. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

### III БОБ ОНГНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

#### 1. Онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти

Инсон психикаси билан юксак ташкил топган ҳайвон психикаси орасида катта фарққа эга бўлган ижтимоий воқелик ҳукм суради. Ҳайвон ўз тўдасидаги аъзоларига яққол ҳолат билан боғлиқ бўлган, бевосита фавқулоддаги вазият билан чекланган ҳодисалар юзасидан «ўзининг тили»да хабар узатиши одатий ҳодиса. Одам ундан фарқли ўлароқ нутқ воситасида ўз қабиладошларига ўтмиш (хотирот), ҳозирги давр ва келажак тўғрисида маълумот (ахборот) бериш ҳамда ижтимоий турмуш тажрибаларини узатиш имкониятига эга. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида тил туфайли акс эттириш (инъикос қилиш) имкониятлари қайта қурилди, оқибат натижада одам миёсида атроф-муҳит тимсоллари, хусусиятлари аниқроқ акс эта бошлади. Бунинг натижасида яқка ҳол шахс кишилиқ дунёси томонидан орттирилган тажрибадан баҳраманд бўла борди, шунингдек, унинг учун номаълум ҳисобланган борлиқ ҳодисалари, ҳолатлари, қонуниятлари тўғрисидаги билимларга эгалик қила бошлади. Ҳис-туйғулар, ички кечинмалар, таассуротлар, ҳаяжонга солувчи нафосат тимсоллари юзасидан завқланиши, мароқ олиш имкониятлари вужудга келди, уларнинг мазмуни, маъноси, моҳияти бўйича ўзига ўзи ҳисобат бериш, ижобий ёки салбий таъсир этишини баҳолаш муаммоларини келтириб чиқарди.

Ҳайвонот олами билан инсониятнинг хабар узатиш воситаси орасидаги фарқи тафаккурда ҳам ўз аксини топади. Чунки ҳар қандай психик функция бошқа турдаги, шаклдаги, мазмундаги функциялар қобиғида намоён бўлади ва муайян шарт-шароитлар вужудга келганида ривожланади. Юксак тараққий этган ҳайвонларда амалий (содда) тафаккур мавжуд бўлиб, чамалаш орқали мўлжал олишга, фавқулоддаги вазият юзага келтирган вазифани бажаришга йўналтирилгандир. Ҳайвонлар, аниқроғи маймунлар айрим ҳолларда «қурол» яшаш ва ундан муайян масала ҳал этишда фойдаланиш ҳодисалари тажрибаларда кузатилган, лекин улардан биронтаси тафаккурни мавҳум тарзда амалиётга татбиқ эта билмаган. Ҳолбуки шундай экан, ҳайвонлар идрок қилиш кўламинан ташқарига чиқиш имкониятига эга эмас, бинобарин, у яққолликдан мавҳумликка ўта олмайди, ҳатто бундай вазиятни акс эттириш имкони ҳам йўқ. Ҳайвон яққоллик, бевосита идрок қилишлиқни қули бўлса, аксинча, инсон мавҳум фикрлашнинг гултожисидир. Инсон билан ҳайвон ўртасидаги бу борадаги тафовут қуйидагиларда мужассамлашади: а) шахснинг хулқ-атвори, фаолияти яққолликдан мавҳум ҳолатга ўтиш имкониятига эга; б) фавқулоддаги вазият муносабати туфайли вужудга келиши эҳтимол оқибатни олдиндан пайқаш лаёқати мавжуд; в) қийинчиликлар учраса, уларни енгил учун кўшимча воситалар қўллаш, ўзгартиришлар киритиш билан ажралиб туради. Шунинг учун автомобиль ишдан чиқса, инсон уни созлайди, ёмғир ёғса, нарсаларни панага олади, айб иш қилиб қўйса, ҳимояланиш йўл-йўриқларини ўйлайди, муаммо ечимини қидиради ва ҳоказо. Шахс фавқулоддаги вазиятнинг қулига айланмайди, аксинча у келажакни кўра билишга қодир, ақл-фаросат эса башорат қилиш имкониятини яратади. Фаолият маҳсулини олдиндан пайқаш,

феъл-атвор оқибатини илгарилаб кетиб сезиш укувига эгалиги билан инсон устуворлик қилади. Ҳайвонларнинг амалий тафаккури уларни яққол вазиятдан бевосита таъсиротга бўйсунитишга тақозо этади. Шахсни мавҳум фикрлашга нисбатан қобилияти муайян вазиятга бевосита боғлиқликдан уни халос этади. Инсон бевосита муҳит таъсирига жавоб бериш билан қаноатланиб қолмасдан, балки уни кутаётган таъсирини ҳам бартараф этиш қурбига эгадир. Инсон психикаси билан ҳайвон психикаси ўртасидаги биринчи фарқ шахснинг ўзи англаган қадриятга биноан онгли хатти-ҳаракат қилиш қобилияти мавжудлигидир.

Шахснинг ҳайвондан иккинчи фарқи - унинг меҳнат қуролларини яратиш ва сақлашга лаёқатли эканлиги бўлиб, олдиндан тузилган режа бўйича уларни ясайди ва улардан муайян мақсадни амалга оширишда фойдаланади ҳамда кейинчалик қўллаш ниятида асраб олиб қўяди. Улардан одамлар ҳамкорликда фойдаланади, ҳамкорлик фаолиятида эса қуроллар яратилади, ўзаро тажриба алмашади, билимларни бошқаларга узатишади, умумий савияга ворислик туфайли юксалади.

Инсон психикасининг ҳайвондан яна бир фарқли томони шундаки, унинг ижтимоий тажрибанинг бошқаларга узлуксиз равишда узатишида акс этади. Тажрибаларни инстинктив хатти-ҳаракатлар тарзида ўзлаштириш ҳодисаси ҳам инсонга, ҳам ҳайвонга хос одатдир, лекин шахсий тажрибага кўра ижтимоий тажрибанинг устуворлиги одамнинг онгли мавжудодга айланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Шахснинг ижтимоий муносабат, ижтимоий тажриба шакллантиради, моддий ва маънавий қуролларни эгаллаш натижасида унда юксак инсоний функциялар (ихтиёрий хотира, ихтиёрий диққат, мавҳум тафаккур) вужудга келади ва ривожлана боради. Субъект томонидан кишилиқ дунёсида яратилган маданий меросни ўзлаштирилиши, айрим ўзгартиришлар киритилиши унинг камолотига сифат жиҳатидан юксак босқични юзага келтиради. Юксак функциялар, нутқий фаолиятнинг такомиллашуви, меҳнатнинг ҳаётий эҳтиёжга айланиши, эртанги ҳаёт тўғрисида мулоҳазалар туғилиши онгнинг ривожланиши учун муҳим имкониятлар яратади. Шу боис инсон билан ҳайвон ўртасидаги тафовут тажрибанинг ворислик функцияси касб этиши билан яқунланади. Жисмоний ва ақлий фаолият кундалиқ заруратга айланиши сабабли онг бевосита назорат функциясини бажара бошлайди, шунингдек, жамият, жамоа, табиат тўғрисидаги тасаввурларини тушуниш, англаш ҳам унинг тасарруфига айланади.

Борлиқ воқеликларини бир текис инъикос эттириш воситаси сифатида инсонда ҳис-туйғулар ривожлана бошлайди. Инсон билан ҳайвонот олами орасидаги яна тафовут ҳис-туйғулар орқали намоён бўлади. Лекин атроф-муҳитдаги ўзгаришларга нисбатан бефарқлик ҳар иккала тоифадаги мавжудодларда ҳукм сурмайди, бироқ ташқи таъсирлар ижобий ёки салбий ҳиссий қўзғатишни вужудга келтиради. Эмоционал ҳолатлар ҳайвонларда устувор роль ўйнайди, ўзларининг уларга муносабатларини билдиради. Бироқ ҳайвонлардан фарқли ўлароқ одам ўзининг юксак ҳис-туйғулари (ахлоқий, ақлий, нафосат, праксик-лаззатланиш) билан жамиятга ва табиатга нисбатан муносабатини билдиради, жумладан, қувонч, ғам-ғусса, меҳр-муҳаббат,



ачиниш, ҳамдардлик, завқланиш, фахрланиш, ифтихор ва бошқалар. Табиат манзаралари, меҳнат маҳсули, турмуш лаҳзалари, эзгулик, армон инсонни фаолиikka ундайди, ҳар бир сониядан мақсадга мувофиқ фойдаланиш хоҳишлари мотив вазифасини бажаришга ўтади. Юксак ҳис-туйғулар инсон ҳулқ-атворининг регуляторига айланади. Ундаги виждон, уят, масъуллиқ эса қадрият тариқасида хизмат қилади. Ҳис-туйғуларни бошқариш, назорат қилиш онглиликни тақозо этади, кўзланган мақсадни амалга оширишни таъминлашга ёрдам беради.

Агарда психиканинг тараққиёти биологик эволюцион қонунлар таъсири билан рўй берган бўлса, инсон онгининг ривожланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари туфайли амалга ошган. Ҳайвон билан одам психикасидаги яна бир тафовут уларни ривожланиш шарт-шароитларида кўринади ва муҳит, муносабат, таъсир орқали акс этади. Шахслараро муносабатга киришмасдан туриб, юксак ҳис-туйғулар шаклланмайди, юксак психик функциялар ривожланмайди, инсон шахси камол топмайди. Одам фақат ижтимоий муҳитда, шахслараро муносабатда инсоний фазилатларни эгаллаб, тил, ақл, онг ёрдамида камол топади, холос. Шунга қарамасдан, онг пайдо бўлишининг биологик шарт-шароитлари мавжудлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Чунки дастлабки ижтимоий муносабатларнинг биологик шарт-шароити ибтидоий жамиятдаги тўдадан иборат эди. Шахснинг биологик шартланган жиҳатларидан ташқари, унинг ижтимоий омиллари ҳам мавжуд бўлиб, у муайян маънода ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Бунга ижтимоий муҳитдан ташқарида (ўрмонда) шаклланган инсон фарзандларининг қиёфаси яққол мисолдир.

Муҳитдаги кескин ҳалокатли ўзгаришлар туфайли инсон ўзининг моддий эҳтиёжини қондириш мақсадида меҳнат фаолиятини кашф этди ва у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига, турмуш шарт-шароити яхшиланишига, онгининг такомиллашувига, фикр алмашиш, ахборот узатиш имкониятининг туғилишига олиб келди. Тартибсиз тўдалардан кишилиқ жамияти пайдо бўлганга қадар бир қанча даврлар ўтди, одамнинг қўли мўъжизакор иш қуроллари ясайдиган, уларни такомиллаштирадиган, кейинчалиқ фойдаланиши учун асрайдиган онгли мавжудодга ўсиб ўтди. Меҳнат фаолиятида одамнинг онги акс эттиришнинг юксак шаклини эгаллади, фаолиятнинг объектив хусусиятларини фарқлаш, уларни мақсадга мувофиқлаштириш туфайли атроф-муҳитни ўзгартириш, унга таъсир ўтказиш қудрати, қобилияти, лаёқати вужудга кела бошлади. У фақат қурооллардан муваққат фойдаланишдан воз кечиб, авлодларга қолдириш, асрашни онг таъсирида рўёбга чиқара борди, бунинг натижасида инсоннинг ҳар хил шаклдаги фаолияти онгли фаолиятга айланди, ўзаро муносабатлар мазмуни, қўлами кенгая бошлади, шахсий меҳнат улуши жамоа эҳтиёжини қондиришнинг асосий манбаига айланди. Табиатга таъсир ўтказиш, уни ўзгартириш тўғрисидаги мақсад ўз функциясини ўзгартирди, қўл эса янгидан-янги мўъжизалар ижодкоридан аста-секин акс эттириш қуролига, сезиш, пайқаш, пайпаслаш, ҳис этиш органи вазифасини бажаришга ўсиб ўтди.

Кишилиқ жамиятида меҳнат фаолиятининг такомиллашуви, шахслараро муносабатнинг янги шакллариининг пайдо бўлиши, тил ва нутқни вужудга

келтиради, уларнинг барчасини мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминловчи онг жадал суръатлар билан ривожланди. Онг фақат фаолият, хулқ-атвор, муомала, ҳис-туйғулар регулятори эмас, балки яккаҳол шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тўғри амалга ошишининг асосий манбаи ролини бажара бошлади.

Шундай қилиб, инсоннинг онги ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули бўлиш билан бирга, у меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибани ўзлаштиришда, ҳамкорликдаги ўзаро таъсирда, табиатга, жамиятга нисбатан муносабатлар моҳиятида вужудга келган. Бунинг маҳсуласи, шакли сифатида индивидуал, гуруҳий, этник (миллий), ижтимоий онг намоён бўлган ва уларнинг барчаси тараққиёт туфайли ўзининг янги босқичларига ўсиб ўтган ҳамда кейинчалик фан, техника яралишига пухта замин ҳозирлаган.

2. Онг моҳияти. Психиканинг юқори босқичи фақат инсонгагина хос бўлган, унинг энг юксак даражаси ҳисобланмиш онгда ўз аксини топади. Онг психикани яхлит тарзда ифодаловчи юксак шакли ҳисобланиб, инсоннинг якка ва ҳамкорлик фаолиятининг мулоқот, нутқ, тил воситасида, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули сифатида юзага келгандир. У ижтимоий маҳсул бўлишидан ташқари, унга муайян муносабат билдириш мақсадни кўзлаш, ўзликни англаш кабиларни намоён этиш имкониятига эгадир. қуйидаги мулоҳазаларимизда онгнинг таркибий қисмларининг моҳиятини ёритувчи ва уларнинг ҳукм суришига таъсир этувчи омилларга доир айрим манбалар хусусиятини тавсифлашга ҳаракат қиламиз. Одатда инсон онги уни қуршаб турган теvarак-атроф ҳақидаги билимлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг тузилиши, таркибига шундай билиш жараёнлари кирадики, қайсики уларнинг бевосита ёрдами билан шахс ўз ахборотлари кўламини узлуксиз равишда бойитиб боради. Инсондаги билимлар сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл сингари билиш жараёнлари билиш аста-секин улар англашиниш даражасига кўтарилади, кейинчалик эса муайян туркумларнинг таркибига киради. Ҳаракатли ҳиссий туб маънодаги ҳиссий билиш босқичларига тааллуқли сезги, идрок, апперцепция, таниш, билиб олиш ва тасаввур каби билиш жараёнлари кўмаги асосида миёга бевосита таъсир ўтказувчиларнинг акс эттириши натижасида инсон онгида борликнинг мазкур дақиқасида шахснинг тасаввурида уларнинг ҳиссий манзараси юзага келади. Хотира жараёни онгда ўтмишдаги нарса ва ҳодисаларининг образларини эсга туширса, у ёки бу бош миё катта ярим шарларининг бўлимларида акс этган муайян изларни жонлантириш имкониятига эга бўлса, хаёл жараёни эса эҳтиёж объекти ҳисобланган фавқулоддаги давр ҳукмига кирмаган образлар моделини намоён этади. Билишнинг юксак даражаси бўлмиш тафаккур жараёни умумлашган, ижтимоий хусусиятли, билвосита ва сўз орқали ифодаланувчи билимларга асосланган ҳолда гавдаланувчи муаммолар ечимини ҳал этишни таъминлайди. Юқорида таъкидлаб ўтилган билиш жараёнларининг униси ёки буниси акс эттириш имкониятидан маҳрум бўлиши, бузилиши ёки улар ичидан қайсинисидирнинг хусусияти батамом, қисман издан чиқиши онгни тубдан барбод эттириш сари етаклайди.

Онг психологик тавсифининг яна биттаси - бу унда субъект билан объект ўртасидаги аниқ фарқланишда ўз ифодасини топади, яъни шахс «Мен» деган тушунчаси билан «Мен эмас» атамаса таркибига нималар тегишли, алоқадор эканлигини аниқ билади. Тирик мавжудодлар оламида биринчи бўлиб, борликда реал уни қуршаб турган теварак–атрофга нисбатан ўзини қарама-қарши қўйган, яратувчанлик куч-қувватига, ўзгартирувчанлик имкониятига асосланган шахс ўзи учун, сифат жихатидан юксак даражадаги макон вужудга келтириш учун ҳайвонот дунёсини мангу тарк этган, худди шу боисдан жониворлар билан унинг ўртасидаги зиддият ва тафовут онгида сақланиб келмоқда. Табиатнинг таркибий қисми ҳисобланган инсон сут эмизувчилар оламида танҳо ўзини ўзи назорат қилишга, ўзини ўзи билишга, ўзини ўзи бошқариш имкониятига эга бўлган жонли зотдир, бинобарин, у психик фаолиятни ташкил қилишга, мақсадга йўналтиришга, ўзини ўзи тадқиқ қилишга қодир мавжудоддир. Шахс ўз хулқ-атворини, билиш жараёнларини ақлий ва ижодий фаолиятини, иродавий сифатларини, онгли равишда оқилона баҳолай олади ҳамда ўзини ўзи бошқара билади.

Ҳар қайси инсонда ҳукм сурувчи «Мен»ликнинг «Мен эмас»ликдан ажратишга интилишни «ўзини намоён қилиш, ўзини ўзи ифодалаш, кимлигини кашф этиш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзига ўзи таъсир ўтказиш сингари жараёнларда» онтогенетик ҳаётнинг дастлабки тараққиёт палласидан, болаликнинг илк дақиқаларидан бошлаб, то етукликнинг у ёки бу босқичларини эгаллаш давригача давом этиб, ўзини ўзи англашнинг юзага келиши билан якунланади. Лекин «Мен»лик муаммосининг бошқа қирралари, хусусиятлари, механизмлари, таъсир этувчи омиллари, янги сифат даражалари ўзини ўзи англашнинг такомил босқичларида намоён бўлаверади, бу жараён комил инсон (жисмоний ва маънавий баркамоллик) даражасига эришгунга қадар давом этиши мумкин. Бироқ юксак камолот даражасига эришиш шахснинг истеъдоди, салоҳияти, ишчанлик қобилияти, ақлий ва ижодий фаолияти маҳсулдорлигига боғлиқ бўлиб, барча инсонлар тараққиёт чўққисига эришади, деган маънони англатмайди. Чунки ижтимоий ҳаётдаги умумбашарий талаб, эҳтиёж негизида муайян ҳудудий кулай (сензитив) ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар тақозоси билан жаҳон фани ва маданиятида кескин ўзгаришлар яратишга қодир тарихий якка шахс дунёга келади. Бизнингча, комил инсонийликка эришишнинг ўзига хос ахлоқий, ақлий, иродавий, ғоявий таркиблари мавжуд бўлиб, танланган идеалга интилиш, касбга содиқлик, самовий муҳаббат унинг негизини ташкил қилади. Ташқи олам таассуротларидан мутлақо воз кечиш (ғойибоналик), фикрий софликка эришиш (чилла), тана аъзоларини мусаффолаштириш (ортиқча моддалардан тозалаш), комфортга тортилганлик орқали шахс олий даражага, яъни комилликка етиши мумкин, лекин бу босқич нисбий хусусият касб этади.

Онгнинг учинчи психологик тавсифи шахснинг мақсадни кўзловчи фаолиятини таъминлашга оид таърифни ифодалаган бўлиб, унинг яна бир функцияси мазкур мақсадни яратишга йўналтирилганлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Ушбу жараёнда шахс фаолиятининг турли хусусиятли мотивлари юзага келади, улар инсон томонидан чамалаб чиқилади, бунинг натижасида

мотивлар кураши намоён бўлади, бу ўринда устуворликка эришиш етакчиликни таъминлайди, иродавий зўр бериш оқибатида муайян қонун қабул қилинади, ҳаракатларни бажаришнинг изчиллиги қай йўсинда амалга оширилиши ҳисобга олинади, мақсадни қарор топтиришга тўсиқ вазифасини ўтовчи фикрий ғовлар (тўсиқлар) бартараф этилади ва унга мутаносиб ўзгаришлар киритилади, самарадорликни ошириш учун баъзи бир тузатишлар амалга оширилади.

Мақсадни кўзловчи фаолиятнинг амалга оширилиш жараёнида, унинг мувофиқлашувида, воқеликка йўналтирилишида объектив ва субъектив сабабларига кўра айрим нуқсонларга йўл қўйилиши, бузилиш вужудга келиши онг функциясининг заифлашувини билдиради. Фаолият онгли муносабатни тақозо этганлиги туфайли унинг таркибий қисмлари бажарилишида айрим камчиликка йўл қўйилса, бу ҳолат онгнинг назорат функцияси издан чиққанлигини англатади.

Онгнинг сўнги (тўртинчи) тавсифи унинг таркибига муайян даражадаги, маълум тизимга хос эмоционал (ҳиссий) муносабатлар қамраб олинганлигини акс эттиради. Шахс онгига муқаррар равишда турли-туман ҳис-туйғулар (ҳар хил даражали, ижобий, салбий, барқарор, статик, динамик), кечинмалар, стресс, аффект ҳолатлар тўғрисидаги ахборотлар оқими кириб кела бошлайди.

Шахснинг бошқа кишиларга, табиатга, жамиятга, ашёларга нисбатан муносабатлари мавжуд мезонларга асосланса, муайян қоидаларга бевосита амал қилинса, ҳар бир нарсага оқилона, одилона ва омилкорлик билан ёндашилса, онгнинг назорат функцияси ҳукм сураётганлигидан далолат беради.

Шахсдаги мўътадиллик, руҳий соғломлик онгнинг бошқарув имконияти мавжудлигини билдириб келиб, айрим ҳолларда ҳиссиётга берилиши эса унинг ўз функциясини бажаришдан четлашганлигини намоён қилади. Турли хусусиятли муносабатлар онг назоратида амалга оширилса, шахс хулқ-атворида, фаолиятида ва муомала жараёнида ҳеч қандай нуқсонлар, четга оғишлар содир бўлмайди. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш ўринлики, патологик ҳолатларни таҳлил қилиш, онг моҳиятининг генезисини атрофлича англаб олишга хизмат қилиши мумкин. Шу боисдан онгнинг заифлашуви шахснинг ҳис-туйғулари ва муносабатларини ўзгартиради: симпатия антипатия билан, қувонч қайғу билан, оптимизм пессимизм билан вақти-вақти билан ўрин алмашиб туриши кузатилади.

Онгнинг юқорида таъкидлаб ўтилган барча функцияларини намоён бўлишининг муқаррар шарти тил ва нутқ ҳисобланади. Шахс нутқ фаолияти ёрдами билан билимларини ўзгартиради, аждодлар томонидан ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида юзага келтирилган тажрибалар мажмуаси тилда мустаҳкамланади, у ўзининг тафаккури орқали ҳаёти ва фаолиятини бойитади. Тил алоҳида объектив тизим сифатида намоён бўлиб, унда ижтимоий-тарихий жараёнларда вужудга келган анъаналар, маросимлар, қадриятлар, ғоялар мажмуаси тарикасида ижтимоий онгда акс эттирилгандир. Психологик талқинларга қараганда, алоҳида, яққаҳол шахс томонидан эгалланган тил бойликлари, қоидалари маълум маънода унинг яққол, индивидуал онги сифатида юзага келади, шахсий ҳаёти ва фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Тил билан нутқ борлиқни англашнинг алоқа

куроли ҳамда воситаси функциясини бажариб, шахснинг бошқа мавжудодлардан фарклаш шарти ҳисобланади ва унда тил билан тафаккур бирлиги онг учун моддий негиз вазифасида иштирок этади, қайсидир маънода механизм ролини бажариши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, онтогенезда онгнинг пайдо бўлиши («Мен» даврининг бошланиши), унинг тараққиёти, таркибий қисмлари, унда ижтимоий муҳитнинг, зарур шарт-шароитларнинг роли, биологик ва ижтимоий шартланганликнинг таъсири, тарбиянинг устуворлиги тўғрисидаги илмий тадқиқот ишлари мазкур муаммоларнинг психологик тавсифини ишлаб чиқишга муҳим негиз яратди.

### **3. Онг психология категорияси сифатида**

Психология фанининг асосий категориялари ичида (шахс, мотивация, фаолият, муомала ва ҳоказо) онг алоҳида ўрин эгаллайди ва у борлиқда инсоннинг юксаклик даражасини эгаллашга муҳим замин, қафолат негизини яратади. Инсонни ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқишининг бош омили ҳам онг ҳисобланади, худди шу боисдан у тараққиёт ва камолотнинг энг зарур мезони, ўлчами сифатида муҳим роль ўйнайди. Психологик нуқтаи назардан онг олиб қаралганда, у ижтимоий-тарихий (филогенетик) ва индивидуал (онтогенетик) тараққиётнинг маҳсули ҳисобланмиш инсонгагина хос бўлиб, психик акс эттиришнинг ва ўзини ўзи бошқаришнинг юксак даражаси саналади. Онг категорияси амалий жиҳатдан тавсиф қилинганда: а) у ҳам ҳиссий, ҳам ақлий образларнинг узлуксиз равишда ўзгариб турувчи мажмуаси сифатида, б) бевосита субъектнинг олдида унинг «ички тажрибаси» тариқасида, в) амалий фаолиятдан кутилувчи маҳсулни олдиндан сезувчи (пайқовчи) психологик ҳодиса тарзида ҳукм суради.

Онг муаммоси бир қанча фанларнинг, жумладан, фалсафа (унинг асосий масаласи — бу онгнинг турмушга нисбатан муносабатидан иборатдир), мантиқ, лингвистика, этнография, антропология, социология, нейрофизиология, педагогика кабиларнинг тадқиқот предметига айлангандир.

Психология фани индивидда онгнинг вужудга келиши, унинг тузилиши, ривожланиши ва ҳукм суришини тадқиқ қилади. Онг предметга фаоллик, йуналганлик, интенциаллик хусусиятларига эга:

а) онг доимо ниманидир тушуниш сифатида; б) рефлексияга, нисбатан қобилятлилик; в) ўзини ўзи кузатиш, яъни ўзлигини англаш; г) мотивацион — қадрий хусусият яққолликнинг ёки равшанликнинг турлича даражаси ёки босқичи эканлиги.

Психологик маълумотларга қараганда, ҳар қайси индивиднинг онги ноёб, бетакрор, аммо у ихтиёрий эмас, чунки биринчи навбатда маҳсус тизимда ҳукм сурувчи тузилиш билан унга боғлиқ бўлган ташқи омиллар ҳамда ҳеч қандай алоқаси бўлмаган омиллар шартлангандир. Худди шу туфайли онгни тадқиқ қилишнинг иккита муҳим

қийинчилиги мавжуд: а) барча психологик ҳолатлар индивиднинг кўз ўнгида шундай намоён бўладиким, бунда биринчидан, улар қай тариқа англашилмоқда (онгсизликнинг роли қанчалик), иккинчидан, англаш даражасига етказишнинг махсус ташқи ва ички машқи натижасида инсон томонидан англашинилади, учинчидан, бевоситаликда онг функциясида янглишлик вужудга келади.

Ўзини кузатиш натижаларига кўра, онг ўзининг яққол психологик ўзига хослигидан маҳрумдир, чунки унинг ягона аломати шундан иборатки, бунда унинг шарофати билан индивид олдида (у ёки бу аниқлик, равшанлик даражасида) яққол психологик функциялар моҳиятини юзага келтирувчи турли ҳолатлар, ҳодисалар намоён бўлади. Худди шу боисдан онг психика ҳукм суришининг сифатга эга бўлмаган умумий шарти (шароити) тариқасида талқин қилинган, бунинг натижасида у мажозий белгиланган.

Жаҳон психологияси фани концепцияларида бу ҳодиса аксарият ҳолларда «онгнинг нури», «онгнинг майдони», ҳатто «психик функцияларнинг умумий ҳоками» каби таҳлил этилган, гоҳо у қайсидир психик функциялар билан ғайритабиий равишда (қўшимча диққат, тафаккур билан) айнийлаштирилган. Шу муносабати билан биринчи галда онгни яққол ўрганиш, текшириш тўғрисида умуман гап бўлиши мумкин эмас. Иккинчи ҳолда эса ушбу масала унга мутаносиб функция билан алмаштирилади. Бундай талқинларнинг барчаси шундай фикрни туғдирадики, гўёки онг илмий психология фани учун шунчаки қайд қилиниш, яъни фикция, холос (У.Жеймс). Онгни тадқиқ қилишдаги иккинчи қийинчилик ҳам бевосита биринчисидан келиб чиқади: а) онг бир қатор психик функциялар каби ташқи фазода локализациялашмайди; б) онг психик функциялардан фарқли ўлароқ вақтни (замонни, даврни) муайян қисмларга ажрата олмайди.

Тадқиқотчилар онгни ўрганиш учун оммабоп, содда психологик методларнинг қўллаганликлари туфайли унинг маълум тавсифини топа олмадилар, жумладан, вақтнинг аниқ бирликлари ёрдамида уни ўлчаш, муайян вақт оралиғида онгни солиштириш. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, онгни конструктив тарзда талқин қилишнинг муҳим жабҳаси К.И.Кант томонидан кўтарилган онгнинг барқарор, инвариант тузилиши ва схемаси мавжудлиги, узлуксиз равишда ўрин алмаштириб турувчи сенсор оқим, ахборотлар ва унинг муайян даражада ташкил қилувчанлиги тўғрисидаги юксак ғояси ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида айланиб келган ва бунда табиий-илмий материалистик ёндашув диний назарияларга қарши кураш олиб борган. Онг муаммосининг ечимида илмий диалектик-материалистик таълимот ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, бу борада Гегель ғоясига эътироз муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур таълимотга биноан, онгнинг тузилиши ижтимоий-маданий хусусият касб этиб, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида филогенетик тарзда, устувор индивидуалистик ҳамкорлик жараёнида ижтимоий устувор индивидуалистик тузилишнинг таъсирида, энг аввало ишлаб чиқариш амалиёти негизида у шакллангандир. Илмий диалектик таълимотдан келиб чиққан ҳолда собиқ совет психологиясида онгнинг онтогенезда шаклланиши тўғрисида умумлашган илмий назария ишлаб чиқилган. Умумлашган назарияга биноан, индивид онгининг тузилиши онтогенезнинг илк даврида боланинг катталар билан муомала(мулоқот) қилиш фаолиятида ўзлаштириш (эгаллаш, ўзиники қилиб олиш, ўз маънавий дунёсига айлантириш жараёни) нинг шарофати билан шаклланади. Бундай тарздаги ўзлаштиришнинг катъиятлик имконияти филогенетик, тарихий тараққиётнинг негизида ҳам мавжуддир. Предметли фаолиятнинг атрибути бўлмиш муомала, унинг тузилиши таркибида акс этувчи қуйидаги асосий хусусиятларга, хоссаларга эгадир: 1) ижтимоий келиб чиқиши ва тузилиши; 2) унинг ижтимоий регламентацияси; 3) рухий қуроллар ва аломатлар билвоситалигида ифодаланиши; 4) икки субъектнинг ўзаро алоҳидалиги ва бетакрорлиги; 5) объектга йуналганлиги кабилар.

Шахслараро муносабатда ҳамкорлик фаолиятининг тузилиши онг структурасини вужудга келтириб, унинг қуйидаги асосий хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади: а) ижтимоий хусусияти, ҳатто символик ва вербал тузилишга эга бўлган белгилар билвоситаланганлигини қамраб олинганлиги; б) рефлексияга, яъни ўзини ўзи тушунишга нисбатан қобилятлилик; в) ички диалогизм, яъни ички нутққа, фикрлаш механизми негизига қурилиши; г) предметлилик, яъни ҳар қандай психологик ҳолат муайян яққол тасвирларга ва аломатларга эга бўлишлиги ва ҳоказо.

Энди онгнинг психологик тавсифидан келиб чиққан ҳолда унинг шакллари юзасидан қисқача мулоҳаза юритамиз. Онгнинг генетик жиҳатдан талқини онгсизлик бирламчилигини билдириб, у ўзига хос хусусиятга эга эканлигини, инсон фаолияти ва ҳатти —ҳаракатида муайян даражада роль ўйнашини тан олишни тақозо этади. Чунки инсон онгининг юксакроқ шакллари узоқ ижтимоий — тарихий тараққиётнинг кейинги даврида вужудга келгандир. Худди шу боисдан онгнинг пайдо бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритилганда ижтимоий борлик, ижтимоий тараққиёт, уларга нисбатан муносабат услуби асосий мезонлар вазифасини бажариб келган ва ҳозир ҳам худди шундай бўлиб қолаверади.

Психологик талқинга кўра, онгсизлик, биринчидан, воқеликнинг ҳодисалари билан шартланган рухий жараёнлар, актлар ва ҳолатларнинг мажмуаси; иккинчидан, ташқи ва ички таъсирларга нисбатан субъектнинг ўзига ҳеч қандай ҳисобот бермаслиги; учинчидан, психик акс эттиришнинг шакли, яъни воқеликнинг

образи: тасвири, тимсоли ва унга нисбатан субъектнинг муносабати рефлексиянинг махсус предмети сифатида **вужудга келмаганлиги; тўртинчидан, қисмларга ажралмовчи яхлитлик таркибига эга эканлиги ва ҳоказо.**

Онгсизликнинг онглиликдан фарқи шуки, унинг томонидан акс эттирилувчи воқелик субъектнинг кечинмалари билан, унинг борлиққа муносабати билан қўшилиб, аралашиб кетади. Шунинг учун онгсизликда субъект томонидан амалга оширилувчи хатти — ҳаракатлар натижасини ихтиёрий равишда назорат қилиш ва баҳолаш имконияти мавжуд эмас. Онгсизликда воқелик субъектнинг ўхшашлик, айният сингари мантиқий шаклларига асосланиб акс эттирилади.

Бу ҳолат бевосита эмоционал ҳис қилиш, эмоционал юқиш ва идентификациялашга дахлдорлик туйғуси орқали турлича ҳодисалар ўзининг тузилиши, моҳияти жиҳатидан ўзига хосликдан қатъи назар бир тизимга бирлаштирилади, психологик объектлар ўртасидаги у ёки бу хусусиятли аломатлар ўртасидаги тафовутлар, мантиқий қарама — қаршилиқлар очилмасдан намоён бўлади, инъикос этилади.

Онгсизликда ўтмиш билан келажак кўпинча бир даврда ҳукм сураётгандай, гўёки улар бирон —бир психик актга бевосита бирлашган тарзда акс эттирилади, бунга туш кўриш жараёни ёрқин мисолдир. Онгсизлик борлиқни бола томонидан билишнинг илк шаклларида, ибтидоий тафаккурда, интуицияда, аффектив ҳолатларда, саросимага (паникага) тушишда, гипноз ҳолатида, туш кўришда, одатий ҳаракатларда, субсенсор идрокда, ихтиёрсиз эсда олиб қолишда, шунингдек, интилишларда, ҳиссиётда, ҳулқ —атворда ифодасини топиб, уларнинг сабаблари ва оқибатлари шахс томонидан тубдан англашилмайди. Одатда онгсизликнинг намоён бўлишининг тўрт туркуми психологлар томонидан тан олиниб келинмоқда.

#### I. Устонглилик ҳолатлари.

II. Фаолиятнинг англашилмаган кўзгатувчилари. Англашилмаган мотивлар ва маъно англатувчи установкалар, одатда улар шахсга оид маъно касб этиб, келажакка хоҳиш, истак орқали шартлангандирлар. Бундай ҳолатларнинг туркуми гипноз ҳолатидан чиққан субъектнинг хатти — ҳаракатини ўрганишда қўлга киритилган, ушбу жараёнда унга аниқ ҳаракат дастури орқали кучли таъсир ўтказилган (масалан, бозорга бориш ва айтилган нарсаларни ҳарид қилиш кабилар). қўйилган дастурий топшириқларни бажариш жараёнида инсон ўз ҳулқ —атвори сабабларини изоҳлай ва тушунтира олиш имкониятига эга бўлмайди. Мазкур ҳодисаларнинг психологик табиатини психоаналитик позициясидан туриб тушунтиришга ҳаракат қилган Зигмунд Фрейд «онгсизликнинг динамик қисилиши» терминини фанга олиб киради. З.Фрейд, онгсизлик деб, ижтимоий нормалар талаби билан низоли ҳолат, қарама—қаршилиқ туфайли онгга кира олмаган, амалга ошмай қолган майллар қисилиш механизми ёрдами билан бегоналашиб индивид



янглиш айтган сўзида, гапда янглишиб кетишида, туш кўришида ва ҳоказоларда акс этишини тушунади.

Онгсизликнинг шунга ўхшаш тарзда намоён бўлиш хусусияти шундан иборатки, субъектнинг амалга ошмай қолган майллари психотерапевтик ҳолатлар билан сабабий боғлиқлигини англаши мазкур майллар билан шартланган кечинмаларнинг йўқолишига олиб келмайди (масалан, кўрқувнинг йўқолишига), чунки, англаниш субъект томонидан қандайдир у билан юз бермаётган, гуё шахсга алоқасиз, бегона ҳодиса сифатида идрок қилинади.

Хулқ—атвордаги онгсизлик самарадорлиги уларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар шахснинг бошқа одамлар билан ҳамкорликда бошидан кечиришида (масалан, психологик сеанс чоғида) ёки гуруҳий психотерапия даврида ўзгаларда кечишида содир бўлса индивидни қониқтиради. Чет эл психологиясида, энг аввало З.Фрейднинг психоанализида ва унинг издошлари қарашларида онгсизликнинг юзага келишини тор маънода, чекланиб тушуниш унинг динамик жабҳаларини шаклланишининг бир томонлама таҳлил қилиш билан шартланганлигидир. Чунки, онгсизликнинг ижтимоий — тарихий шартланганлиги тан олмаслик, онгсизликнинг инсон билан борлиқнинг ўзаро таъсиридан бевосита ажратиб олмаслик бир қатор англашилмовчиликларга олиб келади, уларни дифференциялаш орқали шу контекстдагина унинг асл моҳияти, функциялари шахс хулқ — атворида очилиши мумкин, холос.

Бундай чекланишлар собиқ совет психологиясида установка назариясида, психологик ҳодисалар ўрганишда фаолиятли ёндашувда психикани диалектик материалистик тушунишдан келиб чиққан ҳолда англашилмаган мотивларнинг функциялари, табиати, маъно англатувчи установкалар инсон ҳаётида шахсий маъно касб этувчи ғояларида бартараф қилиб борилди.

III. Фаолиятни бажариш усуллариининг англашилмовчи регуляторлар (автоматлашган хулқ—атвор стереотиплари ва операцион установкалар) уни кечишининг барқарор ва йўналган хусусиятини таъминлайди. Улар автоматлашган ва ихтиёрсиз ҳаракатлар регуляцияси негизида ётади (масалан, топшириқни ечиш жараёни) ва англашилмаган ҳодисаларни олдиндан сезиш, пайқаш) образлари ҳаракат усуллари билан шартланган бўлиб, турли вазиятлардаги ўтмиш тажрибаларига бевосита таянади. Автоматлашган одатий хулқ—атвор йўлида кутилмаган тўсиқлар пайдо бўлганда улар субъект томонидан англашиниши мумкин.

Англашилмаган автоматлашган хулқнинг психофизиологик механизмлари тўғрисидаги илмий тасаввур, назария Н.А.Бернштейннинг «Хатти — ҳаракат тузилиш даражалари» концепциясида ишлаб чиқилган.

IV. Субсенсор идрок қилишнинг вужудга келиши. Онгсизликнинг табиати тўғрисидаги илмий тасаввурларнинг тобора ўсиши, уни пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, келтириб чиқарувчи механизмлари ва функциялари инсон хулқ — атворининг регуляцияси, шахс ҳаётининг яхлит объектив манзарасини яратишнинг зарур шарт — шароити

ҳисобланди. Лекин бу муаммо ҳали тўлақонли илмий маълумотларга эга эмас, худди шу сабабдан унинг психофизиологик асослари, механизмлари, ҳаракатга келтирувчи кучлар тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритиш имкониятини бермайди.

#### **4. Онгнинг тузилиши**

##### **1. Онгнинг таркиби:**

- а) образни ҳис қилиш имконияти;
- б) борлиқдаги нарсаларнинг қадр —қиймати
- в) атроф —муҳит объектларининг маъно касб этиши.

##### **2. Онгнинг функциялари:**

- а) акс эттирувчанлиги;
- б) ижодийликнинг вужудга келтирувчанлиги;
- в) баҳоловчанлиги;
- г) бошқарувчанлиги;
- д) рефлексивлиги;
- е) маънавийлиги.

##### **3. Ўзини ўзи англашнинг омиллари:**

- а) оилавий муҳит таъсири;
- б) миллий муҳит ва миллий тил воситалари;
- в) маърифий, маънавий, маданий қуршов;
- г) махсус ҳаётӣ вазиятлар ва ғавқулдда ҳодисалар.

##### **4. Онгнинг ҳислатлари:**

- а) борлиқ объектлари ва жамият субъектлари билан муносабат ўрнатиш;
- б) биосфера ва ноосфера ҳодисаларини англаш (тушуниш, билиш);
- в) табиӣ ва ижтимоӣ ҳолатлар ҳамда ҳодисаларга ҳамдардлик (эмпатиянинг намоён бўлиши).

##### **5. Онгнинг хусусиятлари:**

- а) реактивлиги;
- б) сезгирлиги;
- в) рефлексивлиги;
- г) тараққӣётнинг ихтиёрсизлиги (спонтанлиги);
- д) полифониклиги
- е) диалогизмга мойиллиги

##### **6. Онгнинг турлари**

- а) индивидуал
- б) гуруҳӣ
- в) жамоавӣ
- г) этник
- д) миллий
- е) ижтимоӣ

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Онг пайдо бўлишининг ижтимоий-тарихий моҳияти
2. Онг психологик категория сифатида
3. Онг тузилмаси тўғрисида тушунча
4. Онгнинг шакллари юзасидан мулоҳазалар
5. Онгнинг турлари тавсифи
6. Онгнинг ривожланиши ўзига хослиги

#### РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Онгнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Онг тўғрисида психологик назариялар.
3. Онг турларининг психологик тавсифи.
4. Онгнинг онтогенезда ўсиши тўғрисида мулоҳазалар.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. –М. : “Политиздат”, 1975.
2. Рубинштейн С.Л. Бўтие и сознание.-М.: 1957.
3. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

### IV БОБ

## ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

### 1. Фаолият тўғрисида умумий тушунча

Психология фанида ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати (уларнинг қайси тараққиёт босқичидан қатъи назар), хулқ-атворининг юзага келиши кўп жиҳатдан уларни қуршаб турган макро, микро ва мизе муҳитга боғлиқ. Уларнинг намоён бўлиши биологик (табиий) шартланган омиллар, воситалар томонидан белгиланади ва бошқарилиб турилади. Инсонни ҳайвонот оламининг хусусиятлари билан қиёслашга ҳаракат қилсак, у ҳолда мутлақо бошқача воқеликнинг шохиди бўлишимиз мумкин. Чунончи, шахс ўзининг фаоллиги билан ҳайвонот олаmidан фарқли ўлароқ ажралиб туради, мазкур ҳаракатлантирувчи куч (фаоллик) илк болалик ёшидан эътиборан ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида тўпланган инсониятнинг тажрибасига ва жамиятнинг қонун-қоидаларини эгаллашга йўналтирилган бўлади. Узоқ даврлар давом этган махсус жараённинг таъсирида содда тарздаги хатти-ҳаракатда фаоллик устуворлик қилганлиги туфайли ўзининг юқори босқичига ўсиб ўтиб, янгича мазмун, моҳият, шакл ва сифат кашф этган. Фаоллик негизида пайдо бўлувчи ўзгача сифатни, ўзига хосликни эгаллаган хатти-ҳаракатнинг юксак кўриниши, фақат инсонгагина тааллуқлилиги орқали у психология фанида фаолият деб номлана бошланди. Фаолият фаолликнинг шахсга хос тури сифатида вужудга келиб, у ўзининг психологик аломатлари билан хатти-ҳаракатдан тафовутланади. Унинг фарқли аломатлари тавсифи юзасидан мақсадга мувофиқ мулоҳазалар юритиш айни муддаодир.

Биринчидан, фаолиятнинг мазмуни тўла-тўқис уни юзага келтирган табиий, биологик ва маънавий эҳтиёж билан шартланмаганлиги туфайли унинг

психологик механизми ҳам ўзгача негизга қурилиши мумкин. Мабодо эҳтиёж мотив (лотинча *motiv* туртки, ҳаракатга келтирувчи деган маънони англатади) сифатида фаолиятга ички туртки бериб, уни жадаллаштиришга, фаоллаштиришга эришса, у вазиятда фаолиятнинг мазмуни, шакллари ижтимоий: шарт-шароит, талаблар, зарурият, тажриба кабилар билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсонни меҳнат қилишга ундаган мотив моддий овқатга нисбатан эҳтиёж вужудга келиши туфайли туғилиш ҳодисаси муайян даражада учраб туради. Аксарият ҳолларда ишчи дастгоҳни очликнинг олдини олиш учун эмас, балки жамият томонидан масъул ижтимоий вазифа сифатида белгиланганлиги сабабли бошқаришга қарор қилади. Бундан кўриниб турибдики, ишчининг меҳнат фаолияти мазмуни моддий эҳтиёж билан эмас, балки мақсад билан белгиланади, бу ўз навбатида мақсаднинг ижтимоий негизидан ётувчи тайёрлаш масъуллиги билан уйғунлашиб кетади. Модомики шундай экан, одам нима учун бундай йўсинда хатти-ҳаракат амалга оширгани, унинг нимани кўзлаб иш қилаётгани мос келмайди, чунки уни фаолликка ундовчи туртки, хоҳиш-истак билан фаолиятни йўналтирувчи аниқ мақсад ўзаро мутаносиб эмас. Бинобарин, фаолият фаоллик манбаи ҳисобланмиш эҳтиёж сифатида юзага келган тарзда фаолликнинг йўналтирувчиси тариқасидаги англанган мақсад билан идора қилинади.

Иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминлаш учун психика нарсаси ва ҳодисаларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши, қўйилган мақсадга эришиш йўл-йўриқларини аниқлаб бериши жоиз.

Учинчидан, фаолият шахснинг хулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, юзага келган эҳтиёжларни ва ёрдамга муҳтожлиги йўқ фаолликнинг имконини берадиган бошқаришни удаллаши лозим. Шунинг учун фаолият билиш жараёнларисиз, иродавий зўр беришсиз амалга ошириши амри маҳол, чунки у ҳар иккала омил билан узвий алоқага киришганидагина яратувчанлик хусусиятини касб этади, холос.

Одатда фаолиятга таъриф берилганда, биринчи галда англашилган мақсад билан бошқарилиши, сўнгра психик (ички) ва жисмоний (ташқи) фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ушбу белгилар фаолият таърифини мукаммал тарзда очиқ беришга қурби етади, деган гап эмас, албатта.

Инсон фаоллигида англанган мақсад мавжудлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш учун ҳар хил хусусиятли бир қанча омилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Фаолиятнинг мотивлари, рўёбга чиқариш воситалари, ахборот танлаш ва уни қайта ишлаш англанган ёки англанмаган, баъзан англанганлик нотўқис, ҳатто у нотўғри бўлиши мумкин. Жумладан: а) мактабгача ёшдаги бола ўзини фаолиятига нисбатан эҳтиёжини гоҳо англайди, холос; б) бошланғич синф ўқувчиси ўқув мотивларини ҳамиша ҳам англаш қурбига эга бўлмайди; в) ўсмир ҳам хулқ мотивларини нотўқис ва нотўғри англаши мумкин; г) ҳатто вояга етган одам баъзан хулқ мотивини ноўрин хаспўшлашга интилади. Бундан ташқари, ҳатто фаолиятни амалга оширишни режалаштириш, уни рўёбга чиқариш учун қарор қабул қилиш, маҳсулани тахминлаш, хулоса чиқариш ҳам англанганлик кафолатига эга эмасдир. Чунки фаолиятни рўёбга чиқарувчи ҳаракатнинг аксарияти онг томонидан

бошқарилмайди, жумладан, велосипед учиш, куй чалиш, китоб ўқиш, телефон қилиш одатий ҳодисадир.

Шуни уқтириб ўтиш лозимки, фаолиятнинг жабҳаларини онгда акс этиш даражаси ва мукамаллиги унинг англанилганлиги кўрсаткичи, мезони ҳисобланади. Лекин фаолиятнинг англанилганлиги даражаси кенг кўламли бўлишига қарамасдан, мақсадни кўзлаш (англаш) унинг устувор белгиси вазифасини ўйнайверади. Фаолиятда мақсадни англаш иштирок этмаса, унда у ихтиёрсиз(импульсив) хатти-ҳаракатга айланиб қолади ва бундай ҳолат кўпинча ҳиссиёт билан бошқарилади. Жаҳл, ғазаб (аффект), кучли эҳтирос ҳолатлари юз берган одам ихтиёрсиз ҳаракат қилади. Бироқ хатти-ҳаракат ихтиёрсизлиги унинг англанилмаганлигини билдирмайди, аксинча бунда инсон мотивининг шахсий жабҳаси англанилган бўлади, унинг ижтимоий мазмуни эса қамраб олинмайди.

## **2. Фаолиятнинг тузилиши**

Воқеликка нисбатан муносабатнинг муҳим шакли сифатидаги фаолият инсон билан уни қуршаб турган олам (борлиқ) орасида бевосита алоқа ўрнатади. Табиатга, нарсаларга ўзга одамларга таъсир кўрсатиш ҳам фаолиятнинг қудрати билан рўёбга чиқади. Инсон фаолиятда нарсаларга нисбатан субъект сифатида, шахслараро муносабатда эса шахс тариқасида гавдаланади ҳамда имкониятларини юзага чиқаришга мушарраф бўлади. Бунинг натижасида иккиёқлама боғланиш узлуксиз ҳаракатга киришиши, тўғри ва тескари алоқа ўрнатиши туфайли инсон нарсаларнинг, одамларнинг, табиат ва жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплайди. Ҳар хил хусусиятли ўзаро муносабатлар негизида фаолият субъекти учун нарсалар субъектлар сифатида, одамлар эса шахс тимсолида акс эта бошлайди.

Инсон фаолиятга йўналтирилган мақсадга эришиш учун шу йўлда ҳаракат қилиши туфайли хусусий вазифаларни бажаришга киришади. У ўз олдида турган мақсадни амалга ошириш учун маълум вақт оралиғида у ёки бу амални бажаради. Бирор матнни компьютерда тайёрлаш учун инсон олдин уни электр токига улайди, экранни ишга созлайди, унинг тугмачаларини босиш орқали ҳарф ва сўзларни теради, сўнгра маълум маъно англатувчи матн пайдо бўлади.

Психологияда фаолиятнинг алоҳида бир хусусий вазифасини бажаришга мўлжалланган, нисбатан тугалланган қисми (унсури), таркиби ҳаракат деб номланади. Масалан, компьютер техникасидан фойдаланиш ҳаракатлари амалга ошириладиган ишлардан таркиб топади. Ҳаракатлар натижасида одам борлиқдаги нарсалар хусусияти, ҳолати, фазовий жойлашувини ўзгартиради. Мазкур жараён нафақат ҳаракат ёрдами билан, балки муайян саъи-ҳаракатлар туфайли юзага келади. Дурадгор эшик ясамоқчи бўлса, аввал муносиб материал танлайди, уларни ўлчайди, унсурларини санайди, рандалайди, қисмларни бири-бирига жойлаштиради, ёпиштиради, унга пардоз беради, ошиқ- мошиқ қоқади, кесаки ўрнатади, очиб ёпилишини текширади ва ҳоказо. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, дурадгорнинг гавдаси, оёқ-қўллари, бошининг тутиши саъи-ҳаракатлари билан бирга «танлаш», «ишлов бериш», «ўрнатиш» амал

қисмлари мажмуаси фаолиятни таркиб топтиради. Саъи-ҳаракатнинг ҳаракатдан фарқли томонлари унинг аниқлиги, мақсадга йўналганлиги, эпчиллиги, уйғунлиги сингари белгиларида ўз ифодасини топади.

Инсон фаолиятида нарсаларни ўзлаштиришга йўналтирилган саъи-ҳаракатлардан ташқари: а) тананинг фазовий ҳолати; б) қиёфанинг сақланиши (тик туриш, ўтириш); в) жой алмашиш (юриш, югириш); г) алоқа воситалари саъи-ҳаракатлари катнашади. Одатда алоқа воситалари таркибига: а) ифодали саъи-ҳаракатлар (имо-ишора, пантомимика); б) маъноли ишоралар; в) нутқий саъи-ҳаракатлар киритади. Саъи-ҳаракатларнинг ушбу турларида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари мушаклар, ҳикилдоқ, товуш пайчалари, нафас олиш аъзолари иштирок этади. Демак, нарсаларни ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатнинг ишга тушиши муайян саъи-ҳаракатлар тизимининг амалга оширилишини англатади. Бу ҳодиса кўп жиҳатдан ҳаракатнинг мақсадига, таъсир ўтказиладиган нарсаларнинг хусусиятларига ва ҳаракатнинг амалга ошиши шарт-шароитларига боғлиқ. Жумладан, а) китобни олиш қаламни олишдан бошқачароқ тарздаги саъи-ҳаракатни тақозо этади; б) автомобилни ҳайдаш велосипедда учишга қараганда айрича саъи-ҳаракат талаб қилади; в) эллик кг штангани кўтаришда бир пудлик тоннага қараганда кўпроқ қувват сарфланади; г) картонга катта шаклни ёпиштиришга қараганда кичик шаклни жойлаштириш, қийин кечади.

Юқорида келтирилган мисоллар турлича объектларга тааллуқли бўлишига қарамай, уларда ҳаракатнинг мақсади ягонадир. Объектларнинг турлича эканлиги саъи-ҳаракатларнинг олдига ва мушак фаолияти тузилишига ҳар хил талабларни, тизимни қўяди. Ушбу воқелик рус олимлари П.К.Анохин, Н.А.Бернштейн, Э.А.Асратянларнинг тадқиқотларида далиллаб берилган. Уларнинг умумий мулоҳазаларига қараганда, мушакларнинг фаолияти саъи-ҳаракат вазифаси билан эмас, балки мазкур саъи-ҳаракат рўй берадиган шарт-шароитлар билан бошқарилиши мумкин. Мушаклар бу ўринда саъи-ҳаракатларнинг йўналишини ва тезлигини таъминлаш учун хизмат қилади, ҳар хил қаршиликларни (ҳажм, куч, вазн таъсири) муайян даражада сусайтиради.

Саъи-ҳаракатларнинг амалга оширилиши бетўхтов равишда назорат қилинади, унинг маҳсуласи ҳаракатнинг пировард мақсади билан қиёсланади ва унга айрим тузатишлар киритилади, худди шу тарзда бошқарув бетиним такрорланаверади, ҳаракатни назорат қилиш жараёни эса сезги аъзолари ёрдами билан вужудга келади. Саъи-ҳаракатни сенсор (сезги аъзолари ёрдамида) назорат қилишнинг исботи унинг ойнадаги ўз аксига қараб чизишда ўз ифодасини топади. Маълумки, ойнада қаламнинг одам қўли ҳаракат йўналиши бўйича эмас, балки қарама-қарши томонга ҳаракатланаётгандай туюлади. Инсон кўриш орқали машқланиши туфайли маълумотлардан фойдаланиш билан ҳаракатни мувофиқлаштиришни уддалайди.

Саъи-ҳаракатларнинг назорат қилиш жараёни ва уларни бошқариш тескари алоқа принципига биноан рўёбга чиқади. Ушбу ҳодисани амалга ошиш имконияти қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ ҳолда кечади: а) сезги аъзолари алоқа канали вазифасини бажарган тақдирда; б) улар ахборот манбаи сифатида ҳаракат ролини ўйнаганда; в) саъи-ҳаракатларни акс эттирувчи

аломатлар бу жараёнда хабар етказувчи сифатида қатнашганида ва бошқалар. Таъкидлаб ўтилган омиллар орқали амалга ошадиган тескари алоқанинг бундай шаклини (кўринишини) рус тадқиқотчи П.К.Анохин тескари афферентация деб атаган. Афферентация (лотинча *afforens* келтирувчи деган маъно англатади) ҳамда ташқи кўзғатувчилардан, ҳамда ички органлардан, ахборотни қабул қилувчи ҳиссий аъзолардан марказий нерв системасига келиб тушувчи нерв импульсларининг доимий оқимини билдиради. Тўғри алоқа- ахборотларининг ташқаридан кириб боришини англатиб келса, тескари афферентация унинг акс ҳолатини акс эттиради. Саъи-ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам органларнинг фаолиятини тушунтириш учун хизмат қилади ва назорат (бошқарув) жараёни қандай кечишини таҳлил этиш имкониятига эга.

Нарсага йўналтирилган ҳаракатнинг ишга тушиши муайян бир тизимга тааллуқли саъи-ҳаракатларнинг натижага (маҳсулага) эришишни таъминлаш билан чекланиб қолмайди. Балки у (ҳаракат), биринчидан, саъи-ҳаракатларнинг маҳсуласига мос равишда, иккинчидан, ҳаракатлар объектнинг хусусиятларига мутаносибликда, учинчидан, саъи-ҳаракатларни ҳиссий назорат қилишни амалга оширган йўсинда уларга баъзи бир тузатишлар киритади. Ушбу жараёни осонроқ тушуниш учун унинг негизи: а) ташқи муҳитнинг ҳолати, б) муҳитда ҳаракатларнинг вужудга келиши, в) натижалар (маҳсулалар) тўғрисида миёга ахборот берувчи ҳиссий мўлжалларни эгаллаш мужассамлаштиради. Масалан, ҳайдовчи автобусни тўхтатиш тепкисини босиш кучини, унинг ҳаракати тезлиги, шоҳ кўчанинг ҳолати, автобуснинг вазни, ҳаракат қатнови, пиёдалар гавжумлиги билан сўзсиз мослаштиради.

Ҳолбуки шундай экан, фаолият таркибига кирувчи саъи-ҳаракатлар тизими охир оқибатда мазкур ҳаракатнинг мақсади билан назорат қилинади, баҳоланади ва тўғрилаб турилади. Мақсад миёда фаолиятнинг бўлғуси маҳсуласининг тимсоли, ўзгарувчан андозаси тарзида вужудга келиши мумкин. Эзгу ниятга айланган бўлғуси андоза билан ҳаракатнинг амалий натижаси қиёсланади, ўз навбатида андоза саъи-ҳаракатни йўналтириб туради. Ана шу ҳолатнинг турлича психофизиологик талқинлари мавжуд бўлиб, улар «бўлғуси ҳаракат моделлари», «саъи-ҳаракат дастури», «мақсаднинг дастури», «миёда ҳаракатнинг ўзи олдиндан ҳосил қиладиган андозалари» сингари тушунчаларда ўз ифодасини топади. Жумладан, уларнинг энг муҳимлари: «ҳаракат акцептори» ва «илгарилаб акс эттириш» (П.К.Анохин), «ҳаракатлантирувчи вазифа» ва «бўлғуси эҳтиёж андозаси» (Н.А.Бернштейн), «зарурий моҳият» ва «келажак андозаси» (Миттельштедт, У.Эшби) ва бошқалар. Санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг талқинлари илмий фараз (тахмин) тарзида берилганлиги туфайли улар миёда қандай акс этилиши мумкинлигини мукамал билишга қодир эмасмиз. Лекин уларнинг миёда илгарилаб акс эттириш тўғрисидаги мулоҳазалари, бу борада тасаввурларнинг яратилиши психология фани учун ижобий илмий воқелик бўлиб ҳисобланади.

## **2.1. Фаолиятнинг ўзига хослиги**

Фаолият жаҳон психологияси фанининг асосий (фундаментал) тушунчаларидан бири ҳисобланиб, кўпинча психологик категория сифатида

олиб қаралади. Шунинг билан бирга ушбу тушунча ҳаддан зиёд кенг маъноли ва кўп аҳамиятли тарзда фойдаланилганлиги туфайли унинг моҳияти ёйиб бўлиб боради, натижада қиймати асл мазмунини йўқотади. Худди шу боисдан психологияда фаолият учун умумий қабул қилинган дефиниция мавжуд эмас, фойдаланиб келинаётган тузилма, таъриф эса кўп ҳолларда танқидга учрайди. Ҳолбуки шундай экан, семантик таҳлил ўтказиш орқали фаолиятга нисбатан турлича қарашларни умумлаштириш, ўзаро таққослаш зарурияти аниқланган бўлар эди, бу эса ўз навбатида унинг (фаолиятнинг) илмий-психологик объектига айлантириши унга алоқадор тушунчалар таркибини мукаммаллаштириш имкониятини вужудга келтиради.

Энциклопедия, изоҳли луғат ва лингвистик сўзликлардаги маълумотлар, илмий матнлар таҳлилининг кўрсатишича, фаолият тушунчаси фалсафа, физиология, социология, психология фанлари предметидан келиб чиқиб, ўзаро қоришиш оқибатида меҳнат, иш, активлик, хулқ сингари тўрт хил тавсифга эга бўлган.

И.М.Сеченов физиологик органлар ва тизимлар фаоллиги ёки иши тўғрисида тасаввурга эга бўлган, шу сабабдан унинг асарларида "тафаккурнинг фаол шакли", "тафаккур фаолияти", "мия фаолияти", "мускул фаолияти" сўз бирикмалари кенг кўламда жой эгаллаган. И.П.Павлов томонидан "олий нерв фаолияти", Н.А.Бернштейн эса "физиология фаоллиги" атамаси фан оламига олиб кирган. Лекин Н.А.Бернштейн фаоллик, фаолият, иш, меҳнат тушунчаларини маъносига кўра фарқлаган бўлишига қарамай, у аксарият ҳолларда фаолликни фаолият маъносида қўллаган.

Психофизиологияда фаолият фаолликни физиологик маъноси сифатида талқин қилинган бўлса, иш, меҳнат фаолияти "меҳнат фаоллиги" мазмунида қўлланади. Ижтимоий психологияда "фаолият-фаоллик-иш-меҳнат", "фаолият-хулқ", "меҳнат-хулқ-фаолият" кўринишлари жуфтлиги учраб туради. С.Л.Рубинштейн онг ва фаолият бирлиги принципини илгари суриб ва атрофлича асослаб бериб, фаолият психологиясини яратиш заруриятини тушунтира олди. Унингча, меҳнат психологик эмас, балки "ижтимоий категория", психология эса "меҳнат фаолиятининг психологик жабҳаларини" тадқиқ этади. Психиклиликнинг намоён бўлиши ёки ҳукм суришининг объектив шакли хулқда, фаолиятда ифодаланади (акс эттириш ҳаракати маъносида).

А.Н.Леонтьев фаолиятнинг психологик назариясини яратиб, унинг асосий тушунчаси сифатида "предметли фаолият" сўз бирикмасини фанга олиб кирди. Муаллиф томонидан "одамнинг ҳиссий амалий фаолияти" сўз бирикмаси "ижтимоий инсон" сифатида талқин этилади. Унинг асарларида "фаолият", "хулқ" тушунчалари ҳар хил мазмунда ишлатилади, жумладан, "тескари алоқалар воситасида хулқни бошқариш", "фаолиятнинг ҳалқали тузилиши", "фаолиятни бошқариш", "қўлнинг туюш фаолияти", "перцептив фаолият", "рецептор ва эффектор аппаратларнинг ҳамкорлик фаолияти" кабилар.

Б.Г.Ананьев фаолият психологиясини фаоллик психологияси маъносида тушунади. Унинг фикрича, билиш ва муомала фаолиятнинг бирламчи кўринишидир. Тадқиқотчи "инсон фаолияти", "ташкилий иш", "ташкilotчилик



фаолияти", "хулқ жараёнининг алгоритмлари" атамаларидан ҳар хил маънода фойдаланади.

### **3. Фаолиятни интериоризациялаш ва экstreоризациялаш**

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мияни илгарилаб акс эттириш имконияти ва ҳали амалга оширилмаган ҳаракатнинг натижаси инсон психикасида қай тарзда инъикос этилиши кучли қизиқиш уйғотади. Бу ҳодисани изоҳлашнинг ягона йўли – у ҳам бўлса борлиқнинг муҳим хусусияти ҳисобланмиш қонуниятнинг мавжудлигидир. Борлиқдаги қарийб (неосфера ҳисобга олинмаганда) барча нарсалар, муносабатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар, тузилмалар бир-бири билан доимий боғлиқликка эга бўлиб, муайян қонуният асосида ҳаракатланади, бу ҳолатдан иккинчисига ўтади. Шунинг учун идишдаги сув қайнатилса бугга айланади, ҳарорат пасайса, у музлайди, ҳаво исиганида эса муз эрий бошлайди, баҳор кетидан ёз келади, нарсалар ишқаланса қизийди ва ҳоказо. Худди шу боис объект билан ҳодиса ўртасидаги ўзгармас, барқарор муносабатлар, объектнинг муҳим хусусиятлари ҳодисанинг қонунияти дейилади. Уларда ўзгармас хусусиятлар ва қонуниятларнинг мавжудлиги ўзгаришларни олдиндан пайқаш, ҳаракатларни мувофиқ йўналтириш имконини вужудга келтиради. Ташқи, яққол фаолият фавқулоддаги даврда ички тимсолий (психик) фаолият тарзида ҳис этилади. Объектларга йўналтирилган яққол ҳаракатлар уларнинг муҳим хусусиятларига мўлжалланган тимсолий жараён билан алмаштирилади. Худди шу сабабдан ташқи, яққол ҳаракатдан, ички, тимсолий ҳаракатга мана шу тарзда ўтиш жараёни интериоризация (ички тарзга айланиш) деб аталади. Интериоризация муаммоси рус олимлари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва уларнинг шогирдлари томонидан турли жабҳаларда тадқиқот қилинган. Интериоризация шарофати билан инсон психикаси муайян вақт оралиғида унинг идрок майдонида йўқ нарсаларнинг тимсоли (образи)дан фойдаланиш қурбига эга бўлди. Шу нарса маълумки, бундай ўзгаришларнинг муҳим қуроли бўлиб сўз, ўзгариш воситаси сифатида нутқий фаолият хизмат қилади. Шунинг учун сўзларни тўғри ишлатишга одатланиш фавқулодда буюмларнинг муҳим хусусиятлари ахборотидан фойдаланишнинг усуллари ўзлаштириш демакдир.

Инсон фаолияти мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас, балки кўпинча жамиятнинг мақсади ва талаблари билан белгиланади. Худди шу боисдан қўйилган мақсаднинг англанганлиги ва унга эришиш бўйича иш-ҳаракатлари тажрибаси англанганлиги ва унга эришиш бўйича иш-ҳаракатлари тажрибаси билан боғлиқ эканлиги инсон фаолиятининг ўзига хос белгиси бўлишини тасдиқлайди.

Шунинг учун шахс фаолиятининг жисмоний (ташқи) ва психик (ички) тузилмалари бир-бири билан уйғунлашганлиги кўзга ташланади. Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган саъи-ҳаракатлар ички (психик) жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради. Шунингдек, ташқи жабҳа ўз

навбатида: а) психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятларини ўзида намоён қилади; б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади; в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади; г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради. Шунга мувофиқ равишда ташқи, яққол фаолиятни ҳам ички (психик) фаолиятнинг экстерниозациялашуви (ташқи тарзга айланиши) деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

#### **4. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш**

Психология фанида ҳаракат тушунчаси таҳлил қилинганида у мотор (жисмоний) ҳаракат, сенсор (ҳиссий) ҳаракат ва марказий қисмга ажратилади. Шунга мувофиқ равишда ажратилган таркиблар ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган ишларни ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариш билан шуғулланади. Фаолият ҳаракатларини ижро этиш, назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган йўл-йўриқлар унинг усуллари дейилади.

Одатда ҳаракатлар англанган ёки англанмаган тарзда амалга оширилиши кузатилади. Ҳаракатни бажаришда онг борган сари камроқ иштирок этиши туфайли ишни амалга ошириш автоматлаша бошлайди, айрим майда- чуйда қисмларга нисбатан эътибор (назорат) камаяди. Шунинг учун инсон фаолиятида мақсадга йўналтирилган саъи-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг муайян даражада автоматлашуви малака дейилади. Худди шу боисдан ҳаракатларни бошқариш билан саъи-ҳаракатларни бошқариш айнан бир нарса эмас, албатта. Чунки саъи-ҳаракатларнинг юксак даражада автоматлашуви унинг ўз таркибидаги ҳаракатни онгли равишда идора қилиш билан уйғунлашиб кетади. Патологик ҳолатлардан ташқари, барча фаолият турлари онг билан бошқарилиб туради. Ҳаракат таркибларининг автоматлашуви: биринчидан, онгли равишда йўналтирилган объектни алмаштиради. Иккинчидан, ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг ижро этилиши шарт- шароитларини, натижаларини назорат қилишни, учинчидан, уларни баҳолашни онг унинг тасарруфи доирасига киритади.

Малаканинг тузилиши. Ҳаракатнинг қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида айрим сифат ўзгаришлари юз беради ва улар қуйидагилардан ташкил топгандир:

Биринчидан, саъи-ҳаракатларнинг ижро этилиши усуллари ўзгаради. Бунда бир қатор содда саъи-ҳаракатлар ягона жараёнга (таркибга) кирувчи баъзи содда саъи-ҳаракатлар ўртасида тўсиқ ва узилиш рўй бермаган битта мураккаб саъи-ҳаракат ўзаро бир-бирига қўшилиб кетади, ортиқчалари эса бартараф этилади.

Масалан, бола велосипедни учишга ўрганаётган пайтида бир қанча ортиқча ҳаракатларни амалга оширади: ўзини бир текис тута олмайди, педални бирини босиб, иккинчисини босмайди, ролни қаттиқ тутаяди, йўлга диққатини тақсимлай олмайди, ўриндиққа нокулай ўтиради, бировнинг ёрдамига таянади. Малакали велосипед ҳайдовчиси ҳаракатни силлиқ бажаради, ортиқча уринишларга йўл қўймайди. Ҳаракатларни ўзлаштириш жараёнида: а) саъи-

ҳаракатлар таркиби; б)саъи-ҳаракатлар изчиллиги; в)саъи-ҳаракатлар уйғунлиги; г)уларнинг тезлиги режали кечишига шароит юзага келади.

Иккинчидан, ҳаракатни сенсор (ҳиссий) назорат қилиш усуллари ўзгаради. Даставвал, саъи-ҳаракатлар амалга ошишини кўриш органи орқали назорат қилиш кинестетик (мушаклар ёрдамида ҳаракат) назорат билан алмашади. Чунончи, чархчи асбобнинг тезлигига эмас, балки кўпроқ пичоқ тигига эътибор қаратади. Саъи-ҳаракатларнинг хусусиятини аниқловчи ҳар хил ўлчамларининг нисбатини баҳолаш имконини вужудга келтирадиган сенсор синтезлар (юнонча *synthesis* уюшма демакдир) ҳосил бўлади. Ҳаракат маҳсуллариини назорат қилишга алоҳида аҳамият касб этадиган мўлжалларни фарқлаш ва ажратиш укувчанлиги инсонда ривожланади.

Учинчидан, ҳаракатни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб боради. Ҳаракат усуллариини идрок этишдан диққат холи бўлиб, у унинг вазияти ва маҳсуласига қаратилгандир. Топшириқ ечимлари, аклий фаолият жараёнлари тезкорликда, ҳамкорликда бажарила бошлайди. Жумладан, учувчи самолёт двигателининг ортиқча куч билан ишлаётганини товушидан фаҳмлайди. Нарсаларни аниқлашга сарфланадиган вақт камая боради. қўлланишга мўлжалланган усулларни туркум тарзда онг ёрдамида олдиндан пайқаш (сезиш, фаҳмлаш, билиш) жараёни антиципация (лотинча *anticipatio* олдиндан фаҳмлаш, сезиш маъносини англатади) дейилади.

Шунинг учун ҳаракат усулларидаги мазкур ўзгаришнинг сири нимада ва улар қандай психологик механизмига эга? деган саволнинг туғилиши табиийдир. Психологик механизм (таъминлаш) ўз ичига изланиш уринишларини ва танлашни олади. Шахс у ёки бу ҳаракатни бажаришга уриниб кўради, ҳатто ушбу жараёни назорат қилиб ҳам туради. Бу ўз навбатида муваққиятли уринишлар (саъи-ҳаракатлар), ўзини оқлаган чамалашлар, мўлжаллар инсон томонидан танланади ва аста- секин мустаҳкамланади. қўлланганда фойда (наф) бермаган ҳаракатлар самара берувчилари билан алмаштирилади. Бу ҳолат муайян давр давомида такрорланади ёки машқ қилинади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда муайян ҳаракатларни ўзлаштириш мақсадида уларни онгли равишда назорат қилишга ва ўзгартиришга ҳаракат қилинади. Амалий иш ҳаракатларини такрорланмасдан туриб, турли хусусиятли малакаларни шакллантириб бўлмайди.

Малакани шакллантиришда бажарилаётган ҳаракатларнинг нутқ фаолиятида сўз билан ифодаланиши ва ҳаракатнинг тимсолини хаёлда мужассамлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Ана шу йўсинда инсоннинг малакаси англашинилган тарзда автоматлашган хатти-ҳаракат сифатида шаклланади. Малакаларни шакллантириш механизмига, принципига муайян одатий жабҳаларга, усул ва воситалар танлаш хусусиятига алоҳида эътибор қилиш унинг муваффақиятли ҳосил бўлишини таъминлайди. Бунинг учун қуйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ: а) усулларни танлаш, б) ҳаракатда онг назорат функциясини камайтириш, в) мақсадни ойдинлаштириш, г) шарт-шароитни тасаввур этиш, д) малакани шакллантириш моделини хаёлда яратиш ва ҳоказо.

Психология фанида малакани шакллантиришнинг асосий босқичлари схемаси ишлаб чиқилган, бунда асосий эътибор малаканинг хусусиятига, мақсадига, ҳаракатни бажариш усулларига қаратилади. Шунингдек, малакаларнинг ўзаро таъсири муаммосига алоҳида аҳамият берилади, чунки инсон малакалар тизимига амал қилган ҳолда янги малакани ўзлаштиради. Олдин эгалланган малака, кейингисини таркиб топишига ёрдамлашади, гоҳо унга ҳалақит бериши ҳам мумкин. Ҳаракатнинг автоматлашуви унинг мақсади, объекти, вазияти ва шарт-шароитлари билан белгиланади. Ҳаракатнинг муваффақияти, самарадорлиги кўп жиҳатдан сенсор назоратга ҳамда унинг янги шароитига кўчишига боғлиқ.

Малакаларнинг нотўғри (тескари) кўчирилиши интерференция ҳодисасини вужудга келтиради. Фаолият кўникма, малака, усул, ҳаракат, саъи-ҳаракат, операция каби таркибий қисмлар туфайли муайян маҳсулларга эришади, моддий ва маънавий натижаларни ҳамда билимларни вужудга келтиради.

Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, фаолият шахслараро муносабатлар тизими тариқасида, ҳамкорлик тарзида намоён бўлади. Фаолиятда инсон шахси (унинг хусусиятлари) акс этади ва айни бир даврда фаолият одам шаклини таркиб топтиради. Онг билан фаолият бирлиги принципига асосланиш орқали шахс камол топади, шахслараро муносабатга киришади, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиради, ўзаро таъсир ёрдамида ижтимоийлашади. Инсон шахсининг шаклланиши ўйин, таълим, меҳнат, спорт ва бошқа фаолиятнинг турларида амалга ошади. Фаоллик туфайли фаолиятни амалга ошириш жараёни юзага келади, хулқ-атвор, муомала (коммуникация) воситасида эҳтиёж, истак, ижтимоий талаблар қондирилади, турли хусусиятли ахборотлар ўзлаштирилиши натижасида шахс таркиб топа бошлайди.

**1. Ўйин фаолияти.** Фаолиятнинг оддий шаклларида бири ўйин ҳисобланади, лекин у тобора такомиллашиб, содда ҳаракатлардан кейинчалик сюжетли, роли ўйинларга, ҳатто спортгача мураккаблашиб боради, атроф-муҳитни акс эттиришида иштирок эта бошлайди. Инсоннинг борлиқни инъикос этишидаги дастлабки уринишни ҳаракат орқали намоён этади. Ҳаракатлар боланинг табиатга, уни қуршаб турган кишилиқ дунёсига нисбатан муносабатини, улар тўғрисидаги илк таассуротлар, содда тасаввурлар, билимларни ўзлаштиришни англантиб келади. Кейинчалик оддий ҳаракатлар муайян маъно касб этиб, сюжетли ва ролли ўйинларга айланади. Ўйинлар миллий (этник) ва умумбашарий туркумлардан таркиб топган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида акс эттиради. Ўйинлар такомиллашиб бориб спорт турларига, спорт фаолиятига ўсиб ўтади, жумладан, шахмат, дамино, футбол, шашка ва ҳоказо. Спорт ўйин фаолияти сифатида барча ёшдаги инсонларга хос бўлиб ҳисобланади.

Ўйин фаолиятида бола ижтимоий воқелиқни тақлид, роль орқали ижро этишга ҳаракат қилади ва шу йўсинда атроф-муҳит тўғрисидаги, ижтимоий турмушдаги шахслараро муносабатларни ўзлаштира боради. Ижтимоий турмушдаги у ёки бу ҳодисани роль орқали ижро қилади. Сўз билан ҳаракатнинг бирикуви натижасида ўйин фаолият тусини олади ва муайян

маъно, ахборот бериш, узатиш имкониятига эга бўлади. Дастлабки ўйин айнан катталар хатти-ҳаракатини такрорлаш, уларга таклид қилиш билан тавсифланади. Сюжетли ўйинлар борлиқнинг гоҳ англаган, гоҳо англамаган тарзда у ёки бу томонларини эгаллашга хизмат қилади.

Ўйин даставвал бола учун вақт ўтказиш, уни машғул қилиш функциясини бажарса, кейинчалик ижтимоий-тарихий тараққиёт намуналарини ифодалаш даражасига ўсиб ўтади. Роллар, маъноли ҳаракатлар, ибратли имо-ишоралар, тушунчалар бола шахсини шакллантиришда фаол иштирок этади. Бола туғилганидан то мактаб таълимигача даврида унинг учун ўйин фаолияти етакчи фаолият ролини бажаради, шунингдек, ўйин дидактик тус касб этиши ҳам мумкин.

Болалар ўйинларининг дастлабки илмий таҳлили рус олими Ё.А.Покровский томонидан 1887 йилда амалга оширилган. Унинг фикрига кўра, “ўйин” тўғрисидаги тушунчалар ўзига хосликни ва тафовутни у ёки бу халққа мансубликни билдиради.

Орадан ярим аср вақт ўтгандан кейин 1933 йилда “ўйин” тушунчасининг этимологик таҳлилини амалга оширган ва унинг ўзига хос аломатларини таснифлашга ҳаракат қилган голланд олими Ф.Бойтендайт хисобланади. Бойтендайт ўйиннинг аломатлари қаторига қуйидагиларни киритади: “у ёққа ва бу ёққа” ҳаракат, ихтиёрсизлик ва эркинлик, қувонч ва эрмаклик. Бундай аломатлардан қаноатланмаган муаллиф, унинг феноменини болалар фаолиятини кузатиш орқали аниқлаш мумкин, чунки ўйиннинг қиймати ва аҳамияти уларнинг ўзлари томонидан оқилона баҳолаш, деган хулосага келади.

Ўйинни вужудга келиш тарихига илмий ёндашиш немис психологи В.Вундтга 1887 йилда насиб этди. Унинг мулоҳазаларига кўра, ўйиннинг манбаи ҳузур қилиш, роҳатланишдан иборатдир. В.Вундт билдирган фикрлар ёйик хусусиятга эга бўлиб, ўйиннинг у ёки бу жиҳатларини ёритишга хизмат қилади. Унинг фикрича, ўйин – бу болаларнинг меҳнатидир. Ҳеч бир ўйин йўқки, у жиддий меҳнатнинг у ёки бу шаклининг прототиби бўлмасин, ҳамиша унинг вақтдаги ва фазодаги ҳақиқий ҳолатини ўзида акс эттирмасин. Яшаш зарурати инсонни меҳнат қилишга мажбур қилади. Меҳнат орқали инсон ўз куч-қудратини баҳолашга ўргана боради, ҳузур қилиш ва роҳатланишининг манбаи эканлигига иқдор бўлади. Унингча, ўйин меҳнатнинг фойдали жиҳатини йўқотиб боради. Шунингдек, меҳнат жараёнидаги энг ёқимлилиқ, унинг натижаси мақсадга айланади. В.Вундт меҳнат предметини ҳаракат усулларида алоҳида ҳукм суришига ишора қилади. Бу билан у психология тарихида устунлик қилиб келаётган “ўйин инсоннинг биологик жабҳаси” деган ғояга қўшимча тариқасида унга ижтимоий-тарихий жиҳатни киритади. В.Вундтнинг ушбу ғояси психология фани учун алоҳида аҳамият касб этади ва ўйиннинг тадқиқотида кенг имкониятлар очади.

Жаҳон психологияси фанида ўйин назариясига йирик улуш қўшган олимлардан бири – К.Гросс хисобланади. Йигирманчи асрларнинг бошларида ўйин назарияси учун энг қулай ва сермахсул давр бўлган. У ўз замондошлари Д.А.Колодца ва Г.Спенсерларнинг фикр ва мулоҳазаларига асосланган ҳолда ўйин назариясини яратди. К.Гросс ўз ғоясини умумлаштириб, уни “машқлантириш назарияси” ёки ўз-ўзини тарбиялаш деб атади ва уни қуйидагича таснифлашга ҳаракат қилади:

1. Ҳар қайси тирик мавжудод ирсий берилувчанлик, майл хусусиятига эга бўлиб, унинг хулқ-атворида мақсадга мувофиқликни касб эттиради. Юксак даражадаги жониворларнинг туғилишидан берилган хислатлари қаторига фаолиятга импульсив интилишни киритиш мумкин, чунки у жисмоний ўсиш даврида яққол намоён бўлади.

2. Юксак даражадаги мавжудодда, хусусан инсонда ирсий жавоб ҳаракатлари мураккаб ҳаётий муаммоларни бажаришга етарли эмасдир.

3. Ҳар қайси юксак тараққий этган мавжудод ҳаётида болалик даври мавжуд бўлиб, у ўсиш ва ривожланиш хусусиятига эга. Лекин мустақил ҳаёт ва фаолиятни таъминлай олмайди. Чунки унга бундай имкониятни ота-онанинг парвариши яратади ва у туғма майл ва мойилликларга асосланади.

4. Болалик даври ҳаёт учун энг зарур шарт-шароитларга ва уларга мослашувни эгаллаш мақсадига табиий равишда йўналган бўлади. Бироқ ирсий жавоб ҳаракатларига бевосита асосланмайди. Инсон зотида узундан-узун болалик даври берилади. қанчалик фаолият мукаммал бўлса, унга шунчалик кўпроқ тайёргарлик жоиз.

5. Болалик хусусиятига биноан ҳаётга кўникиш йўллари турли-тумандир. Кўникиш ёки мослашиш йўлининг энг табиийси ва шунинг билан энг зарури шундан иборатки, бунда фаолиятга нисбатан импульсив эҳтиёжнинг мавжудлиги ирсий реакциялар ўз-ўзича намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Бундай шароит ирсий ҳаракатларга асосланган ҳолда янги малакаларни эгаллашни вужудга келтиради. Аввало янги одатий ҳаракатлар яралади.

6. Кўникиш ёки мослашиш йўллари инсонни тақлид қилишда ўз ифодасини топувчи наслий интилиш, майл орқали амалга оширилади. Бу нарса кекса авлоднинг қобилиятлари ва одатлари билан узвий боғлиқ равишда кечади.

7. Шахсий ички кўзғалиш хусусиятига кўра, ривожланувчи индивидуум ҳеч қандай мақсаднинг ташқи кўринишисиз ўз майли ҳамда интилишини намоён қилади, мустаҳкамлайди ва ўстиради. Бу ўйиннинг дастлабки нишонларидан далолат беради.

К.Бюлер К.Гросснинг огоҳлик назариясини тан олиб, ўйин филогенезга тааллуқли эканлигини таъкидлаб, унинг дрессура босқичи учун огоҳлик эканлигини уқтиради. У ўйиннинг моҳияти ва томонларини очишда ўзининг гедоналогик (хузури қилиш) реакциянинг бирламчилиги назариясига асосланади. К.Бюлер З.Фрейднинг роҳатланишга интилишдан иборат ғоясини эътироф этса-да, лекин инсон фаолияти ва ривожини учун ҳаракатлантирувчи эмас эканлигини уқтиради.

Ўйин назариясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан бири – бу Бойтендайдир. У К.Гросснинг огоҳлик назариясига икки хил мазмунда эътироз билдиради.

1. Ўйнай билмаган ҳайвонлар инстинкт даражасига кўра заиф дейишга ҳеч қандай далил йўқ. Чунки инстинктив фаолиятда машқланишнинг роли етарли юксак эмас. Шунинг учун фаолиятнинг инстинктив шакллари машқланишга боғлиқ бўлмасдан, балки улардан ташқари муҳитда такомиллашади.

2. Машқланиш ўйиннинг моҳиятида ётмайди, лекин унинг тайёргарлик машқллари мавжуд бўлиб, улар ўйин дейилмайди.

Ф.Бойтендайк ўйин предметининг танишлиги ёки нотанишлиги ўртасидаги муносабатини унинг образлилиги деб атайди. Образнинг аффеktiv ва гностика муносабати (нотаниш ёки ҳаётӣй) фантазияни келтириб чиқаради. Бинобарин, антропоморфизм саҳовати сифатида фантазиялашган образлар, тасаввурлар вужудга келади.

Ўйин назариясига оид илмий қарашлар Э.Клапаред, Дж.Колларитс, Х.Шлосберг, Дж.Брунер каби хорижий психологлар асарларида ўз ифодасини топган.

Собиқ совет психологиясида ўйин фаолияти назариясини ишлаб чиққан тадқиқотчилардан бири Е.А.Аркин бўлиб ҳисобланади. Унинг фикрича, болалар ўйини ва ўйинчоғи ўйин назариясига негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўйинчоқлар тарихига асосланиб, у уларни қуйидаги турларга ажратади:

1. Овозли ўйинчоқлар – тартарак, визиллагич, қўнғироқлар, шақилдоқлар ва бошқалар;
2. Ҳаракатланувчи ўйинчоқлар – бизбизак, копток, варрак, бильбок кабилар;
3. қурол (яроғ, аслаҳа) ўйинчоқлари – камалак (ёй), ўқ, бумеранг сингари;
4. Образли ўйинчоқлар – ҳайвонлар, жониворларнинг тасвири ва қўғирчоқлар;
5. Арқон ўйинлари – шакллар яшаш, сакраш ва ҳоказолар.

Ўйинларнинг сюжети хилма-хиллигига қарамай, уларни махсус гуруҳларга бириктириш имконияти мавжуддир. Масалан, психолог Е.А.Аркин ўйинларнинг қуйидаги таснифини таклиф қилади:

1. Ишлаб чиқаришга (техникага): саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, касб-хунарга оид ўйинлар;
2. Маиший ва ижтимоий сиёсатга: боғча, мактаб, кундалик турмушга оид ўйинлар;
3. Ҳарбий: уруш-уруш ўйинлари;
4. Драмалаштирилган: кино, спектакль ва бошқаларга оид ўйинлар.

Д.Б.Эльконин мактабгача ёшдаги болаларга хос ролли ўйинларнинг сюжетига кўра учта гуруҳга ажратишни тавсия қилади:

1. Маиший мавзу сюжетига оид ўйинлар.
2. Ишлаб чиқариш сюжетига тааллуқли ўйинлар.
3. Ижтимоий-сиёсий сюжетли ўйинлар.

Д.Б.Эльконин ҳаракатли ўйиннинг қоидалари мазмуни ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, уларни беш гуруҳга ажратади:

1. Ҳаракатга тақлид қилиш: тақлидий-процессуал ўйинлар.
2. Муайян сюжетни драмалаштирилган ўйинлар.
3. Сюжетли ўйинлар.
4. Сюжетсиз ўйинлар.
5. Аниқ мақсадга қаратилган машқлардан иборат спорт ўйинлари.

Бошқа халқлардан, миллатлардан ўзбек миллий ўйинларнинг ва ўйин фаолиятини уюштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўйинда ёки ўйин фаолиятида ўзбек халқининг (худудий хусусиятидан қатъи назар) яшаш тарзи, интилиши, хоҳиши, истаги, эзгу нияти, унинг мавсумийлиги, касб-корга тааллуқли жиҳатлари, ҳолатлари акс эттирилган бўлади. Эмоция, ҳиссиёт, характер, миллий қиёфа, таъб, билиш жараёнлари, ҳулқ-атвор, уларни намоён бўлиш тезлиги (суръати), давомийлиги, кечиши миллий хусусиятга эгадир. Нафақат миллий ўйинлар, балки халқнинг (миллатнинг, элатнинг) рақслари; уларнинг сюжети, тезлиги, осойишталиги; унинг қўшиқлари частотаси, тембри, амплитудаси, бадиий ижодиёти хусусиятлари умумий миллий калорити билан уйғунлашгандир.

2. Миллий ҳаракатли ва спорт ўйинларининг моҳияти, мазмуни, маъно ифодаланиши, манбаи, негизи, уларнинг инъикоси, уларда акс эттирилувчи кечинмалари, сюжетда ўз аксини топган шахслараро муносабат, муомала, характернологик ва шахс хусусиятларидан келиб чиқади.

3. Ижтимоий ва ижтимоий-психологик омил(сабаб, фактор)лардан ташқари миллий ўйин фаолияти табиий, географик қонуниятларга (иқлим, ёғингарчилик, жойлашиш сатҳи, қулай ва ноқулайлиги, шамол, офатлар эҳтимоллиги), хоссалари, уларга нисбатан хайрихоҳлик, қатъий ёки беаёв кураш ёки сажда, ёлвориш, илтижо қилиш миллий идрок, тасаввур, иродавий кучга асосланади.

4. Ижтимоий тажриба ва уни эгаллаш, шаклланган этник стереотипларга асосланиш натижасидан келиб чиқувчи миллийлик, умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик, яккаҳолик, гуруҳийлик, жамоавийлик, табиатга ва жамиятга муносабатни акс эттириш тарзида ўйин вужудга келиши мумкин.

5. Табиат мўъжизалари, илоҳий кучларга эътиқод, ақл-заковатдан ҳайратланишни ифодаловчи сюжет ва мазмундан иборат бўлган миллий ўйинлар.

6. Касбни тасвирловчи, унга барол тилловчи, уни такомиллаштиришга олиб боровчи имконият, интилишни ҳаракат ва ҳис-туйғу ёрдамида намоён этувчи, қадрият, маънавият, руҳиятга асосланувчи миллий ўйинлар.

7. Миллатлараро таъсир натижасида яралувчи, лекин миллийликнинг у ёки бу қирраларини сақлаб қолувчи байналмилал хусусиятли ўйинлар.

8. Ижтимоий гармония таъсири, ижтимоий онг ривож, маданият, фан ва техника маҳсуласи сифатида туғилувчи янги тоифага хос миллий ўйинлар.

9. Миллий ўйинлар худудий кўринишлари, такомиллашиш имконияти, ёш даврлари хусусияти, жинсий тафовути, мавсумийлиги, мавсумбоплиги, расм-русумга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

10. Миллий ўйинлар муайян сюжет, мазмун, қоида, муддатга асосланади. Улар унутилиш, янгиланиш, такомиллашиш хусусиятига эга бўлиб, кўникма, малака ва одатларни машқлантиришни тақозо қилади. Бу нарсалар ижтимоий тажрибани авлодлар томонидан ўзлаштириш тариқасида юзага келиб туради. Оқибат натижада мангулик хусусиятни касб этади, шахсни у ёки бу йўсинда камол топишига ўз таъсирини ўтказувчи ўйинлар туғилади.

Жаҳон психологияси фанида ўйинлар юзасидан мулоҳаза юритилганда аксарият ҳолларда уларни оилавий турмушга, деҳқончиликка, қурилишга, саноат соҳасига, сиёсатга, ҳарбийга, касбга тааллуқли эканлигига қараб гуруҳларга



ажратилади. Энг қадимий миллий ўйинлар қаторига ҳаракатли ва спорт ўйинлари киритилади ҳамда халқнинг кенг тарқалган, сеvimли ўйинлари бўлиб ҳисобланади. Улар ўзининг сюжети, мазмуни, роли билан бир-бирларидан кескин тафовутланиб туради. Баъзи ҳолларда ҳаракатли ўйинлар бир даврнинг ўзида ҳам спорт ўйинлари бўлиб ҳисобланади. Ёинки спорт ўйинлари ҳаракатли ўйинлар қаторига киритилиши мумкин.

**2.Таълим.** Таълим ҳам жараён, ҳам фаолият сифатида инсоннинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва муайян давр учун етакчи фаолият сифатида гавдаланиши мумкин. Таълим бошқача сўз билан айтганда, ўқитувчи билан ўқувчининг субъект-субъект муносабатидаги ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ўқитувчи ахборот узатувчи (коммуникатор) ўқувчи эса уни қабул қилувчи(коммуникат) объект сифатида талқин этилади, лекин иккиёқлама ҳаракат туфайли маълумот инсонга англашинилади, ўзаро таъсир, ўзаро англашув, тушунув, ўзаро субъектларнинг бир- бирга зарурийлиги, тақозочанлиги ҳамкорликнинг муваффақияти кафолатли саналади. Таълим ўқув фаолияти, ақлий фаолият, билиш фаолияти турткиси вазифасини ўтайди, чунки ҳар қайси фаолиятнинг шакли ақлий меҳнат туфайли амалга ошади. Таълимнинг бошқа фаолият турларидан фарқи унинг маҳсулининг ўзига хослиги, барча босқичларига онгли ёндашувда ва муносабатда бўлишдир. Таълим ўқув фаолияти ёки жараён сифатида мустақил изланишни, ижодий муносабатни, турли вазият (аудитория ва ундан ташқарида)ни, ҳар хил босқични (бошланғич, ўрта, махсус, олий таълим) ўзида мужассамлаштиради. Мустақил билим олиш ва мутолаа қилиш ҳам ўқув фаолиятининг муайян кўринишлари бўлиб, шахсий илмий, ижодий изланишнинг маҳсули ҳисобланади.

Таълим-тарбия билан уйғунлашган тарзда намоён бўлади, субъектга объектив таъсир ўтказиш туфайли билимлар эгалланади, муайян шахсий фазилатлар таркиб топади. Таълимнинг моҳиятига (матнда ғоя, таассурот, мазмун, сюжет, тимсол орқали) тарбиявий таъсир ўтказиш дастурий асосда, иерархик (юнонча *hierarchia* изчиллик) тарзда сингдирилади. Таълим муайян гуруҳ ва жамоани шакллантиради, шахслараро муносабат маромлари билан таништиради, шахсий фазилатларнинг таркиб топишига, субъектнинг ижтимоийлашувига сезиларли таъсир ўтказади.

Таълимнинг яна бир муҳим функцияси шуки, у турли ёшдаги одамларни касб танлашга йўналтиради, касбий тайёргарликни амалга оширишга, мутахассис сифатида шаклланишга муҳим таъсир ўтказади. Таълим ижтимоий жиҳатдан шахсларни шакллантириш, ихтисос кўникмалари билан қуроллантириш, у ёки бу соҳада мутахассис бўлиб фаолият кўрсатишга хизмат қилади. Мустақил фикрлаш, психологик имкониятларни рўёбга чиқариш, баркамолликни эгаллаш борасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида таълим етакчи фаолият тариқасида муҳим роль ўйнайди.

Таълим талабага муайян кўламда ва даражада билим, кўникма ва малака беришга, шунингдек, шахснинг ақлий фаолиятини ривожлантиришга

қаратилган мураккаб жараён ҳисобланади. У икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, ўқитувчи (таълим беради) ва талаба (таълим олади)ларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида амалга оширилади, шунинг билан бирга мазкур жараён педагогик салоҳиятли, касбий уқувли, етук инсон бошчилигида фан асослари эгалланади. Таълимнинг муваффақияти, биринчидан, ўқитувчи билан талабалар жамоасини ҳамкорлик фаолиятининг фаол тарзда ўтишига, иккинчидан, нималардан сабоқ беришга, ким томонидан ташкил қилинишга, уни қандай методлар билан амалга оширишга ва кимларни ўқитишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бинобарин, ўқитувчи билан талабаларнинг ҳамкорлик фаолиятининг уйғунлик, ижодий изланиш, фаоллик касб этиши-муваффақият гаровидир.

Ҳозирги даврда фан ва техниканинг ривож, ахборот ва билим кўламининг кенгайиши, олий мактаб талабалари олдида мустақил билим олиш вазифасини юкламоқда. Мазкур масъулият педагогларга ҳам бевосита алоқадор бўлиб, фақат талабаларга билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан қаноатланмасдан, балки фаол ва мустақил равишда уларни эгаллашга ўргатишни тақозо этади. Ана шу тариқа таълим тушунчасидан ўқиш (ўрганиш) атамаси ажралиб чиққан. Ўқиш ёки ўрганиш талаба фаолияти бўлиб, билим, кўникма, малака ва одатлар шаклида ифодаланиб, инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларини ўзлаштириш ҳамда улардан амалий эҳтиёжни қондириш учун фойдаланиш англашилади.

Халқ таълими тизимида ўқиш ўқитувчи раҳбарлигидаги ўқитиш жараёнининг бир томонини тавсифлайди, холос. Ўқишдаги муваффақиятни таъминловчи асосий омил-бу талабанинг мустақиллигидир. Мустақиллик таълимнинг объектив ўқув материали, ўқитиш суръати, методи, дарсликлар ва субъектив мотив, қизиқиш, майл, установка, қараш ва бошқа сабабларига таъсир қилади. Бу ўринда таъсир ўтказиш, таъсирланиш, ўзини ўзи қўлга олиш, ўзига ўзи буйруқ бериш ҳолатлари муҳим роль ўйнайди.

Педагогик психологияда таълим ўқитиш, ўқиш, ўрганиш билан бир қаторда ўзлаштириш тушунчаси ҳам қўлланилади. Таълим амалиётида ўқиш ва ўқитиш олдида қўйиладиган асосий вазифа- бу билимларни, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришдан иборатдир. Ўзлаштириш жараёни билиш фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, педагогик-психологик таъсирлар талабалар онгида қай йўсинда тасаввур образлари, фикр ва мулоҳазалар бўлаётганлиги, уларнинг амалий фаолиятида қандай шаклда акс этаётганлиги, психик ўсишга, илмий дунёқараш ва эътиқодларни эгаллашга ёрдам бераётганлигини акс эттирувчи мураккаб воқелик ҳисобланади.

Билимларни ўзлаштиришнинг самарадорлиги ўрганилаётган материалнинг мазмунига, муайян тизимда узатилаётганига, педагогик маҳоратига, унинг шахсий хусусиятига, ўқитиш методикасига, талабаларнинг индивидуал-типологик хусусиятларига ва қизиқишига бевосита боғлиқдир.

Ўқув материалларни ўзлаштиришда идрок жараёни алоҳида аҳамият касб этади. Генетик нуқтаи назардан ушбу масалага ёндашсак, мавҳум тушунчаларга нисбатан аниқ материаллар осонроқ идрок қилинади. Даставвал билиш жараёни

атроф-муҳитни амалий жаҳатдан инсон томонидан ўрганиш тариқасида намоён бўлганлиги туфайли ўз кадриятини сақлаб келмоқда.

Таълим жараёнида аниқ тасаввурлилик, тасвирий кўргазмалилик, “жонли мушоҳада”лик материалларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Ўзлаштирилаётган ўқув материалларининг маълум қисми ҳиссий тана аъзоларимиз томонидан акс эттирилади. Талабалар билимларни эгаллаш пайтида аниқ нарсалар, объектлар, ҳодисалар, жисмларни ёки уларнинг рамзий тасвирларини кузатиш натижасида аниқ тасаввур образларини яратадилар.

Психологик нуқтаи назардан кўргазмалилик табиий-предметли, тасвирий ва жонли нутқли ёки “жонли мушоҳада”лик турларига ажратилади.

Ўқитишда янги мавзу аудиторияда тажриба ўтказиш ёки баъзи объектларга саёҳат уюштириш билан боғлиқ равишда олиб борилади. Мазкур ҳолат материални талаба томонидан пухта ўзлаштириш учун кенг имконият яратади. Тажриба майдонларида, жонли бурчакларда ўтказиладиган машғулотлар ана шулар қаторига киради. Тасвирий кўргазмалилик расмлар, муляжлар, диапозитивлар, кинокартиналар, чизмалар, чизгилар, жадваллар, диаграммалар, картиналар ва символли белгилар ёрдамида намоёниш қилинади. Жонли нутқ кўргазмалилигида ўқитувчи талабаларда аниқ образларни, тасаввурларни уйғотадиган ёрқин, қанотли иборалардан (“тараққиёт-дунёни ларзага келтирди”, “камбағаллик-киши қаддини букади”) кабилардан унумли фойдаланади.

Бироқ ҳиссий идрок қилишдан меъёридан ортиқча фойдаланиш - талаба ақлий тараққиётини сустлашишга олиб келиши, мавҳум тафаккурга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бунинг натижасида мустақил фикрлаш, мулоҳаза юритиш, мунозарага киришиш ривождан орқада қолади. Бундан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг кузатувчанлигини такомиллаштириш, тараққий эттириш мақсадга мувофиқдир.

Кузатувчанликни талабаларда шакллантириш учун ўқитувчи уларга аниқ ва муайян мақсад қўйишни, яхлит нарсадан бўлак ва қисмларни ажратишни, объектларни ўзаро таққослашни, улардан муҳим ва номуҳим белгиларни ажратишни ўргатади. Кузатиш ёрдамида ўрганилган нарса ва ҳодисалар талабалар томонидан расмлар, чизмалар, эсдаликлар, мулоҳазалар тарзида қайд қилиб борилади. Фаол мақсадга йўналтирилган, узлуксиз кузатиш замирида уларда кузатувчанлик хусусияти таркиб топади.

Билимларни ўзлаштиришнинг муҳим томонларидан бири-бу ўқув материални тушунишдан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, фанлараро алоқаси, муайян соҳаларга ва тизимларга тааллуқлилигини англаш босқичига кўтарилади. Талаба ўрганилаётган материалларни ўтилган мавзулар билан мураккаб ички боғланишга эга эканлигини, қонуният таърифини, сабаб-оқибат муносабатларини келиб чиқишини тушунтириш имконияттига эга бўлмоғи зарур. Бу нарсаларни оддий идрок қилиш ёки кузатиш орқали англаб бўлмайди, шунинг учун фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ижодий изланиш, яъни тафаккур қудрати билан аниқланади.

Ўқув материалларини ўзлаштириш учун талабалар матндаги ҳар бир тушунчаларни англаб етмоғи зарур. Масалан: китоб-умумий тушунча, яъни

бунда бир жинсдан бўлган кўп нарса ва ҳодисалар гавдаланади; “Самарқанд” - якка тушунча, чунки якка ном ҳақида маълумот беради; “дарахт” –аниқ тушунча, бу ерда алоҳида олинган бир бутун нарсага алоқадорлик акс эттирилмоқда; “сиёсат” - мавҳум тушунча. Ҳатто талаба “гулзор” сўзини тушунчаларга тааллуқли эканлигини исботлаб, далиллаб бермоқлари шарт. Бундан ташқари, улар тўпланма тушунчалар якка “Республика Педагогик адабиётлари кутубхонаси” ҳамда умумий “хулқ”, “синф”, “ёшлар” турларига ажратилишини тушунтириб беришлари лозим.

Билимларни англаш ва уларни мустақил ўзлаштириш жараёнида фикр юритиш жараёнларидан унумли фойдаланмоқлари даркор. Масалан: матнни анализ ва синтез қилиш, таққослаш, классификациялаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва ҳоказо. Анализ нарса ва ҳодисаларни фикран таркибий қисмларга ажратишдан иборат бўлиб, унда бутуннинг бўлакларга нисбатан муносабати аниқланади. Синтез эса, аксинча, фикр объекти бўлган нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисмларини фикран бир бутун қилиб қўшишдир.

Ўрганилаётган нарса ва ҳодисалардан уларнинг муҳим белгиларини, сифат ёки хусусиятларини фикран ажратиб олиб, ана шу белги, сифат ёки хусусиятларни мустақил фикр объектига айлантириши, мавҳумлаштириши айни муддаодир. Шунингдек, улар ўзлаштирилаётган нарса ва ҳодисаларнинг муҳим ва ўхшаш белгиларига кўра бир гуруҳга бирлаштиришни уйдасидан чиқмоқлари лозим. Бундан ташқари, талаба ўқув материалларида учрайдиган нарса ва ҳодисалардаги хосса, белги, аломатларни топиш ва шу умумийлик асосида уларни фикран бирлаштириш, яъни умумлаштириш зарур.

Талаба ўзлаштирилган билимлари юзасидан мустақил равишда ҳукм чиқариш имкониятига эришмоқлари керак. Нарса ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ҳукм дейилади. Таълимда одатда ҳукмларнинг якка, умумий, эҳтимоллик каби турлари кўп қўлланилади. Масалан: “Алишер Навоий - ўзбек адабий тилининг асосчисидир” (якка ҳукм). “Ўзбекистон фуқаролари меҳнат қилиш, билим олиш ҳуқуқларига эгадирлар” (умумий ҳукм), “Эҳтимол, куёш тизимидаги сайёраларнинг кўплаб йўлдошлари бордир” (эҳтимоллик ҳукм) ва бошқалар. Шунингдек, улар ўқиш жараёнида тез-тез “мавзуларни ўз вақтида такрорлаш-пухта эслаб қолишнинг гарови”, “машаққат билан тўпланган илм зое кетмайди”, “тоҳ ҳаво очилиб кетади, гоҳо унинг юзини булут қоплайди” деган ҳукмлардан жуда ўринли фойдалана бошлайдилар. Бу ҳолат-ўқишга онгли муносабатнинг тимсоли бўлиб ҳисобланади.

Хулоса чиқариш шундай тафаккур шаклидирки, бу шакл воситаси билан талаба икки ва ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил қилади. Хулоса чиқариш индуктив, дедуктив ва аналогия турларига бўлинади. Индуктив хулоса чиқаришда фикрнинг йўналиши хусусийдан умумий томон боради. Масалан: “биринчи босқич талабалари шанбаликда фаол иштирок этдилар”, “Шанбаликда иккинчи босқич талабалари ҳам қатнашдилар”, “Шанбаликда магистрлар ҳам четда турмадилар”.

Талаба юқоридаги ҳукмлардан янги умумий ҳукм чиқаради: Университетимизнинг ҳамма талабалари шанбаликда фаол иштирок қилдилар.

Дедуктив хулоса чиқаришда фикрнинг йўналиши умумийдан хусусий томон боради. Масалан: “Мамлакатимиз аҳолиси ер куррасида тинчлик учун курашмоқдалар”, “Университетимиз жамоаси ҳам тинчлик ишига қўл қўйганлар”, “Факультетимиз талабалари ҳам тинчлик тарафдоридирлар”.

Аналогия йўли билан хулоса чиқаришда фикрнинг йўналиши хусусийдан хусусий томонга қаратилади. Масалан: “Ҳаво ўзгариб, авзойи бузилмоқда”, “Ўтган йили ҳам шундай ҳаводан кейин совуқ шамол эсиб, қор ёққан эди”, “Об-ҳаво худди шундай ўзгариб турибди, албатта яна қор ёғса керак”. Худди шу аналогик йўл билан талабалар бошқа ҳодисалар тўғрисида ҳам хулоса чиқаришлари мумкин. Мустақил хулоса чиқариш ўзлаштирилган материалларни тушунишдан далолат беради.

Шунингдек, талабалар олдида муаммоли вазиятлар вужудга келтирилганда, уларнинг ечимини мустақил равишда топишлари керак. Айтайлик, мана бундай вазият майдонга келди деб: “Мустақил билим олиш учун талабада қандай имкониятлар бўлиши керак?” Мазкур муаммо ечимини топиш учун, биринчи навбатда, унинг моҳиятини англаш, ечиш йўллари ва воситаларини топиш, йўл ва воситаларни татбиқ қилиш, ечимни текшириш каби мураккаб фаолиятни амалга ошириш зарур. Ана шундан сўнг талабада материалларни ўзлаштиришга онгли ёндашиш вужудга келади.

Шунинг билан бирга улар нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттирувчи тушунчаларга таяниб фикр юритишдан (мавҳум тафаккурдан), назарий мулоҳаза билдиришдан (назарий тафаккурдан) фойдаланишлари керак. Чунки, тушунчаларни англаш фикр юритишнинг турли кўринишларидан мустақил равишда қўллашни тақозо этади.

Таълим жараёнида англашилган билимлар, эгалланган кўникма ва малакалар талаба хотирасида сақланади. Ўқув материални эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш учун хотиранинг бир неча хил воситаларидан фойдаланилади. Дастлаб билимлар, ахборотлар талаба онгига ассоциатив йўл билан кириб боради. Жумладан, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро ўхшашлиги, ёндошлиги, қарама-қаршилиги мавжуд бўлганлиги сабабли улар енгилроқ ўзлаштирилади. Баъзан қонун ва қоидалар маъносига тушунмай, механик равишда ёд олинади. Лекин ундай материаллар эсда пухта сақланмайди. Ана шунинг учун ўқув материаллари моҳиятини имкони борича мантиқий йўл билан эсда олиб қолиш юксак самаралар беради. Айниқса эсда олиб қолишнинг омилкор усулларида фойдаланиш ўзлаштириш сифатини оширади. Чунончи, маъносига кўра матндаги сўзларни фикран гуруҳлаш, матндан таянч нуқталарини топиш, матн бўйича режа тузиш, ўтилган мавзуларни идрок қилган ҳолда янги мавзунини такрорлаш яхши натижалар беради.

Ўқитувчи талабаларда эсда олиб қолиш установкаларини ҳосил қилишда қайси материални узоқ муддат сақлашни, қайси туркумдаги материални сидирғасига эмас, балки моҳиятини тушуниб олишни, нималарни айнан эсда олиб қолишни, қандай ахборотларни ўз сўзи билан ифодалаган ҳолда хотирасига жойлашнинг йўл ва воситаларини тушунтириб бериши лозим. Установкалар таълим жараёнида объектив омил ва кундалик зарурият

эканлигини талаба англаб етиши шарт. Улардаги оддий установкалар аста-секин ижтимоий установкага ўсиб ўтиб, шахсда қадриятни вужудга келтиради.

Билиш жараёнининг барқарорлиги, мазмундорлиги ва тазимлилиги бевосита диққатга боғлиқ. Диққат пассив, кучсиз бўлган вазиятда билиш жараёни секинлашади ва тормозлашади. Талабаларнинг диққати узоқ вақт давомида муайян вазифага қаратилган тақдирдагина билиш жараёни амалга ошади. Диққат фаоллигига кўра ихтиёрсиз, ихтиёрий, ихтиёрийдан кейинги, объектга қараб ташқи, ички, фаолият шаклига қараб индивидуал, гуруҳий ва жамоавий турларга бўлинади.

Ихтиёрсиз диққат таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Лекин, ўқитишда диққатнинг фақат мана шу турига асосланиб иш тутиш мақсадга мувофиқ эмас. Маълумки, ўта қизиқарли маърузалар талаба фикр юритишига,<sup>3</sup>ийинчиликларни енгизишга салбий таъсир қилади. Шунинг учун сабоқ бериш жараёнида кўпроқ ихтиёрий диққатга таяниш яхши натижа беради, чунки, иродавий диққат билан ҳиссий қизиқишнинг бирлашуви диққатни шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иродавий диққатдан узоқ фурсат фойдаланиш унинг чалғишига олиб келади. Бинобарин, аудиторияда диққатнинг ҳар қайси туридан фойдаланиш зарур. Айниқса, бу ўринда ихтиёрийдан кейинги автоматлашган диққат тури алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим жараёнида қизиқишнинг роли ғоят муҳим. Чунки қизиқишлар талабаларнинг ўқишга нисбатан муносабатини, ўқув предметларининг мазмунига кўра мойиллик кучини акс эттиради. Мойиллик кучи уларда юзага келган билиш эҳтиёжларига жавоб реакциясини билдиради, билишга чанқоқлик ҳисларини қондириш воситаларини излаб топишга йўлланма беради.

Олий мактаб олдидаги долзарб вазифалардан бири – бу барча талабаларни билиш фаолиятига етакловчи, олий мактабдан ташқари вақтда ҳам изчил мазмундаги турғун қизиқишларни бошқариш йўллари кўрсатиб беришдир. Ўз навбатида талаба уни қабул қилишга психологик жиҳатдан тайёр туришлари керак. қизиқишлар, одатлар, бевосита ва бавосита, беқарор, кенг ва тор, умумий ва махсус турларга бўлинади. У синчковлик, қизиқувчанлик, билишга қизиқиш, турғун қизиқиш босқичларини босиб ўтади. қисқа муддатли синчковликка эга бўлган талабалар дарсда олган билимларини оддийгина идрок қилиш билан кифояланадилар. Уларнинг ички моҳиятини очиб беришга уринмайдилар. қизиқувчанликка эга бўлганлар-предмет, воқеа ва ҳодисаларни ўзаро жамлаб умумий хулоса чиқаришга ҳаракат қиладилар. Лекин бундай ҳаракатларни амалга ошириш чуқур мазмунга эга эмаслиги намоён бўлади. Билишга қизиқиш пайдо бўлган талабалар ўзлаштирилган билимларни амалиётга татбиқ қилишга интиладилар. Уларнинг интилишлари барқарор хусусият касб этиб, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англаб олишга қаратилгандир. Турғун қизиқишни эгаллаган талабаларга билимларни амалиётга татбиқ қилишдан, мақсадни аниқ ёритишдан ташқари барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини тушунтириб беришда ҳамма вақт ижодий муносабат, ижодий ёндашиш характерлидир. Уларда ташаббускорлик, ижодий изланиш, тиришқоқлик, қатъийлик каби шахс сифатлари мавжуддир.

Талаба қизиқишини стабиллаштириш учун фикр юритиш фаолиятининг барча кўринишларига эътибор қилиш, ҳиссий ҳолатини кузатиш, аудиторияда ўз хоҳишича нималар билан шуғулланишини аниқлаш, аудиториядан ташқари вақтларда нималар билан машғул бўлишини ва бўш вақтларда қандай нарса билан банд эканлигини белгилаш зарур.

Олий таълим жараёнида талабаларнинг иродавий зўр беришлари уларнинг топшириқларни ечишга интилишларида, ўзига ўзи буйруқ беришида, ўзини ўзи қўлга олишида ўз ифодасини топади.

Ўзлаштиришнинг самарадорлиги талабаларнинг иродавий зўр бериши, маънавий эҳтиёжи ва англашилган ўқув мотивига бевосита боғлиқ. Модомики шундай экан, уларни қийинчиликларни енгишга ўргатиш, айрим пайтда дуч келадиган муваффақиятсизликлар олдида довдираб қолмасдан, балки уларни ўзини ўзи идора қилишга ўргатиш айти муддаодир. Бунинг учун уларда қийинчиликларни енга олиш уқувини, ўзини ўзи қўлга олиш фазилатини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Олий мактабда талабаларни таълимий иш усуллари, индивидуал ишлаш услуби билан, ўқув кўникмалари ва малакалари билан қуроллантириш ўқитиш самарадорлигини оширади, ўзини ўзи бошқариш уқувини таркиб топтиради, ижодий фикр юритиш, мустақил билим олиш имкониятини яратади. Шунингдек, олий таълим жараёнида ўқитувчи билан талаба мулоқотини оқилона ташкил қилиш, уларнинг индивидуал-типологик ва ёш давр хусусиятларига, интеллектуал имкониятларига эътибор бериш олий таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**3 Меҳнат фаолияти.** Инсоният ўзининг меҳнати туфайли онгли мавжудодга айланган, жамиятда мўл-кўлчиликни яратган, табиатда эса айрим ўзгартиришларни амалга оширган, борлиқ тўғрисидаги маълумотларни эгаллашга мушарраф бўлган. Меҳнат фаолиятининг таркибида меҳнат, иш-ҳаракат ётади. Уларнинг ҳар қайсиси муайян улушни амалга ошириш туфайли фаолият маҳсули вужудга келади, у моддий ёки маънавий кўринишда бўлиши мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилган касб-кор кўникмаларини авлодларга ўргатиш меҳнат фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Касбий малакаларни шакллантириш, такомиллаштириш, маҳсулот яратиш ва ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш меҳнат фаолияти орқали рўёбга чиқарилади. Меҳнат фаолиятида амалий кўникмалар барқарорлашади, назарий фикр, ғоя, мулоҳаза вужудга келади. Фаолият билан онг бирлиги мавжуд бўлганлиги сабабли шахс таркиб топади, ҳам ахлоқан, ҳам ақлан ривожланади. Меҳнат фаолияти индивидуал хусусият касб этса-да, лекин унинг моҳияти ижтимоийдир. Инсон шахсий эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қилади, у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарилади, оқибат натижада одам ижтимоий жамият фаровонлиги учун ўз шахсий улушини қўшади.

Меҳнат фаолияти яшаш, эҳтиёжни қондириш, келажак учун мўл-кўлчилик вужудга келтириш, яратилган маҳсулларни (меъморчилик, санъат, маданият асарларини) сақлаш, асраш, мерос сифатида қолдириш

функцияларини бажаради. Шунинг учун меҳнат фаолияти ўн минглаб касб-кор профессияграммасига асосланган ҳолда турли шаклда ташкил қилинади ва муайян режа, мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳар хил вазиятларда амалга оширилади.

Меҳнат маиший ва ишлаб чиқариш турларига ажратилган ҳолда имкониятга, лаёқатга, қобилиятга, салоҳиятга қараб тақсимланади. Шунинг учун меҳнат фаолиятининг содда кўринишлари илк болалик ёшидан кўзга ташланади, бу ўринда дастёрлик, кўмаклашиш ҳолатлари назарда тутилади. Кейинчалик яхлит меҳнат фаолияти ташкил қилинади ва муайян мақсад амалга оширилади, унинг маҳсули (натижаси) моддий кўринишга эга бўлади.

Меҳнат турлари маиший, ишлаб чиқариш соҳалари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлади ва ижтимоий талаб, эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилади. Меҳнат фаолияти шахсни рағбатлантиради (маош, мақтов) ва касбий шаклланишининг янги қирраларини рўёбга чиқаришга замин ҳозирлайди. Натижада қобилиятли, салоҳиятли мутахассис, маҳоратли, новатор касб эгаси босқичларига эришишга шахсни сафарбар этади. Меҳнат фаолияти кишида практик (лаззатланиш) ҳиссини шакллантиради, бутун имкониятини ишга туширишга моддий, маънавий негиз яратади



## Фаолиятнинг асосий жабҳалари тузилиши:



## Фаолият тузилишининг таснифи



## Фаолиятни билиш

фаолият сифатида	ўқув илмий	морфология аксиология праксиология онтология
------------------	------------	---

## Билиш

моделларда ёки	Моделлар	тадқиқот	лаборатория ярим табиий
	Моделлаштириш	лойиҳалаш	ишлаб чиқиш
	моделлар ранг-баранглиги	Баҳолаш	экспериментал, эксперт      ҳи- соблаш

## Фаолият тузилиши (А.Н.Леонтьев бўйича)



- 1) морфология- юнонча morphē «шакл», турмуш тўғрисидаги таълимот, соҳа;
- 2) аксиология –юнонча axios «кадр», яъни қадрият тўғрисидаги таълимот;
- 3) прaksiология-юнонча praxitikos, фаолиятни, амалий самарадорлик назарияси
- 4) онтология-юнонча antos-«моҳият», турмуш тўғрисидаги таълимот

## 5. КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ ТЕСТИ

Сизга тавсия қилинаётган тест саволлари педагогик фаолиятнинг психологик диагностикасига бағишланган. Шунинг билан бирга, бу маълумотлар мамлакатимиздаги халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий ва касбий сифатларингиз ҳақидаги маълумотлар.

Сиз учун қуйидаги жараёнлар учун фойдали бўлади:

- 1) аттестацияга тайёрланиш кезида:

2) шахсий-касбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишлашни такомиллаштиришда:

3) ҳаёт-фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни “Мен”-концепция бўйича (ўзингиз ҳақидаги тасаввурни) баҳолашингизда.

Ушбу тажрибада иштирок этганингиз учун сизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳар бир фикрга “ҲА” (к) ёки “ЙЎқ” (-) белгисини қўйиш билан жавоб беришингиз мумкин.

1. Танишларимнинг кўплари мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман.

2. Камдан-кам гапим ишимга тўғри келмайди.

3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса керак, деб ўйлайман.

4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчиликларимни кўраман.

5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб қила оламан, деб ўйлайман.

6. Ўзимга мени ёқтирган одамнинг кўзи билан қараганимда, шахсий образи ҳақиқатдан қанчалик узоқлиги туфайли нохуш ҳислар туғилади.

7. Баъзан ўзини ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб ҳисоблайман.

8. Менинг “МЕН” им ўзим учун ҳар доим қизиқарлидир.

9. Шахсий ҳаётимда менга ҳаддан зиёд қалбан яқин бўлган одамларим бўлган.

10. Ўзимни ўзим ҳурмат қилишим учун ўз имкониятимни янада ишга солишим жоиз.

11. Ўзимни ўзим жуда ёмон кўрган вақтим бўлган ва у бир марта эмас.

12. Мен тўсатдан пайдо бўлган хоҳишимга тўла ишонаман.

13. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ўзгартиришни истайман.

14. Мен учун шахсий “МЕН” им алоҳида ҳислатларни ҳурматга сазовордек бўлиб туюлмайди.

15. Менинг ҳаётимда ҳамма нарса орзу қилганимдек бўлишини сидқидилдан хоҳлайман.

16. Мен бировга таъна тошини ёғдиришдан кўра, энг аввало ўзимни айблайман.

17. Тўсатдан танишган одам учун кўпроқ ёқимли шахсдай туюламан.

18. Мен кўпинча ўз режаларимни ва хатти-ҳаракатларимни қўллаб-қувватлайман.

19. Шахсий заифликларим менда ғазаб туйғусига ўхшаш кечинмани уйғотади.

20. Мабодо мен руҳан икки киши бўлиб қолсам, у ҳолда ўзимнинг иккинчим билан қизиқарли суҳбат қилган бўлардим.

21. Ўзимнинг баъзи бир ҳислатларим менга бегонадек бўлиб туюлади.

22. Кимнингдир шахсиятида менга ўхшаш томони борлигини ҳис қилолмайман.

23. Ўйлаган режамни амалга ошириш учун қобилиятим ва имкониятим етарли.

24. Мен кўпинча ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман.

25. Инсоннинг шахсий ҳаётида қиладиган энг ақлли иши-бу ўз тақдирига ўзи тан беришидир.

26. Биринчи қарашда бегона одам менга қараганда ўзгалар хусусиятларини топганга ўхшайди.

27. Агар мен бирор ваъда қилган бўлсам, афсуски, бу худди айтганимдай иш тутаман, деган сўз эмас.

28. Ўзимга нисбатан муносабатимни дўстлик муносабати, деб атаса бўлади.

29. Шахсий камчиликларга мурувватлилик-бу табиий ҳолдир.

30. Севган одамим учун қизиқарлик манба бўлишлик менинг қўлимдан келмайди.

31. қалбимнинг тубида мен билан қандайдир муддат фалокат юз бераётгандай туюлади.

32. Мен ўз танишларимнинг кўпчилигига ёқимтой бўлиб туюлсам керак.

33. Мени севадиган одамимнинг кўзи билан ўзимга қараш жуда ёқади.

34. Менда хоҳиш-истак пайдо бўлганда, аввало ўзимдан-ўзим “бу ақлданми?” деб сўрайман.

35. Баъзан менга шундай бўлиб туюладики, қандайдир донишманд руҳий дунёни кўра олганида эди, ўзимнинг қанчалик қашшоқ эканлигимни дарҳол англаган бўлар эдим.

36. Гоҳо ўзимдан ўзим фахрланам.

37. Мен ўзимни баҳолайман, десам бўлади.

38. Мен ҳақиқатдан нуфузли одам эканлигимга қалбимнинг туби билан ҳеч ишонгим келмайди.

39. Бегона одамларнинг ёрдамисиз мен кўп нарсаларни уддалай олмайман.

40. Баъзан мен ўзимни ўзим тушуна олмайман.

41. Мақсадга йўналганлик, иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда халал беради.

42. Бошқалар мени етарли даражада юқори баҳоласалар керак, деб ўйлайман.

43. Менинг шахсимда қандайдир бошқаларни ўта ёқтирмаслик тўғрисида ўхшаш нимадир бор.

44. Кўпчилик танишларим мени унчалик жиддий одам, деб қабул қилмайдилар.

45. Менда доимо кўзғатувчилик ҳисси мавжуд бўлганлиги туфайли ўзимдан ўзим қувонаман.

46. Мен ўзимни ўзим ҳурмат қиламан, деб айта оламан.

47. Ҳатто менга салбий хислатлар ҳам бегона эмас.

48. Асосан, мен қандай мавжуд бўлсам, худди шу нарса мени қониқтиради.

49. Мени бошқалар чинакамига сева олмасалар керак.

50. Менинг орзуларим ва режаларим ушалишига амалий ифода етишмайди.

51. Агар менинг руҳан иккинчи “Мен”им бўлганида эди, у мулоқотда мен учун энг зерикарли шерик бўлар эди.

52. Ўйлайманки, ҳар бир қандай ақлли ва билимли инсон билан умумий тил топишса бўлади.

53. Мендаги руҳий кечинмалар, мен учун тушунарлидир.

54. Менинг ижобий фазилятларим нуқсонни ёпиб кетади.

55. Мени виждонсизликда айблайдиган одамлар топилмаса керак.

56. Менда кўнгилсизлик содир бўлса, ўзимга-ўзим “қилмишинга ярашада”деб айтаман.

57. Умуман мен ўз тақдиримга бефарқ эмасман, деб айта оламан.

Илова 1 .  
Жавоб варақаси

№	Жавоб		Феномен устун											
	ҳа	Йўқ	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.														
2.														
3.														
4.														
5.														
6.														
7.														
8.														
9.														
10.														
11.														
12.														
13.														
14.														
15.														
16.														
17.														
18.														
19.														
20.														
21.														
22.														
23.														
24.														
25.														
26.														
27.														
28.														
29.														
30.														
31.														
32.														
33.														
34.														
35.														
36.														
37.														

38.														
39.														
40.														
41.														
42.														
43.														
44.														
45.														
46.														
47.														
48.														
49.														
50.														
51.														
52.														
53.														
54.														
55.														
56.														
57.														

#### Натижалар 24.таҳлили:

**“ХА”(қ) “ЙЎқ”(-) деб жавоб берилганидан қатъий назар,**

жавобингизни калитга мослиги 12 балл баҳо олишингиз учун имкон беради.

I. Ўзимнинг “Мен”идан “Рози” ёки “Норози” бўлиш интеграл ҳиссий устуни. “ХА”-2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

**“ЙЎқ”-6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.**

Натижалар таҳлили:

0-10 балл-Сиз кўпроқ ўз “Мен”ингиздан норозисиз.

11-20 балл-Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий муносабатингиз сақланган.

21-28 балл. Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрдасиз, ўз “Мен”ингизда тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофингиздаларига қарши қўйишни юзага келтириши мумкин.

II. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш устуни

“ХА”- 2, 23, 53, 57.

**“ЙЎқ”-8,13,25,27,31,38,39,40,41,50.**

0-5 балл- Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобиляят ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6-10 балл-Сиз ўзингизни етарли даражада ҳурмат қилсангизда, лекин ҳар қалай ўзингизга ишонмаслик, ўзингизга тушунмаслик, изчилликдан четлашиш, шахсий имкониятларга шубҳа билан қараш ҳолати баъзида учраб туради.

11-14 балл- Сиз ўзингизни юксак даражада ҳурмат қиласиз.  
Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

III. Ўзини ўзи ёқтириш устуни  
“ҲА”-12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.  
“ЙЎқ”-4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0-5 балл-Сиз кўпроқ ўзингизга “душман”га қарагандек қарайсиз, ўзингизга танбех беришга, гуноҳкор деб ҳис қилишга, ўзингизни айблашга мойиллик бор.

6-11 балл-Умуман олганда, ўзингизни қўллаб-қувватлайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

11-16 балл-Сиз ўз “Мен”ингиз билан “дўстона муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз ҳисларингизни ва умумий хулқингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

IV. Атрофдагилардан кутилаётган муносабат устуни  
“ҲА”-1, 5, 10, 15, 42, 55.  
“ЙЎқ”-3, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0-4 балл-Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳри-муҳаббати сиз учун зарур инсонлардан ҳам яхши муносабат кутмайсиз. Сиз ўзингизга яхшиликни чинакам раво кўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат сизга ўзликни ҳурмат қилишни оширадиган вазифаларни олдингизга қўйишга тўсқинлик қилади.

5-6 балл-Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладиган борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатдалар, деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишга, ташқи қиёфанингизга эътибор беришга, ўзингизни назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

10-13 балл-Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликлари тўла ишонасиз. Бу ишониш сизга ўзингизга нисбатан ҳурматингизни тобора орттиради. Сизга шахсингизни қадр-қимматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутаётган муносабатингизга боғлиқ. Атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурларини сақланиб қолиш учун доимо ўз устингизда ишлашингиз зарур.

V. Ўз шахсиятига қизиқиш устуни  
“ҲА”-7, 17, 20, 33, 34, 52. “ЙЎқ”-14, 51.

0-2 балл-Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз яқин эмассиз (реал “Мен” ва идеал “Мен” афсуски, ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун қизиқарсиз эканлигингиз ҳақидаги фикр мавжуд.

3-6 балл-Сиз ўзингиз билан “тенглик” асосида муомала қила оласиз, бошқалар учун қизиқарли эканлигингизни эътироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун қизиқарли эканлигингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз.

Ўйлаб кўринг, бу балки сизни умуман қандай бўлиш кераклигини билмаслигингиз билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингизни қай



даражада ривожланмаганлигини биларсиз ва шунинг учун атрофдагилар учун сизнинг “Мен” ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз мавжуддир.

7-8 балл-Сиз ўзингизни бошқалар учун ва ўзингиз учун қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу сизнинг фаолиятингизни самарали бўлишга олиб келади.

VI. Ўзига ўзи ишонч устуни.

“ҲА”-2, 23, 34, 42, 46.

“ЙЎқ”-32, 43, 44.

0-2 балл-Сиз ўз “Менингизни” салбий баҳолашни кутишга тайёрсиз

3-6 балл-Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабатлари, фикрлари ва хатти-ҳаракатларини танқидий реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан бўладиган ички турткиларингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

7-8 балл-Сиз ўз “Мен”ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳоланишни кутасиз. Бу ҳолат сизни ўз менингизга ижобий йўналтиради, фаолиятингизни жадаллаштиради.

VII. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.

“Ҳа”-1, 5, 10, 52, 55.

“ЙЎқ”-32, 432, 44.

0-2 балл- Сиз ўз “Мен” ингизни салбий баҳолаш кутилмасига тайёрсиз.

3-6 балл-атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати, фикри ва хатти ҳаракати танқидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички турткиларингиз сизни шахсий сифатларингиз ва сифатларидан келиб чиқади.

7-8 балл-Сиз ўз “Мен”ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу сизни ўз “Мен”ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

VIII. Ўзини ўзи қабул қилиш устуни

“ҲА”-12, 18, 28, 47, 48, 54. “ЙЎқ”-21.

0-2 балл-Ўзингиз бутун вужудингиз билан ўзингизга ёқмай-сиз. Шахсий ва касбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ўз устингизда ишлашингиз зарур.

3-5 балл-Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда карама-қаршиликлар мавжуд. Ўзингизнинг “Мен”ингизда нима сизга маъқул ва нима номаъқул эканлигини аниқланг. Ўз менингиз устида ишлашингиз ўзингизга нисбатан ижобий интилишларингиз шаклланишга олиб келади.

6-7 балл-Ўзингизни қабул қилиш ўлчовингиз етарли даражада юқори. Бу ўзингизни намоён қилиш эҳтиёжингиз борлигини билдириб, ўз «мен»ингизга нисбатан ижобий муносабатингизни қўллаб-қувватлайди.

IX. Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни

“ҲА”-50, 57.

“ЙЎқ”-25, 27, 31, 35, 36.

0-2 балл-Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: “Афсуски, мени бирор айтган гапим, айнан шундай хатти-ҳаракат қилишимни билдирмайди”.

3-5 балл-Сиз муваффақиятга фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчи ички муносиблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг “Мен”ингизда баъзи психологик келишмовчилик ҳар қалай бор. Нима учун? Эҳтимол, ҳар доим ҳам хулқингизда изчиллик бўлмаслиги ва уни етарли назорат қилинмаслиги, режаларнинг нореаллиги бунга сабабдир.

6-7 балл- Сизда фаолиятга нисбатан изчиллик, ўз қобилиятингиз ва имкониятингизга ишонч, ўзини тушуниш, ўзини назорат қилиш етарли даражада намоён бўлади.

Х. Ўзини айблаш устуни

“ҲА”-3, 4, 9, 11, 16, 24, 25, 56.

0-2 балл-Сизда ўзингизга ҳеч қандай танбеҳингиз йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўқлиги содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгарликни соқит қилишни ва жавобгарликни ташқи омилларга юклашга мойилликни келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3-6 балл-Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу ўзингиздаги мавжуд хислатларингизга мос келади. Кўпинча одамда ўзини ўзи баҳолаш қарама-қаршиликлардан иборат бўлади. Шунингдек, ўзини психологик ҳимоя қилиш ўз айбини эътироф этишдан ташқари ташқи сабаблар орқали ўзини оқлашдан холи эмассиз.

7-8 балл-Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждонлисиз, ўзингизни камситишга, “айбдор” деб ҳис қилишга, ўзига ўзи танбеҳ беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларингизни паст баҳолашни вужудга елтирганлиги туфайли ҳар доим сизнинг фаолиятингизга ижобий таъсир этмайди.

ХІ. Ўзига ўзи қизиқишни ифодалайдиган устун.

“ҲА”-17, 20, 33.

“ЙЎқ”-26, 30, 49, 51.

0-2 балл-Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпгина шахсий хусусиятларингизни салбий баҳолайсиз. Бу сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингиз омили ҳисобланади.

3-5 балл-Сиз атрофингиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлисиз. Ваҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва иш сифатларингиздан қониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишлаш ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришингизнинг асосий йўлидир.

6-7 балл-Сизнинг “Мен”ингиз сизни етарли безовта қилади. Сиздаги ўзига ўзи қизиқиш юксак даражага эга бўлиб, ўзини ўзи севишга айланган. Умуман олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни бажарилиши жараёнида намоён бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғунлашган бўлса, зотан атрофингиздаги одамларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беришингиз заминида юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдиндан билишингиз сизга халақит бермайди. Кўпроқ инсонпарварлик ва фаолиятингиздаги назорат сиз учун фақат фойдалидир.

ХІІ. Ўзини ўзи тушуниш устуни

“ҲА”-53.

“ЙЎқ”-6, 8, 13, 15, 22, 40.

0-2 балл- Сизда аниқ ички изчиллик, ёрқин тасаввурлар, ҳислар ва ғоялар йўқ. Ўзингиз билан ўзингиз ёмон муносабатдасиз.

3-5 балл-Ўзингиз билан ўзингиз юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзингизни тушунмаслик намоян бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни қувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик қилади.

6-7 балл-Сиз ўзингиз билан руҳан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай қилиб, сизнинг тўплаган йиғиндингиз қуйидаги рақамни ташкил қилса:

0 баллдан 52 баллгача, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканлигингизни билдиради. Бу ҳолат нисбатан барқарор бўлган, озми ёки кўпми даражада англандан, индивиднинг ўзи ҳақидаги тасаввурларининг бетакрор тизими сифатида ҳис қилинган. “Мен-концепцияси”ни салбий йўналишда намоён бўлишига таъсир қилади. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизни атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шаклланади. “Мен-концепцияси-ички қарама-қаршиликларда ҳал бўлмаган шахсий “Мен”нинг яхлит образидир.

Салбий Мен-концепциясига эга бўлган одамлар ортиқча ваҳималилиги, тез хафа бўлиши, ўзини камситишига ва эътироф этишга мойиллиги билан ажралиб турадилар. Улар учун мулоқот билан, ижтимоий шахсий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар характерлидир.

Юқорида баён этилганлар, уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, “Мен-концепцияси” билан касбий фаолият самарадорлиги ўртасидаги муносабатни уларни ўзаро боғланиш тизимини ўрганмасдан туриб, аниқ айтиб бўлмайди.

53 баллдан 105 баллгача: Бу кўрсаткич касб эгасининг “Мен концепцияси” ни ва ўзига муносабати ижобий эканини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз этарли даражада обрўлисиз. Битирувчиларингиз сизни узоқ вақтгача унутишмайди. қўл остин-гиздагилар хотирасида шундай қиёфада сақланиб қоласиз; “Ҳа, бизнинг бошлиғимиз ҳаққоний, раҳмдил эди, одамларга ғамхўрлик қиларди”. “У ўз касбини яхши биларди, муомалани яхши ташкил қилар эди, кўтаринки руҳини сақлаб қоларди”, “Унинг гуруҳда илиқ, ёқимли шароит мавжуд бўлиб, ҳамма қизиқиб ишларди”, “Бизни деб, у жуда кўп танбеҳ ва гап эшитарди, биз уни тушунардик ва ўзимизни тузатишга ҳаракат қилардик”. “У бекорчиларни ёқтирмас эди ва камдан кам” ўзидан чиқаради ва ҳоказо.

Одатда одамлар билан муомала қилишни биладиган бундай касб эгаси обрўли бўладилар. Шу билан бирга, эгилувчанлигини ва эксперимент ўтказишга нисбатан қизиқиш мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ бўлиши, ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни такомиллаштиради.

106 баллдан 134 баллгача: Касб эгасининг “Мен-концепцияси” ва ўзига муносабати жуда ёқадди. Турган гап, бундай касб эгалари ўз хулқи ва фаолияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар, лекин ҳар доим шундай эмас.

Ўзингизни юқори даражада идрок этишингиз, шахсларни камситиш, уялтириш ўзига ишончини йўқотиш мумкин. Баъзан ўзига юқори баҳо берадиган касб эгасининг лоқайдлигини намоён қилиб, ҳаддан ташқари

ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, касб эгасининг ўзига юқори баҳо бериши ўқувчиларнинг “Мен-концепцияси” бошлиқ учун салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, ҳурматни, ички келишувчанликни бўшаштирмай, маҳорат даражасини эгаллагандирсиз, қўл остингиздагиларни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятга, ижобий “Мен-концепцияси”га унданг.

## **6. Инсон ҳаёти ва фаолиятини ўзгартувчи асосий омиллар**

Жаҳон психологиясида хулқ-атвор, муомала ва фаолият муваффақиятини таъминловчи омилларнинг энг муҳими тариқасида инсоннинг эмоционал ҳаёти ётиши аксарият назарий ва таъминловчи психологлар томонидан таъкидлаб ўтилади. Бу талқиннинг ҳаққонийлигига ҳеч қандай эътирозлар бўлиши мумкин эмас, чунки мазкур омил экспериментал психологиянинг мустақил соҳа сифатида вужудга келишидан эътиборан устувор, далил тақозо қилмайдиган атрибут сингари тадқиқот предмети моҳиятига сингиб кетган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, инсон муомаласининг, хулқ-атворининг кечиши, фаолиятининг муваффақиятли, сермахсул яқунланиши кўп жиҳатдан шахснинг эмоционал ҳолатларига (эмоционал тон, кайфият, стресс, аффект ва ҳоказо), изоҳланиши мураккаб бўлган руҳий кечинмаларга, юксак ҳис-туйғуларга боғлиқ.

Ўйин, меҳнат, ўқув, муомала ва бошқа фаолият турларининг муваффақиятли кечиши, шахслараро муносабатларда хулқ-атворнинг намоён бўлиши ижобий психологик ҳолат сифатида баҳоланса, эмоция ва ҳиссиётнинг барқарор, мақсадга йўналган тарзда ҳукм суриш эҳтимоли эътироф этилади. Ҳис-туйғуларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, мукамаллиги сифатларининг мавжудлиги уларнинг динамик стереотиплар типига айланганлигидан далолат беради, фаолият ва хулқнинг шахс томонидан онгли равишда бошқариш услуби шаклланганлигини билдиради. Табиатнинг таркибий қисмлари ва жамиятнинг аъзолари билан турли шаклдаги, ҳар хил хусусиятли муносабатга киришиши, улар билан муомала қилиш маромларини даврий (муваққат тарзда) ўзгаришни вужудга келтиради. Ана шу ўзгариш туфайли муваффақият ва муваффақиятсизлик, омад ва омадсизлик, оптимизм ва пессимизм, романтика ва реалия, симпатия ва антипатия, прогресс ва регресс, жўшқинлик ва тушқунлик, фаоллик ва сустлик каби биринчиси ижобий (позитив) иккинчиси эса салбий (негатив) руҳий ҳодиса келиб чиқади. Фаолият ва хулқнинг амалиётда бир текис кечишини таъминловчи эмоционал ҳолат барқарорлигининг бузилиши унга қиёс қилинган муваффақиятнинг бирламчи омили тўғрисидаги илмий маълумотларни шубҳа остида қолдиради. Бинобарин, жамики нарсанинг бошланғич асоси, манбаи эмоция деган ғояни, унинг қийматини умумий фонда бирмунча қадрсизлантиради, лекин иккинчи даражали омилга айлантириб юбормайди. Омилларнинг бирламчи ва иккиламчи, устувор ва етакчи, умумий ва хусусий, объектив ва субъектив, муҳим ва номуҳим мезонлар, аломатлар, ўлчамлар ёрдами билан баҳоланиши ушбу психологик масала моҳиятини оқилона талқин қилиш заруриятини вужудга келтиради. Ҳолбуки шундай экан, уларнинг моҳиятини, келтириб чиқарувчи

сабабларини, ҳаракатлантирувчи кучларини муайян далилларга асосланиб таҳлил қилиш муаммоси майдонга келади.

Инсон фаолияти ва хулқининг муайян қонуниятларга асосланган ҳолда амалга ошиши ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитларга боғлиқ. Табиий омилларни келтириб чиқарувчи объектив (ташқи) шарт-шароитлар, яъни микро ва макро муҳит, моддий борлиқ, ёрдамчи воситаларнинг мавжудлиги, уларнинг юксак талабларга жавоб бера олиш имконияти, ташқи қўғатувчиларнинг безарарлиги, вақт ва фазовий ўлчовларнинг мувофиқлиги, мутаносиблиги кабилардан таркиб топади.

Хулқ ва фаолиятнинг намоён бўлиши учун табиий шарт-шароитлар тизими яхлит ҳолда иштирок этиши, уларнинг муваффақиятини таъминловчи омиллар мажмуаси тариқасида хизмат қилиши мумкин. Табиий шарт-шароитлардаги тўқисликдан ташқари айрим етишмовчиликлар ва узилишларнинг содир бўлиши нуқсонларни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида руҳий кечинмалар фаоллиги, илдамлиги, мақсадга йўналганлиги бузилади.

Табиий шарт-шароитлар муҳит таъсирида руҳий оламида бир қатор кескин ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришлари вужудга келади, улар янгилианишларда, янги фазилатлар, хислатлар туғилишида намоён бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, табиий муҳитнинг таркибий бўлмиш географик муҳит бу борада муҳим роль ўйнайди, кўпинча у, биринчидан, биологик шартланган шахс сифатларига таъсир этиб, фенотипларни генотипларга айлантиради (худудий муҳит, рельеф, стихия кутилиши: зилзила, қор кўчкиси, довул, сув тошқини, оёқ етмас қорли тоғлар ва ҳоказо). Иккинчидан, онтогенезда шахс характерологик хусусиятларининг табиий равишда шаклланишига таъсир ўтказади, шунинг билан бирга микро муҳит билан генлар, ирсий белгилар, аломатлар ўртасида уйғунликни таъминлаб турувчи механизм вазифасини бажаради.

Объектив (табиий) шарт-шароитлардан ташқари, инсон омили билан узвий боғлиқлиги субъектив (шахсга оид, унинг қиёфасига боғлиқ) шарт-шароитлар муомаланинг, фаолиятнинг, хулқнинг ижтимоий турмушда самарали амалга ошишини узлуксиз равишда таъминлаб туради. Субъектив шарт-шароитларнинг каторига шахснинг барқарорлиги, характернинг мустаҳкамлиги, эҳтиёж, мотив, маслак, салоҳиятнинг пухталиги, ўзини ўзи бошқариш услубининг қатъий равишда шаклланганлиги, биологик шартланган хислатлар эса ўзаро уйғунлашганлиги кабилар киради.

Одатда объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлардаги ўзгаришлар туфайли ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) хусусиятли психологик ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар, кечинмалар устуворлиги юзага келиб, моддий асос функциясини бажарувчи олий нерв фаолиятини, марказий нерв тизимининг ритмикасини, ишчанлик қобилятини пасайтиради. Бунинг оқибатида фаолият, хулқ ва муомала амалга ошишида одатий саъи-ҳаракатлар, операциялар, маромлар бузила бошлайди, фавқулодда асабийлик, руҳий нуқсонийлик, қонуниятдан четга оғишлик, нохуш кечинмалар ҳокимлиги етакчилик қилади. Худди шу сабабдан, фаолият, хулқ ва муомаланинг муваффақияти шубҳа остида қолиши мумкин, чунки маҳсулдорлик, со-

битқадамлилиқ, мақсадга йўналганлиқ сифатларининг доминантлиги йўқолади, натижада ушалмаган эзгу ниятлар **армон** тариқасида юксак ҳис-туйғулар сафида даврий ҳукм суришда давом этаверади.

Инсоннинг табиатга ва жамиятга нисбатан муносабати тасодифларсиз, ғавқулоддаги вазиятларсиз амалга ошиши мумкин эмас, чунки эҳтимоллар даражасидаги кутилишнинг йўқлиги режасиз вазиятларни шахснинг идрок майдонида келтириб чиқаради. Ҳаёт ва фаолият стратегияси ва тактикасининг экстремал тарзда ўзгариши индивидуал ва ижтимоий хусусиятли вазиятларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Вазиятлар стихияли, хаотик (бетартиб, тасодиф) хатти-ҳаракатларни вужудга келтириб, текис, одатий, даврий, барқарор хусусиятлар ритмикасини издан чиқаради, натижада инсоннинг мотивацион, эмоционал, когнитив, регулятив, ҳулқий, иродавий тузилиши таркибларининг функцияси бузилади. Шахс тузилишига ғавқулоддаги вазиятларнинг ички ларзаси фаолият, ҳулқ ва муомаланинг онглилик ҳолатидан онгсизликка ўтишини тақозо этади, бинобарин, муваффақиятсизлик реалияга айланади.

Хўш, нима учун шахс тасодифларнинг олдини олишга тайёр эмас ёки кўпинча у бу борада кучсизлик, ожизлик қилади?

Ушбу муаммо ечимини жуда содда тарзда ҳал қилиш ҳам мумкин:

1) шахс онгли зот, яратувчилик қудратига эга бўлишидан қатъи назар - у табиатнинг таркибий қисми, инстинктлар, шартсиз рефлекслар таъсирига берилувчандир;

2) шахснинг тана аъзолари (организми) ғавқулоддаги ҳодисалар ва вазиятларга мослашган эмас (стихия, ҳалокат, тасодиф, стресс, аффект, хавф-хатар - риск);

3) шахс комиллик даражасига эришмаганлиги туфайли сабабий боғланиш оқибатларини, фобия билан боғлиқ ҳис-туйғуларни олдиндан сезиш, пайқаш, уларга нисбатан акс таъсир бериш имконияти йўқ;

4) шахсда иккинчи қиёфанинг шаклланмаганлиги (тест, тренинг, тренировка билан қуролланмаганлиги) унинг хавф-хатар қурбонига айлантириши шубҳасиз.

Жаҳон психологияси фанининг маълумотларига қараганда, муваффақиятсизликдан ҳеч ким ҳимояланган эмас, чунки ижтимоий иммунитет жуда кучсиз аксил таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Маълумки, жисмоний, ахлоқий ва ақлий баркамоллик туб маънодаги комил инсон тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради ва таркибларнинг тўла мутаносиблиги, уйғунлашганлиги, ўзаро тақозо этувчанлиги асосий мезон вазифасини бажаради. Комиллик даражаси субъектнинг маънавий дунёсига айланмас экан, у такдирда ҳеч ким тасодифлар, ғавқулоддаги вазиятлар шахс томонидан одатий ҳодиса сифатида осойишта қабул қилинмайди.

Муваффақият гарови (кафолати) функциясини бажарувчи омилларнинг генезиси тўғрисидаги фикр юритилганда, энг аввало, уларнинг бирламчилигини, асосий манба эканлигини назарда тутиш назарий ҳамда методологик муаммолар ечимини оқилона топишга пухта негиз ҳозирлайди, бошланғич ҳаракат нуқтасини белгилаб беришга хизмат қилади. Назарий

мулоҳазаларга биноан, фаолият, хулқ ва муомаланинг бир текис, самарали кечиши генетик нуқтаи назардан қуйидагиларга боғлиқ:

1. Объектив (табiiй) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлар мавжудлигига.

2. Объектив ва субъектив шарт-шароитлар ҳукм суришини ўзгартирувчи тасодифий ва фавқулоддаги вазиятлар таъсирчанлигига, устуворлигига.

3. Эмоция ва ҳиссиётнинг ижобий (позитив), салбий (негатив) хусусият касб этишига.

4. Инсоннинг шахслилик ва характерологик хусусиятларининг барқарорлигига (беқарорлигига).

5. Шахснинг комиллик даражасига эришганлигига ва ҳоказо.

Шахснинг ҳаёт ва фаолиятда муваффақиятга эришиш, мақсадга мувофиқ саъи-ҳаракатларни унга йўналтириш учун қуйидагиларга эътибор қилиш зарурарнинг заруратидир:

1) объектив ва субъектив шарт-шароитлар ўзгарса, уларга тузатишлар (коррекция) киритишга тайёргарликка;

2) фавқулоддаги вазиятларга кўникиш учун шахсга тренинг ёрдами билан таъсир ўтказишга, унда иккинчи қиёфани шакллантиришга;

3) организмнинг ҳар қандай стихияларга чидамлилигини орттиришга;

4) комилликка интилиш ҳис-туйғуларини такомиллаштиришга;

5) шахс имкониятларини рўёбга чиқишга кўмаклашишга (ўзини ўзи кашф қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўзига ўзи таскин бериш, ўзини ўзи қўлга олиш ва ҳоказо).

Инсон ҳаётини ва фаолиятини ўзгартирувчи асосий омиллар мавжуд бўлиб, улар муайян даражада шахснинг таъсирига берилувчандирлар.

## **7. Реориентация психологик муаммо сифатида**

Психология фанида касб танлашга йўллаш (профориентация) атамаси қадим замондан қўлланилиб келинади. Лекин ижтимоий ҳаётнинг кейинги даврларида бошқа бир атама фанимизга кириб келди, у реориентация (қайта йўллаш) деб аталиб, инсонни янги бир мослашмага (кўникмага), касбга йўналтиришни билдириб келади.

қайта касбга йўллаш (реориентация) ўта инсонпарварлик (гуманистик) ғояни касбини ўзгартирувчи ёки ишсиз қолган шахс руҳиятига сингдиришни англатади. Ишлаб чиқаришга автомат қурилмаларнинг (электрон мосламаларнинг, роботларнинг) кириб келиши иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Муассаса, ташкилот, корхона рентабеллигининг пасайиши ҳам ходимларга нисбатан эҳтиёжнинг камайишини келтириб чиқаради. Маълумки, бозор иқтисодиёти рақобатга асосланади, шунинг учун тестларга бардош берувчи, юқори малакали, маҳоратли, билимдон, комил инсонгина синовлардан муваффақиятли ўта олади, холос. Ўртамиёна даражадаги мутахассислар эса иш ўрнини йўқотиб, вақтинча ишсизлар рўйхатига киради.

Ишсизлик, иш ўрнини йўқотиш аёлларда ўкинчли (аянчли) ҳис-туйғулар қобиғига ўта мураккаб кечади, гўёки трагедия, ҳалокат, жудолик вужудга

келганда ҳам экстравертлик, ҳам интровертлик хусусиятлари уйғунлашгандай юз беради. Эркаklar эса бундай вазиятларга матонат билан, иложи борича ҳиссиётларга берилмасдан, ақл-заковат маромларига тортилганлик тўйғуси устуворлигида намоён бўлади. Эркаklarда ачиниш, хафахонлик кечинмалари тарзида ҳукм суриши, аста-секин унинг таъсир кучи пасайиши кузатилади. Бунда инсоннинг руҳий кечинмалари кескин ўзгаришининг асосий омиллари сифатида унинг иш даври ва ёши ижтимоий муаммо майдонига чиқади. Ёшнинг улғайиши янги муҳит, ўзгача шароит, нотаниш жамоа ва унинг нуфузи каби масалалар ечимига салбий муносабатни келтириб чиқаради. Мазкур объектга узоқ давр меҳнат фаолиятини бағишлаш ҳам фрустрация ҳолатини ҳаракатлантирувчи сафида асосий роль ўйнаши мумкин. Хуллас, ҳар иккала омил ҳам фрустрациянинг манбаи вазифасини ўтайди (бажаради), ноҳуш муваққат кечинмалар вужудга келиши, кечиши, ривожланиши жараёнларини узлуксиз равишда бажариб туради.

Ҳозирги замон меҳнат биржаларида реориентация (қайта касбга йўллаш) ишлари олиб борилиши марказлаштирилган. махсус ходимлар компьютер хотирасига жойлаштирилган шахар, туман бўйича ихтисослар бўйича ёки ихтисослараро мутахассислар рўйхати (зарурияти, эҳтиёжи, талаби) билан иш излаб келган муҳтож шахс таништирилади. Аксарият меҳнат биржаларида психологлар етишмаганлиги туфайли тасодифий ходим иш билан таъминлаш, бўш ўринларни тўлдириш билан шуғулланилади, холос. Аслида эса бу хизмат қатор омилларни текшириш, ўрганишни тақозо этади, илмий психологик қонуниятлар асосида иш юритишни талаб қилади, чунончи:

1. Шахснинг фазилатлари, характерологик хислатлари.
2. Ҳиссий жабҳалари ва иродавий сифатлари.
3. Инсоннинг когнитив ва регулятив имкониятлари.
4. Эҳтиёжи, мотиви, мотивацияси, мотивировкаси.
5. Касбий майли, қизиқиши, лаёқати.
6. Профессиограмма талабларига мослиги, касбий яроғлиги.
7. Иқтидори (истеъдоди), қобилияти, салоҳияти.
8. Касбий билимлари, кўникмалари, малакалари, маҳорати.
9. Умумий савияси, дунёқараши, маслаги (эътиқоди).
10. Саломатлиги, жинсий хусусиятлари, ёши.
11. Изланувчанлиги, ижодий имкониятлари, инновацияга нисбатан муносабати.
12. Ижтимоий етуклиги, ташкилотчилик қобилияти.
13. Экстравертлиги ва интровертлиги.
14. Юксак инсоний туйғуларга (ахлоқий, ақлий, нафосат, праксик) эғалиги.
15. Фидоийлик, альтруистик, ватанпарварлик фазилатлари устуворлиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган мезонлар бўйича текшириш ишлари бир неча методлар, методикалар орқали кўп серияли тажрибалар негизида амалга оширилади. Бунинг учун тестлардан қобилиятга, шахсга, ижодиётга, хотирага шахслараро муносабатга (оид), махсус ишлаб чиқилган материаллардан,



мақсадли вазиятлардан, қийинлаштирилган топшириқлардан, муаммолардан, психологик тренинглардан, психодрамалардан ва бошқалардан фойдаланилади.

Олинган натижалар сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилингандан кейин муайян хулосалар чиқарилади. Хулосалар асосида реориентация субъекти розилигида ишга муҳтож шахс таклиф қилинган касбга йўналтирилади. Иш жойнинг масофаси, унинг экологияси, сангигиенаси, маоши, истиқболи, муаммоли жиҳатлари юзасидан мукамал фикр алмашинилади, токи шартнома қонуний ҳужжат эканлиги (қийматига) зарар келтирмасин (баъзан келишувдан воз кечиш ҳолатлари ҳам юз бериб туради). Психологик кузатишларнинг кўрсатишига қараганда, реориентация (касб танлашга йўллаш) каби босқичлардан ташкил топган бўлиб, улар қисқа фурсатда (муддатда) ўтиши билан ўзаро муайян даражада тафовутланади. Жумладан, касбий маориф, касбга йўллаш, касбга саралаш, касбий мослашиш тезкорликда, мукамал, ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Айниқса, касбий мослашиш даври ўзига хос тарзда кечади, бир босқич иккинчиси билан силлиқ узвий боғланиб кетади. Касбнинг моддий (иқтисодий) томони, ижтимоий фаоллик (нуфузга эгалик), маънавий таъминланганлик (руҳий кўтаринкилик ҳиссиётининг устуворлиги) инсоннинг қайтатдан ижтимоий ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини яратади, унинг умрини узайтиради, руҳий имкониятлари, захиралари, потенцияси, резерви ишга тушишига пухта негиз ҳозирлайди.

Реориентация (қайта касбга йўллаш) гуманистик психология тамойилларини турмушга татбиқ этишга зарур шарт-шароитлар яратади. Инсон омилини кадрлашга, бутун имкониятларини рўёбга чиқаришга, эзгу ният, орзу ҳавас, истак-хоҳиш ушалишига негиз вужудга келтиради. Кўп профили касб-хунар эгалари сафини кенгайтиришга хизмат қилади, комилликка интилиш туйғусини жонлантиради, зарур билимлар, малакалар билан қуроллантиришга туртки беради.

Реориентация инсон имкониятини қайтатдан синашнинг манбаи ҳисобланиб, ўзини ўзи кашф қилиши, ўзини ўзи бошқариши, ўзини ўзи ташкиллаштириш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи рефлексиялаш, ўзини ўзи идентификациялаш каби шахс фазилатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

### **Семинар машғулотли учун мавзулар**

1. Фаолият тўғрисида умумий тушунча
2. Фаолиятнинг тузилиши тавсифи
3. Фаолиятнинг ўзига хослиги
4. Фаолиятни интериоризациялаш ва экстериоризациялаш
5. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш
6. Профессиограмма ва психограмма тўғрисида тушунча
7. Фаолият мотивациясининг моҳияти
8. Реориентациянинг психологик тавсифи

### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Фаолиятнинг психологик тавсифи.

2. Фаолият турлари тўғрисида тушунча.
3. Фаолият тузилиши бўйича психологик назариялар.
4. Фаолият мотивацияси талқини.
5. Профессиограмма, профессиография, психограмма юзасидан мулоҳазалар.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Валлон А. От действия к мўсли.-М.: 1956.
2. Левитов Н.Д. Психология труда.-М.: 1963.
3. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. –М. : “Политиздат”, 1975.
4. Эльконин Д.Б. Психология игрў. –М.: 1989.
5. ғозиев Э.ғ. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси.-Т.: “Университет”, 2003.
6. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ ШАХС**

### **V БОБ ШАХС ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

#### **1. Умумий тушунча**

Психология фанида инсон зотига хослик масаласи индивид (лотинча individ ажралмас, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳоллик) тушунчалари орқали акс эттирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эси-хуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ анъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан таниша боради. Ижтимоий қуршов (оила аъзолари, маҳалла аҳли, жамоатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий гуруҳ ичида (кишиларнинг оғушида, уларнинг қалб тўрисида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шакллантирувчи, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Жаҳон психологияси фанида онда-сонда учраб турадиган шахсни ижтимоий муҳитнинг сушт маҳсули деб тушунтириш ва унда фаолликни инкор этиш ўта баҳсли фикрдир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шахснинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни одамнинг ўзича амалга ошираётган фаолиятига ва унинг билан қандай мақсад кўзлаётганига нисбатан муносабатини акс эттирувчи руҳий дунёси орқали намоён бўлади. Одатда фаоллик шахсга хос хулқ-атвор, фаолият, муомала мотивларида, установкаларида, амалий кўникмаларида кўзга ташланади. Бошқача сўз билан айтганда, фаоллик шахснинг атроф-муҳитдаги воқеликни эгаллашга интилган саъи-ҳаракатларда вужудга келади. Шахснинг фаоллиги унинг ўз истикболи учун йўл-йўриқ танлашда, уни ўзлаштиришда, ҳаётда ўз мавқеи ва ўрнини топишда гавдаланади.

Бир хил турмуш шароитлари шахс фаоллигининг турли шакллари яратиш ҳамда ҳар хил ҳаётий вазиятни вужудга келтириш имкониятига эга. Ҳаётда бирон бир танбех беришнинг ўзи кимгадир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бирининг сиртига ҳам юқмаслиги учрайди. Шундай қилиб, одамга таъсир қилувчи барча ташқи қўзғатувчилар ижтимоий шарт-шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари (томонлари, жиҳатлари, жабҳалари, таркиблари)

тузилиши йиғиндиси билан бойитилиши эвазига шахс деган тушунча ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири - бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккаҳоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг кадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Одам жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча, уларда ҳар хил вазифаларни (функцияларни) бажаради, ўзаро ҳеч бир ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-онанинг, оиланинг “эгови”, инжиқ, “Зўравон” бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутати. Шунингдек, жиддий, талабчан ва хизмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган саёҳат даврида, меҳнат фаолиятида, ҳашар ва ҳамкорликда, улфатчиликда ҳазилкаш ва қизиқчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилган масалалардан битта одамнинг ўзи турли вазиятларда мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни (жабҳаларни) намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, спорт мусобақасида ва шу сингариларида ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоҳанг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, хислатларининг, сифатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, ундаги қарама-қаршилиқ, зиддият ва шаклланиб улгирмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблиги ҳисобланади.

Инсон жамиятнинг турли гуруҳларида одамларнинг ўз зиммасига олган вазифалари ва роллари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно, кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий ролларини, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивларини аниқлаш билан эмас, балки унинг ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали берилади. Ўзбекистонда инсон шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг асосида гуманистик, мустақил,

ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ва бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади.

Жаҳон психологияси фанининг илғор тараққийпарвар, гуманистик тадқиқотчиларининг тажрибасида кўрсатилишича, шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятлари (характер хислати, темперамент хусусиятлари, иродавий сифатлари, ақлий қобилиятлари, истеъдод даражалари, барқарор қизиқишлари, ҳукмрон мотивлари, ҳиссиёти ва шу кабиларнинг бирикмаси (мажмуаси) ҳар бир якқол, алоҳида одамда бетакрор, барқарор, турғун бирликни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида шахсни психологик тузилишининг нисбийлиги, қатъийлиги, стереотиплиги тўғрисидаги фикрни қатъий тасдиқлашга имкон яратади.

Психик ҳолатлар, ҳодисалар (ҳиссиёт, хоҳиш, орзу, тафаккур ва шу кабилар) узлуксиз равишда ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳларда, ҳаётӣй вазиятларда одам ўз зиммасига олган ролларига алоқадор ҳулқ-атворнинг ўзгариши, ёшни улғайиб бориши ҳам шахснинг психологик қиёфаси (миллийлик, этник таъсир асосида) муайян даражада барқарорликни сақлайди. Мазкур нисбий барқарорлик одам қатнашадиган унинг яшаш шароитлари, жисмоний хусусиятларининг қиёфаси билан уйғунликда шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг доимийлиги билан узвий боғлиқдир. Бироқ биз қайд қилиб ўтган доимийлик нисбий хусусиятга эгадир. Чунки шахсни психик тузилишининг ўзгариши жаҳон психологларининг бир қатор тадқиқотларида ўрганилган. Бу ўзгаришлар одамнинг яшаш муҳити, амалга оширадиган фаолиятида намоён бўлувчи ҳисобланиб, улар ижтимоий таъсир, тарбия шароитига бевосита алоқадордир.

Демак, шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан, таркиб топувчи мураккаб бирликдан иборатдир. Одатда шахсни психологик жиҳатдан ўрганиш ўз таркибига икки асосий илмий муаммони қамраб олади.

## **2. “Эндопсихика» ва «Экзопсихика» ҳақида тушунча**

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий муаммолардан биринчиси бир шахсни бошқа одамлардан ажратиб турадиган индивидуал тузилишига эга эканлигидир. Ушбу якқол психологик муаммони ҳал қилиш шахснинг мазкур тузилишининг ички шароитларида ифодаланувчи ҳулқ-атвори олдиндан башорат қилиш имкониятини яратади. Мазкур масаланинг қўйилиши даставвал таълим ва тарбия эҳтиёжларидан, ташкилотчиликка оид фаолият соҳалари ва бошқа эҳтиёжлар замиридан келиб чиқади. Лекин бу масалани илмий асосда ҳал қилиш бошқа муаммони, яъни шахсни тоифаларга ажратиш (типология), унинг энг муҳим, мукамал тузилишини аниқлаш билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, шахс типологияси, шахсни типологик таҳлил қилишнинг энг нозик, ибратли жиҳатларини чеклаб ўтиш, у ҳақида етарли даражада тўла тасаввурга эга бўлишни хоҳласак, унинг энг умумий тасвирини умумлашган тарзда таъкидлаб ўтиш лозим.

Шахс тузилиши билан боғлиқ бўлган иккинчи масала эса бундай тузилишнинг бир қанча таркибий қисмларга ажратишни тақозо этади,

бинобарин, ушбу бўлакларнинг йиғиндиси яхлит инсон шахсини вужудга келтиради. Жаҳон психологияси фанида психологлар шахсни психологик тузилишининг таркибий қисмларини турли моҳиятига асосланиб туркумларга ажратишни (классификациялашни) тавсия этмоқдалар.

Ҳозирги замон жаҳон психологиясида биологик (табiiй) ва ижтимоий (социал) омил (фактор) нинг, воқеликнинг таъсири остида шаклланган инсон шахсида иккита муҳим қисм бўлганлигини тасдиқловчи назария юксак мавқени эгаллаб турибди. Мазкур назарияга биноан “ички психик” (“эндопсихик” - юнонча “эндо” ички деган маънони билдиради) қисмларга ажратилади, деган ғояни илгари сурилади. Ушбу талқинга кўра “эндопсихика” шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик элементлар ва функцияларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилади. Унинг негизида инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан “эндопсихик” айнан бир нарса деган тушунчани тасдиқлаш ётади, гўёки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради. Психик тузилишнинг “экзопсихик” қисми бўлса шахснинг ташқи муҳитига нисбатан муносабатини, шахсга қарама-қарши бўлган барча жиҳатларини, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. “Эндопсихика” ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёрсиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларни акс эттиради. “Экзопсихика” эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслағи, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларни, тажрибаларни ва шу сингариларни қамраб олади. Табiiй омилга (асосга) эга бўлган “эндопсихика” биологик шарт-шароитларга боғлиқдир, аксинча, “экзопсихика” ижтимоий воқеликлар таъсири остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боради.

Шахснинг таркиб топиши бир қатор омилларга боғлиқ деган назариянинг намояндалари бўлмиш ҳозирги замон узоқ чет эл (АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швеция ва бошқалар) психологлари оқибат натижасида шахснинг тузилишини ўша иккита асосий омилларга, яъни биологик ва ижтимоий (социал) воқеликларнинг таъсирига боғлиқ бўлган тузилишининг мавжудлигидан манфаатдордирлар. Объект-субъект муносабатини белгилайди. “Эндопсихика” ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёрсиз (идеомотор) ҳаракатларини ва шу каби фазилатларини акс эттиради. “Экзопсихика” эса ўз таркибига хос муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, установкалари, маслағи, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгалланган билимларни қамрайди.

Психология фанида кескин қайта куриш жадал суръатлар билан давом этаётган бир даврда юқорида таҳлил қилинган кўш (икки) омиллик концепциясига қандай муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқ?

Жумладан, диалектик материализм дарғаларининг ибораси билан айтганда, инсон шахсининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат, бу ифодага ўта кескин эътироз билдиришга ҳожат йўқ. Чунки шахс ижтимоий мавжудод бўлганлиги (микромуҳит маҳсули эканлиги

тан олинмаса-да) учун унда табиий-биологик тузилиш аломатлари сақланиб қолиши табиий ҳолдир. Масалан, шахс тузилишида биологик ва ижтимоий (социал) омилларни бирламчи деб эътироф қилиш муаммонинг бир томони (уларни ҳисобга олиш, албатта зарур), лекин иккинчи томони уларнинг ўзаро муносабатларини қай тарзда тушунишда ўз ифодасини топади. Кўпгина психологларнинг фикрича, бизнинг нуқтаи назаримизча, қўш омиллик назариянинг баҳсли жабҳаси шундан иборатки, бу назария ижтимоий омил билан биологик воқеликни, муҳит билан биологик тузилишни, “экзопсихика” билан “эндопсихика” ни механик равишда бир-бирига қарама-қарши қўяди, ўзаро таъсир этиш муаммосига лоқайдлик билан муносабатда бўлади. Мазкур концепция вакиллари шахснинг шаклланиши ва унинг тузилишига таъсир қилувчи табиий ва ижтимоий омиллар ички имкониятлари мавжуд эканлигини ҳисобга олмайдилар.

Таъкидлаб ўтилган фикрларни тасдиқлаш мақсадида улар ўтказган тажрибаларига мурожаат қиламиз. қўш омиллик назария тадқиқотчилари тажрибаларида 80-130 см баландликдаги одамларнинг шахс хислатларини таркиб топтириш ўрганилган. Бунинг натижасида улар шахснинг тузилишида кўп хислатлари ўхшашлиги топилган. Бундай одамларнинг бўйи паст (пакана) бўлишларидан ташқари, уларнинг тузилишида ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқ эканлиги аниқланган. Бундай тоифага кирувчи кишиларда болаларга хос кулгини, ҳеч бир танқидсиз оптимизмни, ўта соддаликни, муайян даражада ҳиссий (эмоционал) зўриқишни талаб қиладиган вазиятга нисбатан чидамлилиқни, уят ҳиссининг камроқ эканлигини учратиш мумкиндир. Шахснинг хислатларига на “эндопсихика”, на “экзопсихика” қисмларини киритиш мумкин эмас. Чунки шахснинг сифатлари митти одамларнинг психик хусусиятларининг маҳсули бўлиб, улар бўйига нисбатан ўз тенгқурлари ўртасидаги фарқ аниқланган даврдан эътиборан шундай бир ижтимоий вазиятда пайдо бўлиши, таркиб топишининг такомиллашиши табиийдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, теварак-атрофдагиларнинг митти одамларга бўйдор кишиларга қараганда бошқага муносабати, уларнинг писанд қилмаслиги, камситилиши, улар ҳам барча каби нарсаларни ҳис қилиш, орзу қилиш, ажабланиш, ҳайрон қолиш сабабли уларда шахснинг ўзига хос тузилиши вужудга келади. Бундай яққол воқелик уларнинг руҳий эзилишини, баъзан бошқаларга, ҳатто ўзларига нисбатан тажавузкорона йўл тутишларини ниқоблайди, холос. Мабодо биз митти одамлар (лилипутлар) ўзлари билан бап-баровар бўйли кишилар муҳитида яшайди деб тасаввур қилсак, у ҳолда уларда ҳам теварак-атрофдаги бошқа одамлардаги каби мутлақо бошқача шахсий фазилатлар, хусусиятлар, хислатлар, сифатлар мужассамлашиши мумкин бўлар эди.

Тараққийпарвар (гуманистик) психология фанида таъкидланганидек, шахс тузилишидаги табиий, органик жиҳатлар ва ҳолатлар унинг ижтимоий шарт-шароитларига боғлиқ таркибий қисмларидир. Шахс тузилишидаги табиий (анатомик-физиологик ва бошқа сифатлар) ва ижтимоий омиллар яхлит бирликни ташкил қиладиган ва улар ҳеч маҳал ихтиёрсиз равишда бир-бирига қарама-қарши қўйилишига йўл қўймаслик керак.

Шундай қилиб, илмий психология (материалистик деб аташдан сақланиш мақсадида) фанида барча категорияларга умумбашарий, умуминсоний тамойил нуқтаи назардан ёндашиш шахс тузилишида табиий (биологик) ва ижтимоий (социал) омиллар ролини тан олади, инсон шахсидаги биологик ва ижтимоий воқеликларни атиги шуларнинг негизида қарама-қарши қўйишга танқидий муносабатда бўлади.

Шахс муаммосини диалектик материализм позициясида туриб ҳимоя қилувчи собиқ совет психологияси ва бошқа тараққийпарвар йўналиш вакиллари шахснинг фаоллиги теварак-атрофдаги олам билан бўладиган ўзаро муносабат жараёнида фаолият вужудга келиши мумкин деган таълимотга асосланади. Шахсни фаоллигининг манбаи унинг эҳтиёжлари ҳисобланиб, худди шу эҳтиёжлар одамни муайян тарзда ва маълум йўналишга ҳаракат қилишга ундайди. Худди шу боисдан эҳтиёж шахс фаоллигининг манбаи сифатида юзага келади ва унинг яққол турмуш шароитига боғлиқлигини акс эттирувчи ҳолатдир.

Эҳтиёжларда шахснинг яққол ижтимоий турмуш шароитларига боғлиқлиги мотивлар тизими (мотивация) сифатида ўзининг фаол жабҳалари билан ифодаланади. Мотивлар маълум эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолиятга нисбатан моликликдир, деган таърифланишга мутлақо мосдир. Психология фанида қизиқишлар деганда, одамларнинг билиш жараёнига йўналтирилган эҳтиёжларнинг ҳиссий акс этишидир. Билиш эҳтиёжларини шахс томонидан қондирилиши унинг билимларидаги узилишларини тўлдиришга, таълим вазиятларига тўғри мослашишга ҳамда уларни тушинишга зарур имкониятлар яратади ва ёрдам беради.

Эътиқод одамнинг шахсий қарашлари, хулқ-атвор тамойиллари, илмий дунёқарашларига асосланиб ҳаракат қилишга ундовчи англашилган эҳтиёжлар мажмуидир. Эътиқод шаклида юзага келадиган эҳтиёжларнинг мазмунини одамни қуршаб турган табиат ва у яшайдиган жамият ҳақидаги билимлар ҳамда уларни муайян даражада шахс томонидан англаш ҳосил бўлади ва аста-секин турли ташқи таъсирлар ёрдамида такомиллашиб боради.

Инсонда вужудга келадиган тилаклар саъи-ҳаракатлар мотивлари ҳисобланиб, бу мотивларда айнан шу вазиятда бевосита яққол намоён бўлмаган турмуш ва ривожланиш шароитларида эҳтиёжлар ифодаланади.

Шахснинг психик тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучлари инсоннинг ҳаёти-фаолияти давомида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар бўлиб ҳисобланади. Булар тўғрисида жаҳондаги илмий психологик адабиётларда бир қатор қимматли ва бой материаллар мавжуддир.

Одатда шахсни ривожлантириш, шакллантириш, таркиб топтириш, камолотга етказиш мавжуд қарама-қаршиликларни, зиддиятли вазиятларни енгиш, иродавий зўр бериш, зўриқиш, танглик, жиддийлик ҳолатларини бошқариш, ўзини қўлга олиш орқали ушбу фаолиятни амалга оширишнинг оқилона, омилкор воситаларини (йўллари, усуллари, операциялари, кўникмалари, укувлари, малакалари, одатлари, ҳаракатлари, саъи-ҳаракатлари кабиларни) ўзлаштириш, эгаллаш натижасида вужудга келади. Буларнинг



барчаси имитация (тақлид), идентификация, рефлексия, стереотипизация, таълим, ўқитиш, ўқиш, ўрганиш, ўргатиш, сабоқ олиш, ўзлаштириш, мустақил билим олиш жараёнида юзага келтирилади. Мазкур ҳолатда аниқ фаолият орқали эҳтиёжни қондириш қонуний равишда янада юксакроқ, юқори босқичдаги янги хусусиятга эга бўлган эҳтиёжни туғдиради.

Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг туғилиши, тараққиёти, уларни саралаш ва шакллантириш ҳамда мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият кишисига хос бўлган миллий, ҳудудий маънавият, руҳият ва қадриятларнинг қонуниятларига, хоссаларига, механизмларига асосланган шарқона, ўзбекона юксак ахлоқий ҳисларга эга инсонларни вояга етказиш республикамиз психолог олимларининг олдида турган асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун психологлар кўп тажрибаларда синалган (ишончли, валидли, репрезентатив) тестлар, методлар (инновацион хусусиятли), методикалар (уларнинг инвариантлари, вариациялари, модификациялари), муайян касбий малакалар, услубий қуроллар (кўрсатмалар, тавсиялар, ишламалар, модуль ва рейтинг тизимлари), замонавий техник воситалар билан тўла-тўқис қуролланишлари, назарий ва амалий билимларни эгаллашлари, олинган натижаларни кўп қиррали (сифат, миқдор, корреляцион, дисперсион, фактор ва ҳоказо) таҳлил қила билишлари, чуқур талқин қила олишлари мутлақо зарурдир. Чунки буларсиз шахсни комил инсон сифатида шакллантириш, камол топтириш мумкин эмас, бинобарин, иккиёқлама ўзаро таъсир бундай имконият яратишга қодир.

### **3. Чет эл психологиясида шахс назариялари**

Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позицияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашишга эгадирлар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, бихевиористик кабиларни киритиш мумкин. қуйида санаб ўтилган назариялар ва уларнинг айрим намояндалари томонидан шахсни ривожлантиришнинг принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Биогенетик назариянинг негизида инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиёти ихтиёрий хусусият касб этиб, улар билан ўзаро шунчаки алоқа тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош мақсади - биологик детерминантларига (аниқловчиларига) қаратилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар келтирилиб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи, даставвал биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шарҳланади ва талқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилишган. Биогенетик қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқот қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ органнинг индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда кўпол хатоларга йўл қўйган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенез) бутун

инсоният тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чақалоқ (янги туғилган бола) ҳали у одам эмас, балки фақат сут эмизувчи ҳайвондир, у олти ойликдан ошгач, психик тараққиёти жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, беш ёшларда ибтидоий пода ҳолатидаги одамлар даражасига етади, мактаб давридан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида ўрта аср кишилар онгига ва ниҳоят етукли даврдагина (16-18 ёшларда) у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш америкалик психолог С.Холл психологик тараққиётнинг бош қонуни деб “рекапитуляция қонуни” ни (филогенезни қисқача такрорлашни) ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинига биноан, ғўдаклик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайтаришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадимги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш оралиғида ўсиш даври ўсмирлик ёшидан иборат бўлиб, ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чўққисига ҳамоҳангдир. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан (12-13) бошланиб то етуклик даври кириб келгунга қадар (22-25 ёшгача) давом этиб, у романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқинига қараганда, бу даврлар “бўрон ва тазйиқлар”, ички ва ташқи низолар (конфликт) дан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда “индивидуаллик туйғу” си вужудга келади. Шахсни ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтади, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогенетик концепциянинг бошқа бир тури немис “конституцион психологияси” (инсоннинг тана тузилишига асослаган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э.Кречмер шахс (психологияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, деб тахмин қилади. Э.Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва унинг бир бошқа циклоид тоифасига хос (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учиде эса шизоид тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар туришини айтади. Бу тахминини у шахс ривожланиши даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирларда циклоид хусусиятлари, (ўта қўзғалувчанлик, тажовузкорлик, аффектив табиатлилик, илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари бўлади, дея хулоса чиқаради. Лекин инсонда биологик шартланган сифатлар ҳамиша етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чунки шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари америкалик психологлар А.Гезелл ва С.Холл тараққиётнинг биологик моделига чамалаб иш кўрадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгилашиш цикллари ўзаро ўрин алмашилиб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса биринчи навбатда, у жинсий (сексуал) майлига (либидога) боғлиқдир. Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди.

Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши - бу аксил қутбга жойлашган социогенетик назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

ғарбий Европанинг энг муҳим нуфузли назарияларидан бири - бу роллар назариясидир. Ушбу назариянинг моҳиятига биноан жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган хатти-ҳаракат (хулқ) нинг барқарор усуллари мажмуасини таклиф қилади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг хулқ-атвор хусусиятида, ўзгалар билан муносабат, мулоқот ўрнатишида сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна биттаси - бу индивидуал тажриба ва билимларни эгаллаш (мустақил ўзлаштириш) назариясидир. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси кўзғатувчини узликсиз равишда мустаҳкамланиб боришнинг маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва ҳоказо).

К.Левин томонидан тавсия қилинган “фазовий зарурат майдони” назарияси психология фани учун (ўз даврида) муҳим аҳамият касб этади. К.Левиннинг назариясига кўра индивиднинг хулқи (хатти-ҳаракати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният) лар билан бошқарилиб турилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади.

Юқорида таҳлил қилинган (шарҳланган) ҳар бир назария шахснинг ижтимоий хулқи (хатти-ҳаракати) ни ўзгалар учун ёпиқ ёки маҳдуд муҳит хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бу ўринда одам хоҳлайдими ёки йўқми бундан қатъи назар мазкур шароитга мослашмоғи (кўникмоғи) зарур, деган ақидага амал қилинади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазиятлари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаганга ўхшайди.

Психологияда психогенетик ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик, социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараққиётининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашишнинг учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психиканинг иррационал (аклий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намояндаларидан бири - бу америкалик психолог Э.Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эгадир.

Биринчи давр - гўдаклик. Ушбу даврда гўдакда онгсизликка асосланган ташқи дунёга нисбатан “ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабабчиси ота--онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигининг нишонасидир. Агарда гўдакда ишонч негизи пайдо бўлмаса, балки борлиққа нисбатан ишончсизлик ҳисси туғилса, у тақдирда вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик шаклида акс этувчи хавф вужудга келиши, эҳтимол.

Иккинчи даврда, яъни илк болаликда жонзодда ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг қарама-қаршиси бўлмиш уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши, ўз танасини бошқаришга кенг имконият яратиб, бўлғусида шахс хусусиятларига айланувчи тартиб ва интизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғуларини таркиб топтиришга пухта замин ҳозирлайди.

Учинчи давр - ўйин ёши деб аталиб 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни ўзига қамраб олади. Мазкур даврда ташаббус туйғуси, қайсидир ишни амалга ошириш ва бажариш майлини таркиб топтиради. Мабодо унда хоҳиш-истакни рўёбга чиқаришнинг йўли тўсиб қўйилса, ушбу ҳолатда бола ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур ёш даврида давра, яъни гуруҳий ўйин, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, натижада боланинг турли роллар синаб кўришига, ҳаёлотли ўсишига имкон яратилади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр - мактаб ёши деб номланиб, ундаги асосий ўзгаришлар кўзлаган мақсадга эришиш қобилияти, уддабуронлик ва маҳсулдорликка интилиш туйғуси билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим қадрияти - омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Ушбу ёш даврining салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам кўзга ташланади ва уларнинг қаторига ижобий хислатлари етарли даражада бўлмаганлиги, онги ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ечишда ақл-заковатнинг етишмаслиги, билимларни ўзлаштиришда қолоқлиги (суствлиги) ва ҳоказо. Худди шу даврда шахсда меҳнатга нисбатан индивидуал муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр - ўспиринлик - ўзининг бетакрор хислати, индивидуаллиги ва бошқа одамлар билан кескин тафовутланиши билан тавсифланади. Шунингдек, ўсмирлик шахс сифатида ноаниқлик, муайян ролни уддаламаслик, қатъиятсизлик сингари нуқсонларга (иллатларга) эгадир. Мазкур даврнинг энг

муҳим хусусияти “ролни кечиктириш”нинг ўзгариши ҳисобланиб, бирмунча тараққиёт босқичига кўтарилишининг дақиқасидир. Унда ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларининг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имконияти мавжуд бўлмайди, ваҳоланки бу кезде ўспирин ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўз-ўзини англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнлар ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини шарҳлайди.

Олтинчи давр - ёшлик бошқа одамга (жинсга) нисбатан психологик интим яқинлашув қобилияти (уқуви) ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Айниқса, жинсий майл бу соҳада алоҳида ўрин тутаяди. Бундан ташқари, ёшлик танҳолик ва одамовилик каби беҳосият хусусиятлари билан тафовутланади.

Етинчи давр - етуклик даври деб аталиб, ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатга, ижодиётга, ғамхўрликда, пушт қолдиришда, тажриба узатишда ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси унга узлуксиз равишда ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси нуқсон (иллат) сифатида ҳукм суриши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Саккизинчи давр, яъни қарилик инсон тариқасида ўз бурчини уддалай олганлиги, турмушнинг кенг қамровлиги, ундан қаноатланганлиги (қониққанлиги) туйғулари билан тавсифланади. Салбий хусусият сифатида ушбу ёшда ҳаётдан, фаолиятдан ноумидлилиқ, улардан кўнгил совиш ҳис-туйғуларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлишлиқ бу ёшдаги одамларнинг энг муҳим жиҳати, саховати ҳисобланади, бинобарин, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатга нисбатан шахсият ва умумият нуқтаи назардан қараш уларнинг олий Ҳиммати саналади.

Э.Шпрангер “Ўспиринлик даври психологияси” деган асарида қизларнинг 13 ёшдан 19 ёшгача, йигитларнинг эса 14 ёшдан 22 ёшгача киритишни тавсия қилади. Ушбу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар Э.Шпрангер бўйича:

- а) шахсий “Мен” ни кашф қилиш,
  - б) рефлексиянинг ўсиши,
  - в) ўзининг индивидуаллигини англаш (тушуниш) ва шахсий хусусиятларини эътироф қилиш,
  - г) ҳаётий эзгу режаларининг пайдо бўлиши,
  - д) ўз шахсий турмушини англаган ҳолда қуриш установаки ва ҳоказо.
- Унинг фикрича, 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқирознинг моҳияти уларга катталарнинг болаларча муносабатидан қутулиш туйғусини туғилишидан иборатдир. 17-21 ёшларнинг яна бир хусусияти - ўзининг тенгқурлари ва жамоатчилик қуршовидан “узилиш инқироzi” ва танҳолик туйғусининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолатни тарихий шартланганлик шарт-шароитлар ва омиллар вужудга келтиради.

Э.Шпрангер, К.Бюлер, А.Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намояндалари бўлиб ҳисобланадилар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаже интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллектнинг давлари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш) дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф шахсда интеллект ривожланишининг қуйидаги босқичларга ажратади:

- 1) сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача),
- 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан то 7 ёшгача),
- 3) конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача),
- 4) формал (расмий) операциялар даври.

Ж.Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруҳини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари қаторига Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқалар киради.

Француз психологи А.Валлон нуқтаи назарича, шахснинг ривожланиши қуйидаги босқичларга ажратилади:

- 1) ҳомиланинг она қорнидаги даври,
- 2) импульсив ҳаракат даври - туғилгандан то 6 ойликгача,
- 3) эмоционал (ҳис-туйғу) даври - 6 ойликдан то 1 ёшгача,
- 4) сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври - 1 ёшдан то 3 ёшгача,
- 5) персонализм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан то 5 ёшгача,
- 6) фарқлаш даври - 6 ёшдан то 11 ёшгача,
- 7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 18 ёшгача.

Яна бир франциялик йирик психолог Заззо ўз ватанидаги таълим ва тарбия тизимининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб ва уни ўзига хос талқин қилиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

1. Биринчи босқич - боланинг туғилганидан 3 ёшигача.
2. Иккинчи босқич - 3 ёшидан 6 ёшигача.
3. Учинчи босқич - 6 ёшидан 9 ёшигача.
4. Тўртинчи босқич - 9 ёшидан 12 ёшигача.
5. Бешинчи босқич - 12 ёшидан то 15 ёшигача.
6. Олтинчи босқич - 15 ёшидан 18 ёшигача.

Схемадан кўриниб турибдики, Р.Заззо шахс ривожланишининг босқичларига индивидуаллик сифатида таркиб топиш, такомиллашиш назариясидан келиб чиқиб ёндашгани шахс шаклланиши палласининг юқори нуқтаси, яъни ижтимоийлашуви билан чекланишга олиб келган. Шунинг учун унинг таълимоти инсоннинг онтогенезда такомиллашуви, ўзгариши, ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г.Гримм шахс ривожланиши қуйидаги босқичлардан иборат эканлигини тавсия қилади:

- 1) чақалоқлик - туғилганидан то 10 кунгача,
- 2) гўдақлик - 10 кунликдан то 1 ёшигача,
- 3) илк болалик - 1 ёшдан то 2 ёшигача,
- 4) биринчи болалик даври - 3 ёшдан то 7 ёшигача,
- 5) иккинчи болалик даври - 8 ёшдан то 12 ёшигача,
- 6) ўсмирлик даври 13 ёшдан то 16 ёшигача ўғил болалар, 12 ёшдан 15 ёшигача қизлар,
- 7) ўспиринлик даври - 17 ёшдан то 21 ёшгача йигитлар, 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар (бокиралар),
- 8) етуклик даври: биринчи босқич - 22 ёшдан 35 ёшгача эркаклар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар, иккинчи босқич - 36 ёшдан 60 ёшгача эркаклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар,
- 9) кексайиш (ёши қайтган давр) - 61 ёшдан то 75 ёшгача эркаклар, 55 ёшдан то 75 ёшгача аёллар,

10) қарилик даври - 76 ёшдан то 90 ёшигача (жинсий тафовут йўқ),

11) узоқ умр кўрувчилар 91 ёшдан бошлаб то чексизликкача.

Дж.Биррон шахс ривожланишини қуйидагича тасаввур этади:

- 1) гўдақлик - туғилгандан то 2 ёшгача,
- 2) мактаболди давр - 2 ёшдан то 5 ёшгача,
- 3) болалик даври - 5 ёшдан то 12 ёшгача,
- 4) ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 17 ёшгача,
- 5) илк етуклик даври - 17 ёшдан то 20 ёшгача,
- 6) етуклик даври - 20 ёшдан то 50 ёшгача,
- 7) етуклик даврининг охири - 50 ёшдан то 75 ёшгача,
- 8) қарилик даври 76 ёшдан бошлаб.

Д.Бромлейнинг таснифи бошқаларникига мутлақо ўхшамайди, чунки унда шахснинг ривожланиши муайян даврларга ва босқичларга ажратилган: биринчи давр - она қорнидаги муддатни ўз ичига қамраб олади (зигота-эмбрион-ҳомила-туғилиш), иккинчи давр (болалик): а) гўдақлик - туғилгандан то 18 ойликгача, б) мактабгача босқичдан олдинги - 19 ойликдан то 5 ёшгача, в) мактаб болалик - 5 ёшдан 11-13 ёшгача, учинчи давр (ўспиринлик) - 1) илк ўспиринлик - 11 ёшдан то 15 ёшгача, 2) ўспиринлик - 15 ёшдан то 21 ёшгача, тўртинчи давр (етуклик) - 1) илк етуклик даври - 21 ёшдан то 25 ёшгача, 2) ўрта етуклик даври - 25 ёшдан то 40 ёшгача, 3) етукликнинг сўнгги босқичи - 40 ёшдан то 55 ёшгача, бешинчи давр (қарилик) - 1) истефо босқичи - 55 ёшдан то 65 ёшгача, 2) қарилик босқичи - 65 ёшдан то 75 ёшгача, 3) энг кексалик даври - 76 ёшдан то чексизликгача.

Шундай қилиб, биз чет эл психологиясида шахс ривожланишининг йўналишлари ва назарияларини қисқача шарҳлаб ўтдик. қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари орасида бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган. Бунинг бош сабаби шахснинг тузилиши, уни шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирларнинг роли, микро ва макромухитнинг таъсири,

ривожланишнинг таянч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқ методологияга ва илмий платформага асосланмаганликдир.

#### **4. Собик Совет психологиясида шахс ривожланиши назариялари шарҳлари**

Собик Совет психологиясида шахснинг ривожланиши муаммоси Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик ушбу масала билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди. Худди шу боисдан шахснинг тузилиши, илмий манбаи, ривожланишнинг ўзига хослиги бўйича ёндашувда, муайян даражада тафовутга эга. Ҳозирги даврда шахснинг ривожланиши юзасидан мулоҳаза юритилганда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳга ажратиш ва ундан сўнг уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, онтогенезда шахс тараққиётини бир неча босқичларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида илмий психологик таъриф бериш нуқтаи назаридан ёндашиш қуйидаги назария ва йўналишларни ташкил қилади. Жумладан, ривожланишдаги инқирозга биноан (Л.С.Виготский), мотивацион ёндашиш (Л.И.Божович), фаолиятга кўра муносабат (Д.Б.Эльконин), шахснинг ижтимоийлашуви хусусиятига эътиборан (А.В.Петровский), шахсни тутган позициясини ҳисобга олиб (Д.И.Фельдштейн) ва ҳоказо.

Л.С.Виготский жаҳон психологларининг шахсни тузилиши ва ривожланишига оид назарияларини танқидий таҳлил қилиб, камолотни вужудга келтирувчи руҳий янгиланишлардан келиб чиққан ҳолда жараёни қуйидаги босқичларга ажратади.

1. Чақалоқлик даври инқироzi (кризиси).
2. Ёўдақлик даври - 2 ойдан 1 ёшгача. Бир яшарлик инқироз.
3. Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача. 3 яшарлик инқироз.
4. Мактабгача ёшдаги давр - 3 ёшдан 7 ёшгача. ? яшарлик инқироз.
5. Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача. 13 яшарлик инқироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача. 17 яшарлик инқироз.

Л.С.Виготский ўз асарларида ривожланишнинг ҳар бир даврининг ўзига хос хусусиятларига чуқур илмий таъриф бера олган. Тадқиқотчи шахснинг ривожланишида энг муҳим руҳий янгиланишлар юзасидан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этувчи мулоҳазалар билдирган. Бироқ унинг фикрлари ичида ўта мунозарали, баҳсбоб ўринлар талайгина. Ҳозирги замон психологияси фанида Л.С.Виготскийнинг шахснинг ривожланиши назарияси илмий, тарихий, ижтимоий аҳамият касб этади, тараққиётни келтириб чиқарувчи инқирозларнинг роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олға сурган ғоялари шу куннинг талаби билан ҳамоҳангдир.

Собик Совет психологиясининг йирик намояндаси, Л.С.Виготскийнинг шогирди Л.И.Божович шахс шаклланишини муайян даврларга бўлишда мотивларга асосланади, шунинг учун бу ёндашувни мотивацион деб юритиш мумкин. Л.И.Божович мулоҳазасига биноан, шахснинг шаклланиши ушбу



даражалардан иборат: биринчи босқич - чакалоқлик - туғилгандан то 1 ёшгача, иккинчи босқич - мотивацион тасаввур - 1 ёшдан 3 ёшгача, учинчи босқич - “Мен” ни англаш даври - 3 ёшдан 7 ёшгача, тўртинчи босқич - ижтимоий жонзод эканлигини англаш даври - 7 ёшдан 11 ёшгача, бешинчи босқич: а) ўз-ўзини англаш даври - 12 ёшдан 14 ёшгача, б) ўз ўрнини белгилаб олиш (топиш) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л.И.Божович шахс шаклланишининг ҳар бир босқичини психологик тавсифини бериб, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, манбалар, турткилар, механизмлар негизини очиб беришга ҳаракат қилган. Олима фикрининг йўналиши шахс психологияси билан узвий боғлиқ бўлиб мотивацион ёндашувга бевосита таҳлил ва шарҳ бўйсундирилган.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши классификацияси етакчи фаолият назариясига (А.Н.Леонтьев таълимотига) асосланиб, ҳар бир тараққиёт палласида у ёки бу кўринишдаги фаолият устунлик қилиш эҳтимолига суянади. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши жараёнидаги етакчи фаолият роли ушбу назариянинг асосини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин шахс шаклланишининг қуйидаги босқичларга ажратади:

1) гўдақлик даври - туғилгандан то 1 ёшгача; асосий фаолият - бевосита эмоционал мулоқот,

2) илк болалик даври - 1 ёшдан то 3 ёшгача; асосий фаолият - предмет билан манипуляция (нозик ҳаракат) қилиш,

3) мактабгача даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача; асосий фаолият - ролли ўйинлар, асосий фаолият - ўқиш,

5) кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан то 15 ёшгача; асосий фаолияти - шахсий ички (интим) мулоқот,

6) катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик ёш даври - 16 ёшдан то 17 ёшгача; асосий фаолият - ўқиш-касб танлаш.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши босқичлари муайян кўламдаги психологлар томонидан илиқ қарши олинисига қарамасдан, маълум даражада муназарабоб ўринлар йўқ эмаслигини эътироф қилинди. Бизнингча, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари фақат алоҳида олинган фаолият доираси таъсири билан чегараланиб қолмаслиги, балки оралиқ босқичлари ҳам мавжудлиги ва ундан келиб чиққан ҳолда руҳий янгилинишларда ҳам ўзгариш бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамасдан, Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса, ёш давлари психологиясида энг оммабоплардан бири бўлиб қолмоқда.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А.А.Люблинская шахс тараққиётини муайян босқичларга ажратишда педагогик психология позициясидан турган ҳолда фаолият нуқтаи назардан унга ёндашади, маълум даврларга ажратади ва уларни атрофлича шарҳлаб беришга интилади.

1. Чакалоқлик даври - туғилгандан то бир ойликгача.

2. Кичик мактабгача даври 1 ойдан то 1 ёшгача.

3. Мактабгача ёшидан олдинги давр - 1 ёшдан то 3 ёшгача.

4. Мактабгача ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.

5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври - 7 ёшдан то 11 (12) ёшгача.

6. Ўрта синф ўқувчиси даври (ўсмирлик) - 13 ёшдан то 15 ёшгача.

7. Юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В.А.Крутецкий инсоннинг онтогенетик тараққиётини мана бундай босқичлардан таркиб топиш эҳтимоли мавжудлигини асослаб беришга ҳаракат қилади.

1. Чақалоқлик (туғилгандан то 10 кунликгача).

2. Гўдаклик даври (10 кунликдан то 1 ёшгача).

3. Илк болалик даври (1 ёшдан то 3 ёшгача).

4. Боғчагача бўлган ёш давр (3 ёшдан то 5 ёшгача).

5. Боғча ёш даври (5 ёшдан то 7 ёшгача).

6. Кичик мактаб ёши даври (7 ёшдан то 11 ёшгача).

7. Ўсмирлик ёш даври (11 ёшдан то 15 ёшгача).

Негадир муаллифларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг ривожланишини қолган босқичларини ҳисобга олмайдилар.

Ҳозирги замон психологиясининг таниқли вакили А.В.Петровский инсон тараққиётига шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ўзига хос оригинал классификациясини яратади. Ушбу назария негизида юксалиш, етукликка интилиш ғояси ётганлиги сабабли болалик, ўсмирлик, ўспиринлик давлари ётади, холос. А.В.Петровскийгача психологлар тараққиётнинг бир текис жиҳатини олиб ўрганган бўлсалар, бундан ўлароқ у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларга риоя қилиб) ва асоциал (аксижтимоий) босқичлари мавжуд бўлиши мумкинлигини далиллаб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун тараққиёт учта макрофазадан иборат эканлигини шарҳлаб, унинг биринчи тури болалик даврига тўғри келиб, ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация), иккинчиси - ўсмирларга хос индивидуаллашиш (индивидуализация), учинчиси - ўспиринлик, яъни етукликка интилиш даврида индивидуал ҳолатларни мувофиқлаштириш (бирлаштириш) хусусиятлари билан тавсифланади. А.В.Петровский шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади.

1. Илк болалик (мактабгача ёшидан олдинги давр) - туғилгандан то 3 ёшгача.

2. Боғча ёши даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи даври - 7 ёшдан то 11 ёшгача.

4. Ўрта синф ўқувчиси (ўсмирлик) даври - 11 ёшдан то 15 ёшгача.

5. Юқори синф ўқувчиси (илк ўспиринлик) даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг классификацияси қанчалик такомил даражада бўлмасин, тараққиётнинг оралик босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этишга мойилдир. Чунки ижтимоий қоидаларга биноан ўсишми ёки аксилижтимоийми унга қарамасдан, ҳар икки йўналишнинг ҳам оралик жабҳалари бўлиши эҳтимолдан холи эмас, лекин бу ғояни чуқурроқ шарҳлаб бериш жоиз.

Д.И.Фельдштейн классификацияси ҳам шахсга ижтимоий ёндашувга асосланган бўлса ҳам, лекин у А.В.Петровскийникидан кескин фарқ қилади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, инсонни шахс сифатида шаклланиш жараёнида

иккита катта тараққиёт босқичини босиб ўтади, улардан бири - “Мен жамият ичида” деган позициядан иборат бўлиб, у ўзига қуйидаги ёш босқичларини қамраб олади:

- 1) илк болалик - 1 ёшдан 3 ёшгача,
- 2) кичик мактаб ёшидаги ўқувчиси даври - 6 ёшдан то 9 ёшгача,
- 3) юқори синф ўқувчиси даври - 15 ёшдан то 17 ёшгача.

Шахс тараққиётидаги иккинчи позиция “Мен ва жамият” деб номланиб, у қуйидаги ёш босқичларига тааллуқлидир:

- 1) гўдаклик - туғилгандан то 1 ёшгача,
- 2) мактабгача ёшдаги болалар - 3 ёшдан 6 ёшгача,
- 3) ўсмирлар - 10 ёшдан то 15 ёшгача.

Д.И.Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик даврини уч босқичга ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан яқунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирларни ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ёшдаги катта ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўз-ўзини баҳолашга мойил муносабати билан тавсифланади.

Болаларда “Мен жамият ичида” позицияси илк болалик, кичик мактаб ёшидаги, юқори синф ўқувчилиқ даврларида фаоллик кенг кўламда қулоқ ёяди, чунки мазкур тараққиёт босқичида фаолиятнинг амалий предметли жиҳатлари жадал ўсишда бўлади. Уларда “Мен ва жамият” позицияси вужудга келиши мактабгача тарбия ёши, ўсмирлик даврларига тўғри келиб, улар томонидан ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг нормалари ва қоидаларини ўзлаштириш, шахслараро муносабат ўрнатиш, ўзаро мулоқотга киришиш хусусияти билан тавсифланади. Ана шу мураккаб социал-психологик ҳолатларга асосланган ҳолда Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий тараққиётида унинг жамиятга нисбатан муносабатининг асосий (бош) ва оралиқ тоифаларга ажратади. Болада жамиятга нисбатан оралиқ муносабатнинг шаклланиши ижтимоийлашув, индивидуаллашувнинг таркибий қисмларини эгаллаш ва бир даврдан иккинчисига ўтиши натижасида юзага келади. Асосий (бош) муносабат - шахснинг ривожланишида кескин силжиш нукталарининг пайдо бўлиши, ички сифат ўзгаришларининг вужудга келиши ва унда янги хислатларни таркиб топишининг маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча психологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини оширишга ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти) га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амалий аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса бўлиб хизмат қилади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг кўламда қўлланилади. Аммо

онтогенезда шахснинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини акс эттирувчи назария яратиш мавруди етиб келди.

## **5. Собик совет психологиясида шахс таърифи**

Умумий психология фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда уларнинг механизмлари тадқиқ этилади. Бу борада психологлар томонидан шахсга нисбатан турлича таъриф берилган ва унинг тузилишини ўзига хос тарзда тасаввур қилишган. қуйида муаллифларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

А.Г.Ковалевнинг фикрича, шахс - бу ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир. А.Н.Леонтьев ушбу масалага бошқачароқ ёндашиб, унга шундай таъриф беради: шахс - бу фаолият субъектидир. К.К.Платоновнинг талқинига биноан: жамиятда ўз ролини англовчи, ишга лаёқатли, яроқли аъзоси шахс дейилади. Бу муаммо моҳиятини чуқурроқ очишга ҳаракат қилган С.Л.Рубинштейн таърифича, шахс - бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи ички шарт-шароитлар мажмуасидир.

Психология фанида бир-бирига яқин, лекин айният бўлмаган тушунчалар қўлланилиб келинади, чунончи: одам, шахс, индивидуаллик. Уларнинг моҳиятини аниқроқ изоҳлаб бериш учун ҳар бирининг психологик табиатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

**1. Одам:** сут эмизувчилар синфига дахлдорлик, биологик жонзод эканлиги одамнинг ўзига хос хусусиятидир. Тик юришлик, қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий этган мияга эгаллиги, сут эмизувчилар таснифига кириши унинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Ижтимоий жонзод сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс эттириш қобилятидан ташқари ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларига мутаносиб тарзда уни ўзгартириш имкониятига ҳам эгадир.

**2. Шахс.** Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан, бошқа кишилар билан мулоқот (муомала) га киришувчи одам шахсга айланади. Ижтимоий моҳияти шахснинг асосий тавсифи ҳисобланади.

**3. Индивидуаллик.** Ҳар қайси инсон бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассамлашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуал шахснинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий соҳаларида намоён бўлади.

Собик совет психологиясида энг кўп тарқалган шахснинг тузилишига оид материаллар билан қисқача танишиб ўтамиз.

С.Л.Рубинштейн бўйича шахс қуйидаги тузилишга эга:

**1. Йўналганлик - эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар, эътиқодлар, фаолият ва ҳуққнинг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларда ифодаланади.**

**2. Билимлар, кўникмалар, малакалар - ҳаёт ва фаолият жараёнида эгалланади.**

**3. Индивидуал типологик хусусиятлар - темперамент, характер, қобилятларда акс этади.**

К.К.Платонов таълимотига кўра, шахс тузилиши қуйидаги шаклга эга:

**I. Йўналганлик остигузилиши** - шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Ундан ҳаракатчанлик, барқарорлик, жадаллик, кўлам (ҳажм) даражаларини фарқлаш лозим.

**II. Ижтимоий тажриба остигузилиши** - Таълим воситасида, шахсий тажрибада эгалланган билимлар, кўникмалар ва одатларни қамраб олади.

**III. Психологик акс эттириш шакллари остигузилиши** - Ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятлари.

#### **IV. Биологик шартланган остигузилиш.**

Мия морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик хосиятларини бирлаштиради.

А.Г.Ковалев талқинига биноан, шахс мана бундай тузилишга эга:

**1. Йўналганлик** - воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир этувчи ҳар хил хусусиятли ғоявий ва амалий установкалар, қизиқишлар, эҳтиёжлар киради.

Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

**2. Имкониятлар** - фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тизим. Ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятлар.

**3. Характер.** Ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ-атвор услубини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Характер тизимидан иродавий ва маънавий сифатлар ажратилади.

**4. Машқлар тизими.** Ҳаёт ва фаолият, ҳаракат ва хулқ-атворни тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқаришни таъминлайди.

### **6. Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили**

Психология фанида системали ёндашувга оид тадқиқотларнинг кўрсатишига қараганда, ҳар қайси тизимнинг тавсифи сифатида унинг тузилиши қабул қилинади. Одатда, яъни структура - бу объектнинг бир қатор таркиблари ўртасидаги унинг яхлитлиги, ўзига ўзининг айниятлашувини таъминловчи барқарор ички алоқалар мажмуасидир.

Биз шахс структураси, яъни тузилиши муаммосини баён, талқин қилишда таянч ва жабҳа, компонент тушунча тариқасида яхлит тузилишнинг нисбий мустақил қисмидан, таҳлилнинг бирлиги сифатида элемент тушунчасидан (атамасидан), ҳар қандай контекстлардан яхлитлик хусусиятини акс эттирмаса ҳам улардан фойдаланамиз. Бундай тафовут (фарқ) шахс хусусиятларини яхлит ҳолда мукаммал очиш учун таркибий тизимли ва элементли тизимли даражаларини намоён этиш учун мутлақо зарур.

Шахснинг тузилиши тўғрисидаги муаммо ўзининг долзарблиги билан фаннинг тадқиқот доирасидан, предметида ташқари чиқади. Шахс тузилишига оид илмий тасаввурларнинг яратилиши, ишлаб чиқилиши яхлит назариянинг зарурий шарти ҳисобланиб, инсоннинг ижтимоий моҳиятини қирраларини

очиш имкониятига эгадир. Худди шу боисдан психологияга фалсафа, педагогика, тиббиёт сингари фанларнинг намояндалари томонидан уни муҳокама қилиш намоён бўлаётганлиги туфайли унга қизиқишнинг юксаклигидан далолат бермоқда.

Психология фани шахс структурасининг моделини яратишга бошқа фанлардан изчилроқ киришади, унинг табиатини акс эттириш имкониятига эришади, натижада у психология муаммолари мажмуасида марказий ўрин эгаллади. Психология олимлари томонидан тадқиқот қилинаётган долзарб муаммолар билан шахс тузилишига оид масала у ёки бу жабҳаси орқали узвий боғлиқка эга. Бу контекстда хулқ мотивацияси, шахснинг типологиясини ишлаб чиқиш, шахсга таъсир ўтказишнинг самарали йўл-йўриқларини қидиришни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Психология фанида шахсга структуравий ёндашиш бўйича энг салмоқли илмий изланишлар амалга оширилганлиги қонуний ҳолат бўлиб, хилма-хил шахс структурасининг модели яратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Б.Г.Ананьевнинг фикрича, психологик ҳодисаларни ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва иродага ажратилиш... инсон психологиясида структуравий ёндашиш тажрибасининг дастлабки кўриниши бўлиб, унинг ҳақчиллиги кўпгина психологлар томонидан тан олинди. Б.Г.Ананьев структуравий ёндашишнинг бошқа вариантлари тариқасида турлича психик ҳодисалар билан қарама-қарши алоқаларнинг эътироф этилиши - психик актларнинг психик функциялар, онгнинг онгсизлик, тенденцияларнинг потенциал билан уйғунлигини таъкидлайди. Л.С.Виготскийнинг мулоҳазасига кўра, инсоннинг психик функцияларини юксак, маданий, қуйи, табиий турларга ажратишни киритиш мумкин, чунки уларнинг негизида таълим билан инсоннинг олий нерв фаолиятида биринчи ва иккинчи сигналлар системаси ўзаро таъсирининг ифодаланиши ётади.

Ҳозирги даврда психология фанида психологик ҳодисаларни психик жараёнларга, ҳолатларга, шахснинг хусусиятларига ажратиш қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашувнинг мавжудлиги Б.Г.Ананьев томонидан структуравий концепциянинг бир тажрибаси сифатида қаралади. Бу воқелик “ҳодисаларни бир қатор жабҳалари билан тўлдиришга интилиш психофизиологик хусусият касб этиб, психик жараёнлар учун дастлабки материалларни тўплаш имкониятини (идрок, тафаккур, эмоция, ирода) беради”. Унинг фикрича, дастлабки материаллар, бир томондан, психик функциялар (сенсор, мнемик), хулқнинг, иккинчи томондан, элементар, мотивлари (эҳтиёж, установка) ҳисобланади. Олимнинг мулоҳазасича, бу кўшимчалар “генетик маъно касб этиб, физиологиядан мия механизмларини умумпсихологик ва нейрогуморал регуляторларини қамраб олиш психологияга ўтишга имкон беради”. Лекин ушбу структуравий ёндашувнинг махсус психологик деб қарашдан қатъи назар, ҳозирги замон синтетик инсоншунослиги учун умумий аҳамиятли жиҳатни юксакликка кўтаришга қодир эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтилган психик ҳодисаларнинг турли кўринишларини феноменларга ажратишнинг қонунийлиги бўйича баҳс

юритмасдан туриб, жумладан жараёнларга, ҳолатларга, хусусиятларга бўлинишдан кўз юмиб, ушбу категориялар, уларнинг турлича талқини шахс структурасининг таркибий қисмларига тенглаштириш мумкин эмаслигини қайд этиш зарур. Чунки улар соф психологик аснода вақт ва фазо ўлчами бўйича аниқликка эга эмасдирлар. Шунинг учун Б.Г.Ананьев томонидан киритилган илмий қўшимчалар умумпсихологик вазиятни кескин ўзгартириш имкониятига эга бўлмаса-да, унинг айрим томонларни тўлдиришга эга.

Шахс тузилишининг моделини ишлаб чиқишдаги муҳим қийинчиликларнинг энг асосий сабаби ҳар хил нуқтаи назарлар мавжудлигида ёрқин намоён бўлади, улар “шахснинг тузилишига кўра, субстанционал ва идеал, ирсий ва эгаллаганлик, ижтимоий ва психологик, соматик ва психологик томонларига эга” (В.М.Баншиков). Мулоҳазадан кўриниб турибдики, бунда шахснинг “субстанционал томони” ни ирсий, турмушда эгаллаганлик, соматик жабҳалар билан таққослаганда мустақил структуравий таркиб сифатида алоҳида реалликка эга эмас. Бундай талқин бирон бир психологик ҳодисани турлича нуқтаи назардан изоҳлаш билан боғлиқ бўлиб, яқкаҳол, яъни индивидуал воқелик (реаллик) устида гап бораётганлигини билдиради.

Психология фанида қўлланилиб келинаётган ва нисбатан барқарорлашган шахсни йўналганликка, темпераментга, характер ва қобилиятларга бўлиш етарли даражада кескин эътирозларга сабаб бўлаётгани йўқ. Шунинг учун кўпгина психологлар умумий тизимнинг мажмуасини ташкил қилувчи мураккаб хусусиятларнинг тузилиши сифатида қарайдилар ва шахснинг яхлит тавсифини ифодалайди, деб тушунадилар. А.Г.Ковалевнинг фикрича, темперамент табиий (ирсий) хусусиятларнинг тизимини билдириб келади, йўналганлик - эҳтиёж, қизиқиш, идеаллар тизими, қобилиятлар - интеллектуал, иродавий ва эмоционал хислатлар ансамбли, характер - хулқ-атвор усулларининг ва муносабатларининг синтезидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахснинг мураккаб тузилишга эга бўлган кўп қиррали хусусиятлари, фазилатлари, хислатлари ўзаро бир-бирларининг ичига сингиб кетганлиги натижасида табиий, эмоционал, эҳтиёжлар, муносабатлар, хулқ-атвор усуллари тўғрисидаги мулоҳазалар умумлашмалар умумлашмасидир. Чунки қизиқишлар ва идеалларни интеллектуал, эмоционал, иродавий хусусиятларисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, муносабатлар ва хулқ-атвор усуллари ҳам алоҳида ҳукм суриши ғайритабиий ҳолатдир.

Б.Д.Паригиннинг фикрича, шахснинг статик тузилишга қуйидагилар киради:

- 1) умуминсоний психологик хусусиятлар;
- 2) миллий, касбий, иқтисодий, сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига хос хусусиятлар;
- 3) шахснинг индивидуал бетакрор хусусиятлари. Бизнингча, олим томонидан таъкидлаб ўтилган хусусиятларнинг ҳар қайсиси шахс психикасида мавжуд бўлиб, улар алоҳида хислатлар гуруҳи кўринишига эга эмасдирлар.

Юқорида таҳлил қилинган моделларнинг ҳеч қайсиси системали ёндашув доирасидаги ҳозирги замон шахс структураси тўғрисидаги моделга мос келмас

эди. Ушбу моделларнинг таркиб (жабҳа) ларида нисбий мустақил бирлик хусусияти акс топмаганлиги туфайли бир вазиятда улар ўзаро тобе элементларга, иккинчи ҳодисаларда эса такрорий хислатлар кўринишига ўхшаб кетади. Шунингдек, шахс тузилиши умуман муайян назарий ёки амалий аҳамиятга томон (жабҳа) лари билан ажралиб турмайди. Шунинг учун таъкидланган ҳеч бир модель психологик моҳиятини ўзида акс эттирувчи, жамият аъзоси сифатидаги инсоннинг типиклик ва индивидуаллик қиёфаларини таҳлил қилишни таъминлай олмайди.

Узоқ чет эл психологларининг шахс тузилишининг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўпгина ёндашувлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришмаганлиги туфайли бу масалани ёритиш учун кескин ўзгариш киритилмади. Г.Оллпорт, Г.Мюррей, Р.Линтон, К.Роджерс, А.Маслоу ва бошқа олимларнинг яққол шахснинг психологик моҳиятини тушунчалар тизими ёрдами билан ҳаспўшлаши ижобий изланиш тарзида ўзига тортади, лекин унда шахс “кундалик турмушимизда биз билган шахснинг айнан тимсолидир” деб таърифланади.

Мазкур ижобий эзгу ниятларни амалиётда қарор топтиришга шахснинг тизими ташкилий томонини баҳолай олмаслик ва ички омиллар ролини бир томонлама орттириш ҳолати тўсқинлик қилади. Жумладан, Р.Линтон шахс тузилишини “индивидуумга алоқадор психик ҳолатлар ва ҳодисалар ташкилий агрегати” деб талқин қилишни таклиф қилади, бунинг натижасида уларнинг шунчаки йиғиндисини юзага келади, холос.

Таниқли АҚШ психологи Г.Оллпортнинг фикрича, шахс “ички тизим”, “динамик қурилма”, “Мен”, “қандайдир метапсихологик Мен” ўзида олдиндан мақсад ва диспозицияни акс эттирувчи, инсон тафаккури ва ҳуқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир”. Худди шу боисдан шахснинг синфий-тарихий жиҳатдан яққол баҳоланиши очилмай қолади, ижтимоий таҳлил ўрнини психологик талқин эгаллайди чамамда.

Психологлардан Т.Парсонс, Г.Мид ва бошқалар “шахснинг ролли тузилиши” номли концепцияни ишлаб чиқиб, одамнинг яхлит субъектив дунёсини, унинг психологик қиёфасини диққат марказидан, идрок майдонидан четда қолдирадилар.

Шунга қарамасдан, собиқ совет файласуфлари ва психологлари шахснинг структурасига бирёқлама ёндашишга барҳам беришга интилдилар, унинг жамиятда бажарадиган ролини адолатли баҳслаб, ижтимоий, ижтимоий-психологик, психологик тизимларда ролнинг турли контекстда мақсадга мувофиқ бажарилишини кўрсатиб ўтдилар. Бу контекстдаги асосий ёки бош муаммо ролларни интернализациялашнинг яққол психологик механизмлари, улар билан боғлиқ бўлган нормалари, роллар ўртасидаги психологик фарқлар, шахс тузилишида мустаҳкам жой олган, унга нисбатан ташқи омиллар; қўзғатувчилар тарзида сақланувчилар ҳисобланади.

Чет эл психологиясида олимлар диққатини кейинги йилларда шахс моделининг психологик омиллари тортмоқда, уларнинг асосий вариантлари Г.Айзенк, Р.Кэттелл концепциялари билан бевосита боғлиқдир. Мазкур концепциялар кўп ёки оз миқдордаги “омиллар” (Айзенкда улар 2-3 та,



Кэттеллда эса 20 тадан зиёд) га асосланган бўлиб, улар муайян даражада умумлашган индивидуалликнинг ёки шахс қиёфасини ифодаловчи, психологик хусусиятларни акс эттирувчи руҳий тизимни қайд қилишга суянади. Аммо туб маънодаги шахснинг психологик концепцияси ҳам индивидуаллик қиёфаларини ҳақиқий ижтимоий-психологик моҳиятини очиш имкониятига эга эмас, чунки хусусиятларнинг қонуний равишдаги ўзаро алоқалари тавсиф қилинмай қолинган.

Таъкидланган парадокс системаси ёндашув позицияси орқали изоҳланиши мумкин, лекин яхлит тизимнинг тавсифсиз айрим компонентларнинг мазмундор таснифини амалга ошириш имконияти йўқ. Дарҳақиқат шунинг учун “инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ёки алоҳида психологик тизимдан келиб чиққан ҳолда мажмуа” деб аташга суяниб иш юритиш орқали ҳеч қандай “шахс тузилиши” ни яратиб бўлмайди.

Шахснинг динамик тузилишидаги моделлари собиқ совет психологлари тахмин қилган қийинчиликларнинг олдини олиш мазмунида ифодаланган.

Б.Д.Паригиннинг қатъий асосланиб айтишига кўра, шахснинг динамик структурасининг етакчи (фарқланувчи) аломати яққол вақт оралиғига боғлиқлиги, шахс фаолияти ёки психиканинг муайян ҳолатига алоқадорлигидир. Шахснинг динамик структурасининг икки асосий жабҳага тааллуқлигига, яъни психик ҳолатларга ва хулққа ишора қилган Б.Д.Паригиннинг мулоҳазасича, шахснинг кайфияти ёки психологик жиҳатдан ўзининг тайёргарлик хислати юксак аҳамиятли янгилашидир.

Олимнинг талқинига кўра, психологик тайёргарлик - бу интеграл структуравий тузилмадан иборат бўлиб, муайян вақт оралиғида инсон психикасининг жисмли йўналганлик даражаси ва тоналлигини тавсифлайди. Психологик тайёргарлик ўзининг тузилиши бўйича уч хил жабҳани қамраб олади (константли, долзарбли, вазиятли) ва фаолиятда муҳим функцияларни бажаради. а) муайян вақт бирлигида индивид томонидан қайта ишланувчи ва идрок қилинувчи барча жорий ахборотларнинг аккумулятори; б) инсон фаоллигининг тонизатори ва регулятор; в) фаолият ва ахборотни қабул қилиш установа; г) шахснинг қадриятга йўналганлик омили ҳисобланади. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг у ёки бу лаҳзаларида психикасининг (компонентлари) таркибий қисмлари билан содир бўлишликнинг психик тайёргарлиги синтетик равишда бирлашгандир. Бу муаммо паригинчасича, психик тайёргарлик психик ҳолатларнинг доминантлиги деган тушунчага яқинлашиб қолади. Ваҳоланки, шахснинг динамик ва статик тузилиши муносабатини ҳисобга олмайди, психологик тайёргарликнинг миқдорий тавсифи йўллари кўрсатиб ўтмайди, натижада унинг кўлами чексизга айланиб қолади.

К.К.Платонов томонидан илгари сурилган шахснинг динамик функционал тузилиши (структураси) катта қизиқиш уйғотади. Олим шахс хусусиятларининг барча бойлигини қамраб олувчи, кўп босқичли моделини яратишга интилади. Шахс тузилишининг элементлари бўлиб, унинг ҳоссалари, хусусиятлари, қиёфаси ҳисобланади. К.К.Платонов шахс тузилишининг турли томонлари билан ўзаро алоқадор тўрт тузилишга ажратади:

1) шахснинг ахлоқий қиёфаси муносабати ва йўналганлик бирлаштирувчи ижтимоий шартланган остизуилиш.

Бу остизуилишга алоқадор шахснинг хислатлари табиий майлларга бевосита боғлиқлиги йўқ ва тарбиявий йўл билан шакллантирилади.

2) тажрибанинг остизуилиши; унга таълимий йўл билан эгалланган билимлар, малакалар, кўникмалар, одатлар киради, аммо бу нарса шахснинг қиёфасининг биологик шартланган таъсири остида кечади (К.К.Платонов). Ушбу остизуилиш орқали шахс инсониятнинг тарихий тажрибаси,

3) шахснинг индивидуал хусусиятлари билан шартланган баъзи психик жараёнлар (хотира типи, эмоционал ҳаракат барқарорлиги кўрсаткичи, машқланиш йўли) билан шакллантирилади. Биологик шартланган хусусиятларнинг таъсири янада аниқроқ кўзга ташланади.

4) биологик шартланган остизуилиш биопсихик хусусиятларни, фазилатлар, темперамент...(шахснинг типологик хусусиятларини), жинсий ва ёш хусусиятлар, шунингдек, инсоннинг патологик ўзгаришини бирлаштиради. Бу остизуилиш машқлантириш орқали шакллантирилади, миянинг морфологик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ. К.К.Платоновнинг фикрича, бу остизуилишга шахс қиёфаси (хусусиятлари) нинг асосий жабҳаларини киритиш мумкин.

қисқача таҳлил қилинган К.К.Платоновнинг шахс тузилишига оид концепцияси (назарияси) кенг кўламдаги таълим ва тарбия амалиёти билан жипс алоқаси туфайли ўзига тортади. Аммо муаллиф бу борада шахс ва инсон тўғрисидаги мулоҳаза юритганда унинг реал хусусиятлари ва ҳолатларини яққол очиб бермайди. Маълумки, ҳозирги замонда бир-биридан сезиларли, деярли фарқланувчи талқинлар ҳукм сурмоқда, кези келганда баҳс предметини сунъий равишда ўзгариш ҳоллари учраб туради. Унинг асарларини ўрганиш жараёнида, шахс тузилиши тўғрисидаги мулоҳазаларда, шахснинг бу муаммо функционал психологик - педагогик жабҳа эканлиги ойдинлашиб боради, тренировка, машқланиш, таълим олиш йўли билан унда у ёки бу хислатлар шакллантирилади.

К.К.Платонов “шахснинг томонлари ва унинг остизуилиши” тушунчаларини синоним сифатида қўлланилганлигини таъкидлаб, уни қуйидагича изоҳлаб беради: “шахснинг моддий жабҳалари тўғрисида эмас, балки функционал томонларининг ўзаро таъсири тўғрисида гап боради”. Бундан кўриниб турибдики, шахснинг компонентлари, унинг хусусиятлари, тузилиши нимани билдиради, деган муаммога жавоб топиб бўлмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳодисаларни (вақтни фазовий) баҳолаш онтологик аснода ўз ечимини топа олмайди. Чунки структура яхлит тузилма бўлганлиги туфайли у ҳеч қачон жабҳа, томон ва жиҳатларнинг шунчаки мажмуасидан иборат бўлмаслиги равшан. Бинобарин, остизуилиш тушунчасини талқин қилишда умумий қабул қилинган қоидага кўра нисбий жиҳатдан мустақил таркиблардан тузилганидан қатъи назар у бундан кенгроқ яхлитликнинг қисми бўлиб ҳисобланади. Ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни кўз ўнгига келтириш мувофиқ: биринчидан, шахснинг ижтимоий сифатлари ўз ҳолича ҳукм сурмайди, балки яққол нерв системасида

қайд қилинади, яъни табиий биологик механизмлар ёрдами билан амалга ошади. Иккинчидан, биологик шартланган шахс сифатларининг аксарияти фило ва онтогенезда бевосита ижтимоий шарт-шароитларнинг таъсири остида шаклланади. Шунинг учун биологик шартланганликнинг ижтимоийликдан ажратишни ўзи ўта мураккаб бўлиб, амалий жиҳатдан генотип билан фенотип ўртасида демаркацион (французча *demarcation*, қатъий чегара) чизиқ ўтказиш мумкин эмас. Учинчидан, на биологик, на ижтимоий шартланган сифатлар, фазилатлар, хислатлар инсон томонидан эгалланаётган тажрибадан ташқарида намоён бўлиши кузатилмайди. Шунингдек, инсоннинг ўзлаштирадиган билимлари, малакалари, кўникмалари, одатларининг ўзига хослиги унинг шахсидаги нуқсонлар компенсацияси кўпинча ахлоқий йўналганлик ва майлларга боғлиқ. Тўртинчидан, алоҳида олинган билим жараёнларининг типологик хусусиятлари билан шартланган шахс фазилатларини ўзаро бири-биридан ажратиб таҳлил қилиш ҳам ғайритабиий ҳолатдир. Юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси шахсда намоён бўладиган хислатларида ўз таъсирини, изини қолдиради.

Худди шу боисдан К.К.Платонов томонидан тавсия қилинган осттузилишнинг табиий яққол шахс тузилмаси мажмуаси сифатида қабул қилиш ўта баҳслидир. К.К.Платонов бўйича шахснинг тўрт “осттузилиш” жабҳалари ҳисобланади, чунки турли контекстдаги уларнинг ҳар қайсиси шахс фазилати тариқасида қараш ва шунда унинг интеграл тизимини баҳолаш мумкин.

В.С.Мерлин ҳам шахснинг тузилиши масаласига алоҳида аҳамият берган олимлардан бири саналади. Унингча, шахснинг қисмларига ажратиб талқин қилинмайдиган жабҳа (компонент) - бу унинг хислатларидир. Уларнинг ҳар бири муайян йўналганлик моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, шахс муносабатини акс эттиради. Шунга биноан шахс нинг тузилиши деганда В.С.Мерлин инсоннинг ўз-ўзига, ўзгаларга, меҳнатга у ёки бу муносабатини ўзида бирлаштирувчи шахс хусусиятларининг ташкилий ва ўзаро алоқадорлигини англатувчи ўзига хос “симптомокомплекс” ни тушунади.

Олимнинг муаммога бундай ёндашуви гўёки жуда ўринли, тўла ашёвий далилий тасаввурни вужудга келтиради. Шахс тузилиши муаммосини узил-кесил ҳал қилиниши, ечимини топиш учун айрим шартларга риоя этилиши лозим. Биринчидан, “шахснинг муносабати” тушунчаси моҳиятини яққол очиш, иккинчидан, шахснинг хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурларни деталлаштирган ҳолда ишлаб чиқиш даркор. В.С.Мерлиннинг фактлар констатациясига биноан “симптомокомплекс” шахс тузилишининг баёний ва статик тавсифини билдиради, холос”, ҳолбуки шундай экан “мазкур ижтимоий шароитларда шахс тузилишининг ривожланиши ва юзага келиши қонуниятлари” ўрнатилиши жоиз.

Кўпгина психологларнинг қарашларида шахснинг ижтимоий-психологик тавсифи қиёфасининг тузилишида етакчи роль ўйнаши ва қайд этиши таъкидланади. Шу жумладан, тадқиқотчи Н.И.Рейнвальднинг фикрича, шахснинг тузилиши ва унинг ҳар бир қиёфаси (хислати) уч мезон асосида таҳлил қилиниши жоиз:

1) ориентировканинг даражаси ва анланганлик хусусиятига;  
2) у ёки бу эҳтиёжий ҳолатларни ҳаракатлантиришнинг хусусияти ҳамда ташкилийлиги;

3) пайдо бўлишнинг жадаллиги, жиддийлиги ва зўриқишга, яъни инсоннинг эмоционал иродавий, билишга оид сифатлари нуқтаи назарига ва бошқалар.

Н.И.Рейнвальднинг изоҳлашича, фаолиятнинг регуляциясида психик функцияларни умумлашган гуруҳлаштириш уларнинг уч ўлчовли (мезонли) таснифининг ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва ирода моҳияти зиммасига тушиши шахс тузилишини темперамент, характер ва қобилиятларга, иккинчи томондан эса экстраверсия, интроверсия омилларига ажратишга барҳам беради.

Н.И.Рейнвальднинг ушбу ёндашуви А.Р.Луриянинг мия фаолиятининг уч блокли роли таснифига бевосита мос тушади, чунончи, ақл (интеллект) кўп ҳолларда информатсион блок орқали амалга ошади, ирода (ташкилийлилик) программалаштириш блоки билан, хилма-хил эмоционал ҳолатлар (ҳиссиёт) юзага келишининг негизида “энергетик” блок ётади. Ақл, ҳиссиёт, ирода ва уларни рўёбга чиқарувчи миянинг блоклари, ҳаракатлантирувчиларни эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ бўлган инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг уч лаҳзасини англайди.

Хуллас, қарашларнинг ранг-баранглиги муаммо ечимининг ҳар хил вариантлари, инвариантлари, модификациялари, модуллари ва моделлари бир даврнинг ўзида ҳукм суришини таъминлайди ҳамда системали ёндашув мажмуаси юзага келиши учун пухта негиз, механизм ва барқарор манба ҳозирлайди.

## 7. XXI аср одамлари

Одамзод муаммоси азалий долзарблиги билан бошқа инсоншунослик категориаларидан кескин ажралиб турган ва бундан кейинги инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиётида ҳам худди шундай юксак нуфузга эга бўлиб қолаверади. Жамият мавжуд экан унинг кудрати, ҳаракатлантирувчи кучи, моддий ва маънавий маҳсулот яратувчиси бўлмиш инсоннинг ахлоқи, ақл-идроқи, юксак ҳис-туйғуси, иродавий фазилати, қобилияти ва салоҳияти юзасидан янги маълумотларга эга бўлиш масаласи ўз мавқеини асло йўқотмайди. Худди шу боисдан инсон шахси, унинг камолоти, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, фаолият, тажриба ва интилишнинг роли масалалари XXI асрда тадқиқот этилишга муҳтождир.

Инсон шахсини ўрганиш масаласи билан фалсафа, психология, педагогика, социология, филология, тарих каби ижтимоий ва гуманитар фанлар шуғулланади. Ҳозирги даврда инсон муаммоси аниқ, гуманитар, ижтимоий фанларнинг умумий тадқиқот объектига айланиб бормоқда ва бу жараён кейинги асрда янада жадаллашади. Шунга қарамасдан, бир томондан, инсонни ўрганишда дифференциация ҳодисаси юз бермоқда, иккинчи томондан, инсон тараққиётининг синтетик (бирикув) тавсифи бўйича интеграция ҳолати кўзга ташланмоқда. Инсон бир қатор фанларнинг тадқиқот объекти эканлиги йиғиқ, ихчам, яхлит тарзда тасаввур этиш учун уни **биосоциал** ва **социобиологик**

жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, инсон ҳаёти ва фаолиятининг операционал (усул, услуб, уқув, операция, кўникма, малака, одат) механизми унинг **онтогенезида** функционал (ҳаракатлантирувчи) механизмга ўсиб ўтади, бинобарин, унда комилликнинг белгилари, аломатлари шаклланади, натижада у жисмоний ва маънавий камолот чўққисининг муайян даражасига эришади.

Муаммони инсон - жамият - табиат - турмуш муносабатлари нуқтаи назардан текширган жаҳон психологиясининг намоёндалари Ш.Бюлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Оллпорт, В.Джемс, А.Гезелл, Л.Термен, Ж.Пиаже, А.Валлон, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев каби олимлар одамнинг улар билан ҳар хил турдаги ва кўринишдаги каузал, структуравий, операционал, мотивацион, когнитив, фазовий ва маконий алоқалар тизими мавжудлигини таъкидлаб ўтгандир.

Жаҳон психологиясидаги турли назарияларга асосланган ҳолда, биринчидан, инсон у ёки бу алоқалар тизимига биноан биологик эволюция маҳсули сифатида ўрганилади. Иккинчидан, ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам объекти, ҳам субъекти тариқасида инсон шахси тадқиқот қилинади. Учинчидан, индивид (одамзод) муайян даражада ва кўламда ўзгарувчан, биологик тараққиётнинг генетик дастурига асосланувчи алоҳида хусусиятли жонзод тарзида илмий жиҳатдан текширилади.

Бизнингча, инсоннинг жамият ишлаб чиқаришининг етакчи ва асосий таркиби, билиш, коммуникация ва бошқарув жараёнининг субъекти, тарбиялаш ва тарбияланиш предмети сифатида тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Худди шу боисдан инсон ва унинг борлиқ, ижтимоий жамият билан кўп қиррали, мураккаб муносабатга ҳамда алоқага киришиши куйидаги тарзда намоён бўлиши мумкин:

1. Табиатнинг биотик ва абиотик омиллари - инсон.
2. Жамият ва унинг тарихий тараққиёти - инсон.
3. Инсон - техника, технология.
4. Инсон - маданият, маънавият, қадрият ва руҳият.
5. Инсон ва жамият - ер ва фазо.

XXI асрда ҳам одам индивид, шахс, субъект, комил инсон сифатида психологик илмий тушунчалар негизида талқин қилинишда давом эттирилади, лекин ҳар бир тушунча моҳиятида ва кўламида сифат ўзгаришлари юз бериши мумкин, чунки ташқи ва ички омиллар, таъсир этувчилар, таъсирланувчилар устуворлиги йўқола боради.

Одамга индивид сифатида тавсиф беришда унинг ёш даври, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятларига асосланилади. Ёш даврнинг сифатлари онтогенетик, эволюция босқичларида изчил равишда намоён бўлади ва такомиллашув жараёнида ўз ифодасини топади, жинсий диморфизм хусусияти эса уларга мутлақо мос тушади. Индивиднинг индивидуал-типологик хусусиятига конституцион (тананинг тузилиши, биокимёвий индивидуаллик, яъни яккахоллик) ҳолатлар, симметрия ва асимметрия жуфт рецепторлари, эффекторлари функцияси қиради. Бу хусусиятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, механизмлар ва хоссалар бирламчи ҳисобланиб, хужайра ва молекуляр тузилишнинг барча даражаларида иштирок этади.

Жаҳон психологияси тўплаган назарий ва амалий маълумотларга кўра, ёш, жинсий ва индивидуал-типологик хусусиятлар сенсор (субсенсор, субцептив), мнемик (хотира), вербал (сўз орқали) ва мантиқ психофизиологик функцияларининг динамикаси ҳамда органик эҳтиёжлар тузилишини аниқлайди. Индивиднинг бу хусусиятларини иккиламчи деб атаб, уларнинг интеграцияси темперамент хусусиятларида ва туғма майлларда ифодаланишини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки юқоридаги сифатлар онтогенетик эволюция жараёндан иборат бўлиб, улар филогенетик дастурга асосланиб ҳукм суради. Ёш даврга оид ва индивидуал ўзгарувчанлик инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти таъсири остида ҳар хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Индивиднинг динамик хусусиятларига шахснинг ижтимоий муҳитда вужудга келган сифатлари таъсир этиб, унинг индивидуал ўзгарувчилиги омилини янада кучйтиради.

Инсоннинг шахс сифатида тавсифланишининг муҳим психологик лаҳзаси унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги статуси (иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий негизга боғлиқ, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни, нуфузи, мавқеи билан белгиланади) орқали ифодаланади. Статуснинг негизида эса ҳамиша узлуксиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Инсон бажариши лозим бўлган гуруҳий фаолият ва яккаҳол турмушга, касб-хунарга алоқадор, яъни касабавий, оиладаги ҳамда жамоадаги ролнинг ижтимоий функцияси, унинг муайян мақсадга, қадриятга, маънавиятга йўналганлиги, шахсни фаоллаштиради, натижада у барча жабҳаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Статус, роль, қадриятга йўналганлик шахс хусусиятлари, сифатлари, фазилатлари, хосиятлари ва хислатларининг бирламчиларини ташкил этади, унинг тузилишида асос бўлиб хизмат қилади. Шахснинг тавсифи фаолият, хулқ мотивацияси хусусияти ва ижтимоий феъл-атвор (оддий стереотипдан тортиб, то халқ донишмандлиги намуналари) тузилишини белгилаб, унинг таркибидан иккиламчи аломатлар, белгилар сифатида жой эгаллайди. Шахснинг бирламчи ва иккиламчи сифатларининг ўзаро таъсирини бирлаштирувчи юксак самара тарзида инсон характери ва майллари юзага келади. Инсоннинг шахс хислатларини ривожлантирувчи, уларни такомиллаштирувчи ва барқарорлаштирувчи асосий шакл - унинг жамиятдаги ҳаёт йўли, муайян из қолдириши ва ижтимоий таржимаи ҳоли ҳисобланади. Шахснинг халқига қилган хизмати унинг эъзозланишига, ҳаттоки миллий маънавий бойлик, тафаккур гулшани ва сарчашмаси даражасига кўтарилиши мумкин.

Инсоннинг фаолият субъекти сифатидаги асосий тавсифлари қаторига унинг бу соҳадаги тараққиётнинг маҳсули - онги (объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида (ва фаолияти) воқеликнинг ўзгартирувчиси тариқасида) киради. Инсон амалий фаолиятнинг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина қолмайди, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технологияси, уларнинг кучайтирувчанлик, тезлаштирувчанлик ва яратувчанлик функциялари сифатида юзага келади. Амалий фаолият умуминсоний ва якка шахс тажрибасининг бир қисми тариқасида, эгалланилган, ўзлаштирилган, пухта тажрибадан фойдаланиш

сингари намоён бўлади. Назарий фаолиятнинг субъекти бўлмиш инсон ўзининг билимлари, касбий кўникмалари, ақлий малакалари билан тавсифланади, қайсики улар ўзига хос аломатлар тизими билан бевосита боғлиқдир. Ақлий фаолият ижодиёт даражасига ўсиб ўтиши натижасида ижодий маҳсуллар, янгиликлар, қонуниятлар вужудга келади ва жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Аждодлар мероси ва авлодлар салоҳияти маҳсуллариининг узвий боғланиши назарий ва амалий фаолиятнинг ўзаро уйғунлашувини тақозо этади, ваҳоланки, ҳар иккала фаолият турида ижодийлик аломати, маҳсули иштирок қилади, фан ва техника ривожини таъминлайди. Фаолият тажрибалар билан узвий боғланса, унинг самарадорлиги, мақсадга йўналганлиги, амалга ошиш имконияти юксак босқичга кўтарилади.

Инсон ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида армон муҳим роль ўйнайди, унинг фаолликка чорлайди, ҳаракат қилишга асосий туртки вазифасини бажаради. Армон инсон учун гўёки ушалмаган орзу, ғамгин туйғуларнинг жонлашуви, комфортга интилишга даъват этувчи ҳиссиёт, ижтимоий ва яккаҳол турмушни баҳолаш мезони, фаолликка етакловчи мотив, эзгу ниятлар оғушига тортувчи доимий туртки, лоқайдликнинг олдини олувчи ички руҳий имкониятдир. Шахс учун эйдетик образлар қанчалик аҳамият касб этса, барқарор из қолдирса, армон ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлиб, улардан фарқли ўлароқ доимийлиги, устуворлиги, мақсадга ундовчилиги билан юқорироқ нуфузга эга.

Инсоннинг субъектив хислатлари интеграциясининг юксак шакли ижодиёт (креация) ҳисобланиб, умумлашган имкониятлар тарзида қобилиятлар (истеъдод, иқтидор), талант ва салоҳият вужудга келади. Одамнинг субъектив хусусиятлари, хислатлари ривожининг асосий шакллари руҳан тайёргарлик, старт, кульминация ва финиш саналиб, инсоннинг жамиятдаги ишлаб чиқариш ва ижодиёт фаолиятларини белгилайди. Мазкур тўрт босқич, тўрт мезон, тараққиётни баҳолаш тизими ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, суръати, давомийлиги билан бир-бирларидан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ажралиб туради.

Жаҳон психологияси фанида инсон сифатлари (хислатлари, фазилатлари, хосиятлари) ни индивидуал, шахсга оид ва субъектив гуруҳларга ажратилиши анъанавий ва касбий хусусиятга эга, чунки улар одамнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, алоҳидалиги тавсифидан иборат бўлиб, бир даврнинг ўзида ҳам табиат, ҳам жамият жонзоди эканлигини англатади. Мазкур яхлитликнинг мағзи шахснинг тузилишидир, унда нафақат инсоннинг асосий хислатлари ўзаро кесишади ва умумлашади, балки унинг ижтимоий ва шахсий кўникмалари муайян таркибга келтирилади, қоидавий хусусият касб этади.

Бизнингча, индивид, шахс, субъект тараққиётининг тадқиқотида қуйидаги ижтимоий-психологик ҳолатларга эътибор қилиниши зарур:

**1. Инсон ривожининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳитининг омиллари).**

**2. Инсоннинг шахсий ўзига тааллуқли, асосий тавсифлар, унинг ривожланиши ички қонуниятлари, механизмлари, эволюцион негизда**

**камол топиш босқичлари, барқарорлашуви ва инволюция (ўсишдан қайтиш даври хусусиятлари).**

**3. Инсонни яхлит, мукаммал тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг муттасил равишда такомиллашуви каби факторлар.**

Уч хил хусусиятли тадқиқот дастурининг таркибий қисмлари инсоннинг амалий, назарий ва ижодий фаолиятининг мезонлари ҳисобланади. Чунки бевосита фаолиятни амалга ошириш жараёнида яшаш муҳитини ва ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллашнинг ҳам интериоризация, ҳам экотериоризация даврлари юзага келади.

XXI асрда индивид, инсон, шахс, субъект ва комил инсонни ўрганиш турли йўналишларда, вазиятларда, ёш хусусиятлари, алоҳида ёндашиш негизида, ўзига хос талхлилга, методологик асосга суяниб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Чунки жаҳон психологияси фанида тўпланган назарий ва амалий хусусиятли материаллар мафкуравий нуқтаи назардан таҳлил ҳамда танқид қилмасдан, балки уларни ҳолисона баҳолаш, илмий жиҳатдан талқин қилиш жоиз. Бинобарин, турли психологик илмий мактаблар томонидан тўпланган натижаларнинг оқил жиҳатларини танлаш ва тадқиқотнинг бошланғич нуқтасини белгилашда улардан омилкорлик билан фойдаланиш кўпгина илмий қайтатдан текширувларнинг олдини олади.

Мустақиллик, истиқлол шарофати билан шахсга оид қарашлар, мулоҳазалар моҳияти, унинг мазмуни ва шаклида ўзгаришлар юз берадими, бунинг натижасида эркин фикрлаш, очиқ шаклдаги илмий фаразларни илгари суриш имконияти туғилади. Республикамизда юз бераётган туб ўзгаришлар ҳалқимиз, миллатимиз руҳиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, она юрт мадҳи, аجدодлар меросидан ғурурланиш, маънавият дурдоналаридан фахрланиш ҳислари вужудга келади. Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари ўзининг ҳақиқий, чинакам маъносини касб этади. Кишилардаги ўта сабр-тоқатлилик, итоаткорлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги ўрнини эркинлик, ижодиёт, меҳнат, батамом истиқлолга эришиш зарурияти, оиланинг бутлиги, тўқислиги ва уларнинг истиқболи каби сифатлар, фазилатлар, юксак туйғулар, ҳислатлар эгаллай бошлайди. Бунинг натижасида шахсда табиатга ва жамиятга нисбатан идеал, реал, рационал ва ижодий (креатив) муносабати ўзгармоқда, ҳатто айрим ўринларда борлиқ ва воқелиқдан бегоналашиш, узоқлашиш ва яқинлашиш ҳолатлари рўй бермоқда. Бу ҳолатлар ижтимоий хусусият касб этиб, умумбашарий аҳамиятга эга, чунки жаҳон мамлакатлари цивилизациялашиш даражалари тенглашмоқда. Худди шу сабабли ижтимоий гармония тариқасида юқоридаги илмий ижтимоий-психологик тушунчалар қатор (тараққиёт кўрсаткичи ўзаро уйғунликка эга бўлган) мамлакатларга бир текис ёйилиб, ҳаёт ва фаолиятнинг турли қатламларига кириб бормоқда. Мазкур аср одамларида эса ахлоқий, жисмоний ва ақлий комиллик белгилари, кўрсаткичлари ҳамда босқичларининг мезонлари, уларнинг олдига қўйиладиган талабларнинг моҳияти ўзгаради.



Демакки, табиатга ва жамиятга нисбатан севинч, севги, меҳр-муҳаббат юксак ҳислари, ватанпарварлик ва Ватан туйғусининг таркиблари, негизи, уларни ҳаракатлантирувчи механизмлари бошқача ёндашишни тақозо этади, замон руҳи ва нафасига мослашишни талаб қилади. Инсониятнинг бундай юксак ҳис-туйғулари, англашилган мотивлари шахснинг ўқиш, меҳнат, спорт ва ўйин фаолиятларида, билиш ҳамда муомала жараёнларида вужудга келиши мумкин. Борлиққа ва жамиятга нисбатан муносабатнинг ўзгариши, унинг иерархияси, шакллари, мақоми ва моҳиятида намоён бўлади, уларга йўналтирилган аввалги, эски услубдаги мотивация ўз аҳамиятини нисбий жиҳатдан йўқотади.

Ҳозирги кунда ва келажакда шахсга субъектив муносабат муаммосини ижтимоий жиҳатдан турмушда қарор топтириш учун:

**1. Одам (индивид) - инсон - шахс - индивидуаллик - субъект - комиллик (баркамоллик) иерархиясига риоя қилиш.**

**2. Шахсга нисбатан субъектив муносабат, яъни унда робот сифатида мажбурийлик тамойилига асосланиб (барча хусусиятларни бир текис шакллантириш мумкин, деган хато назариядан воз кечиш) инсон қаршилиқ кўрсатишини ҳисобга олувчи ёндашишни йўлга қўйиш, субъект - субъект алоқасини вужудга келтириш.**

**3. Ҳар қандай субъект - шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш. Бунинг учун мустақил фикрлашга эга бўлиш, шахсий позицияни ҳимоя қила олиш, ғояни амалга ошириш йўлида тўсиқларни писанд қилмаслик, мустаҳкам ишонч, қатъий маслак, иймон негизида асосланиш, интилишда иродавий барқарорлик устуворлигига эришиш. Дунёқараш ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжудлигига иқдор бўлиш ҳамда уни тан олиш ва ҳоказо.**

Бизнингча, индивид, шахс, субъект ва комил инсон тўғрисида мулоҳазалар юритилганда уларнинг онгсизлик, онгостлилик, онглилик ва ўта (супер) онглилик ҳолатлари билан узвий алоқадорлигини унутмаслик лозим. Юқорида келтирилган атамалар онгли мавжудодга тааллуқли эканлиги жаҳон психологияси фанининг илмий манбаларида атрофлича талқин қилинган, лекин уларнинг иерархияси, моҳияти баёнида турлича ёндашув ҳукмрондир. Мазкур мақсадни чуқурроқ очишга йўналтирилган назариялар ўта баҳсли бўлиб, унинг заминиде фақат онг ётиши тасдиқланади, холос. Аслида эса инсон ихтиёрий диққат, ихтиёрий хотира ва муайян мақсадга асосланиб, бирон-бир фаолият инсон томонидан ташкил қилингандагина онг шахснинг ушбу фаолиятини регулятори (бошқарувчи) вазифасини бажаради. Бироқ одам функционал ҳолатининг ўзгариши билан онглиликдан онгсизлик (ихтиёрсизлик) ка ўтиши, ижод, ташаббус унинг учун муомала, фаолият негизига айланса, у ҳолда шахс онгости (мувофиклашув) ҳолатига аста кириб бориши мумкин. Худди шу боисдан шахс бир даврнинг ўзиде ҳар учала ҳолат (онглилик, онгсизлик, онгостлилик) ҳукми остида яшаши, фаолият кўрсатиши, ижод қилиши, муомалага киришиши мумкин. Ҳар учала ҳолатнинг омили негизиде шахснинг камолоти вужудга келади, уларнинг ҳар қайсиси бу жараёнга ўзига хос улуш

кўшади. Онг ҳолатлари табиий равишда бир-бири билан узлуксиз тарзда ўрин алмаштириб туради, чунки инсон ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан кейинги босқичлар ҳукми билан яшайди ва фаолият кўрсатади.

XXI асрда яшовчи инсон онгли, онгости ва онгсизлик ҳолатларидан ташқари, ўз-ўзини англаш имкониятига эга бўлади. Худди шу боисдан ўз-ўзини англашнинг қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ўтмишдаги “Мен” (“Ўзлик”);
- 2) ҳозирги “Мен” (“Ўзлик”);
- 3) бўлғуси “Мен” (“Ўзлик”);
- 4) идеал “Мен” (“Ўзлик”);
- 5) динамик “Мен” (“Ўзлик”).

Ўз-ўзини англаш жараёни миллий ўзлигини англаш билан узвий боғлиқ бўлиб, муайян вақт, муддат ўтишини, яъни маълум даврни тақозо этади, лекин у ҳам эволюцион, ҳам революцион йўл таъсирида амалга ошиши мумкин. Ўз-ўзини англаш борлиқ ва жамиятни инъикос этишнинг юқори босқичи саналиб, пировард натижа сифатида юзага келади, инсоннинг донишмандлигини намоён қилади. Ўз-ўзини англаш беш таркибдан иборат бўлиб, у ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, унинг таркиблари бирин-кетин англашиниш имкониятига эга эмас. Чунки инсонда ўзининг ҳаёти ва фаолияти ютуқлари, нуқсонларини, хулқ-атвор кўникмаларини, ақл-идрок даражаларини, ички имконият захираларини, қадрият ҳамда маънавият кўрсаткичларини оқилона баҳолаш қурби етишмайди. Шахсда танқид ва ўз-ўзини танқид, баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш, текшириш ва ўз-ўзини текшириш, назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш, бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш, такомиллаштириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш, ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш мутаносиблиги мақсадга жавоб бера олмайди. Индивидуал ва ижтимоий онгни тобора ривожланиб бориши мазкур мутаносибликни амалга оширишни таъминлайди, бу эса муайян муддатни талаб қилади.

Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида кўпинча реалликдан бошлайди, ҳозирги ва ғавқулддаги ҳолатни таҳлил қилади, шахсий имконияти билан таққослайди, маълум мезон ёки намуна, ибрат танлаб, унга тенглашишга интилади. Кейинчалик эса келажак, истиқбол режалари уни қизиқтиради, ўзининг нималарга қодирлиги юзасидан мулоҳаза юритади ва бу борада муайян қарор қабул қилишга эришади, лекин унинг онглилиги ёки оқиллилигига шубҳаланади. Уни бир неча марта таҳлил қилиш, қиёслаш, унга ўзгартиришлар киритиш, янгилаш орқали бўлғуси “Мен” ига аниқлик киритади ва фаоллик механизмига айлантиради.

Ўз-ўзини англашнинг навбатдаги босқичида шахс ўтмишини таҳлил қилади, ундаги қусурли ва ибратли жиҳатларни ўзаро қиёслаб устуворликни топишга интилади, бу борада айрим силжишларга эришади. Ижтимоий ҳаётдан у ўзига идеал бўлувчи шахсни танлайди ва ундаги ижобий хислатлар, хусусиятлар ва кўринишларни, кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштира боради. Шахс ўз-ўзини англаш давомида динамик ҳаракатсиз ҳеч бир нарсани рўёбга чиқара олмаслигига иқрор бўлади, натижада узлуксиз ҳаракатлар аста-секин, бирданига, таваккалига амалга ошириш лозимлигини тушуниб етади.

Динамик ҳолатни баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, бошқариш натижасида динамик “Мен” шакллана бошлайди. Ўз-ўзини англашнинг беш таркибий қисми бир текис инсоннинг маънавий дунёсига айланса, демакки, унда мукаммаллик, баркамоллик даражаси вужудга келганлигидан далолатдир.

Ўз-ўзини англаш шахснинг фазилатига айланиши учун муайян давр, вақт, муддат талаб қилади, шунинг учун ўқувчилар, талабалар ва республикамизнинг бошқа фуқаролари билан дастурий тадбир-чоралар ўтказиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

XXI аср одамлари комилликни эгалловчи, яъни комил инсонликка интилувчи шахслардан таркиб топиши лозим. Комилликнинг бир нечта мезонлари мавжуд бўлиб, унда жисмоний баркамоллик, ахлоқий баркамоллик, бетакрорлик, ақл-заковатлилиқ сингари шахснинг ижтимоий тарбиявий таркиблари ўз ифодасини топади. Комилликнинг ўзига хос босқичлари, объектив ва субъектив хусусиятли шарт-шароитлари, омиллари мавжуддир. Комил инсон имконияти чексиз, ўз иқтидори, истеъдоди, салоҳияти, қобилияти, донишмандлиги, қомусийлиги билан ўз замондошларидан сезиларли даражада илгарилаб кетувчи, бетакрор, ўта (супер) онгли, биосфера ва неосфера муносабатларини англовчи онгли зотдир (онглиликнинг онглилиги устувордир). Бизнингча, бу даражага барча фуқаролар эришиш имкониятига эга эмас, чунки бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив омиллари, шарт-шароитлари мавжуддир. Худди шу сабабдан шунчаки интилиш, майл, лаёқат билан юксак камолот чўққисига эришиб бўлмайди, мазкур ижтимоий ҳолатни чуқурроқ тадқиқот қилиш фаразларимизни ё тасдиқлайди ёки инкор қилади.

XXI асрда яшовчи одамлар инсонпарварлик ғояларини акс эттирувчи кишиларнинг тимсоли сифатида ҳаёт ва фаолиятда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини ифодалай олиш, ўз-ўзини камол топтириш, ўз-ўзини кашф қилиш имкониятларига эга бўлмоқлари лозим, бу эса ўз навбатида муайян тарихий даврни тақозо этади.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчиси билан алмашиш, шунингдек, мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтиришга муҳим замин ҳозирлашда давом этади. Миллий туйғу, миллий қиёфа, миллий характер, миллий таъб, миллий куй ва рақс, миллий маънавият, қадрият таъсири остида ўзининг туб моҳиятини акс эттира бошлайди. Лекин бу имкониятдан тўла фойдаланиш учун барча халқ етарли даражада тайёр эмас, чунки ҳар бир шахс руҳиятида эҳтиёж билан имконият ўртасида муайян карама-қаршилиқлар ҳукм суради. Ҳар бир инсон ўзининг бирданига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди, чунки шахслар орасида тафовутлар мавжуд бўлганлиги туфайли “сунъий” ликка йўл қўйиш одатдан ташқари ҳолатдир.

Ўтмишнинг бой мероси, унинг ижтимоий-тарихий анъаналари, расм-русумлари, маросимлари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтарилишига қарамай, халқ унинг ҳукмдорига айланишига руҳий жиҳатдан тайёр эмасдир. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида улардаги этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлайди, миллийлик, умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилиқ, тенг

ҳуқуқлилик алоқалари ўрнатила боради. Байналмилалчилик миллийлик, миллий бирлик хусусиятлари билан уйғунлашишда давом этса, миллатлараро муносабат ўзаро тушунув, ўзаро яқинлик, ўзаро мослик негизига қурилади.

XXI асрда шахсни шакллантиришда, ахлоқ-одоб қоидаларини ижтимоий турмушда қарор топтиришда дин, шу жумладан ислом ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказишда давом этади. Диний билимларнинг моҳиятига тушунувчилар сафи кенгаяди, уларга риоя қилувчилар, итоатгўйлар кўлами ортади, унинг атрибутларини қабул қилувчилар миқдори кўпаяди. қуръони Карим, Ҳадислар таъсири шахсни шакллантиришда муҳим воситага ва ҳаракатлантирувчи кучга айланади, иймон фаоллик тушунчасидан ҳаракат, ҳуқ регулятори вазифасини бажаришга ўсиб ўтади, инсонлар ўртасида поклик, ростгўйлик, самимийлик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам туйғулари, нисбий тенгликни келтириб чиқаришга хизмат қилади. Шахслараро муносабатда тенглик, жинсий тафовутни одил баҳолаш, ҳақчиллик каби умуминсоний хусусиятларни таркиб топтиришда диний адабиётларнинг роли янада ортади, тобора оммавийлашаверади. Лекин дин билан фаннинг бир-бирига қарама-қарши қўйиш вазиятга барҳам бериш ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кафолати ҳисобланади, бунга аждодларимиз (Ибн Сино, Ал Форобий, Беруний, Улуғбек ва бошқалар) тажрибаси ёрқин мисолдир.

Ёр куррасида ижтимоий гармониянинг (мувофиқлашувнинг) мавжудлиги, ёшлар ўртасида ғарб цивилизациясига (кийиниш, рақс, кўшиқ, ҳуқ-атвор, бегоналашиш, айрим хирсларга) нисбатан муваққат қизиқиш, интилиш, эҳтиёжнинг ҳуқ суриши миллийликни 25-30 йилга кечиктириш хавфини туғдиради. Миллийликнинг кучайиши етуклик даврига тўғри келади, лекин шу вақт оралиғида кўп нарсалар бой берилган бўлади, бироқ мазкур узилишни тиклаш учун авлодлар ўртасида умумий бирлик, миллий стереотип яратилиши зарур.

XXI аср бошида ҳам республикаимиз фуқароларининг онгидаги, фикрлаш воситасидаги, турмуш тарзидаги тафовутлар мавжудлиги учун улар ўртасида табақаланиш сақланиб қолади. Экологик маданият, биосфера ва неосферага зарар келтирувчи илмий-тадқиқотлар инсон ақл-заковати билан бошқарилади, ажал қуроллари ўрнини хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам, умумбашарий хусусиятлар эгаллайди, жамият ва табиатни асраш одамларнинг эътиқодига айлана боради. Фазовий алоқалар кенгайиши натижасида фан ва техника маҳсулларига муайян аниқликлар киритилади, уларнинг ривожланишида интеграция жараёни юзага келади, тадқиқотлар гуруҳий ва жамоавий фаолият негизига амалга оширилади, бу эса миллатларнинг ўзаро яқинлашишига муҳим имкон яратади, миллатлараро муносабат тенглик асосига қурилса, бир миллат салоҳияти иккинчисига таъсир ўтказади, маънавият намуналари билан халқларнинг бойиши шахс камолоти учун муҳим негиз ҳозирлайди.

Миллатлараро руҳий муҳитнинг яратилиши - фан ва техниканинг ривожига ижобий таъсир этади, мутахассислар тайёрлаш сифатини замон талаби даражасига кўтаради. Миллатлараро фикр алмашув, тажрибалар билан ўртоқлашув XXI аср одамларининг мукамаллик даражаси юксалишига беминнат хизмат қилади.

XXI асрда ҳам одамларнинг камолоти негизи сифатида оила, мактаб, ижтимоий муҳит, ишлаб чиқариш ўз мавқеини сақлаб қолаверади. Шахсни тарбиялаш қуйидаги манбаалар асосида амалга оширилиши мумкин:

- 1) муайян тизимли, узлуксиз тарбиявий, дастурий таъсир орқали;
- 2) идеал, намуна тимсолида ўз-ўзини тарбиялаш, такомиллаштириш;
- 3) ижтимоий муҳитдаги шахслараро муносабатда таҳлил қилиш, ибрат олиш воситалари ёрдами билан хулқ-одоб, фикрлаш малакаларини эгаллаш;
- 4) аجدодларимиз яратган бадий, фалсафий, санъат асарларини ўзлаштириш орқали янги хислатларни ўзлаштириш кабилар.

Таълим ва тарбия жараёнида республиканинг тарихи, маданияти, узоқ аجدодларимиздан етишиб чиққан жаҳонгашта кишилар, илм-фан арбоблари, мутафаккир, маърифатпарварлар тўғрисида билим уруғини сочиш ёшларда гурур ва ифтихор туйғуларини вужудга келтиради. Ўзбекистоннинг фан ва техникаси, унумдор тупроғи, сахий ва заҳматкаш халқи, фойдали қазилмалари, жаҳон ва умумхалқ бозоридаги пахтаси, ипаги, қорақўли салмоғининг берилиши - уларда миллий онгни ўстиради, миллий ўз-ўзини англашни такомиллаштиради, ижтимоий фаолликни жадаллаштиради, уларни ижодий изланишлар сари етаклайди, ақлни пешлаш машқлари вазифасини бажаради.

Ёшлар ўртасида миллий орасталик, соч ўстириш, тараш, ўриш ва кийиниш маданияти, ворислик масъулияти, миллий таъб ҳамда дидга мувофиқ равишда иш юритиш ҳақида маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, амалий укувлар билан қуроллантириш юқори самара беради.

Ота-боболаримиздан халқимизга мерос қолган сахийлик, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тантилик, садоқатлилик, поклик, одоблилик фазилатлари миллий характернинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу хислатларни таълим-тарбия жараёнида ёш авлод онгида шакллантириш, улар руҳиятини халқ дурдоналари билан бойитиш, миллий кадриятлардан оқилона фойдаланишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ахлоқ ва одобли бўлиш, ота-оналар ва катталарга ҳурмат, самимийлик, иноқлик, кадр-қиммат, виждонлилик, ифбатлилик, ўзаро ёрдам каби инсоний хислатлар ўзбек халқи маънавиятининг рамзи саналади. Миллий маънавий бойлигимизни ўқувчилар чуқур эгаллашлари учун унинг бебаҳо дурдоналарини кенг кўламда намоиш қилишимиз, булар тўғрисида ёшлар онгига муайян билимларни сингдиришимиз зарур.

Одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат, оқилона муносабати, тўғри мулоқоти, илтифоти, эҳтироми халқимизнинг ички гўзаллигини, бой маънавий ва руҳий қиёфасини ифодалайди. Халқимизнинг ҳақиқий инсонпарварлиги, маънавий гўзаллиги, ватан, жамият манфаати йўлида жон фидо қилишида, инсон осойишталиги, бахт-саодати учун қайғуришида ўз ифодасини топади. Пок қалбли, софдил, диёнатли, виждонли, иродали халқимизнинг олижаноблиги, унинг танишга ҳам, бегонага ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзишида намоён бўлади. Халқимизнинг ажойиб фазилатларидан бири - дўстликка садоқатдир.. Дўстлик бор жойда меҳру-муҳаббат, вафо, садоқат, адолат, ҳақиқат қарор топади. Бу эса ўз навбатида инсоннинг маънавияти ва

руҳиятига, ақл-заковатига тетиклик бахш этади, уни яхшилик, самимийлик сари етаклайди.

Ўзбек оиласида тарбия моҳияти, мазмуни, тарбиянинг кундалик ва истиқбол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида халқ анъаналари ётади.

Ўзбек халқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш - ХХІ асрда яшаш насиб этган одамларни баркамол шахс сифатида таркиб топтиришда муҳим роль ўйнайди. Худди шу боисдан ҳам халқимизнинг миллий руҳиятидаги бундай урф-одатлар, анъаналар, удумлар келажак авлодга обида, мерос тариқасида қолдирилиши муқаддас бурчдир.

Юқорида санаб ўтилган ажойиб миллий фазилатларимизнинг барчасини келажак аждодларимиз шахсиятида шакллантириш имкониятига умид қиламан, ўйлайманки, улуғвор инсоннинг эзгу нияти, албатта рўёбга чиқади.

### **8.Ўзини ўзи англаш**

Ҳозирги замон психология фанининг методологик ва назарий муаммолари қаторида қўлланиладиган асосий категориялар, тушунчалар, таърифларга аниқликлар киритишдан, тезаурус, контекст нуктаи назаридан уларни талқин қилишдан иборатдир. Ушбу мулоҳазалар моҳиятини ўзини ўзи англаш, ахлоқ, маънавият, тараққиёт, динамика ва шахсга оид тушунчалар тўғрисидаги қарашлар ташкил этади. Мазкур тушунчалар ўзаро иерархик тузилмага эга бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади ва ўзига хос муайян тизимни вужудга келтиради, мажмуанинг марказида эса инсон (шахс, субъект, комил инсон) туради.

Шу фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, психология фанида ахлоқий ўзини ўзи англаш руҳий жараён, ҳодиса, воқелик, хусусият сифатида алоҳида ўрганилмаганлиги туфайли уни таҳлил қилиш ўзини ўзи англаш, ахлоқ, миллий характер, маънавият, қадрият категориялари билан бевосита боғлиқ равишда амалга оширилади.

Бизнингча, ажратиб кўрсатилган категориялар, тушунчаларни ўзига хос тарзда ёритиш психологияни асосий ва устувор атамаси саналмиш шахсни яққол англаш имкониятини яратади, ахлоқий ўзини ўзи англашнинг ижтимоий-психологик воқелик тариқасида аниқ намоён бўлишини ўрганишни кафолатлайди.

Ахлоқий ўзини ўзи англаш «ўзини ўзи англаш» нинг хусусий (алоҳида) кўриниши, жабҳаси бўлганлиги туфайли унинг руҳий тузилиши, табиати, ўзига хослиги, таркиб топиши, ривожланиши ва такомиллашуви, объектив, субъектив, ички ҳамда ташқи шарт-шароитлари, энг аввало, ўзини ўзи англаш жараёнининг ички хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Психология фанида унинг назарий, амалий ва татбиқий томонлари муайян даражада ўрганилган, ҳозир ҳам изланишлар давом эттирилмоқда, чунончи, Л.С.Виготский, С.Л.Рубинштейн, В.С.Мерлин, А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович, А.Г.Спиркин, Е.В.Шорохова, И.И.Чеснакова, П.Р.Чамата, К.А.Абулханова-Славская, В.В.Столин, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Т.Ғаффаров ва бошқалар.

Ҳозирги замон психология фанида ўзини ўзи англашнинг табиатини тушуниришда, талқин қилишда икки хил қараш, ёндашиш мавжуд бўлиб, улар бир-биридан кескин даражада тафовутланиб туради. Биринчи ёндашишга қараганда, ўзини ўзи англаш-бу ўз йўналишини ўзгартирган онгнинг айнан ўзидир, худди шу боис у инсон онгининг махсус кўриниши демакдир. Ушбу талқин собиқ совет психологиясида кенг тарқалган назария бўлиб Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Е.В.Шорохова, И.И.Чеснакова, В.В.Столин ва уларнинг шогирдлари томонидан илмий амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб келинмоқда.

Бу соҳадаги иккинчи мулоҳаза С.Л.Рубинштейннинг илмий ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, кейинги даврларда унинг шогирди К.А.Абулханова-Славская томонидан ўтказилган изланишларда изчил равишда ривожлантирилмоқда. Унинг фикрига биноан, онг ва ўзини ўзи англаш жисмоний реал ҳамда юридик шахсга тааллуқли хусусиятлардан иборат бўлиб, улар унинг ҳаёти ва фаолиятини восита ёки «курол» сифатида таъминлаб турувчи руҳий жараёндир. Бизнингча, иккинчи ёндашиш ўзини ўзи англашнинг табиати юзасидан тўғри (адекват) маълумот бериш имкониятига эга, бинобарин, методологик нуқтаи назардан уни илмий-назарий ва амалий-тадқиқий жиҳатдан тадқиқот қилиш юксак кўрсаткичлар бериш мумкин.

Юқоридаги ўзини ўзи англашнинг руҳий табиати ҳақидаги икки хил муносабатнинг мавжудлиги- унинг пайдо бўлиши сабабларини, йўналиш объектини, тадқиқот предметини турлича ёритилишга олиб келади. Биринчи ёндашашга кўра, ўзини ўзи англашни вужудга келишининг бош сабаби-инсон билан жамият ўртасидаги муносабатнинг ўзаро номутаносиблигидир. Инсон муайян жамиятда, микро ва мизе муҳитда яшар экан, у худди шу муҳитда (макро, микро, мизе) мавжуд бўлган қонун-қоидаларга ва тартиб-интизомга бўйсунушга ҳамда шулар асосида, уларнинг негизида ўз хулқ-атвори, муносабатларини идора қилишга, бошқаришга мажбурдир. Ўз хулқ-атворини ва муносабатларини ўзи идора қилиш жараёни (уқуви) эса, уларни юзага келтирувчи эҳтиёжларни, хоҳиш истакларни, мотив ва майлларни, мақсад ва қизиқишларни (имитация, идентификация, рефлексия босқичлари кечишини) бошқаришдан иборатдир. Бундай кўринишдаги, тузилишдаги, мазмундаги англаш ва уни идора қилиш психологик нуқтаи назардан эҳтиёжнинг индивидуал онгдаги ифодасини ҳамда улар ўртасидаги бўладиган муносабатларни тартибга солишни тақозо этади. Унинг пайдо бўлишининг бош сабаби ҳам, йўналиш объекти ҳам онгдир, яъни у онгнинг ички барқарорлиги натижасида юзага келади ва барқарорликни (ички мувофиқликни) шакллантириш учун хизмат қилади.

Шу нарсани таъкидлаш ўринлики, биринчи ёндашишнинг намояндалари талқинида онгнинг ички беқарорлигини вужудга келтирувчи элементар (таркиблар, руҳий тузилма қисмлари) юзасидан оладиган маълумотларга қаратади. Бундай маълумотлар инсон томонидан ўзлаштирилгандан кейин бир хил мазмунга эга бўлмаганликлари туфайли ўзаро қарама-қаршиликка учрайди, уларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш учун инсон ижтимоий онгига мурожаат қилади ва шу йўл орқали маънолар ўртасидаги зиддиятни бартараф

этади. Худди шу боисдан ҳам Л.С.Виготскийнинг шахсий фикрича, ўзини ўзи англаш турли хил маънолар ўртасида бирликни (умумийликни) вужудга келтириш жараёни сифатида ва ўзлаштирилган онг тариқасида намоён бўлади.

А.Н.Леонтьев талқинига қараганда, индивидуал (якка шахсга оид) онгдаги моҳият билан мазмун ўртасидаги зиддият ўзини ўзи англашнинг сабабчисидир. А.Н.Леонтьевнинг шогирди В.В.Столиннинг уқтиришича, ўзини ўзи англашнинг асосида (негизида) «менлик» нинг мазмунлари ўртасидаги зиддият ётади.

Б.Г.Ананьев изланишларида акс этишича, ўзини ўзи англашнинг пайдо бўлиши омили- одамнинг индивидуал хосияти, фаолият субъектлилиги шахслилик хусусиятларининг таркиб топишидаги нотекислик ва гетерохронликдир. Унинг мулоҳазасига кўра, ўзини ўзи англаш ана шу учала хусусиятни ўзаро мувофиқлаштиради ва худди шу тариқа онгнинг индивидуаллигини таъминлаб туради.

Амалга оширилган психологик таҳлилдан кўриниб турибдики, биринчи ёндашувда ўзини ўзи англаш хулқ-атвори ва муносабатларни белгиловчи ҳамда идора қилувчи мустақил субъектга айланади, натижада реал инсон тадқиқот марказидан узоқлашади, унинг ўрнини онг ва ўзини ўзи англаш эгаллайди. Бизнингча, ўзини ўзи англашни бу тарзда тушуниш (ва тушунтириш) унинг психологик табиатини атрофлича, тўлиқ ёритишга имкон бермайди ва назарий жиҳатдан нотўғри (ноадекват) хулоса чиқаришга, шошилиш қарор қабул қилишга олиб келади.

Иккинчи йўналишнинг асосчиси С.Л.Рубинштейннинг тадқиқотларига асосланиб, биз ўзини ўзи англаш муаммосини тадқиқ этишга асосий диққат-эътиборни, энг аввало, унинг субъектига, яъни инсонга-шахсга қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисолаймиз. Ушбу фикрни бошқача сўз билан ифодалаганда, ўзини ўзи англашни шакллантиришнинг манбаи онг ва ундаги зиддият бўлмасдан, балки инсоннинг таркиб топиши ва ривожланиши саналади. Руҳий фаолиятнинг махсус ҳолдаги (вазиятдаги) объектив шарт-шароитлар сифатида одамларнинг ҳаёти, умумий яшаш шароити деб ёзади С.Л.Рубинштейн, - акс эттириш фаолиятининг шarti ҳақида гап кетганда, одамнинг турлича намоён бўлишининг, умумий шартлари ичидан худди мана шу инъикос этиш фаолиятининг махсус шартини ажратиб олишимиз зарур бўлади. Ўзини ўзи англашнинг пайдо бўлишини таъминловчи махсус шартни аниқлаш унинг субъекти тўғрисидаги муаммони ҳал қилишни, муайян йўл-йўриқлар ва оқилона усулларга асосланувчи ечимни талаб қилади.

Жаҳон психологияси фанида тўпланган маълумотлардан маълумки, инсон (шахс) ўзини ўзи англаши учун худди шу ўзини ўзи англаш хусусиятининг (жараёнининг) субъекти бўлиши муқаррар.



# Шахснинг ҳозирги замон назариялари Шахснинг ҳозирги замон тузилиши

Шахс

О Н Г

ЫЗИНИ ЫЗИ АНГЛАШ

Борли==а  
муносабат

Шахс  
йыналганлиги

Ахло=ий  
Дунё=арашга  
йыналганлик  
Эмоционал  
йыналганлик

ЭШТИЁЖЛАР

Мотивлар

Фаолият ва  
Хул= услуби

Темперамент

Характер

Муомала

Фаолият  
Хул=

Шахс  
имкониятлари

+обилиятлар

Билим  
Кыникма  
малака

Интуиция  
Эвристика  
жараенлар

Психик  
жараёнлар

Идрок  
Хотира  
Тафаккур, хаёл


Психик  
щолатлар

## Асосий (фундаментал) эҳтиёжлар иерархияси



## А. Маслоу пирамидаси

## Шахсининг асосий эҳтиёжлар



## 9. Аждодлар комил инсон тўғрисида

Комил инсон муаммоси инсониятнинг азалий эзгу нияти бўлиб, ижтимоий — тарихий тараққиёт даврининг барча босқичларида ўзининг бирламчилиги, ўта долзарблиги билан алоҳида ижтимоий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамият касб этиб келган. Маънавий меросимиз бўлмиш "Авесто"дан бошлаб комиллик масаласи тадқиқот предметига айланган ва бу нарсa то ҳозирги давргача кишилик дунёсининг серқирра олимлари, маърифатпарварларини чуқур қизиқтириб келган ҳамда унинг бетакрор нуфузи бундан кейин ҳам асрлар оша шахслар ақл — заковатининг марказидан пухта жой эгаллаганича қолаверади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, табиат билан жамият ўртасида ҳукм суриб турувчи алоқалар ва муносабатларни амалга оширувчи, унинг (табиатнинг) неъматларини тартибга келтиришда фаол иштирок этувчи онгли мағрур зот ҳамда оламнинг сирлари, ажойиботларини тушунишга интилувчи кенг савияли, юксак даражага эришувчи, бетакрор комил инсон масаласи ҳар бир давр учун ўта аҳамиятли, қийматли ҳисобланган.

Маънавият ва маърифат масаласи давлат сиёсатининг диққат марказида турганлиги тарихийлик тамойилига бевосита асосланган ҳолда нарсa ва ҳодисаларга тўғри ёндашиш, уларни оқилона, одилона, омилкорлик билан эксперт баҳолаш, сохта талқиндан, бузилган таҳлилдан батамом тозалаш, теран фикрлар, донишмандлик маҳсулалари сарчашмаларидан халқимизга маънавий озуқа бериш умумбашарий воқелик тантанасига айланади.

Энг камида уч минг йиллик ёзма илмий-тарихий манбага эгалик, ҳукмронлик қилган аждодларимиз жаҳон маданиятига (цивилизациясига) салмоқли ҳисса қўшганликлари юзасидан кўплаб илмий асарлар яратилган ва изланишлар ҳозир ҳам жадал суръатда давом эттирилмоқда. Аммо биз Ўрта Осиё Уйғониш даври ва ундан кейинги асрларда ижод этган алломалар, даҳолар таълимотини таҳлил қилмоқчи эмасмиз, бинобарин, эзгу ниятлар халқ ижодиёти, амалиёти моҳияти билан қоришиб кетган қадриятларнинг илмий илдизини очишга ҳаракат қиламиз, холос.

Аждодларимиз инсонни комилликка эришишининг босқичлари, манбалари, асослари, омиллари, механизмлари юзасидан кенг кўламли мулоҳазалар юритиш билан кифояланиб қолмасдан, балки уни ҳаракатлантирувчи кучига объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт — шароитлари ҳақида ҳам илмий — амалий хусусиятли ғоялар яратганлар ва атрофлича таҳлиллаб беришга ҳаракат қилганлар. Аждодларимизнинг вакиллари қайси таълимотга (диний ёки дунёвий) ва илмий платформага (илмий мактабга, назарияга) асосланганлигидан қатъи назар, амалиёт — ҳақиқат мезони эканлигидан келиб чиқиб, унинг бирламчи, устувор мезон, ўлчам сифатида миллий ўзликни англашнинг суръатини ошириш учун ўрганилишга лойиқдир.

Организм (тана ва унинг аъзолари)нинг мўътадил равишда ишлаши инсоннинг барча руҳий ҳолатлари, ҳодисалари, хусусиятлари, хислатлари, механизмлари, қонуниятлари, шунингдек, акс эттириш имконияти, хулқ — атвори, турлича фаолият кўринишлари ҳукм суришини мақсадга мувофиқ амалга ошишини

таъминлаб туради. Модомики шундай экан, функция (физиологик ҳолат сифатида), аъзоларнинг ўзаро муваффиқлашган тарзда ҳаракат қилиши бирламчи, яъни табиий — биологик негизини ташкил қилиб, унинг негизида инъикос этиш имкониятининг муайян даражалари, босқичлари, фазалари ҳамда ўзаро таъсир (интеракцион), узатув (коммуникатив); перцептив (стереотиплик), индентификацион (рефлексив), интериоризацион, экстериоризацион вазиятлари, экстрополяция шакллари, микро, макро ҳамда мизе муҳитларга алоқадорлиги умумий ҳолатнинг хусусий вазиятларга кўчиши кўп жиҳатдан таъкидлаб ўтилган бирламчиликка боғлиқдир. Маълумки, тана аъзоларининг функционал хусусиятлари уларга келиб тушадиган озукалар сифати, тузилишига, қабул қилиш муддатига, бошқача сўз билан айтганда нутратив (ички) ҳолатлар мажмуасига боғлиқ бўлиб, муайян мезонлар, меъёрларга риоя қилинган ҳолдагина мўътадил ишлаши мумкин, холос. Ижтимоий—тарихий тараққиёт давомида инсонларнинг организмларида у ёки бу тарздаги ўзгаришлар юз бериб келмоқда, бунинг натижасида уларнинг катталашуви ёки кичиклашуви, пишиқлашуви ва мўртлашуви билан антропогенетик, фоногенотипик, морфологик, конституцион тузилишларга маълум таъсирини ўтказди. Организмнинг таркибларини юзага келтирувчи моддалар (заррачалар) нисбатининг, (архикортекс, палеокортекс, ноокортекс қисмлари орасидаги муносабат камайиши ёки ортиши) табиий равишда ўзгариши уларнинг тириклик, ташқи таъсирларга чидамлилиги (мўртлиги), функцияси, яъни ички тузилишининг ўзига хос томонларини келтириб чиқаради. Биосфера билан ноосфера ўртасидаги узлуксиз равишдаги алоқаларнинг мавжудлиги бир текис, муайян қонуният асосида ҳаракатланиш билан бир қаторда нотекис (ғайритабиий, хаотик) ҳаракатлар ҳам амалга ошиб туришлигини илмий жиҳатдан тан олиш зарур эканлигини тақозо этмоқда. Аждодларимиз осмон жисмлари ҳаракатларини кузатиб у ёки бу тарздаги фалокиёт илми — мўъжизаси тўғрисида башорат (прогноз) қилишлари негизида ҳам қандайдир эмас, балки аниқ, амалий кузатишлар (визуал тафаккур) маҳсуласи маълум давр ва даврийлик қонунияти асосида ҳаракатланишнинг ҳам сабаби, ҳас оқибати мужассамлашганлигидан далолат беради. Мунажжимларнинг башоратлари мутлақ ҳақиқат бўлмаса — да, лекин уларнинг мазмунида (коса тагида нимкоса деганларидай) маълум даражада оқиллик, аждодлардан авлодларга ворислик сифатида ўтувчи ижтимоий, илмий — амалий тажриба ётишини унутмаслик жоиз. Хурофат тариқасида ҳар қандай ғояни танқид қилишлари осон йўл йўқ, аммо инкор сиёсий, синфий ёрлиқлар асосига қурилиши ижтимоий тараққиёт (прогресс), ижтимоий маданият (цивилизация, социокультура) учун салбий (негатив) оқибатларни олиб келади, жадаллик (интенсификация) ўрнини тўхталиш (тормозлаш) эгаллайди, натижада илмий ғоялар баҳси эски қолипдаги измларнинг (материализм ва идеализм) муросасиз кураши талқини билан ўрин алмашиш хавфи туғилади. Бундай нохуш илмий сафсаталарнинг олдини олиш учун ижтимоий — тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан тўпланган хилма—хил қарашлар, ёндашишлар, талқинлар, тавсифлар, таълимотлар, стереотиплар, хуллас барча маънавий бойликларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш орқали омилкор томонларини топиш ва улардан

одилона фойдаланмоқлик даркор. Шу мулоҳазали фикрни такрор —такрор таъкидлаш жоизки, табиатдаги хоҳ қонуний, хоҳ ғайритабиий (хаотик) ҳаракат бўлишдан қатъи назар, биосферага ҳар хил заррачалар, моддалар борлиқ бўйича кенг тарқалиши, осмон жисмларининг ўзаро бир—бирига яқинлашуви ҳаддан зиёд ҳарорат кўтарилиши, иссиқликнинг меъёридан ортиқча тақсимланиши, нурлар (нурланиш) кўпайишига олиб келиши, уларнинг оқибатида табиий офатлар (кўргиликлар) пайдо бўлиши мумкин. Худди шу боисдан аجدодларимизнинг маънавиятида давр ўзи учун зарур алломаларни ва бетакрор шахсларни бир асрда ёки ундан ҳам ортиқ даврда (муддатда) яратади, деган башорат куриқ мушоҳада эмас, балки табиатдаги ўзгаришлар, муносабатлар, мувофиқликлар, мурожаатлар, инсон камолоти учун энг қулай (сензитив) моддалар билан таъминлаш тўғрисидаги (унинг мағзидаги) табиий майл, лаёқат, истеъдод, иқтидор, салоҳият кабиларнинг бақувват ҳаракатчан нишонлари, аломатлари имконияти юзасидан илмий ғоя ётади. Шунинг учун халқ, этнос, улус ўртасида дохил, даҳо ҳар қуни туғилмайди, балки унга нисбатан жуда кучли эҳтиёж сезилгач, ижтимоий зарурият устуворлик қилганда, эволюцион қонуният эса имкон берганда, вазият пишиб етилганда ихтиёрсиз равишда содир бўлади.

Аждодларимиз фарзанднинг туғилиши лаҳзасига, қунига, ойига, йилига, ҳафтасига, мавсумига, ота—онанинг ёшига қатъий аҳамият берганлар. Шунингдек, поклик, ҳалоллик фарзандлар камолоти учун муҳим негиз эканлиги аждодларимиз таълимотининг устувор йўналиши ҳисобланади. Улар комилликка турлича талқин беришига қарамай, негизида энг муҳим ва асосий учун ўрта мезон ётиши (жисмоний, ахлоқий, ақлий) тан олинади, лекин бу даражаларга эришиш йўл ва воситалари айрича эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Ижтимоий ҳаётда тараққиёт (прогресс) ни келтириб чиқарувчи омиллар ва тамойиллар тўғрисидаги таълимотларга нисбатан муносабатлар ўзгариб бориши бир қатор ҳар хил хусусиятли методологик муаммоларни юзага келтиради. Бизнингча, ҳар қайси муаммо тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучининг моҳияти ва мазмуни билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, биосфера билан ноосфера алоқаси, уларда батартиб (текис ҳаракат) ва бетартиб (хаос) ҳаракатланиш эҳтимоли мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалар авж олиб бормоқда.

Психология фанида унинг моддий асослари юзасидан мулоҳаза юритилганда биосфера ва ноосферада ҳаракатлар батартиб амалга ошади, бунинг натижасида табиий қонуниятлар воқелик, ҳолат ва ҳодисаларни бевосита бошқариб туради, яъни регуляция қилади деб тушунтирилган. Бироқ биосферада ҳам, ноосферада ҳам бетартиб (хаос) ҳаракат ҳукм суриши мумкинлиги ҳақидаги омиллар диққат марказидан муайян даражада ўзоқлашган. Натижада объектив ва субъектив сабаблар оқибатни келтириб чиқариши тан олиниб, оқибат сабабнинг (сабабийликнинг) юксак мотиви сифатида вужудга келтириши психологиянинг тадқиқот предметиға хатто киритилмаган. Фазовий алоқалар нафақат стихиялар келтириши билан тавсифланади, балки табиатга ва инсонларга ижобий таъсир этувчи заррачалар, моддалар, нурлар ёйиш, бойитиш имкониятига эга. Ер қуррасига баъзи бир

касаликлар (инфарк, рак, инсулт ва ҳоказолар) тарқалишининг асосий омили ҳисобланса, иккинчи томондан, мия, тана аъзолари таркибларига мос заррачаларнинг муайян шаклда муваққат идрок майдонига тўпланиши туфайли тез фикрлаш, кашфиёт (интуиция негизида), ижодий (креация) илҳом вужудга келиши мумкинлигини гипотетик тарзда изоҳлашга, далиллашга имкон туғилади. Худди шу ходисага асосланиб идрок майдони (инсон турган чекланган фазода) кириб келган заррачалар мия таркибига мутаносиб равишда "сунъий мия" ни муваққат тарзда ҳосил қилади. Моддий инсондаги мия билан унинг атрофидаги "сунъий мия" ўртасида алоқа ўрнатилади, идрок майдони ўзаро туташган занжир реакциясини пайдо қилади, натижада икки манбага асосланувчи фикрлаш жараёни ишга тушади. Иккиёклама туташ тафаккур манбаларининг жадал (интенсив) ҳаракати туфайли билиш жараёнларининг самарадорлиги ва маҳсуласи икки барабар кўпаяди. Бизнинг, худди шу фактик ҳодиса интуициянинг моддий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълум вақт ўтгандан кейин идрок майдонидаги "сунъий мия" заррачалари ҳавога тарқалади, иккинчи стимулятор худди шу тариқа ўз функциясини бажариб бўлади. Мазкур ҳодисанинг такрорланиши кашфиёт, ижодий илҳом кучайишига олиб келади, фикрлаш маҳсулдорлиги механизми ролини адо этади.

Стихиялар ҳақида ҳам манфий, хаотик ҳаракатларнинг маълум йўналишда, муайян фазода ва маконда муваққат ҳукм суриши эҳтимolini далиллаш мумкин. Баъзи ўринлардаги фавқулоддаги ходисалар, ҳолатлар, кечинмалар, омадсизликлар ёки омад кулиб боқиши каби воқеликни тушунтиришда ҳам иккиёклама стимулятор (гоҳ мусбат, гоҳ манфий) таркибининг дадиллик, ҳаёлпаршонлик, фрустрация, эйфория (кашфиёт кучайиши) қамраб олиши, бир томондан, инсонга қувонч туйғусини, иккинчи томондан, омадсизлик, бахтсизликни келтиради. Сунъий кучайтиргич ёки сусайтиргичлар таъсирини илмий асосда тушунтириш психология фани жавоб бера олмайдиган бирон—бир ҳодиса йўқ эканлигидан далолат беради.

Психология фанида кўп йиллар давомида ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги мувофиқлик, мутаносиблик тараққиётни белгилайди, деган ғоя фанимиз методологиясида ҳукм суриб келар эди. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш кучлари (инсонлар: хизматчилар, ишчилар) билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги мувофиқлик, мослик тараққиётни эмас, балки барқарорлик (стабиллашув)ни келтириб чиқаради, холос. Бинобарин, барқарорлашув ўсишни (прогрессни) билдириб келмасдан, балки унинг бир текис маромда кечаётганлигини (маҳсулот, хомашё тайёрланилаётганлигини) англатади, демак бу ҳолат умумий тараққиётни эмас, балки мўл-кўлчиликни, серобчиликни билдиради.

Иккинчи томондан ишчилар синфига нисбатан берилган юксак баҳо ҳам тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучи тўғрисидаги муаммога адекват тарздаги жавоб вазифасини бажара олмайди. Чунки ишчилар синфи уюшган, илғор бўлишига қарамасдан, бу макро гуруҳ ижтимоий ҳаётда мўл-кўлчиликни яратиш, яъни моддий неъматлар, меҳнат аслаҳалари ишлаб чиқариш билан чеклангандир. Лекин ушбу синф янгилик вужудга келтириш, кашфиёт қилиш

билан асло шуғулланган эмас ва бу нарсани амалга ошириш имконияти бу ижтимоий гуруҳда мутлақо заифдир.

Бизнингча, тараққиётни юзага келтирувчи асосий омил — бу шахслар (олимлар, конструкторлар, меъморлар, салоҳиятли давлат арбоблари) бўлиб, улар биосфера ва ноосферанинг инсоният учун номаълум, янги қирраларини очиш, фанни ривожлантириш, техника ва технология ишлаб-чиқаришга қодирдирлар.

Психология фанида инсон омили узлуксиз равишда таъкидланиб турилишига қарамасдан, у тараққиётни ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги батамом тан олинмаган. Худди шу боис индивидуаллик ва умумийлик ("Биз" ва "Мен") устувор роль ўйнаши бирламчи воқелик сифатида талқин қилинган.

Бугунги кунда инсон омили, комил инсон психологиясининг бош мақсадига айланиб, унинг хусусиятлари, фазилатлари, хислатлари, хосиятлари, сифатлари, ички имкониятлари, истеъдод аломатлари қанча эрта рўёбга чиқарилса, демак тараққиётни юзага келтирувчи супер шахсларни шакллантириш шунчалик тезлашади, Инсон камолоти қуйидаги босқичлардан иборат: муртақлик — одам — инсон — шахс — субъект — комил инсон. Инсон комиллик сари қанча тезкор ҳаракат қилса, у камолотни эртароқ эгаллайди, тараққиётни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

## 10. Баркамол инсонни баҳолаш тести (Э.ғ.)

### I. Шахс ҳақида умумий тушунча

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

жинси \_\_\_\_\_ ёши \_\_\_\_\_

иш ва ўқиш жойи \_\_\_\_\_

### II. Шахсининг йўналганлиги.

№	Фазилатлар номи	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Ўрта кучли
1	2	3	4	5	6
1.	Иймон эътиқодлилиқ	1	2	3	4
2	Собитқадамлилиқ	1	2	3	4
3	Ҳамиятлилиқ	1	2	3	4
4	Беғаразлиқ	1	2	3	4
5	Ҳақгўйлилиқ	1	2	3	4
6	Камтарлилиқ	1	2	3	4
7	Адолатлилиқ	1	2	3	4
8	Инсонпарварлилиқ	1	2	3	4
9	Фидойилиқ	1	2	3	4
10	Ватанпарварлилиқ	1	2	3	5

### III. Шахсининг умумий хусусиятлари



1	2	3	4	5	6
1	Мулоқотмандлик	1	2	3	4
2	Ташаббускорлик	1	2	3	4
3	Ҳаракатчанлик	1	2	3	4
4	Зукколик	1	2	3	4
5	Синчковлик	1	2	3	4
6	Меҳнатсеварлик	1	2	3	4
7	қатъиятлилиқ	1	2	3	4
8	қулайлилиққа интилувчанлик	1	2	3	4
9	Мустақиллик	1	2	3	4
10	Ўзини бошқарувчанлик	1	2	3	4

#### IV. Шахснинг ўзига хос хусусиятлари

1	2	3	4	5	6
1	Ўзгаларнинг психологик хусусиятлари ва ҳолатларини тез илғашга қобиллик.	1	2	3	4
2	Ўзгалар ички кечинмалари ва ҳисларини ўзиникидай қабул қилишга мойиллик	1	2	3	4
3	Ўзга кечинмалар хатти- ҳаракатлари ва ҳулқ- атворини таҳлил этишга қобилиятлилиқ	1	2	3	4
4	Ўзини ҳаёлан ўзганинг ўрнига қўя билиш уқувчанлиги	1	2	3	4
5	Ўзгаларнинг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга оқилона муносабат билдиришга лаёқатлилиқ	1	2	3	4
6	Шахслараро муносабатларни пайқай олувчанлик	1	2	3	4
7	Илғор тажрибаларни осон уқиб олишга зеҳнлилиқ	1	2	3	4
8	Вазият қатнашчилари билан умумий тил топишга зуққолик	1	2	3	4
9	Шахслараро муомалада шахсий позицияга эғалиқ	1	2	3	4
10	Хулқ, фаолият ва муомалада одоблилиқ	1	2	3	4

#### V. Ижтимоий таъсир этувчанлик

1	2	3	4	5	6
1	Бошқалар эътиқодли кишиларга, ўзига хос омилларга ва мантиқий далиллашга таъсир ўтқазишга топқирлик	1	2	3	4
2	Ўзининг ҳиссиёт ва эмоцияси билан ўзгаларга таъсир этишга уқувчанлик	1	2	3	4
3	Ишда ва ўқишда муваффақиятга эришувда ўзига ишонч уйғотувчанлик	1	2	3	4

4	Ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик	1	2	3	4
5	Воқеликнинг муҳим ва номуҳим, ижобий ҳамда салбий томонларига ҳолисона баҳо берувчанлик	1	2	3	4
6	Танқидий фикрларни мантиқан баҳолашга бўлган қобиллик	1	2	3	4
7	Танқидий фикрларга нисбатан беғаразлик	1	2	3	4
8	Вазият ва шароитни тўғри чамалашда мантиқий мукам-маллик	1	2	3	4
9	Фикр алмашишда нутқий қобилиятлик	1	2	3	4
10	Миллий ғоя ва миллий мафкурасига садоқатлилиқ	1	2	3	4

## VI. Ташкилотчиликка қобилиятлилиқ

1	2	3	4	5	6
1	Ташкилотчиликка нисбатан эҳтиёжни сезишлиқ	1	2	3	4
2	Ташкилотчилик фаолиятини суистеъмол қилмаслик	1	2	3	4
3	Фаолият моҳиятига мустақил кира билишлиқ	1	2	3	4
4	Ўз зиммасига жавобгарлик ва масъулият туйғусини олишлиқ	1	2	3	4
5	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан адо этишлиқ	1	2	3	4
6	Ташкилотчилик жараёнида ўзидан қониқиш хиссини инъикос қилишлиқ	1	2	3	4
7	Ташкилотчиликни уддалашга бўлган лаёқатлилиқ	1	2	3	4
8	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваф-фаққиятлилиқ ёки барқарорлик	1	2	3	4
9	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	1	2	3	4
10	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл заковатлилиқ	1	2	3	4

## VII. Ташкилотчилик қобилиятининг индивидуал фарқлари

1	2	3	4	5	6
1	Ташкилотчиликка нисбатан қобилиятлилиқ: а) кўпгина фаолият турларига б) фақат ягона фаолият турига	1	2	3	4
2	Фаолият иштирокчиларининг ёш даврлари	1	2	3	4

	бўйича ташкилотчилик қо-билиятида тафовутчалик				
	а) ўзидан катта ёшдагиларга				
	б) ўзининг тенгқрларига				
3	Шахслараро муносабатга мутаносиблик	1	2	3	4
	а) дистанция (бавосита) шаклига				
	б) контакт (бевосита) кўринишга				
	в) ҳар иккаласи ҳам				
4	Фаолиятни бошқариш услуби бўйича	1	2	3	4
	а) ҳаракатли давомий				
	б) фаол, жонли				
	в) сусткаш, хотиржам				
5	Бошқарув психологиясига кўра	1	2	3	4
	а) демократив				
	б) либерал				
	в) автократив				
	г) аралаш				

Баркамол (комил) инсонни баҳолаш тести биз томонимиздан ишлаб чиқилган бўлиб, у еттига блокдан ташкил топгандир. Ҳар бир блок комил инсоннинг муайян фазилатлари ва хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади ҳамда ўзига хос функцияни бажаради. Еттига блокнинг бештаси асосий блок ҳисобланиб, уларнинг ҳар қайсиси 10 тадан фазилат(хислат)ни қамрагандир. Биринчи ва еттинчи блоklar ёрдамчи деб номланиб, ўзига хос мураккаб тузилишларга эга бўлиб, шахснинг индивидуал хусусиятлари серқирралигини чуқурроқ ечиш учун ёрдам беради. Ушбу тест 1995 йилдан бери амалиётга татбиқ этиб келинади, худди шу боисдан унинг ишончлилиги, валидлиги ва репрезентативлиги ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Тест моҳиятидан жой олган ҳар бир вазият “Кучсиз”, “Ўртача”, “Кучли”, “Ўта кучли” шкалаларга асосланиб жавоб беришга мўлжалланган. Берилган тартибдаги вазият “1”, “2”, “3”, “4” баллар билан баҳоланади ҳамда “3”, “4”, “5”, “6” графалар билан белгиланади. Бир даврнинг ўзида иккита вазиятни белгилаш қатъиян ман этилади ва варақа бузилган деб тан олинади.

Асосий блоklarда комил инсонга мутаносиб деб тавсия қилинаётган фазилат (хислат) бор ёки йўқлиги аниқлаш билан бирга, унинг устуворлиги синалувчи томонидан таъкидлаб ўтилиши кутилади. Бириринчи блок вазиятларига баҳо (балл) қўйилмайди, шунинг учун у синалувчи тўғрисида маълумот олишга хизмат қилади, холос. Биринчи блок **“Шахс ҳақида умумий маълумот”** деб номланиб, иштирокчининг фамилияси, исми шарифи, жинси, ёши, иш ва ўқиш жойи юзасидан материал тўплашга имкон беради.

Методиканинг иккинчи блоки **“Шахснинг ижтимоий шартларган хусусиятлари”** деб аталиб, ўнта фазилатни ўзида мужассамлаштиради (иймон-этиқодлилиқ, собитқадамлилиқ, ҳамиятлилиқ, беғаразлик, ҳақғўйлик, камтарлик, адолатлилиқ, инсонпарварлик, фидоийлик, ватанпарварлик). Учинчи блок **“Шахснинг умумий хусусиятлари”** деб номланиб, у қуйидаги

хислатларни қамраб олади: мулоқотмандлик, ташаббускорлик, ҳаракатчанлик, зукколик, синчковлик, меҳнатсеварлик, қатъиятлилиқ, қулайликка интилувчанлик, мустақиллик, ўзини бошқарувчанлик. Методиканинг тўртинчи блоки **“Шахснинг ўзига хос хусусиятлари”**дан иборат бўлиб, “Ўзга кишиларнинг психологик хусусиятлари ва ҳолатларини тез илғашга қобиллик”, “Ўзгалар ички кечинмалари ва ҳисларини ўзиникидай қабул қилишга мойиллик” сингари ўнта мураккаб вазият ҳамда ҳолатларга нисбатан муносабатни ҳолисона билдиришга (аниқлашга) қаратилган шахс учун бетакрор хусусиятлар бўйича маълумотлар тўплашга хизмат қилади. Ҳатто унинг таркибига “Шахслараро муомалада шахсий позицияга эгалик”, “Хулқ, фаолият ва муомалада одоблилиқ” каби ўзига хослиқни ўзида мужассамлаштиришга йўналтирилган ҳолатлар мавжуддир. Шахснинг ўзига хос хусусиятларининг роли, аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар тадқиқот учун қанчалар муҳим эканлигини такрорлаш айти муддаодир.

Бешинчи блок **“Ижтимоий таъсир этувчанлик”**дан ташкил топган бўлиб, ижтимоий воқелиқка нисбатан шахснинг муносабатини ўзида акс эттиради. Ўзидан кўриниб турибдики, ижтимоий таъсир этувчанлик шахснинг фаоллиги, ўзининг “Мен”лигини юксак даражада ҳис қилишни англатиб келади. Худди шу боис, ушбу блок ёрдамида қомилликнинг мураккаб кўрсаткичини ёритиш имконияти вужудга келиши мумкин. Бу восита орқали “Мен”лик билан “Биз”лик ўртасидаги масофа, оралиқ ўта қисқарганлигини аниқлаш борасида маълумот тўпласа бўлади. Мазкур блокнинг баъзи бир таркибларидан намуна келтириш фикримизни далиллашга ёрдам беради. Чунончи, “Бошқа эътиқодли кишиларга, ўзига хос омилларга ва мантиқий далиллашга таъсир ўтказишга топқирлик”, “Ўзининг ҳиссиёти ва эмоцияси билан ўзгаларга таъсир этишга уқувчанлик” ёки “Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасига садоқатлилиқ” шулар жумласидандир.

Олтинчи блок **“Ташкилотчилиқка қобилиятлилиқ”** деб аталиб, у ўз таркибига ўнта вазиятни қамраб олган. Ташкилотчилиқ шахснинг муайян қобилияти сифатида полимодаллик (кўп кўринишлиқ) хусусиятига эга. Шунинг учун унинг турли хусусиятлари, таркиблари, кўринишлари, босқичлари, шакллари юзасидан муайян даражада маълумот тўплаш муҳим аҳамият касб этишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Улардан айрим намуналар келтириш туфайли кўзланган мақсад сари силжишни рўёбга чиқариш мумкин. Жумладан, “Ташкилотчилиқка нисбатан эҳтиёж сезилишлиқ” (ички омил), “Ташкилотчилиқ фаолиятини суистеъмол қилмаслик” (ташқи омил) ёки “Ташкилотчилиқда ижодийлик ва ақл-заковатлилиқ” шулар сарасига киради. Унга нисбатан лаёқатлилиқ, муваққатлилиқ ёки барқарорлик сифатларининг мавжудлиги унинг мураккаб таркиблардан тузилганлигидан далолат беради.

Ва ниҳоят методиканинг яна бир ёрдамчи блоки (еттинчи) бошқалардан фарқли ўлароқ **“Ташкилотчилиқка қобилиятининг индивидуал фарқлари”** моҳиятини очишга бағишлангандир. Ушбу блок қуйидаги таркиблардан иборатдир.

1. Ташкилотчилиқка нисбатан қобилиятлилиги:

а) кўпгина фаолият турларига;

б) фақат ягона фаолият турларига;

2. Фаолият иштирокчиларининг ёш даврлари бўйича ташкилотчилик қобилиятида тафовутчанлик:

а) ўзидан катта ёшдагиларга;

б) ўзининг тенгқурларига;

3. Шахслараро муносабатга муносабатчилик:

а) дистанция;

б) контакт;

в) ҳар иккаласи ҳам;

4.

Фаолиятини бошқариш услуби бўйича:

а) ҳаракатли давомий;

б) фаол, жонли;

в) сусткаш, хотиржам;

5.

Бошқарув типологиясига кўра:

а) демократив;

б) либерал;

в) автократив;

г) аралаш.

Кўриниб турибдики, мазкур блок шахснинг индивидуал фарқлари тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятига эга бўлиб, ҳақиқатга яқинлашиш, адолатга нисбатан интилиш, уни қарор топтириш учун иродавий зўр беришлик мезонлари орқали етуклик (комиллик) босқичларига эришганлик юзасидан материаллар тўплаш мумкин.

Тўлалигича ушбу методикадан фойдаланиш эвазига комиллик мезонларига нисбат ҳозирги замон кишилари муносабатлари бўйича амалий натижаларни умумлаштириш, тўплаш имконияти юзага келади.

Синалувчилар томонидан тўпланадиган максимал балл “220”, минимал “110”, шунингдек, “55”балл, “165” балл миқдорларини ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, ҳар қайси блок ва унинг ҳар бир вазиятига нисбатан муносабатини аниқлаш мақсадида математик статистика формулаларидан фойдаланилган ҳолда ишончлилик, валидлик, репрезентативлик мезонларини ўрнатиш мумкин. эмпирик маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, квадрат оғиши, корреляция, дисперсия, студент мезони орқали ишончлилик даражаси ўрнатилади. Ҳар бир блок юзасидан миқдор ва сифат таҳлилини ўтказиш натижаларининг қийматини белгилайди, миқдорлар, вазиятлар ўртасидаги муносабатларни аниқлайди ҳамда комиллик белгиларини эътироф этиш юзасидан мулоҳазалар умумлаштирилади.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Шахс тўғрисида умумий тушунча
2. “Эндопсихика” ва “Экзопсихика” ҳақида мулоҳазалар
3. Узоқ чет эл психологиясида шахс тўғрисидаги назариялар
4. Собиқ Иттифоқ психологиясида шахснинг ўрганилиши
5. Психология фанида шахс таърифи
6. Шахс тузилиши моделлари таҳлили
7. XXI аср одамлари талқини
8. Психология фанида ўзини ўзи англаш муаммоси
9. Аждодларимиз комил инсон тўғрисида
10. Комил инсоннинг замонавий назарияси
11. Баркамол инсонни баҳолаш тести тавсифи
12. Шахснинг ҳозирги замон тузилиши

### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Шахс тўғрисида умумий тушунча.
2. Узоқ чет эл психологиясида шахсни ўрганиш назариялари.
3. Рус психологиясида шахснинг тадқиқот этилиши.
4. Шахс тузилишининг замонавий моделлари.
5. Ўзини ўзи англаш психологик муаммо.
6. Комил инсон тўғрисида психологик қарашлар.
7. Комил инсоннинг психологик концепцияси.
8. Камол инсонни тадқиқот этишнинг замонавий методикаси.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Асмолов А.Г. Психология личности. –М.: МГУ, 1990.
2. Ковалев А.Г. Психология личности. –М., 1970.
3. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. –М. : “Политиздат”, 1975.
4. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М. : “Педагогика”, 1973.
5. Хрестоматия по личности.-М.:МГУ, 1977.
6. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ ШАХСНИНГ ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯСИ**

### **VI БОБ**

#### **ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯ ТАРКИБЛАРИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА**

##### **1. Эҳтиёж тўғрисидаги тушунча**

##### **1.1. Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида**

Психологик нуқтаи назардан борлиқ тўғрисида мулоҳаза юритилганда, тирик мавжудодларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабигача) теварак- атроф билан ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб турувчи фаолияти (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъи назар) уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият ҳисобланади. Уларнинг фаоллиги туфайли мураккаб тузилишли фаолият юзага келиб (онгликнинг маҳсули сифатида), турли-туман моҳиятли, ҳар хил кўринишдаги эҳтиёжлар (уларнинг тоифаларга алоқадорлиги, келиб чиқиши жиҳатидан биологик, моддий, маънавий ва бошқалар)ни қондириш учун хизмат қилади. Худди шу боисдан фаоллик фаолиятининг асосий механизмларидан биринчи бўлиб, тирик мавжудодларнинг ўз имконияти даражасида ташқи олам таъсирларига жавоб қилиш уқувчанлигининг таркиби саналади.

Борлиқдаги жонли мавжудодларнинг ўзига хос тарзда, муайян йўналишда, маълум даражадаги куч билан хатти-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар улар учун фаоллик манбаи вазифасини бажаради. Психологик манбаларга асосланиб фикр юритганимизда, эҳтиёж-жонли мавжудод (ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларига унинг шуларга тобе эканлигини ифода этувчи ва мазкур шарт-шароитларга нисбатан фаоллигини намоён қилувчи ҳолат тариқасида ифодаланади.

Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудодлардан туб даражада ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан тафовутга эга бўлиб, юзага келган эҳтиёжларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Жумладан, мавжудодлар ва ҳайвонлар ўзларининг танаси ва унинг аъзолари тузилишига, инстинктларнинг турли-туманлигига биноан, ўз ўлжасини тутиб олишга нисбатан интилишни вужудга келтирувчи табиий имконияти уни олдиндан пайқаш сезгирлиги орқали зудлик билан фаол ҳаракат қилади. Ҳайвонлар эҳтиёжларининг қондирилиши жараёни қанчалик мақсадга мувофиқ равишда кечган бўлса, бу эса ўз навбатида, уларнинг қуршаб олган яшаш муҳитига енгиллик билан мослашувини таъминлайди. Масалан, асалари хатти-ҳаракатининг туғма, ирсий дастури унинг гулшира (нектар) йиғиш эҳтиёжлари билан чекланиб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш объектлари (гулларнинг навлари, уларнинг узоқ ва яқинлиги, қайси томонда жойлашганлиги, мўл-кўллиги кабилар ҳам) акс этади. Шу боисдан мавжудодларнинг эҳтиёжларида уларнинг фаоллиги омили сифатида табиий аломатлар, инстинктлар, шартсиз рефлекслар ва ҳоказолар бевосита қатнашади.

Лекин инсонларнинг фаоллиги ва уларнинг фаоллиги манбаи ҳисобланмиш инсоний эҳтиёжлар тубдан бошқача манзарага эга бўлиб, биологик шартланганликдан ташқари, моддий ва маънавий кўринишлардан иборатдир. Одамнинг эҳтиёжи унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба, кўникма малака, одат, маънавият, кадриятлар билан яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Табиат томонидан вужудга келтирилган жисм, нарса, буюм инсон учун биологик эҳтиёжни қондирувчи ўлжа маъносини ва аҳамиятини йўқотади. Одам бошқа мавжудодлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг хусусий эҳтиёжларига хизмат қилувчи муайян буюмни зарурият талабига биноан тубдан қайта ўзгартиришга, такомиллаштиришга қодир онгли зотдир. Худди шу боисдан одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тарихий тараққиёт даражаси билан ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилганлиги, маълум режага асосланган ижодий кўриниши сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

«Инсониятга хос бўлган эҳтиёжларнинг мазмуни, шакли ва қондирилиши» усули ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида ривожланиб, ўзгариб ва такомиллашиб боради. Ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши аجدодларникидан ҳам, авлодларникидан ҳам тубдан фарқланади, лекин этнопсихологик хусусиятлар таъсири ўз аҳамиятини етарли даражада йўқотмайди. Шахснинг эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш уни комил инсон сифатида камол топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланса-да, лекин бу унинг устувор эканлигини билдирмайди, чунки бошқа таъсирчан омиллар ҳам мавжуддир. Камолотга эришишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланмиш меҳнат инсоннинг эҳтиёжига айланмаса, у ўз эҳтиёжларининг енгил, осон йўллар билан қондиришга ҳаракат қилса, инкирозга учрайди. Енгил йўл билан ўз эҳтиёжларини қондириш ижтимоий қонун ва қоидаларга зид хулқ-атвор манбаига айланишига, жиноий хатти-ҳаракат келиб чиқишига, текинхўрлик иллатининг намоён бўлишига замин ҳозирлайди.

Ҳукуқий, демократик жамият кишиси шахсини шакллантиришга нисбатан қўйилаётган энг муҳим талаблардан бири-унда меҳнат қилиш эҳтиёжини, меҳнатдан фахрланиш туйғусини ва ундан лаззатланиш ҳиссини таркиб топтиришдан иборатдир. Меҳнатга нисбатан эҳтиёжнинг вужудга келиши саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш, меҳнат фаолияти умумдорлигини ошириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш имкониятини яратади ва фақат меҳнатдагина ўз имкониятини намоён этувчи, бунёдкор, ватанпарвар, фидоий шахсларни шакллантиради. Кишиларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондирувчи, баъзан оғир ва зерикарли туюлган меҳнат тури ватанпарвар, комил инсонликка интилувчи шахс учун қувонч, қониқиш, ҳатто роҳат-фароғат ҳис-туйғуларининг манбаига айланиши мумкин.



Юксак малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган «Таълим тўғрисида» ги қонунда ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўқувчилар ва талабаларнинг меҳнат тарбияси ва касбга йўналтирилишига алоҳида аҳамият берилгандир. Республика фуқароларида маънавий эҳтиёжларни вужудга келтириш ва шакллантириш истиқлол шарофати билан муҳим аҳамият касб этиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим бўғинига айланди. Ҳуқуқий, демократик жамиятнинг асосий вазифаларидан бири- инсоний эҳтиёжларни таркиб топтириш, уларни баркамол шахс камолотига йўналтириш, маънавиятни эгаллаш билан узвий боғлаб амалга оширишдан иборатдир.

## **1.2. Эҳтиёжларнинг турлари**

Инсон бир даврнинг ўзида ҳам индивидуаллик, ҳам ижтимоийликни акс эттирган бўлганлиги сабабли унинг эҳтиёжлари шахсий ва ижтимоий хусусиятга эгадир. Бошқача сўз билан айтганда, ундаги тор маъноли шахсий хусусиятга эга бўлгандай туйғу уйғотувчи (табиат инъомига алоқадор) эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳам ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг маҳсули (деҳқонлар, ишчилар, ходимлар ва бошқа касбдаги) одамларнинг саъи-ҳаракати, ҳамкорликдаги меҳнатининг моддий тарздаги ифодаланишидан фойдаланишида акс этади.

Ушбу масалага бошқача тарзда ёндашилса, унда ўз ихтиёжларини қондириш учун ижтимоий муҳит негизида яратилган воситалар ва усуллардан фойдаланилади, натижада у ёки бу шароитга нисбатан эҳтиёж ҳис этади. Масалан, ёғочдан болтага даста ясаш учун унда хоҳиш мавжудлигининг ўзи етарли эмас, балки бир қатор шарт-шароитлар, дастгоҳ, дурадгорлик асбоблари бўлиши лозим, унинг сифатига нисбатан эҳтиёж ҳам туғилади. Худди шу боисдан унда ўз хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарадиган талаб билан имкониятга қаратилган эҳтиёж вужудга келади. Инсондаги тор маънодаги эҳтиёжлар унинг шахсий талабларини қондириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик фаолиятида юзага келувчи жамоавий эҳтиёжлар яккаҳоллигига оид хусусият касб этади. Айтайлик, маъруза ўқишга таклиф қилинган ўқитувчининг машғулотга пухта тайёргарлиги ўз предметининг ўта фидойиси эканлиги учун эмас, балки жамоа нуфузига доғ туширмаслик масъулияти, ижтимоий бурч ҳиссига нисбатан эҳтиёж сезганлиги туфайли амалга ошади. Шахсий эҳтиёж гуруҳий, жамоавий муносабатлар уйғунлашиб кетганлиги сабабли ўзаро қоришиқ хусусиятга эга бўлади. Ҳар қандай индивидуал фаолиятга нисбатан эҳтиёжнинг туғилиши ижтимоий аломат, умумийлик, ҳамкорлик хусусиятини касб этиб, фаолиятга ёндашувда яккаҳоллик умумийликни, умумийлик эса алоҳидаликни узлуксиз равишда бетўхтов акс эттириб туради.

Психология фанида эҳтиёжларни таснифлаш уларни келиб чиқиши ва ўз предметининг хусусиятига биноан амалга оширади.

Одатда ўзларни келиб чиқишига биноан эҳтиёжлар табиий ва маданий турга ажратилади.

Табиий эҳтиёжларда инсон фаолиятининг фаоллиги, ўз шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш, ўз авлоди ҳаётини сақлаш, уни қўллаб-қувватлаш учун зарурий

шарт-шароитларга тортилганлик, тобелик акс этади. Табиий эҳтиёжлар таркибига одамларни овқатланиш, ташналикни қондириш, жинсий мойиллик, ухлаш, иссиқ ва совукдан асраниш, мусаффо ҳавога интилиш, тана аъзоларига дам бериш кабилар киради. Табиий эҳтиёжлар узоқ вақт давомида қондирилмаса, унинг оқибатида инсон ҳалокатга маҳкум бўлади, ўз сулоласи ҳаёти ва фаолиятини хавф остига қолдиради.

Табиий эҳтиёжлар инсонда ҳайвонот аждодларникига ва ибтидоий жамоа аъзолариникига ўхшаш бўлса-да, лекин улар ўзининг психологик моҳиятига кўра мавжудодларникидан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан тафовутланади. Эҳтиёжларни қондирилиш усуллари, шакли, қуроли тобора такомиллашиб боришдан ташқари, уларнинг моҳияти, мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда, мисол учун ҳозирги замон кишиси эрамиздан олдинги аждодларимизга нисбатан бошқача тарзда ўз эҳтиёжларини рўёбга чиқаради ва уларни қондиришга интилади. Уй рўзғор буюмларининг ўзгариши эҳтиёжларини қондириш йўллари такомиллашувидан дарак беради. Шунинг учун инсонларнинг табиий эҳтиёжлари ижтимоий-тарихий хусусиятга эга, чунки улар ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсулидан иборатдир.

Инсон фаолиятининг фаоллиги инсоният маданиятини маҳсули билан боғлиқлигини ифодалаб, маданий эҳтиёжларни юзага келтиради. Маданий эҳтиёжлар, маданият тўғрисида мулоҳаза юритилганда унинг ижтимоий илдизлари кишилик тарихининг дастлабки манбалари билан узвий боғланиб кетишини таъкидлаб ўтиш лозим. Лекин табиий эҳтиёжлар маданий эҳтиёжлар билан ўзаро уйғунлашган бўлиб, биринчиси иккинчисини тақозо этади, чунки улар бири-бирининг негизидан келиб чиқади. Худди шу боисдан маданий эҳтиёжлар объектига табиий эҳтиёжларини қондирувчи уй-рузғор буюмлар, меҳнат фаолияти орқали бошқа кишилар билан боғланиш воситалари, маданий алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомалага киришиш услублари, ижтимоий турмуш заруриятига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Одатда жамият таълим ва тарбия тизимини эгаллаш, халқ анъаналари, маросимлари, байрамлари, одатлари, расм-русумлари, хулқ-атвор кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида ранг-баранг маданий эҳтиёжлар вужудга келади, янгича маъно касб эта бошлайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, табиий эҳтиёжлар қондирилмаса, улар инсонни ҳалокат ёқасига етаклайди, бироқ маданий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги ундай оқибатларга олиб келмайди, аммо одамда маданий фазилатларнинг шаклланишига путур етказди, унинг камолотини секинлаштиради.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, маданий эҳтиёжлар ўзининг даражасига кўра, жамият томонидан ўз аъзолари олдига қўйилаётган талаблар билан боғлиқлигига биноан, улар ўзаро бир-бирларидан кескин тафовут қилади. Масалан, ҳозирги замон ёшларининг билим олишга нисбатан тинимсиз изланишини, яъни билим олиш эҳтиёжининг моҳиятини энг сўнги мода бўйича кийинишга одатланган худди шу ёшдаги тенгдошининг эҳтиёжларини бир хил мезон билан ўлчаш ва баҳолаш адолатдан эмас. Чунки эҳтиёжларнинг моҳиятига, уларни қондириш учун амалга ошириш кўзда тутилган фаолият натижасига, уларнинг хусусиятига ижтимоий ёки индивидуал йўналганлигига

биноан, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида баҳоланади. Ижтимоий ҷамият томонидан ўз фуқаролари олдига қўйилаётган талабларига, ҷамиятнинг ҳуқуқ асосларига, халқ анъаналарига, юриш-туриш қоидаларига, маънавият ва қадрият тизимига, маслак ва дунёқараш моҳиятига мос тушадиган эҳтиёжлар юксак онглилик, ижтимоий фаоллик, маънавий камолот учун хизмат қилади, ҷамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири бўлиб маданий эҳтиёжларни туғилиш ва уларни қондирилиш даражаси ва маънавиятни эгаллашдаги роли ҳисобланади.

Психология фанида эҳтиёжлар ўз предметининг хусусиятига кўра моддий ва маънавий турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича эканлиги эътироф этилади.

Инсоннинг овқатланиш, кийиниш, уй-жойига эга бўлиш, маиший турмуш ашёларига интилиш, комфорт ҳиссини қондириш билан боғлиқ маданият предметларига нисбатан эҳтиёж сезиш моддий эҳтиёжлар мажмуасини юзага келтиради. Маънавий маданиятни яратиш ва ўзлаштириш, шахснинг ўз фикр мулоҳазалари ва ҳис-туйғулари бўйича бошқа одамлар билан муомалага киришиш ҳамда ахборат алмаштириш, бадиий ва илмий адабиётлар билан танишиш, маҳаллий матбуотни ўқиш, кино ва театр кўриш, мусиқа тинглаш кабиларга эҳтиёж сезиш, яъни ижтимоий онг маҳсулига тобелик манавий эҳтиёжлар тизимини вужудга келтиради.

Маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлиб, вужудга келган маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёни моддий эҳтиёжларнинг таркибига кирувчи моддий нарсалар ёрдамида амалга оширилади чунончи, китоб, ёзув қоғози ва бошқалар.

Эҳтиёжларнинг турлари ҳақида фикр билдирганда яна шу нарсага эътибор бериш керакки, келиб чиқишига биноан табиий турга тааллуқли эҳтиёж ўз предметига кўра моддий гуруҳга, худди шу мезонлар бўйича бир даврнинг ўзида маданий эҳтиёжнинг моддий ёки маънавий эҳтиёж туркумига киритиш мумкин. Шу тариқа эҳтиёжнинг келиб чиқиши ва предмети хусусияти бўйича икки мезонга асосланиб муайян гуруҳларга ажратилади. Инсон онгининг тарихий тараққиётига нисбатан ва эҳтиёжларнинг объектига бўлган муносабатига биноан, ҳар хил таснифланади ва худди шу мезонларга кўра улар ранг-баранг турларга ажратилади. Уларнинг изчиллиги, барқарорлиги, доимийлиги, кўлами, аҳамиятлилиги, предметлилиги, ижтимоийлиги, индивидуаллиги каби хусусиятлари билан ўзаро бир-биридан фарқланади.

Эҳтиёжлар фаолияти ва хулқ-атвор мотивлари билан жипс алоқада бўлади.

### **1.3. Инсон эҳтиёжларининг ривожланиши**

Муайян муҳитда яшовчи ҳайвоннинг у ёки бу тарздаги хатти-ҳаракати аниқ эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлади. Шу боисдан эҳтиёж ҳайвонни фаолликка ундаш билан чекланиб қолмасдан, балки фаолликнинг турлари, шакли, ҳаракатлантирувчи кучига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳайвонда овқатланиш эҳтиёжини туғилиши унда фаолликни вужудга келтиради, натижада сўлак безлари ишлай бошлайди, ўлжа қидириш, уни пойлаш, тутиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳолатлар мажмуаси юзага келади. Мазкур

жараёнлар шартли рефлекслар, фаолликни келтириб чиқарувчи янги кўзғовчилар ва унга мувофиқ бўлган янги ҳаракатлар билан боғланиши мумкин, бироқ ҳайвон хатти-ҳаракатининг тузилишида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Жаҳон физиологлари ва психологлари томонидан ҳайвонларда шартли рефлексларни шакллантиришга оид тажриба материалларида кўрсатилишича, восита сифатида фойдаланилган кўнғироқ чалиниши ҳайвон учун ташқи кўзғотувчилар ичидан фақат овқатланишга боғлиқ сигнал (хабар) вазифасини бажаради, холос.

Ўргатилган ҳайвон томонидан тепкини босиш жараёни унга овқатни берилиши билан алоқадор хатти-ҳаракат тарзида амалга оширилади. Шунинг учун ҳайвон ҳар қандай мураккаб шартли рефлекслар ёрдами билан ўз хатти-ҳаракатини амалга оширган бўлишига қарамай, эҳтиёжлар бевосита унинг психикасини акс эттириш муайян объектга йўналтириш, хулқини идора қилиш функциясини бажаради. Чунки ҳайвон аъзоларининг биологик-табиий эҳтиёжлари психик акс эттириш мазмуни ва сифатини, ташқи олам таъсирига нисбатан жавоб сифатида пайдо бўлувчи хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириб туради.

Инсоннинг фаолияти, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ҳайвонларникидан тубдан фарқ қилади, уларни таркиб топтириш мутлақо бошқа асосга қурилади. Мисол учун болани овқатланиши, хатти-ҳаракати, қошиқдан фойдаланиш, махсус ажратилган жойда ўтириш, овқат ейиш қуролини ишлата олиш унинг табиий эҳтиёжлари туфайли юзага келган деб эътироф этиш ҳақиқатдан узоқ фикр, чунки унинг негизида ётувчи механизмлар сири тушунтириб берилмаган. Ўз-ўзидан маълумки, табиий эҳтиёжни қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши шарт эмас, инсонда уйкуга эҳтиёж туғилса, у ҳолда ҳеч қандай юмшоқ ўринга, диванга талаб сезилмайди, чарчаган одам дуч келган жойда ўз эҳтиёжини қондираверади. Маданий хатти-ҳаракатлар, одатларнинг инсонда вужудга келиши ижтимоий тарбиянинг таъсирида табиий эҳтиёжларни қондиришнинг воситаси, шарти сифатида гавдаланиб, қуроллар, буюмлар уларнинг таркибий қисмига айлана бошлайди. Бундай хатти-ҳаракатлар шаклини келтириб чиқарувчи асосий манба туб маънодаги эҳтиёж эмас, балки уни қондиришнинг жамият тараққиёти талаб қилган қоидалари, усуллари, камолот тақозо этувчи маданий кўникмалар ҳисобланади. Жамиятнинг тараққиёт босқичларига биноан табиий эҳтиёжларни қондиришнинг янгидан-янги, янада такомиллашган воситалари инсоният томонидан яратилаверилади ва булар эҳтиёжлар таркиби билан қоришиб кетади. Маданий ва маънавий эҳтиёжлар тўғрисида ҳам худди шу тарздаги ўзгаришлар юз беради., шахснинг бошқа кишилар билан мулоқотга киришиш, билимларни ўзлаштиришда техник воситалардан фойдаланиши нутқ ва кийиниш маданиятининг ўсиши уларни қондиришга нисбатан талаб даражасининг ортиши мазкур эҳтиёжлар риожланишини таъминлайди.

Психологияда эҳтиёжлар ривожланишининг бир неча босқичлари мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки эҳтиёжлар инсон онтогенезида пайдо бўлиб, то умрининг охиригача ўзгариб, такомиллашиб боради. Кишилиқ жамиятларида эҳтиёжлар бир-биридан ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатидан

тафовутга эга бўлганидай, ёш даврларига қараб, улар худди шундай мезонлар бўйича ўзаро фаркланадилар.

Бола фаоллигини ривожлантиришнинг дастлабки босқичларидаёқ, биологик жиҳатдан аҳамият касб этувчи буюмлар, жисмлар устуворлик хусусиятига эга бўлмайдилар, аксинча уларнинг инсон томонидан фойдаланиш усуллари эҳтиёжларнинг омиллари тариқасида гавдаланади. Бинобарин, мазкур буюмлар, аслаҳаларнинг ижтимоий тажрибаларини эгаллашдаги аҳамияти, роли намоён бўлишнинг механизмлари сифатида майдонга келади. Болаларнинг худди шу йўсинда эгаллайдиган хатти – ҳаракатларининг янги шакллари – бу жамият томонидан ижтимоий амалиёт вазифаларига муносиб равишда ишлаб чиқилган усулларида иборат бўлиб, буюмлар билан шахснинг муносабати тарзида юзага келади, кишининг кундалик фаолияти ичидан муҳим жой эгаллайди. Стол атрофида ўтириш, қошиқ билан овқат ейиш, кроватда ухлаш, телевизор томоша қилиш, ўйинчоқ ўйнаш, катталар билан муомала қилиш юқоридаги фикр моҳиятини яққоллаштиришга ёрдам беради. Эҳтиёжни қондиришнинг воситаларидан фойдаланиш қодалари ижтимоий муомала усуллари, фаолиятни амалга оширишнинг йўл-йўриқлари катта ёшдаги одамлар томонидан ёшларга ўргатилади. Ўз эҳтиёжларини муайян буюмлар воситасида қондиришга ва уларни муайян фаолият турига татбиқ этишнинг инсоний шакллари эгаллашга ўргатиш махсус машқлар орқали амалга оширилиб, «Етук шахс- бола» тарзида юзага келади. Демак, бола эҳтиёжи қондириладиган инсоний шарт-шароитлар таъсири остида шахснинг хулқ-атвори воситалар аҳамияти билан эмас, балки уларнинг ижтимоий қиймати билан белгиланади. Эҳтиёжларни қондирилиш даражаси унинг оғир ёки енгил кўчиши шахснинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга, шу боисдан уларни қондириш мақсадга мувофиқ, оқилона мезонларга суяниб амалга оширилса ижтимоий аҳамияти янада ортади.

Инсонда маданий ва маънавий эҳтиёжлар турмуш тажрибаси ортиши, билим савияси кенгайиши, махсус машқлар эгалланиши, ижтимоий ҳаёт қодаларига узлуксиз равишда риоя қилиши, нарса ва ҳодисаларга муносабати ўзгариши туфайли ривожлана боради. Одам тобора баркамол бўла бориши унинг олдига янгича талаблар кўяди, уларни бажариш эса эҳтиёжнинг янги, нисбатан мураккаб, моҳият жиҳатдан теран хусусият касб этувчи шакллари вужудга келтиради, уларнинг қондирилиши эса тузилишга эга бўлган воситаларни тақозо этади. Маълумотлилик ақл – заковат кўрсаткичининг юксалиши, истеъдод аломатларининг рўёбга чиқиши, фаолликнинг ортиши, хатти-ҳаракат таркибида кераксиз бўғинларни камайиш эҳтиёжи такомиллашган шаклининг намоён бўлишини таъминлайди. Инсон комфорт сари интилар экан, демакки унда янги эҳтиёжлар юзага келади, уларни қондирилиши эса янги бир сифат даражасига кўтарилади. Маданиятнинг янги қирралари очилиши, маънавиятни эгаллашга нисбатан хоҳиш – истакнинг кучайиши, фан ва техниканинг тараққиёти, миллатлараро муносабатлар кўламининг кенгайиши ранг-баранг эҳтиёж турлари ва шакллари ривожланишига муҳим шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг баркамоллик сари

интилишдаги имкониятларини рўёбга чиқариш орзуси эҳтиёжлар ривожланиши ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Психология фанида эҳтиёж қуйидаги типларга ажратилади:

1. Индивидуал – якка шахсга йўналтирилган.
2. Гуруҳий – реал гуруҳлар моддий ва маънавий интилиши.
3. Жамоавий – жипслашган гуруҳлар талаби мажмуаси.
4. Ҳудудий – этник гуруҳнинг муайян ўзига хос талаблари қондарилиши
5. Этник – маълум миллат ёки халқларнинг сафарбарлигини таъминлаш.
6. Умумбашарий – ер юзи халқларининг умумий талабларининг мажмуавий акс этиши.

## **2. қизиқишнинг психологик тавсифи**

қизиқиш шахснинг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита мужассамлашади. қизиқиш-инсонларнинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, эзгу ниятлари, орзу умидлари билан бевосита муҳим роль ўйнайди ҳамда уларнинг муваффиқиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни шакллантиришда, шахс қобиляти, зеҳни, уқувчанлиги ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради.

қизиқиш мотив сингари борлиқнинг мўъжизакор томонларини билишга, фан асосларини эгаллашга фаолиятнинг турли-туман шаклларига нисбатан ижодий ёндашишни вужудга келтиради, меҳнатга, таълимга масъулият билан муносабатда бўлишни шакллантиради, ҳар қайси яккаҳол (индивидуал) шахсда ишчанлик, ғайрат-шижоат, эгилмас иродани таркиб топтиришга пухта психологик шарт-шароитлар яратади.

қизиқишнинг психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилганда, қизиқиш, инсонда интилиш, фаолик, ички туртки, эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи ролини бажаради.

Жаҳон психологияси фанининг йирик намояндалари шахснинг қизиқишини унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, одамнинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобиляти билан, умуман олганда инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

қизиқиш муаммоси психологик нуқтаи назардан Н.А.Рибников, Н.Ф.Добринин, Н.Д.Левитов, М.Ф.Беляев, Л.А.Гордон, Л.И.Божович, Н.Г.Морозова, М.Г.Давлетшин, М.В.Воҳидов, В.А.Токарева, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқаларнинг назарий-методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ҳамда махсус экспериментал тадқиқотларида ривожлантирилди.

Ҳозирги замон психологиясида қизиқиш объектив борлиқнинг инсонлар онгига субъектив тарзда акс этишларидан бири сифатида тан олинади. қизиқиш шахснинг муайян воқеликдаги, маълум вазиятдаги турли нарса ва ҳодисаларга

танлаб муносабатда бўлишида, инсоннинг ўзига хос қарор қабул қилишида, ўзини ўзи назорат эта билишида, мақсадга интилувчанлигида, юзага келган объектив ва субъектив тўсиқларнинг енгишида ифодаланади.

Психология фанининг йирик намоёндаларининг таълимотича, қизиқиш одамларнинг эҳтиёжлари негизида юзага келади, яққол ижтимоий-тарихий шарт-шароитда, вазиятда вужудга келади, шаклланади, барқарорлашиб боради ҳамда уларнинг шахсий турмуш шароитида ва фаолиятида, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши сингари омилларда гавдаланади. Умумий талқинларга асосланиб мулоҳаза билдирилганда, қизиқиш алоҳида жараён, маълум психологик функция эмас, чунки у ҳис-туйғу, ирода, онг, қолаверса жамики психик ҳолатлар, ҳодисалар ва ички кечинмаларнинг ўзида мужассамлаштирган, мураккаб тизимли руҳий воқеликдир.

қизиқишни психологик моҳиятининг дастлабки кўриниши-бу уни одамлар томонидан англаб етиши ёки тушуниш имкониятидир. Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга онгли, танлаб муносабатларда бўлади. Лекин бу воқелик (англаш, тушуниш) инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал-типологик хусусиятлари ривожланиши туфайли юзага келади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қизиқишнинг психологик моҳияти намоён бўлишида ақлий жараёнлар муҳим роль ўйнаши ҳодисаси қайд қилиниши у фақат интеллектдан ташкил топади, деган маънони англатмайди, албатта. Худди шу боисдан, қизиқишни психологик моҳиятининг иккинчи кўриниши-унинг ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар билан уйғунлашган, мужассамлашган тарзда ифодаланишидир. Маълумки, ҳис-туйғулар, шунингдек, эмоционал ҳолатлар (эмоционал тон, кайфият, шижоат, эҳтирос ва бошқалар) шахснинг борлиқдаги аниқ воқеликка, нарса ва ҳодисаларга, муайян фаолиятга нисбатан интилишни, саъи-ҳаракатларни кучайтиради, жадаллаштиради, сафарбарликни объектга йўналтиради. Инсон ўз шахсий қизиқишини қондиргандан кейин унда ёқимли ҳис-туйғулар уйғонади, руҳий қониқиш эса ўз навбатида лаззатланиш (праксик) ҳисни вужудга келтиради, бунинг натижасида фрустрация (руҳи тушиш) унинг шахсиятини эгаллайди.

қизиқишни психологик моҳиятининг учинчи кўриниши-унинг ирода сифатлари билан ёинки ирода акти билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни енгиш, мустақиллик намоён қилиш қизиқишни қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди.

қизиқишни психологик моҳиятининг тўртинчи кўриниши- уни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир.

қизиқишнинг нерв-физиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юртилганда, даставвал рус олими И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг «бу нима?» рефлекси, яъни ориентировка (мўлжал олиш) рефлекси қизиқишнинг моддий негизини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади. И.П.Павлов ва унинг шогирдларидан

кейин П.К.Анохин, Н.А.Бернштейн, Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилицин ва бошқалар инсондаги қизиқишнинг нерв-физиологик механизмларини бош мия катта ярим шарлари пўстлоғида ориентировка рефлекси негизида мураккаб муваққат боғланишларнинг вужудга келишидир, деган йўсинда талқин қилмоқдалар. қизиқишнинг моддий асослари- ўзаро индукция қонуни, пўстлокдаги оптимал кўзғалиш ўчоғи ва динамик стереотиплар (И.П.Павлов), доминанта (А.А.Ухтомский), ориентир мураккаб психофизиологик ҳодиса эканлиги (Е.Н.Соколов) ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда қизиқиш шахснинг индивидуал-психологик хусусиятидан иборатдир, деган хулоса одатий нарсга айланиб қолди.Шунга қарамасдан, баъзи манбаларда қизиқиш-муайян соҳа бўйича тўғри мўлжал олишга, янги омиллар билан танишишга, воқеликни тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир, деган таърифга ҳам эгадир. Шунга мутаносиб тарзда қизиқиш билиш жараёни тусини кашф этадиган, ижобий ҳис-туйғуларда йўналтирилган объект билан чуқурроқ танишишга, у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлиш, унинг моҳиятини англаб етишга нисбатан шахснинг истагида намоён бўлади, қабилида мулоҳазалар ҳукм суради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахснинг иштиёқини қондиришга йўналтирилганлигини акс эттирувчи қизиқишни қондирилиши, ҳеч қачон унинг сўнишини ифодаламайди, аксинча объектнинг номаълум қирраларини аниқлашга нисбатан интилиш давом этаверади.Шу билан бирга қизиқишлар билишнинг, унинг жараёнлари функционал ҳолатининг доимий кўзғатувчи механизми сифатида вужудга келади ва акс эттиришда давом этади.

Психологияда қизиқиш мана бундай типларга ажратилиши мумкин: 1) мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий; 2)мақсадига биноан: бевосита ва билвосита; 3) кўламига қараганда: кенг ва тор; 4) қизиқишлар даражаси бўйича: барқарор ва беқарор.

қизиқишнинг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши қуйидагиларда мужассамлашади: билиш эҳтиёжларининг объектлари қайсилар, билишнинг мазкур фаолият мақсади билан мутаносиблиги, шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар. Шахсда нималарга нисбатан қизиқиш уйғонади, унинг билиш эҳтиёжлари объектининг ижтимоий қиймати қандай аҳамият касб этади? Инсоннинг шахсий қизиқиши келиб чиқишига кўра бирламчи бўлишига қарамасдан, у бир даврнинг ўзида ижтимоийлик хусусиятини касб этаверади. Унинг касбий фаолиятига нисбатан қизиқиши охир оқибатда жамият учун наф келтириши, равнақи учун қийматлидир. Ижтимоий хусусиятли қизиқишларнинг пайдо бўлиши шахсий аҳамият касб этиш сари етаклаши муқаррар. Чунки умумийлик (ижтимоийлик) билан хусусийлик (шахсга оидлик) уйғунлашган ҳолда ҳукм суради ва улар бир босқичдан бошқа бир босқичга автоматик равишда ўтаверади ёки улар доимо ўрин алмаштириб туришади. Шахс ўз қизиқиши туфайли бирон-бир нарсани кашф этса, индивидуал эҳтиёжини қондиради, шунингдек, жамият, жамоа учун ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга бу нарса хизмат қилади. Шу боисдан жамиятнинг, жамоанинг энг долзарб вазифаларидан бири-ёшларнинг мустақил, фаол билишга, ижтимоий аҳамиятга мойиллик меҳнат фаолиятига нисбатан қизиқиш



уйғотишдан иборатдир. Токи уларда жиддий, сермазмун, жамият томонидан рағбатлантирилувчи, меҳр-муҳаббатга сазовор қизиқишлар шакллансин.

қизиқишнинг мақсад жиҳатидан фарқи бевосита ва билвосита намоён бўладиган қизиқишларнинг мавжудлигини аниқлайди. Бевосита қизиқишлар воқеликнинг, жисмлар ва ҳодисаларнинг эмоционал жозибалилиги, ҳис-туйғуларга эга бўлишлиги, ташқи таъсирларга берилувчанлиги туфайли вужудга келади. Бевосита қизиқишлар ўрганилаётган нарсанинг маъноси билан унинг шахс фаолияти учун аҳамияти мос тушган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Психологияда бевосита қизиқишнинг юзага келишини фаолиятнинг мақсадини англаш билан боғлиқ бўлган билишни эҳтиёж деб аташ қабул қилинган. Меҳнат ва ўқиш фаолиятида ҳамиша ҳис-туйғуга, жозига таяниб иш тутиш имконияти мавжуд бўлмаслиги сабабли жисмоний ва ақлий меҳнатни онгли идора қилишда муҳим аҳамият касб этадиган бевосита қизиқишларни таркиб топтириш масаласи ишлаб чиқариш ҳамда таълим тизими олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, у ёки бу нарсаларни (ҳодисалар моҳиятини) билиш, кўриш, идрок қилиш, англаб етиш учун қизиқарли туюлган ички кечинмалар бевосита қизиқишни акс эттиради. Билвосита қизиқишлар меҳнат фаолияти ёки таълим олиш жараёнининг муайян ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти ўзаро мос тушганида билвосита қизиқиш юзага келади. Бинобарин, шахс мазкур жараёнда бу нарсалар мени қизиқтиргани учун жуда қизиқарлидир, деган хулосага келади. Меҳнат фаолияти ва таълим жараёнини онгли ташкил этишда етакчи ва устувор роль ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш учун махсус тренингларга, омилкор йўл-йўриқларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларнинг қизиқишлари ўзининг кўлами билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай шахслар тоифаси ҳам мавжудки, уларнинг қизиқишлари фақат биргина соҳага қаратилган бўлади. Бошқа бир тоифага тааллуқли одамларда эса қизиқишлар катор соҳаларга, фанларга, объектларга йўналтирилганлигини учратиш мумкин. Лекин турли соҳага нисбатан қизиқишларнинг бири иккинчисига салбий таъсир этиши мумкин эмас, агарда улар оқилона бошқариш имкониятига эга бўлса. қизиқишнинг торлиги кўпинча салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин, лекин айтиш чоғда уларнинг кенглиги ҳам нуқсон тариқасида таҳлил қилинса бўлади. Бироқ шахснинг баркамол шахс бўлиб камол топиши қизиқишлар кўламини тор эмас, балки кенг миқёсда бўлишини тақозо этади.

қизиқишлар ўзларининг даражасига қараб барқарор ва беқарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узок вақт давомида ёқтирган предметларига, объектларига, ҳодисаларга нисбатан ўз майлини ҳеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг рухий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади. Барқарор қизиқиш шахс қобилятининг ривожланганлигидан дарак бериши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, мазкур қизиқиш ташхис қилувчанлик хусусиятига эга. Бироқ инсонларда барқарор қизиқишнинг мавжуд ёки мавжуд

эмаслигини аниқлаш учун уларнинг меҳнат фаолияти ва ўқув жараёнидаги қизиқишларининг ташқи ифодасини атрофлича ўрганишга тўғри келади. Одатда қизиқишнинг ташқи ифодаси шахснинг ўзига ўзи баҳо бериш, ўзини ўзи таҳлил қилиш фаолиятларида намоён бўлади. Барқарор қизиқиш тўғрисида мулоҳаза юритилганда, унинг бошқа таркибий қисмлари ва қирраларини ҳисобга олиш лозим, чунки бу нарса кўп жиҳатдан шахснинг иродавий сифатлари, характерининг вазминлигига боғлиқ.

қизиқишнинг барқарорлиги унинг нисбатан жадал тарзда намоён бўлиши ҳамда узоқ давом этиши билан ифодаланади. Шахснинг зарурий эҳтиёжларини юксак даражада акс эттирадиган, шунингдек, унинг психологик тузилишига хос хислатларга айланиб борадиган қизиқишлари барқарор қизиқиш дейилади. Барқарор қизиқиш қобилиятнинг бир кўринишига ўхшаш бўлиб, мақсадга йўналганлиги билан муҳим ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий аҳамиятга, қийматга эгадир.

қизиқишларнинг баъзи ҳолатларда беқарор бўлишлиги инсонларнинг ёш, жинс, типологик хусусиятига боғлиқдир. Бундай тоифадаги одамларда қизиқишлар ғоятда эҳтиросли кечади, бироқ қисқа муддатли бўлиши мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида улар бир нечта фанларга, табиат ҳодисаларига қизикади, барча нарсага иштиёғ билан киришиб, муаммо моҳиятига чуқур кириб бормасдан, бошқа ҳолатлар билан машғул бўлиб кетадилар. Ундай хусусиятли шахслар машғулотларга тез киришади ва шундай йўсинда сўниб туради ҳам. қизиқишлар салоҳиятли вояга етган одамларнинг, ёшларнинг ўз истеъдодларини мақсадга йўналтирган тарзда амалга ошишини таъминлайди.

Шахсдаги қизиқишларни ривожлантириш ва барқарорлаштириш учун уларнинг негизини ташкил этадиган фаолият билан машғул бўлишга, мақсадга мувофиқ равишда шуғулланишга, майл уйғотишга пухта замин ҳозирлаш зарур, токи қизиқишлар мотив, эҳтиёж, эътиқод функциясини бажаришга айлансин.

Шундай қилиб, қизиқишлар-шахс фаолияти асосларининг танҳо йўналиши эмас, лекин унинг энг муҳим жиҳатидан иборатдир.

Психология фанининг сўнги даврдаги маълумотларига асосланган ҳолда қизиқишнинг бир нечта даражаларга ажратиш мумкин: а) синчковлик, б) қизиқувчанлик, в) билишга қизиқиш, г) турғун ёки касбий қизиқиш. Синчковлик қизиқишнинг бирор нарсага нисбатан кучли интилишдан иборат қисқа муддатли тури ёки даражасидир. қизиқувчанлик шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларни билишга нисбатан фаол муносабатидан иборат қизиқиш даражасидир. Билишга қизиқиш англашинилган даражадаги, мақсадга мувофиқлашган, жисмоний ва ақлий фаолиятнинг янги қирраларини эгаллашга йўналтирилган қизиқиш туридир. Турғун қизиқиш шахснинг касбий кўникмалар, малакалар ва билимларни эгаллашга йўналтирилган, касбий тайёргарлик даражаси билан уйғунлашган, мақсадга эришиш йўлида фаоллик кўрсатувчи қизиқиш туридир.

Шахслар ихтиёрига пиктограмма, анаграмма, турли хусусиятли тестларни ҳавола қилиш уларда қизиқишнинг ички механизмларини келтириб чиқаради. Бу нарса ўз навбатида уларда ўз қизиқишини ўзи бошқариш кўникмасини

шакллантиради, ҳар қандай кўзғолувчига жавоб беришдан иборат стереотип ҳосил бўлади.

қизиқишнинг бу тури ва унинг юқори босқичи шахсни воқеликдаги ички боғланишларни, муносабатларни билиб олишга йўллайди ҳамда руҳий тўсиқлар ва қийинчиликларни енгадиган, муваффақиятсизликлардан чўчимайдиган, қатъиятлик, интилувчан, толиқмас индивидуал хусусиятни шакллантиришга ёрдам беради. Одамларда ўзини ўзи бошқариш, шахсий қизиқишини идора қилиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини қўлга олиш, ўзини ўзи такомиллаштириш сингари шахс хусусиятларини шакллантириш ижтимоий, тарихий ҳамда ижтимоий-психологик аҳамият касб этади.

### **3. Шахснинг установкаси ёки англанилмаган майллари**

Психология фанида ҳуқ-атвор ва фаолиятга қаратилган англанилмаган майллар орасида муайян даражада тадқиқ этилгани установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) муаммоси ҳисобланади. Ушбу умумий психологик масала грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг шогирдлари томонидан кенг қўламда ўрганилгандир.

Установка инглизча set дейилади, ўзбек тилида эса кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида қўлланилиб келинади. Лекин кейинги атамалар унинг ҳақиқий моҳиятини, маъносини ўзида мукаммал акс эттирмайди, шунинг учун терминни ҳеч ўзгаришсиз қолдирса ҳам бўлади.

Одатда установка деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установка шахснинг ўзи англаб етмаган муайян руҳий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намояндалари томонидан аниқланган. Мазкур тажрибада синалувчига иккита, биттаси катта, иккинчиси эса кичикроқ соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмуқ ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, барабар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (нотўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай психологик воқеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жиҳатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир-бирига тенг эмас, деган майл билан ғавқулодда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийроқ қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н.Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятининг ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н.Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг қўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охириги босқичида синалувчининг чап қўлига бир-бирига тенг соққалар берилади. Бунинг натижасида унинг чап қўлида ҳам

иллюзия, яъни нотўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш эвазига инсонинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян объектларда субъектга тааллуқли «фиксал установкалар» (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида англанилмаган майллар аста-секин қайд қилинувчи (фиксацион) даражасига ўсиб ўтиши мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н.Узнадзенинг натижаларига ўхшаш қатор маълумотлар шахсда мустаҳкамланиб қолганлиги туфайли установка функцияларини бажариб келмоқда: 1) бошланғич синф ўқувчиларининг олдида турган установкалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар; 2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик; 3) олимларга нисбатан паришонхотирлик; 4) савдо ходимларига нисбатан уддабуронлик, даромат қилишга устаси фаранглик; 5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги; 6) қариянинг сўзи тугагунча-ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр мулоҳазалар установкага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установкага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, этник расм-русумлар ҳам установкага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установкаларига беморнинг риоя қилиши ирқчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёлиларга берилган супер (орттирма) баҳолар ва бошқалар установканинг англанилмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шунини таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун англанилмаган установка ўз позициясини аниқ намоёиш қилишда эътиқод сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тариқасида акс этади.

Грузин психологлари томонидан установканинг турлича хислатлари (қўзғалувчанлик, динамиклик, статиклик, пластиклик-дағаллик, лабиллик-стабиллик, иррадиация-генерализация) ва типлари (диффуз, дифференциаллашган, фиксациялашган) аниқланган. Уларнинг фикрича, установканинг баъзи бир хислатлари мутаносиблиги унинг ҳар хил типларини вужудга келтиради. Психоз ва неврозлар установканинг патологик ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, установка инсон ҳукмронлигини ва қудратини ташкиллатиришнинг юксак даражаси саналади. У ҳулқ- атворнинг батартиблиги ва изчиллигининг асоси ҳисобланади. Уларнинг мулоҳазаларича, установка инсонинг муайян шаклда муносабат билдиришга юксак йўсинда умумлашган тайёргарлик ҳолати, яққол реакция натижасининг кодлаштирилган нейродинамик модели, мазкур реакция вақтини олдиндан пайқаш, қолаверса яхлит фаолият тузилишининг ажралмас жабҳаси ҳисобланади. Шунинг учун установка ўзгарувчанлик ва барқарорлик жипс бирлигини аниқлашга хизмат қилади. У ўзининг ўзгарувчанлик билан муносабат билдириши жавоб қайтаришнинг барқарорлигини таъмилайди.

Установканинг юксакроқ босқичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга

таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёрқин мисолдир. Ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, хулқ-атвориға бевосита боғлиқ. Бу ҳолат психологияда экспериментал тарзда тадқиқ этилган. Масалан, синалувчиларға маълум вақт оралиғида соатиға қарамай, секундларини ўз ичида санаш орқали бир минутнинг чўзилишини аниқлаш имкониятиға эға бўлганлар. Кейинчалик бу санаш сигнал бериш билан текширилиб турилган, баъзан «ёлғон» сигналлар, яъни лампочка ёниш билан тажриба бўлинишға йўл қўйилган. қатнашчиларда экспериментаторға ишонч бўлганлиги сабабли хатоларға йўл қўйишган.

Ишонувчанликни аниқлашда «конформизм» (келишув, муроса-ю, мадора) дан фойдаланилган. Ички ва ташқи келишувчанлик (конформизм), ичдан келишмовчилик (ноконформизм) гуруҳий ишонувчанлик моҳиятини ўрганиш учун объект сифатида фойдаланишган. Бир гуруҳ одамларнинг очиқ овоз бериши конформизмнинг намоён бўлишидир. Лекин конформизм «сохталик»ни ҳам келтириб чиқариши мумкин, унинг акс этирувчиси эса конформист деб аталади, кўпинча идеаллардан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг англанилмаган омиллари қаториға майллар киради. Ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан ташкил топган хулқ-атвор ва фаолиятни амалға оширишға ундовчи омил майл деб аталади. Мойиллик ҳолатиға кириб бораётган шахс учун жалб қилаётган объектида уни нима қизиқтираётгани ва қайси аломат ўзига тортаётгани сабаби ноаниқлигидир. Фаолият мақсади субъектиға номаълумлиги туфайли майл ҳукм суради. Бундай психик ҳолат инсонларда тез-тез учраб турса-да, лекин ўзининг тезкор ўткинчилиги билан бошқа воқеалардан ажралиб туради. Одатда ушбу моҳиятли психик ҳолатни ҳаракатлантирувчи эҳтиёж сўниши ёки тилакка айлантириш мумкин. Бинобарин, у хоҳиш, ният, орзу, фантазия каби шаклларға айлантириши туфайли шахс томонидан англанилади. Бундай шаклдаги майлларнинг одамларда мавжуд бўлиши уларнинг яқин ва узоқ келажакка интилишларидан далолат беради.

З.Фрейд майлларға нисбатан ўзига хос назария яратган бўлиб, у аксарият ҳолатда жинсий (инстинктив) майллар тўғрисида мулоҳаза юритади (либидо-жинсий майл), «эдип комплекс» («Шоҳ Эдип» асари бўйича), «психоанализ» атамалари орқали кўрқиш, ҳимоя, бегоналашиш сингари инстинктив мойилликни талқин қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлик, ҳар қандай англанилмаган майллар ўзидан ўзи йўқолиб кетмайди, балки улар бир босқичдан, кўринишдан иккинчи турға, шаклларға алмашади, мутлақо бошқача янги сифатға эға бўлади. Улар мақсадға, талабға ўсиб ўтиши билан англанилганлик даражасиға эришади. Кўнгил ғашлик, руҳан безовталаниш, номаълум хатти-ҳаракатлар сабаби инсонға номаълум бўлса, улар англанилмаган даражада эканлигини билдиради ва майл функциясини бажаради.

#### **4. Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши**

Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, ҳуқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири эътиқод бўлиб ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод-шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни-бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнимуайян тарздаги тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирга шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий тарихий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий принциплар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тариқа юз беришини ва бошқаларни аниқлайди.

#### **5. Мотивация.**

##### **5.1. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари**

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқланувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашди. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Рус ва собиқ совет психологияси намояндалари К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтерев, А.Ф.Лазурский, В.Н.Мясишев, А.А.Ухтомский, Д.Н.Узнадзе, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.И.Селиванов, В.Г.Асеев ва бошқалар мазкур муаммо юзасидан тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ушбу муаллифларнинг қарашлари олдинги бобда берилганлиги учун уларга қайтатдан тўхталишга ҳожат йўқдир.

Рус ва собиқ совет психологияси вакилларида ташқари Европа ва Америка мамлакатларида мотивацияга оид 30 (ўттиз)дан ортиқ илмий концепциялар мавжуддир. Ана шу психологик мактабларнинг айрим намояндаларининг тадқиқотлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз: интероспектив психология, бихевиоризм, гештальтпсихология, психоанализ, структуравий психология, ассоцианистик психология, эмпирик психология, аналитик психология, гуманистик психология, антропологик психология ва ҳоказолар.

Бихевиоризмнинг асосчиси Дж.Уотсон (1878-1938) психология фанининг бош вазифаси ҳуқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ҳодисалардан мутлақо воз кечиб, ҳуқни икки шаклга, яъни ички ва ташқига ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун «ҳуқ» асосий тушунчага айланиб, унинг

психикаси билан алоқаси четлаб ўтилгандир. Шунга қарамасдан, баъзи бихевиористлар, жумладан Э.Торндайк, Э.Толмен, К.Халл, Д.Хебб кабилар хулқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида хулқ мотивациясининг «қуйи даражалари» ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбатан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятлар очишга интилганлар. Ҳозирги замон бихевиористлари стимулни ташқи қўзғатувчи сифатида талқин қиладилар ва организмнинг ички энергиясини фаоллаштирувчи деб ҳисоблайдилар. Необихевиористик назариялар янги қўзғатувчилар, драйвалар пайдо бўлишига асосланган бўлиб, улар инсоннинг органик эҳтиёжларини қониқтириш билан стимул натижасининг уйғунлашуви тарикасида таҳлил этилади. Уларнинг таъкидлашига кўра, иккиламчи қўзғовчилар органик қўзғатувчиларнинг гўёки қобиғига ўхшайди, холос. Вильям Макдугалл (1871-1938) мотивациянинг ирсий (табиатдан бериладиган) хусусиятга эга деган ҳолатни асослаш учун туғма инстинктлар масалалари билан мазкур воқеликни боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туғма инстинктлар ҳам инсонларга, ҳам ҳайвонларга бир текис тааллуқли бўлиб, улар одамларнинг мотивида олдин 14 та, кейинчалик эса 18 тагача «асосий инстинктлар» сифатида ҳукм суриши мумкин. Умуман олиб қараганда, бихевиористлар учун бир қатор ҳолатлар ўзига хосликка эга:

1. Бихевиоризм мотивация моделини топиш билан шуғулланиб ва хулқ принципларини вужудга келтира бориб, ҳайвон хулқи ҳамда уларда кашф этилган хулқ мотивацияси қонуниятларига асосланиб инсоннинг хулқ мотивацияси юзасидан хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

2. Бихевиоризм инсонни биологик мавжудод сифатида қараб, унга биологик жабҳада ёндашади, оқибат натижада унинг ижтимоий моҳияти тадқиқот предметида четда қолиб кетади.

3. Бихевиоризм ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос бўлган хулқнинг умумий принципларини топишга интилади.

4. Бихевиористлар инсонни шахс сифатида тараққий этиш жараёнини ифодаловчи ўзига хослигини ё четлаб ўтадилар ёки ўта содда тарзда изоҳлашга мойилдирлар.

5. Ҳайвонларнинг хулқ мотивацияси шакллари жуда содда тарзда тушунтиришга асосан тадқиқот натижаларини инсоннинг мураккаб ва бошқа бир сифат босқичидаги мотивациясига кўчириш ишончли далилларга эга эмас.

6. Инсон мотивациясини ўрганишда фойдаланилаётган бихевиоризмнинг тушунчалари, чунончи, бирламчи майллар, организмни китикловчи туғма эҳтиёжлар каби одамнинг мотивация доираси тузилиши моҳиятини жуда юзаки оча олади, холос.

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация ортганлик равишда инсон майлларига хосдир, деган ғоя ётади. Уларнинг манбаи майлни акс эттирувчи қайсидир органдаги ёки унинг қисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

3.Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. Онгсизлик таълимотининг асосчиси 3.Фрейд хулқ мотивалари ва эҳтиёжлари муаммосини ишлаб чиқаётиб, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сақланиш шартидир деб тақдирлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенцияси сифатида талқин этади. Энг асосий масала шуки, 3.Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида «у» тушунчасига қандай маъно юкламоқчи? Унингча, «у» тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу боис мантиқ қонунлари ва ақл даражалари, кўрсаткичлари унга ҳеч қандай аҳамият касб этмайди 3.Фрейд аффектив, импульсив шаклдаги мутлақлашган қўзғовчиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ушбу қўзғатувчилар (турткилар) нинг импульсивлик, тахминийликнинг аффектив моҳияти, нотанқийдийлик, онгли ва иродавий назоратга итоат этишда қийинчилик кабиларнинг динамик хусусиятларини мутлақлаштириш бўлиб, уларнинг асосида қуйи генетик ва структуравий даражадаги қўзғатувчилар ётади. 3.Фрейд таъкидлаб ўтган динамик хусусиятлар ва хоссалари моҳиятида мотивациянинг чуқур асосий манбасини кўради. Унинг концепциясида инсон хулқи ва ҳаракатининг двигатели жинсий инстинкт ҳамда унинг трансформацияси устувор ўрин эгаллайди.

Ушбу мулоҳазани янада мукаммаллаштириш мақсадида неофрейдистлар ҳисобланмиш А.Адлер, К.Юнг кабиларнинг назарияларини таҳлил қилишга ўтади. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч, унинг фаолияти мақсадини аниқловчи, уларга эришиш йўллари ҳукуматга ва қудратга эркдир. Хорни, Фромм ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган маълумотлар моҳияти Фрейд томонидан киритилган психика тушунчаси ва унинг ҳаракатлантирувчи назариясини алмаштиришга интилиш яққол кўзга ташланади. Хорнинг нуқтаи назарича, инсон қанчалардир туғма кучларга эга бўлиб, унинг негизи болаларча ёрдамга муҳтожликка қурилгандир, бу ҳолатлар бирламчи безовталаниш туйғусида ва туғма кўрқинч ҳиссида ўз ифодасини топади. Хорнинг таъкидлашича, инсон хулқининг мотивацияси бошқа мотивлар ёрдами билан аниқланиши мумкин, жумладан, бирламчи безовталаниш (болаларча ёрдамга муҳтожлик келтирувчи) атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эҳтиёж эса инсонни бошқа одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишни вужудга келтиради. Фромм ҳам ўз қарашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни қизиқтирган муаммо инсон хулқи жабҳаларда ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир. Инсонни индивидуализациялаш унда танҳолик ҳиссини вужудга келтиришга олиб келади, шунингдек, ўз қадр-қийматини англаш сари етаклайди. Танҳолик ҳиссиётидан фориғ бўлишга интилиш туйғуси инсон мотивациясини ва унинг хулқ шакллари аниқлайди. Неофрейдистларнинг илмий асарларида инсон хулқига таъсир қилувчи интим омилларига ва унинг мотивациясига муайян даражада аҳамият берилган бўлса-да, лекин оқибат натижада хулқнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида англашилмаган туғма кучлар асосий ўринда туради.



Гештальтпсихология мактаби намояндалари учун мотивация ўзига хос талқинга эга бўлиб, унинг моҳиятини экспериментал тарзда ўрганишга, очиб беришга интилиш кўрсаткичи билан бошқалардан ажралиб туради. К.Левин (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлақо мустақил ҳолат сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришган. Гештальтпсихология мактабининг намояндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта аҳамиятли бўлса, К.Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим хусусият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли, маъновий мазмуни эса инкор қилинади. К.Левин халқни мана бундай изоҳлашга интилади, муайян муваққатли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол муҳит билан муносабатларидан келиб чиқувчи воқеликдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивацион ўзгарувчи ҳукм суриши тан олинади, уларнинг биттаси туғма, ҳайвонлар турткисига ўхшаш ва турмуш давомида эгалланган фақат инсонгагина хос бўлган. Гештальтпсихологларнинг асарларида шундай ҳолатлар ҳам мавжудким, уларда ҳулқ мотивацияси муаммолари шахснинг муҳим (асосий) хусусиятларини таҳлил қилиш негизидан келиб чиқиб қаралади. Ушбу ҳолат Г.Оллпорт концепциясида яққол кўзга ташланади, унингча, энг муҳим жиҳат бу инсон ҳулқини ўзгариш сабабларини очишдир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивларнинг омилларини текшириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини англаб олиш қийин эмас. Бу борада индивиднинг жавоблари ўзига хослиги билан ўзаро таъсир ўтказиш ўртасида қандайдир алоқа мавжудлигини ўрнатиш ҳам иккинчи даражали нарса сифатида талқин қилинмайди.

Собиқ совет психологиясида инсон ҳулқ-атворини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган мотивлар чуқур ва етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Уларнинг психологик механизмлари, узлуксизлигини таъминловчи омиллар, зарур шарт-шароитлар моҳияти, вужудга келиш имкониятлари тўғрисида жуда юзаки маълумотларгина муайян даражада тартибга келтирилган, туб маънодаги мотивлар табиати изчил равишда, педагогик ва ёш психологияси фанлари қонуниятларига асосланган ҳолда тадқиқ қилинмаган. Бу эса республикамызда уларнинг кенг кўламда ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мотивларнинг фалсафий-методологик аҳамияти шундан иборатки, улар сабаб-оқибат, ички мураккаб боғланишлар тузилишини юксак даражада ривожланган тизим сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув эса ўз навбатида материя ривожланишининг олий маҳсули эканлиги тўғрисидаги ҳулосага олиб келади. Чунончи, мақсадга йўналтирилган ва мақсадга мувофиқлаштирилган ҳар хил мазмундаги саволлар, ахборотлар, маълумотлар, хабарлар кишилар фаолиятининг онгли хусусияти таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар моҳияти таркибига киради. Мотивлар тузилишини амалий (таъбиқий) йўналишга қаратиш-инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, ҳиссий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шаклларининг илмий асоси юзага келишига муҳим имкон ва зарур шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг меҳнат фаолияти тизимининг мураккаблашуви ишлаб чиқаришда ахлоқий, маънавий,

нафосат, рухий тарбия жабҳалари ҳамда радио, телевидение ва тарғибот-ташвиқот таъсирини самарали олиб бориши, касбий тайёргарликнинг экстремал ва стресс ҳолатларнинг шароитлари барқарорлашуви, такомиллашуви, яхшилануви, мақсадга мувофиқлашуви каби омилларнинг барчаси шахс мотив доирасининг ўзгаришига боғлиқ. Шахснинг мотив доираси унинг эҳтиёжларида, иродавий сифатларида (актларида) ва функционал имкониятларида ўз аксини топади.

Мотивнинг тадқиқот тарихидан келиб, унга ёндашсак, бу ҳолда у инсонлар (гоҳо ҳайвонлар хатти-ҳаракати) ҳаёти ва фаолиятининг рухий жиҳатдан бошқарувчиси сифатидаги талқинидан иборат ўзига хос туридир. Мотив тушунчаси, асосан, сут эмизувчи ҳайвонларга тааллуқли эканлиги илмий манбаларда таъкидлаб ўтилади. Инсонларга алоқадор мотивлар тушунчаси кўзғатувчилар ва кўзғовчиларнинг барча турлари (кўринишлари, модалликлари, шакллари) ни ўз ичига олади (чунончи, мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсадлар, интилишлар, мотивлашган установакалар ва бошқалар).

Мотив кенг маънода хулқ-атвор детерминацияси белгиланишига қарамай, кўпгина чет эл тадқиқотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талқин қилиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоки улар шартсиз реффлектор актларининг миқдорини, аффектив, стресс ва экспрессив реакцияларни мотив тизимига киритмайдилар. Бир қатор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соф маънодаги энергетик биоқувват фаоллигининг манбаи сифатида талқин қилиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равишда тушунтиришга интиладилар. Жумладан, З.Фрейд (856-1939) мотивнинг қонун - қоидаларини фақат динамик энергетик ҳолат тариқасида талқин қилади. Бир гуруҳ чет эл психологларининг фикрига қараганда, мотив – бу тажриба ва реакцияларнинг энергетик жабҳасидан иборатдир (ушбу таърифга нисбатан муносабат ўта баҳсли бўлганлиги сабабли муаллифларга танқидий фикр билдиришни китобнинг бошқа бўлимида билдирамиз).

Собиқ совет психологлари мотивларни тушунтиришда ва унинг таркибий қисмларини белгилашда динамик ва маъновий (маънавий) томонларининг уйғунлигидан келиб чиққан ҳолда талқин қиладилар. Уларнинг айрим намояндалари қарашларини таҳлил қилиш билан чекланамиз, холос.

С.Л.Рубинштейн мотивнинг психологик моҳияти тўғрисида куйидаги мулоҳазаларни билдиради: мотивация – бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир; мотив – бу шахс хулқ-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс этиш демакдир. Бизнингча, шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлиқ билан узвий алоқада бўлади. Инсоннинг хулқ-атвори (хулқи)ни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди. Мотивнинг тузилиш (структуравий) таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал ҳолати (ҳис-туйғуси), қобиляти, ички кечинмалари, фаолияти ва билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунингдек, бир қатор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивларининг динамик томонлари

асосини ташкил қилади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф динамик хусусиятли тавсифларни ташкил қилса, қолганлари эса фақат динамик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабҳаларини ҳам юзага келтиради.

Мотив ҳиссиёт билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар хулқ-атвор моҳиятидан ташқарида бўлмайди, балки ҳиссий кечинмалар, мотивлашган омиллар тизими билан узвий алоқага эгадир. Ҳиссиётнинг энг муҳим функцияларидан бири шундан иборатки, унда инсон учун муҳим аҳамият касб этувчи дақиқалар унинг учун қанчалик зарурият эканлигини белгилашга хизмат қилади. Ҳиссиётнинг бу соҳадаги бошқа бир функцияси нисбатан умумийроқ бўлиб, одамнинг ташқи оламга, шахслараро муносабатга, ҳис-туйғуларга негизлик муаммоси ҳисобланиб, унинг учун аҳамиятли воқеа ва нарсаларга нисбатан боғловчилик хусусиятига эга бўлган мулоқоти заиф эмоционал ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб, фаол, барқарор, турғун жараёнларни ўз ичига олади.

Юқоридаги мулоҳазалардан ташқари, мотивлар функционал-энергетик томонларини динамик бошқариш вазифасини амалга оширади.

Инсоннинг қобилияти бевосита мотивлашган механизмлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг муҳитини белгилайди ва динамик, маънавий таъсир этиш муносабатини ўзида акс эттиради. Мотив билан қобилиятнинг муносабатлари психик фаолликнинг бевосита бажариш негизи ҳисобланган фаолият орқали намоён бўлади. Мотивлашган тизимнинг таркибларини амалиётда рўёбга чиқарувчи нафақат фаолиятнигина аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки фаолиятнинг кейинги истиқбол ривожини ёки унинг бошқа соҳалар билан қоришиб кетиш эҳтимоли даражасини ҳам белгилайди. Лекин муайян инсоннинг функционал имконияти, фаолияти ва худди шу фаолиятнинг объектив томонларининг яққол рўёбга чиқиши мотив барқарорлашуви, ривожланиш (такомиллашув) га йўналганлиги ҳам фаолиятнинг объектив шарт-шароитига мослаша боради. Умуман шаклланиш жараёни, шахснинг ривожланиши мотивнинг фаолиятига, фаолиятнинг эса мотивга ўзаро таъсири билан тавсифланади, бизнингча, мазкур таъсирнинг кўрсаткичи, мезони вазифасини бажаради. Мотивларнинг ривожланиши туфайли тарбиявий талабларни англашда, эҳтиёжларни ичдан қайта кўришда хулқ-атвор қоидалари, мезонлари ёрдами билан фаолият доирасининг кенгайишида, шахснинг борлиқ билан муносабати кабиларда ўзгаришлар содир бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мотивларнинг ривожланиши, мотивлашган янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, фаолият муҳити доирасидаги ўзгаришлар туфайли амалга оширилади. Мотив механизми шахс сифатларини қайта қуриш, уларни ривожлантириш жараёнининг фаоллашуви тарзида юзага чиқади, шу билан бирга инсон камол топиш жараёнига, фаолият муҳити ва шароити аста секин ёки тез ўзгариши – мотивларнинг такомиллашуви, барқарорлашуви каби омилларга таъсир этади. Инсонни меҳнат фаолиятида қайта тарбиялаш ва муайян фазилатларни шакллантириш юқоридаги мулоҳазалар моҳиятидан иборатдир. Бу ўринда фаолият фаол вазият ҳисобланиб, мавжуд эҳтиёжлар, қизиқишлар доирасидаги психологик

ҳолатлардан узоқлашиб боради, сўнгра янги қизиқиш, эҳтиёж ва интилишларни шакллантиради, мотивлар моҳияти ва шаклларни ўзгартиради.

Ушбу мулоҳазани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мотивациянинг фаолият даражасидан ташқари чиқиши эҳтимоли ёки фаолиятнинг мотивация доирасидан ташқари чиқиши имконияти тўғрисидаги талқинлар нисбий хусусиятга эга. Бинобарин, мотивация фаолиятдан ташқарида ва фаолият эса мотивациядан алоҳидаликка эга деган хулосага келмаслик мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатни яққолроқ намоёниш қилиш ниятида қуйидаги ҳаётий ҳақиқатга мурожаат қиламиз. Ҳар бир талаба олий мактабга ўқишга кираётганида унда диплом олиш мотиви пайдо бўлади, ўқишга жойлашганда эса ўқув предметларини ўзлаштириш жараёни ўқишга нисбатан интилиш, эҳтиёж, қизиқиш, сафарбарлик каби психик омиллар юзага келади.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, фаолиятнинг тузилиши: мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва операциялардан иборатдир. Одатда фаолият ўзининг предмети ва мотивига эга бўлиб, агарда мотив билан предмет (жисм, нарса) ўртасида мутаносиблик (мослик) вужудга келса, демак шундагина у туб маънодаги фаолиятга айланади. Масалан, бир талаба имтиҳондан (рейтингдан) ўтиш учунгина бирламчи манбаларни ўқийди, лекин бошқаси эса ўзини текшириш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш учун дарс тайёрлайди. Биринчи ҳолатда талаба ёки ўқувчида мотив имтиҳонга қаратилган бўлиб, ўқув предмети мазмуни бундан мустаснодир, худди шу боисдан унинг фаолияти фақат хатти-ҳаракатлар тизимидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иккинчи ҳолатда эса мотив ўқув предметини ўзлаштиришга қаратилганлиги сабабли унинг интилиши фаолиятига ўсиб ўтади (Э.ғ. курсив бизники: бу мезон вазифасини ўтайди), деган фикрга келишга кафолат беради.

## **5.2. Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулоҳазалар**

Собиқ совет психологияси мотивлар муаммосини диалектик материализм принципларига асосланиб тадқиқодланган. Бу эса энг аввало мотивлар тизими инсон ҳаёти ва фаолиятига мураккаб тузилган бошқарувчиси (регулятори) сифатида тушунишни билдиради. Мазкур йўналишга дахлдор психологлар ўртасида шахснинг фаоллиги, онгнинг фаоллиги ҳақидаги ғоялар кенг тарқалган. Жумладан, С.Л.Рубинштейн мотивлашган тизимнинг инсон борлиқни акс эттиришдаги асосий ролини кўрсатиб, шундай мулоҳазаларни таъкидлаб ўтади: биринчи бўлиб кузатиш объектлари эмас, балки эҳтиёж объектлари ва инсон хатти-ҳаракатлари берилади. Мотивлашган установкаларнинг фаолликка оид ўзига хослиги ҳам шундай тузилган ва у ўзи хоҳлаган борлиқнинг элементи ва ҳолатини белгилашга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, ташқи оламга муносабатнинг фаол мотивацион хусусиятини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя. С.Л.Рубинштейн «онг-бу фақатгина акс этиш эмас, балки инсоннинг ташқи муҳитга нисбатан муносабати ҳамдир» деб ёзади.

Мотивларнинг тузилиши билан бевосита борлиқ онгнинг босқичли тузилиши муаммоси психологлар томонидан тезкорлик билан ҳал қилиш, ечиш, текшириш, тадқиқ этиш зарур бўлган долзарб масалага айланиб бормокда.

С.Л.Рубинштейн онгнинг ролини кўрсатиш билан бир қаторда психиканинг кўпқирралилиги нуқтаи назаридан турли босқичларда руҳий жараёнларнинг вужудга келиши, кечиши ҳолатларини тушунтириб беришга эришган. Ҳар қандай шахснинг хулқ-атворини психологик жиҳатдан тушунтиришда кўзғатувчилар(кўзғовчилар)ни турли босқичларда ўзаро мураккаб боғлиқликда олиб қараш, кўриш лозим, деб таъкидлайди. Бу кўп босқичли тузилма бошқаришни англашилган босқичи сингари англалмаган мотивацион тенденцияларни ўз ичига олади.

Собиқ совет психологлари мотив тузилишининг босқичли концепциясини ишлаб чиқаришда қуйидаги мулоҳазаларга таянганлар:

а) онгни тарихий келиб чиқишнинг жараёни билан инсон хулқ-атворини бошқаришнинг мураккаб тизимига эга эканлиги;

б) онтогенезда бола шахсини индивидуал (яккаҳол) шаклланиш жараёни бўлмиш генетик далилларга асосланганлиги ва бошқалар.

Мотивлар тузилишини генетик босқичда шаклланиш эҳтимолини таҳлил қилиш натижасида уни содда, бир босқичли тизимдан мураккаб, кўп босқичли юксак даражага ўсиб ўтиш жараёни ишончли омиллар ёрдами билан яққол кўрсатиб берилади. Умумлаштирилган маълумотларга кўра, собиқ совет психологлари мотивларнинг тузилиши муомаласини тадқиқ қилишда уларни динамик ва маъновийлик томонларининг бирлиги принциpidан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Улар фаол мотивнинг динамик ҳолати ҳақида мулоҳаза юритганларига мазкур фаолиятнинг баъзи жараёнларида унинг динамикаси ўта бўрттириб талқин қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқки, собиқ совет психологлари мотив тузилишига оид масалага ёндашиш жараёнида бутун эътиборини унинг мазмуний жабҳасини алоҳида кўрсатишга, маъновий томонларининг бирламчилигини белгилашга йўналтиради.

### **5.3. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли**

#### **А. Инсоннинг мотивлар оқими тўғрисидаги мулоҳазалари.**

Инсоннинг мотивлари тузилишини, уларнинг асосий функционал механизмларини ҳамда шаклланиш жараёнига йўналтиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш муаммосини психологик жиҳатдан тушунтириш учун боланинг психик ривожланиши таҳлилига ўзига хос равишда тактик ёндашиш маъқул.

Шахснинг мотивлари оқими муаммоси унинг ҳам методологик, ҳам назарий муносабатни текшириш демакдир. Чунки то ҳозирги давргача собиқ совет психологиясида унинг кўпгина қисмлари ўз ечимини топа олмаган.

ғарб мамлакатлари ҳамда АҚШ психологлари орасида «биологик эҳтиёжлар асосида инсон мотивлари ётади», деган қарашлар мажмуаси кенг қўламда қўлланиб келинмоқда. Чунончи, АҚШ психологи Б.Дамеллнинг фикрича, тўқимада вужудга келган эҳтиёжлар кўзғатувчининг асосий манбаи ҳисобланади. Мазкур ғоя юзасидан мулоҳаза юритган Данлэп эса «қўзғалиш биологик тўқималардан четга чиқмайди», деган фикрга қатъий ишонади.

Гильфорднинг таъкидлашича, фаолликнинг бирламчи манбаи овқатдан» иборатдир. Лекин муаллиф ўз фикрини изчил очиб беришга интилмайди.

Бу вазиятни баҳолашда психологик муаммолар оқими билан мотивларнинг биологик оқими ўртасида юз берувчи ўзаро ўрин алмашишнинг содир бўлишини мулоҳаза доирасидан ташқари чиқмаслик лозим. Чунки биологик шартланган режа фаоллик манбаи ўзаро ўрин алмашиш жараёнлари ассимиляция ва диссимиляция сифатида намоён бўлади. Ҳолбуки биологик ҳолатлар психик жараёнларнинг моддий асосини ташкил қилади. Худди шу боисдан, улар бирламчи манба ва психик фаолликнинг негизи тариқасида юзага келади.

#### Б. Илк болалик ёш даврида хулқ-атвор мотивлари.

Икки-уч ёшли боланинг мотивлари тузилиши кристаллашмаган (аморф)лиги билан, шунингдек, уларнинг қатъий иерархияси йўқлиги билан тавсифланиши намоён бўлади. Бола шахсига алоқадор мотивлар тизими бир қатор мотивлар йиғиндисини ифодаловчи, ўзаро бир-бири билан тасодифий ўрин алмашиб туриш хусусиятига эгадир. Мотивларни ўзаро ўрин алмашиш жараёнида ягона англашиш даражасидаги назорат тизимига бўйсунмайди.

С.Л.Рубинштейн болалик даврининг мотивларига қуйидагича психологик тавсиф беради: «Бевосита болага таъсир этувчи ҳар бир қўзғатувчи (қўзғовчи) илк болалик даврида унинг ўсишида ҳукмронлик қилади. Чунки ундаги ички мотивлар ҳали мустаҳкам эмас, шунинг учун ҳар хил вазиятда бола бошқа қўзғатувчи ҳукмронлигига тобе бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан беқарор, кучсиз, бетартиб мотивлар худди шундай хатти-ҳаракатларга боғлиқ. Муаллиф вазиятнинг стихияли таъсири ҳақида мулоҳаза юритиб, у болалик беихтиёр интилишининг хулқ-атворга таъсирини кўрсатиб туришини таъкидлайди.

Назарий ва амалий маълумотларга асосланиб, илк болалик давридаги индивиднинг хулқ-атвори, биринчидан, импульсивлик билан, иккинчидан, вужудга келган вазият хусусияти билан тавсифланади. Шахсни бошланғич генетик қобиғидаги шаклланиш палласидаги мотивининг динамик асоси – хатти-ҳаракати қўзғалишини муваққат, тор муҳитидан ташкил топади. Чунки бола ҳали мотивлашган установкаларни узоқ вақт ушлаб тура олмаслиги сабабли у тез йўқолади. Муҳим аҳамият касб этувчи қўзғалишларда бола чалғиса, демак, уларни у тезда эсдан чиқаради. Эҳтиёж қондирилишида, аффектив реакцияларда, чалғиш жараёнида қўзғалиш берилган вақт доирасидан четлашади.

Психологик доирадаги бошқаришнинг ўзига хос воситалари, фаолиятни ташкил этишни таъминловчи мотивлар – инсон фаолиятининг энергетик даражасини структуравий акс эттиради. Боланинг интеллектуал даражаси ва билимларнинг етарли эмаслиги оқибатида кичик бир амалий тажриба яққол амалий фаолият муҳитини сиқиб чиқариши мумкин. Бола бирон-бир объектга йўналтирилган фаолиятни, уни бошқаришни юксак функционал-энергетик босқичида мотивларни ўз ҳолича узоқ вақт сақлаб юриш имкониятига эга эмас.

Инсон фаолиятининг самарадорлиги (маҳсулдорлиги)ни ошириш ҳақидаги психологик усулнинг ролини Л.С.Славина III-IV синф ўқувчиларида тажриба йўли билан далиллаб берди. Л.С.Славина мураккаб ва узоқ давом

этадиган фаолиятларни таҳлил қилиш кезида уни нисбатан мустақил ва содда таркибий қисмларга ажратиб чиқади ҳамда уларнинг ҳар бирини алоҳида назорат қилиш керак, бинобарин, уни худди мустақил фаолият структурасининг такомиллашуви ва ривожланиши натижасидагина мотивлар тузилишининг такомиллашуви ва ривожини намоён бўлади. Муаллифнинг фикрига қараганда, хулқ-атворнинг муайян мақсадга бўйсундирилиши кичик мактаб ёшининг пировард босқичида амалга оширилиб, мазкур босқич ихтиёрий хулқ-атвор шаклланишининг бошланғич даври бўлиб ҳисобланади.

#### **5.4. Ўқув фаолияти мотивлари тўғрисида мулоҳазалар**

Психологик маълумотларга кўра, ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши шарт.

Билиш мотивлари шахснинг (субъектнинг) гносеологик мақсад сари, яъни билиш мақсадини қарор топтиришга, билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади. Одатда бундай турдош ва жинсдош мотивлар назарий маълумотларнинг кўрсатишича, ташқи ва ички номлар билан аталиб, муайян тоифани юзага келтиради.

Ташқи мотивлар жазолаш ва тақдирлаш, хавф-хатар ва талаб қилиш, гуруҳий тазйиқ, эзгу ният, орзу-истак каби қўзғатувчилар таъсирида вужудга келади. Буларнинг барчаси бевосита ўқув мақсадга нисбатан ташқи омиллар, сабаблар бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда билимлар ва малакалар ўта муҳимроқ бошқа, ҳукмрон (етакчи) мақсадларни амалга оширишни таъминлаш вазифасини бажаради (ёқимсиз ҳолат ва кечинмалар ёки нохуш, ноқулай вазиятдан қочиш, ижтимоий ёки шахсий муваффақиятга эришиш; муваққат эришув муддаоси мавжудлиги ва ҳоказо). Бу турдаги ёки жинсдаги ташқи мотивлар таъсирида таълим жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллаш (ўзлаштириш)да қийинчиликлар келиб чиқади ва улар асосий мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг асосий мақсади ўқиш эмас, балки кўпроқ ўйин фаолиятига мойилликдир. Мазкур вазиятда ўқитувчининг ўқишга уларни жалб қилиш нияти ўқувчиларнинг ўйин мақсадининг ушалишига ҳалақит бериши мумкин, лекин изоҳ талаб далиллар етишмайди.

Мотивларнинг навбатдаги тоифасига, яъни ички мотивлар туркумига индивидуал хусусиятли мотивлар кирадики, улар ўқувчи шахсида ўқишга нисбатан индивидуал мақсадни рўёбга чиқарувчи қўзғалиш негизида пайдо бўлади. Чунончи, билишга нисбатан қизиқишнинг вужудга келиши шахснинг маънавий (маданий) даражасини ошириш учун ундаги интилишларнинг етилишидир. Бунга ўхшаш мотивларнинг таъсирида ўқув жараёнида низоли, зиддиятли ҳолатлар (вазиятлар) юзага келмайди. Албатта бундай тоифага тааллуқли мотивлар пайдо бўлишига қарамай, баъзан қийинчиликлар вужудга келиши эҳтимол, чунки билимларни ўзлаштириш учун иродавий зўр беришга тўғри келади. Бундай хоссаларга эга бўлган иродавий зўр беришлар ташқи

ҳалақит берувчи кўзғатувчилар (кўзғовчилар) кучи ва имкониятини камайтиришга қаратилган бўлади. Педагогик психология нуктаи назардан ушбу жараёнга ёндашилганда тўлақонли вазиятгина оптимал (оқилона) дейилади.

Таълим жараёнида бундай вазиятларни яратиш ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланиб, унинг фаолияти ички англанилган мотивлар ўқувчилар хулқ-атворини шунчаки бошқариш билан чекланмасдан, балки улар шахсини шакллантиришга, уларда мақсад қўя олиш, қизиқиш уйғотиш ва идеалларни таркиб топтиришга қаратилган бўлади.

Аниқ нарсалар, ҳодисалар ва хатти-ҳаракатлар инсоннинг фаоллиги муайян манбалар билан узвий боғланишга эга бўлса, уйғунлашиб борса фаолият мотивлари даражасига ўсиб ўтади. Психологияда манбалар ўз моҳиятига кўра туркумларга ажратиб талқин қилинади.

А) Инсон эҳтиёжлари билан белгиланувчи ички манбалар. Организмнинг табиий эҳтиёжларини намоён қилувчи туғма хусусиятли ва жамоада шаклланувчи ижтимоий эҳтиёжларни вужудга келтирувчи орттирма хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Туғма эҳтиёжлар орасида ўқишга нисбатан маъно касб этувчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган фаолликка нисбатан эҳтиёж ва ахборот, маълумот, хабарлар олишга эҳтиёж муҳим роль ўйнайди.

Мотивга генетик ёндашилганда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бола туғилганидан эътиборан бевосита фаоллик кўрсатишга мойиллик ҳукм суради: у кулади (новербал муомала шакли), қимирлайди (фазода ўрин алмашиш), қўл ва оёқларини ҳаракатлантиради (мослашиш), ўйнайди (муҳит-бола муносабати), гаплашади (шахслараро муносабатга киришиш), саволлар беради (диалогик мулоқот ва бошқалар). Бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларнинг ўзи уларни қониқтиради, воқеликни инсоннинг ахборотларга нисбатан эҳтиёжини тажрибаларда кўрсатиш мумкин: агар текширилувчини маълум вақтга ташқи оламдан ажратиб қўйилса, натижада унинг иродасида, ҳиссиётида, интеллектида бузилиш содир бўлиши, зерикаши, иродавий акт тизими йўқолиши, фикр юритиш жараёни парчаланиши, иллюзион, галлюцинал ҳолатлар учраши мумкин.

Ижтимоий турмуш шароитида фаоллик ва информацион тақчиллик одамларни салбий ҳис-туйғу ва кечинмаларга олиб келади, фаолият тузилиши ва унинг динамикасига путур етказилади. Ижтимоий турмушда шаклланувчи эҳтиёжлар орасида ўқув фаолиятида муҳим роль ўйновчи ва уни кучайтирувчи ижобий хусусиятли социал ва гностик эҳтиёжлар алоҳида аҳамият касб этади, шахсни камол топтириш жараёнида ҳукмрон воқеликни эгаллайди. Уларнинг туркумига билимларга нисбатан эҳтиёж, жамиятга фойда келтиришга интилиш, умумбашарий ютуқларга эришишга интилиш кабилар киритилади.

Б) Инсон ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий шароитларида аниқланувчи ташқи манбалар. Бундай манбаларни талабчанлик, орзу (кутилма) ва имкониятлар ташкил қилади. Жумладан, талабчанлик инсонга фаолият ва хулқ-атворнинг муайян турини ҳамда шакли (кўриниши)ни тақозо этади. Мазкур ҳолатни қуйидаги мулоҳазалар ёрдамида изоҳлаш мумкин: ота-она боладан овқатни қошиқда ейишни, стулда тўғри ўтиришни, «рахмат» дейишни талаб



қилса, мактаб ўқувчидан маълум белгиланган вақтда дарсга етиб келишни, ўқитувчиларга кулоқ солишни, берилган вазифаларни бажаришни қатъий белгилайди. Жамият эса хулқ, феъл-атвор орқали маълум ахлоқий нормалар ва қоидаларга риоя қилишни, шахслараро муомалага киришиш шакллари (воситалари)ни эгаллашни ҳамда аниқ вазифаларни бажаришга амал қилишларини ўз фуқароларига ўргатади.

Психология фанининг атамалари моҳиятида орзу ёки кутиш жамиятнинг шахсга нисбатан муносабатини ифодаланиш механизми ётади. Этнопсихологик стереотипларда уйғунлашган хулқ-атвор белгилари ва фаолиятнинг шакллари ўзига хосликка эга. Одатда одамлар бир ёшли бола тик юриши керак, деб ҳисоблайдилар ва улар бу туҳфани боладан кутганлиги туфайли унга алоҳида муносабатда бўладилар. Психологияда кутилма тушунчаси талабдан фарқли ўлароқ, фаолият юзага келиши учун умумий муҳит яратади.

Имкониятлар тўғрисида фикр юритилганда маълум фаолиятнинг кишилар иродаси билан боғлиқ (ирода акти, сифати, принципи) объектив шарт-шароитларни ўзида акс эттиради. Агарда одамларнинг шахсий кутубхонаси бой бўлса, уларнинг ўқиш имконияти юқори даражага кўтарилади. Кишиларнинг хулқ-атвори психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, кўпинча уларнинг объектив имкониятларидан чиқиб, унга ёндашилилади. Агарда бола кўлига тасодифан биология китоби тушиб қолса, унинг шу предметга нисбатан қизиқиши ортиши кузатилади.

В) Шахсий манбалар – одамлар қизиқишлари, интилишлари, установкалари ва дунёқарашлари жамият билан муносабатини акс эттиришдан иборатдир. Инсон фаоллигининг манбаи - қадрият орқали ифодаланиб, шахс статуси (роли)да эгаллана борилади.

### **5.5. Мотив классификацияси**

Жаҳон психологияси фанининг назарий мушоҳадаларига ва ўзимизнинг шахсий маълумотларимизга асосланиб, мотивларни қуйидаги туркумларга ажратишни лозим топдик.

I. Шахснинг ижтимоий эҳтиёжлари билан уйғунлашган, уларнинг моҳияти мезони орқали ўлчанувчи мотивлар:

- 1) дунёқарашга тааллуқли, алоқадор бўлган ғоявий мотивлар;
- 2) ички ва ташқи сиёсатга нисбатан муносабатни акс эттирувчи, шахсий позицияни ифодаловчи сиёсий мотивлар;
- 3) жамиятнинг ахлоқий нормалари, принциплари, турмуш тарзи, этнопсихологик хусусиятларига асосланувчи ахлоқий мотивлар;
- 4) борлиқ гўзаллигига нисбатан эҳтиёжларда инъикос этувчи нафосат (эстетик) мотивлари.

II. Вужудга келиши, шартланганлик манбаи бўйича умумийликка эга бўлган, бошқарув ва бошқарилув хусусиятли мотивлар:

- 1) кенг қамровли ижтимоий мотивлар (ватанпарварлик, фидоийлик, альтруистик);
- 2) гуруҳий, жамоавий, ҳудудий, умумбашарий мотивлар;

3) фаолият тузилиши, моҳияти ва тузимига йўналтирилган процессуал мотивлар;

4) фаолият маҳсулини баҳолашга, мақсадга эришувга мўлжалланган рағбатланув, мукофот мотивлари.

III. Фаолият турлари моҳиятини ўзида акс эттирувчи мотивлар:

1) ижтимоий-сиёсий воқеликларни мужассамлаштирувчи мотивлар;

2) касбий тайёргарлик ва маҳоратни ўзида намоён этувчи мотивлар;

3) ўқишга, билишга (когнитив), ижодга (креатив) оид мотивлар.

IV. Пайдо бўлиш хусусияти, муддати, муҳлати, барқарорлиги билан умумийликка эга бўлган мотивлар:

1) доимий, узлуксиз, лонгитюд хусусиятли мотивлар;

2) қисқа муддатли, бир лаҳзали, бир зумлик ва сониялик мотивлар;

3) узоқ муддатли, вақт тақчиллигидан озод, хотиржам хатти-ҳаракатларни талаб этувчи мотивлар.

V. Вужудга келиши, кечиши суръати биоқувват билан ўлчанувчи мотивлар:

1) кучли, кудратли, таъсир доирасидаги шижоатли мотивлар;

2) пайдо бўлиши, кечиши ўрта суръатли мотивлар;

3) юзага келиши, кечиши заиф, бўш, кучсиз, беқарор мотивлар.

VI. Фаолиятда, муомалада ва хатти-ҳаракатда вужудга келиши хусусияти, хислати ҳамда сифатини акс эттирувчи мотивлар:

1) аниқ, яққол, воқе бўлувчи реал мотивлар;

2) зарурат, юксак талаб ва эҳтиёжларда ифодаланувчи долзарб мотивлар;

3) имконият (потенция), зоҳира (резерв), яширин (латент) хусусиятларини ўзида мужассамлаштирувчи мотивлар.

VII. Акс эттириш даражаси, сифати нуктаи назардан иерархия вужудга келтирувчи мотивлар.

1) биологик мотивлар;

2) психологик мотивлар;

3) юксак психологик мотивлар.

#### Семинар машғулотини учун мавзулар

1. Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида

2. Эҳтиёжнинг турлари тавсифи

3. Инсонда эҳтиёжларнинг ривожланиши

4. қизиқишнинг психологик тавсифи

5. Установа тўғрисида умумий тушунча

6. Шахс эътиқоди ва дунёқараши ҳақида мулоҳазалар

7. Мотив ва мотивациянинг назарий масалалари

8. Мотив муаммоси ва унинг ечимлари

9. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг ўрни

10. Ўқув фаолияти мотивлари талқини

11. Психологияда мотив классификацияси

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Эҳтиёжлар тўғрисида умумий тушунча.

2. қизиқишнинг психологик жабҳалари.
3. Установканинг психологик моҳияти.
4. Шахс эътиқоди ва дунёқараши.
5. Мотив ва мотивация ҳақида мулоҳазалар.
6. Мотив ва мотивация классификацияси.
7. Ўқув мотивлари ва уларни шакллантириш.

#### **Адабиётлар**

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания.-Л.: ЛГУ, 1968.
2. Божович Л.И. Личность и ее формирование в детском возрасте.-М.: 1968.
3. Вильюнас В.К. Психологические механизмы биологической мотивации.-М.: МГУ, 1986.
4. Ковалев А.Г. Психология личности. –М., 1970.
5. Ковалев В.И. Мотивы поведения человека. –М.: “Наука”, 1988.
6. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. –М. : “Политиздат”, 1975.
7. Обуховский К. Психология влечений человека.-М.: 1972.
8. Узнадзе Д.Н. Психологические исследования.-М.: 1966.
9. Хайнц Хекхаузен. Мотивация и деятельность. Т.1, Т.2., М., 1986.
10. Якобсон П.Н. Психологические проблемы мотивации поведения человека. – М.: 1969.
11. ғозиев Э.ғ. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси.-Т.: “Университет”, 2003.
12. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ ШАХСНИНГ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ ЖАБҲАЛАРИ

## VII БОБ ҲИССИЁТ

### 1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча

Ҳиссиёт борлиққа, турмушга, шахслараро муносабатга нисбатан шахснинг субъектив кечинмаларини акс эттирилиш ҳодисасидир. Шахс тирик мавжудод бўлиши билан бирга жамият аъзоси ҳамдир, шунингдек, яккаҳол (индивидуал) инсон сифатида теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларини ҳолисона (объектив) акс эттиради, инъикос қилади. Акс эттириш жараёни фавқулодда ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: а) шахснинг эҳтиёжини қондириш имкониятига эгаликни; б) қондиришга ёрдам берадиган ёки қаршилиқ кўрсатадиган объектларга субъект сифатида қатнашишни; в) уни ҳаракат қилдирувчи, билишга интиштирувчи муносабатларини ва ҳоказо. Субъектив муносабатларнинг инсон миёсида ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши ҳиссиёт ва эмоцияни юзага келтиради. Ҳиссиёт -якқол воқеликнинг эҳтиёжлар субъекти бўлмиш шахс миёсида объектларга нисбатан унинг учун қадрли, аҳамиятли бўлган муносабатларини акс эттирилишдир. Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, муносабат атамаси бир неча марта матнда қайд қилинди, шунинг учун унга айрим изоҳлар бериш мақсадга мувофиқдир. Психологияда ҳали бир талай терминлар, атамалар, тушунчалар мавжудким, уларга моҳият, маъно, қўлам, сифат, шакл жиҳатидан қўлланилиши юзасидан баъзи бир тузатишлар киритилиши айни муддао бўлар эди.

Психология фанида муносабат тушунчаси икки хил маънода қўлланилиб келинади: 1) субъект (шахс) билан объект (нарс) ўртасида табиий ҳолда (тарзда) юзага келадиган ўзаро алоқа ўрнатиш (объектив муносабатлар); 2) ўрнатилган алоқалар акс эттирилиши (уларнинг кечинмаси), хусусий субъектнинг эҳтиёжлари ва уларнинг объектлараро муносабати (субъектив муносабатлар), бинобарин, намоён бўлган эҳтиёжларни қондиришга шай турган нарсалар билан одам ўртасидаги муносабат маъносида ишлатилади. Ҳиссиёт тушунчаси кундалик турмушда ва илмий-психологик манбаларда ҳар хил маънода қўлланилади. Жумладан, ҳиссиёт ўрнида сезгилар, англанилмаган майллар, англанилмаган хоҳишлар, тилаклар, мақсадлар, талаблар тушунчалардан фойдаланилади. Бу ҳолатлар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланиб ишлатилиши кундалик турмуш воқеалари бўлиб ҳисобланади, ҳолос. Илмий нуқтаи назардан келиб чиқиб таҳлил қилинганда «Ҳиссиёт» одатда тирик мавжудодлар миёсида, яъни шахсларнинг эҳтиёжларини қондирувчи ва унга монелик қилувчи объектларга нисбатан унинг (одамнинг) муносабатларини акс эттириш маъносида қўлланилади.

Жаҳон психологиясида «ҳиссиёт» билан «эмоция» терминлари (айникса чет мамлакатларда) бир хил маънода ишлатилади, лекин уларни айнан бир хил

ҳолат деб тушуниш мумкин эмас. Бундай нуқсон оммабоп адабиётларда, чет элларда чоп этилган дарсликларда аксарият ҳолларда учрайди. Одатда ташқи аломатлари яққол намоён бўладиган ҳис-туйғуларни ички кечинмаларда ифодаланишдан иборат психик жараён юзага келишининг аниқ шаклини эмоция деб аташ мақсадга мувофиқ. Масалан, рангларнинг ўзгариши, юзларнинг таъбассумланиши, лабларнинг титраши, кўзларнинг ярқираши, кулгу, йиғи, ғамгинлик, иккиланиш, саросималик ва бошқалар эмоциянинг ифодасидир. Лекин ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виждон, меҳроқибат, севги- муҳаббат сингари юксак ҳислатларни эмоция таркибига киритиш ғайритабиий ҳодиса ҳисобланар эди. Ушбу ҳиссий кечинмалар ўзининг моҳияти, куч-қуввати, давомийлиги, таъсирчанлиги, йўналганлиги билан бири-биридан кескин фарқ қилишларига қарамай, уларни эмоция сифатида талқин қилиш оддий сафсатага айланиб қолган бўлар эди. Шу боисдан уларнинг ўзаро энг муҳим фарқи шундаки, бириси ижтимоий (ҳиссиёт), иккинчиси эса (эмоция) индивидуал, хусусий аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларга қарамасдан, ҳиссиёт билан эмоциянинг ўзаро бир-биридан қатъий чеклаб қўйиш ҳам баъзи англашилмовчиликни келтириб чиқариши мумкин. Фаолият, хулқ-атвор, муомала субъекти ўзининг шахси ҳамда жамияти учун аҳамиятли ҳисобланган нарсалар ва ҳодисаларни акс эттирувчи муносабати ҳиссиётда мужассамлашади. Шахснинг индивидуал ҳаёти ва фаолиятига алоқадор (хоҳ фойдали, хоҳ зарарли бўлишдан қатъи назар) омиллар, кўзғовчилар, турткиларни ифодаловчи ҳамда келиб чиқиши инстинктлар, шартсиз рефлекслар, ирсий белгилар (овқатланиш, жинсий, ҳимояланиш, кўрқиш ва бошқалар) билан боғлиқ содда ҳиссий ҳолатлар «эмоция» дейилади. Эмоциялар нафақат инсонларга, балки жонли ривожланган мавжудодларга ҳам тааллуқли руҳий (психик) ҳолатлардир. Ҳайвонлардаги эмоциялар ўзгариши мураккаб бўлган табиийлик (ирсий) аломатларга асосланувчи содда тузилишга эгадир. Одам билан ҳайвон эмоциялари ўзларининг моҳияти, тузилиши, таъсирчанлиги, жадаллиги, сифати, шакли билан кескин тафовутланади. Эмоциялар ташқи кўринишга хослиги билан, муваққат хусусиятга эга эканлиги билан ҳиссиётдан фарқланади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ҳиссиёт ҳайвонот оламига хос кечинма эмас, у ақл-заковат субъекти саналмиш ҳазрати инсонгагина хос, холос, чунки эмпатик (ҳамдардлик) ҳис-туйғулар шахснинг мукамаллик босқичига кўтарилишига кафолат негизидир.

Ҳиссиёт билан эмоция (унинг юксак даражалари назарда тутилади) инсон шахсининг ижтимоий ҳаётий шарт-шароитларида юзага келган, одамнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида шаклланган (эволюцион йўсинда), муайян ижтимоий муҳитда (жамиятда) истиқомат қилувчи кишилар томонидан ўзлаштирилган ғоялар, меъёрлар, қонун-қоидалар, низомлар, қадриятларни акс эттирувчи англанган ҳис-туйғулар, мураккаб ички кечинмаларни вужудга келиш жараёнидир.

## 2. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги

Ҳиссиётда шахс психикасининг ўзига хос жабҳалари, инсон фаолиятининг айрим жиҳатлари сифатида ҳаракатдаги, теvarак-атрофдаги воқеликни одам бош миясида турли-туман шаклда ичдан акс эттирилади. Шунинг учун ҳиссиёт борлиқда содир бўлаётган нарсa ва ҳодисалар юзасидан шахс учун аҳамиятли, кадр-қийматли аломатлари туйғусидан дарак берувчи сигналлар системаси тарзида талқин қилинади. Яққол воқеликда сезги аъзоларига таъсир этувчи ҳар хил кўзғовчиларидан баъзи бирлари алоҳидаланади, ўзарo мос тушганлари эса бирлашади, фавқулодда намоён бўла бошлаган ҳис-туйғулар билан улар аралашиб кетади. Бунинг натижасида муайян кўзғовчилар тирик мавжудодлар учун хотиржамлик ёки безовталиқ сигнализига айланади, ҳиссий кечинмалар эса инсоннинг шахсий тажрибасини шакллантирувчи шартли рефлекслар тизимини барқарорлаштирувчи омил тариқасида акс этади. Ҳиссиётнинг бундай тарзда сигнал функциясининг бажариши унинг импрессив (лотинча *impressio*-сўзидан олинган бўлиб, таассурот деган маъно англатади) жиҳати деб номланишда ўзига хослиги шундаки, ҳиссиёт тасаввур қилинаётган образларга, фикран режалаштирилаётган мақсадларга майл, фаоллик, интилиш уйғотади, шахснинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларининг муваққат ёки узлуксиз мотивига айланади. Ушбу физиологик жараённинг моҳиятини тушунтирилишда И. П. Павлов мана бундай ёндашади: тирик мавжудодларнинг табиий муҳитга мослашувида қатъийлашадиган ёки заифлашадиган динамик стереотиплар туфайли ҳиссий ва эмоционал кечинмаларнинг ижобий ёки салбий кўриниши вужудга келади. И. П. Павловнинг талқинича, динамик стереотип-бу ташқи таассуротларнинг маълум таркибда такрорланиши натижасида ҳосил қилинган шартли рефлекслар таъсиридаги нерв боғланишларининг барқарор тизимидир. Тирик мавжудод ҳаёти ва фаолиятида қийинчиликларга, қаршиликларга учраса, динамик стереотип «заифлашуви» юзага келади, бунинг оқибатида салбий эмоционал ҳолатлар, кечинмалар ҳосил бўлади.

Ҳис-туйғулар ва эмоционал ҳолатлар кечишининг турли шакллари, кўринишлари нафақат сигнал функциясини бажаради, балки улар шахснинг фаолияти, хулқ-атвори устидан бошқарувчанлик функциясини амалга оширади. Юксак ҳислар бу маънода устувор роль ўйнайди (виждон ҳисси, масъулият ва ватанпарварлик туйғуси, эмпатик, яъни ҳамдардлик кечинмалари ва бошқалар). Ҳатто эмоционал ҳолатлар, ҳодисалар, ҳаракатлар шахснинг тана аъзолари ўзгаришида ўз ифодасини топади ва ички ҳиссий кечинмаларнинг ташқи аломатларини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Овоз оҳанги, суръати, тембри, частотаси ўзгариши, мимика, имо-ишора, пантомимика, организмнинг қизариши, оқариши, нафас олиш ва қон босимидаги беқарор ҳолатлар ихтиёрсиз ёки ихтиёрий, онгли равишда кечишидан қатъи назар эмоциянинг экспрессив (лотинча *expressio*-деган атамадан олинган бўлиб, ифодалаш деган маънони билдиради) жабҳаси дейилади.

Шахс ҳиссиётнинг субъекти ҳисобланиб, мазкур ҳолатнинг намоёндаси, уни акс эттирувчи тариқасида оламни англаш, билиш жараёнида ўзининг шахсий фаолиятини (хулқ-атворини) мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун

ҳиссий кечинмаларни ўзгартириш қудратига эга. Ҳис-туйғулар шахсдан ажралган ҳолда вужудга келмайди, шунинг учун улар ҳиссиёт субъекти билан бирга ҳукм суради, бинобарин, ҳиссий кечинмалар аниқ инсонга тааллуқли бўлади, холос. Инсонда эмоционал таассурот қолдирадиган, юз тузилишида таъбассум ёки қайғу, гоҳо ажабланиш уйғотадиган нарса ва ҳодисалар ҳиссиётнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Шахсдаги эмоционал ўзгаришлар унинг ҳаёти ва фаолиятида, шахслараро муносабатида, инсонлар билан муомалага киришишда, айрим ҳолларда бирон бир воқелик тўғрисида ҳаёл сурганда, армон туйғуси одамга хотиржамлик бермаганида юзага келади.

Ҳиссиёт субъектив ички кечинмаларда ифодаланса ҳам уни аниқлаш мумкин, чунки дилдаги қайғу аламлар, афсусланиш, ачиниш, қувониш, ўзидан нолиш, кўз ва юз ҳаракатларидаги безовталаниш, ҳадиксираш, ҳаяжонланиш ташқи тана аъзоларида, нутқ фаолиятида, сустлик, лоқайдлик ҳукмронлик қилганида бевосита ифодаланади. Ҳис-туйғулар ихтиёрсиз равишда вужудга келмайди, шунинг учун улар қатъий равишда детерминациялашган (сабабий боғланган) психофизиологик хусусиятга эгаллиги туфайли у ёки бу ташқи кўзғатувчи таъсирига нисбатан муносабат билдириш (жавоб реакцияси) тарзида ҳосил бўлади. Вазият, шарт-шароитлар ҳиссиётнинг механизми тариқасида хизмат қилиши мумкин. Шунинг ҳам аниқлаштириш лозимки, вазият ҳам, шароит ҳам табиий (биологик), субъектив (шахслараро муносабат) кўринишларда вужудга келганлиги сабабли ҳиссиётнинг моҳияти, сифати ва шаклига бевосита ўз таъсирини ўтказди. қаттиқ совуқ, фавқулоддаги чанг-тўзон, хонада тоқ бўлмаслиги, кўпол муомала, лоқайд муносабат, авторитар ҳуқ-атвор ва бошқалар вазиятга, шароитга яққол мисол бўла олади.

Ҳиссиётнинг детерминизм (сабабий боғланиш) принципига асосланганлигидан қатъи назар шахс ўзининг фаолиятида, ҳуққида, муомаласида ҳиссиётини, эмоционал ҳолатларини идора қилишга, баъзи ҳолларда ўзини тутиб туришга, воқеликка ёки ҳодисаларга нисбатан олдинги баҳосини ўзгартиришга, ички мураккаб кечинмаларини онгли равишда бошқаришга интилади. Шахсда вужудга келувчи субъектив ҳолатлар, ҳис-туйғулар ўзининг юзага келиши, намоён бўлиши, моҳияти жиҳатидан ҳамиша объектив воқеликнинг тимсоли, инсон миясига сингдирилган, қайта ишланган кўринишидир. Обьектив борлиқ юзага келтирадиган субъектив ҳис-туйғулар, кечинмалар моддий тана аъзоларидагина акс этиш билан чекланмасдан, балки муайян ўзгаришлар шахснинг фаолиятида, нутқида, мулоҳазасида, ҳуққида бевосита ифодаланади.

Шахс ҳиссиёт объектига нисбатан қандай шахсий муносабатда бўлиши фавқулоддаги ҳолатда «Мен» лик ифодаланиши ҳис-туйғуларнинг сифати дейилади. Масалан, шахснинг муҳаббати, раҳм-шафқати, ҳаяжонланиши, қаҳр-ғазаби, безовталаниши, руҳан эзилиш каби сифатларнинг муайян таснифи (классификацияси) мавжуддир. Сифатлар икки хил йўсинда вужудга келиши мумкин, жумладан, шахснинг ўз эҳтиёжини қондиришга ва унга қаршилиқ (тўсқинлик) қилишга алоқадор нарса ва ҳодисаларга нисбатан муносабатлари сон-саноксиз бўлиши мумкин. Ҳиссиётнинг сифатлари шахснинг нарса ва ҳодисаларга нисбатан эмоционал муносабатининг ўзига хос ва зарурий

аломатлари бўлиб ҳисобланади. Психологияда шахснинг ҳаётий ва табиат омилларига нисбатан эмоционал муносабатлари ижобий ва салбий туркумларга ажратилади. Ижобий сифатлар нарса ва ҳодисаларга нисбатан эҳтиёж мақсадга мувофиқ равишда қондирилса, у ҳолда роҳатланиш, қувонч ҳислари ифодаси юзага келади. Эҳтиёжларни қондиришда тўсиқлар, ҳалакит берувчи омиллар намоён бўлса, у тақдирда нохуш кечинмалари, норозилик ҳислари туғилади. Ижобий ва салбий сифатлар бевосита йўсиндаги эмас, балки билвосита йўл билан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ҳаёт қувончларини эслаш дадилликни уйғотса, муваффақиятсизликни ҳаёлга келтириш ҳадиксирашни ҳосил қилади.

Шахс индивидуал эҳтиёжларидан ташқари, ижтимоий эҳтиёжни қондириш билан боғлиқ мотивлар таъсири туфайли ҳам ижобий ёки салбий ҳиссиёт сифатларини акс эттириши кузатилади. Масалан, талабанинг танловда қатнашиши қувонч ҳисларини юзага келтирса, иккинчи турдаги муваффақиятсизлик ҳафагарчилик туйғусини намоён этади. Шахснинг мақоласи (газета, журналда) босилиб чиқса фахрланади, кимнингдир томонидан у танқид қилинса руҳан эзилади. Ота-она фарзандини мақтаса қувонади, қойиса эса ҳафа бўлади ва ҳоказо.

Ҳиссиётнинг ижобий ва салбий сифатларидан ташқари, унинг иккиёқламалик (юнонча *amphi* иккиёқлама вазифа, латинча *valentia* «куч» деган маъно англатиб келади) ва ноаниқликдан иборат асосий ҳислатлари мавжуддир. Бу руҳий ҳолатларда шахсда иккиланиш ҳоллари, ноаниқ тушуниш муносабатлари акс этади, лекин роҳатланиш билан қаноатланмаслик ҳисларини бир-бирига қўшиш мумкин эмас.

Амбивалент (иккиёқлама) ҳиссиётда роҳатланиш билан азобланиш туйғулари ўзаро қўшилиб кетиш билан чекланибгина қолмасдан, балки уйғунлашган, аралашган ҳолда уларнинг кечиши муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, рашк ҳиссида муҳаббат билан нафрат бир-бири билан узвий боғланиб кетади. Хўранда қорни очлиги учун шўр овқатни еб биологик эҳтиёжни қондириб, бир томондан роҳатланиши, иккинчи томондан эса нохуш ҳисни кечириши мумкин. Ташналикдан илиқ сувни ичиб ҳам роҳатланиши, ҳам нохушликка берилиши кузатилади. Кийими юпун шахсга қалинроқ тўн берилса, бир томондан қувонади, иккинчи томондан эса уялади. Ошиқларда севиш ва ўзидан нафратланиш ҳолати кечади ёки ҳижрон ширин қайғу, лекин ёқимли истироб тарзидаги кечинмалар иккиёқлама ҳиссиётга ёрқин мисолдир.

Шахснинг эмоционал дунёси узлуксиз тарздаги зиддиятлар, низолар ва уларнинг ҳал қилиниши, олдининг олиншини акс эттиришдан иборат жараёнлар мажмуасидир. Асосан ижобий, салбий ва иккиёқлама ҳиссиётни келтириб чиқарадиган омиллар қуйидагилардан иборатдир: 1) шахс билан муҳит ўртасидаги (табиий муҳит, ижтимоий муҳит орасидаги) ҳар хил мазмун ҳамда шаклдаги муносабатлар; 2) тана аъзолари, ички организм таркиблари муҳитидаги муносабатларнинг нисбий мувозанати ўзгариб туриши; 3) ғавқулоддаги вазиятлар туфайли юзага келадиган ҳар хил кечинмалар ва бошқалар.



Ҳис-туйғуларнинг яна битта (тўртинчи) сифати шахснинг ҳиссиёт объектларига нисбатан эмоционал муносабатларининг қисқа муддатли акс эттишини таъминловчи ташқи таъсирининг ноаниқлиги ифодаланишидир. Шунингдек, объектларнинг таассуротлари узоқ муддатли хусусиятга эга бўлса, бундай эмоционал ҳолатлар муносабатларнинг сифати бўлиши мумкин; Шахс ўзининг турмуш тажрибасига номаълум, яп-янги нарсаларга дуч келса, бу воқелик уни тўлқинлантириши, ҳайратлантириши, унда ҳавас ва қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу ҳиссий воқелик (ҳодиса) янги таассуротни англашнинг ҳиссий жабҳаси бўлиб ҳисобланади. Табиий ва ижтимоий муҳитнинг англаб олиш чигал ҳодисаси эҳтиёж билан боғланишдан ҳамда муайян барқарор муносабат юзага келтиришдан олдин ҳиссий ҳолатнинг предметига айланади. Шунинг учун маълум кечинмаларнинг негизида танҳо «бу нима рефлекс»ини тушуниш эҳтиёжи ётади. Билиш фаолияти билан уйғунлаша борган англаш ҳисси беқарорлиги, қисқа муддатлилиги билан тафовутланади ҳамда объектга нисбатан енгилроқ салбий ёки ижобий муносабат сифатига айланади.

Ҳиссиётнинг мазмуни турли-туман бўлиб, у шахснинг ҳаёти ва тараққиёти имкониятлари билан боғлиқ объектларга, ҳатто бевосита роҳатланиш (азобланиш) ҳисларини юзага келтирувчи нарсаларга нисбатан муносабатларида ифодаланади. Демак, шахснинг ҳиссиётлари турлича моддий ва маданий эҳтиёжларига асосланади, уларни қондиришга ёрдам берадиган омил ижобий эмоцияни юзага келтиради, сўнг барқарор ҳиссиёт сингари мустаҳкамланади. Инсон эҳтиёжини қондиришга ҳалақит берадиган нарса салбий эмоционал ҳолатни вужудга келтиради ҳамда ҳиссиёт тариқасида мужассамлашади.

Ҳиссиётнинг мазмуни тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарсани эслатиб ўтиш жоизки, ҳис-туйғулар барқарорлиги, мақсадга мувофиқлиги: биринчидан, шахсга ҳеч қандай хавф-хатар, таҳдид солмаётганлигини, иккинчидан, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида уни бахт-омад кутаётганлигини, учинчидан, шахслараро муносабати, жамиятда тутган мавқеини, тўртинчидан, тана аъзоларининг саломатлигини рўй-рост акс эттиради. Бу кўринишларнинг барчаси ижобий сифатлар устуворлик қилаётганлигидан дарак беради, бинобарин, ютуқларга эришиш эҳтимоли даражаси юксаклиги, ижтимоий ёки шахсий кутилма эса қафолатланганлигини англатади. Шахс шахслараро муносабатнинг маҳсули бўлганлиги туфайли ундаги ҳиссиётларнинг мазмуни, инсон камол топиши билан узвий боғлиқ тарзда, кўлами кенгайиб боради, бунинг натижасида эмоционал ҳолатлар шахсий тор доирадан ташқари чиқиб, табиат ҳодисалари, жамият муаммолари (иқтисодий, сиёсий, тарихий, маънавий жабҳалар) га тааллуқли муносабатларни ўзида маънавий, мазмуний, шаклий жиҳатдан мужассамлаштиради. Худди шу боис масъулият ва лоқайдлик, мулоқотмандлик ва одамовилик, ғазаб ва шавқ, симпатия ва антипатия, оптимизм ва пессимизм, хурсандлик ва ҳафалик, қахрамонлик ва қўрқоқлик, қувонч ва қаҳр, иштиёқ ва зерикаш, эгоистлик ва альтуристлик, софдиллик ва ғаразгўйлик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, самимийлик ва лаганбардорлик кабиларнинг барчаси келиб чиқиши (генезиси) жиҳатидан ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги жабҳалари билан ажралиб турувчи: а)шахснинг

шахсий нуктаи назари; б)ижтимоий ҳаётда эгаллаган мавқеи; в)ҳаёт ва фаолиятда фаоллиги; г)жамиятдаги ҳамкорлик фаолиятда қатнашиши; д) гуруҳ ёки жамоада шаклланган шахслараро муносабатлари билан боғлиқ ҳиссиётлардир. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахснинг баъзи хис-туйғулари уларни рўёбга чиқарувчи омилларнинг такроран таъсири натижасида мустаҳкамланиб, унинг(инсоннинг) ҳукмрон, устувор, барқарор эмоционал хусусиятига айланади. Шу сабабдан шахсларнинг хушфеъл ёки жаҳолатли, қизиқувчан ёки совуққон, кўрқоқ ёки жасур, меҳрибон ёки бағритош, хушмуомала ёки қўпол, камгап ёки махмадона деган йўсинда инсон (шахс) сифатида тавсифлаш, баҳолаш мумкин. Миллий тарбиянинг, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз фуқароларида миллий истиқлол ғояларига содиқлик, фидоийлик, ватанпарварлик, масъулиятлилик руҳидаги юксак хис-туйғуларни шакллантиришдан иборатдир. Мустақиллик идеалларига муносиб шахсларни камол топтириш учун, ватан ишқи билан ёнувчи фаол, шижоатли, иродаси букилмас, барқарор мотивацияга эга бўлган инсоний сифатларни уларда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Шунини эслаб ўтиш лозимки, ҳиссиёт ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг кучайиши ёки сусайишига қараб қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан башорат қилиш ёки пайқаш мумкин. Шахснинг хис-туйғуларида ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчан жабҳалари биргаликда ҳукм суради.

Шу сабабдан шахснинг ҳиссиётида ҳукмрон, устувор хис-туйғулар мавжуд бўлишига қарамай, улар вазият, шароит янгиланиш боис кескин ўзгаришларга учрайди, динамик стереотиплар заифлаша бошлайди. Шунинг учун психологияда ҳиссиёт ўзгаришининг динамикаси деган атамалар бирикмаси узлуксиз равишда қўлланилиб келинади.

Шахсда намоён бўлаётган ҳиссиёт аста-секин жадаллашиб боргани эвазига у руҳий кечинма сифатида мустаҳкамланиб қолиши мумкин. Масалан, жаҳон халқларида ер куррасининг у ёки бу жойларида кўпуровчилик кўринишларига жирканч назар билан қараш туйғуси уйғонган бўлса, кейинчалик терроризмга (лотинча *terror* куч ишлатиш билан кўрқитиш демакдир) шафқатсиз кураш, нафрат умумий милитаризмга (латинча *militaris* ҳарбийлаштириш маъносини англатади) йўналтирилди. Халқларда наркотик (юнонча *harkotikos* мияни айнитадиган) моддаларга нисбатан жирканч туйғуси кучайиб бориши, динамикаси сабабли наркобизнесга (инглизча *business* фойда дегани)билан аёвсиз кураш инсоният генини (зотини) бузилишига йўл қўймасликка ўсиб ўтди. Шахс кечираётган хис-туйғулар мазмундор, акс эттирилаётган ҳодисалар ранг-баранг, ўзаро таъсирлар, алоқалар, муносабатлар серқирра, кўпёқламалик хусусият касб этса, у ҳолда ҳиссиёт динамикасига пухта негиз ҳозирлайди.

Лекин шунини ҳам таъкидлаш маъқулки, ҳиссиёт динамикаси ҳар хил кечиши, унинг хусусияти, йўналиши бироз ўзгариши мумкин. Чунки ҳиссиёт бир йўналишда кучайиб бориш билан бир қаторда унинг сусайиши, ҳатто сўниб бориши, ҳаддан ташқари заифлашуви ҳам кузатилади. Масалан, интизомни бузган ходимни «ҳайдаш» билан кўрқитиш эмоционал таъсирини йўқотади, агарда бирор жазо чораси қўлланилмаса, мабодо талабани дарс қолдириши

пўписа қилиш билан чекланса, унда кўрқинч руҳий ҳолати йўқолади. Ана шундай ҳодисалар ва номутаносибликларнинг такрорланиши сабабли эмоционал мослашув (адаптация) жараёни вужудга келади, демак, ҳиссиётда ўзгариш содир бўлмайди. Агарда ҳиссиёт объектининг (нарсаси, ҳодисаси, ҳолати кабиларнинг) мазмуни, маъноси шахсда қизиқиш уйғота олмаса, бундай ҳолда эмоцион тўйиниши юзага келади, олдин қизиқ туюлган нарсаси кейинчалик зерикарли, ёқимсиз, нохуш кечинмалар ҳосил қила бошлайди. Шахс бир неча марта сурункасига ахборот, қўшиқ, ҳангома эшита бергач, унда ҳаяжонланиш, роҳатланиш, кайфият кўтарилиши пайдо бўлмайди, аксинча инсонда зерикаш ҳисси уйғонади, уларни эшитиш эса жаҳл чиқади. Шунинг учун хоҳ маълумот, хоҳ юмор бўлишдан қатъи назар янгилик аломатларисиз инсонда қизиқиш йўқолади.

### **3. Ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатларнинг физиологик асослари**

Эмоционал ҳолатлар бошқа руҳий жараёнлар сингари мия фаолиятининг натижаси ёки маҳсули бўлиб ҳисобланади. Эмоционал ҳолатларнинг юзага келишига табиатда ва жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, муносабатлар, алоқалар, таассуротлар асосий сабабчидир. Ўзгаришлар ўз навбатида, биринчидан, шахс ҳаёти ва фаолиятининг жадаллаши ёки пасайишига, иккинчидан, инсондаги айрим эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига ёки йўқолишига, учинчидан, одам ички органлари функционал ҳолатларининг беқарорлашувига олиб келади. Ҳис-туйғулар учун энг хусусиятли физиологик жараёнлар негизи сифатида шартсиз ва шартли рефлекслар хизмат қилади ва уларнинг муайян тизими бош мия катта ярим шарлари пўстида юзага келади ҳамда шу жойда мустаҳкамланади. Мураккаб шартсиз рефлекслар эса: 1) ярим шарларнинг пўстлоқости бўшлиқлари; 2) мия стволига тегишли кўриш тепачалари (дўнгликлари); 3) нерв қўзғалишларини миянинг юқори бўлимларидан вегетатив тизимига ўтказиб берувчи марказлари орқали амалга оширилади. Шахсда ҳис-туйғуларнинг кечиши ҳаммаша мия пўсти билан пўстлоқости марказларининг бирликдаги (ҳамкорликдаги) фаолияти натижасида рўйбга чиқади

Шахс руҳий оламида, уни қуршаб турган теварак-атрофда содир бўлаётган ўзгаришлар (хоҳ табиий, хоҳ субъектив бўлишидан қатъи назар) кечинмалар субъекти (инсон) учун қанчалик қадр-қиймат, юксак аҳамият касб этса, ҳиссий ҳолатларнинг мазмуни шунчалик пурмаъно бўлади. Бунинг таъсирида юзага келадиган муваққат боғланишлар тизимининг қайта қурилиши қўзғолиш жараёнини ҳосил қилади. Мазкур жараён мия катта ярим шарлари пўстида тарқалиб, сўнг пўстлоқости марказларини эгаллаб олади. Катта ярим шарлар пўстидан пастда турувчи мия бўлимларида организм физиологик фаолиятининг турли марказлари (нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва ҳоказо) жойлашган. Шу сабабдан пўстлоқости марказларининг қўзғалиши баъзи ички аъзолар фаолиятининг кучайишига олиб келади. Жумладан, нафас олиш ритмикасининг ўзгариши (ҳаяжонланганда бўғилиб қолишини, оғир ва тартибсиз нафас олишни юзага келтиради), юрак фаолиятининг бузилиши (юрак уришини тезлаштиради), организмни қон билан таъминлаш издан

чиқиши (уялгандан қизаришни, кўркқандан оқаришни келтириб чиқаради, ички секреция безлари ишининг нуқсонлари кўз ёшининг оқизади, ҳаяжонланганда оғизини куритади, кўркқанда «совук» тер чиқаради ва ҳоказо.)

Илмий манбаларда талқин қилинишича, миё катта ярим шарларининг пўсти мўътадил шароитида пўстлоқости марказларига бошқарув ва тормозлов йўсинида таъсир кўрсатади ҳамда ҳиссиётининг ташқарида ифодаланишига йўқ қўймайди. Миё пўсти кучли даражада кўзғалса, унинг таъсирида бошқарувчанлик функцияси бузилади. Шахс қаттиқ чарчаса ёки кучли маст бўлса, иррадиация оқибатида пўстлоқости марказлари ҳам кўзғалади, натижада ҳаракатни назорат қилиши йўқолади.

Миё фаолиятининг электрофизиологик тадқиқотлари эмоцияларнинг пайдо бўлишида гипоталамолимбик (юнонча *hypothalamus* бош миё бўлими номи) тизими ва ретикуляр формация (лотинча *reticulum* тўрсимон, *formatio*, боғлам маъносини англатади) нинг роли кўрсатиб ўтилган. Маълумотларда кўрсатилишича, эмоционал ҳолатларнинг физиологик моҳияти катта ярим шарлар пўстининг ва пўстлоқости тизими марказларининг функциясигина эмас, балки улар: а) миё механизмлари фаолиятини фаоллаштирувчи ретикуляр формациянинг, б) миёнинг таламус (кўриш дўнгликлари) нинг, гипоталамуснинг (дўнгликости қисмининг), в) ярим шарлар янги пўстлоғи орасидаги лимбик системанинг функцияларидир.

Эмоционал ҳолатлар учун пўстлоқости тугунчаларининг таркибига кирувчи (миё катта ярим шарларининг оқ моддаси билан бирлашуви кулранг модда йиғиндиси) марказлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агарда миё катта ярим шарлари пўстлоғи ҳаракатларини бирлаштириб, сезгиларни ва саъи-ҳаракатларни нозик ифода қилиб турса, миё формациялари ташқи ҳамда ички муҳитда содир бўладиган ўзгаришларга организмнинг жавоб реакцияларини бошқаради.

Маълумотларга қараганда, миё катта ярим шарлари пўстлоғи шикастланса, ташқи оламдан ҳамда ички органлардан келадиган кўзғовчиларнинг нозик таҳлил қилиниши заифланса ҳам эмоционал ҳолатлар сақланиб қолаверади. Масалан, ҳайвонлар лимбик тизимга, дўнгости (гипоталамус) қисмига, кўриш тепаликларига йўналган электр кўзғатувчиларга, ретикуляр формациясининг кўзғалишларига хурсандлик ёки диққинафаслик, дарғазаблик ёки қурқоқлик, лаззатланиш ёки азобланиш, роҳатланиш ёки кўнгилхижиллик сифатида жавоб реакцияси ҳосил бўлади.

Психофизиолог олимларнинг маълумотларига қараганда, миёнинг муайян жойларидан электрод ёрдамида биотокларни ёзиб олишнинг кўрсатишича, сут эмизувчиларнинг гипоталамусларида ҳам «роҳатланиш», ҳам «азобланиш» марказлари мавжуд экан. Тажрибада «роҳатланиш» маркази кўзғатилганда ёқимли ҳислар уйғонган, электр токи билан «азобланиш» маркази кўзғатилганда эса ҳайвонлар қалтираб, ўзини ҳар томонга ташлаган. Кейинчалик сут эмизувчилар азоблантирувчи эмоциядан қочишга ҳаракат қилганлар.

Юқорида таъкидланганидек, ижобий ва салбий ҳис-туйғуларнинг шунга ўхшаш марказлари бош миёнинг бошқа бўлимларида жойлашганлигига

қарамай, шартли равишдаги роҳатланиш ва азобланиш марказлари ҳам мавжуддир.

Эмоциялар бир-бирига яқин масофада фаолият кўрсатадилар. Тажрибада қўш (жуфт) марказларидан бирида электрод билан ҳосил қилинган қўзғалиш эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда салбий ёки ижобий эмоциядан фақат биттасини вужудга келтирган, холос. Баъзида ёндош жойлашган марказларда қўзғолиш тарқалган бўлса, у ҳолда амбивалент ёки иккиёклама реакция рўёбга чиқади. Шартли равишда номланган марказлар (роҳатланиш, азобланиш) бир-бирига яқин жойлашишига қарамасдан, ҳар хил тузилишга эга эканлиги аниқланган. Маълумотларнинг кўрсатишича, «азобланиш» марказлари миянинг турли бўлимларига жойлашса-да, лекин улар ягона тизим билан бошқарилади. Салбий эмоциялардан фарқли ўлароқ ижобий ҳис-туйғулар ва «роҳатланиш» марказлари бир-бирлари билан жипс алоқага эга эмас. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар эмоциялар жуфт ҳамда қарама-қарши хусусиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳар қайси эмоция қарама-қарши туркумига эга деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин, жумладан, севги-нафрат, ёқимли-ёқимсиз, хотиржамлик-безовталаниш масъулиятлик-лоқайдлик ва бошқалар.

И. П. Павлов, Ч. Шеррингтон, П. К. Анохин, Н. А. Бернштейн, Е. Н. Соколов, Т. В. Симонов, Д. Линдслей, Р. У. Липер, Б. И. Додонов, У. Жемс ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, таҳлил қилинган марказларнинг қўзғатилиши шартли рефлекслари ҳосил қилинишини мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Бунинг натижасида электр қўзғовчи ёрдами билан мия катта ярим шарларининг пўстида билиш жараёнлари ва хатти-ҳаракатлар стереотипларининг негизини ташкил қилувчи муваққат боғланишлар ҳосил қилинади. Шартли рефлексларнинг сўниши, тормозланиши, пўстлоқнинг танлаш (селектив) тизими мия стволининг узунаси бўйича тепаликоти ва пўстлоқоти нерв тугунларидаги «марказлар» нинг фаолиятига боғлиқдир. И. П. Павлов ўша даврдаёқ, «динамик стереотип»ни ҳосил қилгандан кейин олий нерв фаолиятида уни бузилиш салбий ҳиссиётлар кечиши учун негиз бўлади, динамик стереотипни олдиндан тайёрлаб, сўнг уни ўзгариши ижобий ҳис-туйғуларни пайдо қилади, деб қатъий ишонтирган эди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, миянинг тепаликоти қисмида (гипоталамусда) ги марказлар роҳатланиш ёки азобланиш вазиятлари кўп марта такрорланса ҳам ҳеч ўзгармаслиги мумкин, лекин мия катта ярим шарлари пўстлоқоти нерв тугунчалари бўйлаб ёйилган марказлар қўзғотилиши натижасида эмоционал реакциялар кучсизланиши, ҳатто сўниши ҳам кузатилади. Бу воқелик шу билан изоҳланадики, ақлий фаолият ва ахлоқий кечинмалар эмоционал туси ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, организмнинг бирламчи эҳтиёжлари юзасидан сигнал берувчи эмоционал реакциялар такроран қаноатлантиргандан кейин ҳам сўнмайди. Шунингдек, органик жароҳат туфайли оғриқ камаймайди, муайян реакциялар ўзгармагунча жисмоний машқдан мароқланиш шахс кўнглига тегмайди. Бунинг учун албатта, салбий, ижобий, аралаш (амбивалент) сигналлар инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида ўз аҳамиятини йўқотиш керак.

Турли марказларни қўзғотганда юзага келадиган роҳатланиш ёки азобланиш эмоцияларининг сифати, даражасига ва барқарорлигига асосланган ҳолда ҳар бир шароитда ҳиссий ифодаланган шартли рефлектор алоқалар бир марта мустаҳкамланганда ҳосил бўлишини бошқа вазиятда мустаҳкамланиш учун кўп уринишга қарамай алоқани тиклаш мушкул эканлигини изоҳлаш мумкин. Бу ўринда шахснинг барқарор эмоционал йўналганлиги, майллар мустаҳкамлиги руҳий ходисасини унинг турмуш тарзини, ҳаётий идеалларни тушунтириш мумкин. Масалан, майхўр (алкогол) ёки наркоман учун роҳатланиш билан боғлиқ хатти-ҳаракат бирламчи бўлганлиги туфайли турли ижтимоий воқеалар (оиладаги жудолик, ишхонадаги кўнгилсизлик, табиий офат ва бошқалар) уни бу йўлдан тўхтатиб қололмайди, лекин муваққат ҳолат вужудга келиши мумкин (айтайлик бир неча дақиқа ўзини тийиб туриш), бироқ тезда табиий эҳтиёжга мутелик қилиб, «тарки одат-амри маҳол» йўсинда иш тутаверади.

#### **4. Одам ва ҳайвон эмоциялари**

Шахснинг эмоционал ҳолатлари ва кечинмаларининг психологлар ва физиологлар томонидан экспериментал тарзда тадқиқот қилинишига қараганда, юксак даражада ташкил топган ҳайвонларга эмоцияларнинг физиологик механизмларидан инсонники жуда катта тафовут қилмайди. Лекин муаммо ҳиссиётнинг мазмуни, сифати, шакли, ифодаланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда инсон билан ҳайвон эмоцияси (ҳиссиёт) орасида кескин фарқ мавжудлиги намоён бўлади. Табиатшунос ва инсоншунос олимлар ҳайвонларда эмоционал реакциялар, ҳолатлар мавжудлигини тан олсалар-да, бироқ уларда мураккаб ҳиссиёт, юксак ҳис-туйғулар борлигига шубҳа билан қарайдилар ёки инкор қиладилар. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки инсонларда шундай ҳис-туйғулар борки, бундай ҳиссиёт ҳайвонларда бўлиши мумкин эмас, ваҳоланки ғазабланиш, қўрқиш, жинсий майл, қизиқувчанлик, хурсандлик, ғамгинлик ҳар иккаласида учрайди, аммо улар сифат ва мазмун жиҳатдан бир-бирларидан кескин тафовутланади.

Инсон эмоциялари ижтимоий ҳаётнинг шарт-шароитларига мослаштирган (патологик ҳоллар истисно қилинганда), «онгли зот» га тааллуқли табиат ва жамиятга нисбатан муносабатларида намоён бўлади, мақсадга мувофиқлаштириш ҳамда бошқариш хусусиятига эга. Очлик ҳисси, жинсий майл ва бошқа инстинктив соҳалардаги эмоциялар ҳайвон билан инсонда ўхшаш бўлса-да, лекин уларнинг ифодаланишида фарқланиш мавжуд. Буларнинг барчаси инстинктив ҳаракат бўлиши билан бирга инсонийлашидан иборат узоқ эволюцион, ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган, мураккаб қийинчиликларни енгиш эвазига мазкур кўрсаткичга эришган.

Инсон ҳиссиётнинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси сабабий боғланишларга (детерминирлашган) эгаликдир. Худди шу боис инсон ҳиссиётларининг биологик ва физиологик таҳлили, уларнинг туб мазмунини очиб бермайди, шунингдек, ҳиссиётлар инсон шахсининг онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи кучга, яъни мотивга ўсиб ўтиш йўллари изоҳлаб беришга қодир эмас. Маълумки,

эмоцияларнинг «инсонийлашуви» ҳиссиётлар ичидан кечиши мазмуни ва сифатлари жиҳатидан ҳайвонларники билан қиёсланганда шахсни ўзининг ранг-баранглиги, мураккаблиги билан устувордир. Инсонларнинг меҳнат, маънавият, сиёсат, оила, ишлаб чиқариш билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, табиат билан одамлар орасидаги, шу билан бирга шахслараро муносабатлар бир қатор инсоний ҳиссиётларнинг ва уларни ифодалаш, татбиқ этиш воситаларини вужудга келтиради. Шахс юз ифодалари, бошини тебратиш билан, ҳўрсиниш орқали ўзгаларга ҳамдардлик (эмпатия) туйбусини билдиради. Болаларга одоб билан жавоб беришни, суҳбатдошига илиқ, самимий жилмайишини, қария ва ногиронларга ҳурмат билан жой бўшатишни, кичкинтойларга меҳрибонликни шакллантириш лозим. Шахс ўз ҳис-туйғуларини ўзи бошқаради, уларни меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий турмуш қоидалари, этник расм-русумлар, одатлар, анъаналар, процессуал қонунлар нуқтаи назаридан гоҳ маъқуллайди, гоҳ қоралайди. Шу билан бирга инсонлар кучли ва жўшқин эмоциялари кечишида ташқи хотиржамликни сақлай биладилар. Уларнинг баъзилари ўз ҳиссиётларини беркитиш учун ўзларини бефарқ тутадилар, салбий эмоцияларни ифодалашга интиладилар. Шахс ўзининг мимика ва пантомимикаларини бошқариш имкониятига эга, лекин органлардаги табиий ўзгаришларни ушлаб туриш мумкин эмас. Масалан, нафас олиш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш, кўз ёшларини ушлаб туриш, рангни қизартириш, оқартириш ва ҳоказо.

Эмоцияларнинг ифодаланиш қуйидаги кўринишларга эга бўлиш мумкин: 1) ифодали ҳаракатлар (мимика ва пантомимикалар); 2) организмдаги турли ҳодисалар (ички аъзолар фаолияти ва ҳолатининг ўзгариши); 3) гуморал хусусиятдаги ўзгаришлар (организмнинг қон таркибидаги, суюқликдаги кимёвий ўзгаришлар, модда алмашиш ва ҳоказо). Эмоцияларнинг ташқи ифодасига мимика, имо-ишора, вазоҳат, қадди-қомат ўзгариши, ташқи секреция безлари фаолияти (ёш, сўлак, тер ажралиши), хатти-ҳаракатлар (тезлиги, кучи, йўналиши, мувофиқлашуви), нутқнинг хусусиятлари ва бошқалар. Эмоциялар, ҳис-туйғулар мазмуни, сифати, шакли жиҳатидан этнопсихологик хусусиятларига эга.

## **5. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари**

Ҳиссиётлар шахс фаолиятининг муҳим жабҳаси сифатида инсоннинг кенг эмоционал соҳасини ранг-баранглиги, кўпқирралиги ҳақида ҳиссий тон (юнонча *tonos* зўриқиш, урғу бериш маъносини билдиради), эмоциялар (лотинча *emovere* кўзғатиш, ҳаяжонлаш демакдир), аффектлар (лотинча *affectus* руҳий ҳаяжон, шижоат, эҳтирос маъносини англатади), стресс (инглизча *stress* зўриқиш деганидир) ва кайфият каби тушунчалар муайян тасаввур бир имкониятига эга.

Ҳиссиёт тон (тус). Ҳиссиёт аксарият ҳолларда фақат эмоционал тус сифатида руҳий жараённинг ўзига хос сифат (сифатий) жиҳати тариқасида вужудга келади. Ҳиссиёт бу ўринда ўзига ўзи эмас, балки билишга интилаётган, ўзгартираётган, эгаллаётган шахсда маълум муносабатни намоён қилувчи

нарсалар, ҳодисалар ва ҳаракатларнинг алоҳида хоссаси, хислати ҳамда хусусияти маъносида гавдаланади. Мазкур нарсаларга нисбатан инсон шахсининг субъектив муносабатлари тўғрисида мулоҳаза юритилаётганини одам ҳамиша ҳам пайқай олмайди. Масалан, ёқимли мулоқотдош, кулгили ҳангома, бадбўй ҳид, беҳаё кино, иштиёқли машғулоти, ибоби қиз, ярамас ҳулқ, ҳушчақчақ йигит, хотиржамлантирувчи хабар, заҳматли меҳнат ва бошқалар.

Эмоционал тон ёки ҳиссий тус (масалан, аффеқтив тон) баъзи ҳолларда барча шахсларда туғма, наслий хусусият касб этиши мумкин Жумладан, оғриқ ҳисси ва бошқа хусусиятли кучли қўзғатувчилар бир даврда акс этган ёқимсиз (нохуш) ҳиссий тон билан ажралиб туради. Масалан, меркаптан (латинча мерс симоб, *captans* эгалловчи деган маъно англатади), яъни симоб билан бошқа органик моддалар бирикмасидан тарқалган ҳидлар ҳар қайси руҳан соғлом инсонлар учун ёқимсиз, жирканч таассурот уйғотади. Шунингдек, баъзи ранглар бирикмаси (омихтаси), шилимшиқ пардаларнинг қўзғолиши, қамишларнинг ишқаланиши, эговнинг овози ҳам худди шундай из қолдиради. Шу билан бирга идрок образлари ва тасаввурларининг аксарият ҳиссий тонлари (туслари) олдинги эмоционал жараёнларидан сақланиб қолган излар, турмуш тажрибанинг сабоқлари ((акс садолари) инсонларда ўхшашлиги туфайли «туғма» деб баҳоланиши мумкин. Ҳиссий тон шахснинг эҳтиёжларини атрофдаги нарсалар ва вазиятлар қониқтириши ёки қониқтимаслиги, фаолиятнинг эса муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кечишини яққол намоиш этишига хизмат қилади. Шахснинг психологик хислатларига биноан ҳиссий тон (тус) ўзига хос идиосинкразия (юнонча *idios* ўзига хос *synrasis* қоришмоқ, қоришув маъносини билдиради) хусусиятини касб этади, бундай таъбли одам бошқалар учун бефарқ туюлган нарсаларга ҳам жирканч муносабатини намоиш қилади, масалан, духобага тегишни, балиқ, ёғ, гул ҳидларини ёқтирмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўриш, эшитиш, ҳидлаш, кинестетик (ҳаракат) сезгиларга ҳамда идрокларга тааллуқли ҳиссий тон муҳим амалий аҳамиятга эга. Масалан, ҳоналар, иш жойи, транспорт воситаларининг ранги (туси) таассуротидан вужудга келган ёқимли ва ёқимсиз ҳиссий тон меҳнат самарадорлигига, хизматчиларнинг кайфиятига сезиларли таъсир ўтказади. Кимёвий ўғитлар, сабзавотларнинг ёқимсиз ҳиди, ишлаб чиқаришдаги шовқинлар, товушлар ҳиссий тон жиҳатидан меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Хотиржамлик, ёқимсиз мусиқа, илиқ шахслараро муносабатлар, муомала мароми, аҳиллик муваффақият кафолати, ижтимоий тараққиёт омили ҳисобланади.

Эмоциялар. Эмоционал жараёнлар, ҳолатлар ёки тор маънода эмоциялар ҳиссий кечинмаларининг ўзига хос хусусиятли шакллари билан биттасидир. Эмоция - у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборатдир. Масалан, шахс томонидан мусиқани севиш эмоцияни вужудга келтирмайди, балки бунинг учун мусиқани эшитиш, ижрочи маҳоратига тасанно билдириш, ундан ҳаяжонланиш ёки асар ижроси ёқмаса ғазабли ҳиссий кечинма ҳосил бўлиши ижобий, салбий эмоция дейилади. кўрқинч, даҳшат ҳиссий кечинма сифатида объектларга шахснинг



муносабатини акс эттириб турлича шаклда намоён бўлиши мумкин: одам даҳшатдан қочади, кўркувдан серрайиб қолади, ўзини идора қила олмай ҳар томонга уради, ҳатто хавф-хатарга ўзини ташлаши ҳам мумкин.

Кўпинча эмоциялар ўзининг таъсирчанлиги билан бир-биридан ажралиб туришига қарамай, бундай сифатли ҳиссий ҳолатлар стеник (юнонча *sthenos* сўзидан олинган бўлиб, куч деган маъно англатади) хусусиятли дейилади. Бундай эмоциялар дадил ҳатти-ҳаракатларга, мантикий мулоҳазаларга, ижобий изланишларга куч-қувват, қанот бағишлайди. Масалан, хурсандчиликдан шахс «парвоз қилади», «юлдузни нарвонсиз олади», кимларгадир холис ёрдам қилишга шошади, фаоллик, тиниб тинчмаслик унинг сифатига айланади. Аксарият ҳолларда хушхабар, муваффақият шахсда стеник хусусиятли эмоцияларни вужудга келтиради. Баъзи ҳолларда эмоциялар ўзининг сустлиги, заифлиги, нурсизлиги билан тавсифланади, бундай ҳиссий ҳолат астеник (юнонча *astenia* сўзидан олган бўлиб, кучсизлик, заифлик маъносини билдиради) деб аталади. Бундай ҳиссий инсонни бўшаштиради, уни ҳаёлга чўмдиради, ҳаёлпараст қилиб қўяди, шу сабабдан фавқулодда шахсдаги раҳмдиллик бефойда эмоционал кечинмага, уялиш виждон азобига, андиша эса кўрқоқликка айланиб қолиш хавфи кучли.

Ҳар қандай вазиятда ҳам эмоционал ҳатти-ҳаракат, фаолият мотивлари бўлишидан ташқари, улар баъзида фаолиятни ташкиллаштирувчи, гоҳо уни издан чиқарувчи омилга ҳам айланиши мумкин. Эмоционал ҳолатлар ё ҳаддан ташқари кучайса ёки сусайса, ҳуллас меъёри, мароми издан чиқса, у ҳолда шахс фаолияти мақсадга йўналишини йўқотади, бунинг натижасида объектлар нотўғри акс эттирилади, улар холисона талқин қилинмайди, баҳолашда мантикий нуқсонларга йўл қўйилади.

Аффектлар. Ҳаддан зиёд тез кечиши билан мияда пайдо бўлувчи, шахсни тез камраб олувчи, жиддий ўзгаришларни юзага келтирувчи, жараёнлар устидан иродавий назоратларнинг бузилишига етакловчи (ўзини ўзи бошқаришни заифлаштирувчи), организм аъзолари функциясини издан чиқарувчи эмоционал жараёнларга аффектлар деб аталади. Аффектлар қисқа муддатли бўлиб, улар фавқулоддаги ёнғинга, ярқираган портлашга, тўсатдан келган дўлга, тўфонга, кутилмаган силкинишга ўхшаб кетади. Мабодо эмоция руҳий тўлқинланиш дейилса, унда аффект ҳолатлари турли босқичлардан тузилган бўлиб, улар ўзаро ўрин алмашиб туради. Маълумки, ваҳимага, таҳликага, саросимага тушиб қолган, ўта қувонган, кулги нашидаси билан банд бўлган, умидсизлик тузоғига илинган инсон турли вазиятларда борлиқни бир текис акс эттира олмайди. Чунки у макур шароитларда ўз кечинмаларини ҳар хил ифодалайди, ўзини турли даражада ушлайди, ҳаракатларини эса турлича бошқаради. Бундай оралиқ мия ва мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги маълум марказларнинг кучли қўзғолишини ва бошқа марказларнинг тормозланиши меъёрдан чиқиб кетиши туфайли ўзаро алмашилиб қолади. Ҳаракатчанликнинг аста-секин кўтарилишидан иборат стеник ҳолат астеник ҳолат билан алмашинади (кучли ҳолат кучсиз билан аралашиб кетади), лекин қайта тикланишга улгурмайди. Масалан, жўшқин ҳаракатда, кўз ялтирашида, юз қизаришида вужудга келаётган кучли жаҳл кўринишлари кўзнинг

хираланиши, юз оқариши, ранг ўчиши билан боғлиқ қаттиқ ғазабга айланиши мумкин. Умидсизлик кечинмасида организмнинг жўшқин реакцияси баъзан ҳушидан кетиб қолиш ҳолати билан алмашинади. Ушбу вазият латинча «stupos» ступор, яъни серрайиб қолиш, қарахт ҳолати деб психологияда қўлланилади.

Аффект ҳолати бошланишида шахс инсоний қадриятларнинг барчасидан узоқлашиб, ўз ҳиссиётининг оқибати тўғрисида ҳам ўйламайди, ҳатто тана ўзгаришлари, ифодали ҳаракатлар унга бўйсунмай боради. Кучли зўриқиш натижасида майда, кучсиз ҳаракатлар барҳам топади. Тормозланиш мия ярим шарлари пўстини тўла эгаллай бошлайди, қўзғолиш пўстлоқости нерв тугунчаларида, оралиқ мияда авж олади, холос. Бунинг натижасида шахс ҳиссий кечинмасига (даҳшат, ғазаб, нафратланиш, умидсизлик ва ҳоказолар) нисбатан ўзида кучли хоҳиш сезади.

Маълумотларнинг кўрсатишича, кўпинча ҳиссиётлар аффектив шаклда ўтиши тажрибаларда синаб кўрилган. Жумладан, 1) театр томошабинларида, 2) тантана нашидасини сураётган оломонларида, 3) эс- ҳушини йўқотган, телбаномасевги афсоналарида, 4) илмий кашфиёт лаҳзасида, 5) тасодифий қизгин учрашувларда жўшқин шодликлар мужассамлашади.

Аффектлар вужудга келишининг дастлабки босқичида ҳар бир шахс ўзини тутишини, ўзини кўлга олишни уйдлаш қурбига эга бўлади. Уларнинг кейинги босқичларида иродавий назорат йўқотилади, иродасиз ҳаракатлар амалга оширилади, йўланмасдан хатти- ҳаракат қилинади. Аффектив ҳолатлар масъулиятсизлик, ахлоқсизлик, мастлик аломатида содир бўлади, лекин шахс ҳар бир хатти- ҳаракати учун жавобгардир, чунки у ақл- заковатли инсондир. Аффектлар ўтиб бўлганидан кейин шахснинг руҳиятида осойишталик, чарчаш ҳолати ҳукм суради. Баъзи ҳолларда ҳолсизланиш, жамики нарсага лоқайд муносабат, ҳаракатсизлик, фаоллик барҳам топиш, ҳатто уйқуга мойиллик юзага келади. Шу билан бирга аффектив шок (французча choc зарба деган маъно англатади) ҳолати ҳам содир бўлади, бунинг оқибатида организмнинг ички аъзолари функцияси бузилади, ҳатто юрак хуружи (инфаркт-латинча arctus «хавф тўлдирғич», миокард юнонча mys томир kardia юрак деган маъно билдириб келади) юзага келади. Шунинг ҳам унитмаслик керакки, аффектив қўзғолиш муайян давргача давом этиши, баъзан ўқтин-ўқтин кучайиши ёки сусайиши (пасайиши) содир бўлиб туриши мумкин.

Стресс. Стресс инглизча stress сўзидан олинган бўлиб, жиддийлик, кескинлик, зўриқиш деган маъно англатади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кескин вазият туфайли вужудга келадиган эмоционал ҳолатларни тадқиқ этиш психология, физиология, тиббиёт фанларида кенг қўламда амалга оширила бошланди. Стресс- оғир жисмоний ва мураккаб ақлий юкламалар, ишлар меъёридан ошиб кетиб, хавфли вазиятлар туғилганида зарурий чоратадбирларни зудлик билан топишга интилганда вужудга келадиган ҳиссий зўриқишлар. Мана шундай шароитлар ва вазиятларнинг барчасини бирон бир эмоция тури рўёбга чиқаради. Стресс эмоционал ҳолатининг пайдо бўлиши ҳамда кечишининг психологик хусусиятларини аниқлаш нафақат учувчилар, космонавтлар, диспетчерлар (инглизча dispatcher ишлаб чиқаришни

мувофиқлаштирувчи маъносини англатади) учун, балки судялар, корхона раҳбари, таълим тизими ходимлари учун алоҳида ижтимоий психологик аҳамият касб этади.

Психология фанига стресс тушунчасини олиб кирган олим канадалик физиолог Г. Селье (1936) саналади. У стрессни тадқиқ қилишда мослашув аломати (адаптацион синдром- юнонча syndrome белги, аломат, кўриниш мослашуви демакдир) масаласига, унинг фаолиятга ижобий ҳамда салбий таъсир этишига алоҳида аҳамият берган. Шунингдек, экстремал (латинча *extremus* фавқулоддаги ҳолат, энг охирги вазият маъносини англатади) вазиятлардаги, мураккаб жараёнлардаги стресснинг ўзига хослиги, фаолиятни қайта ташкил қилишгача (дезорганизация латинча *de organisation* французча ташкилот, тузилма маъносини билдиради) олиб бориши, шунга ўхшаш шароитларда шахс хулқини башорат этиш (прогноз юнонча *prognosis* башорат маъносини англатади) имкониятлари Г. Селье томонидан ўрганилган.

Тадқиқотчи У. Кенноннинг гомеостазис (юнонча ўхшашлик, *stasis* маъносини билдиради) ҳақидаги таълимотида стресс ҳолати ҳар томонлама ўрганилган. Ушбу терминни у психологияга 1929 йилда олиб кирган. Гомеостазис механизмда мослашиш хусусиятлари яққол ўз ифодасини топади. Унинг мулоҳазасича, фаолият шакллари амалиётга татбиқ этиш жараёнида нерв системаси ва мия функциясини оқилона таъминлаб туришда ҳамда сақлашда гомеостазис муҳим роль ўйнайди.

Стресс ҳолатида шахснинг хатти-ҳаракатлари ўзига хос тарзда ўзгаради, унда кўзғалишнинг умумий реакцияси пайдо бўлади, унинг ҳаракатлари тартибсиз равишда амалга оширилади. Стресснинг кучайиши эса тескари реакцияга олиб келади, натижада тормозланиш, сустлик, заифлик, фаолиятсизлик устуворлик қила бошлайди. Лекин стресс ҳолатида физиологик ўзгаришлар ташқи томонидан қарийб кўзга ташланмаслиги мумкин. Бироқ муаммони ечишдаги қийинчилик, диққатни тақсимлашдаги саросималик стресснинг ташқи ифодаси деб тахмин қилинса бўлади. Шахс стресс ҳолатида телефон номерини адаштиради, вақтни чамалашда янглишади, онг фаолияти енгил тормозланади, идрок кўлами тораяди ва бошқалар.

Стресс ҳолатида шахснинг психологик хусусиятлари, турмуш тарбияси, шаклланган малакаси муҳим роль ўйнайди. Кескинликнинг олдини олишда шахснинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Ундаги юксак ҳис-туйғулар (масъулият, бурч, жавобгарлик, ватанпарварлик, садоқат ва ҳоказо) стресс ҳолатида хатти-ҳаракат бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Кайфият. Шахснинг хатти-ҳаракатларига ва айрим руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолат кайфият деб аталади. Шахснинг ҳаёти ва фаолияти давомида шодонлик, ҳазилкашлик, умидсизлик, журъатсизлик, зерикашлик, кайғуришлик сингари ҳис-туйғулар унинг руҳий ҳолатини умумий тизимига айланади. Ушбу вазият баъзи эмоционал таассуротларнинг вужудга келишига қўлай замин ҳозирлайди, бошқаси учун эса қийинчилик туғдиради. Инсон хафа, маъюс ҳиссий ҳолат ҳукмронлигида бўлса, у ҳолда тенгдошларининг ҳазилига, кексаларнинг ўғит-насихатларига,

маслаҳатларига қувноқ кайфият чоғдагига нисбатан мазмун, сифат жиҳатидан бошқачароқ тусда муносабат билдиради. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва халқ таълими тизими жамоаларида, расмий, реал гуруҳларида ишчанлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик, илиқ руҳий муҳит яратиш, самимий муомала маромини шакллантириш ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат самарадорлигини оширишнинг кафолатидир.

Кайфият ниҳоятда хилма-хил, узоқ ва яқин манбалар негизидан вужудга келади. Уни барқарорлаштириб турадиган асосий манбалардан бири-шахсларнинг ижтимоий жамиятда ҳукмронлик қилаётган умумий нуқтаи назарлари, ҳаётнинг турли жабҳаларида акс этувчи таъсирлар, чунончи меҳнат муваффақияти ва таълим ютуғи, раҳбар ва ходим, ўқитувчи ва сабоқ олувчи ўртасидаги муносабатлари, оиладаги шахслараро муомала мароми, ҳар хил вазиятларда пайдо бўлган турмушдаги қарама-қаршиликлар, шахснинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, майллари ва таъбларининг қондирилишидан қаноат ҳосил қилишлик ёки қаноат ҳосил қилмаслик кайфиятнинг манбалари бўлиб ҳисобланади. Шахснинг маълум муддат руҳи тушиб, нохуш, заиф кайфиятда юриши унинг турмушида муаммолар юзага келганлигидан халоват, тинчлик бузилганлигидан далолат беради. Бундай вазиятлар намоён бўлганида шахсга оқилона мулоҳаза маҳсулидан келиб чиққан ҳолда хуштавозелик билан ижобий таъсир ўтказиш, руҳини тетиклаштирувчи воситаларни қўллаш, кайфиятини бузиб турган омилларни батамом бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

Инсон кайфиятининг пайдо бўлишига ва ўзгаришига таъсир қилувчи иккита омилни таҳлиллаш мутлақо шарт. Улардан биттаси объектив ва субъектив хусусиятли вазиятдир: а) табиий омилларга тааллуқли бўлган вазият (ҳавонинг совуқлиги ёки иссиқлиги, биоритмика ўзгариши), б) шахслараро муносабатнинг ноқулайлиги ва бошқалар. Иккинчи бир манба сифатидаги талқин қилиш мумкин – бу объектив ва субъектив шарт-шароитлардир. Масалан, меҳнат ва ўқиш фаолиятига керакли воситаларнинг мавжудлиги (иш дасгоҳи, меҳнат қуроли, ёруғлик, аудитория, парталар ва бошқалар). Иккинчидан, субъектив муносабатлар: илк психологик муҳит, мулоқатмандлик мароми, рағбатлантириш, мулоқот ўрнатиш услуби, шахсиятга тегмаслик, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳамкорлик, демократия принципларига риоя қилишлик, ўзаро тушиниш, шахснинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳоказо.

Психология фанида асосий ҳиссиётлар атамаси кўчма маънода қўлланилиб келмоқда. Тадқиқотлар ичида К. Изартнинг таснифи муайян қизиқиш уйғотади, лекин ҳис-туйғуларнинг барчасини ўзида камраб олмайди. К. Изартнинг талқинича: 1) қизиқиш – малака ва кўникмалар шаклланишига, ўқишга мойиллик уйғотадиган билимларни эгаллашга ёрдам берувчи ижобий ҳиссий ҳолатдир; 2) қувонч - қондирилиши даргумон бўлган етакчи (ҳукмрон) эҳтиёжнинг қондирилиши мумкинлиги билан боғлиқ ижобий ҳиссий ҳолатдир; 3) хайратланиш – фавқулодда рўй берган ҳолатлардан ҳиссий жиҳатдан таъсирланишнинг ижобий ёки салбий жиҳатдан ифода этилмаган белгисидир; 4) изтироб чекиш – ҳозиргача қондирилиш эҳтимоли озми ёки кўпми мавжуд тасаввур қилинган, муҳим ҳаётий эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида маълумот олиниши боғлиқ салбий ҳиссий ҳолатдир; 5)

ғазабланиш – объектив тарзида кечадиган, шахс учун ғоят муҳим эҳтиёжни қондириш йўлида тўсиқларни енгиб чиқадиған салбий ҳиссий ҳолатдир; 6) нафратланиш – объектларга яқинлашув субъектнинг маънавий ёки эстетик идеалларига зид келиб қолиши оқибатида рўй берадиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 7) жирканиш – шахслараро муносабатларда рўй берадиган ва шахснинг ҳаётий нуқтаи назарлари, қарашлари ва хулқ-атвориға номутаносиблиги оқибатида ҳосил бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 8) кўрқув – шахс ўзининг хотиржам ҳаёт кечиришиға зиён етиши мумкинлиги унга реал таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мавжуд хавф-хатар тўғрисидаги хабарни олиш билан пайдо бўладиган салбий ҳиссий ҳолатдир; 9) уялиш – ўзининг эзгу мақсадлари, хатти-ҳаракатлари ва ташқи қиёфаси, нафрати катта муҳит кутилмасиға мос келмаганлиги билан эмас, балки ўзига лойиқ хулқ-атвор ҳамда ташқи сиймоси шахсий тасаввурларға ҳам мос эмаслигини англашда ифодаланадиган салбий ҳиссий ҳолатдир.

## 6. Юксак ҳислар

Кишилиқ жамияти билан ҳайвонот олами ўртасида психологик тафовутлар юксак ҳисларда ўз ифодасини топади. Юксак ҳислар онгли ҳаракатларни бажаришнинг объектив шароитлари, йўналишлари, мазмуни билан уйғунлашган шахс эмоционал ҳолатининг барқарор, мураккаб таркибида пайдо бўлади ва кечади. Кўплаб кечирилаяётган эмоцияларда, аффектларда, кайфиятларда яққоллашган умумлашма ҳислар юксак ҳислар деб аталади. Улар ўз таркибига содда тузилган ҳисларни қамраб олади, лекин оддий ҳислар йиғиндисидан иборат эмас, чунки юксак ҳислар мазмуни, сифати, шакли билан алоҳидалиққа эға

Шахсда топшириқни бажариш билан боғлиқ жавобгарлиқ ҳисси ҳар хил маънода кечирилади; 1) ташвишланиш эмоцияси (бир томондан, хурсандлиқ, иккинчи томондан эса кўрқиш ҳисси) сифатида; 2) ўз кучиға, ғайратиға, ифтихориға ишонч эмоцияси тариқасида; 3) вазифаға жиддий қарайдиган тенгдошлардан ғазабланиш эмоцияси сифатида; 4) шарт-шароитларни ҳисобға олишға нисбатан шубҳаланиш сифатида ва ҳоказо. Таҳлилдан кўриниб турибдики, жавобгарлиқ ҳиссининг моҳияти уларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас, балки жамоа аъзоларининг эҳтиёжига айланган воқелиқни англашдир. Масалан, китоб ўқиб лаззатланиш билан китобни ўқиб тугатиш шодлиқ ҳиссини фарқламоқ лозим.

Психология фанида юксак ҳислар қуйидаги турларға ажратилади: 1) меҳнат фаолиятини давомида кечириладиган ҳислар-праксик ҳислар (юнонча *praxis* сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади); 2) интеллектуал ҳислар (латинча *intellectus*дан сўздан олинган бўлиб, тушуниш, ақл деган маънони билдиради); 3) ахлоқий ҳислар (латинча *moratis* сўзидан олинган бўлиб, ахлоқийлиқ деган маънони англатади); 4) эстетик ҳислар (юнонча *aistesis* деган сўздан олинган бўлиб, ҳиссий идрок, ҳиссий деган маънони акс эттиради).

Праксиз ҳислар. Шахснинг амалий ҳаётининг исталган тармоғи, мақсадга мувофиқ онгли фаолияти шахснинг уларга нисбатан муайян муносабатда бўлишнинг муҳим соҳасига айланиб қолади.

## **7. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш**

Умумий психология асосларини пухта эгаллаш орқалигина ҳар бир шахсда юксак ҳис-туйғулар, меҳнатга ижобий муносабат, ижтимоий фаоллик, комфорт ҳисларини шакллантириш мумкин. Ўзини ўзи англаш ва миллий онгни қарор топтириш орқали меҳнатсевар, ватанпарвар, фидоий инсонларни таркиб топтириш лозим. Бозор иқтисодиётининг бирмунча мураккаб механизмлари қай йўсинда ишлашини тушуниб етиш, муваффақиятли фаолият кўрсата олиш учун нималар қилиш заруратини англаш, унга тўғри йўл топа билиш шахсдан муайян юксак туйғу ҳамда ҳислатни тақозо этади.

Ҳозирги ижтимоий муҳитда шахслараро муносабатлар силсиласида «бирдамлик руҳи» ва «муштараклик туйғуси» сингари ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг самарали усуллари ва услублари психология фанида ишлаб чиқилишига қарамай, бугунги кун талабига жавоб берадиганлари етарли эмас.

Умумий психология фанида халқ хўжалиги тармоқларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш жараёнида «инсон-техника» тизимдан ташқари («инсон-табиат», «инсон-образ» сингари ёндашиш бундан истисно) муносабатлари муҳим аҳамият касб этиш, уларнинг таҳлили кўп жиҳатдан эмпирик, амалий, микдорий, татбиқий маълумотларга асосланиши муайян даражада ёритилганлигига қарамай, ҳозирги даврда «инсон-инсон», «инсон-жамоа», «жамоа-инсон», «жамоа-жамоа» муносабатларининг бошқарув имкониятларини текшириш талаб қилинади.

Хўжаликни бошқаришнинг янги қонуниятлари, механизмлари, омиллари ижтимоий манбалари, шахслараро муносабат усуллари, яқка шахснинг ижтимоийлашуви хоссалари, раҳбар ва тобе кишилар ўзаро муомаласининг мароми, низоли вазиятларнинг олдини олиш, мазкур жараёнда илиқ психологик муҳитнинг роли, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларига доир эмпирик ва методологик материаллар тўплашнинг қулай шарт-шароити юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик ёки муассасини бошқариш учун раҳбар қуйидагиларга асосланиши керак:

- демократик децентрализм (маҳаллий бошқарув устуворлиги);
- бошқарувда яқкабошчилик;
- сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий маъмуриятда хўжалик юритишнинг бирлиги;
- хўжалик ҳисобининг оқиллиги;
- омманинг бошқарув жараёнида фаол қатнашуви;
- ҳамкорлик фаолиятининг иштирокчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш жараёнларида психодиагностикага асосланиш.

Меҳнат ва таълим жараёнлари бошқарув предмети ҳамкорлик фаолиятида шахснинг хулқига ва онгига гуруҳий таъсир ўтказишнинг хусусиятларини, раҳбар билан ижрочи ўртасидаги муомала маромини текшириш, шахслараро муносабатлар босқичлари, шакллари ва руҳий муҳитни таъминлаш механизмлари тадқиқ этишдир. Худди шу сабабдан шахс хислатларини ўлчаш тизимини яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, уларнинг айрим кўринишларини амалиётга тавсия қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шахснинг фидоийлиги жамият тараққиёти, ватан гуллаб яшнаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, альтруизм тушунчасига жуда яқин туради.

### Фидойлик хислатини баҳолаш шкаласи

Йўриқнома: Сиз қуйида бериладиган психологик вазиятларни ўқиб чиқинг ва ўзингизни шу дақиқада қандай фикрлаяпсиз, шунга қараб ўнг томондаги тегишли жавоб олдидagi рақамнинг тагига чизиб қўйинг.

Шкаладаги ҳар бир рақам бир баллни билдиради (масалан, 1-1 балл, 2-2 балл, 3-3 балл, 4-4 балл).

№		Асосан ҳеч қачон	Баъзан	Тезтез	Ҳамма вақт
1	2	3	4	5	6
1.	Иш вақти билан ишдан кейинги вақтнинг фарқига борасизми?	1	2	3	4
2.	Иш давомидаги юмушлар самараси сизни қониқтирадими?	1	2	3	4
3.	Ишхонангизни расмий манзилгоҳ деб ҳисоблайсизми?	1	2	3	4
4.	Бажарилмай қолаётган ишларни эртанги кунга қолдирасизми?	1	2	3	4
5.	Моддий етишмовчиликларни шахсий ҳисобингиздан тўлдиришга ҳаракат қиласизми?	1	2	3	4
6.	Ишхонада ва ундан ташқарида қўшган улушингизни расмийлаштиришни ёқтирасизми?	1	2	3	4
7.	Офисни ташқарисидан таъмирлашни бошлайсизми?	1	2	3	4
8.	Бир неча йўналишда иш юритишни истайсизми?	1	2	3	4
9.	Бошқа муассасалар билан низоли вазият юзага келса, хотиржам тура оласизми?	1	2	3	4
10.	Иш юзасидан Сизни ортиқча безовта қилишса, ғашингизга тегадими?	1	2	3	4
11.	Телефон орқали хушхабар олсангиз ўзгача ҳолатга тушасизми?	1	2	3	4
12.	Ходимларингизнинг ёшига, меҳнат стажига аҳамият берасизми?	1	2	3	4
13.	Аёллар таъбининг нозиклиги кечинмаларингизга ўз таъсирини ўтказадими	1	2	3	4
14.	Шахслараро низолар ечимига эътибор берасизми	1	2	3	4



15.	Куч-қувватингизни аямасдан сарфлашга ўрганганмисиз?	1	2	3	4
16.	Бўш вақтингизни мақсадга мувофиқ ўтказишни режалаштирасизми?	1	2	3	4
17.	Иш вақтингиз чўзилиб кетишини ёқтирасизми?	1	2	3	4
18.	Объектив ва субъектив қийинчиликларга муносабатингиз бир хилдами?	1	2	3	4
19.	Иш юзасидан расмий ва норасмий ташрифлар Сизда қандай таассурот уйғотади?	1	2	3	4
20.	Муассасанинг бугунги аҳволи Сизни қониқтирадими?	1	2	3	4
21.	Истиқбол режа тузилишга ва уни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиласизми?	1	2	3	4
22.	Захиралар ва имкониятлардан узлуксиз фойдаланишга интиласизми?	1	2	3	4
23.	Ходимларингиз турмуш шароити ва тарзи билан қизиқасизми?	1	2	3	4
24.	Фасллар алмашишига шахсий муносабатингизни билдирасизми?	1	2	3	4
25.	Келажак авлод баркамол ўсиши учун махсус чора ва тадбир қўллаш керакми?	1	2	3	4
26.	Ободончилик ишлари ташкилотининг расмий иши деб ҳисоблайсизми?	1	2	3	4
27.	қишлоқ хўжалиги ва унинг компанияси билан қизиққанмисиз?	1	2	3	4
28.	Юқори ташкилотларга таклиф ёки илтимос билан мурожаат қилганмисиз?	1	2	3	4
29.	У ёки бу номидаги муваққат компанияни баҳолайсизми?	1	2	3	4
30.	Сизнинг тасарруфингизда бўлмаган ташкилотлар фаолиятини яхшилаш ҳақида мулоҳаза юритасизми?	1	2	3	4
31.	Исрофгарчилик арзимаган бўлсада, лекин Сиз унга жиддий масала сифатида қарайсизми?	1	2	3	4

32.	Бўш вақтингиз ва ҳордиқ чиқаришингизда ишхона муаммолари хаёлингизга келадими?	1	2	3	4
33.	Жамоат иши билан ўта бандлигингиз шахсий армонни келтириб чиқарадими?	1	2	3	4
34.	Умрингизнинг асосий қисмини ишхонада ўтказишингиз ички норозиликни уйғотганми?	1	2	3	4
35.	Шахсий режалаштирилган ишингиз рўёбга чиқишига жамоат талаби ҳалал берса афсусланасизми?	1	2	3	4
36.	Ихтисослик бўйича рақибингизнинг муваффақиятлари Сизни ичдан қувонтирадими?	1	2	3	4
37.	Маҳаллангиз ҳаёти ва фаолиятида ҳам жонбозлик кўрсата олсизми?	1	2	3	4
38.	қайта лавозим эгаллаш имконияти берилса, худди шу амални танлаган бўлармидингиз?	1	2	3	4
39.	Кишиларнинг юриш-туришига, атрофга муносабатига ва маънавиятига разм соласизми?	1	2	3	4
40.	Фавқулоддаги вазиятда бор бисотингизни ҳадя қилишга тайёرمىсиз?	1	2	3	4
41.	Вужудингиз билан ишга киришиб кетганингиздан чарчаш, саломатлик хаёлингиздан фаромуш бўладими?	1	2	3	4

Ушбу баҳолаш шкаласи ёрдамида олинган миқдорий натижаларни ҳисоблаш, уларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш ва изоҳлаш қуйидагича амалга оширилади.

Тест, асосан икки қисмга, яъни тўғри (адекват, умумий фидоийлик) ва тескари (контр, индивидуал фидоийлик) таркибга ажратилади.

Сиз мазкур саволларнинг санок номерларига эътибор билан йиғиндисини ҳисобланг: 6, 9, 10, 15, 17, 18, 24, 25, 26, 27, 28, 30, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 39, 40, 41, Сўнгра қолган савол номерлари жавоби йиғиндисини ҳисобланг: 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 11, 12, 13, 14, 16, 19, 20, 21, 22, 23, 28, 31, 38. Ҳар иккала йиғинди орасидаги тафовутга 35 рақамини қўшинг.

Тажриба қатнашчилари томонидан тўпланган максимал кўрсаткичнинг умумий йиғиндиси 164 балл қийматни, минимал 82 баллни, энг паст даража эса 41 баллни ташкил қилиши мумкин. Биз ишлаб чиққан жадвалга, яъни натижаларни ҳисоблаш принципига биноан қуйидаги даражаларга ажратилади:

1) 123 баллдан 164 баллгача-юксак даражадаги фидоийлик хислатига эга бўлган раҳбар;

2) 82 баллдан 123 баллгача-ўрта кўрсаткичдаги фидоийлик хислати мавжуд раҳбар;

3) 41 баллдан 82 баллгача-фидоийлик хислати паст даражадан раҳбар тоифаси намоён бўлади.

## **8. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари**

Инсон ер куррасининг ҳокими, қудратли табиат томонидан инъом қилинган бетакрор неъмат, ақл-заковати билан мўъжизалар яратувчи, биосфера ва ноосфера тўғрисидаги бой билимлар, таассуротлар, тажрибаларнинг эгаси бўлишдан қатъи назар- у муайян фазонинг, вақтининг, ҳаракатларнинг ҳукмлиги остида ҳаёт ва фаолият кўрсатишга мослашган, узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида унга одатланган. Инсон органик ва ноорганик дунё ажойиботлари, хоссалари ҳамда хусусиятларини ўзлаштирганлигига қарамасдан, у куч-қувват соҳиби, муқим заминда яшашга, уни авайлашга, сифат жиҳатидан ўзгартиришга, унга меҳр-муҳаббатини, салоҳиятини бағишлашга қарор қилган онгли зотдир.

Худди ана шу ижтимоий-тарихий тараққиёт палласининг синовларига бардош бериб, табиат офатларини енгиб, унга аجدодлар ҳоқи, хотираси олдида қасамёд қилинган, улуғланган муътабар замин Ватан деб аталади. Нафақат Ватаннинг бир қисм тупроғи, бир томчи суви, заррин нури, мусаффо ҳавоси, балки аجدодларнинг тажрибаси, маънавияти, маданияти, донолар бисоти халқ, элат учун бутун қалб ҳароратини унга бахшида этади. Ўзбекистон ўзбекларнинг ва унда яшовчи бошқа

халқларнинг она диёри ҳисобланиб, аҳолининг унга нисбатан илиқ, самимий ҳис-туйғулари вужудга келиши табиийдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва уни баҳолашга ўргатиш болаларда, ўқувчи ёшларда, вояга етган кишиларда Ватанга муҳаббат, садоқат, ғурур каби юксак ҳислар таркиб топишига хизмат қилади.

қуйида республикамиз фуқароларида ватанпарварлик ҳиссининг шаклланганлик даражасини аниқловчи мезонлар тизимини ҳукмингизга ҳавола қиламиз. Мазкур тест-сўровда ҳис-туйғунинг мотиви (ҳаракатга келтирувчи туртки), иродавий жабҳаси (қатъиятлик), билишга оид томони (когнитивлик), хулқ-атворни бошқариш (регулятивлик) вазифаси қамраб олинган.

Йўриқнома. Диққат билан қуйидаги келтирилган гапларни ўқиб чиқинг ва асосан ҳар доим ўзингизни қандай ҳис қиласиз, сезасиз шунга мос келадиган ўнг томонда берилган жавоблар қаторидаги сон тагига чизиб қўйинг.

Тест-сўров шахснинг руҳий ҳолатларида ватанпарварлик ҳис-туйғусини вужудга келиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Тест-сўров ёрдамида олинган миқдорий натижаларни қисқача изоҳлаш қуйидагича амалга оширилади.

Тест-сўров варақаси, асосан, икки қисмга бўлинади. Уларнинг биринчиси шахснинг ҳаяжонланиш даражасини кўрсатади, иккинчиси эса ҳиссий ҳолатларини.

**Саволларга тез ва аниқ жавоб қайтаринг.**

№		Ундай эмас	Баъзан	Кўпинча	Ҳаммиша
1	2	3	4	5	6
1	Ватан тушунчасининг ибтидоси бешикдан бошланади.	1	2	3	4
2	Ватан дахлсизлиги, унинг митти чегараси, посбони қўлбоғ, бешикпеч остидаги мурғак гўдақдир.	1	2	3	4
3	Бешикнинг безакларига тикилиш болада ғурур ҳиссини уйғотади	1	2	3	4
4	Ўйинчоққа нисбатан муносабат юксак туйғуни вужудга келтиради.	1	2	3	4
5	Дастлабки қувонч Ватан туйғуси бўлса, ажаб эмас.	1	2	3	4
6	Уйга, хонага самимий муносабат Ватан рамзи аломатидир.	1	2	3	4
7	Гузар ёки маҳалла чиройининг мадҳи идрок қўламининг кенгайишидир.	1	2	3	4
8	Туман ва вилоятга нисбатан илиқ муносабат ватанпарварлик туйғусининг вужудга келишидир.	1	2	3	4
9	Маҳаллий гўзалликни эътироф этиш ва баъзан уни мақташга тўғри келади.	1	2	3	4
10	Кичик муҳитни мақташ Ватанга муҳаббат ҳиссини намоён этишдир.	1	2	3	4
11	Диёримиз ҳудудларидаги эътиборли кишилар билан ва унинг обидаларидан ғурурланиш Ватанни мадҳ қилишдир.	1	2	3	4
12	Тарихий саналар қийматини оқилона баҳолаш-фахр туйғусини вужудга келтиради.	1	2	3	4
13	Тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти ҳозирги замон кишисининг мақтовига лойиқдир	1	2	3	4
14	Ватан бойлиги (фойдали қазилмалар) фахрланиш туйғусини уйғотади.	1	2	3	4
15	қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотининг сифати қувонтиради ёки ташвишлантиради.	1	2	3	4
16	Ватан фани ва техникаси аҳволи фахр (истироб) туйғусини намоён	1	2	3	4

	қилади.				
17	Спорт, маданият ва санъатга бефарқ қарайсизми?	1	2	3	4
18	Ватан табиатининг гўзаллига ёки бузилишига лоқайдмисиз?	1	2	3	4
19	Ватанимиз мадҳияси, байроғи ва гербининг мазмуни ёдимда туради.	1	2	3	4
20	Ватан тарихини тўғри баҳолай оласизми?	1	2	3	4
21	Турон ёки Хуросон билан ҳамиша фахрлансизми?	1	2	3	4
22	қадимий диёриймиз фани, маданияти ва дини тарихи билан қизиқасизми?	1	2	3	4
23	Ватанимиз тарихида юксалиш ва инқироз сабаблари ҳақида ўйлаганмисиз?	1	2	3	4
24	Аждодларимиз эгаллаган мавқесини баҳолай оласизми?				
25	Яхлит тизимнинг парчаланиши сабабларини изоҳлай биласизми?	1	2	3	4
26	Фан ва адабиётнинг ютуғи билан қувонасизми?	1	2	3	4
27	Аждодларимиз удуми, анъаналари Сизда илиқ таассурот қолдирадими?	1	2	3	4
28	XX асрда Ватанимиз тарихида содир бўлган воқеаларга лоқайдмисиз?	1	2	3	4
29	Миллий мустақиллик руҳиятингизга таъсир қиладими?	1	2	3	4
30	қатағон қилинган зиёлилар ғоясини шарҳлай оласизми?	1	2	3	4
31	Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари тўғрисида таассуротларингиз.	1	2	3	4
32	Ўтмиш ижобийми? даврининг гуллаганлиги нисбийми?	1	2	3	4
33	XX асрдаги халқимиз жасорати Сизда қандай туйғу қўзғатади?	1	2	3	4
34	Халқлар дўстлиги Ватан бойлиги. Ватаннинг гўзаллашуви-миллий ифтихордир.	1	2	3	4
35	Ватанпарварлик барча ютуқларнинг гаровидир.	1	2	3	4
36	Демократия учун инсонда ички туғён бўлиши шартми?	1	2	3	4
37	Мустақиллик туйғуси- ватанпарварлик ҳосиласидир.	1	2	3	4
38	Тил ва маданият ривожига муносабатингиз оқилонами?	1	2	3	4
39	Виждон эркинлигини қандай баҳолайсиз?	1	2	3	4

40	Истиклол-юксак туйғунинг манбаидир.	1	2	3	4
----	-------------------------------------	---	---	---	---

Сиз ушбу саволларнинг санок номерларига эътибор билан йиғиндини ҳисобланг: 3, 4, 5, 6, 8, 10, 11, 12, 14, 15, 16, 22, 27, 28, 30, 34, 35, 37, 38, 39, 42. Сўнгра қолган савол номерлари жавоби йиғиндисини ҳисобланг: 1, 2, 7, 9, 13, 17, 188, 19, 20, 21, 23, 24, 25, 26, 29, 31, 32, 33, 40, 41. Ҳар иккала йиғинди орасидаги тафовутга 35 рақамини қўшинг. Тажрибаларда иштирок этган шахслар томонидан тўплаган умумий йиғинди биз ишлаб чиққан жадвалга биноан 75 балл қийматига тенг бўлса, у ҳолда иштирокчиларда хавотирланиш, хаяжонланиш кучли, юксак ҳис-туйғу эса паст кўрсаткичга эга эканлигини билдиради. Синалувчилар йиққан баллар миқдори 75 дан то 115 гача қийматдани ташкил этса, у тақдирда катнашчиларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари ўртача кўрсаткичга эга эканлигини англатади. Агарда улар томонидан жамғарилган баллар қиймати йиғиндисини 115 дан юқори бўлса, натижалар таҳлилига кўра ундай тоифадаги инсонларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуси юксак кўрсаткичга эришганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ватанпарварлик ҳис-туйғуси паст даражада шаклланган фуқаро билан алоҳида тарбиявий тадбирларни татбиқ қилиш, индивидуал ёндашишни амалга ошириш зарур бўлиб, уларга ёрдам бериш учун самарали психологик таъсир ўтказувчи, ҳиссиёт динамикасини мақсадга мувофиқ йўналтирувчи, миллий қиёфа хусусиятларини ўзлаштиришга ундовчи кечалар, учрашувлар ташкил қилиш, иштирокчиларни фаоллаштирувчи ижтимоий-психологик вазиятлар юзага келтириш таълим ва тарбия самарадорлигини оширади.

Ушбу тест-сўровдан амалиётда фойдаланиш натижасида ватанпарварлик ҳис-туйғусининг мотивацион, иродавий, когнитив ва регулятив жабҳаларини психологик таҳлил қилиш орқали унинг шаклланганлик даражаси бўйича инсонлар ўртасидаги индивидуал фарқлаш имконияти туғилади.

### Семинар машғулотини учун мавзулар

1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча
2. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги
3. Ҳиссиёт ва эмоциянинг физиологик асослари
4. Одам ва ҳайвон эмоциялари
5. Ҳиссий кечинмалар шакллари
6. Юксак ҳисларнинг психологик тавсифи
7. Ҳислар ривожланишининг моддий ва маънавий асослари



## РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча.
2. Эмоциянинг психологик хусусиятлари.
3. Эмоционал ҳолатларнинг психологик тавсифи.
4. Юксак ҳислар ҳақида мулоҳазалар.
5. Ҳисларнинг ривожланиши таҳлили.

## Адабиётлар

1. Ковалев А.Г. Воспитание чувств. –М.: 1971.
2. Лук А.Н. О чувстве юмора и остроумие. –М.: 1968.
3. Якобсон П.М. Психология чувств. –М.: 1961.
4. Якобсон П.М. Эмоциональная жизнь школьника.-М.: 1966.
5. Ғозиева Н.Э. Юксак ҳисларни шакллантириш. Журн. Халқ таълими, 1-сон, 2005.
6. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## VIII БОБ ИРОДА

### 1. Ирода тўғрисида тушунча

Борликни акс эттириш, фаолиятни муайян йўналишда ташкил қилиш, муаммолар ечимини эгаллаш юзасидан маълум бир қарорга келиш, уни амалга ошириш жараёнида қийинчиликларни енгиш ҳаракатлар ёрдами билан рўёбга чиқади. Турли эҳтиёжлар (шахсий, жамоавий, табиий, маданий, моддий, маънавий) туфайли вужудга келадиган, мақсадга йўналганлик хусусиятини касб этадиган шахснинг фаоллиги ўзининг тузилиши, шакли ранг-баранг бўлган ҳаракатлар, хатти-ҳаракатлар ва саъи-ҳаракатлар ёрдами билан табиат, жамият таркибларини мақсадга мувофиқ келмаганлиги сабабли қайта куради, такомиллаштиради, эзгу ниятга хизмат қилдиришга бўйсундирилади. Эҳтиёж, мотив, қизиқиш, англашилмаган, англашилган майллар негизидан келиб чиқадиган барча кўринишдаги ҳаракатлар ўзларининг юзага келишига биноан ихтиёрсиз ва ихтиёрий туркумларга ажратилади. Одатда психологияда ихтиёрсиз ҳаракатлар англанилган ёки етарли даражада англанмаган истак, хоҳиш, тилак, майл, установка ва шу кабиларнинг ички туртки таъсирида пайдо бўлиши натижасида рўёбга чиқарилади. Мазкур истак ва унинг бошқа шакллари импульсив (лотинча *impulsus* ихтиёрсиз кўзғалиш маъносини англатади) хусусиятига эга бўлиб, инсон томонидан

англанилмаганлиги учун маълум объектга қаратиш юзасидан режалаштирилмаган, ҳатто кўзда тутилмаган бўлади. Инсоннинг фавқулоддаги вазиятда юзага келадиган саросималик аффекти, даҳшат, ҳаяжонланиш, ажабланиш, шубҳаланиш ва шунга ўхшаш бошқа моҳиятли, ҳар хил шаклдаги хатти-ҳаракатлари ихтиёрсиз туркумдагиларга ёрқин мисолдир. Ундаги атамалар маъноси, акс этиш имконияти бундан олдинги ҳиссиёт тўғрисидаги маълумотларда кенг қўламда баён қилинган.

Бошқа категорияга тааллуқли ҳаракатлар ихтиёрий ҳаракатлар деб номланиб, улар мақсад кўзлаш, мақсадни англашни ва уни амалга оширишни таъминловчи операциялар, усуллар ва воситаларни шахс ўз миёсида тасаввур қилишни, самарадорлигини тахминан баҳолашни тақозо этади. Ўзининг моҳияти билан тафовутланиб турувчи ихтиёрий ҳаракатларнинг алоҳида гуруҳини иродавий ҳаракатлар деб аталувчи туркум ташкил қилади. Психологик маълумотларга асосланган ҳолда уларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш жараёнида зўр бериш билан уйғунлашган, муайян мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатлар иродавий ҳаракатлар дейилади».

Шахснинг иродавий фаолияти ўз олдига қўйган англанилган мақсадларни бажаришдан, амалга оширишдан иборат содда шаклдаги ҳаракатларнинг мажмуасидан иборат эмас. Зўр беришни тақозо этмайдиган иш-ҳаракати (масалан, шкафдан чойнак олиш, сочиқни қозикқа олиш ва ҳоказолар) билан иродавий фаолият таркиблари ўртасида кескин тафовут мавжуд. Иродавий фаолият ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, бунда шахс ўз олдига қўйган ва унга муҳим аҳамият касб этувчи мақсадларига ўзи учун камроқ қийматга молик хатти-ҳаракат мотивларини бўйсундиради. Устувор (етакчи) мотивлар қўшимча кўмакчи мотивларни муайян йўналишга сафарбар қилиб, умумий мақсадга хизмат қилдиради.

Шахс фаоллигининг ҳар хил кўришлари мавжуд бўлиб, улар функционал томондан бир-биридан фарқланади, лекин ирода инсон фаоллигининг алоҳида ўзига хос шаклидан иборатлиги ажралиб туради. Ирода инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларини (хулқ-атворини) ўзи бошқаришини, у ёки бу хусусиятли интилиш ва истакларини тормозлашни талаб қилади, бинобарин, у англанилган турлича ҳаракатлар тизими мужассам бўлишини назарда тутди. Иродавий фаолият моҳияти шунда кўзга ташланадиги, бунда шахс ўзини ўзи бошқаради, ўзини қўлга олади, ўзининг хусусий ихтиёрсиз импульсив томонларини назорат этади, ҳатто зарурат туғилса, у ҳолда уларни тамоман йўқотади ҳам. Ирода пайдо бўлишининг бош

омили-инсон томонидан фаолиятнинг турли таркибларининг иродавий ҳаракатларни тизимли тарзда татбиқ этилиши бундай иш-ҳаракатларда онг билан мужассамлашувчи шахснинг фаоллигидир. Иродавий фаолият шахс томонидан кенг қўламда англанилган ва руҳий жараёнларни амалга ошириш хусусияти бўйича иродавий зўр беришни талаб қиладиган ақлий амалларни тақозо этади. Бундай ақлий амаллар ғавқулоддаги вазиятни баҳолаш, келгусида амалга оширишга мўлжалланган ҳаракатлар учун воситалар ва операциялар танлаш, мақсад кўзлаш ва унга эришишнинг усуллари саралаш, уларни татбиқ этиш учун муайян қарор қабул қилиш кабилар бўлиб ҳисобланади. Ушбу амалларнинг барчаси иродавий фаолиятнинг операционал томони деб баҳоланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи психологик ҳолатларда, вазиятларда иродавий фаолият инсоннинг бутун ҳаёт йўлини аниқлаб берадиган, унинг ижтимоий-психологик қиёфасини (сиймосини) намоён қиладиган ва маънавий-ахлоқий қадриятини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган қарорга келиш билан уйғунлашади. Шунинг учун бундай иродавий ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида шахс онгли ҳаракат қилувчи субъект тариқасида ҳам уларнинг кашфиётчиси, ҳам бир даврнинг ўзида ижроچиси (бажарувчи) бўлиб иштирок этади. Мазкур ҳолатда шахс ўзида тўқис мужассамланган қарашлари тизими (динамик стереотипига), иймон-этиқодига, ишонч ва дунёқарашига, қадриятига, ҳаётий муносабатлари мажмуасига, ақл-заковати, маънавиятига асосланган ҳолда онгли йўл тутди. Шахснинг умр (ҳаёт) йўлида қадрий хусусият касб этувчи жавобгарлик ҳисси иродавий ҳаракатларни татбиқ қилишда унинг миёсига мужассамлашган, англанилган барча ижтимоий-психологик шартланган фазилатлар (қараш, этиқод, қадрият, маънавият ва ҳоказолар) соғлом фикр, устувор (юксак туйғу) ҳиссиёт тариқасида фаоллашади, мустаҳкамланади ҳамда баҳолаш, қарорга келиш, танлаш, ижро этиш (бажариш) жараёнларига таъсир қилиб, умумий ҳамкорлик тизимида ўз изини қолдиради. Жавобгарлик ҳисси шахс маънавияти, руҳияти, қадрияти намоён бўлиши, кечиши, такомиллашиши босқичларининг бошқарувчиси, онгли турткиси, сифатининг кўтарувчиси функциясини бажаради.

Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётининг йирик намоёндалари ижодий фаолиятига тааллуқли маълумотлар, қарорга келиш намуналари уларнинг ижтимоий-психологик қиёфаларини акс эттириш имкониятига эгадир. Масалан, буюк саркарда Амир Темур Кўрагонийнинг «Куч адолатдадир» деган ҳикмати, Алишер Навоийнинг «Занжирбанд шер-енгаман дер» ҳитоби, Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» чақириғи

жавобгарликни юксак ҳис этган ҳолда халқининг хоҳиш иродасини ифода қилиб, қатъий иродавий хатти-ҳаракатларини амалга оширганлар, шу билан бирга улар ўзларининг маънавий, кадрий, руҳий қиёфаларини чуқур ва кўпёқлама очиб беришга мушарраф бўлганлар. Ижтимоий-тарихий саҳифаларимизда, яқин ўтмишимизда ва истиқлол даврида кўплаб ватандошларимиз иродавий хатти-ҳаракатларининг намунавий кўринишларини намоёиш қилганлар, булар расмий манбаларда ва бадиий адабиётларда кенг кўламда ёритилган.

Юқоридаги мулоҳазалардан ташқари, иродавий фаолиятнинг ўзига хос психологик хусусиятлари ҳам мавжуддир ва улар муайян тавсифларга асосланиб талқин қилинади. Иродавий фаолиятни ёки алоҳида ирода актини (латинча *actus* ҳаракат деган маънони англатади) амалга оширишишнинг хусусиятларидан бири-бу бажарилаётган ҳаракатларнинг эркин эканлигини шахс томонидан англаш (бундай қилса ҳам бўлади ёки ундай қилса ҳам) иборатлигидир. Ушбу жараёнда шахс ҳеч бир нарсани уддасидан чиқмайдиган ёки вазиятга тўла-тўқис тобелик қиладиган, қолаверса юзага келган шароит талабларига сўзсиз, зарурий бўйсунадиган кечинмалар ҳукм сурмайди. Шунинг учун шахс томонидан қарорга келишнинг эркинлиги, мустақиллиги билан уйғунлашган кечинмалар ҳукм суриши мумкин, холос. Мазкур қарорга келишдаги эркинлик ҳисси инсоннинг ўз ниятлари билан ҳаракатлари рўёбга чиқишига нисбатан масъулият ёки жавобгарлик туйғусининг кечиши билан изчиллик касб этади.

Юқоридаги мулоҳазаларни дурустроқ англаш учун баъзи бир психология оламидаги ҳодисаларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда психология фанининг намояндаларини кескин равишда икки қутбга ажратган ҳолда таҳлил ва талқин қилишнинг умри тугади, лекин ғоялар, назариялар ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд эмас деган ибора фан олаmidан сиқиб чиқарилишини билдирмайди, албатта. Ирода эркинлиги тўғрисидаги ғоят баҳсли психологик муаммо саналади, чунончи ушбу назария тарафдорларининг фикрича, инсон томонидан амалга ошириладиган руҳий ҳаракатлар (актлар) бирон-бир сабабий боғлиқликка эга эмаслар, улар автономдирлар, лекин булар ўз хоҳишларидан бошқа ҳеч бир нарсага бўйсунмайдилар. Мулоҳазадан кўриниб турибдики, иродавий эркинлик шахсдан ташқари ҳукм суриши, у бошқа руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, воқеликлар билан гўёки сабабий боғланишга эга эмасдир. Инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давридаги барча ҳаракатлари тўла англанилган ёки етарли даражада англанилган даражада эканлигидан қатъи назар улар объектив жиҳатдан психиканинг бошқа шакллари билан изчил боғланишда бўлиб

келган. Худди шу боисдан шахснинг иродавий ҳаракатлари нима учун айнан шундай амалга оширилганлигини аниқлаш даражаси юқори бўлмаса-да, лекин биз уларни тушунтира бериш имкониятига эгамиз. Илмий маълумотларга қараганда, шахснинг иродавий ҳаракати тамомила детерминизмга (латинча *determinare* сабабий боғлиқлик ёки шартланганлик деган маънони билдиради), бинобарин, сабабий боғланиш қонунига бевосита бўйсунди. Ирода шахснинг психологик қиёфаси, унинг ижтимоий ҳаёти ва фаолияти шароитида турли ахборотлар натижаси сифатида юзага келган мотивларнинг хусусияти ва мақсади билан уйғунлашгандир. Шунингдек, иродавий фаолиятнинг бевосита мотиви (сабабчиси, турткиси) тариқасида ҳаракатлар тизимини вужудга келтирувчи, уларни тартибга солувчи ранг-баранг вазиятлар шароитлар намоён бўлади. Шунини унутмаслик жоизки, шахснинг иродавий фаолияти объектив жиҳатдан бошқа категориялар билан боғлангандир, бироқ бундан ирода психологик жиҳатдан рўёбга чиқишига инсон масъулиятига кирмаган, ундан ташқари номаълум мажбурий зарурият деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Иродавий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан ташкил топгандир; 1) иродавий ҳаракатларни шахс ҳамиша уларнинг субъекти сифатида амалга оширади; 2) иродавий акт, ҳаракат шахс тўла-тўқис масъуллиқни зиммасига олган иш, амал сифатида ичдан (ички дунёсида) кечирилади; 3) иродавий фаолият туфайли инсон кўп жиҳатдан ўзини ўзи шахс сифатида англайди; 4) иродавий фаолият сабабли шахс ўз ҳаёт йўли ва тақдирини ўзи белгилашини тушуниб етади ва ҳоказо. Шу билан бирга ироданинг фаоллаштирувчи ва жиловлаб турувчи (тормоз қилувчи) функциялари биргаликда (ҳамкорликда) ҳукм сурсагина, фақат шундагина шахснинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги тўсиқларни енгишни қафолатлаши мумкин.

Психология фанида иродага нисбатан индетерминистик қараш ҳам мавжуд бўлиб, бунда психик фаолият бирор нарса билан белгилаб бўлмайдиган, онгсиз равишда кечадиган дастлабки фаолликка тобе ҳисобланади. АҚШлик психолог У. Жемс фикрича, ҳеч нарсага боғлиқлиги йўқ иродавий ҳукм етакчи роль ўйнайди. Аслида эса шахснинг иш-амаллари, ҳаракатлари ҳаёти ва фаолиятида объектив равишда белгиланади. Ўз ичига иродавий ҳаракатларни мужассамлаштирган мотивлар шахснинг ҳозирги давридан ва ўтмишидан жой эгаллаган ташқи таъсирлар натижаси сифатида инсонни психик ривожланиш жараёнида, унинг борлиқ ҳодисаларига нисбатан фаол муносабатида юзага чиқади, аста-секин таркиб топади. Иродавий ҳаракатларнинг сабабий боғланганлиги омили муайян фаолият усули шахсга мажбуран берилганини,

шахсий хулқ-атвори учун жавобгар эмаслигини, тақдири азал деб тушунтириш ҳуқуқига эга эканлигини англатмайди.

Иродавий фаолиятни шахс унинг батамом оқибатлари учун субъект сифатида амалга оширади. Фаолият учун объектнинг ўзига масъул ҳисобланади, ваҳоланки унинг мақсади доирасидан ташқари чиқади. Субъект мурувват кўрсатаркан, бошқача тарзда ёрдам уюштиради, муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади.

Шахслар ўзларининг фаолияти учун масъулиятни бошқа бировга юклашга мойиллигига биноан, улар сезиларли равишда бир-бирларидан тафовутланадилар. Инсоннинг шахсий фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилиш, шунингдек, шахсий куч ва ғайратига, қобилятига мойилликни аниқлайдиган мезонлар назорат локуси (латинча *lotus ўрнашган жой* ва французча *conrole- текшириш* деган маъно англатади) деб аталади. Маълумки, ўз хулқ-атвори ва ўз фаолияти сабабларини ташқи омиллардан деб тушунишга мойил одамлар мавжуд.

Психология фанида назоратни локаллаштириш деганда шахснинг индивидуал фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилишни, шунингдек, уларнинг куч-ғайратига, қобилятига мойиллигини белгилайдиган сифатлар мажмуаси тушунилади. Назоратни локаллаштириш ташқи (экстернал) ҳамда ички интернал турларига ажратилади. Назоратни ташқи локаллаштиришга баъзи мисолларни келтирамиз: Ходим ишга, талаба дарсга кеч қолса, бу ҳодисани турлича баҳоналар билан изоҳлашга ҳаракат қилади. 1) автобус ўз вақтида келмади, 2) йўловчилар кўп бўлганлиги учун автобусга чиқа олмадим, 3) автобус жуда секин ҳаракат қилади, 4) транспорт бузилиб қолади, 5) кўчада йўл ҳаракати фожияси юз бергани туфайли ушланиб қолдик ва ҳоказо. Психологик тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, назоратнинг экстернал локаллик турининг намоён бўлиши шахснинг муайян нуқсонлари ва иллатларига бевосита боғлиқдир, чунончи инсоннинг масъулиятсизлиги, ўз имкониятига ишонмаслиги, ҳадиксираши, хавфсираши, шахсий ниятини рўёбга чиқаришни пайсалга солиши ва бошқалар. Мабодо шахс ўз хулқ-атвори оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олса, ўз қилмиш-қидирмишларини шахсий хусусиятидан деб тушунса, бундай психологик воқелик назоратнинг интернал (ички) локаллашуви мавжуд эканлигини билдиради. Назоратнинг ички локаллаштиришига хос инсонлар мақсадга эришиш йўлида масъулият ёки жавобгарлик ҳис этадилар, ўзини ўзи таҳлиллаш имкониятига эгадирлар. Ижтимоий тарбия жараёнида шахсда локаллаштиришнинг ҳар иккала (экстернал,

интернал) турини шакллантириш туфайли унинг мустаҳкам шахсий фазилатига айлантириш мумкин.

Ироданинг ўзига хос кўринишлари шахснинг таваккалчилик вазиятидаги хатти-ҳаракатида рўёбга чиқади. Ўзига маҳлиё қилувчи мақсадга эришиш йўлида хавф-хатар, йўқотиш дахшати, муваффақиятсизлик унсури билан ҳам ҳамоҳанг, огоҳ дадил ҳаракат таваккалчилик дейилади. Таваккалчилик жараёнидаги нохушлик кутилмаси муваффақиятсизлик эҳтимоли билан ноқулай оқибатлар даражаси уйғунлашуви мезони орқали ўлчанади. Таваккалчиликда муваффақият билан муваффақиятсизлик кутилмаси эҳтимоли ётади, ютукқа эришиш шахсда хуш кайфиятни вужудга келтирса, мағлублик эса нохушлик ҳолатининг бош омили ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, ютук (ғолиблик) қувонч нашидасини уйғотса, омадсизлик жазо, моддий ва маънавий йўқотишни рўёбга чиқаради. Лекин шунга қарамасдан, инсонлар таваккал қилиш ҳаракатидан ҳеч маҳал воз кечмаган хоҳ у кундалик ҳаёт муаммосига алоқадор воқелик, хоҳ мураккаб меҳнат, хоҳ ҳарбий юришлар бўлишига қарамай, шунинг учун таваккалчилик инсоният дунёсининг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврининг қарор қабул қилиш намунаси, маҳсули сифатида шахснинг ҳаёти ва фаолиятида то ҳозиргача иштирок этиб келмоқда.

Психологик манбаларда кўрсатилишича, таваккалчилик ҳаракатини амалга оширишнинг ўзаро уйғунлашган иккита сабаби мавжудлиги қайд қилиб ўтилади. қарорга келишнинг биринчи сабаби-бу ютукқа умидворлик муваффақиятга эришилганда кутилиши эҳтимол қийматнинг мағлуб оқибати кўрсатгичидан юксакроқ бўлишига ишончдир. Ушбу воқелик вазиятни таваккалчилик деб аталиб, муваффақият мотивациясини муваффақиятсизликдан кутилиш мотивациясидан яққолроқ намоён бўлишида ўз ифодасини топади. Шу боисдан таваккалчилик инсон учун қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этадиган рухий ҳодиса ҳисобланиб, у ёки бу тарздаги ҳаракатни амалга ошириб, ўз хулқ-атворини намоёйиш қилади. Дехқон кечикиб ерга уруғ қадашга таваккал қилган бўлса, ҳосил пишиб етилиши хавфи туғилади, лекин агротехника воситаларидан жадал суръатда фойдаланса, асосий маблағни сарф қилиб қўйиш ташвиши уйғонади. Иродавий қарор қабул қилиб таваккалчиликдаги унинг мардлиги, ташаббускорлиги, қатъиятлиги меҳнатда ютукқа эришишни таъминлайди. Аммо бундай қарорга келиш гоҳ ўзини оқлайди, гоҳо мутлақо оқламаслиги ҳам мумкин. Бу борада ҳаракатнинг хавфли ёки хавфсиз йўлини татбиқ этиш, таваккалчиликнинг ғоявий, маънавий юксаклиги, қарорнинг оқилоналиги бахтли тасодиф сари етаклаши мумкин.

Баъзан таваккалчининг қобилияти, қатъийлиги, малакалиги, ҳисоб-китобнинг тўғри қилганлиги унга омад келтиради.

Таваккалчиликнинг иккинчи сабаби хатти-ҳаракатнинг хавфли йўлини афзал билган хулқ-атворда кўзга ташланади. Бу воқелик шахснинг вазиятости фаоллиги деб номланиб, инсоннинг вазият талабларидан устуворликка эришишида, ундан (вазиятдан) юксакроқ мақсад қўя олишда намоён бўлади. Таваккалчиликнинг бу тури «вазиятусти» ёки «холисоналик» деб аталиб, таваккалчилик учун таваккалчиликка йўл қўйишни англатади ҳамда таваккалчиликнинг таваккалчилиги атамасини келтириб чиқаради. Шахсдаги таваккалчиликни рискометр деб аталувчи махсус асбобда ўлчаб қўриш мумкин. Бу асбоб ёрдамида психологик тажрибада инсонларда муваффақ бўлиш эҳтимоли мавжуд холисоналик таваккалчиликка мойиллик, уларнинг ҳақиқий хавф остида иродавий ҳаракатларини олдиндан айтиб бериш (башорат қилиш) имконияти вужудга келади.

## **2. Ирода актининг тузилиши**

Ирода муаммосига бағишланган бундан олдинги саҳифаларда таъкидлаб ўтилганидек, шахснинг иродавий ҳаракатлари мураккаб психологик мазмун, моҳият, маъно касб этиши билан тавсифланади. Шунинг ҳам эслаш ўринлики, шахсда мотивлар курашининг пайдо бўлиши учун унга масъулият, жавобгарлик ҳиссининг юклатилиши, иродавий ҳаракатни амалга ошириш зарурияти туғилиши, мазкур вазиятда шубҳаланиш, иккиланиш уйғониши фавқулодда унда иродавий зўр беришлар вужудга келиши лозим. Бу воқеликни тушунтириш ёки изоҳлаш учун психологик нуқтаи назардан ирода актининг таркибларидан иборат эканлигини аниқлаш учун унинг унсурлари, бўлинмалари, тузилиши тўғрисида мулоҳаза юритиш жоиз.

Инсоннинг миёсида туғиладиган мақсадга эришиш туфайлигина иродавий ҳаракат амалиётга татбиқ этилади. Ушбу фикр бошқачароқ ифодаланганда, шахс у ёки бу ҳаракат ёрдами билан қўйилган мақсадига эришиш йўллариини англаб етади, яъни ҳаракат билан мақсад, ўртасидаги уйғунлик инсонга тобора яққоллашади, англашинилади. Ҳолбуки шундай экан, шахс ўзининг руҳий ҳолатини ўзгартиришга қарор қилади, қондирилиши лозим бўлган эҳтиёжларини муайян тартибга келтиради, уларни бирламчи ва иккиламчи даражаларга ажратишни лозим топади. Худди шу йўсинда иродавий ҳаракатни амалга оширишнинг тарқоқ ва йиғиқ таркиблари (унсурлари) мақсадга йўналтирилади. Ушбу жараёнга инсон шахсини ундаётган, ҳам англанилган, ҳам англанилмаган



руҳий тайёргарлик мотивдан иборат бўлиб, мақсадга интилиш ва унга эришиш мажбуриятини тушунтиришга хизмат қилади.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида унинг борлиқдаги нарсаларга нисбатан ўзини тортадиган ҳар хил хусусиятли мақсадлари вужудга кела бошлайди. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, шахс олдида пайдо бўлган мақсадларни у танлаши, моҳият жиҳатидан маъқуллиги (номаъқуллиги) юзасидан қарор қабул қилиши, уларнинг ҳозирги давр учун аҳамият касб этишини, истиқбол имкониятлари сингари хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Шахс фаоллигининг механизми сифатида унда аниқ, яққол, объектга йўналган мақсадни амалга ошириш (қарор топтириш) эзгу нияти рўёбга чиқади. Масалан, кундалик моддий эҳтиёжини қондириш, саёҳатга чиқиш, иш жойини алмаштириш, тил Марказига ўқишга кириш, қариндошлари ҳолидан хабар олиш, телевизор томоша қилиш истаклари туғилиши мумкин. Бу аснода ирода актининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, нафақат хоҳиш-истакдаги мақсадни танлай олиш, балки уни амалга ошириш имконияти аниқроқ эканлигини тушуниш ҳамда англашдир. Худди шу тариқа иродавий ҳаракатнинг муҳим таркиби, бинобарин, ажратиб олинган мақсадга эришишнинг йўл-йўриқлари шакли ва моҳияти тўғрисида мулоҳаза юритиш, унинг устида бош қотириш даври бошланади. Мазкур жараёнда фикр юритилаётган воситаларнинг мақсадга эришиш йўлига мувофиқлиги таҳлил қилинади, ақлан чамалаб кўрилади, уни рўёбга чиқаришга мутлақо мос ёрдамчи услублар, ҳаракатлар танланади. Юқорида мулоҳаза юритилган ақлий хатти-ҳаракатларнинг барчаси ўзининг моҳияти билан ирода актининг таркибига кирувчи ақлий жараёнлар, ақлий лаҳзалар, ақлий вазиятлар сифатида мужассамлашади.

Иродавий актнинг бошланиши мақсадга эришиш йўл-йўриқлари ҳақиқатдан ҳам аниқ истакларнинг ушалишига хизмат қилиши тўғрисида оқилона қарорга келишда ўз ифодасини топади. Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, танланган ҳаракатлар оқилона, омилкор, одилона эканлиги тўғрисида қарорга келинганида, мақсадга мувофиқлиги ишончли далиллар устига қурилганида ушбу жараён қийинчиликларсиз содир бўлади. Бироқ аксарият ҳолларда қарорга келиш мураккаб жараёнга айланади, бунинг натижасида мотивлар кураши юзага келади, бинобарин, танлаш, яқдилликка келиш муддати бирмунча чўзилади. Масалан, шахсда иш жойини алмаштириш хоҳиш-истаги туғилди деб айтайлик, бироқ унда бошқа хусусиятга эга бўлган интилишлари ҳукм суриши мумкин, ўз навбатида улар ишхонани ўзгартиришга тўсқинлик ҳам қилади. Жумладан, иш жойини ўзгартириш маошнинг янги ишхонада бироз юқорилиги билан боғлиқ бўлса-да,

лекин янги муҳитга ва жамоага, нотаниш шарт-шароитга, бошқача талабга мослашиш (кўникиш) зарурлигини тақозо этади. Ана шу тарздаги муносабатлар билан мотивлар кураши юзага келади, унинг негизида: а) янги иш жойидан, б) ички қаноатланиш туйғусидан воз кечиш керакми; ёки в) қимматли имконият туғилиши, г) унинг истиқболи эвазига ўзининг бошқа эҳтиёжларидан юз ўгириши лозимми деган мотивлар кураши боради. Мотивлар курашида у ёки бу тарзда қарорга келишни маъқуллаш (эътироф қилиш) ёки маъқулламаслик (эътироф этмаслик) тўғрисидаги мулоҳазаларни таҳлил қилиш (уларни чамалаш) билан чекланиб қолмасдан, балки ўзаро зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи ҳаракатларни татбиқ этишга ундовчи қабилдаги мотивлар кураши ҳам туғилиши мумкин. Ўзаро қарама-қарши мотивларнинг салмоғи қамровли бўлса, шахсни фаолиятга ундовчи эҳтиёжларнинг объекти ўзининг қиймати (аҳамиятлилиги) билан ўзаро бараварлашса, у ҳолда бундай мотивлар кураши уларга ҳамоҳанг тарзда кучли кечади. Мабодо шахсда телевидениеда кино кўриш хоҳиши билан дўстининг таваллуд топганлигини табриклаш учун бориш истаги ўртасида руҳий кураш юзага келса, мотивлар кураши содир бўлмайди, чунки бундай маҳалда шахсда кинони томоша қилиш тилаги (интилиш) ўзидан ўзи йўқолади. Лекин мотивлар кураши ҳамиша ҳам шундай енгил кечади деб хулоса чиқармаслик керак, бунда муносабат, хоҳиш шахс учун қанчалик муҳим аҳамият касб этишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, шахсни (сафарга отланиш (тайёргарлиги) ҳамда қариндошдаги тўйга табриклаш учун бориш истаклари (зарурати) ўртасидаги мотивлар кураши ўзаро бир-бирига зид эканлиги туфайли фақат улардан биттасини танлаш тақозо этилганлиги сабабли муросасиз кураш тариқасида кескин тус олиши мумкин. Шунга ўхшаш мотивлар кураши натижасида муайян қарорга келиши ёки қарор қабул қилиш вужудга келади, бунда шубҳаланиш, сустлик, лоқайдлик, иккиланиш сингари сифатлар (гоҳи иллатлар) фаолият доирасидан сиқиб чиқарилиб, бутун диққат эътибор қарорни амалга оширишга йўналтирилади. Мабодо қарорга келинганидан кейин ҳам журъатсизлик шахсни иккиланиш сари етаклашда давом этаверса, у ҳолда иродавий ҳаракат туб маънодаги ғайратдан, шижоатдан, собитқадамликдан, белгиланган мақсад сари интилишдан маҳрум эканлигини акс эттиради. Мақсадга эришиш учун шахс ўзини тайёрлайди, психологик ва статистик кутилмалар ўзаро тафовутланиши юзасидан маълумотларни умумлаштиради.

Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, қарорга келиш, уни амалга оширишда қийинчиликларни бартараф этишда иродавий зўр бериш муҳим аҳамият касб этади. Аксарият психологик ҳолатларда инсон томонидан қарорга ўз эҳтиёжларининг устуворлиги даражаси

таъсирини зарурий чора тариқасида енгиш билан уйғунлашган, жиддийлик, зўриқиш хусусиятли ички зўр бериш жараёни билан узвий боғлиқликка эга. Шахс ўзидаги қарама-қаршиликларни енгишга нисбатан бундай муносабат (зарурият) биринчидан, субъектнинг айрим истаклари, мустаҳкамланган салбий одатлари; иккинчидан, турмуш ҳодисаларига нисбатан кўникиш ҳисси; учинчидан, маъқулланилмаган ахлоқ-одоб принциплари, анъаналар билан курашининг кечиши иродавий актнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган хислати (сифати) ҳисобланиш иродавий зўр бериш томонидан идора қилинади.

Инсонда вужудга келган кучли, шижоатли интилишларни йўқолишига ҳаракат қилинади. Бироқ қабул қилинган қарор (ёки қарорга келиш)нинг ахлоқ-одоб принципларига жавоб бера олишини (мутаносиблигини), ижтимоий аҳамият касб этиш имкониятини англашнинг ўзи шахс учун мураккаб ишни «ўлик» нуқтасидан силжитишга, кўзғатишга етарли даражадаги омил бўлиб хизмат қила олмайди.

Мазкур ҳолатни шахс томонидан тушуниш (англаш) бурч, масъулият, жавобгарлик, қатъиятлилиқ туйғулари билан қатъий ишонч, зарурият барқарор ички кечинмалар (регулятор ҳислар) мустаҳкамланса, бундай даврда ушбу нарса кўпгина интилишларни йўқотишга имкон берадиган ҳақиқий иродавий зўр беришни вужудга келтиради. Юксак ҳислар (бурч, масъулият, жавобгарлик, ватанпарварлик, фидойилиқ кабилар) ахлоқий талаблар интериоризацияга айланганлигини, яъни шахснинг маънавий мулкига ўтаётганлигини, эгоистик (худбинларча) интилишлар билан альтруистик (ижтимоий фидойилиқ) истаклари (хоҳишлари) ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келадиган ғавқулддаги вазиятда амалга ошириладиган ҳулқ-атворнинг ички механизмларга айланганини акс эттиради. Юксак ҳислар мотивлар курашида интилиш ўнг ёки сўл томонга оғишини аниқлайди, мақсадни амалга ошишини таъминлашда регулятор функциясини бажаради.

Психологияда иродавий акт тўғрисида мулоҳаза юритилганда шу нарса таъкидланадики, иродавий зўр беришнинг ички кечиши фақат қарорга келишда пайдо бўлмайди, балки уни ижро этиш жараёнида жадал суръатга эришишда ҳам амалга ошади. Бунинг психологик маъноси шуки, қабул қилинган қарорни ижро этиш (бажариш) аксарият ҳолларда субъектив ва объектив хусусиятли бир талай қарама-қаршилиқларга дуч келади, уларни енгиб ўтиш эса иродавий зўр беришни, зўриқишни талаб қилади. Чунончи, бозор иқтисодиётига мақсад ва вазифасиз, тасодиғий ёндашув сифатида мослаётган шахс ўз турмуш тарзини ўзгартирмаса, узоқни кўзлаб иш юритмаса (бугунги куни ўтганига шукур қилиб яшаса), фаоллик

кўрсатмаса, имкониятидан фойдаланмаса, бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Инсоннинг ўзлиги билан ички кураши, характер хислатларини ўзгартиришга интилиши иродавий зўр бериши туфайли амалга ошади, холос. Шунингдек, инсон санитарияга, гигиенага риоя қилиб яшаши (сайр қилиш, хона хавосини алмаштириш, овқат ҳазм бўлишини кутиш, озодаликка эътибор қилиши янги кўникмаларни эгаллаш каби) иродавий зўр беришни тақозо этади. Бу психологик воқеликнинг негизида инсонни олдин ҳаяжонга солмаган, ташвишлантормаган нарсаларга эътибор қилиш механизми ётганлиги туфайли фавқулоддаги қаршилиқ салбий ҳис-туйғуларни (стресс, аффект, фрустрация кабиларни) вужудга келтиради. Ҳолбуки шундай экан, шахснинг ўзини ўзи билан ички руҳий кураши натижасида муваффақиятга эришилса, у ҳолда ижобий хусусиятли ҳиссий кечинмалар юзага келади, ўзининг устидан ўзи ҳукмронлик туйғулари, ўз куч ва қудратига ишонч, уни англаб етиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини олдига қўйган энг муҳим мақсадларга эришиш имкониятини тушуниш рўёбга чиқади. Ушбу руҳий жараёнлар муаммо ечимида иштирок этишидан қатъи назар, иродавий зўр бериш ва унинг ички кечиши кучли зўриқишлар туфайли амалга ошади. Бу ўринда шахснинг характери, индивидуал хусусиятлари, ижтимоий шартланган хислатлари, ҳар бир нарсага жиддий муносабати етакчи ва устувор аҳамият касб этади. Айниқса, ўзини ўзи бошқариш, гуманистик психология таркибидаги категориялар ҳамда уларнинг ҳаёт ва фаолиятда намоён бўлиши муҳим роль ўйнайди. Маълумки, шахсий майллар, установкалардан ташқари, унга ижтимоий установкаларнинг таъсири, ўз роли, статуси юзасидан баҳолаш тизимининг тўғри шаклланганлиги бунда алоҳида аҳамиятга эга.

Шахс маълум бир фаолиятни амалга оширгунга қадар ўз руҳий оламида юзага келган айрим субъектив («Мен» билан «Мен» эмас қабилдаги) қаршилиқларни енгишдан ташқари, унга муайян ташқи, (объектив тарздаги) зиддиятларни ҳам барҳам топтиришга тўғри келади. Айтайлик, инсон учун рўёбга чиқариш зарур ҳисобланган мақсад аниқ (яққол), уни амалга ошириш юзасидан ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаса-да, шунингдек, қарорга келишда кучсиз мотивлар кураши давом этса-да, лекин қарорни ижро қилишда баъзи бир қийинчиликлар туғилиши мумкин. Мазкур жараёнда вужудга келган қаршилиқ ва қийинчиликларни енгиш инсондан чидам, қатъийлик, фавқулоддаги, сира кутилмаган ҳолатни инобатга олишни тақозо этади. Баъзида эса узлуксиз равишда улар билан курашиш, иродавий зўр бериш, уларни енгиш учун эса руҳан тайёргарлик майли билан қуроллантиришни талаб этади. Бундай вазиятлар зўриқиш, танглик,

зўр бериш, жиддийлик маълум давр давомида шахсда сақланиб туриш мажбуриятини юклайди.

Психологик маълумотларга қараганда, иродавий саъи-ҳаракат учун ўзига хос хусусиятга эга бўлган иродавий зўр бериш аксарият ҳолларда мотивлар курашидаги қарама-қаршилиқ юзага келганлиги билан эмас, балки шахс томонидан қабул қилинган қарорни ижро этиш (бажариш, адо этиш) жараёнида объектив хусусиятга молик қийинчиликларни енгиш туфайлигина намоён бўлади. Худди шу боис ирода акти тузилиши таҳлилининг кўрсатишича, ушбу ҳолат ирода фаолиятининг бир талай хусусиятларини ҳаспўшлашга имкон яратади. Шунинг билан бирга, иродавий фаолиятнинг шахс хатти-ҳаракатларида муайян устувор вазифалар (функциялар) ижро этишини (бажаришини) таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур функциялар: биринчидан, шахснинг хатти-ҳаракатларини амалиётга татбиқ қилишнинг сифат даражасини юксалтиради. Иккинчидан, инсон ҳаёти ва фаолияти учун муҳим аҳамият касб этувчи муаммолар ечимини топишга шароит яратади. Учинчидан, инсон шахсига муаммо моҳиятига киришини таъминлайди, шунингдек, ҳаракатни мақсадга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Иродавий фаолият инсоннинг хатти-ҳаракатларини унинг борлиққа (атроф-муҳитга) нисбатан онгли шахс сифатида ўз олдига қўйган устувор мақсадлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бошқаради. Шахс, бу аснода, ўзининг танлаган идеалларига, уни йўналтирувчи ғояларига, ишонч-эътиқодларига, қарашларига, ўзга кишилар берадиган баҳоларига, ўзига ўзи баҳо бериш мезонларига номутаносиб истаклар, хоҳишлар, тилаклар вужудга келтирмасликка, уларни тўхтатишга ёки батамом бартараф этишга интилади. Бу ҳолат таҳлили шундан далолат берадики, ирода бу ўринда шахснинг хатти-ҳаракатларини жиловлаш (тўхтатиш), назорат қилиш, бошқариш, четга оғишдан сақлаш (чеклаш) функцияларини акс эттиради. Ироданинг хатти-ҳаракатларини бошқариш функцияси шахс учун ноҳуш, ноқулай, ёқимсиз хоҳиш-истак, ҳаракат ва интилишни чеклаш, тўхтатиш, тийиш кабилардан иборат бўлибгина қолмай, балки инсон шахсий фаоллигини муайян жабҳага, соҳага йўналтириш, ўз ҳаракатлари қувватини ошириш, барча нарсаларни умумий мақсадга мувофиқлаштиришдан иборатдир. Иродавий жараён ҳамиша шахсни фаолликка чорлайди, уни қатъий йўл белгилаш сари етаклайди, барқарор ҳаракат қилишга йўналтирилади, иккиланиш, шубҳаланишнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар, амалга оширилган интилиш, рўёбга чиқарилган эзгу ният шахсда ўзига ишонч туйғусини уйғотади, дадил амаллар қилишга йўналтирилади,

орзуларни ушатишга нисбатан фаол майлни шакллантиради. Инсоннинг эришган ютуғи, муваффақияти ҳар бир иродавий ҳаракат барқарорлигини таъминлайди, амаллар танлаш, қарор қабул қилиш, шахсий услубни таркиб топтиришни жадаллаштиради, янги иродавий ҳаракатларни амалга оширишни енгиллаштиради, ўзидаги иродавий сифатларнинг такомиллашувига пухта негиз ҳозирлайди, иродавий зўр беришни тақозо этувчи ҳаракатларни татбиқ қилиш кўникмаларини шакллантиради. Мазкур жараён ҳам англанилган, ҳам англанилмаган тарзда, мотивлар кураши орқали (кучсиз), иродавий зўр бериш, қийинчиликларни енгиш туфайли намоён бўлади.

Ирода учун иродавий хатти-ҳаракат мотивацияси муҳим аҳамият касб этади. Худди шу боис ироданинг негизини шахснинг хатти-ҳаракатлари ва ишларининг кенг кўламли, ранг-баранг хусусиятли мотивлаштирилишига омил(туртки) тариқасидаги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Психологияда мотивлаштиришнинг уч тури мавжудлиги таъкидланади (психологик ҳодисаларнинг бир-бири билан жипс боғланган, лекин ўзаро тўла мутаносиб бўлмаган, нисбий мустақил кўринишлари мотивлаштириш дейилади).

1. Шахснинг эҳтиёжларини кондириш билан шартланган, уни фаолиятга ундовчи (туртки) тарзда вужудга келувчи мотив сифатидаги мотивлаштиришдир. Мазкур ҳолатда мотивлаштириш фаоллик нима сабабдан вужудга келишини, шахсни фаолиятни амалга оширишга ундовчи эҳтиёжлар моҳиятини таҳлиллашга хизмат қилади.

2. Мотивлаштириш фаоллик нималарга йўналтирилганлигини, нега айнан шундай хулқ-атвор танланганлигини, нима учун бошқасига эътибор берилмаганлигини асослашга қаратилади. Бу ўринда мотивлар шахснинг хулқ-атвор йўналишини танлашни акс эттирувчи сабаблар функциясини бажаради. Буларнинг барчаси яхлит ҳолда келтирганида инсон шахсининг йўналишини вужудга келтиради.

3. Мотивлаштириш-бу инсон ахлоқи ва фаолиятини ўзи бошқарувчи восита тариқасида намоён бўлишидир. Ушбу воситалар таркибига эмоциялар, хоҳишлар, тилаклар, қизиқишлар, майллар ва бошқалар киради. Масалан, эмоцияда инсоний феъл-атворнинг шахсий акс эттириш моҳияти баҳоланади, бинобарин, унинг туб мақсади фаолият тузилишига мос тушмай қолса, у тақдирда ҳис-туйғулар унинг йўналишини ўзгартиради. Бунинг натижасида феъл-атвор қайта курилади, олдинги ҳаракатларни жадаллаштирувчи ёрдамчи кечинмалар ва бошқалар.

Шундай қилиб, иродавий ҳаракатда уни мотивлаштиришнинг учта жабҳаси (соҳаси), яъни фаоллик манбаи эканлиги, инсон шахсининг йўналганлиги, ўзини ўзи бошқариш воситасилиги акс этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ироданинг асоси мотивлаштиришга сабаб бўлувчи эҳтиёжлардан иборат эканлиги далиллаб ўтилади. Эҳтиёжлар эса иродавий ҳаракатлар бажарилишини таъминлайдиган ёки уларга тўсқинлик қиладиган мотивларга айлана боради. Иродавий ҳаракатларнинг мотивлари (сабаблари) муайян даражада англанган хусусият касб этади ва шахсни уларни амалга оширишга йўналтириб туради.

Психологияда эҳтиёжнинг англанганлиги даражасига асосланган ҳолда интилиш, истак кабиларни психологик жиҳатдан тафовут қилиш мумкин. Агарда уларнинг моҳиятини таъриф орқали ёритишга ҳаракат қилсак, у ҳолда ўзаро фарқини тезда аниқлаб олиш имкониятига эга бўламиз. Интилиш-етарли даражада англанмаган, фарқланиш, табақаланиш имконияти сушт эҳтиёждан ташкил топган фаолият мотивидан иборатдир. Масалан, шахс ёзган мақоласини босиб чиқаришга интилишни ҳаёдан ўтказиш чоғида нашриётни кўз ўнгига келтиради, муҳаррир билан учрашганда, суҳбатлашганда мамнуният туйғусини ҳис этади. Худди шу боис интилиш объекти билан такрор-такрор учрашувга рози бўлади ва ўз интилишини давом эттиришга қарор қиладди. Бироқ инсон баъзи ҳолларда унга ҳузур-ҳаловат бағиш этаётган мотив (сабаб) моҳиятини англамайди ҳам, чунки у қандай натижага эришиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумотга эга эмас. Бундан кўриниб турибдики, интилиш психологик жиҳатдан етарли даражада аниқликни ўзида мужассамлаштирмайди, айрим шубҳалар ҳукм суриш эҳтимоли мавжуд, ҳаракат унсурлари юзасидан тахмин етишмайди.

Истак-шахс томонидан эҳтиёжнинг етарли даражада англанганлиги билан тавсифланувчи фаолият мотивидир. Интилишдан фарқли ўлароқ истакда нафақат эҳтиёж объекти, балки уни қондиришнинг йўл-йўриқлари, воситалари ҳам инсон томонидан тушунилади. Масалан, олий мактаб ўқитувчиси ўқитиш самарадорлигини ошириш истагини билдириб, бу ҳолатни ижтимоий эҳтиёж сифатида тасаввур этиб, таълимнинг фаол методларини қўллаш ҳақида ўйлайди, ўз фаолиятини янгича ташкил қиладди, иқтидорли, бўш ўзлаштирувчи талабалар билан индивидуал ишлаш графигини ишлаб чиқади, қўлланмалар яратиш режасини тузади ва ҳоказо.

Инсон фаолиятининг мотивлари (мотивацияси) унинг яшаш шарт-шароитларини акс эттиради, шунингдек, шахс томонидан

намоён эттирилган эҳтиёжларини фаҳмлаш имкониятини вужудга келтиради. Эҳтиёжлар аҳамиятининг ўзгариши туфайли муайян психологик ҳолатларда мотивлар кураши пайдо бўлади, бунда бир истак бошқа истакка нисбан қарама- қарши қўйилади, бу ҳақида олдинги саҳифаларида мукамал мулоҳазалар юритилган.

қаршиликлар, қийинчиликлар, низоли вазиятларни енгиш учун иродавий зўр беришга тўғри келади. Иродавий зўр бериш тўғрисида мулоҳаза юритилган бўлса-да, лекин унга таъриф берилмаганлиги сабабли айрим аниқликлар киритиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Иродавий зўр бериш-ҳис-туйғулар (ҳиссиёт) шакли ҳисобланган шахснинг иродавий ҳаракатига (актига) қўшимча мотивларни вужудга келтирувчи, баъзида уларни барбод қилувчи, билиш жараёнларини сафарбар этувчи, муайян зўриқиш ҳолати сингари кечирилувчи мотивлар мажмуасидир.

Ироданинг индивидуал хусусиятлари ва феноменлари мавжуд бўлиб, инсон фаолиятининг мақсадга мувофиқ равишда амалга оширишни таъминлайди. Ирода шахс фаолиятининг ички қийинчиликларини енгишга қаратилган онгли тузилмадан иборат бўлиб, у ўзини ўзи бошқариш сифатида даставвал ўзига, ўз ҳиссиётига ва хатти-ҳаракатларига ҳукмронлик қилишда акс этувчи психологик ҳодисадир. Ироданинг кучи ёки кучсизлигини акс эттирувчи ҳолатлар унинг индивидуал хусусиятларини намоён қилади. Ана шу атамалардан келиб чиққан ҳолда иродаси кучли ва иродаси суст (кучсиз) одамлар ҳамда уларнинг ижобий ва салбий фазилятлари, сифатлари, ҳислатлари, иллатлари тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Иродаси сустликнинг патологияси мавжуд бўлиб, улар абулия (юнонча *abulia*-қатъиятсизлик деган маънони англатади) ва апраксия (юнонча *аррахia*-ҳаракатсизлик маъносини билдиради) атамалари билан ифодаланади. Абулия- бу мия патологияси негизида вужудга келадиган фаолиятга интилишнинг мавжуд эмаслиги, ҳаракат қилиш, уни амалга ошириш учун қарор қабул қилиш зарурлигини англаган тарзда шундай қила олмасликдан иборат инсон ожизлигидир. Масалан, шифокор кўрсатмаларига риоя қилиш зарурлигини тўғри фаҳмлаган абулия касали билан шикастланган бемор бирор нарсани бажаришга ўзини мутлақо йўллай олмайди. Апраксия-мия тузилишининг шикастланиши туфайли юзага келадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигининг мураккаб бузилишидан иборат психопатологик ҳолатдир. Нерв тўқималарининг бузилиши миянинг пешона қисмларида юз берса, у ҳолда хатти-ҳаракатларни эркин тўғрилашда бузилиш намоён бўлади, натижада ирода акти бажарилиши қийинлашади. Абулия ва апраксия-психикаси оғир касалланган инсонларга хос, нисбатан



ноёб, феноменал психопатологик ҳодисалардир. Лекин педагогик фаолиятда учрайдиган ироданинг сустлиги мия патологияси билан эмас, балки нотўғри тарбия маҳсули билан тавсифланади.

Ирода сустлигининг яққол (типик) кўринишларидан бири-бу ялқовлик ҳисобланиб, шахснинг қийинчиликларини енгишдан бош тортишга интилиши, иродавий куч-ғайрат кўрсатишни қатъий равишда истамаслигида ўзини акс эттирувчи иллатдир. Ялқовлик-шахс ожизлиги ва иродавий сустлигининг, унинг ҳаётга лаёқатсизлигининг, шахсий ва ижтимоий фаолиятга (ҳамкорликка) лоқайдлигининг ифодасидир. Ялқовлик-шахснинг руҳий қиёфаси бўлиб, узлуксиз тарбиявий таъсир ва ўзини ўзи тарбиялаш орқали бартараф этиш имконияти мавжуд руҳий нуқсондир.

### **3. Ирода назарияси ва тадқиқоти тўғрисида тушунча**

Ироданинг тадқиқоти узоқ тарихга эга бўлиб, инсон онгининг моҳиятини кашф қилиш жараёнидан бошлаб, муайян билимлар тўпланиши туфайли шахснинг иродаси табиатини тушунишга илмий ёндашув вужудга келган. XVII асрдаёқ Гоббс ва Спинозалар таъкидлаб ўтганларидек, фаоллик манбаи бемаҳсул соҳанинг пайдо бўлиши деб тушуниш мумкин эмас, чунки уни шахсий куч-қувватини ҳиссий интилиш билан узвийликда қарамоқлик лозим. Спинозанинг фикрича, ирода билан ақл айнан бир нарсадир. Унга бундай тасдиқий муносабатнинг туғилиши иродани илмий нуқтаи назардан тушунишни шакллантирган бўлса, иккинчи бир томондан у мустақил субстанция сифатида тан олинди ҳам. В. Вундтнинг мулоҳазасича, ироданинг негизида апперцепция актининг субъекти томонидан ички фаоллик уники эканлигини ҳис этиш ётади. Унинг бу концепцияси эмоционал ёки аффектив ном билан психология фанига кириб келди. У. Джемснинг тан олишича, иродавий ҳаракатлар бошқа руҳий жараёнларга қориштириб бўлмайдиган бирламчи хусусиятга эгадирлар. Ҳар қандай ғоя дастлаб динамик тенденцияга эга бўлганлиги туфайли иродавий актнинг вазифаси диққат ёрдами билан бир ғоянинг бошқаси устидан устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Психологияда етарли даражада қатъий фикр қарор топганким, ирода-бу инсоннинг кўйилган мақсадларига эришишга йўналтирилган онгли фаоллигидир. Ирода тушунчаси моҳиятига инсон томонидан мақсад кўя олиш қобилияти, ўз эмоциясини бошқариш, шахсий гавдасини ва хулқини идора қилиш киритилади. В. И. Селиванов иродани тадқиқ этиш негизидан келиб чиққан ҳолда айрим хулосалар чиқаради:

а) ирода- бу шахснинг ўз фаолиятини ва ташқи оламдаги ўзини ўзи бошқарилиш шакллари аниқлашнинг тавсифидир;

б) ирода-инсоннинг яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб, у онгнинг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир;

в) ирода-бу амалий онг, ўзгарувчи ва қайта қурилувчи олам, шахснинг ўзини онгли идора қилишлиқдир;

г) ирода-бу шахснинг хиссиёти ва ақл-заковати билан боғлиқ бўлган хусусиятидир, аммо қайсидир ҳаракатнинг мотиви (турткиси) ҳисобланмайди.

В. И. Селиванов ироданинг психологик жабҳаларини ёритаётиб, у шундай ғояни илгари суради, инсоннинг онгини жараёнлар, ҳолатлар, хислатларни ўзида мужассамлаштирувчи яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шахснинг у ёки бу онгли ҳаракати ўзининг тузилишига кўра, у бир даврнинг ўзида ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам иродавий ҳисобланади.

Тадқиқотчи В. А. Иванников эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади, шунингдек, ҳаракат маъносининг ўзгариши ҳисобига уни тормозловчи ёки кўшимча туртки яратувчи имконият, янги реал мотивларни ҳаракат билан бирлаштирувчи ёинки вазиятнинг тасаввур мотиви тариқасида талқин қилади. Иродавий бошқарилув эса ҳаракатни «ихтиёрий бошқарилув кўринишларининг биттаси сифатида» тушунилади, бунда бошқарилув мотивациянинг ихтиёрий ўзгариш орқали амалга оширилиши таъкидланилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, психология фанида иродани тушуниш, таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмаганидай, иродавий сифатларнинг маъновий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, умумий қарашлар мажмуаси мавжуд эмас. Жумладан, В. А. Крутецкий ўз асарида иродавий сифатлар таркибига собитқадамлик, мустақиллик, қатъиятлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, интизомлилиқ, дадиллик, жасоратлилиқ ва тиришқоқликни киритади.

П. М. Якобсон бўлса, ироданинг муҳим сифатларини мустақиллик, қатъиятлилиқ, тиришқоқлик, ўзини уддалашга ажратади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сарасига А. И. Шчербаков мана буларни киритади: собитқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилиқ, уринчоқлик ва тиришқоқлик, дадиллик ва қатъиятлилиқ, чидамлилиқ ва ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлик.

Лекин аксарият илмий психологик адабиётларда иродавий сифатлар қаторида «ишонч» атамаси санаб ўтилмайди. Шунга қарамасдан, ишонч ирода сифати тариқасида тадқиқ этилишига ҳақлидир. Бунинг учун А. И. Шчербаков тадқиқотидан намуна келтиришнинг ўзи етарлидир. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бир талабага институтни қисқа вақт (фурсат) ичида тугатиш таклиф

қилинган, лекин синалувчи бу ишни уддасидан чиқа олмасликни ошкора билдирган. Шундан сўнг экспериментатор талабада ўз кучига ишонч уйғотишга мақсад қилиб қўйган ва унда иродавий зўр бериш, қийинчиликларни енгиш воситаларини шакллантирган. Бунинг натижасида талаба ўз мақсадига эришишга мушарраф бўлган. Бунга ўхшаш тажрибалар бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам ўтказилганлиги илмий адабиётларда учрайди. Шунинг учун ҳам ўз кучига ишонч психологик ҳодиса сифатида ўрганилиши кўпчиликни қизиқтиради, чунки кучли иродавий зўр бериш қандай омиллар билан шартланганлигини кашф қилиш муҳим илмий муаммо ҳисобланади. Худди шу боис ҳозирги замон психологиясининг иродага оид назарияси заифлиги туфайли иродавий сифатларни таснифлашнинг асосий тамойили (принципи) ишлаб чиқилмагандир.

Ушбу психологик муаммони ҳал қилиш мақсадида В. К. Калинин иродавий сифатларни таснифлашга (классификациялашга) қарор қилади. Унинг нуқтаи назарича, базал иродавий сифатлар иродавий жараёнлар асосида вужудга келади, аммо бунда унинг интеллектуал ва ахлоқий жабҳалари иштирок этмайди. У базал сифатларни аниқлаш учун онгнинг қуйидагича намоён бўлишини танлайди:

- А) фаоллик даражасининг ортиши;
- Б) зарур бўлган фаоллик даражасини қувватлаш;
- В) фаоллик даражасининг пасайиши.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи қуйидаги сифатларни мулоҳаза учун тавсия қилади; ғайратлилиқ, чидамлилиқ, вазминлик. Агарда бу жараёнда интеллектуал негиз иштирок этмаса, шу нарсани тушуниб бўлмайди, қайси ҳал қилувчи қурилма ҳисобига вазият баҳоланади ва ҳаракатни кучайтириш, қувватлаш, пасайтириш тўғрисидаги команда берилади.

В. К. Калинин базалий тизимга кирмаган иродавий сифатларни иккиламчи деб номлайди, чунки уларда билимлар, кўникмалар, эмоция ва интеллектнинг пайдо бўлиши мужассамлашади. Муаллиф қатъиятликни иккиламчилар қаторига киритади, ваҳоланки унинг фикрича, у ўзига маҳлиё қиладиган ҳис-туйғуларни енгишдан, шунингдек, рад этилган вариантлардан, ишончсизликни тўсишдан ташкил топади. У тиришқоқликни ҳам иккиламчи сифатлар таркибига киритади,

Чунки уларда объектнинг тўпланганлиги ифодаси ўз аксини топган, равшан ҳаётий қадр-қиймат мужассамлашган.

Чидамлилиқ тавсифида «кўшимча импульслар», «кўшимча иродавий зўр бериш», «ирода кучи», «сабр-тоқат» жабҳалари ифодасининг ўрни мавжуд. Чидамлилиқка турткининг хусусиятлари тиришқоқлик иродавий сифатга мос тушиш ҳоллари учрайди. Е. П.

Ильиннинг ранг жадвалида тиришқоқлик сифати чидамлиликтан кейин жойлашган бўлиб, куйидаги таърифга эга: «Тиришқоқлик - қийинчиликка ва муваффақиятсизликка қарамасдан, мақсадга эришиш йўлида узлуксиз равишда интилишнинг пайдо бўлишидир». Тадқиқотчи Д. Н. Ушаковнинг мулоҳазасича, «чидам» тушунчаси куйидаги маъно англатиб келади:

- 1) аксил ҳаракат қилмасдан, шикоятсиз, ҳасратсиз ҳалокатли, мушкул, нохуш ҳолатларни дилдан кечиради;
- 2) аксил ҳаракат қилмасдан, ўзгаришларни кутган тарзда тақдир ҳазилига рози бўлиш;
- 3) бирор ҳолатга мубталолик;
- 4) нима биландир келишиш, бирор ортиқча кечинмага парво қилмасдан, оғирчиликни мурувваткорона ўтказиш;
- 5) имкон даражада амал қилишга кўникиш;
- 6) шошқалоқликка йўл қўймаслик;
- 7) пайсалга солишга, кутишга имконият яратиш;

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тиришқоқлик, қатъиятлик сифатлари билан бир қаторда чидамлилиқни иродавий хислатларнинг етакчиси тариқасида тан олиш, қийинчиликларга қарамасдан, ҳаракатни давом эттиришга интилиш тарзида тушуниш муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз. Лекин оғриққа чидаш, бардошликка мойиллик нуқтаи назардан ёндашинилганда эса ироданинг эркинлиги таъбири, иродавий соҳанинг пайдо бўлиши ва амалга ошиши моҳияти юзасидан методологик нуқсоний талқин юзага келиши мумкин.

Тиббиёт психологиясида маълумки, инсон томонидан оғриққа бардош бериш чидамлилиқ сифатининг вужудга келиши, кечиши жараёнининг ёрқин ифодасидир. Ҳаёт ва фаолият тажрибаларининг кўрсатишича, шахс оғриққа кўника олмайди, чунки бунинг негизида бошқа механизмлар ётиши турган гап. Физиологик меъёрларга биноан шахс оғриқни сезиш, идрок ва тасаввур қилишнинг мураккаб жисмоний қурилмасига эга. Шунга қарамасдан, оғриқни инсон ҳар хил ҳис қилиши, унга бардош бериши, сабр-тоқат билан бошидан кечириши мумкин, бунда индивидуал тафовут аниқ намоён бўлади. Диққатнинг оғриқ сезгиларига тўпланиши туфайли оғриқ зарби кучаяди-бу психофизиологик қонуниятдир. Худди шу боисдан одам оғриқ сезгиларига тобе бўлиб қолмаслиги лозим, акс ҳолда у бу нохуш кечинма, руҳий ҳолат таъсирида узоқ муддат қолиб кетиши кузатилади. Оғриқни бошдан кечириш жараёнида нафақат чидамлилиқ зарур, балки мушкул шароитларда фаоллик кўрсатиш кўникмаси, қийинчиликни енгиш одати муҳим аҳамият касб этади. Бундай хусусиятга эга бўлган инсонларда ўз ҳиссий аъзоларини, уларнинг ҳаракатларини идора қилиш уқуви мавжуддир, аксинча

нозик табиатли, ички интизомсиз, сабр-тоқати заиф, мўрт рухий кечинмали шахслар чидамсизлигини намоёниш қиладилар.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, то ҳозиргача психология фанида асосий, муҳим иродавий сифатларни таснифлашнинг умумбирлик тамойили мавжуд эмаслиги туфайли аксарият ҳолларда бир иродавий хислат қўшалок атама билан белгиланиши давом этиб келмоқда (масалан, мустақиллик ва ташаббускорлик, журъат ва дадиллик, тиришқоқлик ва қатъиятлик, вазминлик ва ўзини уддалаш кабилар).

Психологияда иродани экспериментал ўрганишга оид қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, уларнинг айримларидан намуналар келтириб ўтамиз. Кўпчилик тадқиқотчилар Е. И. Игнатъев қўлланган методикаси ва унинг натижаларига хайрихоҳлик билдирадилар. Лекин муаллифнинг ўзи уни баҳолашда жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади. Унинг мулоҳаза билдиришича, ушбу методика етарли даражада ишончли, иродада тормозлаш пайдо бўлишини тадқиқот қилишда қониқарли натижалар бериши мумкин, лекин ундан «тест» сифатида фойдаланиш кўнгилдагидек кўрсаткичларга олиб келмаслиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ушбу методиканинг моҳияти шундан иборатки, мускулнинг кучли қисқаришидан кейин ўзининг тинч ҳолатига қайтишдаги қаршиликларини енгил хусусиятини тажрибада текширишдир. Худди шу вазиятда иродавий зўриқишни бартараф этиш намоён бўлади. Муаллифнинг таъкидлашича, зўриқишдаги мускулларнинг қисқаришини бир лаҳза тўхтатиб қолиш ироданинг шартли кўрсаткичи тариқасида қабул қилиш мумкин, чунки мазкур жараёнда инсон ўз тана аъзолари мускулини онгли бошқариш уқуви акс этади. Е. И. Игнатъев тадқиқотида максимал қисилишдан кейин иродавий зўриқишни (зўр беришни) 5кг ортиқ бўлмаган оғирликда пасайтиришга йўл берилади, унинг тахминича, бу катталиқ (оғирлик) зўриқиш кучини камайтирмайди ва зўр беришни вақтинча тўхтатиб қолишга таъсирини ўтказмайди. Тадқиқотчи материалларини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, мускул зўр бериши 9-17 ёшдаги синалувчиларда 14 кгдан 40 кггача оғирликни ташкил қилади, зўр беришнинг 5кг камайиш доираси максимал ҳолатга нисбатан 35,7 процентдан то 12, 5 процент миқдорларда мужассамлашади.

Ирода сифатларини тадқиқот қилишга интилган В. И. Макарова тест ўрнида гимнастик столдан матга (голландча, инглизча «mat»-полга ёзиладиган матога) сакрашни танлаган, чунончи: олдинги 180 ° айланиш билан олд томонга, орқага. Тажриба давомида томир уриши, тайёргарлик вақти, мимика, гавда ҳолат, бармоқларни букиш қайд қилиб берилган.

Шундай қилиб, иродавий сифатларни аниқлаш ва баҳолаш методлари ўзларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Тадқиқотчилар ўз фаолиятларида ҳаракатларнинг одатий ва қийинлаштирилган шароитлардаги хусусиятлари, уларнинг маҳсулдорлиги каби ҳодисаларни қайд қилиш имкониятига эга бўлганлар Тўпланган маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ирода мотивларда, мақсадларда, ўзини ўзи баҳолашда, ҳаракатларда, фаолиятда ўз ифодасини топар экан. Худди шу боис ирода- бу ташқи ва ички қийинчиликларни енгишни талаб қиладиган қилиқларни ва ҳаракатларни инсон томонидан онгли бошқаришдир.

#### **4. Ироданинг физиологик асослари ва сифатлари тўғрисида тушунча**

Ирода – одамнинг ўз устидан, ўз ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатлари устидан ҳукмронлик қилишидир, бошқача айтганда, ирода – инсоннинг ўз хулқ-атворини онгли равишда бошқара олиши, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ўз олдига қўйган мақсадига эриша олиш қобилиятидир. Шахснинг ички тўсиқларни бартараф қила билиши унинг ташқи тўсиқларни ҳам муваффақиятли енгишига имконият яратади. Масалан, хизматчи югуриш мусобақаларида қатнашиб, маълум масофага югуриши, йўлда учрайдиган сув ёки бошқа ғовлардан ўтиши, ёмон аҳволдаги йўлакдан югуриши лозим. қийинчиликларни муваффақиятли енгиб, хизматчи мазкур қийинчиликларни бартараф этиш учун зарурий иродавий сифатларни ўзида мужассамлаштиришга муваффақ бўлади. Шу боис иродавий ҳаракатлар – шахснинг кўзлаган мақсадига эришиш учун ҳам ички, ҳам ташқи тўсиқларни енгиши билан узвий боғлиқ онгли хатти-ҳаракатлардир.

Инсоннинг иродавий ҳаракатлари ва бундай ҳаракатларга қобиллиги меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятда, таълим жараёнида юзага келган. Ижтимоий турмуш шароитлари, тобора ўсиб боровчи турли хусусиятли эҳтиёжлар одамлардан бу эҳтиёжларни қондириш мақсадида борлиқни ўрганиш, ўзлаштириш ва уни қайта куришга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни тақозо этган. Ҳамкорликдаги жамоавий меҳнатда одамда нерв системаси, хусусан унинг юксак қисми – бош мия ривожланиб, такомиллашиб боради, шу боис шахснинг психик ҳаёти миянинг маҳсули ёки хоссасидир, шунинг учун мия фаолиятининг бузилиши туфайли психикада ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бош мия пўстлоғидаги барча бўлинмаларнинг ўзаро мутаносиб ишлаши шахснинг меъёридаги руҳий фаолиятини таъминлаб туради.

Илмий натижалар таҳлилининг кўрсатишича, ирода фақат ташқи хатти-ҳаракатларда намоён бўлиб қолмасдан, балки

инсоннинг ортиқча, нотўғри ҳаракатларни қилмаслигида ҳам яққол кўзга ташланади. Шундай қилиб, иродавий ҳаракатлар ҳам кўзғалиш, ҳам тормозланиш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар иккаласи бир-бирига узлуксиз равишда таъсир ўтказиб туради. И.П.Павловнинг табирича, биз, нормал кишилар доимий равишда маълум ҳаракат ва сўзлардан ўзимизни тийиб турамиз-ку, бу эса катта ярим шарларнинг муайян пунктларига тормозланиш импульслари юбориш эмасми, ахир.

Шунинг учун ҳар қандай иродавий ҳаракатнинг физиологик асосида бош мия пўстлоғида кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мураккаб динамик муносабати ётади. кўзғалиш жараёнлари заиф, кучсиз бўлса, у ҳолда одамда иродавий фаоллик сусаяди, баъзан, ҳатто апатия ҳолати вужудга келади. Тормозланиш жараёнларининг кучсизланиши шундай руҳий ҳолатга олиб келадики, бунда шахс ўзини ўзи назорат қилиш, оғирликларга бардош бериш, ўзини тута билиш, ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қурби етмай қолади. Демак, тана аъзолари (организм) фаолиятини ва унинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасининг тартибга солувчи, идора қилувчи катта ярим шарлар пўстлоғининг соғлом ҳолати ва меъёردа ишлаши инсонга ўзини, ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқариш хусусияти фақат инсон зотигагина хосдир.

Маълумки, одамлар ҳайвонлардан қанчалик кўп узоқлаша борсалар, уларнинг табиатга таъсир қилишлари шунча кўп олдиндан ўйлаш, режали, олдиндан белгиланган, маълум мақсадга қаратилган иш тусига кира боради. Шунинг учун жамоа бўлиб меҳнат қилиш жараёнида одамларда мақсадни англаш ва ўз олдига мақсад қўйиш, ишни бажаришдан олдин режа тузиб олиш, ишга фаол равишда киришиш ва кераксиз хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликларни енгиш, ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқариш қобилияти, уқуви, зехни ўса боради. Борлиқдаги ташқи таъсирлар атроф-муҳитнинг таъсир кўрсатиши туфайли одамларда иродавий сифатлар такомиллашади, демакки ирода таркиб топади. Буюк алломаларнинг фикрича, ташқи дунё кишиларда пайдо қиладиган таассуротлар унинг миясида ифодаланади, унда ҳис-туйғу, фикр, майл, иродавий ҳаракатлар ёки “идеал интилишлар” тарзида акс этади. Яна бир донишманднинг мулоҳазасича, кишининг интилиш ва хоҳишлари, ўз олдига қўйган мақсадлари объектив дунё томонидан вужудга келтирилган.

Иродавий ҳаракатлар инсон яшаб турган ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, турмуш тарзи билан белгиланади. Жамиятда ижтимоий муносабатларнинг, шахслараро муомаланинг ўзгариши билан шахснинг ўз олдига қўядиган мақсадлари ҳам, одамни

фаолиятга ундовчи мотивлар ҳам ўзгаради. Мамлакатимизнинг фуқароларининг иродаси келажаги буюк давлат қуришга қаратилгандир. Республикамиз ёшлари ҳуқуқий демократик, кучли фуқаровий жамият, мустақилликни мустаҳкамлаш ғоялари билан боғлиқ бўлган аниқ, ҳам истиқбол мақсадларга эга. Фуқаролар ўз олдларига мақсадлар қўяр эканлар, бу мақсадларни қандай йўл ва воситалар билан амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида ҳам ўйлаб қўрадилар, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг маъқул, оқилона, одилона, омилкор усуллари улар томонидан танлаб олинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ирода билимлар, ҳис-туйғулар, тафаккур каби психологик категориялар билан узвий алоқада, ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиши туфайли ижтимоий ҳаётда, инсоннинг индивидуал турмушида шакллана боради ва такомиллашади.

Психологияда ирода сифатлари қаторига мақсадга интилиш, ўзини тута билиш, чидамлилик, сабр-тоқат, қатъийлик, ботирлик, интизомлилик, саботлилик, мустақиллик, мардлик ва бошқалар киритилади.

Мақсадга интилиш – шахснинг ўзидаги барча куч-қувватларини олдига қўйган мақсадига қаратиш, ўз хатти-ҳаракатларини кўзлаган мақсадига эришиш вазифасига бўйсундириш, ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларга қарамай мақсадни амалга ошириш учун интилиш қобилиятидир.

Ўзини тута билиш – одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, ҳулқ-атвори кабиларни бошқара билишда акс этувчи ирода сифатидир.

Чидамлилик – мақсадга эришишда одамнинг кўпинча совуқ ва иссиққа ҳам, очлик-ташналикка ҳам, бетоблик ва бошқа шу сингари қийинчиликларга қарамай, барча тўсиқларни енгиб, ўз мақсадини рўёбга чиқаришга интилишда акс этувчи ижобий сифатдир.

қатъийлик - шахснинг вазиятни тезда баҳолаб, ўз вақтида асосли, ўйланган ва мустаҳкам қарор қабул қилиши, ҳеч қандай иккиланишсиз уни бажаришга киришишидан иборат фазилатидир.

Ботирлик – одам соғлиғи ёки ҳаёти учун хавфли ва мураккаб шароитда ҳам бирон қарорга келиши ва уни бажаришнинг уددасидан чиқа билиш хислатидир.

Интизомлилик – жамият қонунларига, ахлоқ нормалари ва қоидаларига, миллий (умумбашарий) урф-одатларига, ихтиёрий ҳамда онгли равишда бўйсунушда ифодаланувчи инсон сифатидир.

Саботлилик – шахснинг қабул қилган қарорини бажариш ва ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун, кўп вақт ҳамда муайян қийинчиликларни енгиш талаб этилишига қарамай, оғишмай интилишида гавдаланувчи ирода белгисидир.



Мустаққиллик – инсоннинг ўзича бирор қарорга келиши ва уни амалга оширишидан, қарорни амалиётга татбиқ этишнинг усул ва йўллари ўзи мустақил танлашидан, ҳар бир ишда ўзининг билимлари, дунёқараши ва эътиқодларига амал (риоя) қилишидан иборат ирода сифатидир.

Мардлик – олий мақсадларни кўзлаб иш кўрувчи, ўз олдига қўйган мақсадига эришишда қатъийлик, вазминлик, сабр-матонат, чидамлилик, бардошлилик, мустаққиллик ва дадиллик кўрсатувчи хислатлар мажмуасидир.

Одамларда иродани ўстириш учун қуйидаги иш-амалларни режалаштириш мақсадга мувофиқ:

- 1) аниқ ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадларни кўзлашга ўргатиш ёки машқлантириш;
- 2) илмий дунёқараш, барқарор эътиқод ва бурч ҳиссини шакллантириш;
- 3) мақсадга интилиш ва истакни рўёбга чиқариш машғулотларини ўтказиш;
- 4) ўз кучига ишонч туйғусини таркиб топтириш учун тренинглар ва соцтренингларни қўллаш;
- 5) ички ва ташқи тўсиқларни енгишни машқ қилиш, иродани турли вазиятларда ишга солиш;
- 6) ўз фаолияти маҳсулига ва хулқ-атворига баҳо бериш билан шуғуллантириш;
- 7) спорт билан шуғулланиш ва жисмоний чиниқтириш;
- 8) кун тартиби бўйича барча ҳаракатларни амалга ошириш.

## **5. Шахс иродасини ўрганиш тести**

Ижтимоий-руҳий эҳтиёжга асосланган ҳолда мамлакатимиз ёшларини комил инсон қилиб камол топтириш учун уларни ўзини ўзи уддалашга ўргатишдан иш бошламоқ зарур. Шахснинг ўз фаолиятини ва хулқ-атворини шахсий хоҳиш иродасига бўйсундириш, рўёбга чиқариш мустақил фикрлашни барқарорлаштиради, кўзланган мақсадни амалга оширишга пухта замин ҳозирлайди, ҳар хил хусусиятли қийинчиликлар олдида матонат, сабр-тоқат туйғуларини намоиш этишга чорлайди. Бунинг натижасида мустаҳкам иродали, принципал, қатъиятли, узоқни кўзловчи, теран фикрловчи, ақл-заковатли, ватан туйғуси билан ёнувчи ҳақиқий миллий ватанпарвар ёшларни ижтимоий ҳаётида, таълим-тарбия жараёнида шакллантиради. Инсонга туғилишдан бериладиган табиий майллардан, ақлий ва ахлоқий имкониятлардан унумли фойдаланмасдан туриб, юксак маънавиятли, фаросатли, ижодий изланувчан шахсларни вояга етказиб бўлмайди. Худди шу

боисдан, инсоннинг болалигидан тортиб то ижтимоийлашувига қадар давр оралиғида ўзини ўзи бошқариш усуллари, воситалари билан таништириш қатъиятлиликини вужудга келтиради.

Одатда ирода инсон томонидан ўз хулқи ва фаолиятини онгли равишда бошқариш сифатида баҳоланади, мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракат ва хулқ-атворнинг амалга ошишида ташқи, ички қийинчиликларни енгиб ўтиш тариқасида таърифланади.

Ёшларнинг иродаси, энг аввало шахснинг ижтимоий фаоллигида, меҳнат фаолиятида, ижтимоий тажрибасида ва таълим жараёнида намоён бўлади.

Мазкур фаолликдан унинг мазмунини ва шаклан тузилишини фарқлаш мутлақо зарур. Шахс фаоллигининг мазмундор томонининг ижтимоий хислатларида ўз ифодасини топади, чунки бунда ижтимоий кўрсатма (аттитюд), эътиқодлар, маънавий ҳис-туйғулар, қизиқишлар доминантлик хусусиятини касб этади. Шахс фаоллигининг шакли фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи руҳий жараёнлар, ички, ташқи ва англашилган иродавий хатти-ҳаракат, интилиш намоён бўлиши орқали аниқланади. Шахс учун қийин шароитларда ўзини ўзи онгли равишда бошқара олиш имконияти иродавий зўр беришнинг ёрдами билан юзага келади ва белгиланган муайян аниқ мақсад, режа ҳамда уни рўёбга чиқарувчи хатти-ҳаракатлар уларнинг ижросига йўналтирилади.

Баркамол авлод шахсининг психологик хусусиятлари марказий ролини мотивация доираси бажаради ва у эҳтиёжлар, қизиқишлар, эътиқодлар ва маънавий ҳис-туйғуларда ўз аксини топади. Шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятида, шунингдек, ижтимоий тарбиясига аста-секин устувор ва барқарор мотивлар вужудга кела бошлайди, улар инсон ижтимоий шартланган йўналганлиги ва ҳаётий позициясини қатъий белгилаш учун хизмат қилади.

Аксарият ҳолларда инсон шахсининг ижтимоий шартланган хусусиятлари унинг иродавий фаоллиги йўналишини гавдалантиради. Ижтимоий йўналганлик шахснинг мотивацион-иродавий хислати ҳисобланмиш собитқадамликда ўз ифодасини топади. Инсон шахсининг иродавий жараёнлари, ҳолатлари, хислатлари фаолиятнинг мотивлари ва мақсадини амалга оширишнинг ўзига хос усули сифатида юзага келади.

Ақлий фаолиятда иродавий жараёнлар иродавий хатти-ҳаракатлар кечишининг айнан ичида, яъни мақсад белгилашдан тортиб то унинг бажарилишигача оралиқда кўзга ташланади. Онгли хулқ-атворда, ихтиёрий диққатда, эслаб қолишда, эсга туширишда, тафаккурда, ҳаёлда ифодаланади, мураккаб муаммоларни ечиш, иродавий зўр беришни сафарбар этиш учун мутлақо зарур, чунки бусиз меҳнат ва ўқув фаолиятида ҳеч қандай натижага эришиш

мумкин эмас. Уларнинг ўзаро уйғунлашуви самаралар келтириш мажмуаси сифатида иккиёқлама хусусият касб этади.

Меҳнат фаолиятидаги ва таълим жараёнидаги иродавий ҳолатлар-бу вужудга келган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этишнинг усуллари, инсон шахсининг омилкор, оқил ички шароитларининг муваққат руҳий ҳодисасидир. Уларнинг қаторига бир талай ҳаётий шарт-шароитлар таъсири остида вужудга келувчи оптимизм ва умумий фаоллик, қизиқувчанлик, мотивацион, мобилизацион тайёргарлик, қатъиятлилиқ хусусиятлари киради.

Меҳнат ва стресс-эмоционал зўриқишнинг кескин ҳолати кўриниши, шакли ҳисобланиб, ташқи ва ички муҳитнинг нохуш омилларини шахсга фавқулудда таъсир этиш натижасида вужудга келади. Таълимий ҳамкорлик (ўқитувчи билан талаба ҳамда талабаларнинг ўзаро) фаолиятидаги фрустрация-билиш фаолиятини ташкиллаштиришнинг тубдан тескари томонга йўналтирувчи руҳий ҳолатдир. Шахс узлуксиз пайдо бўлувчи ва бартараф қилиш қийин тўсиқларнинг таъсири остида руҳан тушкунлик, ўзини йўқотиб қўйиш, кўпинча экспериментга, вазиятга нисбатан агрессив (тажовус) реакциялар (жавоб хатти-ҳаракатлари) юзага келиши кузатилади.

Инсон шахсининг иродавий хислатлари- бу, меҳнат фаолиятидаги, таълим жараёнидаги муваққат руҳий ҳолат эмас, балки аксинча мазкур вазиятга ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган одам турғун, барқарор руҳий тузилмасидир. Унинг иродавий сифатларига собитқадамлик, ташаббускорлик, қатъиятлилиқ, мустақиллик, ташкиллашганлик, ишбилармонлик, ўзини қўлга олиш, жасурлик, чидамлилиқ ва бошқалар киради. Шахс иродасининг бўшлиғи, заифлиғи қайсарлик, саботсизлик, ялқовлик, кўрқоқлик, принципсизлик, беташаббуслик, эринчоқлик, лоқайдлик сингари тушунчалар орқали тавсифланади.

Билимларни ва меҳнат кўникмаларини эгаллашдаги собитқадамлик-бош иродавий сифат ҳисобланиб, у иродавий бошқа кўринишларнинг тараққиёт даражасини ва йўналишини аниқловчи асосий омил бўлиб саналади. Мустақил ва келажаги буюк давлат идеалларига содиқлик, Ватан олдидаги бурчнинг юксак даражада англаши, жамоатчилиқ ҳисси, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиш истаги ва буларнинг барчаси ўзбек халқига хос бўлган собитқадамлилиқ намунасидир.

Таълим-тарбия жараёнидаги ва меҳнат фаолиятидаги ташаббускорлик-шахс ўз хоҳиш иродасига биноан зарур хатти-ҳаракатларни амалга ошириш уқувидир. Мустақил билим олиш ва фикрлашдаги меҳнат фаолиятидаги қатъиятлилиқ- шахс томонидан жиддий ва пухта мулоҳаза юритиб қарор қабул қилиш, уни изчил

равишда ҳаётга татбиқ этиш хислатидир. Тиришқоқлик - шахс кийинчиликларни енгилш учун курашишда куч-қувватини асло пасайтирмасдан, узлуксиз ва узок муддат мақсадга эришиш учун интилиш кўникмасидир.

Муаммоларни ечиш чоғида чидамлилики-шахс томонидан қабул қилинган қарорни амалга оширишга ҳалал берувчи фикрни, ҳиссиёт ва хатти-ҳаракатни тизгинловчи (тормозловчи) инсон укувчанлигидир. Ташкилланганлик-ўз ҳаракати ва хулқини режалаштириш, хусусан уни ижро этишда шахсни режага асосланиш малакасиدير. Матонатлилики-қўйилган мақсадни муқаддас ҳис этган ҳолда ўзини оқлайдиган хавф-хатарга қўл уриш, кўрқинчга нисбатан юзма-юз тура олиш фазилатидир.

Ишбилармонлик-ҳар қандай ўйланилган ишни кийинчиликлар ва қаршиликлардан қатъи назар омилкор йўллар қўллаш туфайли охирига етказиш хислатидир. Мустақиллик- ўз эътиқодига қатъий ишонч, шахсий куч-қувватига ишониш, бошқаларнинг ёрдамига муҳтожлик сезмаслик малакасиدير. Шахснинг хулқ-атворида, меҳнат ва ўқув фаолиятида, агарда ишлаб чиқариш ва таълимий машғулотлар оқилона, ҳаққоний равишда, тўғри уюштирилса, унчали муҳим бўлмаган иродавий сифатлар ҳам пайдо бўлиши мумкин, чунончи интизомлилики, ўзини қўлга олишлики ва ҳоказо.

Ушбу руҳий ҳолатни аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган тестдан фойдаланиш мумкин. Тавсия қилинаётган фикрларга шахс «Ҳа» ёки «Йўқ» деган жавоб қайтариш керак.

1. Ҳаётдаги муваффақият тасодифларига кўра олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга кўпроқ боғлиқ бўлади деб ўйлайман.

2. Агар ўзимнинг сеvimли машғулотларимдан айрилсам, унда мен учун ҳаётнинг мазмуни йўқолади.

3. Мен учун ҳар қандай ишнинг оқибати, натижасидан кўра, унинг бажарилиш жараёни муҳим.

4. Мен одамларнинг ўз яқинлари билан бўлган муносабатларининг яхши эмаслигидан кўра, ишдаги муваффақиятсизликдан кўпроқ қайғурадилар деб ҳисоблайман.

5. Менинг фикримча, кўпчилик одамлар яқин келажакка мўлжалланган мақсад билан эмас, балки узокқа мўлжалланган мақсад билан яшайдилар.

6. Агар имконият бўлса-да, лекин ҳеч ким сезмаслигига ишончим комил бўлса ҳам ножўя ҳаракат қила олмайман.

7. Менинг ҳаётимда муваффақиятсизликлардан кўра муваффақиятли кунлар кўп бўлган.

8. Менга амалий, ишчан, ишбилармон одамлардан кўра ҳис-туйғули, кўнгилчан инсон кўпроқ ёқади.

9. Ҳатто оддий ишда ҳам мен унинг баъзи элементларини такомиллаштиришга ҳаракат қиламан.

10. Муваффақиятга эришиш ҳақидаги фикрларга берилиб кетган вақтларимда эҳтиёткорлик чораларини унутиб қўйишим мумкин.

11. Ёшлигимда ота-онам мени дангаса деб ҳисоблар эди.

12. Мен ўзимнинг муваффақиятсизликларимга шароит эмас, балки кўпроқ ўзимни айбдор деб ҳисоблайман.

13. Ота-онам мени қаттиқ назорат қилишган.

14. Менда қобилиятга нисбатан сабр-тоқат кучли.

15. Ўз мақсадларимдан қайтишга муваффақиятга эриша олмаслигим ҳақидаги фикр эмас, балки дангасалик сабаб бўлади.

16. Мен ўзимни ўзимга ишонган одамман деб ҳисоблайман.

17. Муваффақиятга эришиш учун гарчи имкониятлар менинг фойдамга бўлмаса ҳам таваккал қилишим мумкин.

18. Мен тиришқоқ одам эмасман.

19. Ҳамма ишлар текис (меъёрида) кетаётган бўлса, унда менинг ғайратим янада ошади.

20. Агар мен газетада ишлаганимда эди, унда турли воқеалар ҳақида ёзишдан кўра, кўпроқ одамлар яратган янгиликларни ёзган бўлар эдим.

21. Менинг яқинларим одатда шахсий режаларим билан ҳамфикр бўлмайдилар.

22. Мендаги ҳаётга нисбатан бўлган талабларимнинг даражаси ўртоқларимнинг шундай талабларидан пастроқ.

23. Мен ўз мақсадларимга эришиш йўлида қатъийман.

Тест калити. «Ҳа»-1, 2, 6, 7, 8, 9, 15, 17, 19, 20, 22, 23. «Йўқ»-3, 4, 5, 10, 11, 12, 13, 14, 16, 18, 21.

Натижаларнинг миқдорий таҳлили. Баллар йиғиндиси 0-9 дан паст бўлганда-Сизнинг фаолиятингизда муваффақиятга эҳтиёж яққол кўринмайди. 10-13 баллгача: Сизда муваффақиятга интилиш бор, лекин ҳаётда фаолиятингизни ташкил қилишда ҳар доим ҳам муваффақиятга эҳтиёж сезавермайсиз. 14-23 баллгача: Сизнинг фаолиятингизда муваффақиятга эҳтиёж юқори даражада, ҳар доим муваффақият бўлишига ишонасиз, қатъийсиз у ёки бу даражада мураккаб, лекин бажарилиши мумкин ишларни қилишни ёқтирасиз. 0-9 паст, 10-13 ўртача, 14-23 юқори.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Ирода тўғрисида умумий тушунча
2. Ирода актининг тузилиши
3. Ирода назариялари талқини
4. Ирода хислатларини шакллантириш хусусиятлари

5. Ирода патологияси, уни коррекциялаш  
**РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Ирода психологик категория сифатида.
2. Иродавий акт тузилиши ҳақида мулоҳазалар.
3. Иродани мустаҳкамлаш ва шакллантириш имкониятлари.
4. Шахс камолотида ироданинг роли.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Божович Л.И. Сознательно управлять своим поведением. Журн. Семья и школа, 1981, № 4.
2. Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции. –М.: МГУ, 1991.
3. Калинин В.К. Изучение волевой активности школьников.-Вопр. психол., 1980, № 2.
4. Ковалев А.Г. Самовоспитание школьников. –М.: 1967.
5. Миллер Дж., Галантер Е., Прибрам К. План и структура поведения. –М.: 1965.
6. Муздўбаев К. Психология ответственности.-Л.: 1983.
7. Ойгензихт В.А. Воля и воля изъвление. Душанбе. 1983.
8. Пуни А. Ц. Психологические основы волевой подготовке в спорте.-Л.: 1977.
9. Селиванов В.И. Воля и ее воспитание. –М.: 1976.
10. Столин В.В. Самосознание личности. –М.: 1983.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**  
**ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**IX БОБ**

**ТЕМПЕРАМЕНТ**

**1. Темпераментнинг психологик тавсифи**

*Темперамент тўғрисида умумий тушунча*

Инсоннинг руҳий олами бетўхтов ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бири иккинчисини бевосита тақозо этади ва улар узлуксиз занжир тизимида ўхшаш тарзда ҳукм суради. Худди шу боис шахс руҳиятида ташқи атроф-муҳит тўғрисидаги таассуротлар, ўтмиш хотиралари, келажак юзасидан ижодий ҳаёллар, эзгу ниятлар, хоҳиш истаклар, мақсад ва тилаклар, мулоҳаза, фикр ва муаммо, ҳиссий кечинмалар, иродавий сифатлар узлуксиз тарзда ўзаро ўрин алмаштириб туриши эвазига онтогенетик дунёга мустаҳкам негиз ҳозирланади. Руҳий олам кечиши, унинг суръати, мазмуни, шакли

кўлами, хусусияти, хислати, сифати, механизми алоҳида, яккаҳол инсонда ранг-баранг тарзда намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, инсонлар табиат ҳодисаларига, омилларига, таъсир кучларига тез ёки секин, енгил ёки мушкулот билан жавоб қайтаришга мойиллик кўрсатадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, психик фаолиятнинг динамикаси нафақат темпераментга, балки мотивларга, психик ҳолатларга, ҳис-туйғуларга ҳам бевосита боғлиқдир. Мисол учун, инсон ўзи темпераментнинг қайси типига тааллуқли бўлишидан қатъи назар, ўз фаолиятига лаёқатли, майли кучли, интилиши қатъий, қизиқувчан бўлса, уни ташкиллаштиришда ва назардан қолишда уюшқоқлик, ҳаракат суръати эса тезкор амалга ошади, унга лоқайд муносабатни билдирса, иш суръати секин ва суस्त кечади. Ҳар қандай вазиятга қарамасдан, шахснинг қариндош-уруғлари тўғрисидаги, шунингдек, жаҳонда кечаётган нохуш хабарлар унинг аъзойи баданини ларзага келтиради, лаби қурийди, ранги бўзаради, атроф-муҳитга нисбатан мўлжалини йўқотади. Психологияда темпераментга тааллуқли индивидуал динамик хусусиятлар билан мотивлар ва психологик ҳолатлар, ҳиссий кечинмаларнинг динамик хусусиятлари ўртасида муайян даражада тафовут мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Улар орасидаги фарқларни ажратиб кўрсатиш мақсадида қўшимча белгилар киритилади ва ўзига хос тарзда тавсифлаб берилади. Уларнинг айримларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

1. Фавқулодда темпераментнинг бир хил хусусиятлари, мотив, психик ҳолат ва ҳодисалардан фарқли ўлароқ, айнан шу шахснинг ўзида, унинг турли фаолиятларида, хатти-ҳаракатларида, муомаласида ифодаланади.

2. Темперамент хусусиятлари табиий шартланганлик омилига тааллуқли бўлганлиги туфайли инсон ҳаёти ва фаолиятининг (умрининг) бутун давомида ёки унинг муайян бир бўлагидан (таъсирга берилувчанлиги сабаблигидан қатъи назар) барқарор, ўзгармас ва мустаҳкамдир.

3. Яккаҳол шахсга дахлдор темпераментнинг турли хусусиятлари ўзаро бир-бири билан ғайриқонуний равишда бирлашган бўлмасдан, балки улар ўзаро бир-бири билан муайян қонуният асосида мужассамлашиб, худди шу хусусиятлар унинг типларини тавсифловчи ўзига хос тизилмани вужудга келтиради.

4. Психология фанида темперамент хусусиятлари деганда, алоҳида бир шахснинг психик фаолияти динамикасини белгиловчи психиканинг барқарор, ўзгармас индивидуал-типологик хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Мазкур хусусиятлар турли шакл ва мазмунга эга эга бўлган мотивларда, психик ҳолатларда,

мақсадларда, фаолиятларда нисбатан ўзгармовчи, темперамент типини тасвирловчи тузилмани ташкил қилади.

5. Психология фанинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврида темпераментга нисбатан билдирилган мулоҳазалар, унинг моддий асоси тўғрисидаги талқинлар хилма-хил бўлиб, шахснинг психологик хусусиятларини ўзига хос тарзда тушунтириш учун хизмат қилиб келган. Темперамент латинча “*temperamentum*» деган сўздан олинган бўлиб, бунинг маъноси «аралашма» деган тушунчани англатади. Темперамент тўғрисидаги дастлабки таълимотни юнон олими Гиппократ (эрамиздан олдинги 460-356 йилларда яшаган) яратган бўлиб, унинг типологияси то ҳозирги давргача қўлланилиб келинмоқда.

Темпераментнинг физиологик асослари тўғрисида тушунча қадимги юнон олими Гиппократ таълимотига биноан, инсонларнинг темперамент хусусиятлари жиҳатидан ўзаро бири-бирдан тафовутланиши, уларнинг тана аъзоларидаги суюқликларнинг (хилтларнинг) турлича нисбатда жойлашувига боғлиқ эканлиги тасаввур қилинади. Гиппократ таъбирича, инсон танасида тўрт хил суюқлик (хилт) мавжуд бўлиб, улар ўт ёки сафро (юнонча *chole*), қон (латинча *sanguis* ёки *sanguinis*), қора ўт (юнонча *melas* «қора», *chole* «ўт»), балғам (юнонча «*phlegma*») кабилардан иборатдир. Унинг мулоҳасича; 1) ўтнинг хусусияти-куруқликдир, унинг вазифаси-тана аъзоларида куруқликни сақлаб туриш ёки баданни куриқ тутишдир; 2) қоннинг хусусияти- иссиқликдир, унинг вазифаси танани иситиб туришдир; 3) қора ўтнинг хусусияти- намликдир, унинг вазифаси-бадан намлигини сақлаб туришдир; 4) балғамнинг (шилимшиқ модданинг) хусусияти-совуқликдир, унинг вазифаси-баданни совутиб туришдан иборатдир. Гиппократ таълимотига мувофиқ, ҳар бир инсонда шу тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, унинг биттаси устуворлик касб этади. Мазкур аралашма (латинча *temperamentum*) лардан қайси бири салмоқлироқ бўлса, шунга қараб инсонлар темперамент жиҳатдан фарқланадилар, чунончи, холерикда сариқ ўт, сангвиникда қон, меланхоликда қора ўт, флегматикда балғам (шилимшиқ модда) устун бўлиши таъкидланади.

Гиппократнинг тўрт хил моддалар (суюқликлар) аралашмаси, яъни темперамент тушунчаси ва унинг типологияси (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик) рамзий маънода ҳозирги замон психологиясида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Темпераментнинг илмий психологик асослари ва унинг физиологик механизмлари кейинги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг босқичларида яратилади ҳамда бу борада изланишлар давом эттирилмоқда. Темпераментнинг физиологик асосларига



улкан ўз ҳиссини қўшган олимлардан бири рус физиологи И. П. Павлов (18-1936) ҳисобланади.

И. П. Павлов ҳайвонларнинг олий нерв фаолиятини тадқиқ қилаётганида итларда шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши, кечиши, давом этиши хусусиятлари инсонларникидан фарқ қилиш ва бу ҳодиса темпераментда ҳам учраши мумкинлигини кашф этади. И. П. Павлов темперамент ҳам шартли рефлексор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган хулоса чиқаради. И. П. Павлов таълимоти бўйича, шартли рефлекслар пайдо бўлишининг индивидуал хусусиятлари рўёбга чиқишининг сабаблари нерв тизими хусусиятлари моҳиятидандир. Муаллиф нерв тизимининг учта асосий хусусиятига алоҳида аҳамият беради, чунончи, 1) қўзғалиш жараёни ва тормозланиш (тўхталиш) жараёнининг кучи; 2) қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги мувозанатлик даражаси (нерв тизимининг мувозанатлашгани); 3) қўзғалишнинг тормозланиш билан алмашилиши тезлиги (нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги). Унинг кўрсатишича, ҳар бир ҳайвоннинг темпераменти ҳам мазкур хусусиятларининг у ёки бунисига алоқадор бўлмай, балки уларнинг мажмуавий тарзига, қонуний бирлашувига боғлиқдир. И. П. Павлов шартли рефлексор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан темпераментга алоқадор нерв тизими хусусиятларининг ўзаро қўшилишини нерв тизимининг типи деб номлайди ва уни тўртта типга ажратади: а) кучли, мувозанатли, эпчил; б) кучли, мувозанатсиз, эпчил; в) кучли, мувозанатли, суст; г) кучсиз тип.

Йирик рус психологларидан бири Б. М. Теплов (1896-1965) ва унинг шогирдлари, маслакдошлари И. П. Павловнинг тадқиқотларини давом эттириб, инсон нерв жараёнлари хусусиятларининг ўзига хос томонларини очишга мувофиқ бўлдилар. Улар нерв-физиологик жараёнларнинг нозик қирраларини ўрганишда махсус мосламалар ёрдами билан ўзгаришларни қайд қилиш ҳамда олинган натижаларни (омилларни) математик статистика методлари орқали ҳисоблашни татбиқ этдилар. Б. М. Теплов илмий мактаби намояндалари томонидан олинган маълумотларга қараганда, инсонда ҳосил қилинадиган шартли рефлексларнинг баъзи бир индивидуал хусусиятлари ўзаро уйғунликка эгадир. Уларнинг таъбирича, ўзаро боғлиқ индивидуал хусусиятлар тизими нерв тизимининг муайян хусусияти билан тавсифланади. Жумладан, ўзаро боғланган хусусиятлар, биринчидан, шартли қўзғовчи мустаҳкамланиши давом этишидан қатъи назар, шартли рефлекслар сўниши даражасига, иккинчидан, қўзғовчиларнинг кучли ёки кучсизлиги билан шартли реакциянинг

ҳажми орасидаги тафовутларга, учинчидан, асосий кўзғовчи сезгирлигига бегона (нотаниш) кўзғовчини ижобий (салбий) таъсир ўтказиш даражасига, тўртинчидан, бошқа кўринишдаги ёки кучланишдаги кўзғолиш жараёнларининг кучига боғлиқдир. Маълумотларнинг таҳлиliga биноан, тормозланишнинг (тўхталишнинг) кучи билан нерв жараёнларининг мувозанатлашувига тааллуқли шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари туркумлари шунга ўхшаш усул ёрдами билан кашф қилинган. Шунингдек, Б. М. Теплов илмий мактабининг намояндалари томонидан ижобий ва тормозловчи шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш тезлигини тавсифловчи индивидуал хусусиятлар туркуми ҳам таъбирлаб берилгандир. Ушбу индивидуал хусусиятлар моҳиятида ифодаланувчи нерв системасининг нотаниш хусусияти динамиклик деб номлангани ҳам тавсифланган. Бундан ташқари, улар шартли рефлектор фаолиятининг бир гуруҳ индивидуал хусусиятлари кўзғолиш жараёнининг тўхталиши тезлиги маҳсули сифатида тахмин қилинган хусусиятни (янги хислатни) лабиллик (яъни латинча *labialis*-беқарорлик) деб атаётганлар. Шунинг билан бирга нерв тизимсининг бошқа хусусиятлари мавжудлиги тўғрисида илмий тахминлар илгари сурилган, чунончи: сензитивлик, реактивлик ва ҳоказо.

Б. М. Теплов илмий мактаби И. П. Павлов тадқиқотларида аниқланган нерв тизимининг хусусиятлари тўғрисидаги назария ва тахминлар муайян даражада кенгайтирилган ҳамда темпераментнинг туб моҳиятини тушунтиришга қулай имкониятлар яратилган. Лекин шундай чуқур изланишлар олиб борилишига қарамай, психологлар томонидан кашф қилинган хусусиятларнинг кимёвий ва физикавий моҳияти то ҳанузгача ноъмалум бўлиб қолмоқда.

Худди шу боис, нерв тизимининг хусусияти тўғрисидаги илмий мушоҳадалар фақат шартли рефлектор фаолияти билан ўзаро боғлиқ индивидуал хусусиятлар туркумига тааллуқли умумий сабаблар бўйича талқин қилишни ифодалайди, холос.

Нерв тизими хусусиятлари билан темпераментнинг боғлиқлиги аксарият ҳолларда мана бундай омилларнинг моҳиятида акс этиши мумкин. Жумладан, негизида нерв тизимининг фараз қилинган физиологик хусусияти ётган шартли рефлектор фаолиятининг ўзаро боғлиқ индивидуал хусусиятларининг муайян туркуми шахсда қанчалик кўп мужассамлашса, темпераментнинг унга мутаносиб хусусияти худди шу даражада намоён ёки акс ҳолатда шунча кам ифодаланиши кузатилади; 1) инсонда шартли рефлекс шаклланган бўлса-да, лекин у тез сўна бошласа; 2) ташқи кўзғовчи шартли рефлексда кучли тормозланишни вужудга келтирса; 3) шахс кучсиз кўзғовчиларга кучли кўзғовчилар сингари

шиддат билан реакция қайтарса; 4) одам кучсиз кўзғалиш жараёни билан уйғунлашган хусусиятларни аниқласа; 5) инсонда кучли эмоционал кўзғалиш ҳамда диққатнинг чалғиши юзага келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, И. П. Павлов таълимотида темпераментнинг психологик таъсири нерв системасининг барча хусусиятлари билан алоқадорлиги ёки унинг типига тегишли эканлиги тушунтирилади. Худди шу боис, темпераментнинг у ёки бу хусусияти нерв системасининг бирорта хислати билан эмас, балки хусусиятларнинг туркумлари билан алоқага киришади. Бунинг таъсирида нерв тизими хусусиятларининг миқдорий муносабатларида темперамент хусусиятлари ҳам сифат ўзгаришини ясайди.

Йигирманчи асрнинг 60-70 йилларида ушбу соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, темпераментнинг психологик тавсифи билан И. П. Павловнинг типлари ўртасида алоқа ҳукм суришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир. Темпераментга тааллуқли нерв тизимининг типлари ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга тегишли бўлиб, улар умумий типлар деб номланади. Бинобарин, темпераментнинг физиологик асоси-бу нерв тизимининг умумий типларидир. Бироқ И. П. Павловнинг типлари - бу нерв тизими хусусиятларининг танҳо типик бирикмаси эмасдир, чунки кейинчалик бу борада янги бирикмалар топилди. Лекин ажратилган типларнинг барчаси бир текис аҳамиятга молик эмаслиги туфайли уларнинг энг асосийлари кучли ва кучсиз типлардан ташкил топади.

## **2. Нерв системаси типларининг келиб чиқиши.**

Нерв тизимининг умумий типлари келиб чиқиши юзасидан мулоҳаза юритилганда, албатта И. П. Павловнинг таълимотини эслаш мақсадга мувофиқ, чунончи, ирсият йўли билан шартланган тип-бу генотип демакдир. Ҳозирги даврда нерв тизимининг умумий типи (генотип) ирсиятга боғлиқ эканлиги ҳақидаги маълумотлар, омиллар жуда кўп бўлиб, улар қиёсий психологияда ҳайвонларни ўрганишда топилгандир. Масалан, нерв тизимининг кучи, эпчиллиги ҳайвонларни чатиштириш йўли билан юзага келтирилган, лекин барча хусусиятлар тўғрисида бундай дадил фикрларни билдириш мумкин эмас.

Хорижий психологик адабиётларда таъкидланишича, темперамент нерв тизими умумий типининг нерв-физиологик хусусиятларига эмас, балки: а) ташқи кўрсаткичи баданнинг жисмоний тузилишига, б) унинг баъзи қисмлари ўртасидаги алоқага, в) организм турли таркибларининг муносабатларидан тузилган организмнинг умумий тузилмасига боғлиқдир, деган назария жаҳон

психологиясида устувор ўрин эгаллагандир. Бу назариянинг асосчилари Э. Кречмер (немис психологи) ва У. Шелдон (америка психологи) лар ҳисобланиб, уларнинг талқинича, тана тузилиши ҳам, темперамент хусусиятлари ҳам ички секреция безлари фаолиятидаги ўзаро муносабатларнинг наслий белгиларига боғлиқдир. Уларнинг фикрича, тана тузилиши билан темперамент хусусиятлари орасида муайян мутаносиблик мавжуддир. У. Шелдоннинг мулоҳаза билдиришича, семиз, қорин бўшлиғи такомиллашган инсон шодликка, мулоқотмандликка, тўйиб овқатланишга мойил (висцеротон) хусусиятга эгадир. Шунингдек, скелет мускуллари тараққий этган шахслар ғайратли, фаол (соматотон) ҳислатлидир. Шу билан бирга нерв тизими, бош мияси ўрта ривожланган ўта инсонлар ўта сезгир, серташвиш, ҳаёлатга берилувчан бўладилар, яъни церебротон хусусиятлидирлар.

Мулоҳаза юритилган муаммо муҳим ижтимоий аҳамият касб этади, чунки ички секреция безларининг тузилиши ҳам ташқи шароитларга, ҳам фаолият талабларига тўла-тўқис мослаша олмайди, бинобарин у нерв тизимига биров мувофиқлашуви мумкин, холос. Худди шу омилдан келиб чиққан ҳолда Кречмер билан Шелдон талқинига ёндашилса, у ҳолда шахс темпераментининг хусусиятлари ташқи ижтимоий шароитларга, фаолият талабларига мувофиқлашув эҳтимоли мавжуд. Муаллифлар эътирофича, турли темпераментли шахсларга ижтимоий зарурият туфайли бир хил талаблар қўйилса у ҳолда инсоннинг темпераменти имкониятлари билан жамият талаблари ўртасида мураккаб зиддиятлар, низоли вазиятлар вужудга келиши мумкин эмиш. Шунини таъкидлаш жоизки, Кречмер билан Шелдоннинг темперамент тўғрисидаги назарияси бир мунча баҳслидир, чунки темпераментнинг нерв тизими умумий типининг хусусиятларига боғлиқлигини акс эттирувчи омилларни тушунтиришга заифлик қилади. Шунингдек, мазкур таълимот темпераментнинг келиб чиқишини тушунтиришда организм умумий тузилишининг ролига бирёқлама орттирма баҳо беради. Шунини унутмаслик керакки, организмнинг умумий тузилиши дарҳақиқат нерв тизимининг типига ва темпераментга муайян даражада таъсир ўтказиши мумкин. Чунки нерв тизимининг хусусиятлари модда алмашиш ички секреция безлари фаолиятининг индивидуал хусусиятларига мувофиқдир. Демак, темпераментнинг вужудга келишида организмнинг умумий тузилиши эмас, балки нерв тизимининг генотиби ёки умумий тип муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, темпераментнинг физиологик асоси нерв тизимининг умумий типидан иборат бўлса-да, лекин унинг психологик тавсифини таҳлил қилиш учун нерв тизимининг хусусиятларини билиш ҳозирги давр талабига жавоб бермайди.

Мисол учун, ғайратлилик, барқарор кайфият, юқори фаоллик, ҳаракат тезлиги қўзғалиш кучига боғлиқдир, лекин унга ҳар хил психик хусусиятлар ҳам тааллуқлидир (сезги хусусиятлари, хаёл образлари ёрқинлиги ва ҳоказо). Темпераментнинг муайян хусусияти нерв тизими умумий типининг бирорта хусусиятига алоқадор бўлмасдан, балки бир туркум хусусиятига боғлиқдир. Психологияда бирор тобе ўзгарувчи бир нечта мустақил ўзгарувчиларга алоқадор бўлса ёки танҳо (ёлғиз) мустақил ўзгарувчи бир туркум тобе ўзгарувчига боғлиқлиги ўрнатилса, бундай тобелик кўпёқлама тобелик дейилади. Худди шу боис, темпераментнинг психологик хусусиятлари нерв тизими умуман типининг физиологик хусусиятларига кўпёқлама тобедир. Нерв тизими умумий типи хусусиятларининг физиологик тадқиқотлари темперамент пайдо бўлиши қонуниятларини тушунишга камлик қилади, шунинг учун бу соҳада физиологик изланиш ўтказиш унинг психологик моҳиятини текширишни тақозо этади.

Темперамент типологияси мабодо инсонлар темпераментлари бўйича қиёсланса, у ҳолда унинг хусусиятлари жиҳатидан ўзаро ўхшаш шахсларнинг гуруҳи мавжудлиги намоён бўлади. Бу аснода эрампиздан олдинги даврда ҳам темперамент типлари тўғрисида материаллар тўпланган. Уларда темперамент типи дейилганда, инсонларнинг муайян гуруҳларини тавсифловчи психик хусусиятларнинг йиғиндиси (мажмуаси) англашилган. Ҳозирги даврда темперамент типи деганда, маълум инсонлар гуруҳи учун умумий бўлган хусусиятларнинг содда мажмуаси эмас, балки мазкур хусусиятларнинг қонуний, зарурий ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Темперамент типини тавсифловчи хусусиятларнинг қонуний тарзда ўзаро боғлиқлиги турлича акс этиши мумкин.

Темпераментнинг айрим хусусиятларини у ёки бу ташқи кўринишига қараб ўлчаш мумкин. Шахснинг шиддатлик (тезлик, импульсивлик) даражасини иккита ҳаракатдан биттасини танланмайдиган ҳаракатга нисбатан қанча вақт мобайнида қарор чиқаришга қараб аниқлаш мумкин. Агар ушбу йўсинда темпераментнинг бир нечта хусусиятлари ўлчанса, у ҳолда унинг бир хусусияти қанча кўп миқдорда ифодаланса, темпераментнинг бошқа хусусиятининг шунча кўп ёки, аксинча оз акс этиши кузатилади.

Ҳар қайси тип учун ўзига хос хусусиятларининг ўзаро алоқаси, ҳар бир алоҳида хусусиятнинг сифат тавсифи темперамент типининг бошқа хусусиятлари билан боғлиқлиги ҳам акс этади. Масалан, ўзини тута билмаслик ёки ўзини тута билиш темпераментнинг битта типи учун: а) эҳтирослик-шиддат, б) жазава - даражадаги мувозанатсизликдир; бир хил тип учун ўзини тута

билиш - эмоционал-иродавий бир меъёрда тутиш бўлса, бошқа учун у улуғворлик ва вазминлик намунасидир.

Темперамент типларини психик хусусиятлар ўртасидаги қонуний муносабатлар тарзида тушуниш Гиппократ томонидан талқин қилинган темперамент туғрисидаги тушунча маъносига мос тушади. Лекин у ушбу тушунчани юнонча қрасис сўзи билан белгилаган ва у лотинча *temperament* атамасига мос бўлиб, нисбатан, муносабат деган маънони англатади. Нерв тизимининг умумий типлари билан физиологик жиҳатдан темперамент типлари И. П. Павловдан кейин гиппократча типлари, яъни сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик деб атала бошланган. Лекин бу тушунчалар ҳозирги замон психологик маълумотлар муносабати билан янгича мазмун ва моҳият касб этган. Шу боисдан нерв тизимининг тўртта типини темпераментнинг тўртта типига боғлиқ деб эътироф этишимизга ҳаққимиз йўқ, чунки улар гиппократча типларнинг айримлари, холос. Шунинг учун янги омиллар мазкур типларнинг психологик тавсифини қайта таҳлил қилишни тақозо этади.

Темперамент типларининг психологик тавсифи қуйидаги муҳим хусусиятлар ёрдами билан аниқланиши мумкин:

1. Сензитивлик (лотинча *sensus* сезиш, ҳис қилиш деган маъно англатади). Сензитивлик юзасидан инсонда биронта психик реакцияни ҳосил қилиш учун зарур бўлган ўта кучсиз ташқи таассурот кучига қараб мулоҳаза юритилади, жумладан, сезгиларнинг пайдо бўлиши учун керак қўзғовчининг озгина кучи (уларнинг қуйи чегараси), эҳтиёжлар қондирилмаслигининг сезилар-сезилмас даражаси (шахсга руҳий азоб берувчи) мужассамлашади.

2. Реактивлик. Бу туғрисида айнан бир хил куч билан таъсир этувчи ташқи ва ички таассуротларга шахс қандай куч билан эмоционал реакция қилишига қараб муносабат билдирилади. Реактивликнинг ёрқин рўёбга чиқиши – эмоционаллик, таъсирланувчанлик ифодаланишидир.

3. Фаоллик. Бу борада инсон қандай фаоллик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишда объектив ҳамда субъектив қарама-қаршиликларни фаоллик билан енгишига қараб фикр юритилади.

4. Реактивлик билан фаолликнинг ўзаро муносабати. Одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига биноан, чунончи тасодиқий тарздаги ташқи ва ички шароитларда (кайфиятга, фавқулоддаги ҳодисаларга) ёки мақсадларга, эзгу ниятларга, хоҳиш-интилишларга кўра фикр билдириш назарда тутилади.

5. Реакция темпи. Турли хусусиятли психик реакциялар ва жараёнларнинг кечиши тезлигига, бинобарин, ҳаракат тезлигига,

нутқ суръатига, фаросатлиликка, ақл тезлигига асосланиб хулоса чиқарилади.

6. Ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат ригидлик (қотиб қолганлик) - шахснинг ўзгарувчан ташқи таассуротларга қанчалик енгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашишига ( силлиқлик билан мослашишга), шунингдек, унинг хатти-ҳаракатлари қанчалик сушт ва заифлиги (ригидлиги-қотиб қолганлиги) нисбатан баҳо беришдан иборатдир.

7. Экстравертированлик ва интровертированлик. Шахснинг фаолияти ва реакция кўп жиҳатдан нималарга боғлиқлигига, чунончи фавқулоддаги ташқи таассуротларга (экстравертированлик) ёки, аксинча, тимсолларга, тасаввурларга, ўтмиш ҳамда келажак билан уйғунлашган мулоҳазаларга (интровертированлик) тааллуқлигига асосланган ҳолда муносабат ифодасидир.

Сангвиник - жуда фаол, ҳар бир нарсага ҳам каттик кулаверади; ёлғон далилларга жаҳли чиқади. Атрофдаги нарсалар, маърузалар диққатини тез жалб этади. Имо-ишораларни кўп ишлатади, чеҳрасига қараб кайфиятини англаб олиш қийин эмас. Жуда сезгир бўлишига қарамай, кучсиз таъсир(қўзғатувчилар)ни сеза олмайди, серғайрат, ишчан, толиқмас. Фаоллик билан реактивлик муносабати мувозанатда, имтизомли, ўзини тия билади, бошқара олади. Хатти-ҳаракати жўшқин, нутқ суръати тез, янгиликни тез пайқайди, ақл-идроки тийрак, топқир, қизиқишлари, кайфияти, интилишлари ўзгарувчан. Кўникма ва малакаларни тез эгаллайди. Кўнгли очик, дилкаш, мулоқотга тез киришади. Хаёлати (фантазияси) юксак даражада ривожланган: ташқи таъсирларга ҳозиржавоб ва ҳоказо.

Холерик - сушт сензитивлик хусусиятига эга. Жуда фаол ва реактив. Кўпинча реактивлиги фаолликдан устун келади. Бетоқат, серзарда, тинимсиз.

Сангвинликка қараганда силлиқроқ, лекин кўпроқ қотиб қолган(ригидроқ).

қизиқишлари, интилишлари барқарор, хатти-ҳаракатларда қатъийлик мавжуд. Бироқ диққатни бир жойга тўплашда қийналади. Нутқ суръати тез ва ҳоказо.

Флегматик - сензитивлиги сушт, ҳис-туйғуси (эмоцияси) кам ўзгарувчан, шунга кўра бундай шахсни кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин. Кўнгилсиз ҳодиса ҳавф-хатар ҳақидаги хабарга хотиржамлик билан муносабатда бўлади. Вазмин, кам ҳаракат. Имо-ишораси, мимикаси кўзга яққол ташланмайди. Лекин серғайрат, ишчан, фаол, чидамли, матонатли. Нутқ ва ҳаракат суръати сушт. Фаросати қийикроқ. Диққатни тўплаш осойишта. қотиб қолган (ригид). Диққатни кўчириш қийин.

Интровертированлашган, кам гап, ичимдагини топ дейдиганлирдан. Янгиликни қабул қилиши мураккаб. Ташқи таассуротларга суствик билан жавоб беради (қайтаради).

Меланхолик - сензитивлиги юксак. Тортинчоқ, ғайратсиз. Аразчан, хафахон. Жимгина йиғлайди, кам кулади. қатъийлиги ва мустақиллиги заиф. Тез толади. Ортиқча ишчан эмас. Дикқати барқарор. Ҳис-туйғуси суств ўзгаради. қотиб қолган (ригид). Интровертированлашган.

Психологик маълумотларда эътироф этилишича, ирсият ва турмуш шароитлари темперамент типлари ўртасидаги тафовутларнинг сабабчисидир. Шунинг учун ирсий физиологик хусусиятлари бир хил ва битта тухумдан яралган (гомозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятларини иккита тухумдан вужудга келган (гетерозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятлари билан қиёсланса, бу омил тасдиқланиши мумкин. Маълумотларга қараганда, гетерозигот эгизаклардан фарқли ўлароқ, гомозигот эгизакларнинг темперамент хусусиятлари шунчалик ўхшашки, ҳатто улар ирсият йўли билан берилган омиллар 85%ини тасдиқлаш имкониятига эга. Тарбиявий муҳит турлича бўлишига қарамай, ўхшашлик сақланиб қолиши тажрибаларда кўп марта текширилган. Лекин темпераментнинг айрим хусусиятлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар инкор этилмайди, унга ғавқулоддаги ташқи ҳамда ички шароитлар кескин таъсир ўтказидаи (масалан, тоғ шароити, ҳавф-хатар мавжудлиги ва хоказо).

Шуни эсда сақлаш жоизки, темперамент айрим хусусиятларининг турмуш шароити билан тарбиявий таъсирда ўзгариш жараёни темперамент типларининг такомиллашувидан фарқлай олиш шарт. Маълумки, темперамент типи унга мутаносиб хусусиятлари бирданига пайдо бўлган нарсга эмас, чунки нерв тизими такомиллашувининг умумий қонуниятлари темпераментга ҳам таъсир ўтказиб, ўз изини қолдиради. Шахснинг камолотига биноан, темперамент хусусиятлари нерв тизимининг такомиллашуви билан боғлиқ тарзда рўёбга чиқа боради ва мазкур жараён темперамент ривожини узил-кесил ҳал қилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, темпераментни фаолият талабларига мослаштириш (мувофиқлаштириш) имконияти мавжуддир. Чунки ҳар қандай фаолият психик жараёнлари динамикасига муайян талаблар тизимини қўяди. Чунончи: 1) касб-хунарларнинг инсонлар темпераментига мос турини танлаш керак, чунки уларнинг психик хусусиятларига мутаносиб касбни танлаш профессионал танлаш дейилади; 2) шахсларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз; 3) темпераментга хос камчиликларни (салбий иллатларни) бартараф этиш лозим; 4)



инсонларда индивидуал услубни шакллантириш зарур. Шахснинг фаолиятига онгли, фаол ва ижодий муносабатда бўлиши муваффақиятлар гаровидир.

Фаолиятнинг индивидуал услуби инсонда ўзидан ўзи вужудга келмайди, у шахс камолотининг барча босқичларида (боғча ёшидан эътиборан то касбий маҳорат эгаллагунга қадар) шаклланиб боради. Инсоннинг темпераментини фаолиятнинг зарур талабларига мослаштириш орқали унда индивидуал услуб таркиб топтирилади. Худди шу боисдан, фаолиятнинг индивидуал услуби дейилганида, шахс учун ўзига хос ва муваффақиятга эришишнинг мақсадга мувофиқ йўллари индивидуал тизими тушунилади.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

- 1.Темпераментнинг психологик тавсифи
- 2.Нерв системаси типларининг келиб чиқиши
- 3.Темперамент назариялари
- 4.Темперамент типларининг психологик хусусиятлари

### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Темперамент тўғрисида тушунча
2. Темперамент психология категорияси сифатида
3. Нерв системаси ва темперамент
4. Темперамент типларининг психологик хусусиятлари

### **Адабиётлар**

1. Климов Е.А. Индивидуальнўй стиль деятельности. –Казань, КГУ, 1969.
2. Мерлин В.С. Очерк теории темперамента. –Пермь, 1973.
3. Небўлицин В.Д. Основнўе свойства нервной системў человека.-М.: 1966.
4. Теплов Б.М. Избраннўе трудў. Т.1 и 2.-М.: 1985.

## **Х БОБ**

### **ХАРАКТЕР**

#### **1. Характер ҳақида умумий тушунча.**

Ижтимоий турмушда ҳаёт ва фаолият кўрсатаётган ҳар қандай шахс ўзининг индивидуал психологик хусусиятлари билан бошқа инсонлардан ажралиб туради ва бу фарқлар унинг характер хислатларида ўз ифодасини топади. Характер тушунчаси юнонча сўз бўлиб, «charakter» босилган тамға ёки қиёфа, хислат деган маънони англатса-да, лекин у психологияда торроқ мазмунда қўлланилади. Худди шу боисдан инсоннинг барча индивидуал хусусиятларини характер хислати таркибига киритиб бўлмайди, чунончи, ақлнинг тийраклиги, топқирлиги, хотиранинг барқарорлиги, кўришнинг ўткирлиги, идрокнинг танловчанлиги сингари индивидуал психологик хусусиятлар бунга ёрқин мисолдир.

Психология фанида характерга турлича таъриф берилишига қарамай, унинг асосий белгилари таъкидланиши билан бир-бирига моҳияти билан мувофиқ тушади. Масалан, шахс хулқининг типик усуллари билан боғлиқ, фаолият, муомала ва муносабатда намоён бўлувчи, мужассамланувчи, унинг барқарор индивидуал хусусиятлари мажмуасига характер дейилади. Шахснинг табиатга, жамиятга, ўзига, ашёларга (нарсаларга) нисбатан муносабатлари асосий ва муҳим белгиси бўлиб ҳисобланади. Одатда шахснинг муносабатлари характер хислатларининг индивидуал ўзига хос хусусиятларини икки хил йўсинда аниқлаш имкониятига эга.

1. Шахс характерининг хусусияти рўёбга чиқадиган ҳар қандай вазият, шароит, ҳолат, муҳит ҳиссий кечинмаларнинг индивидуал ўзига хос хислати унинг муносабатларига боғлиқ. Мисол учун, ишлаб чиқаришга яқинда келган А. Б. нинг характер хислати мана бундай рўёбга чиқади: корхонада маъюс, ўзини жасоода нохуш сезади, тортинчоқ, раҳбар ва ҳамкасабаларидан чўчийди, хонадонида (махаллада) ва тенгдошлари даврасида кўтаринки руҳда, кайфияти аъло даражада, улар билан муносабати илиқ, вақтичоғ, ўзини атрофдагиларга яқин тутди. Ушбу ҳодисани тўғри баҳолаш учун А. Б. нинг характер хислатларини аниқлаш, унинг намоён қилган ҳаракатларини, қилиқларини тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, балки бир нечта ҳолатдаги ҳиссий кечинмаларни таҳлиллаш ҳамда воқеликни тўғри тушунтиришга эришиш лозим.

2. Ҳар қандай фавқулоддаги типик ҳолатдаги (муҳитдаги) ҳаракатнинг сифатлари ҳамда индивидуал ўзига хос усуллари

шахсининг муносабатларига тааллуқлидир. Жумладан, юқорида келтирилган мисолда А. Б. нинг характери унинг ўзини ишхонада ҳамда маҳаллада тутишида ўз ифодасини топади. Шу билан бирга характернинг хислати ҳисобланмиш меҳнатсеварлик: а) меҳнат инсонларга роҳат туйғуси келтиришида, ишсизликда афсус чекишида; б) атроф-муҳитдаги нарсаларга диққатини чалғитмай, вақтни беҳуда сарфламай, вужуди билан виждонан меҳнат қилишида рўёбга чиқади.

3. Шахс ҳаракатларининг сифати ва уларнинг оқилона усуллари нафақат унинг муносабатларига алоқадор, балки инсоннинг иродаси, ҳиссиёти, диққати, ақлий сифатларига ёки психик жараёнларининг индивидуал хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Чунончи, меҳнатда кўзга ташланадиган тиришқоқлик, пухталиқ меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни акс эттиришга эмас, балки бошқа омилларга: а) диққатнинг тўпланишига (марказлашувига), б) ҳаракатларнинг аниқлиги, мақсадга йўналганлиги, в) иродавий зўр беришга, г) усуллар маҳсулдорлигига, д) ақлнинг тийраклигига боғлиқ. Характернинг ақлий, ҳиссий, иродавий хислатларига ажратишни ҳаракат усулларида ҳамда хилма-хил руҳий жараёнларнинг устуворлик қилувчи таъсиридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин.

Характер хислатлари шахсни муайян фаолиятга ундовчи омил сифатида майдонга чиқиши мумкин. Маълумки, характернинг аксарият хислатлари шахсининг хатти-ҳаракатлари муваффақиятини белгиловчи туртки ва фаол майллар бўлиб ҳисобланади. Одатда шахслар ўзаро ўхшаш шароитларда бир хил мотивлар ва муносабатларга асосланиб, аниқ мақсадга интилиб, мақсадга эришишга мутаносиб ҳаракат усулларига нисбатан мойилликни намоён этадилар. Мойилликлар негизида характер хислатларининг ундовчанлик кучи вужудга келади ва унинг таъсири туфайли инсон табиий шароитга зид, мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларида фойдаланади.

Шахс баъзида ўз характер хислатидан афсусланади, лекин бошқача ҳаракатни амалга оширишни уддасидан чиқмайди. Хорижий психологларнинг тасдиқлашича, айрим инсонлар фаолиятида муваффақиятсизликдан хавфсирашга қараганда, улар ўз ютуқларини юксакроқ кадрлайдилар ва юқори баҳолайдилар. Муваффақиятсизлик улар учун ҳалокатли ҳодиса эмас, шунинг учун «таваккалчилик»ка қўл уришида давом этаверадилар. Бошқа тоифадаги одамлар муваффақиятсизликдан чўчийдилар, ўта эҳтиёткор бўладилар, қийинчиликдан юз ўгиради, енгил ишга қўл уришни лозим топадилар.

Мақсадга номувофик, лекин шахс учун ўзига хос ҳаракат усуллари танлашга мойиллик кучли иродавий зўр бериш шароитларида, жиддийлик (зўриқиш) вазиятларида ёрқин акс этади. Инсон учун ўзига хос ҳаракат усули ғавқулоддаги шароитда мақсадга мувофик келса, у ҳолда ўз хислатига номувофик, бир хил йўсиндаги усулларида фойдаланишга қараганда кўп куч-қувват, қатъийлик, ишчанлик намоиш қилинишни маъқул топади. Мабодо характер хислатлари табиий (объектив) шароит талабига қарши ҳаракат қилишга ундаса, унинг хислатлари ўзига ҳалақит ва панд беради. Характер хислатлари шароит, вазият талабларига мувофик тушса, у ҳолда улар ижобий вазифа бажаради, бунда шахс ижобий фаолият кўрсатади, бутун куч-қувватини жамлаб ҳаракат қилишга имкон туғилади.

Шундай қилиб, ҳаракат хислатлари шахсни муайян йўсинда интилишга, баъзида шароитга зид ҳаракат қилишга ундаш билан бирга, улар мураккаб вазиятларда ёрқин рўёбга чиқадилар. Ҳаққонийлик, дадиллик, тўғрилиқ шахсни ноҳуш кечинмаларга олиб келишига қарамай, уни давраларда ҳақиқатни тик айтишга ундайди, собитқадамликни шакллантиришга хизмат қилади.

## **2. Характернинг физиологик асослари.**

Характер хислатлари келиб чиқишининг муҳим физиологик шароитларидан бири - характер хусусиятларининг физиологик ҳамда психологик жиҳатдан ифодаланиши ўртасидаги ўхшашлик бўйича тахминий хулоса чиқаришдир. Маълумки, И. П. Павлов илмий мактаби материалларида эътироф этилишича, лаборатория шароитида овқатланиш орқали, шунингдек, терига электр токи билан таъсир қилиш туфайли мустаҳкамлашда айнан бир ҳайвонда бир хил шартли қўзғовчига жавобан икки хил динамик стереотиплар ҳосил бўлиши мумкин. Ҳаракат стереотиплар ва сўлак ажратишдан иборат ижобий ва тоmozланиш шартли реакциялари билан жавоб қайтаради. Терига электр токи билан таъсир қилиш шароитида эса қўзғовчиларнинг ўзига муодофаа ҳаракатлари стереотиплари реакцияси билан жавоб беради. Бу ҳодисалар негизида ётган физиологик механизм кўчиш механизми дейилади. Кўчиш механизмининг моҳияти шуки, шароитга боғлиқ тарзда марказий нерв тизимида ҳар хил функционал ҳолат пайдо бўлади, чунончи, овқатланишда овқатланишнинг марказларида кучли қўзғалиш юзага келади ва бунда овқатланиш билан боғлиқ доминанта туғилади. Терига электр токи билан таъсир қилишда муодофаа билан боғлиқ ҳаракат марказлари кучли қўзғалиши туфайли муодофаа (муодофаа) доминантаси вужудга келади.

Ҳайвонлардаги мазкур ҳодисаларнинг шахс характерининг хислатлари намоён бўлиши билан ўхшашлиги мавжуд: 1) улар ҳайвонлар ва одамлар учун стереотип хусусиятга эга; 2) шароитга боғлиқ ҳолда одамларда ва ҳайвонларда бир қўзғовчига жавобан хилма-хил стереотип хусусиятли реакциялар тизими вужудга келади; 3) функционал ҳолатлар ҳар иккаласида ҳам барқарор ва доимий хусусият касб этади. Функционал ҳолатлар ҳосил бўлишининг ташқи омилларига асосланиб, характер хислатлари шакллантиришнинг физиологик шароитларидан бири - кўчиш механизми асосида динамик стереотипларнинг вужудга келишидир.

Характер хислатларининг динамик стереотипларга боғлиқ нерв тизимининг шартли рефлектор функционал ҳолати шахснинг шароитга нисбатан турлича муносабатига алоқадордир. Масалан, тажрибага нисбатан текширилувчи муносабати ўзгартирилса, унда нерв жараёнларининг қўзғалувчанлиги, ҳаракатчанлиги, тўхталиши кучаяди, демак, нерв тизимининг функционал ҳолати ўзгаради. Шундай қилиб, характер хислатларининг асоси, кўчиши механизми инсонларда ҳайвонларникидан кескин тафовутланади, чунки унда иккинчи сигналлар тизими ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Характер хислатларининг намоён бўлиши билан нерв тизими киёсланса, у ҳолда биринчисининг рўёбга чиқиши ўзгача физиологик шароитга асосланишини кўриш мумкин. Собиқ совет психологиясида таъкидланишича, нерв тизими умумий типининг зид хусусиятлари психологик жиҳатдан зид ҳаракат усуллариغا мос тушади. Б. М. Теплов, В. С. Мерлин, Е. А. Климовларнинг тадқиқотларида, ўқиш, спорт ва меҳнат фаолиятларида ҳаракат усуллариининг индивидуал фарқлари аниқланган. Худди шу боис характер хислатлари пайдо бўлишининг ўзгача физиологик шароити нерв тизими умумий типининг хусусиятлари ҳисобланади. Маълумки, нерв тизимининг умумий типи - бу темпераментнинг физиологик асоси ҳамдир. Шунинг учун темперамент типи характернинг индивидуал ўзига хос хислатларининг рўёбга чиқишидаги муҳим психологик шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади. И. П. Павлов тажрибасининг кўрсатишича, муайян тизимда ташқи таъсир ҳукм сурганда нерв тизими умумий типининг хусусиятларига тааллуқли динамик стереотипнинг шаклланишига қулайлик вужудга келтириши ёки, аксинча, ҳалақит бериши мумкин.

### **3. Характер тузилиши ва хусусиятлари**

Шахснинг характери тузилиши турли хусусиятларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат эмас, балки ўзаро бир-бирига боғлиқ, ҳатто тобе яхлит тизимдан таркиб топади. Характер хислатларининг муайян қисмида хабардор бўлишлик нотанишларни

ташхис қилиш имкониятини яратади. Мисол учун, шахснинг шуҳратпарастлиги маълум бўлса, унинг дили (кўнгли) қоралиги юзасидан тахмин қилиш мумкин ёки инсон камтар, мўмин, ювош хусусиятли бўлса, албатта у кўнгилчан эканлиги кўнглимизга келади.

Одатда психик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқ тизими симптомокомплекслар (омиллар) дейилади. «Симптом» юнонча *symptoma* белги, мос тушиш, «комплекс» лотинча, алоқа, мажмуа деган маъно англатади. Мисол учун, қарама-қарши симптомокомплекслар ҳақида мулоҳаза юритилса, у ҳолда инсонларда бу тизим ўзига ишониш, ўзидан мағрурланиш, мақтанчоқлик, ўзбилармонлик, уришқоқлик, кексақлаш кабилар бирикмасида юзага келади. Бошқа тоифадаги шахслар ўзларининг камтаринлиги, кўнгилчанлиги, илтифотлилиги, дилкашлиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб турадилар. Воқеликка шахснинг бир хил муносабати характер хислатларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини билдиради.

Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларини тўртта тизимга ажратиш қонуний ҳолатга айланган:

1. Жамоага (гуруҳга) ва баъзи бир инсонларга нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлар: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик ва бошқалар.

2. Меҳнатга нисбатан муносабатларни мужассамлаштирувчи хусусиятлар: меҳнатсеварлик, дангасалик, виждонлилик, масъулиятлилик, масъулиятсизлик кабилар.

3. Нарсаларга нисбатан муносабатни акс эттирувчи хусусиятлар: озодалик, ифлослик, аяш, аямаслик ва ҳоказо.

4. Шахснинг ўзига нисбатан муносабатларини ифодаловчи хислатлар: иззат-нафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, такаббурлик, димоғдорлик, камтаринлик, самимийлик ва бошқалар.

Шартли равишда қабул қилинган «шахс ва атроф-муҳитдаги инсонлар» симптомокомплекси ўз таркибига нафақат бошқа шахсларга нисбатан муносабатларни, балки ўзига қаратилган муносабатларни мужассамлаштирувчи хислатлар ҳам киради, чунончи, ўзига ишонч, ўзбилармонлик, ўзига бино қўйиш, мақтанчоқлик ёки аксинча хусусиятлар шулар жумласидандир. Шундай қилиб, "«шахс ва атроф-муҳитдаги инсонлар»" деган шартли ном берилган хислатлар тизими ўзга кишиларга, жамоа (гуруҳ) аъзоларига ва ўзига нисбатан муносабатларни ифодаловчи хусусиятларни бирлаштиради. Турлича муносабатлар ўзаро бир-бирига боғланган тарзда муайян тизимни ташкил қилади, натижада «Мен-Биз» муносабати ўзаро ўрин алмаштириб туради, яъни ўзига қаратилган муносабат гуруҳий хусусият касб этади.

Шунинг учун шахснинг турлича муносабатлари ўзаро боғлиқлиги унинг характери тузилиши хусусиятлари билан уйғунлашиб кетади. Умумий ва хусусий муносабатлар характер хислатлари билан бирлашган ҳолда муайян аҳамият касб этади. Худди шу боисдан инсоннинг характери нисбатан бутун, яхлит хусусиятга эга. Шахс муносабатларининг келиб чиқишига асосланиб, улар марказий (асосий) ва уларга тобе, ҳосилавий муносабатларга ажратилади. Шахснинг марказий (асосий) муносабатлари ижтимоий муносабатлар билан белгиланганлиги туфайли, бундай муносабатлар ҳамиша ижтимоий-типик хусусиятга эгадир. Масалан, ижобий хислатлар мужассамлашган шахснинг асосий муносабатлари ўзга одамларга, жамоа (гурух)га нисбатан муносабатларида ифодаланади. Шундай қилиб, характер хислатларининг индивидуал ўзига хослиги, бетакрорлигига қарамай, унинг тузилиши негизида ҳамма вақт шахснинг ижтимоий-типик марказий (асосий) муносабатлари ётади.

Характернинг тузилиши қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда муҳим тарбиявий ҳулосалар чиқариш мумкин. Характер хислатларининг баъзи нуқсонларини (қўполлик ва ёлғончиликни) бартараф қилиш, унинг ижобий хусусиятларини (хушфёъллик ва ҳаққонийликни) шакллантириш муддаосини режалаштирилган дастурда амалга ошириб бўлмайди. Чунки инсонларга нисбатан тўғри муносабатни таркиб топтирмай туриб, иллатга қарши курашиб, ижобий фазилатни шакллантира олмаймиз. Шу нарса маълумки, шахсда ўзаро бир-бирига боғлиқ хусусиятларнинг яхлит бир тизимини таркиб топтириш мумкин, холос. Мазкур жараёнда хусусиятлар тизимини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири-бу шахснинг марказий (асосий) муносабатларини таркиб топтиришдан иборатдир.

Шахс характерининг яхлитлиги бус-бутунлиги мутлақ нарса эмас, албатта, чунки инсоннинг асосий муносабатларидан бири бошқа барча муносабатларни тўла белгилай олгандагина характер мутлақ хусусият касб этади. Лекин шахснинг муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг акс эттирилишидан иборатлиги туфайли унинг муносабатлари билан характер хислатлари ўртасида зиддият ҳукм суради. Бундай ҳулосага келган ҳолда шахснинг характери нисбий жиҳатдан яхлитдир дейишимиз мумкин, бироқ унинг бир бутунлиги ҳам индивидуал, ўзига хос хусусиятга эгадир. Яхлитлик нуқтаи назаридан қараганда, турли қарама-қарши хусусиятли шахслар қаршиликлар оқибатида ҳаракатларда ва инсон ҳулқида шундай ҳолат ҳосил бўлади ва ижтимоий-ахлоқий меъёрлар бузилишини юзага келтиради. Бундай вазиятларда ҳаракатдаги

камчиликлар билан курашишнинг асосий йўли – бу шахс характеридаги қарама-қаршиликларни енгишга ўрганишдир.

Характернинг тузилиши баъзи хислатларининг ўзаро боғлиқлиги билан эмас, балки унинг яхлитлигига мутаносиб хусусиятлар билан тавсифланади. Характер тузилишининг қаторига уларнинг чуқурлик даражаси киради ва шахснинг асосий муносабатлари билан белгиланади. Инсоннинг бошқа одамларга, жамоага, меҳнатга нисбатан фидоий муносабатда бўлишини белгиловчи хусусиятлар чуқурроқ хусусиятлар дейилади. Мазкур мезонга қараб шахсларнинг фарқланишини юзаки тасаввур қилмаслик керак, чунки инсонга бериладиган тавсифнома симптомокомплексларни таъкидлаб ўтиш билан чекланмаслиги лозим. Акс ҳолда шахснинг психологик қиёфасининг тавсифномаси: биринчидан, симптомокомплексларни чуқурроқ жойлаштиришни, иккинчидан, муайян даражада чуқурроқ мужассамлаштиришни, учинчидан, бир оз юзакироқ тизимни ажратишни тақозо қилади.

Характер тузилиши хусусиятлари жумласига фаоллик ёки характер кучи киритилади ва шунга асосан инсонлар кучли ҳамда кучсиз характер турларига ажратилади. Шунингдек, характер тузилиши хусусиятлари таркибига унинг барқарорлик ва ўзгарувчанлик даражаси ҳам киритилгандир. Характернинг барқарорлиги ҳам, ўзгарувчанлиги ҳам мослашиши фаолиятининг зарурий шартларидан ҳисобланади. Шахснинг характер хусусиятлари турлича турмуш шароитларида, қаршилик қилувчи вазиятга учрашига қарамай, унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради. Шу боисдан инсон ташқи вазиятга боғлиқ бўлибгина қолмасдан, балки ташқи вазиятни унинг шахсан ўзи яратади, шунингдек, мақсадга мувофиқлаштиради.

Бундан ташқари, шахснинг турмушдаги зарурий шароитларидан бири - бу характернинг муайян даражада пластиклигидир. Характернинг пластиклиги икки хил маъно касб этади. Характернинг пластиклиги унинг барқарорлиги сингари муҳитга фаол таъсир ўтказишнинг шартларидан ҳисобланади. Иш-амаллари мақсадга мувофиқ ва фойдали кечиши учун улар ўзгарувчан ташқи шароитга мослашишлари лозим. Характернинг пластиклиги, мустаҳкамлиги уни шакллантиришнинг зарурий шarti саналади. Характернинг барқарорлиги, пластиклиги ўзига хос индивидуал хусусиятга эга бўлиб, уни тузилишининг хислати сифатида мужассамлашади.

Характер хусусиятларининг кучи ва барқарорлиги марказий тизимга боғлиқлигига биноан муайян даражада шахс муносабатларининг мазмуни билан белгиланади. Бироқ улар



муносабатлар мазмунига боғлиқлигига қарамай, баъзан юзаки хусусиятга ҳам эга бўладилар.

#### **4. Характернинг таркиб топиши.**

Психологияда ирсият билан характернинг муносабати тўғрисида хилма-хил қарашлар мавжуддир (Кречмер, Шелдон ва бошқалар). Аксарият психологларнинг эътироф этишларича, организмнинг наслий хусусиятлари характер хислатларининг пайдо бўлишидаги шартларидан бири ҳисобланади, холос. Маълумки, характер хусусиятлари ирсиятнинг биологик қонуниятлари билан эмас, балки ижтимоий қонуниятлар билан тавсифланади. Ушбу масалани ирсиятга боғлаб тушунтириш гомозигот эгизакларни ўрганиш орқали инкор қилинади, чунки уларнинг наслий хусусиятлари айнан бир хилдир. Улар темперамент хусусиятлари бўйича тубдан ўхшаш бўлсалар-да, лекин характер хислатларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиладилар. Шунинг учун характернинг шахс турмуш шароитига боғлиқлигини: а) унинг физиологик асоси ҳам, б) ташқи таассуротлар тизими туфайли вужудга келадиган шартли рефлектор функционал ҳолати ҳам тасдиқлайди.

Характер таркиб топиши муайян қонуниятлар таъсирида амалга ошади. Характернинг ҳар бир хислати шахс муносабатларига боғлиқ бўлса, улар ўз навбатида ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Наслий хусусиятлари бир хил эгизакларда турлича ижтимоий муҳитда ҳар хил характер хислатлари шаклланади. Шу сабабдан ижтимоий тузимни тавсифловчи кенг ижтимоий муносабатлар шахснинг ижтимоий типик хусусиятларигина эмас, балки характернинг индивидуал хусусиятлари (хислатлари) таркиб топишига ҳам катта таъсир ўтказди. Ижтимоий муносабатларга бевосита ёки билвосита боғлиқ тарзда, оилада, болалар ва меҳнат жамоаларида хайрихоҳлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдамлашиш, ҳамкорлик ёки, аксинча, жоҳиллик, золимлик, баджаҳиллик каби шахслараро муносабатлар таркиб топа бошлайди. Оилавий муҳит, ундаги шахслараро муносабатлар, фарзандларнинг миқдори, ёшидаги фарқи, низоли вазиятлар кўриниши, ота-она муносабатига асосланган ҳолда характернинг ўзига хос хусусиятлари шаклланади. Болалар боғчасидаги, мактабдаги шахслараро муносабатлар ҳам характернинг махсус хислатларини таркиб топтиради. Меҳнат жамоаларида, норасмий гуруҳларда ҳам характер хусусиятларида сезиларли ўзгаришлар юзага келади. Илк ёшлик даврида шаклланган характер хислатлари ниҳоят даражада барқарор бўлиб, уларга айрим ўзгаришлар киритиш жуда қийин кечади. Шахсда майлларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги билан боғлиқ ҳолда таркиб

топган муносабатлар ўзининг мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Характер хислатларининг чуқурлиги, барқарорлиги, доимийлиги кўп жиҳатдан шахс муносабатларининг онглилик даражасига боғлиқ. Инсоннинг ҳаққонийлик, меҳнатсеварлик хислатлари тасодифий таркиб топмаган бўлиб, унинг онгли қарашларига, ишонч ақидаларига мос тушса, у ҳолда ҳар қандай қийин ҳолатларда ҳам намоён бўлаверади. Мамлакатимиз фуқаролари характерининг кучи ва мустаҳкамлиги уларнинг истиқлол нашидасидадир ва ватанпарварлик юксак хис-туйғусидадир. Шундай қилиб, психиканинг индивидуал сифат хусусиятлари шахснинг ижтимоий-типик муносабатлари билан қўшилган тақдирдагина характер хислатларини белгилаш, тавсифлаш имконияти вужудга келади. Психиканинг индивидуал хусусиятлари орасида темперамент хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки характер билан темпераментнинг ўзаро муносабати уларнинг физиологик асослари билан белгиланади. Характер хусусиятларининг ташқи жиҳатдан намоён бўлиб айнан шу тарзда муайян вақт мобайнида кечиши динамик хусусият дейилади. Характер хислатларининг динамик хусусияти темперамент хусусиятларига боғлиқдир. Ана шу ҳолатга мувофиқ равишда темперамент хусусиятлари ҳам характернинг маълум хислатларининг вақт давомида ташқи намоён бўлиши ҳам темперамент типига боғлиқ.

Тараққиёт ва тарбиянинг ижтимоий шароитлари ҳамда уларнинг психиканинг ирсий индивидуал хусусиятлари билан ўзаро муносабати характер хислатларини тўғридан-тўғри тавсифламайди, балки шахснинг фаолияти орқали белгилайди. Унинг фаолиятига тааллуқли айнан бир хил ижтимоий шароитда ҳам худди шу бир хил ирсий хусусиятларидан турли характер хислатлари шаклланади. Худди шу боисдан характернинг ривожланиши шахснинг актив фаолияти жараёнида унинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ тарзда амалга ошади. Характернинг таркиб топишида фаол фаолиятнинг роли шундаки, худди шу фаол фаолиятига характернинг ифодаладиган ҳаракатнинг индивидуал ўзига хос усуллари таркиб топади. Ҳаракат усуллариининг автоматлашуви муайян динамик стереотип ҳосил қилиниши билан боғлиқ шартли рефлектор функционал ҳолатнинг маҳсуласидир. Автоматлашувнинг бир неча турдаги психологик механизмлари мавжуд бўлиб, улардан бири-бу одатлардир. Характер хислатлари таркиб топишининг муҳим шартларидан бири - бу хислатларни зарурий хатти-ҳаракатларда чидам билан машқ қилишдан иборатдир.

Характернинг таркиб топишида тақлидчанликнинг роли катта бўлиб, ҳаракат усуллари автоматлашувининг бош манбаи ҳисобланади. Таркиб топиш жараёнида тақлидчанликнинг аҳамияти

кўп жиҳатдан ифодали хатти-ҳаракатларнинг шахс эмоционал (ҳиссий) кечинмаларига таъсири билан белгиланади. Тақлидчанлик хатти-ҳаракат намунасига тақлид қилиш учун мўлжалланган шахс муносабатлари томонидан мотивлаштирилгандагина характер хислатлари шакллантиришнинг шартига айланади.

Характернинг шаклланишида муайян психик фаолиятга яхлит объектив ва субъектив мойиллик тарзидаги кўрсатма бериш (установка) психологик механизм негизида юзага келган автоматлашиш муҳим аҳамият касб этади. Кўрсатма (установка) одатлардан фарқли ўлароқ, муайян ҳаракатларга тайёр туришгина бўлиб қолмай, балки билиш жараёнларига, ҳиссий ва иродавий реакцияларга ҳам тайёр туришликдир.

Характернинг ҳосил бўлишида низоли вазиятлар алоҳида аҳамият касб этади. Характер фақат мураккаб ва кескин вазиятларда (шароитларда) ёрқин намоён бўлибгина қолмасдан, балки мазкур ҳолатларда у таркиб ҳам топади. Одатда характер хислатларининг ўзгаришидаги индивидуал фарқлар шахснинг низоли вазиятлардан чиқиш учун қандай йўл-йўриқ топишига боғлиқ, бинобарин, инсон шароитдан келиб чиқиб, қандай хатти-ҳаракатни амалга оширишга қарор қилади. Шундай қилиб, шахс ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ўз хатти-ҳаракатлари, одатлари билан ўз характер хислатларини ўзи яратади ва уларни бошқаришга одатланади.

## **5. Инсон характери ва шахс камолоти**

Инсон характери таркиб топтиришнинг муҳим омили тариқасида вазият (ситуация) етакчи роль ўйнайди ва регуляторлик функциясини бажаради. Бизнинг фикримизча, вазият гоҳи қўштимул, жуфт детерминатор, қўшмеханизм сифатида узлуксиз руҳий ҳолатлар (қайси муҳитда бўлишдан қатъи назар) вужудга келиб туришини таъминлаши мумкин. Вазиятлар экстремал (фавқулодда), казусли (тасодифий), казуал (сабабий) каби кўринишларга эга бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро муайян даражада ажралиб туради.

Экстремал вазиятлар ё табиий омиллар, ҳодисалар таъсири, натижаси моҳиятидан келиб чиқиб, офатлар, ларзалар, табиатнинг инжиқликлари, мўъжизалари, даҳшатли кучлари шаклида намоён бўлиши, вужудга келиши, кечиши ва ривожланишидан иборатдир. Индивиднинг муайян даражада уюшган гуруҳ (этник бирлик)нинг муносабати характерологик хусусиятларнинг шаклланишига зарур объектив ва субъектив қулай шароитлар яратилишига имкон яратади. Вазиятлар ўзининг моҳияти билан расмий ёки норасмий гуруҳлар, махсус мутахассислар томонидан уюштирилиши ҳам мумкин (ҳарбий машқлар ва ҳоказо). Уларнинг акс садосига

нисбатан жавоб реакцияси (гоҳо акция) сифатида вазиятларнинг катнашчилари муносабати уларнинг характер хусусиятларида ифодаланади. Кутилмаган ғавқулоддаги вазиятлар қаторига психотерапевтик таъсир ўтказиш, гипнотик ҳолатга келтириш, онгсизликка тушириш оқибатларида бирёқлама руҳий таъсир ўтказиш ҳамда таъсирга берилиш (диада, триада, полиада) натижасида ўта ишонч билдириш туфайли таъсир доирасига кириб қолиш миллий характернинг кучлилиги ёки кучсизлигини намоён қилади.

Мазкур вазиятлар қаторига алкоголизм, наркомания, таксикомания ҳолатларидан онгсиз идеомотор ҳаракатларга тортилганлик, инсоний қиёфадан ҳайвоний ҳирсларга ўтиш, фикрларни узатишда қўпол нуқсонларга йўл қўйиш, ўзини ўзи онгли равишда бошқариш (гуруҳий жипслик) имкониятини йўқотиш жараёнлари шулар жумласидандир.

Субъектив мақсадни амалга оширишга йўналтирилган сунъий вазиятлар ҳам характерологик хислатларни синашда муҳим объект сифатида хизмат қилади (масалан, шижоат, эҳтирос, стресс, аффект).

1. Казусли (тасодифий) вазиятлар инсон ҳаёти ва фаолиятида алоҳида аҳамият касб этиб, унда ишонч, қатъиятлик, барқарорлик, мустақиллик, таъсирга берилувчанлик каби хислатлар ёки иллатлар устуворлиги ҳамда барқарорлиги ҳақида маълумот олишга замин ҳозирлайди.

Бундай вазиятларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири — бу толерантликнинг вужудга келиши билан боғлиқ нейрофизиологик, психофизиологик механизмлардан иборатдир. Бизнинг таъбиримизча, уни келтириб чиқарувчи омиллар, асосан икки қутбга тааллуқли бўлиб, бири тасодифий, ёндош қўзғатувчилар таъсирида юзага келиб толерантликка асосланади, иккинчиси эса ички қўзғовчилар «реакциялар» («акциялар») орқали ифодаланиб, кўпроқ субъектив омиллар маҳсули ҳисобланади, армоннинг ҳар хил шакллари функциясини бажаради. Омадлилик худди шундай руҳий ҳодисаларни вужудга келтиради, шахснинг (этник бирликнинг, жамоанинг) фаолликка ундовчи узлуксиз хатти— ҳаракатлар қўшстимул вазифасини муваққат бажаришга киришиши мумкин. Биринчи ҳолатда шижоат ҳаракатлантирувчи механизм ролини бажарса, иккинчисида эса ушалган эзгу ният, ички руҳий ғалаён, туғилаётган фикрларнинг «жанги», уларнинг ўзаро қарама-қарши таянч нуқталарига эга эканлиги ҳал қилувчи стимул функциясини ижро этади. Шахслараро муносабат негизидан келиб чиқувчи муваффақият

ва муваффақиятсизлик, омадлилик ва омадсизлик кабиларни вужудга келтиради. Масалан, талабанинг юқори баллга эришганлиги уни янада илҳомлантиради, курсдошида эса икки хил хусусиятли кечинмани юзага келтириб, бир томондан хоҳиш, иштиёқ, илҳом, эзгулик ҳис-туйғуларининг кучайишига олиб келади. Иккинчи томондан эса ғайрлик иллоти индивидни (шахсни) фаоллик сари етаклайди.

2. Каузал (сабабий) вазиятнинг пайдо бўлиши субъектив кечинмалар, манбалар негизи билан уйғунлашиб, хилма—хил эҳтиёжлар, мотивлар, эгоистик ёки альтруистик позициялар, туб маънодаги фидоийлик намунасининг сабабий боғлиқликлар (детерминаторлар) маҳсули устига қурилади, Ватанпарварлик туйғуси инсонни (гуруҳни, жамоани) ижодий изланиш сари етаклайди, барқарор ҳаракатлантирувчи кучларни вужудга келтиради, пухта механизмлар узлуксизлигини таъминлашда иштирок этади. қонуниятлар маънавий жиҳатдан эскириши, янгиларини очишга интилиш, муайян назариялар яратишга иштиёқлилиқ туғилиши ҳам жисмоний, ҳам ҳуқуқий шахс (гуруҳ) олдига истиқбол мақсадлари режаларини қўяди.

Онтогенезнинг муайян қонуниятлар асосида кечишини таъминловчи омиллардан бири - бу шарт-шароитларнинг мавжудлигидир. Юқоридаги таснифга қараганда, шарт—шароитлар ўзининг шакли, мароми, моҳияти, омилқорлиги, оқиллиги сингари хусусиятлари билан объектив, субъектив, моддий, маънавий турларга ажратиш мумкин:

♦ объектив шарт — шароитлар табиат қонунлари, борлиқнинг мўъжизалари, биоритмика, табиий заруриятлар мавжудлигини ифодалайди;

♦ субъектив шарт — шароитлар шахслиқ, шахслараро муносабат, микро, макро ва мизе муҳитдаги ижтимоий психологик, коммуникатив, интерактив, перцептив таъсирлар ҳамда ўзаро таъсирларнинг муайян маромларига риоя қилишлиги билан тавсифланади;

♦ моддий шарт — шароитлар инсон камолоти учун энг зарур ашёлар, воситалар, жисмлар, қуроллар билан таъминлангандагина мақсадга мувофиқ индивидуал ёки ҳамкорлик хатти-ҳаракатлари амалиётда қарор топиши мумкин;

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Характер хақида умумий тушунча
2. Характернинг физиологик асослари
3. Характер тузилиши назариялари

#### 4. Характер ва шахс

### АДАБИЁТЛАР

1. Ковалев А.Г. Психология личности. –М.: 1970.
2. Ковалев А.Г., Мясихев В.Н. Психологические особенности человека. -Л, ЛГУ, 1975.
3. Левитов Н.Д. Психология характера.-М.: 1969.
4. Немов Р.С. Психология. Книга 1.-М.: 2002.

### XI БОБ

### ҚОБИЛИЯТЛАР

#### 1. қобилиятлар тўғрисида тушунча.

Харидор дўконда товарларни кўздан кечираётиб, бир хил матодан тайёрланганига қарамай, уларга ҳар хил баҳо беради, бир тикувчини мақтайди, иккинчисига эса эътирозлар билдиради. Шунингдек, уларга баъзи бир таклифлар беради, ташқи кўриниши бежирим бўлиши, чидамлилиги ошиши тўғрисида мулоҳазалар юритади, яъни улардан бириси қониқтиради, иккинчиси эса ижобий баҳо олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Талабалар ҳар хил турдаги танловларда, олимпиада ва универсиадада иштирок этадилар, улардан биттаси муваффақиятга эришади, ҳатто ғолибликни қўлга ҳам киритади. Бу психологик ҳодиса ёки воқелик нимадан далолат эканлигини аниқлаш орқалигина билим даражаси, қобилият кўрсаткичи, муваффақият механизми, малака ёки кўникмалар барқарорлиги юзасидан мулоҳаза юритиш мумкин ҳолос.

қобилиятлар тўғрисида умумий тушунчани вужудга келтириш учун уларга алоқадор омиллар, таркиблар бўйича айрим маълумотлар келтириш мақсадга мувофиқ: а) қобилиятлар шахснинг психологик хусусиятлари эканлиги; б) мазкур хусусиятларга билим, кўникма, малака орттириш боғлиқ; в) ушбу хусусиятларнинг ўзи билим, кўникма ва малакаларга тааллуқли эмасдир. Юқоридаги воқеликларнинг таҳлилидан келиб чиқилганида, товарга берилган баҳо, танловлардаги муваффақиятли ёки муваффақиятсиз иштирок этишга асосланиб, шахсларнинг қобилиятлари юзасидан қатъий қарорга келиниши мумкин эди. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий таълим жараёнида ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича «ўртамиёна» талаба кейинчалик ижобий томонга ўзгариши, бошқа соҳа (тармоқ)да юксак натижаларга эришиши, ҳатто мутахассислигига ёндош ихтисосликда ўзини кўрсатиши мумкин. Таълим ва ижтимоий турмушда уқувсиз, «Яроқсиз» деб баҳоланган

инсонлар кейинчалик бирон-бир соҳанинг етакчи мутахассиси сифатида элга танилиши, юқори лавозим эгаллаши, тадбиркор шахс сифатида камол топиши ҳодисалари тажрибада кўп учрайди. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш (ўзлаштириш) жараёнида қобилиятлар намоён бўлса-да, лекин улар билим, кўникма, малакаларга бевосита тааллуқли эмасдир, худди шу боисдан, улар бир-бири билан ўзаро муносабат ва нисбатан нуқтаи назардан таҳлил қилинганида қобилиятлар билан билимлар, қобилиятлар билан кўникмалар моҳият, мазмун, маъно жиҳатидан бир-биридан тафовут қилади. Ушбу психологик ҳодиса образлироқ қилиб тушунтирилганида, билим кўникма, малака машқланиш туфайли эгалланиладиган аниқ воқелик деб тасаввур қилинса, қобилиятлар шахснинг руҳий оламидаги ҳали рўёбга чиқмаган имкониятидир. Масалан, талабанинг ўқишга кириши у мутахассис сифатида касбий камолот учун имконият тарзида гавдаланиши каби (унинг интилиши, объектив ва субъектив муҳит, саломатлиги ва бошқалар), шахснинг қобилиятлари касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш учун имконият тариқасида намоён бўлади. Касбий билим ва кўникмалар эгалландими ёки йўқми, имконият рўёбга чиқдими ёки ушалмаган орзу сифатида қолиб кетдими - буларнинг барчаси кўпгина омилларга ва шароитларга боғлиқдир. Масалан, атроф-муҳитдаги одамлар (оила, мактаб, меҳнат жамоаси аъзолари, жамоатчилик) шахснинг у ёки бу билим ҳамда кўникмаларни эгаллашга манфаатдорлиги, ўқиш, ўргатишга муносабати, уларни ташкил қилиш ва мустаҳкамлашга нисбатан масъулият ҳис қилиш кабиларнинг барчаси - имкониятни рўёбга чиқариш, уни воқеликка айлантиришнинг кафолатидир. Психологиянинг методологик асосининг кўрсатишича, қобилиятлар - имкониятлар тизимидан ташкил топган бўлиб, у ёки бу фаолиятидаги зарурий маҳорат даражаси ҳақиқат ҳисобланади. Инсонда намоён бўлаётган тасвирий санъат қобилияти унинг рассом сифатида шаклланишига кафолат бера олмайди. Рассомликни эгаллаши учун махсус таълим берилиши, табиатга ўзгача муносабати, идрок қилиш ҳаёлоти, шахсий фазилати, саломатлиги, матолар, мўйқаламлар, бўёқлар, мослама асбоблар ва бошқалар муҳайё бўлиши лозим. Таъкидлаб ўтилган воситалар, шарт-шароитларсиз тасвирий санъат қобилиятлари тараққий этмай турибоқ, илк кўринишидаёқ сўна бориши мумкин. Ижтимоий-тарихий тараққиёт палласида бундай ҳодисалар сон-саноксиз бўлиб ўтганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Психология фани қобилиятлар билан фаолиятнинг муҳим жабҳалари бўлмиш билим, кўникма ва малакаларнинг айнан бир нарса эканлигини рад этар экан, уларнинг бирлигини эътироф

килади. Шунинг учун қобилиятлар фақат фаолиятда рўёбга чиқади, лекин шунда ҳам айнан шу қобилиятларсиз амалга оширилиши амри маҳол фаолият кўринишларидагина акс этади, холос. Агар шахс расм солишга ҳали ўрганмаган бўлса, мабодо у тасвирий фаолиятнинг малакаларини уддалай олмаса, унинг тасвирий санъатга нисбатан қобилиятлари юзасидан мулоҳаза юритишга ўрин ҳам йўқ. Буларнинг барчаси бўлғуси рассомнинг иш услуби, усуллари, рангга муносабатларини қанчалик тез ва осон ўзлаштиришида ҳамда борлиқдаги гўзалликни идрок қилиш, тасаввур этишида юзага келади.

Талабада касбий билим, кўникма ва малакалар тизими, уларнинг барқарорлиги, шаклланган шахсий иш услублари мавжуд эмаслигига асосланиб, уларни жиддий текшириб, ташхис қилмасдан туриб, шошилиш тарзда унда қобилиятлар йўқ деган хулоса чиқариш олий мактаб ўқитувчисининг қўпол психологик нуқсони ҳисобланади. Болалик даврида у ёки бу қобилиятларнинг атроф-муҳитдаги одамлар томонидан тан олинмаганлиги, кейинчалик худди ана шу қобилиятлари туфайли жаҳонда муносиб шон-шухрат қозонишга мушарраф бўлган жуда кўп алломаларнинг номи оламда машҳур, чунончи, Альберт Эйнштейн (нисбийлик назарияси асосчиси), Николай Лобачевский (янги геометрия йўналиши асосчиси) ва бошқалар ўқишида гениал олим бўлиб вояга етишиши далолатномаси йўқ эди.

қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларда акс этмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади. Фаолият учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида юзага чиқадиган фарқлар қобилиятлар тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Демак, шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусияти қобилиятлар дейилади. Ушбу хусусиятни аниқлаш учун баъзи бир омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ; а) шахснинг муайян сифатлари йиғиндиси белгиланган вақт оралиғида эгаллаган фаолияти талабларига жавоб берса, унда мазкур фаолиятга нисбатан қобилияти мавжуддир; б) инсон шундай ҳолатларда фаолият талабига жавоб бера олмаса, психологик сифатлар, яъни қобилиятлар мавжуд эмасдир (жуда заифдир). Лекин бундай хусусиятли шахс кўникма ва малакаларни эгаллай олмайди, деган маъно англатмайди, бироқ уларни эгаллаш вақти чўзилиб кетади, холос.

Шундай қилиб, қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар бўлиши билан бирга: а) уларни шахсларнинг мавжуд



бошқа хусусиятларига, характер фазилатларига, ҳиссий кечинмаларига ва бошқаларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас; б) шунингдек, қобилиятларни шахснинг мазкур хусусиятлари билан бир қаторга қўйиш, уларни айнийлаштириш ҳам нуқсонларни келтириб чиқаради. Шунини таъкидлаш жоизки, мулоҳаза билдирилган сифатлардан баъзи бири ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб бера олса ёки уларнинг таъсирида вужудга келса, у ҳолда шахснинг мазкур индивидуал хусусиятларини қобилиятлар деб аташ имконияти туғилади.

## **2. қобилиятларнинг сифат ва миқдор тавсифи**

Психологияда қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида тавсифланади ва бунинг асосида бир инсоннинг бошқа инсондан тафовутланадиган хислатлари, фазилатлари ётади. Шунинг учун ҳар бир шахсдан бир хил натижа, бир хил сифатни кутиш мумкин эмас, чунки инсонлар ўз қобилиятлари бўйича бир-бирларидан муайян даражада фарқ қиладилар, бинобарин, улар ўртасида фарқлар сифат ва миқдор жиҳатидан бир талай бўлиши мумкин. қобилиятларнинг сифат тавсифи шахснинг қайси индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятининг мажбурий шарти тариқасида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдорий тавсифи эса фаолиятга қўйиладиган талабларга шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдиради, яъни мазкур инсон бошқа одамларга қараганда малака, билимлардан нечоғлик тез, енгил, пухта фойдалана олишини намойиш қилади.

қобилият хусусиятларининг сифат жиҳатидан талқин қилинишида, биринчидан, мақсадга турлича йўллар орқали эришишга имкон берувчи «ўзгарувчан миқдор» тўплами тариқасида, иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик хислатлари (фазилатлари) мураккаб мажмуаси кўринишида гавдаланади. Масалан, факультет деканати ва ўқитувчилар жамоаси томонидан юксак ташкилотчилик қобилиятига эга деб баҳоланган IV курс бошлиғи («оқсоли») Маҳкамда мана бундай психологик хусусиятлар мажмуасини кўриш мумкин, чунончи, ташаббускорлик, талабчанлик, меҳрибонлик, эътиборлилик, кузатувчанлик, тенгдошларини ташхис қила олишлик, кашфиётчилик, жавобгарлик, ҳамдардлик, жозибадорлик, ҳамкорлик, самимийлик, ҳиссий яқинлик қабилар. Маҳкамнинг қобилиятини бошқа ташкилотчилар қобилияти билан қиёсланганда кўлами кенг, моҳияти чуқур бўлиш билан бирга, балки ўзининг сифати билан ҳам ажралиб туради. Худди шу факультетнинг III курс бошлиғи («оқсоқоли») Адҳам ҳам ташкилотчи, уддабурон шахс,

лекин фаолиятни амалга ошириш, ўзгаларга таъсир кўрсатиш мутлақо бошқа омилларга асосланади. Шунинг учун ташкилотчилик қобилияти бошқа психологик хислатлар мажмуасини (туркумини) ташкил қилади, чунончи, заифларга нисбатан шафқатсизлик, жамоа аъзоларига тазйиқ ўтказишлик, уддабуронлик, амалпарастлик, мақтанчоқлик ва бошқалар.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, у ёки бу фаолиятни амалга оширишда ўзаро ўхшаш ёки бир-бири билан фарқланувчи турлича қобилиятлар туркуми (мажмуаси, бирикмаси) иштирок этиши мумкин экан. Бу психологик ҳодиса таҳлили орқали шахс қобилиятларининг муҳим жабҳалари яққол кўзга ташланади, жумладан, шахсдаги бир хислатнинг ўрнини бошқаси босиши (компенсация қилиши, латинча *compensatio* ўрнини босиши, мувофиқлаштириш маъносини билдиради) вужудга келади, бунинг учун инсон ўзи устида сабр-тоқат, чидам билан меҳнат қилиши туфайли юксак кўрсаткичларга эриша олади.

Шахснинг қобилиятида мавжуд бўлган ўрнини босиш(компенсатор)лик имконияти ва эшитишдан маҳрум инсонларни махсус ўқитиш орқали рўёбга чиқади. Ҳаётда кўр муסיқачи, артист, шоир, рассом, муҳандис ва бошқа шу каби касб эгалари етишиб чиққанлиги кўп учрайди. Ҳатто эшитиш қобилияти паст ёки умуман йўқлиги ҳам касбий муסיқавий қобилиятининг ривожланишига кескин халақит бермаслиги мумкин. Бу психологик ҳодиса (бир қобилиятни бошқа қобилият ёрдами билан ўстириш, яъни компенсаторлик хусусияти) ҳар бир шахс учун касб танлаш ва қайта касб танлаш (иккинчи ёки учинчи касбни эгаллаш иштиёғи) соҳасида мислсиз кенг кўламдаги имкониятларни очади. Ушбу воқеликни тасдиқловчи қатор мисолларнинг ўзида силлиқ дурадгор, моҳир тикувчи бўлиши; йирик фан алломаси йирик санъаткор, етук спортчи эканлиги учраб туради. қобилиятли шахслар ижтимоий турмушнинг турли соҳалари ҳамда жабҳаларида ўз ўрнини топа оладилар ҳамда юксак ютуқларга эришадилар, ҳатто бир неча фаолият турида текис муваффақиятлар қозониш ҳам мумкин.

қобилиятларнинг миқдорий тавсифи ва уларни ўлчаш муаммоси психология фанида ўзига хос ривожланишнинг тарихий ўтмишига эга. Ҳозирги даврда фаннинг мумтоз психологларига айланган Спирмен, Пирсон, Кэттелл ва бошқалар XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларидаёқ муайян ихтисослар учун касб танлашни илмий асосда йўлга қўйиш заруриятидан келиб чиқадиган талаблар тазйиқида ўқув юртларида сабоқ олаётган шахсларнинг қобилият даражасини аниқлашга киришдилар. Уларнинг тахминларича, инсоннинг лавозимига лойиқлиги, унинг меҳнат фаолиятига лаёқатини, шунингдек, олий ўқув юртларига, ҳарбий

хизматга, раҳбарлик мартабасини эгаллашга нисбатан имкониятларини аниқлаш мумкин. Ўтган асрда қобилиятларни ўлчаш усули, мезони тариқасида ақлий истеъдод тестлари ишлаб чиқилди ва АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда ўқувчиларни саралаш, ҳарбий хизматга зобитларни танлаш, ишлаб чиқаришда раҳбарлик лавозимига тавсия қилишда фойдаланилди. Ҳатто Буюк Британияда университетга кириш ҳуқуқини берувчи тест синови тизими ҳам яратилди. «Ақлий истеъдод» тестлари балл ёки очколар билан баҳоланиб, ечимга сарфланган вақтни ҳисобга олиб натижалар йиғинди ҳолига келтирилар эди. Масалан, Буюк Британия мактабларида 11 ёшли ўсмирга бериладиган тест кўриниши: «Пётр Жемсга қараганда баландроқ, Эдвард Петрдан пастроқ. Ким ҳаммадан кўра баландроқ?» ва танлаган жавобнинг тагига чизиб қўйиш талаб қилинади: 1) Пётр, 2) Эдвард; 3) Жеймс; 4) «айта олмайман». Бошқачароқ тестлар берилган бешта сўздан бошқаларига ўхшамаганини синалувчи танлаб олиш керак: 1) қизил, яшил, кўк, ҳўл, сарик; 2) ёки, аммо, агар, ҳозир, гарчи ва шу кабилар. Тестлар мураккаблиги ортиб бориш тамойили бўйича «Тестлар батареяси» тизими яратилади. Тестлар тузилиши бўйича фақат сўзлардан иборат (вербал) синовлар билан чекланмасдан, балки турлича моҳиятли «лабиринтлар» (юнонча labyrinthos - чигал ҳолат, мураккаб, чалкаш маъносини билдиради), «бошқотирма» ва шунга ўхшаш синовлар киритилади.

Одатда синалувчилар «Тестлар батареяси»ни бажариб бўлганларидан сўнг натижалар ҳисоблаб чиқилади ва уларда «ақлий истеъдод коэффиценти» (инглизча intellectual quotient, IQ сўзидан олингандир) аниқланади. Мисол учун, 11,5 ёшли ўқувчи тўпланган балларнинг ўртача йиғиндиси 120га тенг бўлиши лозим. Бунда 120 балл тўплаган ҳар қандай текширилувчи 11,5 ёшида «ақл ёшига» эгадир. Худди шу йўсинда «ақлий истеъдод коэффиценти ҳисоблаб чиқилади:

### **Синалувчининг ақлий истеъдоди коэффиценти**

$$IQ \text{ қ ақл ёши } X 100$$
  
синалувчининг ҳақиқий ёши

Мабодо тест синовда 11,5 ва 14 ёшли ўсмирлар 120 очко тўплаган бўлсалар, у ҳолда текширилувчиларнинг «ақл ёши» 11,5 га тенглаштирилса, қуйидаги ҳолат юзага келади:

$$IQ \text{ биринчи синалувчи қ } 11,5 \times 100$$
  
$$\frac{10,5}{10,5} \text{ қ } 109,5;$$

Мазкур йўналиш намояндаларининг эътироф этишларича, «ақлий истеъдод коэффициенти» қандайдир ўзгармас мезон сифатида «умумий интеллектни» (инглизча general intelligence) рўёбга чиқариш имкониятига эгадир. Шунини таъкидлаш жоизки, «ақлий истеъдод коэффициенти» назариясида баҳсли жабҳалар мавжудким, бунда шахснинг ақлий қобилиятлари намоён бўлади. Рус психологи Л. С. Виготский юқоридаги назарияга ўз эътирофини билдирган ҳолда икки босқич орқали, яъни «энг яқин тараққиёт зонаси», «актуал фаолият зонаси» қобилиятни тўғри аниқлаш мумкинлигини кўрсатиб берган эди.

Ҳозирги замонда қўлланаётган тест синовлари ўтмишдошларидан кўп жиҳатдан ажралиб туради, лекин кўпинча хотира маҳсуллари очишга хизмат қилади, ижодий тафаккур натижалари эса диққат марказидан четда қолиб кетиш ҳоллари учрайди.

### 3. қобилиятлар тузилиши

Шахс эгаллаши шарт ҳисобланган фаолият, у хоҳ таълим, хоҳ меҳнат, хоҳ ўйин, хоҳ спорт бўлишидан қатъи назар унинг билиш жараёнларига, ақлий хислатларига, ҳиссий-иродавий жабҳаларига, сенсомотор соҳасига, характерологик хусусиятларига муайян талаблар қўяди ва уларнинг ҳамкорликдаги саъи-ҳаракати туфайли муваффақиятларга эришилади. Психологик маълумотларга қараганда, инсондаги юксак кўрсаткичга эришган сифат ҳарчанд устуворликка эга бўлмасин, у талабларни қондириш имкониятига эга бўлмайди. Айрим ҳолларда алоҳида намоён бўлган психик хусусият (хислат) фаолиятнинг юксак маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминлаш қурбига эга, у қобилиятлар удалай оладиган имконият билан баббаравар куч-қувват тариқасида вужудга келади деган фараз ўзини оқламайди. Шунинг учун қобилиятлар мураккаб тузилишга эга бўлган психик сифатлар (хислатлар) мажмуасидир, дейиш жуда ўринлидир.

қобилиятлар сифатида рўёбга чиқадиган психик хислатлар мажмуасининг тузилиши яққол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлиги туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарзда қўйилиши турган гап. Бунинг учун айрим мисолларни таҳлил қилиб ўтамыз:

1) тематик қобилият: Математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш, математик иш-амалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тескари фикр

юритишдан енгил ўтишлик, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллиги кабилар;

2) адабий қобилият: Нафосат ҳисларининг юксак тараққиёт даражаси, хотирада ёрқин кўргазмали образларнинг жонлилиги, «тил зехни», беҳисоб ҳаёлот, руҳиятга қизиқувчанлик, ўзи ифодалашга интилувчанлик ва бошқалар. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бир-бирига ўхшамаган талаблари билан тафовутга эгадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагогик, муסיкавий, техник, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва шунга ўхшаш қобилиятлар тузилиши махсус хусусиятга эга бўлиб, касбий аҳамият касб этиши мумкин.

Яққол қобилиятлар тузилишини ташкил қилувчи шахснинг хислатлари, фазилатлари орасида устуворлик қилса, айримлари ёрдамчилик вазифасини бажаради. Маълумки, педагогик қобилиятлар тузилишида етакчи хислатлар сифатида педагогик одоб (такт), болаларни севиш, ўқувчилар жамоасини ташкил қилиш ва уни бошқариш, кузатувчанлик, талабчанлик, билимларга чанқоқлик, билимларни узатишга укувчанлик ва шунга ўхшашлар тан олинади. Ўқитувчилик қобилиятининг ёрдамчи (қўшимча) фазилатларига қуйидагилар киради: артистлик, нутқий қобилият, диққатни тақсимлаш, академик қобилиятлар ва ҳоказо. Педагогик қобилиятларнинг етакчи (асосий) ва ёрдамчи (қўшимча) таркиблари, жабҳалари таълим жараёни муваффақиятини таъминлайдиган бирликни (бирикувни) юзага келтиради ҳамда ўқитувчи шахси билан боғлиқ бўлган ҳамкорлик индивидуал фаолиятини ташкиллаштиради. Қобилиятлардан муайян даражада умумий ва торроқ маънода махсус сифатларни ажратиш орқали маълум туркум тизимини юзага келтириш мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда қобилиятларни умумий ва махсус қобилиятлар гуруҳига ажратиш мақсадга мувофиқ. Умумий қобилиятлар (сифатлар) махсус қобилиятларга (сифатларга) зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи омиллар яққол психологик ҳодиса ёки воқеликдир. Махсус қобилиятлар кўлам жиҳатдан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштиради.

Рус олими И. П. Павлов ўз таълимотида «бадий», «фикрловчи», «ўрта» типларга ажратилган шахсларнинг ана шу учта типдан биттасига тааллуқли эканлигини тавсифлаб беради. Муаллиф ушбу типологияни яратишда олий нерв фаолиятининг биринчи ва иккинчи сигналлар тизимидан иборатлиги тўғрисидаги таълимотига асосланади. Биринчи сигналлар ва иккинчи сигналлар тизими эса образлар ҳақида сўзлар орқали сигнал беришдан иборатдир.

Иккинчи сигналлар тизими И. П. Павлов томонидан «сигналларнинг сигнали» деб номланган эди. Ушбу типологияни осонроқ қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

1) шахс психик фаолиятида биринчи сигналлар системасининг сигналлари нисбатан устунлик қилса, инсон «бадий» типга тааллуқлидир;

2) мабодо «сигналларнинг сигнали» нисбатан устувор бўлса - бу шахс «фикрловчи типга» муносибдир;

3) агарда ҳар иккала сигналлар аралашиб кетган бўлса (бирортасининг устунлиги сезилмаса) - бу инсон «ўрта типга» мансуб одамдир.

4) Типологиянинг ўзига хос томонлари қисқача ифодаланганда ёки тавсиф қилинганида қуйидагилар намоён бўлади:

1. «Бадий тип» учун бевосита у таассуротлар, жонли тасаввур, ёрқин идрок, ҳис-туйғулар (эмоциялар) натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги ҳосдир.

2. «Фикрловчи тип» учун мавҳумларнинг, мантикий тизилмаларнинг, назарий мулоҳазаларнинг, методологик муаммоларнинг устунлиги мувофиқдир.

Бадий типнинг мавжудлиги ақлий фаолиятнинг заифлиги ёки ақлнинг етишмаслигини билдирмайди, лекин бу ўринда гап психикасининг образи жабҳаларини фикрловчи томонлари устидан нисбатан устуворлиги ҳақида боради, холос. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимидан устунлик қилади ва бу устуворлик мутлақлик хусусиятига эгадир. Маълумки, инсонларнинг ҳаёт ва фаолиятларида тил билан тафаккурнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этади, шахс томонидан борлиқни акс эттириш жараёни сўзлар, фикрлов воситасида рўёбга чиқарилади.

Сигналлар тизими орасидаги муносабатни математик тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:

а)  $C_2 > C_1$ ,  $C_2$ -иккинчи сигналлар тизими,  $C_1$ - биринчи сигналлар тизими;

б) биринчи сигналлар тизимининг иккинчи сигналлар тизимидан нисбатан устунлиги («бадий тип»):  $C > C_2$  (  $m$  - мазкур тип намояндаларининг борлиқни эмоционал ва образли билиш хусусияти жиҳатидан ажратувчи белгиси);

в) «фикрловчи тип» мана бундай ифодаланиши кузатилади:

$C_2 \geq C_1$  ( $n$ - мазкур тип намояндаларини бошқалардан ажратувчи оламга мавҳум муносабатнинг хусусияти).

Шундай қилиб, шахснинг у ёки бу фаолиятига тайёрлиги тариқасида юзага келадиган ҳар қайси яққол қобилиятлар тузилиши ўз таркибига етакчи ва ёрдамчи, умумий ва махсус номдаги мажмуа

сифатларни (хислатларни) қамраб олган бўлиб, мураккаб тизимдан иборатдир.

#### **4. Талантнинг пайдо бўлиши ва тузилиши.**

Талантнинг ижтимоий-тарихий, табиий нуқтаи назардан талқини қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи эканлигидан далолат беради. Талант (юнонча *talanton* қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар мажмуасидан (йиғиндисидан) иборат индивидуал хусусиятдир. Психологик адабиётларда унга турлича таъриф беришига қарамай, уларда асосий белгилар таъкидлаб ўтилади, чунончи, шахсга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятининг муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасига талант дейилади. Талантнинг асосий белгилари: а) муваффақиятни таъминлаш; б) фаолиятни мустақил бажариш; в) оригиналлик унсурининг мавжудлиги; г) қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги; д) индивидуал психологик хислатлиги; е) ижтимоий турмушни ўзгартирувчи, яратувчи имкониятлиги кабилар.

Талант ҳам қобилиятларга ўхшаш ижодиётда юксак маҳоратга, муваффақиятга эришиш имконияти ҳисобланиб, ижодий кутилмаси (ютук) инсонларнинг ижтимоий-тарихий турмуш шарт-шароитларига боғлиқдир. Жамиятда талантли шахсларга нисбатан муҳтожлик сезилса, бундай инсонларнинг камол топиши учун зарур объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратилса, бундай вазиятда баркамол одамларнинг шаклланишига имконият туғилади.

Шунинг учун жаҳон цивилизацияси, фан ва техникаси, санъат ва адабиёт, моддий ва маънавий маданиятини яратишнинг (ички рухий) имконияти ҳисобланмиш талант прогресснинг ҳаракатлантирувчи омилидир. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларида ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг етишмаслиги туфайли кўпчилик талант соҳиблари ўз имкониятларини рўёбга чиқариш имкониятларидан маҳрум бўлгандир. Мамлакатимизнинг яқин ўтмишида чоризм мустамлакачилик сиёсатида, қатағон йилларида қанчалаб талантли давлат ва жамоат арбоблари, бетакрор фан, маданият, адабиёт намояндалари ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга эриша олмай дунёдан кўз юмдилар. Бу - бизнинг мозийимиз, аччиқ ҳақиқатимиз, турмуш воқелигимиз, динамик хусусиятли кўнгил армонимиз, борлиққа ақл-заковат билан муносабат бўлишнинг илмий-психологик мезонидир. Талантларнинг уйғониши (туғилиши)

ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ бўлганлиги туфайли мустақил мамлакатимизда талантли ёшларга нисбатан юксак эҳтиёж сезмоқда, бу нарса яққол кўриниб турибдики, шундай мезонга лойиқ шахслар мавжуд ва улар келажаги буюк давлатимиз пойдевори ҳисобланадилар.

Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг мажмуасидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган яқка қобилиятни, ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланса ҳам, у билан тенглаштириш мумкин эмас. Бу омилга асос бўлиб, XX асрнинг 20-30 йилларида Москвалик психологлар томонидан олиб борилган феноменал ғоят ўткир, ноёб (нодир) хотирага эга бўлган инсонларни текшириш натижалари ҳисобланади. Эсда олиб қолиш қобилияти (эстрада сахна артисти) ҳеч кимда шубҳа туғдирмаган бўлса-да, лекин хотира ижодиётнинг муваффақияти, маҳсулдорлиги омилларидан бири эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келган. Маълумки, шахснинг яратувчанлик фаолиятида ақлнинг эпчиллиги, бой фантазия, кучли ирода, барқарор характер, турғун қизиқишлар, сермаҳсул билиш жараёнлари, мотивация, юксак ҳистуйғулар ва бошқа психологик сифатлар устувор аҳамият касб этади. Шунинг унутмаслигимиз ўринлики, ноёб хотирага эга бўлган ажойиб ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, юристлар, жамоат арбобларининг номлари машҳурдир.

Психологик маълумотларни умумлаштирилган ҳолда икки хил хусусиятли фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш талант тузилишини енгилроқ тушуниш имкониятини яратади:

1) талант – бу шахс психик хислатларнинг шундай мураккаб бирикмасидирки, уни: а) алоҳида, ягона махсус қобилият билан; б) хотиранинг юксак маҳсулдорлиги орқали; в) ҳатто ноёб (камёб, нодир) сифат тариқасида ўлчаб бўлмайди;

2) шахсда у ёки бу қобилиятнинг мавжуд эмаслиги ҳамда етарли даражада тараққий этмаганлиги талантнинг мураккаб таркибига кирувчи бошқа қобилиятларнинг жадал такомиллашуви орқали уларнинг ўрнини босиб юбориши (компенсация қилиши) мумкин.

Москванинг Умумий ва педагогик психология институти ходимлари томонидан ўқувчиларнинг таланти истеъдод тушунча негизида ўрганилган. Аниқланган муҳим қобилиятлар йиғиндиси ақлий истеъдод тузилишини вужудга келтирган. Илмий тадқиқотчиларнинг фикрича, юксак истеъдод куйидагича босқичлардан иборат бўлиши мумкин: а) бундай шахснинг биринчи хусусияти - зийраклилик, шайлик, жиддий фаолиятни бажаришга тайёр туришлиқдир; б) шахснинг иккинчи хусусияти - унинг меҳнатга тайёрлиги (меҳнатга мойиллиги, меҳнатга интилиши,



меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши)дир; в) инсоннинг учинчи хусусияти - унда тафаккур хусусиятлари ва фикр юритишнинг тезлиги, ақлнинг тартиблилиги, таҳлил ва умумлаштиришнинг юқори имкониятлари, ақлнинг маҳсулдорлигидир. Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, махсус истеъдод тузилиши юқоридаги сифатлардан ташқари, аниқ фаолият талабларига мувофиқ келувчи бир қатор қобилиятлар билан тўлдирилади.

Талант ўзининг умумий ва махсус сифатлари йиғиндисини билан ижодий ютуқ имкониятининг айниятидир. Талант маҳоратнинг дастлабки шarti ҳисобланса-да, лекин улар бир-биридан муайян даражада тафовутланади. Талант - катта, ижодий ва зўр меҳнат маҳсуласидир. Меҳнат эса ҳаётий тажриба, кўникмаларнинг зарурий мажмуаси манбаидир. Ижодиётнинг шarti - бу ҳаётий тажриба, зарурий кўникма ва малакалар йиғиндисининг мавжудлигидир. Ижодий фаолият талантнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бунда руҳланиш деб номланган психологик ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Руҳланиш эса фаолият маҳсулдорлиги ортишига қаратилган ижодий лаҳзадан иборатдир. Талант имконият тариқасида психологик ҳодиса ҳисобланса, у ҳолда маҳорат-ҳақиқатга айланган имконият гавдаланишидир. Психологик нуқтаи назардан ҳақиқий маҳорат - бу шахс талантининг фаолиятда намоён бўлишидир.

## **5. қобилият ва талантларнинг табиий шартлари**

Одатда қобилиятлар инсонга шахснинг барча индивидуал-психологик хусусиятлари каби табиат томонидан туғма равишда тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт давомида ва фаолият жараёнида шаклланади. Илмий психология қобилиятларнинг туғмалиги назариясини инкор этиб, шахс қобилиятларининг номаълум табиий омиллар томонидан азалий белгиланиши тўғрисидаги тасаввурларга қаттиқ зарба беради.

Шуни уқтириш жоизки, қобилиятнинг туғмалигини инкор қилиш мутлақ хусусиятга эга эмас, албатта. Лекин қобилиятнинг туғма эканлигини тан олмаслик, мия тузилиши билан боғлиқ дифференциал хусусиятларнинг туғмалигини инкор қилади, деган сўз эмасдир. Лаёқат эса қобилиятнинг табиий замини сифатида фаолиятда муҳим роль ўйнайди. Лаёқат деб қобилиятлар тараққий этишининг дастлабки табиий шarti сифатида намоён бўладиган мия тузилишининг, сезги аъзолари ва ҳаракатларнинг морфологик ҳамда функционал хусусиятлари айтилади. Туғма лаёқат жумласига нозик ҳид сезиш, бинобарин, билиш анализаторларининг алоҳида юксак сезгирлиги мувофиқдир. Алоҳида якка шахс маълум табиий лаёқатга эга бўлса, у ҳолда ўзига тааллуқли қобилиятларни ривожлантириш нисбатан енгил кечади. Инсонларнинг касбий қобилияти улар

лаёқатларининг ривожланиши маҳсулидир. Лаёқат кўпқиррали психик ҳодиса бўлганлиги туфайли фаолият талабларининг хусусиятига боғлиқ равишда бир хил лаёқатлар негизида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши кузатилади.

Лаёқатнинг тузилиши ва маҳсулдорлиги намоён бўлишига қараганда, унинг нуқсонлари ҳақида илмий маълумотлар миқдори кўпдир. Ҳозирги даврда қобилият тараққиётининг дастлабки табиий шартлари моҳияти юзасидаги фаразнинг озми ёки кўпми маҳсулдорлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Ф. И. Галлнинг таълимотича, шахснинг барча қобилиятлари, «ақл» ва “ҳиссиёт” сифатлари мия ярим шарларида ўзининг қатъий марказларига эгадир. Унинг фикрича, калла суяклари миянинг чўнқир жойларига аниқ мос тушиш лозим. Галл томонидан миянинг махсус «френологик» (юнонча *phren* «ақл» тўғрисидаги таълимот деган маъно касб этади) харитаси тузилган бўлиб, унда бош суяги 27 бўлакка ажратилган. Гўёки ҳар бир бўлакка муайян психик сифат мос тушади. Шунингдек, лаёқатнинг мия оғирлигига боғлиқлиги ҳақидаги фараз ҳам нотўғри эканлиги аён бўлиб қолади. Шахс лаёқатлари мия бурмаларининг сони билан белгиланади, деган тахмин ҳам ўз тасдиғини топмади.

XX асрнинг иккинча ярмида пайдо бўлган лаёқатни миянинг микротузилиши ва сезги аъзолари билан боғловчи фараз энг маҳсулдор бўлиб ҳисобланади. Мия ҳужайраларини тадқиқ этиш истеъдодли шахс нерв ҳужайраларининг морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш мумкинлиги фараз қилинади. Лаёқатлар билан нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусиятлари ҳамда олий нерв фаолиятининг типлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида фараз ҳам ҳақиқатга яқиндир.

Рус психологи Б. М. Теплов ва унинг шогирдлари ишларида олий нерв фаолияти типларининг хислатлари таъсири туфайли шахс қобилиятларининг тузилишида қандайдир сифат хусусиятлари пайдо бўлишини аниқлашга уринишган. Жумладан, нерв тизимининг алоҳида сезгилари маълум қобилият нишонаси сифатида вужудга келиши мумкин.

Таъкидланган хусусиятлар олий нерв фаолияти умумий типининг сифатларига ва белгиларига мансубдир. Аммо қобилиятларнинг табиий асосларини нерв тизимининг порциал (хусусий) деб номланадиган хислатлари билан боғланувчи фаразлар янада кўпроқ эҳтимол даражасига эгадир.

қобилиятнинг табиий шарти, лаёқат нерв тизимининг тузилиши ва функцияларининг хусусиятлари таркибида эканлиги, бу ҳодиса барча морфологик ва физиологик сифатлари сингари умумий

генетика қонунларига бўйсунуш фаразининг ҳаққонийлигини далиллайди. Ф. Гальтоннинг (Англия) ирсият қонунлари тўғрисидаги ғояси қобилиятнинг табиий шартланган хусусиятлари тавсифини очиб бера олмайди, чунки унда далилга муҳтож жуда кўп ўринлар мавжуддир. Шунинг учун қобилият табиатини биологик ирсиятдан эмас, балки турмуш муҳитининг наслдан-наслга ўтишидан кидириш мақсадга мувофиқдир. Агарда инсоннинг тараққиёти ижтимоий-тарихий қонунлар билан бошқарилиши тан олинар экан, қобилиятининг тараққиёти биологик ирсият қонунларига бўйсунуши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда қобилият ва лаёқатлар муайян табиий заминга боғлиқ бўлса-да, лекин улар фақат табиатнинг инъоми эмас, балки инсоният тарихий тараққиётининг бебаҳо (қимматли) маҳсулидир. Худди шу боис қобилиятларнинг намоён бўлиши шахслар томонидан ижтимоий эҳтиёжларини қондириш давомида ижтимоий шартланган билимлар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг яққол усулларига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун қобилиятлар тараққиётининг узлуксиз таълим тизимига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қобилиятларини ривожлантиришда барқарор, турғун, касбий махсус қизиқишлар муҳим омиллар, воситалар тариқасида хизмат қилади. Махсус қизиқишлари инсон фаолиятидаги у ёки бу соҳанинг (тармоқнинг) мазмунига нисбатан интилишидан иборат шахсий фазилят, ички туртки, ҳаракатлантирувчи кучдир. Бундай махсус қизиқишлар турлича фаолият билан касбий тайёргарлик сифатида шуғулланиш мойиллигига ўсиб ўтади. Билишга оид қизиқиш (фан асосларини эгаллашга йўналтирилган ички туртки) фаолият усулларини амалий жиҳатдан ўзлаштириб олишни ва янги вазият, шароитга кўчиришни тақозо қилади, рағбатлантиради ҳамда шахсда ўзини ўзи бошқаришни таъминлашга ёрдам беради.

қобилиятнинг ривожланиши шахснинг таркиб топиши билан узвий уйғунликка эга бўлиб, инсон камолоти ҳар иккала омилнинг бирикувини талаб қилади. Истеъдодли ўқувчилар ва талаблар шаклланиши ижтимоий муҳит, ижтимоий институтлар, маънавият асослари ҳамда ўзини ўзи намоён этиш, ўзини ўзи кашф қилиш, ўзини ўзи ривожлантириш асосида амалга ошиши одатий ижтимоий-психологик қонуният тариқасида хизмат қилади.

## **6. қобилият назариялари талқини**

Рус психологи А. Г. Ковалев ўз тадқиқотларида қобилиятнинг табиати ва ташхис қилиш йўллари текширишга муваффақ бўлган. Муаллифнинг таърифича, қобилият деганда бирорта хусусиятнинг

ўзини эмас, балки инсон шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш керак. Унинг таъкидлашича, қобилиятнинг тузилишида таянч ва етакчи хусусиятларни, ва ниҳоят, муайян фонни ёки ёрдамчи хусусиятларни фарқ қилиш керак. Ҳамма қобилиятлар учун асосий, таянч хусусияти кузатувчанлик - кўра билиш кўникмасидир. Унинг етакчи хусусияти ижодий тасаввур қилишдир. А. Г. Ковалев ёрдамчи хусусиятлар қаторига хотира (у фаолият талабларига мувофиқ равишда ўзига хос кўникишга эга), эмоционаллик, яъни ҳис-туйғуга берилувчанлик (бу хусусият шахснинг фаоллигини оширади).

Муаллиф таъкидлашича, илмий мавҳумлаш қобилиятнинг икки даражасини фарқлаш имконини беради: репродуктив акс эттириш даражаси. Ўз қобилияти ривожланишининг биринчи даражасида турган шахс билимларни жуда моҳирлик билан ўзлаштиради, фаолиятни ўрганиб олади ва уни бирор намуна орқали амалга оширади. Иккинчи даражада турган инсон эса янгилик яратишга қодир бўлади. Психология фанида қобилият тўғрисида гап кетганда учта ўзига хос концепция мавжудлиги таъкидланади. А. Г. Ковалев асарида баён қилинишича, улардан бири - қобилият шахснинг биологик жиҳатидан детерминлашган, яъни биологик жиҳатдан боғланган хусусиятларидир, қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши эса тамомила ирсий фондга боғлиқ, деб тушунтирилади. XIX асрда Ф. Гальтон, XX асрда Котслар талант ирсийдир, фақат имтиёзли табақаларнинг вакилларигина бой ирсий меросга эга бўладилар, деган хулосага келадилар.

Иккинчи концепциянинг вакиллари, қобилиятни бутунлай ҳаёт ва тарбиянинг ижтимоий шароити белгилайди, деб уқтирилади. Масалан, Гельвеций ўз даврида, тарбия ёрдамида гений яратса бўлади, деган эди. Америкалик олим У. Эшби, инсоннинг қобилияти яшаб турган даврида стихияли равишда ўзидан ўзи ва онгли тарзда таълим-тарбия жараёнида шаклланади, шуларнинг натижаси ўлароқ масалаларни ечиш учун тегишли дастлабки режалар ва дастурлар вужудга келади. Физиолог олимлар миянинг тузилишида индивидуал хусусиятлар бўлса, бу ҳол миянинг функцияларида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас, деб қайд қиладилар.

А. Г. Ковалев таъкидлашича, қобилиятнинг учинчи концепциясининг тарафдорлари анча тўғри позицияда турадилар. Сўнги назарияда талқин қилинишича, табиий кучлар, зехн нишоналари ва қобилиятнинг ривожланиши учун қулай ижтимоий шароит мавжуд бўлиши керак. Муаллиф зехн нишоналари деганда анатомик-физиологик хусусиятлардан кўра, кўпроқ психологик-

физиологик хислатларни тушуниш кераклигини уқтиради. Зеҳн муайян бир фаолиятга (махсус қобилият) ёки ҳамма нарсага нисбатан устуворлик қизиқувчанликда (умумий қобилият) мойилликда ва интилишда кўринади.

А. Г. Ковалев Эдисон фикрига асосланиб ( «бунда фақат 1 фоизгина гений бўлса, 99 фоиз тер тўкиш бўлган»), ҳамма буюк кишилар бағоят меҳнатсеварликка ва катта ишчанликка эга бўлганлари ҳолда, ҳатто нерв тизими табиий кучсиз бўлса-да, субъектив равишда ўз ютуқларини қобилиятдан эмас, балки меҳнатдан деб баҳолаганлар.

қобилиятнинг ривожланиши ва шаклланиши, биринчидан, маълум бир фаолиятга мойиллик ёки интилиш борлигига ва фаолият натижаларининг сифатига қараб, тегишли табиий зеҳн нишонларини аниқлаш йўли билан, иккинчидан, мутахассис раҳбарлигида тизимли фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хусусиятларини чиниқтириш ва ривожлантириш йўли билан, учинчидан, умумлашган ақлий операцияларни шакллантириш йўли билан, тўртинчидан, ўқувчининг махсус қобилиятини камол топтиришни жадаллаштиришни таъминловчи шахсни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан, бешинчидан, шахснинг фаоллик аломатларини тарбиялаш йўли билан, олтинчидан, ўқувчиларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлишни умумий талаблар билан тўғри қўшиб олиб боришдир.

А. Г. Ковалевнинг таърифича, адабий ижодга қобилият шахс истеъдодининг бадиий типига тегишли бўлиб, бадиий типдаги қобилиятнинг ҳамма кўринишларидан уни ажратиб турадиган ўзига хос сифатларга ҳам эгадир. Унинг таъкидлашича, умуман қобилият ва хусусан адабий ижодга хос қобилият мураккаб бўлиб, унинг тузилишида ҳар хил хусусиятлар ёки таркиблар (жабҳалар) мавжуд. Бу жабҳаларнинг бири етакчи, бошқалари таянч хусусиятлар, учинчилари эса сермахсул фаолият учун зарур бўлган муайян бир фонни ташкил қилади. Адабий қобилиятда уч томонни мужассамлаштириш муҳим аҳамиятга эга: ўткир кузатувчанлик, кучли ижодий тасаввур, тил воситасида кўрган ва равшан тасаввур этган нарсаларни тасвирлай олиш.

Муаллиф мулоҳазасига қараганда, адабий қобилиятнинг таянч хусусияти юмшоқ кўнгиллилик ва таъсирчанликдир. Таъсирчанлик деганда идрокнинг жонлилиги ва ўткирлигини, эмоционал илтифотгўйликнинг нақадар кучлилигини тушуниш керак. Ижод учун ёлғиз кўра билиш қобилиятнинг ўзи камлик қилади, кўрганларни қайта ўзгартира билиш, кузатилаётган нарсани бошқа ҳаётий таассуротлар билан фикран боғлай олиш ҳам муҳимдир. Кузатилаётган нарсалар ва айниқса яратилаётган образларни аниқ ва

равшан кўз олдига келтириш қобилиятида намоён бўлади ҳамда бу адабиётда кўпинча ичдан кўриш қобилияти деб аталади.

Адабий қобилиятни текшириш шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг қобилиятлари қобилиятсизларидан, В. П. Ягункованинг маълумотлари бўйича, идрок қилишнинг аниқлиги ва хотираси билан, янги оригинал образ ва сюжетлар тузишдаги тафаккур кучи ва тасаввур билан, ижодий вазиятнинг енгилгина юзага келиши билан, сўз бойлиги ва тил сезгиси билан фарқланадилар. Баъзи бирларида воқеликка мулоҳазали мантикий муносабатда бўлиш устун турса, бошқаларида образли эмоционал муносабат устундир, учинчиларида эса буларнинг ҳар иккиси мужассамдир. В. П. Ягункова синалувчиларнинг адабий қобилиятини ташхис қилишда қуйидаги кўрсаткичларни мезон тариқасида олади, чунончи, а) идрок этиш ва хотиранинг аниқлиги; б) эмоционал таъсирчанлиги; в) тасаввурнинг кучи ва жонли тилни ҳис қилиш кабилар.

С. П. Кудряцева тадқиқотида илк ўспириннинг адабий қобилияти икки типга ажратилади: адабий-танқидий тип ва бадий-ижодий. Биринчи тип бадий асарларни тушунчалар асосида таҳлил қилишнинг ўсганлигига эътибор қилинади. Иккинчи тип адабий асарларни ўқиш вақтида ва адабий мавзуга баён ёзишда ҳаяжонланиш ва ижодий ёндашишга аҳамият қаратилади.

В. А. Крутецкий математик қобилият тузилишига қуйидагиларни киритади:

1) қобилиятда болаларнинг математик материални қабул қилиши борасидаги қобилиятига математик объектлар, муносабат ва амалларни шакл ҳолга келтириб идрок қилиш математик материалга ўзига хос «йиғма» аналитик-синтетик ишлов бериш қобилиятини қайд қилиш лозим;

2) қобилиятли ўқувчиларнинг фикрлаши қуйидагилар билан: а) миқдорий ва фазовий муносабатлар, сонлар ва белгилар символикаси соҳаларида мантикий фикрлаш қобилияти; б) мамавзутик материални тез ва кенг умумлаштира олиш; в) математик мулоҳазалар жараёнида қисқача ақлий хулосалар ёрдамида фикрлашга мойиллик; г) фикрлаш жараёнларининг ниҳоятда мослашувчан ва ҳаракатчанлиги; д) ечишда равшанлик, соддалик, рационаллик ва ихчамликка интилиш;

3) математик ахборотни хотирада сақлаш ва ҳоказо.

Математик қобилиятнинг борлигини тахмин қилишга асос бўладиган ташқи аломатларни белгилаш мумкин. Муаллиф тахминича, булар қуйидагилар:

1) ўқувчининг математикага оид очик-ойдин қизиқишини намоёни қилиши, ҳеч ким мажбур қилмасдан, ўзининг бўш вақтини сарфлаб, математика билан бажони дил шуғулланишга мойиллик:

2) муайян математик кўникма ва малакаларни одатдагидан кичикроқ ёшда ўзлаштириш қобилияти:

3) математикани ўзлаштириш соҳасида тез силжиб бориш:

4) математик тараққиёт ва ютуқларнинг юқори даражаси.

Мамлакатимиз психологи М. Г. Давлетшин техникавий қобилият устида тадқиқот ишлари олиб борган етакчи мутахассис ҳисобланади. Муаллиф техникавий қобилият деганда шахснинг индивидуал психик хусусиятларидан тузилган шундай ўзига хос бирикмаларни тушунадики, у шахснинг техникавий фаолиятга яроқлилик даражасини ва у билан муваффақиятли равишда шуғуллана олишини аниқлайди.

М. Г. Давлетшин ҳам анъанавий йўлдан бориб, техникавий қобилиятни иккита ўша номдаги типга ажратади ҳамда етакчи таянч хусусиятларини ўзгаришсиз қолдиради. Лекин бошқалардан фарқли ўлароқ етакчи хусусиятлар ривожланган техникавий фикрлаш ва фазовий тасаввурдан иборатдир. Унинг талқинича, техникавий истеъдодли шахс бўлиши учун у: а) амалий жиҳатдан фахмли; б) техник мосламаларни таҳлил қила олишга қобил; в) нарсаларни монтаж қилиб қисмлардан бутунни ҳосил қила олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. М. Г. Давлетшин техникавий истеъдод кўрсаткичларини анъанавий баҳолашни тан олган ҳолда (кўз билан чамалаш, фазовий тасаввур, техникавий таҳлил, конструкциялаш қобилияти) ўзининг оригинал ёндашувини ишлаб чиққан. Техникавий қобилият даражасини ташхис қилиш учун текширишларда ишлаб чиқилган экспериментал масалаларнинг тўққизта сериясидан фойдаланади.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. қобилият тўғрисида умумий тушунча
2. қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифи
3. қобилиятнинг тузилиши
4. Талантнинг психологик асослари
5. қобилият ва талантнинг табиий шартлари
6. қобилият ҳақида назариялар
7. қобилиятнинг ривожланиши

### **Реферат учун мавзулар**

1. қобилият тўғрисида умумий тушунча.
2. қобилиятнинг тузилиши юзасидан мулоҳазалар.
3. қобилиятга психологик ёндашувлар талқини.
4. қобилият иерархияси ва ривожланиши ҳақида мулоҳазалар.

### **Адабиётлар**

1. Крутецкий В.А. Психология математических способностей.-М.: 1968.
2. Лейтес Н.С. Способности и одаренность в детские годы.-М.: 1984.
3. Мельхорн Г., Мельхорн Х.Г. Гениями не рождаются.-М, 1991.
4. Одаренные дети. М., 1991.
5. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. Т.2.-М., 1989.
6. Теплов Б.М. Избранные труды. Т.1.-М., 1985.



# **ОЛТИНЧИ БЎЛИМ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

## **ХII БОБ СЕЗГИ**

### **1. Сезги тўғрисида умумий тушунча**

Жаҳон психологияси фанида тўпланган маълумотларнинг кўрсатишича, сезиш оддий психик билиш жараёни ҳисобланиб, моддий кўзғатувчиларнинг муайян рецепторларга бевосита таъсир этиши орқали реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини ва шунинг билан бирга, инсон организмнинг (унинг аъзоларининг) ички ҳолатларини акс эттиришдан иборат билишнинг дастлабки босқичидир. Сезги биосфера ва ноосферада ҳаракатланувчи жамики нарсаларнинг, хоҳ микро, хоҳ макро тузилишидан қатъий назар, сезги органларига таъсир қилиш маҳсуласининг содда образлар, тимсолларнинг айрим таркибий хусусиятлар тариқасида акс этишидир. Инсон атроф-муҳитдаги моддалар шаклини, ҳаракатлар кўринишини, уларнинг хоссаларини, ўзига хос хусусиятларини сезги органлари ёрдамида, сезгилар орқали билади, холос.

Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб, сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички кўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир. Маълумотларнинг кўрсатишича, сезгилар моддий (объектив) борлиқнинг, воқеликнинг ҳаққоний тасвирини инъикос қилади, бинобарин, моддий олам қандай кўринишга, шаклга, хусусиятга эга бўлса, улар худди шундайлигича ҳеч ўзгаришсиз, айнан акс эттириш имкониятига эгадир.

Психологияда сезгиларнинг физиологик асосини ва механизмларини кўзғатувчиларнинг ўзига мутлақ мос (адекват) бўлган анализаторлар таъсири натижасида юзага келувчи асаб (нерв) жараёни, унинг тизими, тузилиши ташкил қилади. Физиологлар ва психологларнинг таълимотларига кўра, анализаторлар уч ўзаро узвий уйғунликка эга бўлган таркибий қисмлардан иборатдир. Содда қилиб талқин қилинганда мазкур таркиблар қуйидаги кетма-кетликдаги тузилишдир:

1) ташқи куч-қувватни (энергияни) асаб (нерв) жараёнига айлантириб берувчи периферия қисмдан, яъни рецептордан;

2) анализаторларнинг периферия қисмини марказий қисм билан боғловчи афферент (марказга интилувчи асаб толаси), ўтказувчи асаб йўлларидан;

3) периферия қисмларидан келувчи нерв импульслари (ҳаракатлари) қайта ишланувчи анализаторларнинг мия пўстидаги қисмларидан (участкаларидан) иборатдир.

Бошқача сўз билан айтганда, периферик нервларнинг учлари (кўз, кулоқ, тери, бурун кабилар), таъсиротни элтувчи (афферент), жавоб қайтарувчи (эфферент) нерв толалари, анализаторларнинг орқа ва бош мия марказлари анализаторни ташкил қилади.

Жаҳон психологияси фанининг сўнгги ютуқлари ҳамда атамаларига биноан сезгилар қуйидагича классификация қилинади (ушбу таснифланишнинг дастлабки кўриниши инглиз олими Ч. Шеррингтонга тааллуқлидир):

1) ташқи муҳитдаги нарс ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган ҳамда рецепторларга тананинг сиртки қисмига жойлашган сезгилар, яъни экстериорецептив сезгилар (рецепторлар);

2) ички тана аъзолари ҳолатларини инъикос этувчи ҳамда рецепторлари ички тана аъзоларида, тўқималарида жойлашган сезгилар, яъни интериорецептив сезгилар;

3) танамиз ва гавдамизнинг ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида маълумот (ахборот, хабар) берувчи, мускулларда, боғловчи пайларда, мушакларда жойлашган сезгилар, яъни проприорецептив сезгилар.

Биринчи туркум сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери-туюш, таъм-маза, каби турлар ташкил қилади. Кўриш 380 дан 770 гача миллимикрон диапазондаги электромагнит нурлардан иборат жараёндр. Эшитиш эса тебраниш частотаси 16 дан то 20000 гача бўлган товуш тўлқинларидан иборатдир. Кўриш сезгилари бош мия пўстлоғи бурмасининг тепа қисмидан жой эгаллаган. Тери-туюш, ҳаракат сезгилари мия пўстини марказий бурмасининг орқа қисмидан ўрин олгандир.

Энди сезгилар классификацияси, моҳияти ва унинг негизлари юзасидан кенгроқ мулоҳаза билдирамиз.

А. Р. Луриянинг фикрича, интериорецептив сезгилар асл, туб маънодаги сезгилар эмас, балки эмоциялар билан сезгилар ўртасидаги оралиқ сезгилар сифатида намоён бўлади. Психология фанида мазкур сезгиларнинг субъектив равишда пайдо бўлиши етарли даражада чуқур ўрганилмаган, худди шу боис улар “номаълум ҳислар” доирасига киритилгандир. Улар тўғрисидаги билимлар билан танишиш, ўзгариб боришларини текшириш “касалликларнинг ички манзараси”ни ифодалаб беришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ички органларнинг хасталигида вужудга келувчи мазкур ҳолатлар ички касалликларни диагностика қилишда

алоҳида аҳамият касб этиши турган гап (А. Р. Лурия тадқиқотларидан).

Бундай хусусиятли ихтиёрсиз сезгилар инсонда жуда эрта уйғонади, шунинг билан бирга уларнинг ифодаланиши ўзига хос шаклларга эгадир. Чунончи, улар “олдиндан ҳис қилиш” тариқасида пайдо бўлиб, ҳатто инсон уларни таърифлаб бериш имкониятига қодир эмас, кўпинча ушбу кечинмалар туш кўришда қайсидир касаллик ҳуруж қилаётганлигидан дарак берувчанлик вазифасини ўтайди, холос.

Улар инсоннинг кайфиятида, эмоционал реакциялари ўзгаришида кўзга ташланади, болада эса ҳатти-ҳаракатнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Чунки, бола ўз тана аъзоларидаги ички ҳолатларнинг ўзгаришини англаш, сезиш, ҳис қилиш уқувига эга эмас, худди шу туфайли ундаги ҳатти-ҳаракатнинг умумий ўзгариши белгиларидан бунини сезиш мумкин. Бу ҳодисаларнинг ёрқин мисоли сифатида қуйидаги воқеликни таҳлил қиламиз: бола ўз ички интериорецептив сезгиларини намоён қилиш мақсадида “касал” бўлиб қолган кўғирчоғини парвариш қила бошлайди.

Интериорецептив сезгиларнинг объектив аҳамияти жуда юқори, чунки улар ички жараёнларни ўзаро ўрин алмаштириш балансини таъминлаб туришнинг асоси ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, улар организмлардаги жараёнларни ўзаро ўрин алмашиб туришининг гомеостази (барқарорлиги) деб аталади. Ичдан пайдо бўладиган сигналлар ҳатти-ҳаракатни вужудга келтиради, стресс, зўриқиш, аффект ҳолатларини йўқотиш (бартараф қилиш, пасайтириш), туғилиб келаётган майлларни эса қониқтиришга йўналтиришга бўлади. Оқибат натижада, ички тана аъзоларининг фаолиятини издан чиқиш ҳолати юз бериши мумкин. Худди шу сабабдан тиббиёт психологиясида интериорецептив сезгилар ҳам муҳим роль ўйнайди. Соматик ва висцерал жараёнлар, руҳий ҳолатлар (психосоматика) ўртасидаги муносабатларни ўрганиш имконини яратади.

Интероцептив сезгиларнинг физиологик механизмлари интероцепция билан биргаликда К. М. Биков, В. Н. Черниговскийлар томонидан атрофлича ўрганилган. Бу нарсаларнинг барчаси шартли рефлектор фаолияти механизмларидан келиб чиққан ҳолда шарҳлаб берилган.

Проприорецептив сезгилар тана двигатель аппаратининг ва гавданинг фазодаги ҳолати тўғрисида сигналлар билан таъминлаб туради. Улар инсон ҳаракатининг регуляторини ва афферент асосини ташкил қиладилар.

Периферик рецепторлар мускулларда, пайларда ва бўғимларда жойлашган бўлиб, махсус таначалари шаклига эгадирлар. Мазкур таначалар Пуччини таначалари деб аталади.

Таначаларда вужудга келувчи қўзғатувчилар мускулларининг таранглашуви натижасида ва бўғимлар ҳолатининг ўзгаришида, нерв толалари (иплари) ёрдамида орқа миyanинг орқа устунисидаги (столбасидаги) оқ суюқликларга етказилади. қўзғовчилар Бурдах ва Голль ядросининг қуйи бўлимларига етиб келади ва ундан пўст ости тугунларидан ўтиб, бош миa катта ярим шарининг қоронғилашган зонасида ўз ҳаракатини яқунлайди.

Проприорецепторла ҳаракатининг афферент асоси эканлиги А. А. Орбели, П. К. Анохин (хайвонларда), Н. А. Бернштейн (одамларда) томонидан ўрганилган.

Психологик маълумотларга кўра, гавданинг фазодаги ҳолати сезгирлиги статик сезгиларда ўз ифодасини топади. Унинг маркази ички кулоқ каналларида жойлашган бўлиб ўзаро бир-бирига перпендикуляр бўшлиқда туташ ҳолатда ётади. Масалан, бош ҳолатининг ўзгариши қуйидаги схемага биноан амалга ошади:

- а) ўзгариш эндолимфа суюқлигига боғлиқ қўзғалиш;
- б) эшитиш нерви;
- в) вестибулятор нерв;
- г) бош миa пўстининг чакка бўлмаси;
- д) миa аппаратига ўтади.

Вестибулятор сезгирлик аппарати қуриш билан бевосита алоқада бўлиб, фазони ориентирлаш жараёнида иштирок этади. Масалан, автомобилнинг йўлдан ўтиши (қатнови), қалин ўрмонни кесиб ўтиш пайти ва ҳоказо. Худди шундай ҳолат учишда ҳам юзага келиши мумкин. Патология ҳолатида ҳам худди шундай жараёнга дуч келинади.

Экстериорецептив сезгилар модалликдан (5 тадан) ташқари интермодаль носпецифик сезги туркумларига ҳам ажратилади. Масалан, эшитиш органи (аъзоси) орқали секундига 10-15 тебранишни сезиш мумкин, лекин кулоқ билан эмас, балки суяклар ёрдамида (миa қопқоғи, тирсак, тизза учлари орқали) пайқаш – вибрация сезгирлиги дейилади. Масалан, карларнинг товушларни идрок қилиши, пианинони ушлаб туриш, пол ёки мебелнинг ҳаракати кабилар. Одатда вибрацион сезгирлик интермодаль сезги деб ҳам номланади. Интермодалнинг бошқа бир кўриниши мана бундай ҳолатда намоён бўлади:

а) ҳид, таъм ва маза сезгиларида;  
б) ўта кучли товушда, ўта ёрқин ёруғликда;  
в) тричеминал, яъни уч хил таъсирнинг уйғунлашган, интегратив ҳолатида кабилар.

Сезгининг носпецифик шакли – терининг фото сезгирлиги рангларнинг нозик жилоларини ажратиш, қўл учлари билан сезиш орқали рўёбга чиқади. Терининг фото сезгирлиги А. Н. Леонтьев томонидан кашф қилинган бўлиб, бу нарса кўпгина ҳолатларга оқилона ёндашиш имкониятини вужудга келтиради. Ушбу кашфиёт қўл учига яшил ва қизил рангли ёруғлик юбориш орқали дунё юзини кўрган. Ранг сигналларининг оғриқ қўзғатувчилар билан муносабати киёсий жиҳатдан олиб борилганда, инсонни фаол мўлжаллаш (ориентирлаш) жараёнида унинг қўл учи терисига келиб тушадиган ранг нурларини фарқлашга ўргатиш мумкин экан.

Психология фанида тренинг фото сезгирлиги табиати ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ. Шунга қарамасдан, таламитик тизим ва пўст остининг қўзғалганида асаб тизими ҳамда тери эктодермларидан келиб чиққан, атрофга ёйилган (тарқалган), рудиментлар ёруғлик сезиш элементлари махсус шароитда муваффақиятли ҳаракат қилади. Кўпинча “олтинчи туйғу, ҳиссиёт” шарофати билан инсон томонидан “масофа”ни сезиш, кўр одамларда тўсиқни ҳис қилиш ушбу жараён учун ёрқин мисол бўла олади. Эҳтимол, юз терисининг иссиқ ҳаво тўлқинларини идрок қилиш, тўсиқ оралиғида мавжуд бўлган товуш тўлқинларини (тебранишларини) ўзида акс эттириш терининг фото сезгирлигини илмий жиҳатдан изоҳлашга муайян негиз (асос) бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## **2. Психология фанида сезги назариялари**

Ташқи олам хусусиятлари тўғрисидаги ва шахснинг ўз гавдасини тута билиш юзасидан билимлар, маълумотлар, хабарлар ва таъсиротлар манбаи – бу сезгилар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун сезгилар инсон организмга, яъни унинг тана аъзоларига тушадиган ахборотларнинг асосий канали (йўли) саналиб, улар ташқи дунё ҳамда ички тана аъзолари тўғрисидаги хабарни бош мия катта ярим шарлари ва бош миянинг таркибларига етказиб туради, худди шу боисдан инсон ўзини қуршаб турган макро муҳитни ориентирлаш (мўлжаллаш) имкониятига эгадир. Агарда мазкур каналлар берк бўлиб қолган тақдирда, сезги органлари зарур ахборотлар билан таъминламайди, бинобарин, онгни ҳукм суриш имконияти ўз-ўзидан йўқолади.

Психология фанида шундай илмий далиллар мавжудки, мабодо инсон ахборотларнинг шахобчасидан маҳрум бўлса, у ҳолда

у уйқу ҳолатига шўнғийди. Масалан, тасодифан тери-туюш сезгилари патологияга учраса, унда одам (кўпинча вақтинча, муваққат) кўриш, эшитиш, ҳид сезишдан маҳрум бўлиши мумкин. Мабодо ахборотлар тузатиш шахобчаси илк болалик ёши даврида бузилса, қар ёки кўр бўлиб қолса, у тақдирда унинг ақлий ривожланишида кескин тўхталиш (вақтинча орқада қолиш) юзага келади. Агарда бола махсус усул ёки услубга ўргатилса, табиий равишда мавжуд камчиликларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Сезгини бундай тарзда тушунтирилишига нисбатан ҳар хил муносабатлар психология тарихида мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч қайсиси асосий манба эканлигига шубҳа билан қарашга мойилдирлар. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз ва ҳақиқий моҳиятини очиб беришга интиламиз.

Немис файласуфи Христиан Вольф “Рационал психология” (1732 йил) ва “Эмпирик психология” (1734 йил) китобларида: онгнинг ички ҳолати, ақлий фикр юритишга қобилиятлилиқ табиий моддий асос замиридан келиб чиқиб, ташқи оламдан келиб тушадиган ахборотлар шахобчасига, яъни сезги каналига, ҳеч қандай боғлиқ эмас деб тушунтиришга ҳаракат қилди. Сезгиларга мана бундай ёндашиш назариётчиси “фанга рационализм” тушунчаси билан бирга кириб келди. Х. Вольф ва унинг тарафдорлари психик жараёнлар (сезги, идрок, хотира ва бошқалар) мураккаб ижтимоий–тарихий тараққиёт маҳсули эмас, деган ғояни илгари сурдилар. Шунинг билан бирга “Онг”, “Ақл” тарихий эволюция натижаси эмас деб, инсон психикасига ўзгача ёндашиб, уни изоҳлаб бериш мушкул бўлган “бирламчи” хусусият эканлигини тушунтиришга интилдилар.

Мазкур назарияга асосланган психологлар инсоннинг сезгилари унинг ташқи олам билан боғлаб турувчи бирдан бир шахобча эканлигини инкор қилишгача бориб етдилар ва воқеликни мана бундай тарзда изоҳлашга ҳаракат қилдилар: гўёки сезгилар инсонни ташқи оламдан ажратиб турадилар, улар атроф-муҳит ўртасидаги бартараф қилиб бўлмайдиган девор ҳисобланадилар. Беркли, Юм, И. Мюллер, Гельмгольц сингари олимлар сезги органларининг “специфик энергияси” назариясини ишлаб чиқдилар. Бу ғоянинг асосчиси сифатида Иоганн Мюллер қатъи позицияда туриб, уни бутун вужуди билан ҳимоя қилишга интилди. Ушбу назарияга биноан, ҳар қайси сезги аъзоси хоҳ қулоқ, хоҳ тил, хоҳ тери бўлишидан қатъий назар, ташқи дунёнинг таъсирини акс эттирмайди, атроф-муҳитда бўлиб турган реал, яққол жараёнлар юзасидан ахборотлар беришга қобил эмас, фақат у ташқи таъсирдан шахсий жараёнларнинг қўзғатувчисидан туртки олади, холос. Мазкур назарияга кўра, ҳар бир сезги аъзолари ўзининг “специфик энергияси”га эга, ҳар қандай таъсирдан қўзғалади. Масалан, кўзни

босиб, унга электр токи билан таъсир қилиб кўрилса, унда ёруғлик сезгиси ҳосил қилинади; кулоққа электр қўзғатувчиси билан таъсир ўтказилса, у ҳолда товуш сезгиси вужудга келади. Бинобарин, сезги аъзолари ташқи таъсирни акс эттирмайди, балки улардан, яъни уларнинг таъсиридан қўзғалади, холос. Инсон ҳеч қачон ташқи воқелик, яққол дунёнинг объектив таъсирларини идрок қилмайди, балки сезги аъзолари фаолиятида ўзларининг шахсий субъектив ҳолатларини акс эттиради.

Мазкур назарияга биноан, инсон объектив дунёни идрок қила олмайди, у субъектив жараёнларни акс эттиради, оқибат натижа “дунё элемент” (майда қисм) ларни идрок қилиш вужудга келади. Психология тарихида “субъектив идеализм” деган йўналиш ҳам юзага келган бўлиб, унга, “инсон фақат ўзи”нигина билади, холос. Ундан ташқари ҳеч нарса ҳукм суриши мумкин эмас. Бу назария ўзига хос ғояга эга бўлиб, фан тарихида “солипсизм” (ягона “Мен”) номини олган эди.

### **3. Сезгиларнинг рецептор ва реффлектор назариялари**

Сезгиларнинг рецептор назариясига кўра, рецептор ёинки сезги аъзолари уларга таъсир қилувчи қўзғатувчиларга нисбатан сушт (пассив) жавоб қайтаради, сезгилар ҳаракатга қарама-қарши турувчи сушт жараёндир, ҳаракатнинг ўзи эса аксинча фаол (актив)дир.

Ҳозирги даврда сезгиларнинг рецептор назарияси мутлақо сезги жараёнининг физиологик механизмини очиб беришга яроқсиз эканлигини қатор тадқиқотчилар томонидан ишончли омилларга суянган ҳолда таъкидлаб ўтилгандир.

Сезги жараёнининг фаол (актив)лигини тан олувчи назария – сезгиларнинг реффлектор назарияси деб аталади. Ушбу фикрни асослаш учун мисолларга мурожаат этайлик ва ҳайвонот оламида акс эттиришни таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳайвонлар ва жониворларнинг сезгилари сушт (пассив) хусусиятга эмас, балки ташқи олам таъсирининг биологик аҳамиятга молик жиҳатларини фаол (актив) равишда ажратган ҳолда хатти-ҳаракатни амалга оширадилар. Масалан, болари (асалари) бир хил туркумдаги гулларга нисбатан аралаш ҳолдаги гулларга фаол (актив)роқ жавоб реакциясини билдиради; қирғий ириш-чириш ҳидларига, ундан кўра сув ўтларининг илдизлари ҳидига чакқон ҳаракат қилади. Мушук сичқоннинг қитирлашига эътиборини кучайтиради, лекин худди шунга ўхшаш камертон товушини келтирсак, асло унга парво ҳам қилиб қўймайди.

Бу омиллар шуни кўрсатиб турибдики, биринчидан, сезгилар фаоллик (активлик) хусусиятига эга, иккинчидан, уларнинг вужудга келишида ҳаракат таркиблари иштирок этади.

АқШлик психолог Неффнинг таъкидлашича, микроскоп остига олиб териға игна санчилса, худди шу участкада (майдонда) реффлектор ҳаракат реакциялари кузатилган; томирнинг қисилиши, тери гальваник рефлекс (КГР), гоҳо кўз ҳаракати, бўйин мускулларининг таранглашуви, қўлнинг ҳаракат реакцияси содир бўлиши мумкин.

Жаҳон психологлари томонидан нарсаларнинг мураккаб томонларини таниш, фарқлаш ҳаракатнинг иштирокисиз амалга ошмаслиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, кўзни юмиб жисмни фарқлаш учун қўл билан уни пайпаслаш керак, акс ҳолда унинг ҳолати, шакли, қаттиқ ёки юмшоқлиги, ғадир-будурлигини билиб, сезиб бўлмайди.

И. М. Сеченовнинг фикрига кўра, жисмни кўз билан идрок қилиш учун кўз ўша нарсани “қидирсин”, фақат шундагина мақсадга мувофиқ ҳаракат юзага чиққан бўлади. Ҳозирги даврда психология фанида кўз ҳаракатлари назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, улар ва макро ва микро, ихтиёрий ҳамда ихтиёрсиз кўринишларга ажратилади. Улар қуйидаги номлар билан ифодаланади: конвергент, дивергент, горизонтал, вертикал, циклофузион, торсион, версион, вергент, саккадик, тремор, дрейф, флики кабилар. Кўз ҳаракати ёрдами билан фазода ўрин алмашиб турган жисмларни таниш, билиб олиш ва идентификациялаш амалга оширилади. Кўз ҳаракатлари уч жуфт ташқи мускуллари, яъни мия бош суягининг III, IV ва VI жуфт нервлари орқали рўёбга чиқади. Кўзнинг микро ва макро ҳаракатлари сезгининг механизм ролини бажариш имкониятига эга.

Эшитиш сезгиси эшитиш ва товуш аппаратлари таркибларининг яқин иштирокида вужудга келади.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазаларга кўра, элементлар (содда) фаол реффлектор жараёни, шунингдек, мураккаб фаол рецептор фаолият жараёни (пайпаслаш, суратга тикилиш кабилар) мавжуд бўлиб, сезгиларнинг вужудга келишини таъминлаб туради. Психологик маълумотларнинг таҳлилига кўра, фаол ҳаракатнинг ҳар қайсиси сезгининг реффлектор назариясидан иборатдир.

#### **4. Сезгиларнинг умумий қонуниятлари ва сезгирлик**

Сезгилар ўзларига адекват (мос) бўлган кўзғатувчиларни акс эттириш шаклларида бири ҳисобланмиш билиш жараёнларидир. Кўриш сезгисининг адекват кўзғатувчиси ҳаво тўлқини узунлиги 380 дан 770 миллимикрон диапазондаги электромагнит нурланишидан иборатдир. Бу электромагнит нурланишлар кўриш



анализаторларида кўриш сезгисини вужудга келтирувчи нерв (асаб) жараёнига айланади. Эшитиш сезгилари тебраниш частотаси 16 дан то 20000 гача бўлган товуш тўлқинлари таъсирининг рецепторларда акс этишидир. Тактил сезгилари механик қўзғатувчиларнинг тери юзасида таъсири натижасида ҳосил бўлади. Карлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган тебранишни акс эттириш сезгилари нарсаларнинг тебранишларини инъикос қилиш орқали юзага келади. Бошқа турдаги сезгилар ҳам ўзларининг махсус қўзғатувчиларига эгадирлар. Лекин сезгиларнинг турли кўринишлари фақат ўзларининг махсуслиги билангина эмас, балки улар учун умумий хусусиятлари билан ҳам тавсифланадилар. Сезгиларнинг ана шу хусусиятларига – сифатлари, жадаллиги, давомийлиги ва фазовий локализацияси киради.

Сифат мазкур сезгининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди ва айти шу сезги тури чегарасини ўзгартиради. Масалан, эшитиш сезгилари товушнинг баландлиги, тембри, қаттиқлиги билан тафовутланади, кўриш сезгилари эса рангларнинг куюқлиги, жилоси, товланиши, тони ва бошқа шу кабилар билан фарқланади. Сезгиларнинг сифат жиҳатидан кўп турлилиги материя ҳаракати шакллариининг турли-туманлилигининг акс эттиришидир.

Сезгиларнинг жадаллиги уларнинг миқдорий тавсифидан иборат бўлиб, таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг функционал ҳолати билан белгиланади.

Сезгиларнинг давомийлиги уларнинг вақтинчалик таснифланишидан иборатдир. Сезгиларнинг давомийлиги ҳам сезги аъзоларининг функционал ҳолати билан, шунингдек, қўзғатувчининг таъсир қилиш вақти ҳамда жадаллиги билан ўлчанади.

қўзғатувчи сезги асосида таъсир қилиши билан дарҳол сезги ҳосил бўлмайди, балки у бир қанча дақиқадан кейин вужудга келади. Ана шу қисқа вақт сезгининг латент (яширин) даври деб аталади. Латент даври сезги турлари учун ҳар хил фурсатда кечади. Масалан, тактил сезгилари учун латент даври 130 миллисекунд, оғриқ сезгилари учун эса 370 миллисекундга тўғри келади, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига таъсир этилгандан сўнг 50 миллисекундгача вақт оралиғида ҳосил бўлади.

қўзғатувчи таъсир қила бошлаши билан бир даврда ҳосил бўлмаганидек, қўзғатувчининг таъсири тўхташи билан бир вақтнинг ўзида сезги йўқолмайди. Ваҳоланки, сезгиларнинг инерцияси (сезгиларнинг сақланиши) таъсиридан кейинги ҳодисаси деб аталадиган нарсада намоён бўлади.

Кўриш сезгиси баъзи бир инерцияга эга бўлиб, кўриш сезгисининг таъсири тўхташи билан дарҳол йўқолиб кетмайди. кўзгатувчи таъсирининг изи кетма-кет келувчи образлар деб аталадиган ҳодиса сифатида сақланиб қолади. Психологияда кўзнинг тўр пардасида рангни сезадиган уч хил хусусиятли элемент бор деб тахмин қилинади. кўзгалиш жараёни ҳосил бўлганда, улар толиқадилар ва сезгирликлари анча камаяди. қизил рангга қараб турганимизда кўз тўр пардасидаги қизил рангни қабул қилувчи элемент бошқаларга нисбатан ортиқроқ толиқади, шунинг учун кўз тўр пардасининг худди шу жойига қизил рангдан сўнг оқ ранг таъсир этадиган бўлса, қолган иккита қабул қилувчи элемент ортиқроқ сезгирликка эга бўлади ва биз кўз қаршимизда кўкиш яшил рангни кўрамыз.

Эшитиш сезгилари ҳам кетма-кет образларга эга бўлиши мумкин. Чунки қулоқни битирадиган қаттиқ овоз ёки товуш билан бирга юзага келадиган нохуш сезги, яъни бу “қулоқ”нинг шанғиллашидир. Эшитиш анализаторига бир неча секунд давомида таъсир этадиган бир қатор қисқа товуш импульсларидан сўнг улар туташ ҳолда ёки бир оз пасайтирилган тарзда идрок қилина бошлайди. Агар бу товушларнинг таъсирини моделлаштириш мумкин бўлганда эди, ана шундай ҳодисани кузатиш имкони юзага келарди. Бу ҳодиса товуш импульсининг таъсири тўхтаганидан кейин учрайди ҳамда товушнинг импульси жадаллиги ва давомийлигига боғлиқ равишда бир неча секунд мобайнида давом этиши мумкин.

Бошқа анализаторларда ҳам худди шунга ўхшаш ҳодисаларни кузатиш мумкин. Масалан, ҳарорат, оғриқ ва маза сезгилари ҳам кўзгатувчининг таъсири тўхтагандан сўнг бир неча муддат оралиғида давом этаверади.

Сезгилар учун кўзгатувчининг фазовий локализацияси, кўзгатувчининг фазода ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Дистант, яъни масофа рецептори томонидан амалга ошириладиган фазовий анализ бизга кўзгатувчининг фазодаги ўрни ҳақида маълумот беради. Контакт сезгилар: тактил, оғриқ, маза баданнинг кўзгатувчи таъсир қилаётган жойи билан боғлиқдир. Бунда оғриқ сезгиларининг локализацияси, яъни баданда жойлашган ўрни, тактил сезгиларга қараганда баданга анчагина тарқалган, лекин унчалик аниқлик даражасига эга эмас. Бу ҳолатни яққол намоиш қилиш учун қуйидаги кўрсаткичларни келтирамыз: 1 квадрат мм терига нисбатан бармоқлар 120, панжа 14, кафт 15, кўкрак 29, пешона 50, бурун учи 100 ва ҳоказо.

Локализация (маҳаллий чекланганлик) психик функцияларнинг бош мия катта ярим шарлари қобиғидаги муайян

хужайраларнинг иши билан боғланишидир. Масалан, кўрув анализаторининг иши асосан мия қобиғининг энса қисми фаолияти билан боғланган, эшитиш анализаторининг иши эса чакка бўлаклари билан, тери-туюш ҳамда ҳаракат анализаторлари бўлса тепа ва энса бўлаклари билан боғлангандир.

Инсонни қуршаб турган атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисида ахборот берувчи турли кўринишдаги сезги аъзолари ўзлари акс эттирмоқчи бўлган ҳодисаларга нисбатан маълум даражада сезгир бўлишлари лозим. Чунки мазкур ҳодисаларни озми ёки кўпми аниқ ва равшан акс эттириш лозим. Бинобарин, сезги аъзоларининг сезгирлиги долзарб ва фавқулоддаги шароитда таъсир қилиб сезги жараёни ҳосил қилиш имкониятига эга бўлган минимал даражадаги қўзғатувчи билан белгиланади. Худди шу боисдан сезиларли ёки сезилмас даражада сезги ҳосил қилувчи қўзғатувчининг минимал кучи сезгирликнинг қуйи мутлақ (абсолют) чегараси дейилади.

Кучли мутлақ (абсолют) чегарадан нимжонроқ ёки кучсизроқ қўзғатувчилар қуйи чегараларни ҳосил қилмайди, чунки, уларнинг таъсир кучи тўғрисидаги сигналлар бош мия пўстига бориб етмайди. Бош мия пўсти ҳар бир айрим олинган "n" миқдордаги импульслардан ҳаётий зарурийсинигина танлаб сўнг қабул қилиб олади. Шунинг билан бирга, мия пўсти ўз қўзғатувчанлик чегарасини ошириш йўли билан қилинган барча қўзғатувчиларни, шу жумладан, ички аъзолардан келадиган импульсларни ҳам ушлаб қолади. Вужудга келган бундай ҳолат биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Чунки, бош мия катта ярим шарлари пўсти барча тушиб келаётган импульсларни қабул қилиб оладиган ва уларнинг ҳаммасига жавоб реакциясини билдира оладиган организмни тасаввур қилиш мумкин эмас. Маълумки, бош мия катта ярим шарларининг пўсти организмнинг ҳаётий манфаатларини муҳофаза қилиб туради, шунингдек, ўз қўзғалиш чегарасини ошириш билан фаоллашмаган (актуаллашмаган) импульсларни пўстлоқ остига, яъни қуйи марказларга узатади, бунинг натижасида организм ортиқча реакциялардан мусаффо бўлади.

Текширишларнинг кўрсатишига қараганда, пўстлоқости импульслари организм учун бефарқ тура олмайди. Масалан, ташқаридан таъсир қилаётган худди ана шу кучсиз пўстлоқости қўзғатувчилари бош мия катта ярим шарлари пўстида доминант ўчоғини (хукмрон манбаини) барпо қилади ва галлюцинация ҳамда "сезгиларнинг алданишига" сабаб бўлади. Касалланган одамлар қуйи чегарадаги товушларни мияга ўрнашиб қолган товушлар тўплами тариқасида қабул қилишлари мумкин, айтиш чоғда ҳақиқий инсон нутқида бефарқ бўлади; кучсиз ёруғлик нури ҳар хил галлюцинация кўриш сезгилари ҳосил қилиши мумкин; терининг

кийимга тегишидан вужудга келган тактил сезгилар нотўғри ўткир тери сезгиларини юзага келтиради.

Сезгиларнинг қуйи чегараси мазкур анализаторларнинг мутлак (абсолют) сезгирлиги даражасини аниқлайди. Мутлак (абсолют) сезгирлик билан сезги чегараларининг меъёри ўртасида тескари мутаносиблик (пропорционаллик) мавжуд; сезги чегарасининг меъёри қанчалик кичик бўлса, мазкур анализаторларнинг сезгирлиги шунчалик юксак бўлади.

Мазкур муносабатни ушбу шаклда кўрсатиш мумкин:

### Еқ1ғР

Е-сезгирлик, Р-қўзғатувчининг таъсир чегараси меъёрини англатади.

Инсондаги ҳид билишни битта хужайрасининг чегараси тегишли ҳид тарқатувчи моддалар учун 8 (саккиз)молекуладан ошмайди, маза ёки таъм сезгисини ҳосил қилиш учун ҳид сезгисини юзага келтиришга қараганда 25000 марта кўпроқ талаб қилинади.

Инсониятда кўриш ва эшитиш анализаторларининг сезгирлиги жуда юксакдир. С.И.Вавиловнинг фикрича, кўз тўр пардасига 2-8 квант ёруғлик тушса, у холда кўриш ходисаси юз беради. Худди шу сабабдан тўла қоронғиликда ёнган шамни 27 км масофадан кўра олиш мумкин. Бироқ нарсанинг текканлигини сезиш учун кўриш ва эшитишга қараганда 100-10000 мл. марта ортиқ энергия керак бўлади.

Анализаторлар сезгиларнинг юқори чегарасига ҳам эгадирлар. Таъсир қилаётган қўзғатувчига нисбатан таъин адекват, яъни айнан сезгини ҳосил қила оладиган қўзғатувчининг юқори мутлак (абсолют) чегараси дейилади. Рецепторларга таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучини бундан кейин ҳам ортиб бориши рецепторларда фақат оғриқ сезгисини юзага келтиради.

Мутлак (абсолют) чегаранинг меъёри шароитга қараб ўзгаради: инсон фаолиятининг хусусиятларига, унинг ёшига, рецепторларнинг функционал ҳолатига, қўзғатувчининг кучи ҳамда давомийлигига ва ҳоказога боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Сезгилар ўртасида юзага келадиган фарқни ҳосил қилиш икки қўзғатувчи ўртасидаги минимал фарқни фарқ ажратиш чегараси деб аталади. Немис физиолог олими Вебер одамнинг ўнг ва чап қўлидаги иккита нарсдан оғирроғини аниқлай олиш қобилиятини текшириб, шундай хулосага келади: фарқ ажратиш сезгирлиги мутлак (абсолют) хусусиятга эга бўлмай, балки нисбий хусусиятга эгадир.

Масалан, 100 г. 13, 42 грамм

1000 г. 33, 3 грамм

Шундай қилиб, дастлабки қўзғатувчининг меъёри қанчалик катта бўлса, қўшимча қўзғатувчининг меъёри ҳам шунчалик кўп бўлиши керак:

- 1) кўриш анализатори учун 1Ғ100
- 2) эшитиш анализатори учун 1Ғ10
- 3) тактил анализатори учун 1Ғ30

Мазкур қонунга биноан, асосий қўзғатувчи билан қўшимча қўзғатувчи ўртасидаги фарқни ажратиш қонуни фақат ўртача кучланишдаги қўзғатувчиларга нисбатан тўғридир.

Вебер тадқиқотида асосланиб Фехнер сезгилар интенсивлигининг қўзғатувчи кучига боғлиқлигини қуйидаги формула билан ифодалаб берган:

$S$   $K$   $IgJ$   $C$ , бу ерда  $S$  – сезги интенсивлиги,  $J$  - қўзғатувчининг кучи,  $K$  ва  $C$  константалардир. Ушбу қонун, асосий психофизик қонунга мувофиқ, сезгиларнинг интенсивлиги қўзғатувчи кучининг логармига пропорционалдир. қўзғатувчининг кучи геометрик прогрессия бўйича ортиб борса, сезгиларнинг интенсивлиги арифметик прогрессия билан ортиб боради (Вебер-Фехнер қонуни).

Фарқ ажратиш сезгирлиги ҳам фарқлаш чегарасининг меъёрига тесқари пропорционалдир; фарқ айирма сезгирлиги шунчалик кичик бўлади.

Айирма сезгирлиги сезгирлик турларининг айрим хусусиятларини бошқа жиҳатдан тавсифлаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, шаклларни, ҳажмларни кўриш воситасида идрок қилинадиган нарсаларнинг рангларини акс эттириш ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

Сезгиларни ўлчашни асосан икки методи психология фанида ҳукм суриб келади. Улардан бири бевосита метод деб аталиб субъектив равишда баҳолашга асосланади. Ўлчашнинг иккинчи методи эса алааматларни объектив равишда баҳолашга асосланган бўлиб сезгиларнинг билвосита (бевосита) мавжудлигига қаратилгандир.

Бевосита метод ёки қўзғатувчининг сўз билан баҳолаш методи қуйидагича тузилишга эгадир: синалувчига тери, товуш, ёруғлик таъсир қила оладиган қўзғатувчи ҳавола қилинади, даставвал қўзғатувчи минимал интенсивликка (жадалликка) эга бўлади, сўнг уларнинг кучи орттириб борилади. Мазкур тадбирлан кейин синалувчи “у қайси бир сезги қўзғатувчисининг дастлаб сезганлигига” жавоб бериш сўралади.

Тери сезгирлигини ўлчаш учун махсус асбоб “эстеziометр” қўлланилади. Эшитиш сезгирлигини ўлчаш аудиометр ёрдамида амалга оширилиб, товушларнинг турли даражалариджаги интенсивлиги аниқланади. Баъзан кичкина темир шарни ҳар хил баландликдан ташлаб қўриш орқали ҳам юқоридаги мақсад амалга оширилади. Қўриш сезгирлигини аниқлаш эса синалувчи кўзига ёруғликнинг турли туман интенсивликда юбориш орқали (гоҳо коронғиликда), қуйидан юқorigа ёруғлик бирлиги (яъни люкс) орттириб борилади. Таъм ва ҳид билиш сезгирлиги ҳам махсус асбоблар ёрдамида ўлчанади, гоҳо кимёвий усул ҳам қўлланилади.

Бевосита методи объектив аломатларга асосланиб иш юритишни тақазо этади. Собиқ совет психологлари, психофизиологлари Г. В. Гершуни, Е. Н. Соколов, О. С. Виноградов ва бошқалар мазкур метод ёрдамида кўп йиллар мобайнида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлир. Маълумки, сезгилар ҳеч маҳал суст билиш жараёни бўлмаган бинобарин, улар вегетатив, электрофизиологик, нафас олиш олиш жараёнлари ўзгариб боради, шунинг учун ўз табиати билан рефлектор жараёндир. Сезгилардаги рефлектор ўзгаришлар уларнинг объектив равишда юз бераётганлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Масалан, сезгиларни ҳосил қилиувчи ҳар қандай кўзғатувчи рефлектор жараёнларни ҳам вужудга келтиришга қодир: қон томирларининг торайиши, текри гальваник рефлекс (тери электр қарҳшилигининг камайиши), миянинг электр активлиги частотасининг ўзгариши (альфа, ритма, депрессияси ҳолати) кўзғатувчига қараб кўзнинг йўналиши, бўйин мускулларининг таранглашуви ва бошқалар. Мана бу нарсаларнинг барчаси сезгиларнинг пайдо бўлишини объектив кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, синалувчига кучсиз кўзғатувчи билан таъсир этилса, яъни субъектга кучсиз кўзғатувчи билан таъсир этилса, у ҳолда субъектда ҳеч қандай сезги ҳосил бўлмайди, шунингдек, санаб ўтилган рефлекторларда ҳам ўзгариш юз бермайди.

қон томир ёки электрофизиологик реакциялар кучсиз кўзғатувчи таъсирида ҳам аниқ намоён бўлиши мумкин, аксинча сезиш жараёни эса амалга ошмайди. Бу ҳолатни электроэнцефаграфик реакциялар тасдиқлайди. Товуш кўзғатувчига келиб чиққан ҳолда Г. В. Гершуни инсон субсенсор диапазонга эга деган илмий ғояни олға суради. Бу нарса англашилмаган физиологик реакциялар, сезиб бўлмас кўзғатувчиларга асосланади.

Сезгиларнинг ўзгариши адаптация ва сенсibiliзация ҳолатларида ўз ифодасини топади.

Адаптация (лотинча – мосланмоқ, adapto) – сезги органлари, яъни аъзолари (анализаторлар)нинг таассурот кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгаришидан иборатдир. Адаптация ҳодисасида сезгирлик ортиши ёки камайиши мумкин. Кучли таъсирдан кучсиз таъсиротга ўтганда, сезгирлик аста-секин ортиб боради, таъсирот кучайганда эса сезгирлик камайиб боради (кўрув, эшитув, ҳид билиш, тери-туюш ва ҳаказо).

Одатда генетик нуқтаи назардан адаптация уч хил хусусиятли негиз (манба) таъсирида вужудга келади.

1. қўзғатувчиларнинг давомли таъсири жараёнида сезгиларнинг тўла йўқолиши тарзидаги адаптация. Доимий таъсир қилиб турадиган қўзғатувчи таъсир ўтказадиган бўлса, бундай ҳолатда сезги сўниб қолади. Масалан, териға тегиб турадиган енгилгина бир юк тез орада сезилмай қолади. Ёқимсиз ҳидли бир жойға қириб қолганимизда, бир оздан сўнг бу ҳидни батамом йўқолиб кетгандай ҳис қиламиз. Оғизда бирон-бир нарса ушлаб туриладиган бўлса, таъм сезгисининг интенсивлиги бўшашади.

Доимий ва ҳаракатсиз қўзғатувчининг таъсириға нисбатан кўриш анализаторларида тўла адаптация ҳодисасини шу билан тушунтириб бериш мумкин. Бундай ҳолатда қўзғатувчининг ҳаракатсизлигини кўриш рецепторлари аппаратининг ҳаракатчанлиги босиб юборади. Кўзни ҳар доим ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда ҳаракатланиб туриши кўриш сезгисининг узлуксизлигини таъминлайди. қўзғатувчи таъсиридан 2-3 секунд ўтгач, кўриш сезгиси йўқолади, яъни адаптация ҳодисаси юзаға келади.

2. Кучли қўзғатувчининг таъсири остида ҳам сезгилар заифлашади. Масалан, қўлни муздек сувға тутиб турган пайтда, совуқ қўзғатувчи таъсири билан юзаға келагн сезгининг интенсивлиги пасаяди. қоронғироқ хонадан жуда ёруғ жойға қириб қолсак, биз аввал бошқа ёруғликдан «кўр» бўлиб қолиб, атрофимиздаги нарсаларни ажрата олмаймиз. Маълум фурсат ўтгандан сўнг, кўриш анализаторларнинг сезгирлиги кескин суръатда пасаяди ва биз мўътадил кўриш имкониятиға эға бўламиз. Кўриш сезгирлигининг интенсив ёруғлик қўзғатувчиси билан таъсир қилганда пасайишдан иборат ҳодисани ёруғлик адаптацияси деб юритилади.

Кўриб ўтилган икки турдаги адаптацияни кўпинча психология фанида негатив адаптация деб аталади. Чунки, ҳар иккала адаптация натижасида ҳам анализаторларнинг сезгирлиги кескин пасаяди.

3. Сезгирликни, кучсиз кўзғатувчи таъсири остида содир бўладиган, ортиб боришини ҳам адаптация деб аташ анъанага айланиб қолган. Аксарият сезги турларига хос бўлган адаптациянинг мазкур туури позитив адаптация дейилади.

қоронғилик адаптациясида кўриш сезгирлиги ортади. Сокинликка нисбатан адаптация эшитиш адаптацияси замирида юзага келади. Масалан, совуқ сувда (совуқ еган) қўл – бир ҳарорат – иссиқдай ; иссиқ сувда қўл совуқ сувда ўзгармагандай туюлади. Ҳарорат сезиш билан боғлиқ бўлган позитив адаптациялар юқоридаги хусусиятларга эга.

Тиббиёт психологиясида негатив оғриқ адаптациясининг мавжудлиги тўғрисидаги гипотеза (уколга, игнага, иссиқ нурланишга нисбатан) ҳам ҳукм суриши таъкидланиб ўтилди.

Адаптацияни ҳосил бўлиш хусусиятлари тўғрисида маълумот: а) тактил (тери) адаптация жуда тез ҳосил бўлади; б) кўз адаптацияси бир неча минут; в) ҳид ва таъм адаптациялари ундан ҳам узунроқ вақт талаб қилади.

Адаптациянинг аҳамияти шундан ибратки, у кучсиз кўзғалишни пайкашга ёрдам беради, кучли кўзғалишдан сезги органини сақлайди.

Адаптацияни тушунтириб бериш: 1) таёқсимон хужайраларга жойлашган кўриш пурпури айланиб кетади; кимёвий модда борлиги илмий жиҳатдан исботланмаган; 2) миянинг пўстлоқ қисми сезгирликни пасайтирадиган «мулоҳазаловчи» тормозланиш. Тормозланиш – бошқа жойларда кўзғалишни кучайтиради – сезгирлик ортади, изчил ўзаро индукция ҳодисаси рўй беради.

Анализаторларнинг ўзаро муносабати ва машқ қилиш натижасида сезгирликнинг кучайиши сенсбилизация деб аталади. Сезгилар ўзаро муносабатининг физиологик механизми анализаторларнинг марказий қисмлари жойлашган бош мия пўстидаги кўзғалишнинг иррадиация ҳамда концентрация жараёнларидир. И. П. Павловнинг таълимотига кўра, кучсиз кўзғатувчи бош мия катта ярим шарларининг пўстида осон иррадиацияланадиган, яъни осон ёйилиб кетадиган кўзғалиш жараёнини юзага келтиради. кўзғалиш жараёнининг иррадиацияси натижасида бошқа анализаторларнинг сезгирлиги ортади. Кучли кўзғатувчи таъсир этганда, аксинча, концентрацияга мойил бўлган кўзғалиш жараёни юзага келади. Ўзаро индукция қонунига кўра,



бундай кўзғалиш жараёни бошқа анализаторларнинг марказий қисмларини тормозланишга олиб келади ва натижада уларнинг сезгирлиги пасаяди.

Анализаторлар сезгирлигининг ўзгариши шартли рефлектор асосида, яъни иккинчи сигналлар тизимсига кирувчилар таъсири билан ҳам юзага келиши мумкин. Текширилувчиларга «лимондан нордон», заҳардан аччиқ» деган сўзларни талаффуз қилиш билан уларнинг кўзлари ва тилларида электр сезгирлиги юзасидан ўзгаришни майдонга келтирувчи омиллар қайд этилган. Ушбу ўзгаришлар бизга ҳақиқий лимон ва заҳар табиати билан таъсир қилинганда ҳосил бўладиган кўзғалишга ўхшашлик вужудга келган.

Сезги органларининг сезгирлигини ўзгартириш қонуниятларини ўзлаштириб олганлигимизга асосланиб, махсус равишда танланган кўшимча кўзғатувчиларни қўллаш ёрдами билан маълум бир рецепторларни сесибилизациялаш, яъни уларнинг сезгирлигини ошириш имкониятига эга бўламиз.

кўзғатувчининг бирин-кетин анализаторга таъсири билан анализаторларга хос сезгининг пайдо бўлишини синестезия дейилади. Синестезия юнонча биргаликда сезиш деган маънони англатиб келади. Синестезия ҳодисасини ҳар хил турдаги сезгиларда кузатиш мумкин. Кўриш ва эшитиш синестезияси ҳаммадан кўра кўпроқ учраб туради, унда товуш кўзғатувчиларининг таъсири билан одамга кўриш образлари вужудга келади. Бундай табиатли синестезиялар ҳар хил одамларда ўзига хос равишда кечади, лекин улар ҳар қайси шахс учун муайян даражада доимий бўлиши кузатилади. Масалан, айрим композиторлар (бастакорлар) Римский-Корсаков, Скрябин кабилар «рангни эшитиш» қобилятига, рассом Чорлёнис, Бахзод «рангли мусиқа» истеъдодига эга бўлганлар. Эшитиш ва таъм синестезия ҳодисаси кўпинча «ўткир таъм», «савлатли ранг», «ширин товуш», «аччиқ шамол», «баҳайбат овоз», «мотамсаро осмон», «қалб ўртар наво», сингари ибораларда ўз ифодасини топган бўлади. Чунки уларнинг моҳиятида иккиланганлик хусусиятлари махсус кучайтиргич тариқасида муҳим аҳамият касб этади.

Сезгирлик машқ қилиш орқали ривожлантирилиб борилади. Бундай ўзгариш компенсация ва фаолият мазмунида ўз аксини топа боради. Айниқса, кўр (кўр мусиқачи), кар, соқов, ҳайкалтарош одамларда, вибрация сезгиси билан шуғулланувчиларда сезгирлик кескин равишда ошиши мумкин. Психоллог Элен Киллер ҳид сезгисига нисбатан сезгирликни махсус равишда тадқиқ қилиб, у ўзига хос хусусиятлар мавжуд эканлигини далиллаб берган. Машқ

қилиш натижасида инсонда сезгирлик ортиб бориши тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, улар қуйидаги кўрсаткичларга эгадирлар:

1) нотекислик – 0, 0005 мм; 2) бўяш (бўёқчи) – 180-40 гача; 3) пўлат қуювчи – 1 60 мин. ; 4) рассомлар – 1 150 мин. ; 5) учувчи (мотор ҳаракати ўзгариши) – 1300 дан 1340 гача; 6) рим мозаика устахонасида 20000 ранг тури мавжуд; 7) кўрларда – тактил сезгипачиниев моддаси юқори; 8) соғлом одамларда 186 та тактил рецептори; 9) кўрларда эса бу – 270 та; 10) кейинчалик кўр бўлиб қолганларда бўлса – 311 та.

Шундай қилиб, сенсibiliзация ҳодисасида сезгирликнинг ортиши қуйидагиларга боғлиқдир:

1) муайян, узоқ муддатли организмдаги ўзгаришларга;  
2) муваққат хусусиятли экстра таъсир ёки фавқулоддаги ҳолат ва вазиятга;

3) ёш хусусиятлари, типологик шароитлар, эндокрин ҳаракати, организмнинг умумий ҳолати, унинг толиқишига;

а) 30 ёшгача юқори даражага эришиш мумкин, ундан кейин пасайтириш бошланади; б) нерв тизимсининг динамикаси (Б. Т. Теплов бўйича); в) эндокрин баланси (ҳомиладор ва бошқа одамларда); г) организмда функционал ҳолатнинг бузилиши ёки инсоннинг чарчаши.

4) фармологик таъсирлар (адреналин, фенамин, бенчидрин – кучайиш; пилокарпин – пасайиш)га.

Сезгирликнинг ўсиши кўп жиҳатдан субъект устанoвкaсига, нутқнинг аҳамиятлилигига, нутқ инструкциясига боғлиқдир.

Сезгиларга бағишланган экспрементал тадқиқотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилганлигини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1. Вебер ва Фехнерларнинг “психофизиологик қонуни”нинг очилиши.

2. Г. Эббингаузнинг хотира юзасидан ўтказилган тадқиқотлари негизи.

3. Г. Гельмгольцнинг сезги органлари тўғрисидаги психофизиологик ишлари ва ишламалари.

4. В. Вундтнинг психофизиологиядаги сезгилар ва ҳаракатлар бўйича олиб борган изланишлари.

5. П. П. Лазеров томонидан ёруғлик тони муаммосининг ўрганилиши.

6. Е. Н. Соколов, С. В. Краков каби тадқиқотчилар ўтказган тажрибалар ва олинган қонуниятларнинг талқини.

## 5. Сизгининг нейрoфизиoлoгик асoслари

Билиш жараёнларни, хусусан сезгиларни ўрганишдан аввал шахс психикасининг барча томонлари билан узвий боғлиқлигини англаш, тушуниш лозим. Чунки сезгилар идрок жараёнининг таркибий қисми сифатида намоён бўлса, идрок инсоннинг ҳаётий тажрибаси, унинг хотираси билан бевосита боғлиқдир.

Психология фанида ва фалсафада билишнинг икки босқичи, яъни унинг ҳиссий (сезги, идрок, тасаввур) ва ақлий (рационал) поғоналари мавжуд эканлиги мумтоз хусусият касб этгандир. Ақлий босқич хотира, тафаккур, ҳаёл жараёнларини қамраб олган бўлиб, ўзининг мукамаллиги, юксаклиги, маҳсулдорлиги, ижодийлиги билан олдинги босқичдан кескин ажралиб туради. Бироқ, бугунги кунда билиш босқичларининг миқдори, тавсифи психология фани олдида турган зарур вазифаларни бажаришга қурби етмайди, онг даражалари хусусиятларига кўра билиш қўшимча босқичларга нисбатан кучли эҳтиёж сезади. Худди шу боис билишнинг ҳаракатли ҳиссий, ақлий, ижодий, тарихий босқичларга (табақалаштириш бизники-Э. ғ.) ажратиб тадқиқот қилиш мақсадга мувофиқдир (Э. ғозиев). Ҳаракатли ҳиссий босқич нутқгача даврда устиворлик қилиш билан бошқа билиш кўринишларидан кескин тафовутланиб туради. Ҳиссий ва ақлий босқичлар барча инсонларга хос бўлиб, улар онтогенезнинг турли даврларида ҳукм суриши мумкин ва акс эттириш имконияти бошқаларга қараганда маҳсулдорроқ, самаралироқдир. Ижодий тархий билиш босқичи янгилик яратиш, кашфиёт қилиш, муайян сифат ўзгаришларини вужудга келтириш, у ёки бу хоссаларни такомиллаштириш билан тавсифланади.

Жаҳон психологияси фани маълумотларига қараганда, сезгилар биз учун атроф-муҳит тўғрисида ва ўзимиз ҳақимизда ягона билиш манбаи сифатида хизмат қилади. Сезгилар шундай бир иншаклицион каналки, улар ташқи оламдан ва ички тана аъзоларидан келадиган барча ҳолатлар, таассуротлар айнан худди шу йўллар орқали мия пўстига етиб боради, инсонга таъсирларга нисбатан тўғри жавоб реакциялари қайтаришга ёрдам беради.

Ҳис этиш ёки сезишнинг филогенетик тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳайвонларда маълум бир нарсани сезиш, ҳис этиш уларнинг биологик жиҳатдан зарурият, эҳтиёж эканлигига қараб ривожланган.

Бу ҳолатлар кўпгина чет эл олимлари томонидан изчил равишда ўрганилган ўзига хос омиллар, механизмлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, Фриш асалари хатти-ҳаракатларини кузатганда, у қуйидаги ишни амалга оширган: гулга ўхшаш

мураккаб геометрик шаклга нисбатан асаларининг дифференцировкаси (фарқлаши) осон кечган. Агарда шу мураккаб геометрик шакл ботаникага оид бўлмаса, у ҳолда арида дифференцировка жуда қийинлик билан вужудга келган. Тадқиқотчи Боцнинг кузатишича, жониворлар, қурт-қумурсқаларга хос бўлган товушларга нисбатан худди шу турдаги ҳашоратлар бефарқлик билдирмаган, мабодо товушлар қаттиқ ва тез суръатда кечса, у тақдирда уларга ҳеч қандай эътибор бермаган. Ушбу вазиятни ўзича баҳолаган олим биологик шартланганликдан келиб чиққан, табиий эҳтиёж, инстинкт билан узвий боғланган.

Тадқиқотчи Бойтендайк ўз кузатишларида шу нарсани таъкидлайдики, жумладан итлар органик кислоталарнинг ҳидини яхши ҳис этадилар, аммо улар ҳайвонларнинг танасини, хушбўй гуллар, ўтлар ҳидини эса ниқ сезиш, ҳис этиш имкониятига эга эмас эканлар.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кўзғатувчиларнинг биологик жиҳатдан айнан мослиги (адекватлиги) уларнинг физиологик ривожланиши учун моддий негиз, табиий эҳтиёж, зарурат моҳияти билан боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсондаги аниқ сезгиларнинг шу даражада тараққий этишига ижтимоий муҳит, жараён муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Чунки айрим индивидларнинг сезувчанлиги уларнинг кундалик фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, биологик шартланган хусусиятлар билан жипс алоқада ривожланиши ҳам мумкин. жумладан, тадқиқотчи Реусса маълумотига кўра: тикувчилар, буёқ цехида ишловчилар қора рангнинг 40 (қирқ) хилини бир-биридан фарқлаш имкониятига эга эканлар, умуман бошқа соҳада фаолият кўрсатадиган одам дарҳол бундай рангнинг икки турини фарқлаб олар экан, холос. Бундан ташқари, дегустаторларда таъм билиш сезгилари жуда ҳам аниқ ва яхши ривожланган бўлар экан. Чунки сезгининг ўсиши кўзғатувчиларнинг рецепторга таъсири натижасида юзага келади, яъни рецепторлар ривожланиши билан боғлиқ.

Рецептор-бу кўзғаткич ёки кўзғатувчини қабул қилишга мўлжалланган нерв толаларидан ташкил топгандир. Рецепторларнинг асосий хусусиятларидан бири-унинг ихтисослашган биологик аппарат эканлигидир, худди шу боисдан у жуда сезилувчан кўзғалишни қабул қилади. Ҳар бир рецептор маълум бир хусусиятли кўзғатувчигина қабул қилади, бинобарин, рецепторлар ўша “таниш” кўзғатувчиларнинг таъсир этиши натижасида юзага келади ва ривожланади.

Бизга маълумки, инсон ўзининг тана аъзоларига таъсир этаётган ранг, иссиқлик ёки совуқлик таъсирини, ҳидларнинг ўзига хослигини сезади ҳамда акс эттиради. Ана шу вазият натижасида анализаторларнинг периферик қисмларида жавоб реакция ҳосил бўлади. Мисол учун кўз қорачиғи қисқаради, кенгаяди, қўл эса иссиқликдан сезканади ва бошқалар. Ҳаракатларни қабул қилувчи тана аъзоларидан бош мия пўстига ҳаракат тўғрисида қайта сигнал беради, қайта алоқа орқали ички тана аъзолари ва бошқа аппаратлари иш бажаради.

Сезгилар акс эттиришнинг хусусияти ва рецепторларнинг жойлашишига қараб, инглиз психологи Ч. Шеррингтон уларни уч катта гуруҳга ажратади.

1. Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи ҳамда тананинг юза қисмида рецепторлари жойлашган экстероцептив сезгилар.

2. Тананинг ички аъзоларида (ўпка, юрак, жигар ва ҳоказо) ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички тана аъзоларининг ҳолатини акс эттирувчи рецепторлар билан мужассамлашган интероцептив сезгилар.

3. Инсон гавдасининг ҳаракати ва ҳолати ҳақида маълумот бериб турувчи, рецепторлари мушакларида, пайларда проприоцептив сезгилар.

Психология фанида ҳаракатни сезувчан проприоцептив сезги тури кинестезия деб аталиб, унга тегишли рецепторлар эса кинестетик ёки кинестетик тушунчаси билан номланади. Экстероцепторлар ўз навбатида контакт ва дистант рецепторларига ажратилади, гоҳо сезгилар тушунчаси “ҳис-туйғу” атамаси билан ҳам юритилади. Одатда дистант рецепторлар муайян масофадаги объектдан келадиган кўзғатувчиларни қабул қилиб, сўнг уларни нерв йўллари орқали марказга узатади. Кўриш, ҳид билиш сезгилари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Экстероцептив, яъни ташқи сезгилар тўғрисидаги дастлабки маълумот қадимги юнон (грек олими) Арасту (Аристотель) томонидан тавсифланиб берилган бўлиб, эраמידан олдинги 384-322 йилларда яшаб, фаолият кўрсатган), у сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза, таъм турларига ажратган эди. Психологик маълумотларга қараганда, сезгилар гоҳо ўзаро боғланиб бошқа сезги турларини юзага келтириши мумкин: масалан, пайпаслаб кўриш натижасида сезиш таркибида тактил тери-туюш сезгилар билан бир қаторда сезгиларнинг тамоман бошқа тури, яъни ҳарорат сезгиси ҳам киради. Худди шунга ўхшаш воқелик, ҳодиса тактил ва эшитиш

сезгиларига нисбатан оралиқ ўринни вибрацион сезги эгаллаши мумкин.

Мувозанат сезгиси мураккаб вестибуляр аппарати, вестибуляр нервларини ҳамда кўз пўстости қисмларини ўзида бирлаштиради. Турли анализаторлар учун умумий ҳисобланган оғриқ сезгилари кўзгатувчиларнинг таъсир кучи ҳаддан ташқари кучли эканлигидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, инсоннинг тана аъзоларида рецепторларнинг жойлашув даражаси ҳар хилдир, жумладан, бармоқ учларида рецепторлар зич, елка қисмида эса жуда сийрак жойлашгандир. Ҳозирги замонда сезгилар ички ва ташқи турларга қарийб ажратилмайди ва улар ҳарорат, оғриқ, маза, вибрацион, статистик, динамик сезгилар деб юритилади.

С. В. Кравков (1893-1951) маълумотларига кўра, бир сезги аъзосининг фаолияти иккинчисининг таъсири туфайли ўзгаради, товуш асосан кўриш сезгисининг ёруғлик сезувчанлигини орттиради. Шунга ўхшаш турли ҳидлар ҳам ёруғлик ва ҳид билишга нисбатан сезгирликни ошириши ёки камайтириши мумкин. Бундай ўзаро таъсир сабабли мия устунини юқори қисми ва кўриш бўртиқларига тегишли ўсимталарнинг яқин жойлашганлиги туфайли бошқасига ўтиши осонроқ амалга ошади.

Бундан ташқари, сезгиларнинг ўзаро кўзғалиши ва тормозланишини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки айрим ҳолларда автоматик бошқарилиш туфайли тунги учинида сунъий сезгирликни пасайиш ёки ортиш зарурияти туғилади. И. П. Павлов томонидан анализаторнинг мураккаб ўзаро таъсир шакллари мавжуд эканлиги қайд этилгандир. Улар бевосита бош мия пўстида намоён бўлиб, бир вақтнинг ўзида кўраётган жисмни, эшитилаётган товушни, келаётган ҳидни сезишимизда ўз ифодасини топади. Бу бош мия пўстида кечадиган физиологик жараёнларни босиб ўтиши зарур бўлган зоналар перикритик зоналар деб номланади. Сезгиларнинг классификацияси уларнинг турли специфик тавсифларига, яъни модаллигига қараб эмас, балки ташкил этилишининг ҳар хил даражаларига қараб ҳам оширилади.

Инглиз неврологи Хед сезгиларни протопатик ва эпокритик номлар билан иккита даражага бўлган. Протопатик содда тузилишига эга дегани учун унда кўпроқ ҳақиқий ҳолат билан эмоционал ҳолатни ажратиб бўлмайди. Мураккаб эпокритик даражаси ақлий босқич таркиблари (элементлари) иштирок этиши мумкин, жумладан, кўриш сезгиси бунга яққол мисолдир. Маълумотларнинг кўрсатишича, биринчи протопатик сезгилар кейинчалик эса эпокритик сезгилар тикланади.

Сезгиларни объектив йўналиши бўйича Е.Н.Соколов, Виноградовлар текширганлар ва улар пассив жараён эмаслиги, вегетатив элементлар физиологик нафас олиш тизимида ўзгаришга сабаб бўлиши тушунтирилиб берилган. Ушбу вақт рефлектор ўзгаришларни сезгининг объектив кўрсаткичи сифатида ишлашга имконият яратади. Маълумки, сезгини пайдо қилувчи ҳар бир кўзгатувчи, яъни кўзгатгич, рефлектор жиҳатдан юзага келувчи жараёнларни чақиради, чунончи, томирларнинг торайиши, теригальваник рефлекторларнинг пайдо бўлиши (тери қаршилигининг ўзгариши), миянинг электр активлигининг ўзгариши, кўзларнинг кўзгатгич томон бурилиши кабилар. Буларнинг ҳамма сезги жараёнининг пайдо бўлишидагина ишга тушади, худди шу сабабдан улар сезгиларнинг объектив кўрсаткичлари тариқасида хизмат қила олади.

Тажрибаларда шу нарса қайд этилганки, кўзгатувчилар интенсивлиги ошган сари жавоб реакцияси ҳам интенсивроқ бўлиб борар экан. Бу эса сезгиларнинг интенсивлигини асос сифатида ишлатишга муҳим негиз ҳозирлайди. Томир ва электрофизиологик реакциялар чегараларга одатдаги кўзгатувчиларга қараганда яқин кўзгатувчиларга нисбатан кескинроқ бўлади.

И.П.Павлов кейин унинг шогирдлари анализаторларнинг ўзаро боғлиқлигини конвергенция асосида тадқиқ қилганлар. П.П.Лазерев (1878-1942) тери ультрабинафша нурлар билан нурланиши натижасида кўриш сезувчанлигининг сусайишини аниқлаган. Бу ҳолат бошқа анализаторларга қуйи чегарадаги кўзгатувчиларнинг таъсир этишида ҳам бирон-бир анализаторнинг сезувчанлиги ўзгариши мумкин деган умумий хулоса чиқаришга олиб келади.

Е.Н.Соколовнинг тажрибаларида кўзгатувчига нисбатан мувофиқлашувчи реакциянинг сусайиши юзасидан далолат берувчи далиллар тўпланган эди. Нерв тизими сезги аъзоларига таъсир қилган ҳолда уларнинг хусусиятларини нафисроқ намоён этади. Бунда модалликлар танлаб таъсир қилувчи фильтрлик вазифасини бажаради. Муайян пайтда рецепторга таъсир қилучи кўзгатувчи илгари таркиб топган нерв модели билан мувофиқ келмаганда тахминий таъсиротни ҳосил қилувчи мувофиқлаштириш сигналлари вужудга келиши мумкин. Ва аксинча, илгари тажрибаларда қўлланилган кўзгатувчи тахминий таъсиротни йўқотиб қўйиш эҳтимоли бор.

Чет эл психологлари ва физиологлари сезгирликни Менделнинг қонуниятига асосланган ҳолда насл, яъни ирсият билан боғлиқ шаклда тадқиқ қилганлар. Спейдер таъм билиш наслга

боғлиқ деган хулоса чиқаради ва 100 оилада буни синаб кўради. Олинган маълумотларга қараганда, ота-оналар билмаган таъмни болалари ҳам пайқамаганлиги намоён бўлган.

И.П.Павловнинг шогирди П.К.Анохин ўзининг қирқ йиллик фаолияти давомида организм интегратив фаолиятининг нозик механизмларини ўрганган. Муаллиф ўзининг бир қатор асарларида функционал тизим назарияси моҳиятини баён қилади, яъни организмнинг фаолият тизими мавжуд бўлиб, у ёпик, такрорланувчи физиологик циклик тузулмасидан иборатдир. Муаллифнинг фикрича, организмнинг функционал тизими организм хатти-ҳаракати реакцияларининг физиологик механизмнинг принципиал схемасидан иборатдир. Организмнинг барча жараёнлари, хатти-ҳаракатлари, вегетатив актлари агарда фойдали самара билан тугалланса, у ҳолда уч босқич орқали бажарилади. Мазкур босқичлар афферент, синтез, қарор қабул қилиниш бажарилиши учун зарур бўлган ҳаракатлар натижаси, яъни моделини ҳосил қилиш йўли билан олдиндан акс эттиришдан иборат. Афферент, синтез босқичи ҳар қандай хатти-ҳаракат актининг ривожланиш бошланғич поғанасидир. Ушбу босқич тугагач, муайян хатти-ҳаракат акти шаклланишнинг навбатдаги босқичи бошланади. Айнан худди шу босқичда организм хатти-ҳаракатининг уч асосий масаласи, яъни нима? қандай? ва қачон? бажарилиши ҳал қилинади.

Афферент синтез босқич, асосан тўрт жабҳа (компонент) негизида содир бўлиши тажрибаларда синаб кўрилган. Унинг асосий жабҳалари, энг аввало доминант (мотивация-ўта хоҳиш) ва унга ҳамроҳ ҳисобланган эмоциянинг кучлилиги ҳамда барқарорлигида намоён бўлади:

1. Организмга қўзғатувчиларнинг маълум бир таъсири.
2. Йўналтирувчи афферентациянинг мавжудлиги.
3. Афферентациянинг муайян шарт-шароитлари.
4. Хотира аппаратлари ва механизмлари.
5. Буларнинг ўзаро таъсири учта нейродинамик омил орқали бажарилади: а) йўналганлиги; б) нейронларда қўзғалишнинг конвергенцияси (тўйиниши); в) қўзғалишнинг пўстлоқ ва пўстлоқости тузилмаларда қайта ҳосил бўлиши, тикланиши.
6. Бу механизмлар нерв тизимида турли қўзғалишларни тўплашга, бирлаштиришга, солиштиришга ва мазкур муҳитда энг қулай хатти-ҳаракат актини бажариш учун қарор қабул қилишга олиб келади.
7. Мия пўстлоқ хужайраларида қўзғалишнинг конвергенцияси ва уларни солиштириш жараёни бутун мия миқёсида бу ўзаро таъсир



натижаларининг интеграцияси ҳаракат мақсадининг шаклланишига ҳамда уни унумлироқ қарор танлаш сари етаклайди.

Катта ярим шарларнинг мураккаб интегратив фаолиятининг бошланғич босқичини турли қўзғатувчилари бир нейрондаги конвергенцияси деб қараш мумкин.

Катта ярим шарларда махсус нейронлар гуруҳи борлиги туфайли улар турли-туман қўзғалишларнигина қайта қабул қилиш билан чекланмай, балки мия пўстлоғининг пирамида хужайраларидан аксон орқали келувчи эфферент қўзғалишларни ҳам қабул қилади. Бу эса орқа мия пўстлоқости ва пўстлоқдаги кўплаб аксонлар нейронларнинг вазифаси циклик қўзғалишни кўпинча сақлаб туриш, ўзига хос «кутиш» тўпламини сақлашдан иборат. Шу билан бир вақтда периферик ишчи аъзоларига юбориладиган буйруқ нусхасини бутун миёга тарқалишини таъминлайди. Бир нейроннинг ўзидаги эфферент қўзғалиш конвергенцияси периферик рецепторлардан келувчи афферент қўзғалиш билан аксонга узатилган буйруқ нусхаси олинган натижаларни баҳолаш учун шарт-шароитлар яратади. Эволюция жараёнида ҳосил бўлганлиги билишнинг нейродинамик механизмларининг кашф этилиши ҳар қандай бўлажак ҳодисаларнинг таҳлил қилинишига мақсадли омиллар олдиндан билишга асос бўлади.

Кўриш анализатори ўзаро бир-бири билан алоҳида бўлган ўтказувчан периферик қисмдан, пўстлоқости ва бош миё ярим шарларидаги кўриш марказларидан иборатдир. Эшитиш анализатори ҳаво тўлқинларининг тебранишини қабул қилади, уларнинг механик энергиясини нерв хужайрасининг қўзғалишига айлантиради.

Шундай қилиб, сезгиларнинг нейрофизиологик асоси жуда мураккаб бўлганлиги туфайли уни ўрганиш бир талай қийинчиликларни вужудга келтирар экан.

## **6. Сезги турларининг психологик тавсифи**

Психология фанида учта катта гуруҳ (туркум)га ажратилган сезгилар (экстерорецептив, приорецептив, интерорецептив) ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади:

1. Кўриш сезгилари
2. Эшитиш сезгилари
3. Ҳид билиш сезгилари. Экстерорецептив
4. Таъм билиш сезгилари
5. Тери сезгилари
6. Мускул-ҳаракат (кинестетик)

7. Статик сезгилар. Проприоцептив
8. Органик сезгилар. Интероцептив

### **6.1. Кўриш сезгилари.**

Инсон томонидан ранг ва ёруғликни сезиш кўриш сезгилари таркибига кириб, сезиладиган ранглар эса хроматик ва ахроматик турларга бўлинади.

Психофизиологик қонуниятга биноан ёруғлик нурлари учбурчак шиша призма орқали ўтиб синганда ҳосил бўладиган ранглар хроматик ранглар деб аталиб, улар камалак ранглар ҳисобланади ва таркибига қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, хаворанг, кўк, бинафша тусларини қамраб олади. Бироқ мазкур рангларнинг турлари, кўринишлари табиатда хилма-хил ва ниҳоятда кўпдир. Одатда оқ ранг, қора ранг, кул ранг ва уларнинг турлича кўринишлари ахроматик ранглар деб номланади.

Кўриш сезгиларининг органи - кўз ҳисобланиб, у кўз соққаси ва ундан чиқиб келадиган кўрув нервларидан ташкил топгандир. Кўз соққасини ташқи томирлари ва тўр пардалари ўраб туради. Ташқи парданинг тиниқ бўлмаган оқ қисми склера ёки қотган, қаттиқ парда деб номланади, унинг олд томонига жойлашган бир мунча каварик қисми тиниқ мугузпарда бўлиб, унинг олдинги қисми рангдор парда деб аталади. Мазкур парданинг рангига биноан, унинг товланишига қараб, одамларда кўз кўк, қора, сариқ жило беради ва уларни биз кўк кўз, қўй кўз, қора кўз ва ҳоказо деб атаймиз. Рангдор парданинг ўрта қисмида юмалоқ тешик мавжуд бўлиб, биз уни қорачиқ деб атаймиз. Худди шу тешик орқали кўз ичига ёруғлик нурлари киради. Келаётган, тушаётган, ажраётган ёруғликнинг озлиги ёки кўплигига қараб, қорачиқ кенгайиши ёки торайиши жараёнлари ҳукм суради.

Кўзларнинг учинчи пардаси тўр парда деб номланиб, у кўз соққасининг деярли бутун ички юзасини қоплайди. қорачиқ билан рангдор парданинг орқасида икки томони қаварик, тиниқ жисм кўз гавҳари жойлашган бўлади, ёруғлик нурлари унда тўпланиб, сўнг синади ва тўр пардага нарса ёки жисмнинг акси, сурати тушади. Халқа шаклдаги киприксимон мускулнинг узайиши ёки қисқариши туфайли гавҳар ё яссиланади ёки қаварик ҳолига келади (жисм кўздан узоқлаштирилганда гавҳар яссиланади, кўзга яқинлаштирилганда эса у шар шаклига киради). Кўз гавҳарининг мазкур ҳосияти туфайли хоҳ узоқда, хоҳ яқинда бўлмасин, нарсаларнинг акси гавҳардан ўтиб, сўнг тўр пардасига тушаверади.

Кўз соққасининг гавҳар билан тўр парда ўртасидаги бутун ички юза шишасимон жисми деб номланувчи махсус тиниқ суюқлик билан қопланган бўлади. Тўр парда ранг ва ёруғликни сезиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда кўрув нервининг тармоқлари жойлашгандир. Ушбу тармоқларнинг чеккада учларида таёқчалар ва колбачалар деб аталадиган махсус нерв хужайралари мавжуддир. Инсон кўзининг тўр пардаси 130 миллионга яқин таёқча ва 7 миллионга яқин колбача бор деб тахмин қилинади. Колбачалар ёрдами билан хроматик (кундузги) ранглар кўрилади, холос. Таёқчалар ёруғликни яхши сезувчан бўлиб, хира ва қоронғи пайтларда ўз функциясини бажаради, ахроматик рангларни акс эттиради.

Тўр парданинг энг сезгир жойи - сариқ доғнинг асосан колбачалар билан тўлган марказий чуқурчаси ҳисобланиб, унга қайси нарсанинг акси тушса, худди шуни ҳаммадан равшанроқ кўрамиз. Объектга тик қараш натижасида кўз мускуллари унга қаратилади ва акс эттирилувчининг сурати сариқ доғга тушади, бундай тарздаги кўриш тўғридан кўриш дейилади. Агарда нарсаларнинг сурати сариқ доғдан ташқарида, яъни тўр парданинг бир жойида ранг ва ёруғликни сезадиган таёқчалар ва колбачалар мавжуд эмас, бу кўрув нервининг кўз соққасидан чиқиш жойи бўлиб, у ёруғликдан таъсирланмаганлиги учун кўр доғ деб аталади.

Одам кўзи рангларни тахминан 380 миллимикрондан 780 миллимикронгача узунликдаги тўлқинларнинг таъсирида сезади: 1) 780-610 қизил ранг; 2) 610-590 зарғалдоқ; 3) 590-575 сариқ; 4) 560-510 яшил; 5) 480-470 ҳаво ранг; 6) 470-450 кўк ранг; 7) 450-380 бинафша ранг сезилади.

а) Кўриш сезгиларининг хоссалари:

1. Рангнинг тони (150 га яқин туслари).
2. Очиқлик (қора билан оқ рангда 200 гача тус ажратилади).
3. Рангнинг равшанлиги (600 га яқин).
4. Рангнинг қуюқлиги (тонгнинг яққоллиги).
5. Рангларнинг аралашиб кетиши (турли узунликлардаги ёруғлик нури)

б) Кўриш сезгиси жараёни:

Уч рангли сезиш назарияси:

1. 1756 йилда М.В.Ломоносов асосий қоидаларини баён қилиб берган.

2. 100 йилдан кейин немис физиги Г. Гельмгольц уни тўла исботлаб берган.

3. Ушбу назарияга биноан, тўр парданинг колбачаларида учта асосий элемент мавжуддир, улардан бирининг кўзғалиши қизил ранг сезгисини, иккинчи бирининг кўзғалиши яшил ранг сезгисини ва учинчи бирининг кўзғалиши бинафша ранг сезгисини ҳосил қилади. Назарияга кўра, ёруғлик тўлқинлари бирданига учта элементни бир хилда кўзғатса, оқ ранг сезгисини вужудга келтиради. Лекин ёруғлик тўлқинлари икки ёки уч элементга таъсир қилса-ю, аммо бу таъсир бир текис кечмаса, у ҳолда сезувчи элементлардан ҳар бирининг қанчалик кўзғалганлигига қараб, ҳар хил ранг сезгилари намоён бўлади.

Ҳозирги замон психологиясида рангларни сезиш ёлғиз тўр пардасидаги жараёнлар билангина эмас, балки мия пўстида юзага келадиган бошқа жараёнлар билан ҳам боғлиқ эканлиги тўғрисидаги маълумот мавжуддир. Замонавий маълумотларга биноан, таёкчаларда кўриш пурпури деган махсус модда борлиги исботланган. Кўзга ёруғлик таъсир этганда кўриш пурпури кимёвий йўл билан парчаланиб, таркибий қисмларга бўлинади ва мазкур жараён кўриш нервини кўзғатиб, ёруғлик сезгиси ҳосил қилади, қоронғиликда эса пурпур ўз функционал ҳолатини қайта тиклайди.

в) Кўриш сезгиларида махсус ҳодисалар:

1. Ранг контрасти (кучсизланиш туфайли).
2. Шапкўрлик.
3. Ранг ажрата олмаслик (трахома) - кундузги ва тунги ҳайвонлар.

## **6.2. Эшитиш сезгилари.**

Эшитиш сезгилари товушларни эшитишдан иборат бўлиб, муסיқавий ва шовқинли товушларни акс эттиради. Одатда товушлар оддий ва мураккаб турларга ажратилади, уларнинг биринчиси тонлар, иккинчиси эса бир неча тондан ташкил топади. Тонлардан бири асосий тон ҳисобланади ва товушнинг баландлигини, кучини белгилайди, бошқалари қўшилувчи товушлар саналиб, улар обертонлар дейилади. Муסיқа асбобларидан таралаётган товушларнинг ўзига хослиги фан тилида тембр деб аталади. Ҳатто нутқ товушлари ҳам оҳангли товушлар (унли товушлар) ёки шовқинлардан (ундош товушлар) ташкил топган бўлади.

Эшитиш сезгилари органи кулоқ бўлиб, ташқи кулоқ (кулоқ супраси билан эшитув йўлидан иборат), ўрта кулоқ (ноғора парда ва унга ёпишган учта суякча: болғача, сандон ва узангидан ташкил

топган), ички кулоқ (кулоқ лабиринти ўзаро бирлашган учта бўлакдан тузилган). Ташқи кулоқ ҳаво тўлқинларини йиғувчи карнай вазифасини бажаради. Ноғора парда ва унга ёпишган суякчалар ҳаво тўлқинларини ички кулоққа узатади. Ўрта кулоқ махсус йўл орқали оғиз ва бурун бўшлиғи билан туташган бўлади. Ички кулоқнинг юқори қисми учта ярим доира каналдан, ўрта қисми камерадан ва пастки қисми чиғанокдан ташкил топгандир.

Ички кулоқнинг учала бўлими эндолимфа номли махсус суюқликдан иборатдир. Ички кулоқнинг асосий қисми чиғанокдан иборат бўлиб, унинг ичида Кортий органи мавжуд, у гумбаз шаклига эга, асосида эса мембрана жойлашган. Мембрана узунлиги қисқариб боровчи эластик толалардан иборат бўлиб, улар таранг тортилган турларга ўхшайди, унинг юқори қисмида махсус таёқчасимон хужайралар мавжуд ва улар Кортий дугалари деб юритилади. Мембрананинг толалари эндолимфага ингичка қиллари бор махсус хужайралар ёрдамида Кортий дугалари орқали мия катта ярим шарлари пўстининг бўлагига жойлашгандир.

а) эшитиш сезгиларининг физик сабаблари:

Ҳаво тўлқинларининг ҳаракати туфайли товуш чиқарувчи жисмлар тебранганида эшитиш сезгилари ҳосил бўлади. Агарда муסיқавий товушлар ҳаво тўлқинларининг текис, ритмик ҳаракатлари натижасида вужудга келса, шовқинлар товушлар эса уларнинг нотекис ҳаракатларидан туғилади.

### **6.3. Ҳид билиш сезгилари**

Ҳид билиш сезгиларига ҳидларни ҳис қилиш киради ва уларнинг органи бурун ковагининг юқори томони ҳисобланиб, бу ерда ҳид билиш хужайралари ҳамда сезувчи нерв тармоқлари жойлашган, улар шиллиқ пардаларда ботиб туради.

Ҳидли моддалар сезувчи нервни кўзғайди, ҳид билиш маркази бош мия ярим шарлари орқа юзасининг пастки қисмида мавжуд деб тахмин қилинади. Ҳидли моддалар ҳид билиш хужайраларига газ ҳолатида таъсир этиб, кимёвий реакциялар йўли билан уларни кўзғатади (уларнинг барчаси буғланади ва эрийди). Одатда газ ҳолатидаги ҳидли моддалар ҳаво билан нафас олиш жараёнида бурун ковагига кириб келади, натижада акс эттириш ҳолати ҳосил бўлади.

### **6.4. Таъм билиш (маза) сезгилари**

Таъм билиш сезгилари ширин, аччиқ, нордон, шўр сингари мазаларни ҳис қилиш билан тавсифланади. Улар муайян туркумга киритилган ва киритилмаган хилма-хил турларга эга бўлиб, нарсаларнинг, моддаларнинг номлари билан юритилади: ноннинг мазаси, қовуннинг мазаси кабилар.

Таъм билиш сезгиларининг органи тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидан ташкил топгандир. Тилнинг шиллиқ пардасида махсус таъм билиш сўрғичлари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибида таёқсимон хужайралардан тузилган махсус таъм билиш «куртаклари» («сўғонлари») га эга. Ўзига хос хусусиятлари, сифатлари билан тафовутланувчи таъм билиш сўғонлари тил юзасида бир текис тақсимланмаганлиги учун унинг орқа қисми аччиқ мазани, учи ширин мазани, четлари эса нордон мазани аниқ сезади, лекин унинг ўртаси бўлса, таъм мазасини акс эттира олмайди. Таъм билиш сўғонларининг хужайрали қисмларида махсус сезувчан нервларнинг чекка учлари жойлашган, улар таъм билиш органидаги қўзғалишни бош мияга узатиб туради, унинг марказлари хид билиш марказларига яқин жойдадир.

Таъм билиш сезгилари моддаларнинг кимёвий хоссалари таъсирида ҳосил бўлади ва сўғонлар эриган моддалар таъсири остида қўзғалади.

Хид ва таъм билиш сезгилари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, кимёвий моддаларнинг таъсир этиши натижасида юзага келади. Аммо уларнинг биттаси контакт, иккинчиси дистант сезгилар тоифасига киради.

## **6.5. Тери сезгилари**

Тери сезгилари таркиби туйиш ва ҳарорат турларидан иборат бўлиб, уларнинг бундай номланишининг бош омили – бу рецепторларнинг тери ва организмнинг ташқи шиллиқ пардаларида жойлашганлигидир.

Туйиш сезгилари икки хил ахборотни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг биринчиси тегиш ва тарқалишни туйиш сезгилар, иккинчиси эса силлиқ ёки ғадир-будурни туйиш билан тавсифланади. Одатда тана аъзосига нарсаларнинг тегишини сезиш ташқи қўзғалиш кучайганда сиқикни сезишга айланади, у янада кучайганда сиқик оғриқ сезгисига айланади.

Туйиш сезгилари органи – теридаги ва ташқи шиллиқ пардалардаги туйиш таначалари деб номланувчи таначалардан иборатдир. Таначаларнинг ичида, қисман ташқарисида (эпителийда)

туйиш нервнинг чекка тармоқлари мавжуд, улар терида ва шиллик пардаларда бир текис тақсимланган. Улар бармоқларнинг учларида, тил учида, лабда зич жойлашган, худди шу боисдан сезгирлик даражаси бошқалардан юксакроқдир. қайси ерда таначалар сийрак бўлса, демак, у жойларда сезиш кўрсаткичи шунчалик пастдир.

Психологияда туйиш таначалари ва сезувчи нервнинг чекка тармоқлари зичлиги эстеziометр асбоби ёрдами билан ўлчанади. Асбоб кериладиган икки оёқли циркулдан ташкил топган бўлиб, унинг ўзагидаги даражалар оёқларнинг учлари ўртасидаги масофани ўлчайди.

Туйишнинг аниқлик даражалари: а) бармоқ учларида 1 мм-2 ммгача, б) қўл кафтида 10 мм, в) орқада 60-70 мм масофа бир йўла икки оёқча тегаётганлигини сезиш мумкин (масофа камайса, сезгирлик пасаяди).

Туйиш сезгиларининг маркази бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида жойлашган деб тахмин қилинади.

Туйиш сезгиларининг ташқи, яъни физик сабаби – бу бирон-бир нарсаларнинг терида бевосита тегишидир.

Ҳарорат сезгилари иссиқ ёки совуқни сезиш билан тавсифланади. Махсус таначаларнинг ичида иссиқни ёки совуқни сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари жойлашган бўлади.

Уларнинг ташқи сабаби – бирон-бир ҳароратга эга бўлган қаттиқ, суюқ ва газсимон жисмларнинг танага тегиб туришидир. Иссиқни ёки совуқни фарқлаш қўзғатувчи ҳарорати билан бадан ҳарорати ўртасидаги нисбат билан белгиланади. Масалан, қўзғатувчининг ҳарорати бадан ҳароратидан паст бўлса – совуқни, агарда юқори бўлса – иссиқни сезамиз, ҳис қиламиз.

**ФАРҚЛАШ:** а) жисмларнинг иссиқ ўтказувчанлиги: темир ва юнг.

**ҲАРОРАТ СЕЗГИЛАРИ:** а) ташқи қўзғатувчилар, б) организм ичида: қўрқиб - қон томири тораяди, уялиш - қон томири кенгаяди.

## **6.6. Мускул – ҳаракат сезгилари ва статик сезгилар.**

Мускул-ҳаракат сезгилари, мотор сезгилари, гоҳо кинестетик сезгилар деб номланиб, уларга оғирликни, қаршилиқни, органлар ҳаракатини билиш сезгилари киради. Уларнинг органлари – гавда мускуллари, пайлар, бўғимлардан иборатдир. Органларнинг

таркибида сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирида ҳаракат ва статик сезгилар вужудга келади.

Мускул-ҳаракат сезгиларининг физик сабаби мускулларга таъсир этувчи нарсаларнинг механик таъйиқи ва гавда ҳаракатларидир.

Статик сезгилар гавданинг фазодаги ҳолатини сезиш ва мувозанат сақлаш сезгилари деб аталади.

Гавданинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат сақлаш сезгиси учун ички кулоқдаги вестибуляр аппарат рецептор вазифасини бажаради. Вестибуляр аппарат кулоқ даҳлизи ва ярим доира каналлардан ташкил топган бўлади, сезувчи нерв тармоқлари эса гавданинг фазодаги ҳаракатини ва ҳолатини бошқаради. Гавда мувозанатини сақлашда отолитлар алоҳида аҳамият касб этиб, улар эндолимфада сузиб юрадиган майда оҳактош кристалларидан ташкил топгандир.

Одатда организм автоматик равишда рефлекс йўли билан мувозанат сақлайди.

## **6.7. Органик сезгилар**

Органик сезгиларнинг рецепторлари ички органларда: қизилўнгач, меъда, ичак, қон томирлари, ўпка ва шу кабиларда жойлашган бўлади.

Ички органлардаги жараёнлар органик сезгилар рецепторларининг қўзғатувчиларидир. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- а) оғриқ сезгилари;
- б) хуш туйғулар;
- в) нохуш туйғулар.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Сизги тўғрисида умумий тушунча
2. Сизги назариялари таҳлили ва тавсифи
3. Сизгининг реффлектор назарияси
4. Сизги қонуниятлари ҳақида мулоҳазалар
5. Сизгининг нейрофизиологик асослари
6. Кўриш сезгилари
7. Эшитиш сезгилари
8. Ҳид ва таъм билиш сезгилари
9. Тери-туюш сезгилари



10. Мускул-ҳаракат ва статик сезгилари
11. Органик сезгилар хусусиятлари

### РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Сезгилар тўғрисида умумий тушунча.
2. Сезги назариялари ҳақида мулоҳазалар.
3. Сезги назариялари.
4. Сезгининг нейрофизиологик асослари.
5. Сезги қонуниятлари бўйича мушоҳадалар.
6. Сезги турларининг психологик тавсифи.
7. Сезгиларнинг ривожланиши.

### Адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. Теория ощущений.-Л.: ЛГУ, 1961.
2. Кравков С.В. Взаимодействие органов чувств.-М.-Л., 1948.
3. Леонтьев А.Н. Проблема развития психики. –М., МГУ, 1972.
4. Теория связи в сенсорных системах.-М., “Мир”, 1972.
5. Экспериментальная психология. Под. ред. П.Фресса и Ж.Пиаже, вып. 1, 2.-М., “Прогресс”, 1966.

## XIII БОБ ИДРОК

### 1. Идрок тўғрисида умумий тушунча.

Идрок сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён бўлиб ҳисобланганлиги сабабли барча руҳий ҳолатлар, ходисалар, хусусиятлар, хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттиришда иштирок қилади.

Идрок тушунчаси латин тилида «perceptio» қабул қилиш, идрок деб номланади, унинг юқори босқичи эса «апперцепция» (лотинча -ad га perceptio-идрок, қабул қилиш) дейилади. Апперцепция - идрок жараёнини шахснинг олдинги билимлари, шахсий ва ижтимоий тажрибалари, қизиқишлари, мотивацияси, эҳтиёжлари ва одатлари, умуман, руҳий ҳаётнинг барча мазмуни билан белгиланишидир. Апперцепция ходисаси туфайли одамлар ўзаро идрокининг мазмуни билан бир-бирларидан муайян даражада тавофутланадилар, яъни улар айнан бир хил нарсани ўзининг билим савияси, маслағи, позицияси, дунёқараши ва ижтимоий келиб чиқишига асосланган ҳолда турлича идрок қиладилар ҳамда акс эттирадилар. Масалан, «илдиз» тушунчасини биологлар ўсимликларнинг моддий асоси сифатида, математиклар сонларнинг

илдиз остидаги кўринишида, ижтимоий нуқтаи назардан қариндош-уруғчилик шаклида кўз ўнгига келтиради. Мазкур тушунча баъзи ҳолларда идрокнинг аниқлик, тўлиқлик, равшанлилик, предметлилик, танловчанлик (саралаш) каби сифатларнинг маъноси ўрнида қўлланилган. Психология назарияларига кўра апперцепция ҳодисаси барқарор ва вақтинча (муваққат) деб юритувчи икки кўринишга (турга) ажратилади. Барқарор апперцепция ҳодисаси шахснинг дунёқараши, қатъий маслағи, идеали, позицияси, мотивацияси, қизиқиши, билим савияси, маданий даражаси, хулқ-атвори, маънавияти ва касбий тайёргарлигига боғлиқ бўлиб, у ўта мураккаб тузилишга эгадир. Муваққат (вақтинча) апперцепция тури эса шахснинг фақат идрок қилиш жараёнидаги эмоционал ҳолатига, яъни унинг кайфияти, руҳланиши, шижоати, стресс, аффектив кўринишдаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги, тезлигида ўз ифодасини топади.

Психология фанида идрок муайян шаклларга ажратилиб тадқиқ қилинади, вақт, ҳаракат, фазо ёрдами билан атроф-муҳитнинг, биосферанинг, ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар маълумотлар, хусусиятлар акс эттиради. Борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг яшаш шакли, узлуксиз равишда ҳаракатда бўлиши, муайян объектив вақт бирлигида ҳукм суриши инсон онгида бевосита инъикос қилинади. Одатда инсон томонидан вақтни идрок қилиш, асосан руҳий ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, хусусиятларнинг ўзаро ўрин алмашинуви туфайли намоён бўлади ва ўзига хос тузилиши билан мазкур жараённинг бошқа шаклларида фарқ қилиб туради. Вақтни идрок қилиш инсон томонидан акс эттириладиган вақт бирлигининг объектив (ҳаққоний, холис) мазмунига, шахснинг унга нисбатан муносабатига боғлиқ бўлиб, худди шу мезон орқали унинг маҳсулдорлиги ўлчанади. Масалан, шахснинг эҳтиёжи, мотивацияси, қизиқишлари ва интилишига мос, мутаносиб вақт бирлигини идрок бирлигини идрок қилган тақдирдагина вақт объектив жиҳатдан (кечинмалар, ҳис-туйғуларга нисбатан шахснинг ижобий, ҳаққоний муносабатларида) тез ўтгандай идрок қилинади, одатда ёқтирмаслик, идрок майдонига (қамровига) номутаносиблик эса шахсда зерикаш, вақт «секин» ўтиш туйғусини уйғотади.

Биосфера ва ноосферадаги ҳаракатларни идрок қилиш жисмларнинг (баъзан нисбий жиҳатдан бошқа ижтимоий, сиёсий табиий ҳолатларнинг) фазодаги (ижтимоий ҳаётдаги) ўрин алмашинувини бевосита (бавосита) инъикос эттиришдан иборатдир. Худди шу сабабдан ҳаракат нисбатан (қиёсий) ва нисбат берилмасдан (таққосланмасдан) идрок қилиниши илмий психологик манбаларда қайд қилиб ўтилади. Мабодо ҳаракатдаги жисм уни

куршаб турган ҳаракатсиз бошқа жисмларга таққосланган ҳолда идрок қилинса, бундай тоифадаги ҳаракат нисбатан идрок қилиш деб аталади. Агарда ҳаракатланаётган жисм ҳеч қандай нарса билан таққосланмасдан идрок қилинса, бу кўринишдаги ҳаракат эса нисбат берилмасдан (нисбатсиз) идрок қилиш дейилади. Фазони идрок қилиш - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг фазода эгаллаган ўрнини, шаклини, миқдорини ва бир-бирига нисбатан муносабатларини акс эттирувчи билиш жараёнининг шаклидир. Воқеликни идрок қилиш орқали инсон борлиқ тўғрисида, унинг хусусиятлари, ҳажми, масофаси (ич томони, чуқурлиги) юзасидан муайян маълумотлар, хоссалар, ахборотлар тўплаш, уларни фарқлаш имкониятига эга бўлади. Идрокнинг ҳар учала шаклининг ёрдами билан дунёни билиш жараёни амалга ошади, вербал ва новербал ҳолатлар билан бевосита ва билвосита йўл ёрдамида муайян образлар (тимсоллар, тавсиялар, имидж) мужассамлашади, натижада яхлит инъикос этиш ҳолати юзага келади, билишга оид аксарият маҳсуллар тўпланади.

Идрок жараёнида унинг феноменлари (юнонча «*phainomenon*»-ноёб, ғайриодатий ҳолат деган маъно англатади) муайян ҳодисаларни акс эттиришда иштирок этади, инъикоснинг турлича аниқликда намоён бўлиши мумкинлиги тўғрисида маълумот беради. Улар жаҳон психологияси фанида галлюцинация (лотинча *hallucinatio*) алаҳлаш, босинқираш, валдирлаш, яъни йўқ нарсаларнинг кўриниши, эшитилиши, сезилиши), иллюзия (лотинча «*illusio*» –хато, адашиш, янглашиш деган маънони билдиради), аттракция (франц. *attraction*)-ўзига тортиш, маҳлиё этиш, жалб қилиш маъносини беради), яққол кўриниш (русча «ясновидение»-яққол олдиндан кўриш, яққол ғойибдан хабар олиш демакдир) тушунчалар орқали номланади.

Яққол воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тана аъзоларини қабул қилиш анализаторларига бевосита таъсир этмасдан инсон онгида турли образларнинг (овозларнинг эшитилиши, шарпаларнинг сезилиши) ҳаёлан, фикран пайдо бўлишидан иборат идрокнинг психопатологик (руҳий хасталик) ҳодисасига галлюцинация дейилади. Галлюцинация ҳодисаси муваққат руҳий хасталикнинг аломати бўлиб, баъзан кўрқич ҳисси маҳсули ҳисобланиб, бош мия катта ярим шарлари қобиғидаги кўзғалиш жараёнларининг нуқсонли, суст (патологик) ҳаракати натижасида, гоҳо асаб тизимининг захарланиши, заифлашуви, ҳаддан ташқари толиқиши туфайли юзага келиши мумкин. Бизнингча, галлюцинация ҳодисаси бир неча хил кўринишга эга бўлиши мумкин, уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборатдир: а) йўқ нарсаларнинг кўзга

кўриниши; б) у ёки бу овозлар, товушлар, куйлар эшитилиши; в) йўк шарпалар, хидлар сезилиши кабилар.

Иллюзия ҳиссий аъзоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ҳодисаларнинг нотўғри (ноадекват), янглиш, хато идрок қилишдан иборат жараённинг ноёб ҳодисасидир. Баъзан психология фанида нотўғри (ноадекват) идрок қилишга олиб келувчи қўзғатувчилар конфигурациясининг (лотинча «contiguration» ташқи тузилишида ўхшашлик, ўзаро ўхшашлик, жойлашувда ёндашувлик деганидир) ўзи ҳам иллюзия деб аталади. «Адекват» тушунчаси лотинча «adae gguatus», яъни теппа-тенг, мутлақо мос, айна тўғри демакдир. Ҳозирги даврда кўриш идрокини кузатишнинг энг самаралиси - бу тасвирларнинг икки ўлчовли ифодаланишидир. Иллюзияларнинг бир туркуми оптик геометрик иллюзиялар деб номланиб, улар асосий тасвир билан уни қуршаб турган фазовий жойлашув билан фарқ қилувчи бошқа шакллар ўртасида ўлчов муносабатининг бузилишида намоён бўлади. Тасвирлар ёруғ фонда қора фонга нисбатан қорароқ туюлади, яъни ҳолат маҳсули дейилади. Контраст французча «Contraste» – кескин қарама-қаршилиқ демакдир, бошқача сўз билан айтганда, ёруғлик билан фон ўртасидаги муносабат ифодасидир. «Фон» тушунчаси французча «fond» деб аталиб, асос, негиз, таг маъносини билдиради.

Аксарият иллюзиялар кўринадиган ҳаракатлар билан боғлиқдир, чунончи: а) қоронғилиқда ҳаракатсиз ёруғлик манбаидан нурларнинг тартибсиз тарқалиши (автокинетик ҳаракат); б) фазовий жиҳатдан яқин жойлашган икки ҳаракатсиз стимулнинг тез суръатлар билан намоён этиб туриш ҳаракат таассуротини вужудга келтиради (стробоскопик ҳаракат); в) ҳаракатсиз объектни уни қуршаб турган фонга қарама-қарши йўналишга қўйиш ҳаракат туйғусини пайдо қилади (индукцион ҳаракат) кабилар.

Аттракция инсонни (ўзи билан ўзга ўртасидаги муносабатда намоён бўлиб,) ўзига маҳлиё қилиш, қалбни «жиз» эттиришдан иборат, онгсизликка тааллуқли инсонни инсон томонидан идрок қилиш ҳодисасидир. Бу ҳодиса бир қанча манбалар, қўзғатувчилар, мотивлар таъсирида вужудга келади, жумладан: 1) дастлабки ташқи кўриниш, истарасининг иссиқлиги; 2) субъектга нисбатан риштасиз боғланиб қолишлиқ, онгсизлик даражасидаги англашилмаган ички ноаниқ мойиллик; 3) шахсларнинг характеридаги ўхшашликнинг мавжудлиги; 4) шерикларнинг муомала маромидаги яқинлик ва бошқалар.

Психология фанида жуда кам тадқиқ қилинган идрок феноменларидан биттаси - бу яққол кўриш (ясновидение) деб аталиб, воқеалиқ, ҳолат, ҳодиса ва тасодифни яққол олдиндан кўриш, яққол ғойиблардан хабар келиш (олиш) сингари

парапсихологик муаммодир. Фақат айрим ҳоллардагина яққол кўришнинг аниқ илмий ҳисоблашларга асосланган маҳсули намоён бўлиши мумкин, холос. Аксарият вазиятларда яққол кўришлик билиш субъектининг шахсий ҳаёлотини, ўзгаларнинг диққатини тортишга, жалб қилишга алоқадор ҳиссий кечинмалардан бошқа нарса бўлмасдан, унинг яққоллилиқ эҳтимоли даражаси жуда пастдир. Бироқ шу нарсани рад этмаслик керакки, айрим алломаларнинг башоратлари, яққол олдиндан кўриш имконининг юксаклиги, аниқлиги кишини ҳанузгача ҳаяжонга солади.

Идрокнинг муҳим томонларидан бири – унинг хусусиятларининг турли жабҳалар, вазиятлар, шароитларда намоён бўлишидир. Идрокнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу фаол равишда бевосита акс эттириш имкониятининг мавжудлигидир. Одатда инсоннинг идрок қилиш фаолияти унинг ўзлаштирилган билимлари, тўпланган тажрибалари, шунингдек, мураккаб аналитик, синтетик ҳаракатлар тизими замирида юзага келади. Бу ҳолат идрок қилиниши зарур бўлган ўқув фани моҳиятига боғлиқ илмий фараз яратиш, уни амалга ошириш борасида қарор қабул қилиш яққол воқелик билан тасаввур қилинаётганининг ўзаро мослигини аниқлаш сингари босқичма-босқич ўзаро бир-бирини тақозо этувчи таркибий қисмлардан иборатдир.

Идрокнинг яна бир муҳим хусусияти – унинг умумлашган ҳолда нарса ва ҳодисаларнинг акс эттиришидир. Маълумки, инсон психикасига кириб бораётган кўпқиррали, кўпёклама аломатлардан идрок қилиш билан чекланиб, чегараланиб қолмасдан, балки ўша мажмуа аниқ жисм ёки ҳодиса сифатида баҳоланади. Жисмларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки мазкур нарсаларни маълум маъновий қисмларга ажратади. Жумладан, «соат», «бино», «ҳайвонот» ва ҳоказо.

Идрокнинг навбатдаги хусусияти унинг ҳаракатчанлиги ва бошқарувчанлигидир. Масалан, тошкўмир ёруғликда ёғду сочади, оқ қоғоздан кўпроқ нур балқийди. Лекин инсон бу нарсаларни «қора» ва «оқ» деб идрок қилади, вужудга келган бевосита субъектив таассуротларга нисбатан ўзгартишлар, тузатишлар киритади. Чунки идрок жараёни инсон олдида турган мақсадга, мақсад кўя олишга, унга берилган установкага (онгли, ихтиёрий кўрсатмага) узвий боғлиқ ҳолда иродавий бошқарилиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун инсонни идрок қилиш (перцептив) фаолиятида онгли бошқарилув имконияти мавжуд бўлиб, аналитик, синтетик, ҳаракатлар негизида вербал орқали амалга оширилади.

Идрокнинг бошқа билиш жараёнларидан шу жумладан, сезгидан фарқли томони шуки, у нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолда акс эттиради. Худди шу яхлитлик белгиси алоҳида намоён бўлувчи

айрим аломатларда ифодаланувчи нарсаларни предмет ёки жисм тариқасида инъикос қилиш қобилиятига эга. Чунки жисмларнинг аниқлиги, равлонлиги предмет ёки жисм сифатида кўзга ташланишида ўз ифодасини топиб, муайян тузилиш, структурани вужудга келтиради. Идрок мазмунига, таркибига кирувчи ҳар қандай ҳодиса, хоҳ вербал, хоҳ новербал тарзда ифодаланишдан қатъи назар бу предмет ёки жисм сифатида гавдаланади ва унга қиёс берилган яхлитлигини намойиш этади.

Психология фанида идрок этилаётган нарсаларнинг физик ҳолати ўзгарса ҳам, лекин унинг кўз тўр пардасидаги образининг ўзгармаслиги, нисбий турғунлик кўрсатувчи қонун, энг муҳим хусусият константлик дейилади. Доимийлик, ўзгармаслик унинг асосий белгилари ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисалар идрок объектига тушиши билан улар кетма-кет акс эттирилади, деган хулоса ғайритабиий ҳолатдир. Чунки идрок майдонига кириб келаётган ва идрок қилинадиган нарсалар кўзғатувчисининг илдамлиги кучли эҳтиёжларга мос тушадигани улар томонидан қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, кўзғатувчининг кучи, янгилиги қандайдир аҳамият касб этиши йўналиши, ҳаракатчанлиги, аналитик-синтетик ҳаракатлар мажмуасида сараланади ёки танланади. Худди шу боисдан ҳар қандай нарса ва ҳодисалар инсон томонидан идрок қилинмайди. Чунки бу табиий ва сунъий шарт-шароитлар объектив ва субъектив омиллар текширилуvidан ўтказилади, яъни саралов, танлов жараёни амалга оширилади. Номутаносиблик меъёридан ташқари маълумотлар акс эттириш доирасидан четда қолиб кетаверади.

Идрок қилиниши зарур нарса ва ҳодисалар муайян тузилишга ёки структурага эга бўлгандагина уларнинг таркибий қисмлари, аломатлари тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади, холос. Худди шу сабабдан, уларнинг ҳажми, фазода эгаллаган ўрни, ранги, ички моҳияти, кўриниши, вазни тўғрисидаги муайян тушунчага эга бўлиш учун идрок қилинадиган аниқ тузилишга, яъни структурага эга бўлиши лозим. Билиш жараёнини тақозо этувчи идрокнинг муҳим хусусиятларидан бири, яъни биттаси уни тузилишга эга эканлиги, яъни структуравийлигидир. Ушбу хусусиятсиз идрокнинг маъзи ҳисобланмиш яхлитлик ҳақида жонли мушоҳада бўлиши мумкин эмас. Чунки структура қисмлардан вужудга келса, алоҳидаликлар бирикмасидан яхлит тузилма яратилади.

Юқоридаги хусусиятларнинг барчаси инсоннинг ёш хусусиятларига, ақлий камолотига, тажрибасига, билим савиясига боғлиқдир. Лекин тўғри (адекват) идрок қилиш учун маълум шарт-шароитлар муҳайё бўлмоғи лозим: 1) Субъектнинг акс эттириши зарур бўлган нарсалар юзасидан аввалги уқуви, тасаввурларининг

кўлами, уларнинг кенглиги, чуқурлиги; 2) мазкур жисм фан, воқелик, муаммо ўрганилиши билан боғлиқ бўлган мақсад, мақсад кўя олиш; 3) перцептив фаолиятнинг фаоллиги, изчиллиги ва танқидий хусусияти; 4) идрок қилиш фаолияти таркибига кирувчи фаол хатти-ҳаракатларнинг сақланиши, уларнинг ўзаро уйғунлиги.

Муайян шароитда шахс томонидан идрок қилинадиган нарса ёки жисм идрокнинг объекти деб аталади. Идрок қилинадиган нарса уни ўраб турган бошқа нарса, жисм ёки ҳодисаларга нисбатан объект ҳисобланиб, объектнинг атрофдагилари эса фон дейилади. Идрокнинг сифати объектнинг фондан тез тўлиқ ва аниқ ажратиб олиш билан белгиланади.

Идрок кўзғатувчиларининг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқ қилиб, нарсани бутунлигича, яхлитлигича унинг ҳамма хусусиятлари билан бирга акс эттиради. Шунинг учун идрок айрим сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборатдир деган хулоса чиқариб бўлмайди. Идрок ўзига хос тузилишга эга бўлган ҳиссий билишнинг сифат жиҳатдан янги юксакроқ босқичидир.

Идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги, маълум тартибда тузилиши (структуравийлиги), константлиги, анланганлиги, предметлилиги (жисмлилиги), танловчанлиги (сараланувчанлиги) унинг энг муҳим хусусиятларидандир.

Идрокнинг муҳим жабҳалари ва таркиблари моҳиятига кирувчилар каторига кўз билан акс эттиришнинг негизи бўлмиш кўз ҳаракатлари киради. Улар ўзларининг тузилиши, келиб чиқиши, вақтлилиги, суръати каби белгиларига биноан, қуйидаги турларга ажратилади:

1. Конвергенция (лотинча *convergere* яқинлашиш, қўшилиш демакдир) – иккала кўзнинг кўриш ўқларининг яқинлашуви натижасида тўр пардасида жисмнинг иккиланишига йўл қўймасликда ўз ифодасини топади.

2. Дивергенция (лотинча *divergere* узоқлашиш) кўзнинг вергент ҳаракатларининг бир тури бўлиб, бир-биридан муайян масофада турган нуқталарини қайд қилишда кўриш ўқларининг узоқлашувидан иборат ҳаракат.

3. Горизонтал ҳаракат, яъни кўзнинг бир хил текисликдаги икки нуқта оралиғи бўйича нарсаларнинг қайд қилишидир.

4. Вертикал ҳаракат ҳар хил фазовий жойлашувига эга бўлган нуқталар ўртасида алоқани тиклашдан иборат кўз ҳаракати ёрдами билан идрок қилинишидир.

5. Циклофузион (юнонча *cyclos* доира, айлана) ҳаракат ҳаракатланувчи жисмларни кўз қорачиғи ёрдамида аниқ тасвирини акс эттиришидир.

6. Торсион (французча torsion айлантириш) ҳаракат кўз ўқи атрофида жисмларни айланиб турган ҳолда қайд қилишдир.

7. Версион (лотинча verfo ҳаракатланаман, айланаман демакдир) ҳаракат кўзнинг макро ҳаракатлари доирасига кириб, кўриш бурчагини кузатиш, тезликни ўзгартирмасдан кузатиловчи объектни идрок қилишда иштирок этишидир.

8. Вергент (лотинча vergo оғиш, қийшайиш) ҳаракат кўзнинг макро ҳаракатлари таркибига кириб ўнг ва чап кўзларининг кўриш ўқлари бурчаги ўзгаришига олиб келади ва ҳоказо.

## **2. Идрокнинг янги қирралари**

Ҳозирги замон психология фанининг назарий муаммолари қаторига инсонни инсон томонидан идрок қилиш масаласини киритиш мумкин. Илмий манбаларнинг таҳлилига кўра, инсоннинг баъзи психологик хусусиятлари, фазилатлари унинг юз аломатлари ва тана аъзоларининг турли ҳаракатлари ёрдамида аниқланади. Инсоннинг ташқи қиёфасининг тузилиши бўйича шахс характери хусусиятлари ва унинг фазилатларига оид ишончли фикр билдириш ўзининг узоқ тарихига эга бўлса-да, лекин муаммонинг илмий негизи, унинг механизми ҳозирги даврдагина тадқиқ қилина бошланди. Одамнинг ташқи қиёфасини таҳлил этиш орқали унинг руҳий дунёсига баҳо бериш юзасидан жаҳон психологлари томонидан яратилган назариялар, тўпланган амалий маълумотлар умумлаштирилса, қуйидаги таснифномани юзага келтириш мумкин:

1. Инсоннинг ташқи қиёфасидаги ҳар бир ўзгариш унинг яққол шахсий хусусияти билан узвий боғлиқ эканлигини тушунтиришга асосланган аналитик талқин услуби (лабни қаттиқ қисиб юриш-одам иродасининг мустаҳкамлиги нишонасидир). Бошқача сўз билан айтганда, инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти давомида аجدодлар томонидан тўпланган тажрибаларга асосланиб, шахснинг руҳий дунёсини баҳолаш имконияти мавжудлиги демакдир.

2. Инсоннинг ташқи қиёфасидаги беихтиёр, табиий кўринишдаги сернафосат нозик адо, бошқа кишилар ҳиссиётини ўзига тортувчи жозиба, мафтункорлик, хушбичимлик шахснинг кечинмалари билан уйғунлашувини эътироф қилишга қаратилган ёндашув (шахснинг дид билан кийиниши, меъёр билан ўзига оро бериши унинг ибосида ифодаланишининг руҳий дунёси билан мутаносиблиги). Идрок қилинаётган инсон муайян масофада муомала ва мулоқотга киришувчи шахс томонидан қай йўсинда қабул қилинса, демак, ўша одам тўғрисидаги таассурот бевосита ғавқулоддаги ҳолатга, вазиятга боғлиқ бўлади, чунки ёқтириш ёки



ёқтирмаслик, симпатия, антипатия, эмпатия бир лаҳзалик идрок маҳсулида мужасссамлашиши мумкин.

3. Идрок қилинаётган инсоннинг ташқи кўриниши аломатлари илиқ таассурот ва тасаввур уйғотувчи таниш одамнинг психологик хусусиятлари нотаниш кишига ўхшашлиги туфайли ихтиёрсиз равишда унга қиёс берилади. Олдин идрок қилинган таниш инсоннинг барча фазилатлари ва хислатлари ташқи қиёфа эвазига нотаниш кишига кўчирилади. Шуниси ажабланарлики, мазкур жараёнда на мантиқий таҳлил, на узвийлик талқини иштирок этади. Худди шу боисдан бу тарзда инсонни инсон томонидан идрок қилиш ўхшашликка асосланишини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

4. Инсоннинг ташқи қиёфасини идрок қилиш негизида уни у ёки бу ижтимоий (ишчи, деҳқон, зиёли) гуруҳларга, яъни тоифаларга алоқадорлиги тўғрисида муайян қарорга келинса, одамнинг шахсий сифатларини баҳолаш худди шу нуқтаи назардан амалга оширилади. Кишининг ташқи кўринишига нисбатан бундай ёндашиш ижтимоий келиб чиқишга асосланувчи ўхшатиш дейилади.

Бизнингча, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиш жараёни қатъий равишда қуйидаги босқичлар орқали амалга ошиши мумкин:

- идрок қилинаётган одамни идрок қилувчи ўзининг шахсий хислатлари билан қиёслаш натижасида унинг маҳсули бўйича талқин қилинади ва тушунтирилади; бундай идрок қилиш тарзида инсонни инсон томонидан акс эттириш, ўхшатиш, унга тақлид қилиш, ундан ибрат олиш услублари орқали юзага келади, яъни идентификация босқичи бевосита амалга ошади;

- идрок қилинаётган шахснинг ўрнига идрок қилувчи ўз хоҳиши бўйича мулоҳаза юритиши, уни тушунишга интилиш ўз-ўзини англаш негизида намоён бўлади, яъни рефлексия босқичи вужудга келганлиги тўғрисида муайян қарорга келинади;

- ўзга кишиларнинг кечинмалари ва хис-туйғуларига нисбатан ҳамдардлик билдириш, меҳр-оқибатлилигини амалий ифодалаш орқали уларни тушуниш имконияти туғилади, бунинг натижасида туб маънодаги эмпатияга асосланган идрок қилиш босқичи юзага келади;

- ўзга кишиларга, ижтимоий гуруҳ аъзоларига нисбатан берилган хислатларни оммавий тарзда ёйиш, тавсиф бериш ва баҳолаш негизида идрок қилиш жараёни туғилади, яъни қадимги мезонлар бўйича инъикос қилиш стереотипизация дейилади.

Психология фанида рефлексия, яъни ўзини ўзи англаш шахснинг барча (ҳиссий, билишга оид, иродавий, бошқарув) хусусиятларини оқилона баҳолаш деган қарашлар ва ёндашувлар то ҳозирги давргача давом этиб келмоқда. Бундай ҳолат инсон томонидан ўзини ўзи акс эттиришни билдиради, холос. Лекин ўзга

кишилар идрок қилинувчининг шахс сифатларини қай ҳажмда билишади, уларни баҳолаш имконияти қандай, унинг нималарга қодир эканлигини тушуна олишадими? каби муаммоларга жавоб бериш орқали ўзини ўзи англашнинг бошқа қирраларини аниқлаш мумкин. Инсонлар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш кезида:

- биринчидан, дарҳақиқат идрок қилинаётган шахснинг асл қиёфаси сўзсиз равишда ифодаланиши;

- иккинчидан, шахс ўзини аниқ тасаввур қилиб, сўнг оқилона баҳолай олиши, муносабат билдириши, шахсий ёндашуви;

- учинчидан, шахснинг бошқа одамлар томонидан англаниши натижасида иккиёқлама инъикос, яъни "субъект-субъект" муносабати вужудга келади. Шахслараро бир-бирини акс эттириш жараёнининг моҳияти инсон фазилатларини қайта эсга тушириш, қайтадан тиклаш ва уларни яхлит тарзда мужассамлаштириш орқали ўз аксини топади.

Жаҳон психологлари асарларини таҳлил қилиш ва шахсий кузатишларимиз натижалари инсон томонидан фаолият мақсадини рўёбга чиқариш режасини ва моделини яратишда ифодаланувчи антиципация (лотинча *anticipatio*, яъни олдиндан сезиш, пайқаш, олдиндан идрок қилиш, ҳодиса моҳиятини очишдаги топқирлиги) бир неча босқичлардан иборат эканлигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги замон жаҳон психологлари антиципацияни беш даражага ажратиб ўрганмоқдалар, чунончи, англашилмас субсенсор (лотинча "sub" ости ва "sensus" сезиш сўзларидан тузилган бўлиб, идрок қилишнинг онгости ҳолатини англантилади), сенсомотор (лотинча "sensus" сезиш "motor" ҳаракат деган маънони билдириб, нозик ҳаракатларни сезиш демакдир), перцептив (лотинча "perceptio" идрок деган маъно англатади), тасаввур, башорат қилиш кабилар.

Антиципациянинг субсенсор даражасининг ифодаланиши инсон гавдасининг ўзгаришида, унинг идеомотор (ихтиёрсиз ҳаракат) жараёнида, ташқи таъсирга тезкор жавоб қайтаришида ўз аксини топади. Гавданинг мужассамлашуви ва ҳаракат барқарорлиги инсоннинг ихтиёрий саъй-ҳаракатга тайёргарлик кўриш учун муҳим замин таъминлайди.

Антиципациянинг сенсомотор босқичи ҳаракатдаги жисмларни ўзаро таққослашда, мураккаб ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, тезкор ҳаракатнинг муҳитдаги вақт ва фазовий ўзгаришлар мутаносиблигини узлуксиз равишда идора қилиб туришда намоён бўлади.

Перцептив босқичда идрок қилиш хотира жараёнлари билан уйғунлашиб кетади. Бунинг натижасида ўтмиш тажрибаларига асосланиб келажакда вақт ва фазовий ўзгаришлар юз бериши

эҳтимоли чуқур таҳлил қилинади, унинг образлари яққоллаштирилади.

Антиципациянинг тасаввур даражаси образларнинг вақт ва фазовий ўзгаришига биноан уларни фикран қайтадан яратиш, бунёд этиш, гоҳо қоришиқ тасвирлар вужудга келтириш, уларнинг схемасини ва режасини тузиш учун инсонда укувчанлик, қобиллик ҳамда ижодий фаолликнинг туғилишини намоёйиш қилади.

Антиципациянинг бешинчи босқичи нутқ ва тафаккур ёрдамида бўлғуси ҳолатлар, ҳодисалар, кескин ўзгаришлар тўғрисида башорат қилиш хулқ-атвор ҳаракатларини ва амалга оширилувчи фаолиятини режалаштириш жараёнининг юксаклиги билан бошқа даражалардан сифат жиҳатидан ажралиб туради. Мазкур босқичда умумлаштириш ва мавҳумлаштиришнинг айрим сермаҳсул даражалари, мантикий усуллари, оқилона ҳамда мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларнинг юқори самара берувчи кўрсаткичлари ўзининг чўққисига эришади. Лекин бу борада яна изланишни давом эттириш лозим.

Бизнингча, инсон томонидан янгилик моделини бир неча йўналишда амалга ошириши мумкин:

- ҳозирги замон, келажак томон фикрий йўналишда;
- келажак муаммоларидан ҳозирги давр масалаларига фикран кўчиш;
- ҳозирги давр ва истиқбол режалари юзасидан мозийга мурожаат қилиш кабилар.

Антиципациянинг ҳар қайси босқичи интегратив хусусиятга эга бўлиб, улар бир-бирини узлуксиз равишда тақозо қилади ва худди шу йўсинда маълумотлар тақчиллигига барҳам берилади. Шундай реал воқелик вужудга келиши мумкинки, бунда инсон олдида яққол топшириқ ва вазифадан келиб чиққан ҳолда у ёки бу антиципациянинг босқичи устуворликка эришади. Худди шу боисдан унинг ҳар қайси босқичи ўзаро қоришиб кетиши, муаммонинг ўзига хос хусусиятларига биноан изчиллик, кетма-кетлик тизими бузилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг янги илмий қирралари юзасидан мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги умумий хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ:


- антиципациянинг ҳар қайси босқичи ечими кутилаётган муаммоларнинг мураккаблиги даражасига муносибдир;
- антиципациянинг ҳар бир даражасининг мақсад кўзлашдаги ва муаммони ҳал қилишдаги имконияти турличадир.
- антиципациянинг субсенсордан сенсомоторга, сенсомотордан перцептивга ва ундан сўз-мантиқ босқичларига ўтишининг динамик хусусияти мавжуддир;

- бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда антиципация жараёнининг тузилиши такомиллашув ва фойдаланиладиган ахборотларни интеграциялаштириш усули эса мураккаблашув хусусиятига эга.

### **Идрокнинг феноменлари**

Психологияда кўриш иллюзияларининг ўрганилиши муайян ўзининг тадқиқот тарихига эга. Баъзи ҳолларда нарсалар нотўғри, янглиш идрок этилиши мумкин. Нарса ва ҳодисаларнинг бу тариқа нотўғри идрок қилиниши иллюзия дейилади. Масалан, агарда биз қуйидаги расмда кўрсатилганидек, кўрсаткич ва ўрта бармоқларимизни чалиштирсак, нўхат ёки биронта думалоқ нарсани чалиштирган ҳолдаги иккала бармоғимизнинг учи билан босиб туриб, шунингдек, айнаи бир даврда айлантираверсак, бу ҳолда бармоқларимизнинг тагида битта эмас, балки иккита нўхат бордек ҳис қиламиз.


Ана шу ҳолдаги бир нарсанинг иккита бўлиб сезилиши Аристотель (Арасту) иллюзияси деб аталади. Оғирлиги айнан тенг, аммо катталиги ҳар хил кўринишдаги икки буюмни кетма-кет тарзда ушлаб турилса, унинг каттаси енгилроқ иккинчиси оғирроқдек туюлади. Гўёки металлдан ясалган 1 кг тарози тоши худди шу вазндаги пахтадан оғирроқдек инсон томонидан ҳис қилинади. Бундай психологик ҳодисага геометрик иллюзиялар деб ном берилган. Масалан, узунлиги баббаравар бўлган икки чизикли четларига икки хил бурчаклар чизилса, у ҳолда иллюзия ҳодисаси юз беради, яъни бурчаклари ичкарига йўналтирилган чизик калтароқ бўлиб кўриниши мумкин. Бир нечта параллел чизиклар устидан қия чизиклар чизилса, бу чизиклар параллел эмасдек туюлади, гўёки ҳар хил томонга ёйилиб кетган чизиклардек идрок қилинади.



1-расм

Иллюзиянинг юқорида келтирилган намуналари ҳар қандай ақли расо (мукаммал) инсонларда содир бўладиган иллюзиялардан ҳисобланади. Бундай тарздаги иллюзияларнинг муайян даражадаги қонуниятлари мавжуд. Масалан, юқорида келтириб ўтилган Арасту иллюзияси пайдо бўлишининг асосий сабаби шундан иборатки, бунда битта нарса бармоқ учларимизнинг териси юзасидаги шундай икки нуқтага тегади, одатда эса табиий шароитда битта нарса худди шу икки нуқтага ҳеч қачон бир даврнинг ўзида тегиб турмайди. Шунингдек, оғирлиги баробар, аммо катталиги ҳар хил бўлган буюмлардан кичикроғи каттароғига қараганда оғирроқ кўринишининг сабаби шундаки, шахс ҳажми каттароқ буюмнинг ҳажми кичикроқ буюмдан оғир эканлигини ўз тажрибасида ҳамиша синаб келган, бинобарин, ҳажми ҳар хил нарсаларни кўз билан идрок қилганда беихтиёр шу шахсий тажрибага таянади-да, каттароқ буюмни ушлаганда каттароқ зўр беради, кичикроқ жисмни қўлга олганида эса унчалик зўр бермайди. Бунинг натижасида оғирлиги баробар бўлганлиги билан зўр бериши ёки мускулларнинг қаршилиқ кўрсатиши туфайли сарф қилинган куч-қуввати ҳар хил эканлиги сабабли кичикроқ буюм оғирроқдек ҳис қилинади.

Идрок қилувчи шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан юзага келадиган тасодифий иллюзиялар ҳам мавжуддир. Масалан, саҳрода чўллаган инсон узоқда ярқираб турган шўрхок ерни қўл деб идрок қилиши, лекин бу иллюзияни саробдан фарқ қила олиши жоиз ёки ўрмондаги тўнка кўрқоқ инсоннинг кўзига биронта йиртқич ҳайвонга ўхшаб кўриниши худди шу иллюзиялар жумласидандир.




2-расм

Одатда иллюзияни галлюцинациядан фарқ қила олиш лозим. Иллюзия шу лаҳзаларда шахснинг сезги аъзоларига таъсир этиб турган бирор нарсани янглиш, нотўғри идрок қилиш жараёни бўлса, галлюцинация йўқ, мавжуд эмас нарсаларни “ташқи таассуротсиз” идрок қилинишидир. Масалан, йўқ нарсаларнинг кўзга бордек

кўриниши, йўқ овозларнинг кулоққа эшитилиши, йўқ хидларнинг димокқа урилиши ва ҳоказолар галлюцинациянинг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Галлюцинация шахснинг бирор нарса ва ҳолатни кўргандек, эшитгандек, ушлагандек, хид билгандек каби тасаввурларнинг акс этишидир, холос. Галлюцинация ҳодисаси кўпинча касалликдан (иситма, алахлашдан) дарак берувчи аломатдир, у нерв системасини бузадиган касалликларнинг оқибатида рўй бериши мумкин.

Мабодо, жисмнинг четлари орасидаги масофани кўриш иллюзиясини аниқлаш мақсадида А.Л.Ярбус тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳолда қуйидагиларни кўриб чиқиш айтиш мумкин. Мазкур тадқиқот олдида қўйиладиган мақсад жисмларнинг чеккалари орасидаги масофани солиштириш ва кўз билан кузатиш (чамалаш) орқали баҳолаш жараёнида пайдо бўладиган қатор оптик иллюзияларни тушунтириб беришдан иборатдир. Масалан, қуйидаги иллюзияни кўздан кечиришни ушбу тоифага тааллуқли эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.




3-расм

Бу расмда схематик тарзда акс этирилган қалдирғочлар шундай жойлаштирилганки, бунда биринчи ва иккинчи қалдирғоч тумшукларининг четлари (учлари) орасидаги масофа (оралик) ва иккинчи ҳамда учинчи қалдирғоч тумшуклари учлари (четлари) ўртасидаги масофа объектив равишда бир хил ўлчамга эга. Лекин бу масофа аксарият ҳолларда ҳар хил кўринишига эгадек идрок қилинади, яъни биринчи расм иккинчисидан кичикроқдек туюлади.

Шунга ўхшаш бошқа иллюзияларда бу омил (факт) умумий бўлиб қолаверади, яъни жисм (предмет) чеккалари (учлари) орасидаги масофа, агарда уларнинг қолган қисмлари унинг четлари ичкари томонда жойлашган бўлса, у ҳолда кичик деб шахс идрок қилади.

Юқоридаги мулоҳазалар шундай тахминга олиб келиши мумкинки, мазкур ҳолатда идрокда шундай тенденция мавжудки, бунда предметларнинг четлари орасидаги масофа эмас, балки предметларнинг ўртасидаги масофа белгиланади.

Ушбу илмий фаразни қуйидагича исбот қилиш мумкин.




4-расм

Фараз (тахмин) қилайлик, бизга юқоридаги мисолда маълум бўлган идрок “тенденция”сининг натижасида аниқланган қатор оптик иллюзияларни исботлаш учун бир қанча рақамли (миқдорий) материаллар зарур. Идрокда предметларнинг улар орасидаги масофа таъсирини ўрганиш давомида биз уларни муайян текисликда акс этиш билан алмаштиришимиз мумкин. Ушбу тажрибада ундан мураккаброқ шаклларга ўтиш шarti билан айланадек содда шаклдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Биринчи навбатда бу лаҳзада масофани идрок қилишда предметнинг таъсирини аниқлаш лозим. Вертикал тўғри чизиқлар ва вертикал тўғри чизиқ билан айлана орасидаги масофа объектив равишда бир хил узоқликда жойлашган. Идрок қилишда эса иккинчи масофа биринчисидан, одатда, каттарок кўринади.


Иккита вертикал тўғри чизиқлар, орасидаги масофани кўз билан кузатиб (чамалаб) аниқланишида, мабодо, яқин ўртада бошқа чизиқ ёки шакл мавжуд бўлмаса, у ҳолда идрок бузилишидан ҳолидир. Бунга горизонтал бўлақлар ва улар билан баравар масофадаги вертикал тўғри чизиқлар орасидаги масофани ўзаро таққослаш орқали иқдор бўлишимиз мумкин.

Масалан,



Шунинг учун 4-расмдан ўзига хос воқелик келиб чиқадики, бунда идрокда берилган вертикал тўғри чизик билан айлана ўртасидаги масофанинг катталашиши, одатда ушбу ҳолатда айлананинг мавжудлиги билан шартлангандир.

Энди идрок қилишдаги икки айлананинг улар орасидаги масофага таъсирини кўздан кечирамиз. 5-расмда иккита вертикал тўғри чизик билан иккита айлана берилган.



5-расм



4-расмдаги сингари улар орасидаги масофа ҳам баббаробар. Бундан кўриниб турибдики, идрок қилишда айланалар ўртасидаги масофа учун  $h \times 2$  ифодасини танлаймиз. Чунки 4-расмдаги вертикал тўғри чизик ва айлана орасидаги масофани  $h \times h$  деб олишимиз мумкин, унда эса иккала вертикал чизик орасидаги масофа  $h$  деб қабул қилинади.

Тўртинчи ва бешинчи расмларда айланалар баҳоланаётган масофадан ташқарида жойлашганлиги туфайли идрок қилишда айланалар орасидаги ҳақиқий масофа (оралик) катталашган ҳолда кўринишга эга бўлади. Агарда биз айланаларни шу масофанинг ичкари томонига жойлаштирсак, аксил ҳолатга дуч келамиз. Идрок қилишда масофаларнинг ҳақиқий ўлчамлари кичикроқ кўриниши юзага келади. Бу ҳолат 6- ва 7-расмларда тасвир қилинган.

Бу ерда вертикал тўғри чизиклар ва вертикал тўғри чизик билан айлананинг ташқи чети орасидаги масофа 6-расм ҳамда 7-



расмдаги вертикал тўғри чизиклар ва айланаларнинг ташқи четлари (сиртлари) орасидаги масофа бир хил, яъни  $x$  га тенгдир.



7-расм

Вертикал тўғри чизик ва айлананинг ташқи сирти орасидаги масофани идрок қилишда  $x \times x$  деб оламиз (6-расм). Шунга мос тарзда 7-расм учун иккита айлана ташқи сиртлари орасидаги масофа идрок қилишда  $x \times 2x$  шаклига келади.

Биз идрок қилишда масофаларни баҳолашда айланаларнинг таъсирини мазкур масофаларнинг улар учун объектив тарзда бир хил эканлигини инобатга олган ҳолда таққослаб аниқлашимиз мумкин. Одатда идрок қиланаётган жисм (буюм, шакл) сиртлари орасидаги масофани биз идрокдаги ҳақиқий ва ўзгармас масофалар билан таққослаш имконияти йўқ ҳолатларда, баъзан эса уларнинг билинар ёки билинмас таъсирини ҳисобга олишимиз зарур.

Филогенезда жисмлар (буюмлар) ва уларнинг орасидаги масофани баҳолаш кўрсаткичи устунлик қилади.

Алоҳида жисм сиртлари орасидаги масофани солиштириш ва аниқлаш зарурияти инсон ривожланишининг кейинги босқичларида пайдо бўлган. Ушбу зарурият қачон инсон хўжалик буюмлари ва меҳнатнинг мураккаб қуролларини ишлатсагина юзага келади. Шахс ижтимоий-тарихий тараққиётнинг муайян босқичида кўз билан чамалаш билан аниқланадиган масофани мукаммаллаштирмасдан туриб, ундан фойдаланиш мумкин эмаслигига иқрор бўла бошлаган. Масофани кўз билан чамалаш(кузатиш)нинг ўрнига даставвалига ўлчами бир хил буюмларни бевосита солиштириш орқали, кейинчалик эса узунликнинг тасодифий мезонлари (эталонлари) ёрдамида аниқлаш вужудга келган.

Инсонлар томонидан фойдалана бошланган ўлчамлар давр ўтиши билан кўз билан чамалаб (кузатиш орқали) баҳоланган буюмлар (жисмлар) сиртлари орасидаги масофани мукаммал ўлчашга тўсқинлик қила борган.

Иллюзия феноменларини тадқиқ этиш юзасидан бир қанча назариялар пайдо бўлган ва улар ичида гештальтназария алоҳида аҳамият касб этади. Гештальтпсихология мактаби бошқалардан фарқли ўлароқ кўпроқ инсон идрок қилаётган нарсалардан стимулларнинг ўзаро алоқасининг аҳамиятлилигини алоҳида таъкидлайди ҳамда константлик гипотезаси(фарази)нинг хато эканлигини кўрсатиб беради. Айнан худди шу назария умумий таълимот сифатида иллюзияларни ўрганиш жараёнида муайян даражада яроқли ҳисобланади.

Маълумки, шахс томонидан идрок қилинаётган нарса ва ходиса фақатгина алоҳида (якка) стимулга боғлиқ бўлмайди, албатта. Шунингдек, кўриш майдонига кирувчи бошқа стимулларга ҳам боғлиқдир, чунки иллюзия қандайдир аномал ёки кутилмагандек бўлиб кўринмайди, бинобарин, у олдиндан кутилаётган иллюзиядир. Масалан, нейтрал ёруғлик бошқа интенсив (жадал) равишда қўшни рухй майдонлар (бўлинмалар) билан муносабатларга асосланадиган бўлса, у ҳолда контраст (қарама-қарши) иллюзор бўлишига қарамасдан, уни олдиндан айтиб бериш мумкин ёки идрок қиланаётган тезлик координаталар тизимида нисбатан аниқланади. Агарда ҳаракатнинг мутлақ тезлиги мавжуд бўлмаса, у тақдирда уни ўлчамларининг ўзгариши координаталар тизимида кучли тезлик иллюзиясини келтириб чиқариши мумкин.

Психологияда кўз ҳаракатлари назарияси бир қатор тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, Мюллер-Лайер иллюзиясида монометрнинг ташқарига йўналган учи бошқа стрелкага қараганда узунроқ туюлади ва бунинг оқибатида мазкур стрелкалар турлича узунликда деган нотўғри идрок қилинади, яъни иллюзияланиш ходисаси юзага келади.



8-расм


Дарҳақиқат, стрелка учларининг ўткирлиги кўз ҳаракатларига таъсир қилиши ҳақида маълум даражада далиллар мавжуд. Шунингдек, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, кўзларнинг вертикал-горизонтал ҳаракатларидаги вертикал ҳаракатнинг таҳлили шуни кўрсатадики, узунлик қисман кўз ҳаракатига сарфланган зўр беришга боғлиқдир. Мюллер-Лайер иллюзияси ва кўзнинг вертикал-горизонтал иллюзиясини кузатиш жуда ҳам қисқа вақт оралиғида содир этилади.

Ушбу назариянинг XX аср вариантыга кўра иллюзияни кўз ҳаракати келтириб чиқармайди, балки тарадудланиш ёки кўз мускулларига берилган хато кучланишидан боровчи нерв тизими буйруғига боғлиқдир. Назариянинг вариантыга, шунингдек, кўз ҳаракатлари амалга ошмаган даврда, яъни қисқа муддатли кузатувда иллюзиянинг ҳосил бўлиши каби омиллар ҳам гўёки қарама-қарши келмайди. Баъзи бир психологларнинг мулоҳазасича, жойни, узунликни ва шаклни идрок этишдаги кўз ҳаракатлари стимул конфигурациясининг ҳар бир бўлинмасини қайд қилиш (фиксацияси) учун талаб қилинади, деб тахмин этилади. Худди шу боис бу нуқтаи назарга биноан кўз бурчаги билан ажратилган стрелка эгаллаган катта майдонда ҳаракатлантиришда Мюллер-Лайер иллюзиясига кўра учларини бирлаштирувчи стрелка банд қилган майдон бўйича ҳаракатлантирилганда бирмунча камроқ узунлик тасаввурини юзага келтиради.

Мюллер-Лайер иллюзиясида мантиқий жиҳатдан ёпиқ айлана мавжуд эмас, чунки ҳамма шакл қисмларнинг узунлиги турличадир. Ушбу назариянинг тасдиғи сифатида тажрибада қуйидаги нарса текширилган, яъни кузатувчи шаклларни солиштириш имкониятига эга бўлганда унинг кўз мускулларига берадиган эфферент буйруқлари (командалари) ноадекват эканлигини англайди, шунингдек, у ихтиёрий ҳаракатлар амплитудаси(тебраниши)нинг шаклини ташкил этувчи таркиблари масштаби билан мослаштиришга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида иллюзион

ходиса камайиши содир бўлади. Гарчи воқелик шундай тарзда намоён бўлса-да, тадқиқотчилар шу нарсани тан оладиларки, кўз ҳаракатидаги бундай ўзгариш узок муддатли экспозиция оқибатида юз беради. Лекин нима учун кўз ҳаракатлари аввал бошидан бошлаб ноаниқ бўлганлиги тўғрисидаги савол ёки муаммо то ҳозирги давргача жавобсиз қолиб келмоқда. Шундай қилиб, назариянинг ушбу варианти ҳам умуман олганда, жавоби қидирилаётган, олдиндан мавжудлиги аниқ иллюзияни тахминлашга хизмат қилади.

Психологияда контраст (қарама-қарши) ва ассимиляция назарияси ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Гарчи контрастлик тушунтириш имконияти заиф феномен сифатида талқин қилинса-да, лекин бир қатор психологлар айрим иллюзияларни контраст самарасига яқинлаштиради. Бу ҳолатга мутлақо мос тушувчи мисол тариқасида Эббингауз иллюзиясини таҳлил қилиш мумкин.




9-расм

Контрастга биноан кичик индукцияловчи айланалар билан ўралган ўнг томондаги марказий шакл ёки “тест айланаси” аслидагига қараганда каттароқ кўринади. Шу билан бир даврда чап томондаги марказий айлана индукцияловчи катта айланалар билан ўралганлиги туфайли аслидагидан кичикроқ, нотўғри идрок қилинади. Бунинг натижасида иккита марказий айлана турли хил катталиқда сингари туюлади.

Бу феномен тўғрисида яна шуни айтиш мумкинки, 10-расмда тасвирланган марказий чизик индукцияловчи эгри чизиклар сабабли эгри бўлиб кўринади. Чап томондаги шаклда марказий чизикнинг эгрилиги индукцияловчи эгри чизиклар эгрилигидан ортиқлиги туфайли ўнг томондаги марказий эгри чизикдан эгрироқлиги сабабли марказий чизик чап томондагидан камроқ эгри эканлиги идрок қилинади. Шунинг учун мазкур чизиклар бир хил эгилмаганидек бўлиб туюлади.

Бизнинг мулоҳаза юритишимизда шу нарса аҳамиятлики, уч ўлчамли фазовий баъзи иллюзияларда тест (синаш) чизиқларининг индукцияси чизиқлар текислигидан ажралиш самараси келиб чиқади. Бу тарздаги ҳолатга шаффоф пластинкага бир қатор чизиқларни чизиб ва у орқали унинг ортида жойлашган бошқа чизиқлар қаторини кўздан кечирсак, улар стереоскопик тарзда тасвирланса, бунда Эббингауз ва Понзо иллюзиялари каби иллюзиялар бир хил шароитларда камаяда ёки бутунлай йўқолади. Бошқа текисликларнинг перцептив бўлинишида ҳам контраст камайиш эҳтимоли мавжуд. Бунга яққол мисол тариқасида нейтрал рангларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини келтириш жоиз.




10-расм

Контраст тушунчасини перцептив феноменларининг стимулли муносабатлари детерминациясига муҳим аҳамият қаратувчи назария нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, у иллюзия назарияси сифатида муайян муваффақиятга эришади. Шунинг билан бирга яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, кўпгина иллюзияларни бу тарздаги назария билан тушунтириб бўлмайди.

Психологияда қоришиқ ёки нотўғри қиёслаш назарияси ҳам мавжуд бўлиб, у мазкур феноменни тўғри тушунтиришга хизмат қилади. Соғлом фикрлаш нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, бундай иллюзияда шундай ҳолат юзага келадики, кузатувчи фақатгина нотўғри қиёслайди. Ҳақиқатан эса у талабга биноан кесмаларнинг узунлигини таққослаш лозим. Лекин у шаклни бутунлигича (яхлит) таққослай бошлайди. Юқорида таҳлил қилиб ўтилган тажриба натижалари ушбу назар тўғри эканлигини тасдиқлайди.


Агарда биз 11-расмни кўздан кечирадиган бўлсак, у ҳолда ўнг томондагиси чап томондагисидан пастроқда, деган тасаввур вужудга келади.



11-расм

Бунда узунлик иллюзияси вужудга келмайди, чунки ҳар бир чизик ичкарига ва ташқарига йўналган учлардан иборатдир. Ҳолатнинг иллюзияси шу сабабдан вужудга келадики, бу ўринда чизикни стрелкадан ажратиш қийинлашади ва шу боис юқоридаги чап томондаги стрелка кесманинг учини бирмунча юқорига кўтаради ҳамда ўнг томондаги стрелка уни бироз пастга туширади. Худди шу тарзда қолган иккита пастки учларни ҳам талқин қилиш мумкин. Бу хилдаги боғланишларда яна шу нарсани қўшимча қилиш жоизки, Мюллер-Лайер иллюзиясида айрилувчи учли шакл бир хил учлари бўлмаган бошқа шаклдан узунроқдай туюлади. Лекин бирлаштирувчи учли стрелка узун кўринмайди. Шунинг учун ўзгача мулоҳаза юритиш мумкинки, бу ерда таклиф этилаётган асимметрия самараси билан боғлиқдир, яъни иллюзия кўпроқ ажралувчи учлар самарасини узайтирувчи натижасига кўпроқ алоқадордир, чунки бирлашувчи учлар самарасининг камаювчи натижасига кўра содир бўлади. Яна шу нарса мазкур назарияни тасдиқлаши мумкинки, стрелка билан унинг учи орасидаги масофани кузатадиган бўлсак, у ҳолда иллюзия ҳодисаси камаяди. Шу тарздаги камайиш кузатувчига стрелка учларини эътиборга олмаган ҳолда кузатилганда кўзга ташланади.

Худди шунга ўхшаш далил Мюллер-Лайер иллюзиясининг стрелкалар узунлигини баҳолашда ҳам кўзга ташланади. Бу воқелик 12-расмда ўз аксини топган. Бу расмда тасвирланган а расмга диққат тўпланса ва уни б расмдагиси билан солиштирилса, бу ҳолда а стрелка узунроқ кўринади.



12-расм


Худди шу тарзда аксинча, агар а шаклдаги узлуксиз чизик орқали берилган шаклга диққат жалб қилинса ва уни б расмдаги пунктир (синик) чизиклар билан ифодаланган шаклга солиштирилса, у ҳолда б стрелка узунроқ кўринади. Шундай қилиб, иллюзия у ёки бу турдаги учларнинг мавжудлиги эмас, балки перцептив ҳаракат(акт)га боғлиқдир.

қоришиқ (аралаш) назарияси ва бошқа иллюзияларни тушунтиришдаги ассимиляция назарияси орасида ўхшашликлар мавжуд. Тест чизиги индукцияловчи чизиклар ёки атрофдаги фазога боғлиқ равишда ассимиляцияланади ва, демак, у мустақил тарзда идрок этилмайди, балки индукцияловчи чизиклар билан биргаликда идрок қилинади.


Манзарани туювчи узоқлашиши ёки константлиги назарияси психология фани учун муҳим аҳамиятга эга. Бу хилдаги манзараларда чуқурлик самараси турли узоқликда тасвирланган, ҳақиқатда эса бир хил шаклда бўлган объектларни англаш билан бирга олиб борилади. Бу хил ҳолатда агар иккита объект турлича узоқликда жойлашган бўлса-ю, лекин улар бир хил тасвирланса, у ҳолда улар турлича бўлиб кўринади.

Мисол учун шуни таъкидлаш мумкинки, Понзо иллюзиясида юқори чизик пасткисидан кўра узунроқ кўринади, натижада чуқурлик тасаввури пайдо бўлади.

13-расмда бу иллюзия оддий тасвир билан берилган. Шунинг билан бирга Мюллер иллюзиясини ҳам қуйидагича тушунтириш мумкин, яъни унда чизикли тасвирни уч ўлчамли репрезентациянинг бирлашиши натижасида тушунса, интилиш вужудга келади. Бу 14-расмда тасвирланган, а тасвирдаги вертикал чизик унинг учлари билан таққослаб кўрадиган бўлсак, у кузатувчидан узоқ бўлиб туюлади, яъни бу ерда девор юзлари кузатувчи томонга йўналган ва аксинча б расмдаги узоқлашувчи учлар девор юзасини кузатувчидан узоқлашгандай тасаввурни уйғотади. Шундай қилиб, а расмдаги вертикал тўғри чизик б расмдагига қараганда узунроқ кўринади, чунки а тасвирдаги чизик кузатувчидан узоқроқда бўлгандек туюлади ва шунинг учун узунроқ кўринишга эгадир.



13-расм



14-расм

Бу фикрга ҳозиргина келтирилган далиллар ҳақиқий ишга тааллуқли эмас, деб нисбат бериш ҳали ноаниқ, чунки иллюзия тест чизикларининг идрок этилиш чуқурлиги орасида ҳеч қандай фарқ бўлмаган тақдирда ҳам мавжуддир.

Гарчи у мавжуд экан, барибир константликнинг модификацияланган гипотезаси талабларига мувофиқ равишда чуқурлик мавжуд бўлганда ҳам иллюзия ўзгармайди. Бу гипотезадан шуни англаш мумкинки, манзара тасвири константлик самарасига мос келмасликка олиб келади.

Барча чуқурлик белгиларининг ўзаро қарама-қарши таъсирга қарамасдан шуни таъкидлаш керакки, чуқурлик ва унинг мавжуд эмаслиги идрокнинг онгли бўлиши сари етаклайди. Шундай қилиб, иллюзияларнинг бевосита константлик назариясини такомиллаштириш билан тушунтириш мумкин эмас. Фақат баъзи ҳоллардагина константлик механизми уларнинг баъзиларини тушунтиради. Понзо иллюзиясини маълум даражада тест чизикларини турли масофада идрок этиш тенденцияси билан кучайтириш кузатилади.



### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Идрок тўғрисида тушунча
2. Идрокнинг янги қирралари
3. Идрок феноменлари ҳақида мулоҳазалар
4. Идрок шакллариининг психологик тавсифи
5. Идрокнинг ривожланиши

### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Идрок тўғрисида умумий тушунча.
2. Идрок босқичлари ва билиш.
3. Идрок хусусиятлари ва сифатлари ҳақида мулоҳазалар.
4. Идрокнинг феноменал ҳолатлари талқини.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Брунер Д.С. Психология познания. –М., 1977.
  2. Величковский Б.М. Современная когнитивная психология. – М.,МГУ, 1982.
  3. Величковский Б.М., и др. Психология восприятия.-М, МГУ, 1973.
  4. Логвиенко А.Д. Психология восприятия.-М., МГУ, 1987.
  5. Солсо Р. Когнитивная психология.-М.: 2002.
  6. Фресс П., Пиаже Ж. Экспериментальная психология. Вўп.4.-М., 1978.
- ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **XIV БОБ ХОТИРА**

### **1. Хотира ҳақида умумий тушунча.**

Психологик манбаларда кўрсатилишича, психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, инсон ташқи таъсиротларнинг акс эттирилишидан ўзининг кейинги фаолиятида, хатти-харакатларида доимо фойдаланади ва ижодий ёндашуви натижасида баъзи бир ўзгаришлар киритади. Инсонда шахсий тажриба, кўникма, малака ва билим кўлами орта бориши ҳисобига фаолият ҳамда хулқ-атвор тобора мураккаблашиб, янги мазмун, янги сифат касб эта бошлайди. Маълумки, агар ташқи оламнинг бош мия катта ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тимсоллари ва уларнинг излари йўқолиб кетаверса, тажрибанинг сақланиши, билимларнинг бойиши, мураккаблашиши, муайян тартибга келиши, қайтадан жонланиши мутлақо мумкин бўлмас эди. Модомики шундай экан, мазкур образлар бир-бири билан ўзаро узвий боғланиб, аста-секин мустаҳкамланиб, мия қобиғида пухта сақланиб қолади, шу билан бирга, ҳаёт ва фаолиятнинг муайян талабларига мувофиқ равишда қайтадан жонланади, аввалги ҳолатини бошқатдан намоён қилади.

Ҳозирги даврда қўлланиб келинаётган адабиётларда хотирага мана бундай тарзда таъриф берилиб келинмоқда: «Индивиднинг ўз тажрибасида эса олиб қолиши, эса сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира деб аталади». Лекин бу таърифда хотирага тааллуқли бўлган жуда кўп сифатлар, хоссалар ва хусусиятлар ўз аксини топмаган, шунинг учун уни мукаммал, ихчам, пишиқ ифодаланган дейишга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқимиз йўқ. Ушбу қийин ҳолатдан чиқишнинг бирдан бир йўли, бизнингча, унга мана бундай тарзда таъриф беришдан иборат: «Хотира атроф-муҳитдаги воқелик(нарса)ни бевосита ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда, пассив ва актив (фаол) ҳолда репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантикий ва механик йўл билан акс эттирувчи эса олиб қолиш, эса сақлаш, қайтадан эсга тушириш, унитиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён алоҳида ва умумий намоён қилувчи ҳодиса, барча таассуротларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик (юнонча *mnema*-хотира) фаолиятдир». Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, берилган таъриф хотиранинг мураккаб, кенг қамровли жиҳатларини тўла таъкидлаш имкониятига эга. Лекин бу нарса мутлақ даражада мукаммалликка даъво қилиш деган ибора эмас, чунки унда объективлик (ташқи) ва субъективлик (ички) юзасидан маълумот акс

эттирилмади. Умуман олиб қараганда эса, бу нарсага ҳожат ҳам, имконият ҳам йўқдир.

Таърифда хотиранинг эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш, унитиш, таниш, эслаш каби асосий жараёнлари алоҳида ажратиб кўрсатилган, лекин уларнинг ҳар бири мустақил ҳолат ва жараён ҳисобланмайди. Чунки улар муайян фаолият давомида, хоҳ билиш, хоҳ мнемик ҳолат бўлишидан қатъи назар ва ўша фаолият тузилиши, моҳияти ва мазмуни билан белгиланади. Шунинг учун инсон томонидан муайян бир материални эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш унинг индивидуал (яккаҳол) тажриба кўлами, билим савияси ва ақл-заковати даражасига боғлиқ. Чунки эсда олиб қолинган нарса ва ходисаларни кейинчалик қўллаш учун эсга тушириш тақозо этилади; бу мнемик фаолиятни талаб қилади. Ўзлаштирилган материалларни ушбу фаолият доирасидан чиқиб кетиши эса унинг унитилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш учун шахс фаолиятида қандай акс этишига боғлиқдир. Ана шунинг учун ҳар хил ҳолатларда одамнинг билиш фаолияти, ҳулқ-атвори, ҳаётий тажрибаси ва маданий малакаси билан белгиланади. Лекин қарама-қарши нуктаи назарлар ҳам мавжуд; улар ўзаро мезонлари ҳамда шарҳлари билан тафовутланадилар.

Шундай қилиб, хотира шахс руҳий фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, хотиранинг бош роли ўтмишда юз берган нарса ва ходисаларни акс эттириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳам ҳозирда, ҳам келгусида амалга ошириш режалаштирилган воқеликнинг рўёбга чиқишини таъминлайди. Табиатда ва жамиятда намоён бўладиган ҳар қандай тоифадаги руҳий ҳодиса ўзининг таркибига кирувчи ҳар бир қисмни муайян тартибда ўзаро боғланган тарзда сақлаб қолинишини талаб этади. Турли кўринишга эга бўлган “боғланиш”га имконият ёки шарт-шароит вужудга келмаса, у ҳолда ривожланиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки, И. М. Сеченов ибораси билан айтганда, киши “чақалоқлик ҳолатида”мангу қолиб кетган бўлур эди.

Психологик илмий адабиётларда кўп маротаба таъкидланишига биноан, хотира барча руҳий жараёнларнинг энг муҳим таснифи бўлиши билан бир қаторда, инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлиги, биологик ва ижтимоийлик нисбатини таъминлаб туради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хоссалари, механизмлари тўғрисида муайян тартибда маълумот бериш имкониятига эга.

Хотира психология фанининг чуқур тадқиқ қилинган жараёнларидан бири бўлиб ҳисобланса-да, лекин фан ва техниканинг тараққиёти кўп жиҳатдан хотира муаммоларининг

ўрганилишига боғлиқдир. Шунинг учун унинг қонуниятларини очиш, “ақлли” ва “сунъий интеллект”ли машиналар маҳсулдорлигини ошириш, сифат даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Ҳозирги даврда олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари эсда олиб қолиш, эсга тушириш механизмлари ва когнитивистик назарияларга бағишланган. Лекин жаҳон психологияси фанида ассоцианизм, гештальтизм, бихевиоризм, фрейдизм каби кўплаб йўналишлар мавжуд бўлишига қарамасдан, бугун хотиранинг ягона ва тугалланган назарияси ишлаб чиқилмаган. Илмий-назарий хусусиятларга эга бўлган, фараз тарздаги назариялар ва қарашларнинг ҳаддан ташқари кўплиги кибернетика, тажриба ва генетик биология, биокимё, физиология, тиббиёт нуқтаи назаридан ёндашганлиги билан таснифланади. Бу нарсанинг барчаси хотирани ўрганишнинг психологик, нейрофизиологик ва биокимёвий босқичлари мавжудлигидан далолат беради.

Хотирани ўрганишнинг ҳар учала даражаси ичидан унинг психологик даражаси тадқиқ қилиниши ўзининг бой материаллари билан бошқаларидан сезиларли устунликка эга бўлиб, психология фанида хилма-хил йўналишлар ва назариялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда оригинал (мустақил равишда, бошқаларга ўхшамайдиган) инновацион (янги, долзарб) ғоялар илгари сурилганлиги маълумдир. Бу назариялар негизда (моҳиятида) хотира жараёнларининг шаклланишига субъект(инсон)нинг фаоллиги қандай аҳамиятга эгалиги ва бундай фаолликнинг механизми (юзага келиши) қандай рўёбга чиқиши тўғрисидаги муаммоларни таснифлаш ва баҳолаш ётади.

*Хотирага оид атамалар ва уларнинг шарҳи.*

1. Мнema (юнoнча mnema-хотира) мнema; хотиранинг ўзига хос моддий асосларини белгилаш учун ишлатиладиган атама, И. П. Павлов таълимотига кўра, хотиранинг моддий асоси бош миa қобиғида ҳосил бўлган муваққат асаб боғланишларидир. Шунингдек, боғланишларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг мустаҳкамланиши ва кейинчалик жонланиши ёки фаоллашувидир.

2. Мнемометр-мнемометр; хотира соҳасидаги тажрибавий илмий текширишларда эсда қолдирилиши зарур бўлган сўз, ҳарф, сон ҳамда тасвирларни қатъий маълум вақт оралиғида автоматик равишда кўрсатиш учун қўлланиладиган механик ёки электр аппарати.

3. Мнемоника-мнемоника; эсда қолдиришни енгиллаштириш мақсадида сунъий равишда махсус чизмалари, шартли белгилар тариқасида қўлланиладиган усуллар йиғиндиси. Мнемоника кўпроқ ассоциатив (ўхшашлик, ёндошлик ва қарама-қаршилик) қонунларига асосланган бўлиб, фақат ўзарo боғланган маълумот ва

материалларни эсда қолдириш учун қўлланиладиган ёрдамчи усуллар йиғиндиси.

4. Амнезия (юнон. а-инкор юклама, mnema-хотира) амнезия; хотира фаолиятининг қисман бузилиши ёки тўлиқ йўқолишидан иборат руҳий нуқсон. Амнезия (хотира нуқсони) ҳолатида киши баъзан ҳатто ўз исми шарифини унутиб қўйиши ҳам мумкин. Амнезия ҳолати турли касалликларда (мас. менингит) ёки бош миё қобиғининг зарарланиши натижасида содир бўлади.

5. Ассоциация (лотинча associstio-бирлашиш, қўшилиш) бирлашиш, уюшиш онгимиздаги аввалги турмуш тажрибалари билан белгиланадиган тасаввурлар боғланиши, шу боғланишлар туфайли онгимизда пайдо бўладиган муайян тасаввурлар ўхшашлик, ёндошлик ва қарама-қаршилиқ белгиларига кўра, шунга боғлиқ бўлган бошқа тасаввурларни ҳосил қилади. Масалан, «беш карра беш» деган иборани идрок қилганимизда, бош миё қобиғида шундай бир вазифалар боғланиш ҳосил бўладигани, натижада биз «йигирма беш» деган миқдорни эслаймиз. Руҳий уюшмалар ташқи таъсуротлар туфайли ҳосил бўлиб, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг яққол боғланишларини акс эттиради. Инсон руҳий ҳаётида уларнинг аҳамияти катта; билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ўша уюшмаларга асосланади. Уларнинг физиологик асослари бош миё ярим шарлари қобиғидаги муваққат асаб боғланишларидир.

6. Реминисценция (лотинча reminiscen сал-пал эслаш) реминисценция; зарур пайтда эсга тушмаган ёки аввал унитилган деб ҳисобланган материалларнинг кейинчалик эсга тушишидан иборат хотира жараёни; вақтинчалик унитиш. Реминисценциянинг сабаби асаб тизимининг чарчаши, заҳарланиши ёки шахснинг кучли хаяжонланиши ва ҳоказолардан келиб чиқиши мумкин. 1

7. Эйдетизм (юнон. eidos образ) эйдетизм; аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг образларини (тимсолларини, тасвирларини) онгда аниқ, тўлиқ ва ёрқин ҳолда узок вақт сақлаб қола олиш қобилиятида ифодаладиган руҳий ҳодиса. Нарсаларнинг тасвирларидан деярли фарқ қилмайдиган тасаввур сифатида.

8. Парамнезия (юнон. para олдида, ёнида, mnesis эслаш)-парамнезия; содир бўлаётган воқеликнинг қачонлардир бошдан кечирилгандек бўлиб туюлишидан иборат хотира касаллиги; ёлғон эсдаликлар ёки хотиранинг акс этиши (иллюзияси).

9. Проактив тормозланиш (лотинча pro олға, activus фаол); аввалги фаолиятнинг ундан кейинги материалларни эсда қолдириш ёки эсга туширишга салбий таъсир кўрсатишдан иборат хотира қонуни. Проактив тормозланишнинг физиологик асоси асаб

жараёнлари, яъни қўзғалиш ва тормозланиш ўртасидаги индукцион (лотинча *inductio*-келтириб чиқарувчи) муносабатдир.

10. Ретроактив тормозланиш (лотинча *retro* қайтадан, орқага, *activus* фаол, ҳаракатчан); муайян материални эсда қолдириш ёки эсга тушириш жараёнига ундан кейинги фаолиятнинг салбий таъсири. Ретроактив тормозланиш олдинги фаолиятга ўхшаш материаллардан биронтасини эсда қолдириш ёки эсга туширишда айниқса яққол кўриниб, унинг физиологик сабаби асаб жараёнларининг салбий индукциясидир (келтириб чиқарувчисидир).

11. Индукция (лотинча *inductio* - келтириб чиқариш)-индукция; жузъий, хусусий, якка ҳоллардан умумийликка ўтиш жараёнидир. Асаб жараёнларининг индукцияси - олий асаб фаолиятининг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабат; марказий асаб тизимида қўзғалиш пайдо бўлса, у бошқа марказларда тормозланишни келтириб чиқаради ёки аксинча.

12. Ретроград амнезия (лотинча *retrogradis* орқага кетувчи, а-инкор юкламаси, *mnema*-хотира); Илгари юз берган воқеа ва ҳодисаларни эсда сақлашдан, ҳозир содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни унитишдан иборат хотиранинг касалланиши ёки шикастланиши (нуқсони). Хотиранинг тикланиши эса унитиш жараёнига тескари равишда рўй беради; кейинчалик унитилган олдин, олдин унитилганлар кейин эсга туширилади.

13. Репродукция (лотинча *re* - қайтадан, *pradicjo* эсга тушириш)-репродукция; онгда мавжуд нарсаларни қайта тиклаш ёки эсга туширишдан иборат хотира жараёни.

14. Ретензия (лотинча *-retesio* тутиб туриш)-ретенция; хотиранинг идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни сақлаб қолиш вазифаси (функцияси).

15. Летаргия (юнон. *letargia*-унитиш, эсдан чиқариш); соатлаб, бир неча кунлаб, ҳатто, баъзан ойлаб давом этадиган руҳий касалликдаги уйку. Летаргия ҳолатида инсоннинг нафас олиши, томир уриши деярли билинмайди, тана қисмлари ҳаракатсиз, фаолиятсиз, суст бўлиб қолади.

16. Образ хотираси — яққол мазмунни, яъни нарса ва ҳодисаларнинг аниқ образларини, уларнинг ёрқин хусусияти ва боғланишларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда эсга туширишдан иборат хотира тури. Образ хотираси анализаторларнинг (ташқи ва ички муҳитдан келадиган таассуротларни қабул қилиб, физиологик жараён ҳисобланган қўзғалишни руҳий жараёнга айлантирувчи асаб механизмлари тизими) номига кўра кўрув, эшитув, тери сезгиси каби турларга бўлинади. Образ хотирасининг алоҳида бир тури эйдетизм ҳисобланади. Масалан, биз илгари ўзимиз кўрган қўшиқчининг

образини, у ижро этган куйини ва ашулани, унинг ашула пайтидаги ифодали ҳаракатларини ва турли қўзғатувчиларни ҳосил қилган бошқа таассуротларни эсимизда сақлаймиз.

17.Ҳаракат хотираси - турли ҳаракатларни, уларнинг бажарилиш тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқа сифатларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда эсга туширишдан иборат тури. Ҳаракатни эсга тушириш шу ҳаракатни бевосита бажариш ёки тасаввур қилиш орқали содир бўлади. Ҳаракат хотираси меҳнат, ўқув, маиший хизмат ишлари, спорт ва бошқа турдаги малакаларнинг таркиб топиши ҳамда бажарилишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз гавдасининг хатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қолиш инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади, бундай эслаб қолишнинг асосида ҳаракат шакли, тезлиги, изчиллиги, уларнинг ритми ва ҳоказолар тўғрисидаги мускул ҳаракат тасаввурлари ётади.

18.Мантиқ хотираси - маълум ғоялар, фикрлар, ҳамда улар ўртасидаги мантикий боғланишларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва зарур пайтларда эсга туширишдан иборат бўлган хотира тури. Масалан, фалсафий мушоҳадалар, қонуниятлар ва шу кабиларнинг эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва қайта тиклаш жараёнларидир. Сўзлар (вербал) орқали ифодаланган фикрлар сўз-мантиқ хотираси ёрдамида эсда олиб қолинади. Ўқувчилар ва талабалар ўзлари ўрганадиган, ўзлаштирадиган, ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттирувчи тушунчаларни эгаллаш, улар тўғрисида ҳукм ва ҳулосалар чиқариш жараёнида хотиранинг худди мана шу турига суяниб иш кўрадилар. Бадиий ва илмий адабиётлар матнларини эсда олиб қолиш ва эсга тушириш асосида мазкур хотира тури ётади. Бундай фикрлар худди китобдагидек сўзма-сўз шаклда ҳам, шунингдек, фикрнинг сўз ифодаси аниқ сақланмаган ҳолда эсда олиб қолиш ва эсга туширилиши мумкин.

19.Ҳис-туйғу (эмоционал) хотираси -воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан, ўз-ўзимизга бўлган муносабатларимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат хотира тури. Ҳис-туйғу ёки ҳиссий хотира - одамларнинг илгари ўз бошидан кечирган ҳис-туйғуларни ҳиссий ҳолатларини эсда олиб қолишдир. Чунончи, қачонлардир, бирон улкан ва мураккаб ишни амалга оширган пайтингизда ёки мусобақа ғолиби бўлганингизда ва шу каби бошқа ҳолатларда сизда жўш урган қувонч ёхуд ифтихор ҳисси орадан анча вақт ўтгандан кейин ҳам хотирада тикланиш мумкин. Имтиҳон пайтида қониқарсиз жавоб қайтарган ёки нотўғри ножўя хатти-ҳаракат туфайли қаттиқ хижолат чекиб, уялган бўлсангиз, сиз уни узоқ вақт эсдан чиқармаслигингиз мумкин.

20.Механик (грек. онгга йўналтирилмаган) хотира - муайян материални унинг мазмуни, моҳияти, ички мантикий боғланишларига тушунмаган ҳолда, фақат муҳим бўлмаган ташқи белгиларига асосланиб эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат хотира тури.

21.Муסיқа хотираси - аввал идрок қилинган муסיқа образларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва кейинчалик уларни қайта эсга туширишдан иборат хотира тури.

22.Касбий хотира - бевосита ўз касбига доир нарса ва ҳодисаларни, фикр, мулоҳаза, ҳиссиёт, ҳаракатларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат хотира тури. Масалан, ўқитувчи талаба ҳамда ўқувчиларнинг психик хусусиятларини, ўз фанига оид қоида ва қонуниятларини; давлат автомобиль назорати ходимлари кўпроқ автомашиналарнинг рақамлари ва тусларини; спортчи ўз соҳасига тааллуқли хатти-ҳаракатлар, мусобакалар кўригини, ҳамкасбларини эсда қолдириш ва эсга туширишга мойилдирлар.

23. Феноменал (гр. – ноёб) хотира - идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг боғланиши муносабатларини ғавқулодда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишга қаратилган нодир қобилияти.

24 . Эшитиш хотираси - товуш қўзғатувчиларини сезиш, идрок қилиш натижасида ҳосил бўлган эшитиш образларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат хотира тури. Эшитиш хотираси асосан кўзи ожиз кишиларга ва муסיқачиларда кучли ривожланган бўлади.

25. Эсда қолдириш - идрок қилинган материалларни, нарса ва ҳодисаларни онгимизда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

26. Ихтиёрсиз эсда қолдириш - идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг айрим белгилари ва хусусиятларини, улар ҳақидаги фикр ҳамда тушунчаларни олдиндан аниқ мақсад қўймаган ҳолда эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни. И. П. Павловнинг фикрича, ихтиёрсиз эсда қолдириш бош мия ярим шарлари қобиғининг маълум даражада тормозланган участкалари орқали рўй беради. Шунинг учун ҳам ихтиёрсиз эсда қолдирилган нарсаларни биз кейин пайқаб қоламиз.

27. Ихтиёрий эсда қолдириш - идрок материални мақсадга мувофиқ, унинг муҳимлигини англаган ҳолда, иродавий ва асабий куч сарфлаб эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

28. Маъносига тушунмай (механик) эсда қолдириш - муайян материални унинг мазмунига, моҳиятига тушунмасдан, қуруқ ёдлаш асосида эсда қолдириш. Ундай эсда қолдиришнинг асосий шarti



материалнинг кўп марта такрорланишидир. Бундай эсда қолдириш кўпинча боғча ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларга хосдир.

29. Мантикий эсда қолдириш - материалнинг маъносига тушуниб, унинг алоҳида қисмлари ўртасида мантикий боғланишлар ҳосил қилган ҳолда эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни. Мантикий эсда қолдириш эсда қолдиришнинг энг тежамли ҳамда маҳсулдор туридир.

30. Эсда қолдириш тезлиги - шахснинг муайян материални идрок қилиш билан эсда қолдириш ўртасидаги вақт бирлиги билан белгиланадиган яккаҳол (индивидуал) хотира хусусияти. Эсда қолдириш тезлиги шахснинг қизиқишига, қобилиятига ва истеъдодига, билим даражасига, ёшига ва бошқа унинг яккаҳол, бетакрор хусусиятларига боғлиқ.

31. Тезкор (оператив. лот. *operativ*-тезкор) хотира инсон томонидан бевосита амалга ошириладиган кўз ҳаракатлари, ақлий ҳаракатлар учун хизмат қилувчи хотира жараёнидан иборатдир. Масалан, математик амални бажаришга киришар эканмиз, биз уни бўлакларга ажратиб бажаришга киришамиз; оралиқ натижаларини эсимизда сақлаб турамыз: фаолиятимиз ниҳоясига яқинлашган сари айрим материаллар эсдан чиқа бошлайди. Бундай ҳолатни матнни ўқишда, уни кўчириб ёзишда, мураккаброқ ақлий меҳнатни амалга оширишда кузатиш мумкин. Мазкур кўз тез илғовчи бирликларнинг (бўлакларнинг) ҳажми ёки бу фаолиятни муваффақиятли яқунланиши учун таъсир қилади. Хотиранинг кўз тез илғовчи бирликларининг вужудга келишида мана шу қисмларнинг аҳамияти каттадир.

32. қисқа муддатли хотира - бир марта, шунингдек, қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ҳамда шу кездеёқ қайта тиклашдан иборат бўлиб, қисқа муддатли эсда олиб қолиш билан тавсифланади. Ахборотнинг сақланиши 30 секундгача бўлиши мумкин.

33. Узоқ муддатли хотира - кўп марталаб такрорлаш ва қайта тиклашлар орқали узоқ вақт, муддат эсда олиб қолишга мўлжалланган хотира тури.

## **2. Хотиранинг нейрофизиологик асослари.**

Инсон хотирасининг қонуниятларини ўрганиш психология фанининг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг ҳар қандай кечинмаси, ҳатто хатти-ҳаракатлари узоқ муддат онда сақланиб, маълум бир шароитда қайта намоён бўлувчи излар қолдиради. Шунинг учун хотира деганда, инсонга табиат, жамият, коинот тўғрисида маълумот, хабар, ахборот ва таассурот тўплаш имконини берадиган ҳамда илгариги

тажриба изларининг эсда олиб қолиниши, эсда сақланиши, қайта эсга туширилиши, эслаши, таниши тушунилади.

Бунга боғлиқ равишда психология фани олдида хотира жараёнларини ўрганиш билан алоқадор бўлган қатор мураккаб муаммолар, масалалар тадқиқ қилиш вазифаси турибди. Булар қуйидагилардан иборатдир: излар қандай эсда олиб қолинади, эсда олиб қолишнинг физиологик механизмлари қандай, эсда олиб қолишга қандай объектив (ташқи), субъектив (ички), табиий-биологик ва ижтимоий-психологик шароитлар таъсир қилади ва уларнинг чегаралари қандай кабилар.

Ўтган XIX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб хотирани тадқиқ қилишда тажриба, текширув, синов усулларида фойдаланила бошланган. XIX асрнинг 80-йилларида немис руҳшуноси Герман Эббингауз «соф» хотира қонунларини ўрганиш имконини берувчи, бошқача сўз билан айтганда, тафаккурга боғлиқ бўлмаган ҳолда изларнинг эсда олиб қолиниш жараёнини тадқиқот этишнинг янги услубини таклиф қилган. Маъносиз бўғинларни ёд олишдан иборат бўлган бу услуб Эббингаузга материални эсда олиб қолишнинг эгри чизиғига оид қонунни кашф қилишга, унинг асосий қоидаларини баён этишга ва ана шуларнинг асосида изларни хотирада сақланиш муддатини ҳамда аста-секин сўниш ҳолатини текширишга имконият яратган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида америкалик руҳшунос Эдуард Торндайкнинг текширишлари пайдо бўлади. У биринчилардан бўлиб тадқиқот предмети сифатида ҳайвонларда кўникмаларни пайдо бўлиш жараёнини танлаган эди.

XX асрмизнинг биринчи ўн йиллигида хотирани текшириш янгича илмий талқинга эга бўлди, унинг моддий асоси тўғрисидаги муаммоларга моҳият жиҳатидан мутлақо бошқача ёндашиш рўёбга чиқди.

Худди шу давр хотира психологиясида кескин бурилиш нуқтасини вужудга келтирди. Академик И. П. Павлов шартли рефлексларни ўрганишнинг илмий методини таклиф этди. Бу нарса, ўз навбатида, бош миё катта ярим шарлари янги боғланишлар пайдо бўлишига ва мустаҳкамланишининг асосий физиологик механизмларини текшириш имкониятини туғдирди. Ана шундай қилиб, ушбу боғланишлар пайдо бўлишига ва сақлаб қолишига ёрдам берадиган шарт-шароитлар, шунингдек, боғланишларнинг сақланишига таъсир қилувчи ҳолатлар, омиллар ва механизмлар тасвирлаб берилди. И.П.Павлов олий асаб фаолияти таълимоти ва унинг асосий қонунлари хотиранинг физиологик механизмларига оид билимларнинг асосий манбаига айланиб қолди.

Болаларда хотиранинг юксак (юқори) шакллари биринчи марта тадрижий равишда тадқиқот қилиш таниқли руҳшунос Л.С.Виготскийга насиб этган (1896-1934). Л.С.Виготский XX асрнинг 20-йилларнинг охирларида махсус текширишларнинг предмети қилиб, хотиранинг юксак шакллари ривожланиш муаммосини танлаган ва у ўз шогирдларига Л.Н.Леонтьев (1903-1979) ва Л.В.Занков билан биргаликда хотиранинг юксак шакллари руҳий фаолиятнинг мураккаб шакли эканлигини, келиб чиқиш жиҳатидан ижтимоийлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга, у мураккаб, моҳиятига кўра, эсда олиб қолишнинг асосий босқичлари ривожланишини далиллаб берди.

Руҳшунослардан А.А.Смирнов, П.И.Зинченколар ҳам хотира бўйича илмий-текшириш ишларини олиб бордилар, унинг янги қонунлари ва механизмларини очдилар, эсда олиб қолишнинг фаолият мақсадига боғлиқлигини ёритдилар, мураккаб материални эсда олиб қолишнинг оқилона усулларини кўрсатиб беришга мувофиқ бўлдилар. Уларнинг тадқиқотлари тўғрисида бошқа бобда батафсил тўхталиб ўтамиз, шунинг учун ҳозир умумий тавсиф билан чекланамиз, холос.

Хотирани психологик текширишларда қанчалик юксак муваффақиятларга эришгандан қатъи назар изларни сақлаб қолиш жараёни унинг ҳолатлари ва ҳодисалар табиати номаълумлигича қолаверган. Бу фан тармоғида узилишлар бир неча давр ҳукм суриб келган. Мазкур ҳолатнинг турли шаклда талқин қилиш мумкин, лекин ҳеч маҳал уни сақлаш тўғрисида мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Ушбу муаммо фақатгина XX асрнинг охиригى ўттиз йили ичида изларнинг сақланиши учун зарур бўлган мия қисмларини ажратиб кўрсатувчи ва эсда олиб қолишнинг ва унутишнинг асосида ётувчи механизмларни кўрсатиб берувчи текширишлар ўтказила бошланди. қуйида ана шу масалалар тўғрисида мулоҳаза юритилади ҳамда илмий-амалий жиҳатлари юзасидан далиллар келтиради.

### **3. Хотиранинг физиологик асослари**

#### *1. Асаб тизимида изларнинг сақланиши*

қўзғатувчи таъсири остида ҳосил қилинган изларнинг узок муддат сақланиш ҳодисасининг ҳайвонот оламини тараққиёти жараёнида намоён бўлиш хусусияти тадқиқотчилар томонидан текширилган ва муайян даражада маълумотлар тўплаш имкониятига эга бўлганлар.

Тажрибада аниқланишича, полипларнинг (медузага ўхшаш жониворлар) асаб тизимида бир маротаба электр токи билан таъсир қилиш орқали қўзғатишни вужудга келтириш бир неча соат давомида сақланиб қолувчи ритмик электр импульсларини ҳосил

қилади. Ҳайвонот олами йирик намояндаларининг марказий асаб тизимини тадқиқот қилиш давомида худди шунга ўхшаш ҳодиса қайд қилинган. Масалан, бир маротаба бирданига электр лампочкасини ёқиш билан қўзғатиш орқали уй қуёнининг юқори икки дўнглигида узоқ муддат қайд этиш мумкин бўлган ритмик электр разрядларини ҳосил қилади.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, кўп вақт бир хил сигнални такрорлаб туриш натижасида инсоннинг унга мослашиши, яъни ориентир рефлексининг сўнишига, бефарқликка олиб боради (Е. Н. Бойко, Е. Н. Соколов ва бошқалар). Психолог Е.Н.Соколовнинг фикрича, бундай одатланиш, кўникиш ҳодисасини алоҳида олинган нейроннинг кўп маротаба таъсир этган қўзғатувчига бераётган жавобини текшириш давомида кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кузатувчининг характери ёки интенсивлигини бироз ўзгартириш жараёни ориентир рефлексини қайта вужудга келтиради.

Е. Н. Соколов олиб борган текширишлари шуни кўрсатдики, илгари сурган ориентир рефлексининг қайта тикланиши фақатгина қўзғатувчининг хусусиятини ўзгартирилган заҳоти эмас, балки маълум вақт ўтгандан сўнг ҳам кузатиш мумкин. Агар теширувчиларда алоҳида бир қўзғатувчига нисбатан мослашиш пайдо қилдирилган, салгина қўзғатувчининг жадаллигини, таъсир этиш вақти ёки хусусияти ўзгартирилса, у ҳолда ориентир рефлексининг вегетатив ёки электрофизиологик симптомлари қайта тикланади. Бу ориентир рефлексининг қайта тикланиши унинг сўнганидан узоқ муддат ўтгандан кейин ҳам кузатилади.

Нерв тизими илгариги кузатувчиларнинг изларини аниқ сақлай олиш қобилиятига эга. Бунинг тўлароқ далиллаш мақсадида мисолларга мурожаат қиламиз.

Маълумки, агар бир хил хусусиятга эга бўлган сигнал қанчалик кўп учраса, синалувчи унга шунчалик тез мослашади, худди шу тариқа тезкорликда (реакциянинг латент вақти жуда қисқа бўлишига қарамай) жавоб қайтаради.

Турли методикалар билан атрофлича текширишлар шуни кўрсатадики, бу қонун энг оддий шароитларда ҳам сақланиб қолар экан.

Кейинги даврдаги текширишларнинг кўрсатишича, инсоннинг нерв тизими алоҳида сигнал изларини ўта аниқлик билан узоқ муддат сақлаш имкониятига эгадир, бунга Е. Н. Соколов тажрибалари яққол мисол бўла олади.

Синалувчиларга бир маротаба маълум бир баландлиги 500 гц ва жадаллиги 20 дб бўлган эшитиш сигнали берилган, унга жавоб тариқасида қўлни қисиш керак бўлган. Улар фақат шу сигналга

жавоб бериб, бошқа сигналга қўл ҳаракатлари қилмасликлари зарур эди. Тажрибанинг навбатдаги босқичида синалувчиларга шу баландликдаги, лекин интенсивлиги 5 дБ дан 30 дБ гача бўлган турли товушлар берилган. Бунда бир даврнинг ўзида электроэнцефалограмма, электромиограмма, тери-гальваник реакциялар қайд қилиб борилган.

Ушбу тажриба орадан икки, тўрт ва йигирма беш кун ўтгандан сўнг қайтадан такрорланган, лекин бир маротаба берилган эталон қайта такрор намоеън бўлмаган.

Тажриба натижаларининг кўрсатишига қараганда, бир маротаба кўрсатилган эталон синалувчиларда узоқ вақт давомида сақланиб қолган ва ундан сўнг ҳам улар эталонга мос сигналларга аниқ электрофизиологик ва ҳаракат реакцияларини билдирганлар.

Келтирилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, инсон мияси бир марта берилган кўзғатувчининг изини узоқ вақт аниқ сақлаши мумкиндир. Шуниси ажабланарлики, изларнинг аниқлиги вақт ўтиши билан йўқолмайди, балки у борган сари кучайиб боради.

## *2. Изларнинг «консолидацияланиш» жараёни.*

Юқорида биз инсон миясига таъсир қилган кўзғовчиларнинг изи эсда олиб қолинишини кўриб ўтган эдик. Навбатдаги вазифа изларни мустаҳкамланиш жараёни қандай кечади, деган саволга жавоб беришдан иборатдир. Излар тезда мустаҳкамланадими ёки маълум вақт талаб қиладими, деган муаммолар туғилиши табиий ҳолдир.

Бу саволларни ўрганиш кўпгина тадқиқотчиларнинг предмети бўлиб хизмат қилган. Кўпгина психологлар кузатишларига қараганда, инсоннинг бош мияси жароҳатланганда, жароҳатгача бўлган қисқа вақт ичида ва жароҳатдан кейин маълум вақт оралиғида таъсир қилган кўзғовчиларнинг изи сақланмайди. Бош суяги оғир жароҳатланиб, одам хушидан кетганда, шикастлангангача қандай ҳодиса рўй берганлигини ва ундан сўнг рўй берган ҳодисани сира эслай олмайди. Бу ҳол антероград, ретроград ва антероретроград амнезияси деган ном олган. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, нерв тизимида рўй берган кучли шок (руҳий оғир фавқулоддаги ҳасталаниш) мия маълум муддатга унга етиб келган кўзғатувчиларнинг изларини сақлашга қобилиятсиз қилиб қўяди.

Антероград, ретроград ва антероретроград амнезия мия изларини эсда олиб қолишга қобилиятсиз бўлиб қолган вақт оралиғини ўлчаш имконини берди. Масалан, 78-км да ҳалокатга (аврияга) учраган мотоциклчи 64-км дан бошлаб кўрган барча нарсаларни эсдан чиқаради. У соатига 60 км тезлик билан кетаётганлиги сабабли ҳалокатдан 10-15 минут олдин рўй берган таассуротларнинг изларини мустаҳкам сақлаб қола олмаган. Демак,

изларнинг хотирада мустаҳкамланиши ёки психологияда айтилганидек, «консалидация» ланиш учун 10-15 минут кифоя қилар экан, холос.

Шунга ўхшаш омиллар асосида махсус тажрибалар ўтказилиб, бунда синалувчиларга сунъий кучсиз шок берилади ва қандай муддат оралиғи хотирадан тушиб қолиши кузатилади.

Психолог Федор Дмитриевич Горбовнинг тажрибалари бунга яққол мисол бўла олади: унда синалувчилар белгилар (4, 1, -8, 5) ўтиб туради. Синалувчилар берилган сонни илгари натижага қўшиб ёки ундан айириб, арифметик операцияларни бажаришлари зарур эди. Албатта, мисолларни ечиш давомида синалувчи хотирасида илгариги натижаларни сақлаш керак эди. Фавқулодда «бирданига» синалувчига кескин ёруғлик чакнаши кўринишида «шок» берилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай ҳолларда текширилувчилар ҳозиргина олинган натижани эсларидан чиқариб қўйиб, ҳисобни охиригисидан эмас, балки олдингисидан давом эттирдилар. Тажрибалар шуни кўрсатдики, кучсизгина шок унча бўлган изларни ўчиради ва изларнинг «консалидация» ланиши учун зарур бўлган шароитга тўсқинлик қилар экан.

Юқоридаги кузатишлар шундай фикрлар олиб келдики, изларнинг мустаҳкамланиши учун муайян вақт талаб қилинади ва ушбу фактни текшириш учун психологияда қатор тадқиқотлар ўтказила бошланди.

Кўпгина америкалик муаллифлар томонидан тадқиқотлар қуйидагича амалга оширилган. Ҳайвонлар кўникма ҳосил қилинаётганидан биров вақт ўтган, ҳайвонга электр токи берилади. Агар шок кўникма ҳосил қилинганидан 10-15 минутдан кейин берилса, у ҳолда мазкур кўникма йўқолади: 10-15 минутдан кейин берилса, у ҳолда мазкур кўникма йўқолади: агар кўникма ҳосил қилинганидан кейин 45-60 минут ичида берилса, кўникма сақланади. Шу сабабдан изларнинг мустаҳкамланиши вақти учун 10-15 минут ажратилиши кифоя қилади. Жаҳон психологлари олиб борган кейинги тажрибалар шуни кўрсатдики, шокдан сўнг ҳосил қилинадиган кўникмага ҳам шок салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, шок изларининг «консалидация» ланишига таъсир қилиб қолмасдан, балки мияни шундай ҳолатга олиб қўяр эканки, бунда кўникма ҳосил бўлиши реалликдан узоқлашади.

Ҳозирги даврда шу нарса маълум бўладики, юқоридаги самара (эффект) фақат электр токи ёрдамидагина эмас, балки фармакологик элементлар таъсири остида ҳам кузатилади экан. Масалан, барбитуралар бош мия пўстлоғини тормозланиш ҳолатига олиб келади; метразол пўстлоқда кучли қўзғалишни юзага келтиради. Тўпланган маълумотларга қараганда, одамда кўникма ҳосил

қилиниб, бир минут ўтгандан сўнг барбитуратларни қабул қилиш кўникма изининг йўқолишига олиб келар экан; айнан шу дозалари барбитуратли кўникма ҳосил қилингандан сўнг 30 минут ўтгач қабул қилинса, кўникманинг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунга ўхшаш натижалар метразол билан ўтказилган тажрибаларда ҳам кузатилган; кўникма ҳосил қилингандан сўнг 10 секунд ўтгач, метразол қабул қилиниши изларнинг кўпол равишда бузилишига олиб келади, 10 минут кейин қабул қилинса, у ҳолда изларнинг кучсиз сақланиши намоён бўлади, 20 минут ўтганда эса кўникма бутунлай сақланган.

Бироқ мианинг кўзғалишига таъсир қилувчи турли моддалар изларнинг сақланишига турлича «чуқурликдаги» таъсир қиладилар. Баъзилари 3-4 кун олдин ҳосил қилинган кўникмаларни йўқотса, бошқалари изларнинг ҳосил бўлишигагина таъсир қилади.

Маълум бўлишича, изларнинг «консолидация» ланишини тезлаштирувчи моддалар ҳам маълумдир. Бундай препаратларнинг бири - отрихниндир. Бундан инъекция қилинса, консолидацияни тезлаштириш билан бирга, унга салбий таъсир кўрсатувчи моддаларга нисбатан «яшовчанроқ» қилиб қўяди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тажрибалардан кўриниб турибдики, изларнинг мустаҳкамланиши маълум вақт талаб қилади ва ушбу жараёнда турли куч билан таъсир қилувчи ҳолатлар ҳукм суради. Лекин ҳайвонларнинг индивидуал фикрлари мавжуд бўлиб, изларнинг консолидацияси турли ҳайвонларда турлича тезликда рўй беради. Америкалик психолог Мак Гоунинг кўрсатишича, кўникма тез ҳосил бўладиган каламушларга, кўникма ҳосил қилинадиган 45 сек. ўтгандан кейин шок берилса, излар йўқолади, 30 минутдан кейин шок берилса, у ҳолда излар сақланади; кўпинча кўникма аста-секин ҳосил бўлувчи каламушларда (индивидуал-типология хусусиятларга кўра) 45 секунддан 30 минутдан кейин берилган шок изларни бир хилда йўқотади. Бу шуни кўрсатадики, каламушларнинг «тез» гуруҳларида излар 15-20 минут ичида консолидация бўлишга улгуради (узоқ вақтгача) ва улар «секин» гуруҳларида эса излар консолидация бўлишига улгурмайди ҳамда узоқ вақтгача яхши мустаҳкамлана олмайди.

Инсон томонидан муайян изларни ўзлаштириш деган гап изларнинг мустаҳкамланганлиги эмас ҳали, чунки уларнинг мустаҳкамланиши учун маълум вақт зарурдир. Бу вақт кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, жумладан, булар қаторига индивидуал хусусиятлар ва улар имконини киритиш мумкин.

### 3. Хотиранинг физик ва нейрон из қолиш назариялари.

Физик из қолиш назариясида нейронлардан нерв импульсларининг ўтиши ўзидан кейин физик из қолдиради деб

тахмин қилинади. Бу назария тарафдорларининг фикрига қараганда, изларнинг физик акс этиш синапсларда юзага келадиган электрик ва механик ўзгаришларда ўз аксини топади.

Изларнинг нейрофизиологик асослари тўғрисида фикр юритилганда Лоренте, Максэлеин каби олимларнинг реверберлаштириш ҳодисасини (реверберлаштириш - айлана акс эттириш демакдир) татбиқ қилинганларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг кўрсатишларича, нерв хужайраларидан чиққан аксонлар бошқа хужайраларидаги дендритлар билан қўшилиши натижасида реверберлаштириш ҳодисаси вужудга келади.

Протоинлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар биокимёвий реакциялар дейилади. Бу ҳодисани жаҳон психологлари узоқ муддатли хотиранинг психофизиологик механизми деб атайдилар. Мак Коннел (АҚШ) ёмғир чувалчангларида тажриба ўтказган. У шартли рефлексларни ҳосил қилиш бошқа реакцияларидан фарқли ўлароқ, биокимёвий реакцияларда (ёруғдан қочишни машқ қилиш) икки-уч марта камайиб кетишини кўрсатган.

Юқорида баён қилинган тадқиқотларнинг кўрсатишича, хотира сабабий боғланиш, яъни детерминатор ҳолати натижасида вужудга келади.

#### **4. Хотира турлари**

Психиканинг энг муҳим хусусиятларидан бири - боғлиқ тўғрисидаги ташқи таассуротларнинг, инсоннинг индивидуал-типологик хусусиятларининг акс эттирилиши индивиднинг юриш-туришида, хатти-ҳаракатларида, феъл-атворида кейинчалик узлуксиз равишда фойдаланишдан иборатдир. Инсон хатти-ҳаракатларининг аста-секин мураккаблашуви, янгича мазмун ва шакл касб этиши, сифатий ўзгаришларининг юз бериши, шахсий тажрибанинг кенгайиши, ортиши билан рўй беради. Ташқи оламнинг, борлиқнинг, турмуш тарзининг бош мия катта ярим шарларининг пўст қобиғида ҳосил бўладиган образлари, тасвирлари, хоссалари тубдан йўқолиб кетмайди. Воқеликнинг ва ташқи оламнинг тимсоллари, тизимлари ўзаро турли йўсинда, тарзда боғланиб мустақамланади, тартибга келади, гуруҳга бирлашади, ҳаёт ва фаолиятнинг талабларига мос равишда эсда олиб қилинади, эсда сақланади, муайян изларнинг жонланиши натижасида уларнинг барчаси тикланади.

Хотира инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида қатнашиши туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, шарт-шароитлари, омиллари ҳам хилма-хил кўринишга эгадирлар. Одатда хотиранинг турларига ва уларни муайян турларга ажратишда



энг муҳим асос қилиб, унинг характеристикасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги олинади. Умумий психологияда хотира 5 та муҳим мезонга (бизнингча) мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади:

I. Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира куйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз-мантиқ хотира.

II. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан;

- а) ихтиёрсиз, б) ихтиёрий, в) механик.

III. Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли;
- в) оператив (тезкор) хотира.

IV. Руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра:

- а) музикӣй, б) эшитиш хотираси.

V. Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

- а) феноменал, б) касбий.

Ҳаракат хотираси. Инсон фаолиятининг ҳар бир турига руҳий фаолликнинг у ёки бу кўринишлари устунлик қилиши кузатилади: масалан, ҳаракат, ҳиссиёт, идрок, ақл-заковат каби руҳий фаолиятнинг кўринишлари мавжуддир. Ана шу руҳий фаоллик турларининг ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулотларида ўз ифодасини топиб, ҳаракатларда, ҳиссий кечинмаларда, туйғуларда, образларда, тимсолларда фикр ва мулоҳазаларда акс этади.

Буларнинг барчасига хизмат қилувчи хотиранинг ўзига хос турларига нисбатан психология фанида илмий тушунчалар тариқасида ном берилган: ҳаракат, ҳиссиёт, образли ва сўз-мантиқ хотира.

Турли ҳаракатлар ва уларни бажарилиш тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эсда туширишдан иборат хотира тури ҳаракат хотираси деб аталади.

Хотиранинг бошқа турларига қараганда, ҳаракат хотираси баъзи одамларда аниқ, равшан устунлик қилаётганлиги учраб

туради. Психология фанида классик (мумтоз) мисолга айланиб қолган ушбу ҳолатни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир; бир мусиқа ишқибози мусиқий асарни хотирасида мутлақо қайта тиклай олмас экан, лекин у яқиндагина эшитган операни фақат пантомима тарзидагина қайта тиклаш имкониятига эга бўлган. Турмушда шундай одамлар учрайдики, улар ўзларига ҳаракат хотирасининг бирлигини умуман пайқамайдилар. Мазкур хотира турининг ғоят катта аҳамияти шундан иборатки, у юриш, ёзиш, ифодали ҳаракат малакалари билан бир қаторда ҳар хил амалий меҳнат малакалари таркиб топишининг асосини ташкил қилади. Агарда инсонда ҳаракат хотираси бўлмаганда эди, у биронта ҳаракатни амалга ошириш учун ўша ҳаракатнинг айнан ўзини ҳар галда «бошидан бошлар», ўрганар эди. Фигурали учиш, лангар билан сакраш, гимнастика, чопишдаги хатти-ҳаракатлар, бадий гимнастика билан шуғулланиш ҳаракат хотирасини тақозо этади. Жисмоний чаққонлик, меҳнатдаги маҳорат, «олтин қўллар», зийрак кўзлар, эгилувчанлик ва кўзғатувчанликка эга бўлиш, юксак барқарор ҳаракат хотираси мавжудлигининг аломати бўлиб ҳисобланади.

Ҳис-туйғу ёки ҳиссий хотира. Бу хотира ҳис-туйғулар, руҳий кечинмалар, ҳиссиётлар бизнинг эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётганлигидан, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятига нисбатан муносабатларимиз қай тарзда амалга оширилаётганлигидан доимо хабар бериб туриш имкониятига эга. Шунинг учун ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида ҳиссий хотиранинг тури жуда катта аҳамият касб этади.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан ўз-ўзимизга бўлган муносабатларимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш, эсда туширишдан иборат хотира тури ҳиссий хотира деб аталади. Улар биз руҳиятимизда кечирган, маънавиятимизга таъсир қилувчи, хотирамизда сақланиб қолган ҳис-туйғу, эҳтирос, алам, армон кабилар жонланишга ҳаракатга ундовчи ёки ўтмишда салбий кечинмаларга эга бўлган ҳаракатлардан сақлаб турувчи сигнал тарзида намоён бўлади. Ўзга кишиларнинг руҳий ҳолатига ҳамдард (эмпатия) бўлиш, бевосита воқелик моҳиятига ошнолик, китоб, санъат, кино, театр қаҳрамонлари билан биргаликда қайғуриш сингари инсон туйғулари ҳиссий ёки ҳис-туйғу хотирасига асосланади.

Ҳиссий хотира ўзининг вужудга келиш хусусияти, тезлиги, динамикаси, давомийлиги билан хотиранинг бошқа турларидан маълум маънода ажралиб туради. Ҳар қайси одамга ўз турмуш тажрибасидан маълумки, кўпинча қачонлардир ўқиган китоблардан, тамошо қилган кинофильмлардан спектакллардан фақат «таассуротлар» боғланишлари занжирини ечишнинг дастлабки

тугуни сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳиссий (хотира ижтимоий аҳамият касб этиб, умумийлик) алоҳида олинган одамларнинг кайфиятлари бир-бирларига ўхшашлиги илиқ рухий муҳитни вужудга келтириш ёки нохуш кечинмалар тўлқинини барпо этиш (эҳтимоли тўғрисида мулоҳаза юритилаётганлиги аён бўлса керак) аломати остида ижтимоий, гуруҳий, жамоавий барқарор ёки беқарор кайфиятни вужудга келтиради. Оммавий кайфият (шодлик, ғам-ғусса, безовталаниш кабилар) худди шу тарздаги эҳтирос, аффект, стресс, шижоат сингари кечинмаларни келтириб чиқаради ҳамда уларни хотирада сақланишга ёрдам беради, зарурият туғилганда жонланишга ўз таъсирини ўтказади.

Образли хотира. Образли хотира тасаввурлар ва турмуш манзаралари, шунинг билан бирга, товушлар, таъмлар, ранглар, шакллар билан боғлиқ бўлган хотира туридир. Образли хотира деб, яққол мазмунни, бинобарин нарса ва ҳодисаларнинг аниқ образларини, уларнинг хусусиятлари ва боғланишларини эсда қолдириш, онда мустаҳкамлаш ҳамда зарурият туғилганда эсга туширишдан иборат хотира турига айтилади.

Психология фанида образли хотиранинг бир нечта турлари ажратиб кўрсатилади, биз уларнинг айримларига тавсиф берамиз.

Изчил образлар. Сенсор хотиранинг энг содда кўриниши ёки шакли изчил образлардан иборатдир. Изчил образларнинг намоён бўлиш ҳодисаси қуйидагилардан тузилгандир: агар субъект (шахс)га бир неча дақиқа оддий кўзғатувчи юборилса, жумладан, 10-15 сек. ёрқин қизил квадратга қараб туриш таклиф этилса, сўнг текширилувчи олдида квадрат олиб қўйилса, у қизил квадрат ўрнида худди шундай геометрик шакл изини кўришда давом этади, асосан, бу шакл кўк-яшил рангда товланади. Мазкур из ўша заҳоти, баъзан бир неча секунддан кейин пайдо бўлиб, 15 секунддан то 45-60 секундгача ўша объектда сақланиб туради, шундан сўнг у аста-секин оқара бошлайди; натижада ўзининг аниқ контурини йўқотади, кейинчалик мутлақо йўқолиб кетади, гоҳо бутунлай йўқолиш учун қайтадан пайдо бўлиши мумкин. Одамларнинг индивидуал-типологик хусусиятларига қараб, изчил образларнинг аниқлиги ва давомийлиги турлича бўлиши кўзга ташланади.

Ўзининг келиб чиқиши, кучлилиги жиҳатдан изчил образлар салбий ва ижобий турларга бўлинади. Агар изчил равишда одам қизил рангга қараб туриб, сўнгга нигоҳини оқ қоғозга кўчирса, у ҳолда объектда кўк-яшил ранг пайдо бўлгандай туюлади. Изчил образларнинг ушбу тури салбий изчил образлар деб аталади. Бу ҳолатни яна бир мисол орқали тушунтирилса, қуйидаги кетма-кетлик ҳодисаси намоён бўлади. қоронғи хонада кўз олдида бир нарса, масалан, қўл яқинлаштирилса, сўнгга қисқа муддатли (0, 5

сек) электр чироғи ёқилса, бу ҳолда чироқ ўчгандан кейин одам бир неча дақиқа давомида нарсаларнинг аниқ образларини кўришда давом этади. Мазкур образ ўз рангида бир қанча муддат сақланиб, сўнг кўздан йўқолади.

Изчил образлар хотира жараёнининг содда изларига мисол бўла олади. Ушба руҳий ҳолатни онг билан бошқариб бўлмайди, чунончи, хоҳишларга қараб узайтириш, ихтиёрий равишда қайта тиклаш мумкин эмас. Бинобарин, изчил образлар ушбу хотиранинг мураккаброқ турларидан ана шу жиҳати билан фарқ қилади.

Изчил образларни эшитиш, тери орқали сезишда кузатиш мумкин, лекин бу вазиятда изчил образлар кучлироқ намоён бўлиши ва қисқа муддат давом этиши кузатилади.

Эйдетик образлар. Умумий психологияда изчил образлардан эйдетик образларни фарқлаш анъана тусига кирган («эйдос»-юнонча «образ» деган маънони англатади). Хотиранинг бу тури, яъни эйдетик образлар ўз вақтида немис психология мактабининг намояндалари ака-ука Йеншлар томонидан таърифлаб берилган. Баъзи одамларда, айниқса, болалик ва ўсмирлик, ўспиринлик ёш даврларида кузатилган нарса ёки суратлар кўз ўнгидан олиб қўйилса ҳам сурат сиймоси узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга.

Мазкур нарса ва жисмларнинг аниқ образлари, тасвирларини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса жаҳон психология фанида тажрибада текширилиб кўрилган. Тажрибада текширилувчига 3-4 минути давомида расм кўрсатилган ва тасвир олиб қўйилгандан сўнг, унинг таркибий қисмлари, тузилиши ҳақида қатнашчиларга саволлар берилган. Бу жараёнда айрим текширилувчилар биронта саволга жавоб бера олмаган бўлсалар, аниқ эйдетик образга эга бўлган иштирокчилар эса расмни кўришда давом этаётгандай ҳар бир саволга аниқ жавоб беришга эришганлар.

Тажрибаларнинг кўрсатишига қараганда, эйдетик образлар узоқ вақт инсон онгида сақланиши мумкин. Мабодо уларнинг излари йўқолиб кетган бўлса ҳам, лекин ҳеч қандай қийинчиликсиз унинг сиймоси қайта тикланиш мумкин.

Собиқ шўро психологияси фанида эйдетик образларнинг намоён бўлиш ҳодисаси (ёрқин эйдетик хотирага эга бўлган кишининг психологик хусусиятлари) А. Р. Лурия томонидан кўп йиллар давомида ўрганилган. Эйдетик хотиранинг индивидуал-типологик хусусиятлари чуқур таърифлаб берилган. Эйдетик образлар ҳаракатчанлик хусусиятига эга бўлиб, субъектнинг олдида қўйилган вазифа ва унинг тасаввурлари таъсири остида ўзгартирилиши мумкин.

Ака-ука Йеншлар томонидан ўтказилган оддий тажрибада эйдетик хотирага эга бўлган текширувчига олма ва ундан сал

узоқроқда жойлашган ирмоқ тасвирланган расм кўрсатилган. Расм ўртадан бўлиб қўйилгандан кейин текширувчидан олмани олиш истаги кучайиб бораётганлиги сўралган. Муайян йўл-йўрик берилгандан кейин текширилувчи мана бундай ҳолатни тасвирлаб беради: ирмоқ олмага яқинлашиб, уни илади ва ихтиёрсиз равишда қатнашчи томон тортади. Хуллас, эйдетик образ ҳаракатчан бўлиб, субъектнинг руҳий кўрсатмасининг таъсири остида сифат ва миқдор ўзгаришига юз тутаяди. Эйдетик образлар, илмий текширишларнинг кўрсатишича, болалик ва ўспиринлик ёш давларида муайян муддат ҳукм суради ва вақтнинг ўтиши билан унинг излари аста-секин сўна боради.

Психофармокологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, эйдетик образларни кучайтирувчи калий ионлари ва шунингдек, уни кучсизлантирувчи кальций ионларининг моддалари мавжуддир. Илмий изланишларда олинган миқдорий материаллар эйдетик образлар пайдо бўлишининг психологик илдизларини чуқурроқ очишга хизмат қилади.

Тасаввур образлари. Тасаввур образлари хотиранинг янада мураккаброқ тури бўлиб ҳисобланади ва уларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эгамиз. Инсон дарахт, мева, гул тўғрисида тасаввурга эга эканлиги шуни кўрсатадики, унинг илгариги тажрибалари субъектнинг онгида шу образларнинг изларини қолдирган. Илмий тушунчалар талқин қилинганида тасаввур образлари эйдетик образларга жуда яқиндек туюлади. Лекин эйдетик образлар ҳақидаги психологик таҳлил шуни кўрсатадики, тасаввур образлари унга қараганда анча бой бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Тасаввур образларининг эйдетик образларидан ажратувчи фарқ-тасаввур образларининг полимодаллик хусусиятидир. Бунинг асосий моҳияти тасаввур образлари кўриш, эшитиш, тери орқали сезиш изларининг таркибий қисмларини бирлаштиради. Масалан, мева тўғрисидаги тасаввур образи унинг ташқи кўриниши (шакли, ранги), мазаси, оғирлиги, вазнини ўзаро бирлаштириб акс эттиради.

Тасаввур образларининг эйдетик образларидан асосий фарқи шундай иборатки, у ўз таркибига нарс ҳақидаги тасаввурларни ақлий жиҳатдан қайта ишлашни киритади ва жисмларнинг асосий хусусиятларини ажратиб, маълум бир категорияга бирлаштиради. Инсон гул образини фақатгина эсга туширмайди, балки уни муайян бир сўз ёки тушунча билан атайди, хусусиятларини ажратиб кўрсатади, аниқ бир категория моҳиятига киритади.

Демак, тасаввур образларида одамнинг хотираси идрок қилинган нарсанинг изини суёт равишда сақлабгина қолмай, балки бир қатор тасаввурлар билан бойитади, нарс мазмуни ва моҳиятини

таҳлил қилиб, у ҳақидаги ўз билимлари, тушунчалари кабиларни тажриба билан боғловчи ижодий сермахсул фаолиятни амалга оширади. Буларнинг барчаси иродавий сифатлар, ақлий зўриқиш, асабий таранглашув натижасида рўёбга чиқади.

Хуллас, тасаввур образлари хотиранинг мураккаб фаолият маҳсули ҳисобланиб, улар изчил ёки эйдетик образларга нисбатан мураккаб психологик ҳодисадир. Тасаввур образлари хотира изларининг мураккаб тури бўлиб, унинг ақлий жараён билан яқинлиги инсон билиш фаолиятининг муҳим таркибий қисмидан бири эканлигидан далолат беради.

Сўз-мантиқ хотираси. Сўз-мантиқ хотираси мазмуни фикр ва мулоҳазалар, аниқ ҳукм ҳамда хулоса чиқаришлар ташкил этади. Инсонда фикр ва мулоҳаза турли хил шакллар ёрдамида ифодаланганлиги туфайли, уларни ифодалаш фақат ўзлаштирилаётган материалларнинг асосий маъносини изоҳлаш, талқин қилиб бериш ёки уларни сўзма-сўз ифодаланилишини айланиб айтиб беришга қаратилган бўлиши мумкин. Агар маълумот, ахборот, хабар, материал маъно жиҳатдан қайта ишланмаса, у ҳолда материални сўзма-сўз ўзлаштириш мантиқий ўрганиш бўлмасдан, балки, аксинча, механик эсда олиб қолишга айланиб қолади.

Сўз-мантиқ хотиранинг вужудга келишида биринчи сигнал билан бир қаторда иккинчи сигналлар тизими асосият касб этади. Чунки сўз-мантиқ хотираси фақат инсонга хос бўлган хотирани махсус тури ҳисобланиб, бу хотира тури ўзининг содда шакллари билан ҳайвонларга ҳам тааллуқли бўлган характер ҳис-туйғу ва образли хотиралардан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ана шу боисдан сўз-мантиқ хотираси бир томондан хотиранинг бошқа турлари тараққиётига асосланади, иккинчидан, уларга нисбатан етакчилик қилади. Шу билан бирга бошқа барча турларнинг ривожланиши сўз-мантиқ хотиранинг такомиллашувига узвий боғлиқдир. Сўз-мантиқ хотиранинг ўсиши қолган хотира турларининг барқарорлашувини белгилайди.

#### Ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира.

Хотира турларига нисбатан бошқача тарзда ёндашиш ҳоллари учрайди, шу боисдан хотира фаолияти амалга ошираётгани яққол, фаоллик хусусиятлари билан узвий боғлиқ равишда турларга ажратилади. Масалан, фаолият мақсадига кўра ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Ихтиёрий хотира деганда маълум мақсадга рўёбга чиқариш учун муайян даврларда ақлий ҳаракатларга суянган ҳолда амалга оширишдан иборат хотира жараёни тушунилади. Бу фаолиятни одатда онг бевосита бошқаради. Кўпинча психология фанига ихтиёрий хотирага ихтиёрсиз эсда олиб қолиш қарши қўйилади. Бу

жараён маълум, керакли топшириқ ёки вазифа қўйса, эсда олиб қолишга етакловчи фаолият бирон-бир мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган тақдирда юзага келади. Биз математика топишмоқлари ечаётганимизда масаладаги сонларни эсда олиб қолишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз. Мазкур сўз-мантик ҳолатда асосий мақсад фақат масала ечишга қаратилади, бунинг натижасида сонларни (иккинчи даражали белги сифатида) эсда сақлашга ҳеч қандай ўрин ҳам қолмайди. Шунга қарамай, биз уларни қисқа муддатга бўлса-да, эсда сақлашга интиламиз, бу ҳолат фаолият якунлангунга қадар давом этади.

Эсда олиб қолишни мақсад қилиб қўйиш, эсда олиб қолишнинг асосий шarti ҳисобланади. Серб психологи Радосавлевич ўз тадқиқотида қуйидаги ҳодисани баён этади. Тажрибада текширилувчидан бири синовни қўллаётган тилнинг тушунмаганлиги туфайли унинг олдига қўйилган вазифаларни пайқай олмаган. Бунинг оқибатида унча катта бўлмаган тадқиқот материали 46 марта ўқиб берилганига қарамай текширилувчига тушунтирилиб берилганидан сўнг, у материал билан олти марта ўқиб танишиб, уни такрорлаб, қисмга ажратиб эсга қайта туширишга эришган.

Хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турлари хотира тараққиётига иккита кетма-кет босқичларини ташкил этади. Ихтиёрсиз хотиранинг турмушда ва фаолиятда катта ўрин эгаллашини ҳар ким ўз шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрий хотиранинг турмушда ва фаолиятда катта ўрин эгаллашини ҳар ким шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрсиз хотиранинг муҳим хусусиятларидан бири махсус мнемик мақсадсиз, ақлий, асабий, иродавий зўр беришсиз ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг қўламдаги маълумот, хабар, ахборот, таассуротларнинг кўпчилик қисмини акс эттиришдир. Шунга қарамасдан, инсон фаолиятининг турли жабҳаларида ўз хотирасини бошқариш зарурати туғилиб қолиши мумкин. Худди мана шундай шароитда, ҳолатларда, вазиятларда, фавқулодда керакли нарсалар ихтиёрий равишда эсда сақлаш, эсга тушириш ёки эслаш имкониятини яратадиган хотиранинг мазкур тури катта аҳамиятга эгалиги шубҳасиз.

#### ***қисқа муддатли узоқ муддатли ва оператив хотира.***

Сўнгги пайтларда собиқ шўро ва чет эл психологиясида хотира тадқиқотчиларининг эътиборини эсда олиб қолишнинг дастлабки, бошланғич дақиқаларида вужудга келадиган ҳолатлар, жумладан, ташқи таассурот изларининг мустаҳкамлашигача бўлган жараёнлар, ҳолатлар, механизмлар, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланиш муддатлари ўзига жалб қилиб келмоқда. Масалан, бирор материал (шакли, моҳиятидан қатъий) хотирада мустаҳкам

жой олиш учун бу субъект томонидан тегишли равишда қайта ишлаб чиқиши, зарур материалларини бундай ишлаб чиқиш учун маълум даражада муддат талаб этиши табиийдир. Ана шу вақт, муддат оралиғида хотирада қайта тикланаётган изларни консолидациялаш-мустаҳкамлаш деб қабул қилинган. Мазкур жараён инсон томонидан яқингинада бўлиб ўтган ҳодисаларни акс садосидан кечинма сифатида кечирилади ва такомиллашади. Инсон муайян дақиқаларда, лаҳзаларда долзарб пайтда бевосита идрок қилинаётган нарсаларни гўё кўришда, эшитишда давом этаётгандек туюлади. Ушбу жараён келиб чиқиши жиҳатидан беқарор, ҳатто ўзгарувчан, лекин улар шу қадар махсус тажриба орттириш механизмларнинг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, шу боисдан уларнинг роли шу қадар аҳамиятлики, бу жараёнларга эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, ахборотлар, маълумотлар, хабарларни қайта эсга туширишнинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ушбу жараён одатда психология фанида қисқа муддатли хотира деб аталади.

Жуда кўп қайтаришлар ва қайта тиклашлар натижасида материални узоқ муддатли хотирадан фарқ қилган ҳолда қисқа муддатли хотира бир марта ҳамда жуда қисқа вақт оралиғида идрок қилиш ва шу онгдаёқ қайта тиклашдан сўнг қисқа муддатли эсда олиб қолиш билан характерланади.

Ҳозирги замон илмий адабиётларида қисқа муддатли хотиранинг қуйидаги атамалари мавжуд: "бир лаҳзалик", "зудлик", дастлабки, қисқа муддатли ва бошқалар.

Оператив хотира. Инсон томонидан бевосита амалга оширилаётган фаол, тезкор ҳаракатлар, усуллар учун хизмат қилувчи жараённи англлатувчи мнемик ҳолат оператив хотира деб аталади. Ҳозирги замон психологиясида ушбу ҳолатни намоиш қилиш учун ушбу мисол келтирилади: математик амални бажаришга киришар эканмиз, биз уни муайян бўлақларга ажратиб ҳал этишни мақсад қилиб қўямиз. Шу боисдан, оралиқ натижаларини ёдда сақлашга интиламиз, ниҳоясига (охирига, якунланишига) яқинлашган сари айрим материаллар эсдан чиқа бошлайди.

Мазкур ҳолат матнни талаба ёки ўқувчи томонидан ўқишда, уни кўчириб ёзишда, ижодий фикр юритишда, ақлий фаолияти амалга оширишдан яққол кўзга ташланади.

Мазкур фаолиятда хотиранинг бирликлари деб номланадиган қисмлар (бўлақлар парчалар) ҳажми, кўлами у ёки бу фаолиятнинг муваффақиятли якунланишига таъсир кўрсатади. Хотирада омилкор, тезкор бирликларни таркиб топишида ана шу қисмларнинг аниқловчилик аҳамияти каттадир. қисмнинг ҳажми, кўлами, аниқлиги, лабиллиги, тактик ва стратегик хусусиятга эга эканлиги



муҳим аҳамиятга эга (мисол учун: почта қутиси). Рамзий маънода юқорида қисқача мулоҳаза юритилган хотира турлари қуйидагича узвий боғлиқликка эгадир: оператив-қисқа муддатли- ва узок муддатли.

### **5. Эсда олиб қолиш турлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаси**

Психология фанида эса олиб қолишнинг қуйидаги турлари мавжуд эканлиги тан олинган:

1) маълумот, хабар, таассурот, ахборот ва материалларни эшитиш орқали идрок қилиш ҳамда эсда олиб қолиш;

2) эгаллаш ёки ўзлаштириш зарур бўлган материалларни кўриб идрок қилиш ёрдамида эсда олиб қолиш;

3) материалларни ҳаракат ёрдамида ва эшитиш орқали идрок қилиш ҳамда эсда олиб қолиш;

4) аралаш ҳолатда эсда олиб қолиш: кўриш, ҳаракат кабилар орқали идрок қилиш ва эсда олиб қолиш, бошқача айтганда, бир нечта таъсир этувчилар ёрдамида акс эттириш.

Ушбу мисоллар ёрдамида биз эсда олиб қолишнинг таҳлил қилиб ўтилган тўрт тоифаси хусусиятлари билан таништириб, ўзига хос жиҳатларига тўхталамиз.

#### **I II III IV**

перо дело тезда дарс  
тоғ чанғи ўқ қорақурт  
Дарахт денгиз осмон арава  
кулф тош кум эчки  
таёқ сарой китоб ўқитувчи  
картон кўнғироқ шок апельсин  
сиёҳ пўст балкон ўт  
асалари каламуш чироқ бўри  
карам бўта ит парта  
ойна эртак топишмоқ қўзиқорин

1) биринчи қатор ўқиб берилади, сўнг эслаб қолинган сўзларни ёддан талаб қилинади;

2) иккинчи қатордагини кўриб идрок қилиш, сўнг эслаб қолганларини ёзиш вазифаси қўйилади;

3) 8-10 минутдан кейин 3-қатордаги сўзлар ўқиб берилади ва уларни ҳавода ёзиб кўрсатиш сўралади, бу йўл идрок қилинган сўзларни ёддан ўзича ёзишни тақозо қилади;

4) сўнгги қатор ўқилади ва кўрсатилади; синалувчилар уларни ичдан такрорлашлари керак, ундан сўнг эслаб қолинган сўзларни ёзиш тавсия қилинади.

Мана шу йўллар орқали кўриш, эшитиш, эшитиш-ҳаракат, комбинирлаштирилган (аралаш) турлари ёрдамида хотиранинг қайси тури устунроқ ёки қайси бири бўш эканлигини аниқлаш мумкин.

Эсда олиб қолишда ассоциацияларнинг аҳамияти муҳимдир. Бунинг учун эсда олиб қолиш жараёнининг боғланишлари пайдо бўлиш суръатини аниқлаш мақсадида, улар хусусиятларига биноан қуйидаги: 1) сабаб-оқибат боғланиш (кесилса-оғрийди) 2) бўлак ва яхлит муносабати (кўйлак-ёқаси), 3) карама-қаршилиқ муносабати (осойишталик-шовқин), 4) инъкор этиш ҳолати (қувноқ-ғамгин), 5) адекват ёки аниқлик (ғор аниқлаш жойи, ўқитувчи сўзига ўқувчининг жавоб топиши) турларга ажратилади.

А.Р.Лурия эсда олиб қолишни тадқиқ қилишда "Пиктограмма" усулидан фойдаланилади. Ушбу усул хусусиятига кўра, асосан, тажриба учун қалам ва қоғоз талаб қилинади. Бунинг учун 12-18 тагача атама танлаб олинади: 1) қувончли байрам, 2) оғир меҳнат, 3) ўсиш, 4) кечки мазали овқат, 5) жасур ҳаракат, 6) касаллик, 7) бахт, 8) сеҳрли савол, 9) жудолик, 10) дўстлик, 11) зимистон, 12) қайғу, 13) адолатсизлик, 14) шубҳа, 15) илиқ шамол, 16) алдаш, 17) бойлик, 18) оч бола.

Тажриба ўтказувчи атамаларни ўқиш пайтида синалувчилар эшитиши зарур бўлган сўзларни пиктограмма шаклида график ҳолатда ифодалаш керак (нимани хоҳласа ўшани чизиш). Атамалар ўқилганда синалувчилар орадан 5 минут ўтгандан кейин уларга пиктограмма (расм, график орқали) бўйича берилган сўзларни эслаш, ҳар бир пиктограмма тагига атамани ёзиш сўралади. Бунда эсга тушириш карама-қарши тартибда бўлиш тавсия этилади. Масалан, оғир меҳнат - курак ёки болға, юк орқалаган одам; шубҳа - йўл кесилиши ёки сўроқ аломати, ўсиш - ўсаётган дарахт, тўғри чизиқ ва бошқалар.

Эсда олиб қолиш коэффициентини қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:  $K_{\text{КТГ}} = \frac{n}{N} \cdot 100$  Эсга қайта туширилган тўғри сўзлар миқдори  $n$ - қўйилган талабларнинг умумий миқдори. Бу тажриба орқали: а) вербал эслаб қолиш самарадорлиги, б) ассоциациялар йўналиш ва хусусияти, в) уларнинг умумлашганлиги, яққол белгилардан мавҳум белгиларга ўтишини аниқлаш имкони юзага келади.

Эсда олиб қолиш инсон фаолиятининг хусусиятига бевосита боғлиқдир. А. А. Смирнов, П. И. Зинченко тажрибалари шуни кўрсатадики, эсда олиб қолиш у ёки бу фаолиятдагина самарали бўлиш мумкин. А.А.Смирновнинг тажрибаларида текширишларга қараганда, икки хил фаолият таклиф қилинса, биринчи ҳолда улар маъноли матнни эсда олиб қолиш назарда тутилади. Синалувчилар

матнни ёдлар эканлар, материаллар устида ҳеч қандай фаол иш олиб бормаганлар. Иккинчи ҳолда эса эсда олиб қолиш вазифаси қўйилмайди-ю, лекин матн устида муайян иш олиб бориш, унда учрайдиган маъновий хатоларни аниқлаш таклиф этилади. Иккинчи ҳолда эсда олиб қолиш анча самарали бўлганлиги аниқланган.

Бу самарадорлик эса кўп жиҳатдан бериладиган кўрсатмаларга боғлиқдир. Умуман эсда олиб қолиш кўрсатмаси узоқ ва қисқа муддатли эсда сақлашга, аниқ эсга туширишга ёки сўзлари билан эсга туширишга қараб кўрсатмалар бериш мумкин. Таҷриба ўтказувчиларнинг хизмати шундаки, а) синалувчиларга тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ёки уларни яратиш, б) қайси хабар, маълумот, ахборот, таассурот муваққат хусусиятга эга, в) нимани эсда олиб қолиш зарурияти мавжуд, г) қандайларини тушуниб олиш кифоя қилади, д) нимани қай ҳолда сўзма-сўз эсда олиб қолиш кераклигини кўрсатиб ўтиш лозим. Кузатишларнинг кўрсатишича, бундай кўрсатмалар (установкалар берилмаганда); таҷриба иштирокчиларида кўпинча нотўғри ва қарама-қарши ҳукмлар вужудга келади.

Махсус воситалар ва оқилона усулларни қўллаш орқали эсда олиб қолиш соҳасидаги ёдлашдан иборат ташкилий фаолият алоҳида аҳамиятга эга. А.А.Смирновнинг ўтказган таҷрибасидаги натижалар шуни кўрсатадики, матнни махсус тузиб чиқилган режага асосланган ҳолда ёдлаш режаси, пала-партиш эсда олиб қолишдан икки барабар самаралироқ экан рухшунос олимларнинг тавсиясига биноан ёдлаш жараёнида материални такрорлаш билан уни фаол эсга тушириш ўзаро алмаштириб туриш юқори натижалар беради. Кузатишлар ва таҷрибалар шуни кўрсатдики, ўқувчилар ва талабалар бу усулларни мустақил равишда эгаллай олмайдилар, одатда улар муаллимнинг раҳбарлигида эгаллашади, акс ҳолда ўқув фаолияти иштирокчилари материални бевосита, ихтиёрсиз эсда олиб қолиш босқичида қотиб қолиши мумкин, бу ҳол ақлий ўсишга қарама-қаршидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўқув материалларини маъносига тушуниб эсда олиб қолиш йўли оқилона йўл бўлиб қолмасдан, балки у механик эсда олиб қолиш жараёнини ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради.

Инсон улғайиб борган сари унинг ақлий фаолиятида маълумот, хабар, билимлар маъносини тушуниб эсда олиб қолиш кенг ўрин эгаллай бошлайди. Ҳозирги давр талаби шундан иборатки, ахборот кўламининг тезкорлик билан кенгайиб бориши ўқиш ва ўқитишда материалларни маъносига тушуниб эсда олиб қолишдан иборат хотира фаолиятга нисбатан эҳтиёж янада кучаяди. Лекин бу мулоҳаза механик эсда олиб қолиш мутлақо яроқсиз ўқув фаолияти

ёки умуминсоний фаолиятнинг таркибий қисми деган хулосага олиб келмаслиги зарур. Чунки ишлаб чиқаришда, турмуш жабҳаларида, таълимда таърифлар, ифодаланган саналар, шартли белгилар, математик ва кимёвий аломатлар, хорижий атамалардан фойдаланиш механик эсда олиб қолиш жараёни орқали амалга оширилади. Шунинг учун бу ҳолатни эсда олиб қолиш ва эсга тушириш кўрсатмаларидан (установкаларидан) келиб чиққан ҳолда талқин қилиш адолат тантанаси деб тушуниш керак. Механик эсда олиб қолиш билан боғлиқ ахборотлар мажмуи инсон билиш фаолиятининг таркибий қисми эканлигини тушунтириш оқилона ёндашиш намунаси бўлиб ҳисобланади. Бу омил жаҳон психологлари тажрибасида кўп марта тадқиқ қилинган ва тўпланган материаллар ўз долзарблигини ҳали ҳам йўқотгани йўқ, бунга республикамизда йиғилган натижалар яққол мисолдир.

Эсда олиб қолиш жараёни деганда, сезги, идрок, тафаккур ва ички кечинмаларни хотирада сақланиш хусусияти тушунилади. Кундалик ҳаётимизда китоб, журнал, газета ўқиганимизда, материални эсда олиб қолиш учун шу материалларнинг маъносига тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Жамики нарса инсонга етарли даражада тушунарли бўлмаса, у тақдирда уларни эсда олиб қолиш жараёни жуда қийин кечади. Ўрганилаётган материалнинг мазмуни ва маъносига тушуниб олиш учун одам уни таҳлил қилишга, умумлаштиришга ҳаракат қилади. А.А.Смирнов таъкидлаганидек, материални тушуниб олиш худди шу жараёнга яққол мисолдир. Муаллифнинг шахсий фикрига қараганда, ўзлаштирилаётган материалларни эсда олиб қолиш қийинлиги уларни тушуна олмаслиқдир. Тушуниб олишнинг эсда олиб қолишдаги аҳамияти худди шу билан тавсифланади.

Жаҳон психологияси фани тўплаган маълумотларга қараганда, ўзлаштирилаётган материални механик тарзда эгаллашга нисбатан унинг маъносини тушуниб ўзлаштириш бир неча марта маҳсулдордир.

Эсда олиб қолиш жараёнида ўзлаштирилаётган материалнинг маънога эга бўлишлиги ёки бўлмаслиги муҳимдир. Ассоциатив психология мактабининг вакили, таниқли руҳшунос Г. Эббингауз жаҳон психологиясида биринчи бўлиб, 1885 йилда олий руҳий жараён бўлган хотирани (1888 йилда интеллектни) илмий тажриба методи негизида текширди ва кенг кўламда турмушга татбиқ этди. У хотира жараёнини тажрибада текширишнинг асосий йўналишини ишлаб чиқди. Хотирани "соф" кўринишда ўрганишга ҳаракат қилиб, маъно касб этмайдиган бўғинлардан фойдаланади. Унинг бу тадқиқоти кишининг мантиқий хотирасини эмас, балки механик хотирасига нисбатан қўлланишга хос тўғри йўналишдир.

Г.Эббингаузнинг бу тадқиқоти психологияда интроспектив (ўз-ўзини кузатиш ёки ички кузатиш) методга қарама-қарши қўйилган илмий тажрибавий метод ютуғи сифатида илмий-амалий аҳамиятга эгадир. У хотира жараёнини текширишда ўз олдига 38 та маъно англатмайдиган бўғинлардан тузилган материални эсда олиб қолишни мақсад қилиб қўйган. Бу материални ўзлаштириш ўртача 55 марта такрорлашни талаб қилади. Эсда олиб қолиш учун 38-40 сўздан, 11 та боғлиқ бўлмаган сўзлардан фойдаланган. Бу материални ўзлаштириш 6-7 маротаба такрорлашни талаб этган, умумий ҳисоб эса 9:1 нисбатга тўғри келган.

Д.Лайон ҳам худди шу муаммо билан шуғулланган (1914 йили). Унинг тажрибаларида 200 та мазмунга эга бўлмаган, маъно касб этмайдиган сўзлар 98 минутдан кейин эсда олиб қолинган. Прозаик (содда тил билан ёзилган, бадиий бўёққа бўялган) матндан олинган 200 та сўз 24 минутдан сўнг, шеърый услубда ёзилган матндан олинган 200 та сўз 10 минутдан кейин эсда олиб қолинган. Бу ерда ҳам маълум маъно касб этувчи материални эсда олиб қолиш маъносиз материални эсда олиб қолишга нисбатан 9:1 ҳосил қилади. Эсда олиб қолишнинг мустаҳкамлиги ўзлаштирилаётган материални маънога эга ёки эга эмаслигига боғлиқдир.

Г.Эббингауз унутишнинг вақтга боғлиқлигини тажриба орқали аниқлаган. Тўпланган натижаларнинг кўрсатишича, материал ёд олингандан сўнг унутиш суръати тез, кейинчалик у бирмунча секинлашади. Бу қонуният маъносиз айрим бўғинларни унутиш устида олиб борган ишларида тасдиқланган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўрганилган нарсалар бир соатдан кейин унутилади. Материални ўзлаштириш жараёни мобайнида, хотирлаш натижасида унутиш секинлашиб боради. Муваққат асаб боғланишлари сусайиши натижасида қачонлардир содир бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари хотирада аста-секин йўқолиб боради. Вақтнинг ўтиши билан бирмунча унутилиб борилаётган ёки унутилиб кетилаётган вақтли боғланишларни, яъни ассоциацияларни қайтадан тиклаш жараёни куч-қувват, хатти-ҳаракатларни талаб қилади.

Г.Эббингауз издошлари ва шогирдлари томонидан ўтказилган жуда кўп тадқиқотларнинг кўрсатишича, унутиш суръати материалнинг маъноли ёки маъносизлигига, унинг қанчалик англашилганлигига боғлиқдир. Материал қанчалик мазмундор, англашилган, тушуниб олинган бўлса, у ҳолда унутиш ҳам шунчалик секин кечади. Лекин маъноли материалга нисбатан ҳам унутиш аввал тез суръатда, кейинчалик эса бу секинлашади. Бирон-бир материални ўзлаштириш ёки эсда олиб қолиш - инсоннинг эҳтиёжлари, қизиқиши, фаолиятнинг мақсади билан боғлиқ бўлса, бу материал секин унутилади.

Унутишнинг тезлиги эсда олиб қолинган материалнинг мустаҳкамлигига тескари пропорционал хусусият касб этади. Демак, эсда олиб қолишнинг мустаҳкамлиги ўзлаштирилаётган материалнинг маънога эга ёки эга эмаслигига боғлиқликдан ташқари, яна бир нечта омиллар ўз таъсирини кўрсатади (қизиқиш, хоҳиш, шахсий аҳамиятга эга эканлиги) ва унинг фаолият мазмунига айланишига ҳам боғлиқ. Шунингдек, улар кишининг шахсий, яккаҳол хусусиятларига ҳам бевосита алоқадор.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларнинг исботи учун Г.Эббингаузнинг ҳаётий тажрибасидаги мисолни келтириб ўтамиз. У Дон Жуан Байроннинг тўртлигини 24 соатда ўзлаштириб олади. Бу тўртлик Г.Эббингауз учун шахсий аҳамият касб этган, шу билан бирга, унинг қизиқиш истакларига мос тушган. Бунда ўзлаштириш жараёни қуйидагича кетади: иккинчи марта такрорлаш 50 фоиз вақтни тежаган, кейин вақт ўтиши билан бу тўртликни такрорлаш 34 фоиз вақтни ташкил қилган. Орадан 22 йил ўтгандан сўнг ҳам бу тўртлик ханузгача унинг кўз ўнгидан кетмаган. Худди шу ғазалнинг бошқа бир тўртлигини ёд олишга ҳаракат қилиб кўрилганда, бунинг учун бирмунча кўп вақт талаб қилган ҳамда 7 фоиз вақт кетган. Бу ғазалнинг қолган қисмлари ёд олинмаган. Демак, бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, одам учун катта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган нарсаларнинг кўпчилик қисми мутлақо эсдан чиқиб кетмайди.

1926 йили П.Вильямсон бир бўғинли сўзлар асосида тузилган материалдан фойдаланиб, А. Датце ва Г. Джонс (1931 йили) каср усулидаги матндан олинган материални бир марта ўқиб чиқилгандан сўнг, олинган материалларга кўра, унутиш жараёни Эббингаузнинг маъносиз бўғинлар ёрдамида тузилган материаллар асосида ўтказилган тажрибасидан фарқли равишда, қуйидагича натижа берган: Эббингауз тажрибаларида бир соат ичида 35 фоизга кескин пасайган бўлса, Датце-Джонсларнинг тажрибаларида унутиш 72 фоизга, П.Вильямсонникида эса унутиш 75 фоизга пастлашган ҳолда эгри чизик ҳосил қилади.

Собиқ шўро руҳшунослари тадқиқотларининг натижалари маънога эга бўлган материалларни ўзлаштиришда эсда олиб қолиш учун турли хил йўналиш, кўрсатма бериш муҳим аҳамият касб этади, деган фикрни тасдиқлайди. А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, П.А.Рибников ва бошқалар болаларнинг хотира фаолиятини ўрганганлар, шунингдек, улар ўқиш фаолиятига асосланган ҳолда мактаб ўқувчиларида текшириш ишларини олиб борганлар.

П.И.Зинченко, М.Н.Шардаков, А.И. Липкиналарнинг тадқиқот ишларининг аксарияти шунга бағишланган бўлиб, турли материални эсда олиб қолишда тушунишнинг аҳамияти муҳимлигини

тасдиқлашга интиланган. Бу материални эсда олиб қолишга тўғри йўналиш берилишининг натижасида материал мазмунини тушуниб олган ҳамда эсда олиб қолиш тезлиги, аниқлиги, мустаҳкамлиги ва тўлиқлиги таъминланади.

А. А. Смирновнинг таъкидлашича, шу давргача ҳеч ким, ҳеч бир илмий адабиётларда болаларга ва қўйи синф ўқувчиларига аҳамиятли бўлган материални механик тарзда олиб қолишлари кўрсатилмаган.

Немис рухшуноси Вильям Штерн (1871-1938) фикрича, болаларда ҳам, катта ёшдаги одамларда ҳам маъносига тушуниб ўзлаштиришга нисбатан механик эгаллаш кам махсулдир. Бу мулоҳаза ҳақиқатан ҳам тўғри бўлиб, у Меймон фикрига кўра, ёш улғайиши билан маъносиз материални эсда олиб қолиш камайиб боради ва кам самара беради, лекин маънога эга бўлган билимларни эсда олиб қолиш эса сезиларли даражада ривожланиб боради. Шунга ўхшаш омиллар бошқа психологлар томонидан ҳам тўпланган бўлиб, бу ҳақда бой материаллар умумий психология хрестоматияларида ўз ифодасини топган.

А. А. Смирнов маъно англатмайдиган бўғинлардан ва маъно касб этувчи сўзлардан тузилган материал асосида текшириш ўтказган. Катта ва кичик ёшдагиларда ихтиёрий ва ихтиёрсиз эсда олиб қолишни алоҳида текшириш, ҳар иккала ёш даврида мазмундор ва мазмунсиз материални эсда олиб қолишнинг муносабатини текшириш мақсад қилиб қўйилган.

Маъно касб этган материални эсда олиб қолиш ёш болага нисбатан катталарда устунлиги, лекин маъносиз материални эсда олиб қолиш кичик ёшдаги болаларга қараганда кам самара бермаслиги аниқланган. Маъносиз бўғинлар нафақат кичик ёшдаги болаларда, балки катта ёшдагиларда ҳам яхши ўзлаштирилади.

А.Н.Леонтьев тадқиқот ишларида катта ёшдагиларнинг маъносиз бўғинлардан тузилган материални яхши, пухта эсда сақлаб қолишлиги таъкидланган. Катта ёшдагилар маъносиз бўғинларни қандайдир мазмун билан тез ва осон боғлай оладилар. Шунинг учун уларда болаларга нисбатан ҳам кучлироқ маъно касб этади, шунингдек, маъно англатмайдиган материални ўзлаштириш жараёни тез кўчади, махсулдорроқ бўлади. Маъносиз материалларни эгаллаш учун ирода кучи, иродавий сифатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Эсда олиб қолишга ҳеч қандай йўналиш берилмай материални яхши олиб қолганини кишининг жадал фаолияти билан боғлиқдир. Фаол фаолият одамларнинг хотира йўналиши ўрнини босиб, эсда олиб қолиш учун берилган йўналишлар ва уларнинг функцияларини бажара олади. Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш фаол, иродавий куч сарфлаш ҳисобига амалга ошади. А.А.Смирнов маъноли материални

эсда олиб қолишнинг болалар учун енгил кўчиши - уларнинг ёш хусусиятларга боғлиқ нарса эмаслигини таъкидлаб ўтади. Чунки болалар ҳали тушуниб олмаган материални гўё маъноси яшириниб ётгандек қабул қиладилар. Матн маъносининг номаълумлиги унга нисбатан қизиқиш, билишга интилиш, мазмунини излашга талабчанлик уйғотади. Одатда, маъносиз сўзларни лаборатория шароитига қараганда, кундалик турмушда пухтароқ эслаб қолинади. Масалан, рўзгор ёки боғча учун сотиб олиниши зарур бўлган нарсалар ва бошқалар. Ўзлаштирилаётган материал фаол фаолият мазмунига предметиға айланганда мустаҳкам эсда олиб қолинади, маҳсулдорлиги бирмунча юқори бўлади. Улар кўп нарсаларни механик эсда олиб қоладилар, муайян маъноға эға бўлган материал мазмунини, моҳиятини ҳамма вақт ҳам тушуниб олавермайдилар. Болалар ўз сўзлари билан таҳлил қилишларига эса уларда сўз бойлиги етишмайди. Бир фикрни иккинчиси билан изчил боғлай олмайдилар. Кичик мактаб ёшидаги болалар бўлса, материални тушуниб олишлари қийин бўлгандагина уларнинг, маъносини тушунган ҳолда ёд оладилар. Шунинг учун навбатдаги материални ўзлаштираётганда ҳам худди шу йўсинда ёд олиш улар учун муваффақиятлироқ кўчади. Шундай қилиб, улар механик тарзда эсда олиб қоладилар, бунинг асосий сабаби эса материални тушунишнинг қийинлиги ҳисобланади.

қатор олимларнинг мулоҳазаларига биноан: 1) материални эсда олиб қолиш даражаси шахснинг хусусиятиға эға эмас, балки унинг яккаҳол хусусиятларига боғлиқдир; 2) механик эсда олиб қолишнинг одат тусига кириб қолиши ҳам ёш даврларнинг хусусияти эмасдир; 3) чет эл психологи Г. Уиппл (1919 йилда) ушбу масалани тадқиқ қилишға кўра, сўзма-сўз эсда олиб қолиш механик эсда олиб қолишнинг бирон-бир кўринишидир.

Тажриба вақтида ўзлаштирилаётган материални "ўз сўзи" билан баён қилиб беришлари сўралганда, натижа кўнгилдагидек бўлмаган, бунга асосан сабаб сўз қашшоқлигидир. Чунки ўзлаштирилган материал мантиқий изчил эмас, балки сўзма-сўз ўзлаштирилади. Сўзларнинг бирин-кетин изчиликда баён қилиниши бироз бўлса-да, материалнинг аслиятиға яқинлашади.

Материал ва хабарларни сўзма-сўз олиб қолиш имкониятининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- а) материалнинг таъсирчанлик даражаси;
- б) шахснинг ўзлаштиришға муносабати;
- в) ўзлаштирувчининг имконияти ва қобилияти.

Агар ўзлаштирилаётган материал таъсир кучини кўрсатишда ёш даврларининг хусусиятлари, субъектнинг ўзига ҳослиги, бетакрорлиги ҳисобға олиниб, уларни эғаллашға нисбатан тўғри



кўрсатма берилса, у ҳолда унинг таъсирчанлиги ортади. Материални ўзлаштиришга нисбатан муносабатда катта ёшдаги одамлар учун материални маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг аҳамияти, болалар ва мактаб ўқувчиларида эса тасаввур образлари ва образли хотира муҳим аҳамият касб этади. Болаларда ўзлаштирилаётган материалнинг аниқлиги, ўзига хослиги, бетакрорлиги, аксарият хусусиятларига эга эканлиги каби сифатларнинг аҳамияти муҳимдир.

Инсоннинг ўз устида мустақил ишлаши, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш имконияти, узлуксиз машқ қилиши, зарур кўникма ва малакаларнинг эгаллаши, ички имкониятлардан унумли фойдаланиши эсда олиб қолиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

## **6. Эсга тушириш**

Эсга туширишга хотира жараёни сифатида таъриф берилганда, унинг таъсири натижасида узоқ муддатли хотира тизимида аввал мустаҳкамланган турли хусусиятли материаллар ва таассуротларни оператив (тезкор) хотира жабҳасига кўчиришнинг фаоллашуви назарда тутилади. Олдин ўзлаштирилган материалларни хотирада қайта тикланиши, яъни хотирада тўпланиб (йиғилиб) қолган изларнинг фаоллашув жараёни мураккаб ёки енгил кечишининг даражаларига биноан тавсифланиши мумкин: а) бизни қуршаб турган нарса ва ҳодисаларни, ҳеч иккиланмасдан «автоматик» тарзда таниш; б) қарийб унитилиш даражасида бўлган нарса ва ҳодисаларни қийинчилик ва азоб билан эслаш кабилар. Ана шу талқиндан келиб чиққан ҳолда эсга тушириш жараёнининг ички тузилишига биноан бир нечта турларга ажратиш мақсадга мувофиқ: таниш-бевосита шахс ёки нарсани эсга тушириш (ихтиёрий ва ихтиёрсиз тарзда) ва эслаш (хотира ихтиёрий ёки ихтиёрсиз ҳолатда). Бу аснода инсоннинг турмуш тарихи (хаётий салномаси), унинг умр давомидаги (онтогенетик) хотираси ва уни эслаш шахс учун алоҳида аҳамият касб этади.

Таниш-бу когнитив нуқтаи назаридан теварак- атрофдаги нарса ва ҳодисаларни инсон томонидан қайта идрок қилиш шароитида эсга туширишдан иборат хотира жараёни. Таниш муайян шахснинг ҳаёти ва фаолиятида катта аҳамиятга эга. Бу хотира жараёнининг шарофати туфайли биз кўрган, эшитган нарсалар, ҳодисалар, воқеликлар ва инсонлар билан қайта дуч келганимизда уларни янгидан, бошдан идрок қилмаймиз, балки уларни қайсидир аломатлари, кўриниши, хусусиятлари ва бошқаларга асосланиб таниймиз. Худди шу боис, теварак-атрофдаги объектларни (субъектларни) идрок қилиш тажрибаси билан узвий боғлиқ таниш жараёни атроф-муҳитдаги воқелик (реалия) бўйича тўғри мўлжал (ориентир) олишга имкон яратади. Таниш ўзининг аниқлиги, кўлами, ёрқинлиги хусусиятлари ва

даражаларига биноан ҳар хил кўринишларга эга. Психологияда таниш жараён сифатида ҳам ихтиёрсиз, ҳам ихтиёрий тарзда намоён бўлиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра, таниш тўлиқ, ёрқин, аниқ амалга ошган бўлса, у ҳолда бир дақиқали ихтиёрсиз аклий ҳаракат тарзида кечади ёки юзага келади. Бу жараёнда ҳеч қандай жисмоний, асабий, аклий зўриқишсиз, ўзимиз пайқамаган ҳолда аввал идрок қилган жисмлар ёки субъектларни тез таниймиз. Чунки, инсоннинг фавқулодда тажрибаси, ҳаётий тажрибаси, фаолияти билан ихтиёрсиз таниш жараёнининг тури қўшилишиб кетади. Мабодо таниш жараёни ўзининг кўлами билан нотўлиқ бўлса, у албатта ноаниқ хусусият касб этади. Агарда қайсидир одамни кўрганда «танишлик ҳисси» уйғонса, лекин уни олдин (аввалдан) билган кишимизга ўхшашлиги бўйича шубҳаланишимиз мумкин. Шундай руҳий ҳолатлар ҳам учрайдики, унда биз бирор инсонни танисак-да, бироқ қай тарзда, қандай вазиятда унинг учратганимизни хотирлай олмаймиз. Бундай ҳолдаги нотўлиқ ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган таниш жараёни ўзига хос мураккаб ихтиёрийлик хусусиятларини касб этади. Объектни (субъектни) идрок қилишга асосланган ҳолда уни аниқ таниш учун биз турли вазиятларни эслашга ҳаракат қиламиз. Бундай руҳий ҳолатлар таниш жараёнини эсга туширишга кўчгандай тасаввур уйғотади.

Эсга тушириш жараёни танишдан фарқли ўлароқ мўлжалланган объектни (субъектни) қайтатдан идрок қилмасдан эслаш орқали бевосита тарзда амалга оширилади. Фавқулоддаги дақиқаларда рўёбга чиқарилаётган фаолиятнинг мазмуни эса эсга туширишни акс эттирса-да, лекин ушбу фаолият махсус тарзда уни эсга туширишга йўналмаган бўлади. Бундай кўринишдаги эсга тушириш ихтиёрсиз дейилса-да, аммо у бирон-бир ташқи ёки ички турткисиз, ўзидан ўзи юзага келмайди. Ихтиёрсиз эсга туширишнинг турткиси- бу предметни (субъектни) идрок қилиш, тасаввур образларини яратиш, фикрларни туғилиш жараёни ҳисобланиб, уларни муайян ташқи таъсирлар (омиллар) келтириб чиқаради.

Тасодифий ҳолатларда объектларни (субъектларни) идрок қилиш юзага келтирган ихтиёрсиз эсга тушириш бетартиб (хаотик) бўлмасдан, балки муайян нарсаларга йўналиш хусусиятига эгадир. Фикр ва образларни эсга туширишнинг мазмуни ва йўналишини аввалги тажрибаларда тўпланган билимлар, ассоциациялар белгилайди. Гоҳо инсон томонидан эсга тушириш турткилари сезилмаслиги сабабли ушбу жараён ўзидан ўзи вужудга келгандай туюлади.

Ихтиёрсиз эсга тушириш йўналган, ташкиллашган бўлиши учун объектларни (субъектларни) идрок қилишни тасодифий туртки эмас, балки мазкур дақиқаларда шахс томонидан амалга оширилаётган муайян фаолият мазмуни келтириб чиқаради. Масалан, ўқилган китобнинг мазмуни таъсирида кишида унинг тажрибаларини ихтиёрсиз эсга туширишни йўналганлиги ва ташкиллаштирилганлиги ортади. Мазкур мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ихтиёрсиз эсга туширишни ихтиёрсиз эсда олиб қолиш

жараёни сифатида бошқариш мақсадга мувофиқ. Агарда олий мактаб ўқитувчиси маърузани мантиқли, маъноли, тартибли, тизимли амалга оширса, машғулотларда талабаларда олдинги тажриба маҳсуллари ташкиллаштириш уқуви ортади. Одатда инсон ўз олдига қўйган мақсаддан келиб чиқадиган ихтиёрий эсга туширишни репродуктив топшириқ ёки муаммо юзага келтиради. Мабодо ўзлаштирилган материаллар хотирада пухта мустаҳкамланган бўлса, у ҳолда уларни эсга тушириш енгил кечади. Баъзан материалларни ҳар қандай вазиятда, турли ёшдаги инсонлар томонидан эслаш имкони вужудга келмаса, у тақдирда қийинчиликни осон, енгил енгил мақсадида фаол қидирув фаолиятини амалга ошириш зарур. Бундай йўсиндаги эсга тушириш эслаш жараёни деб аталади.

Эслаш ихтиёрий эсда олиб қолишга ўхшаб мураккаб ақлий ҳаракат хусусиятига эга бўлиши мумкин. Касб-коридан қатъи назар, ҳар қандай шахс объект ва субъектларни оқилона эслаш кўникмасини эгаллашга интилиши (одатланиши) лозим. Маълумки, инсоннинг ўз билимларидан фойдаланишнинг тайёргарлик даражаси ва маҳсулдорлиги унга бевосита боғлиқдир. Тажрибаларнинг кўрсатишига қараганда, пухта, мустаҳкам эсда олиб қолиш жараёни муваффақиятли эсга туширишни таъминлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эслашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан репродуктив топшириқнинг мазмуни нечоғлиқ аниқ, ёрқин, аниқланган бўлишига боғлиқ. Мабодо эслаш жараёнида қийинчиликлар вужудга келса, у тақдирда репродуктив топшириқ моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фикрлаш, хотирлаш кенг кўламдаги билимлардан торроқ тизимли билимлар сари йўналтирилиши жоиз. Бунинг учун даставвал нимани эсга тушириш аниқлангандан кейин ассоциацияларни фаоллаштириш мақсадида солиштириш, қиёслаш, фарқлаш, ўхшатиш, ақлий операцияларидан фойдаланиш маъқул. Эслаш хотиранинг эсга тушириш жараёни сингари танлаш ёки саралаш хусусиятига эга. Инсон нутқида аниқ мужассамлашган ва англанилган репродуктив топшириқ (вазифа, масала, муаммо) эслашнинг кейинги ақлий ҳаракатга йўналтирилганлиги туфайли хотира маҳсулининг энг муҳимини ажратиб ёки танлаб олишга ёрдам беради.

Эслашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни амалга оширишда ақлий усул ва воситаларидан қандай фойдаланишига боғлиқ. Хотиранинг муҳим воситалари қаторига: материалларни (кўлами ва ҳажмига биноан) эслашнинг режасини тузиш; объект ва субъект моҳияти ҳамда хусусиятига мутаносиб образларни (тимсолларни) кўз ўнгига келтириш; билвосита ассоциацияларни пайдо қилувчи мақсадга йўналтирилган ички ва ташқи туртки (мотив) ларни кўзгаатиш ва бошқариш.

Эслашнинг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан репродуктив топшириқни бажаришнинг қанчалик асосланганлигига жиддий боғлиқ. Муаммонинг асосланганлиги уни шахс томонидан англаш сари етаклайди. Эслаш жараёни ўтмиш таассуротларини оддий тарзда эсга туширишига эмас, балки у олдинги билимларининг янгилари билан алоқага киришуви,

янгича тартибга келтирилиши, чуқурроқ англаниш даражасига ўсиб ўтиши ҳамдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, шахсда эслаш жараёнида ишонч ҳиссининг уйғониши эсга туширишга катта таъсир этади.

Хотирот (эсдаликлар шахсий мажмуаси) бу шахснинг ўтмишдаги образлар воқеликлар ва таассуротларининг фазовийлашуви ҳамда вақт (давр) жиҳатидан аниқ ифодаланилишига асосланиб эсга туширишдир. Хотирлашда нафақат ўтмиш объектлари ва субъектлари эсга туширилади, балки улар муайян вақт ва фазо жиҳатидан мувофиқлаштиради, яъни уларни қачон, қаерда, қандай шароитда кечганлиги эсга туширилади. Бу маҳсулларнинг натижасида улар турмушнинг муайян даври билан боғланади, ҳамда уларнинг даврий кечиши инсонлар томонидан англаб етилади.

Ҳар бир инсоннинг шахсий турмуш тарихи у яшаётган жамиятнинг ижтимоий воқеликлари билан чамбарчас боғлиқ. Борлиқнинг, ижтимоий ҳаётнинг ҳодисалари, ҳолатлари, воқеликлари, ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятлари, кечинмалари шахснинг муайян эсдаликлари маълум вақт (давр, муддат) билан чекланганлик ва қуршаб олинганликнинг таянч негизи сифатида хизмат қилади. Жумладан, инсон бирор нарса, сана ва воқеликни эслаганида, у мазкур ҳодиса мустақиллик байрами арафасида, яъни XX асрнинг охириги ўн йиллигида содир этилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, хотирот (эсдалик) мураккаб ақлий фаолият, жараён билан алоқада бўлиб, эсга тушириш воқеликларни, уларнинг кетма-кетлигини, ўзаро сабабий боғлиқлигини англаш (тушиниш)нинг зарурати ҳисобланади. Шунинг учун инсон эсдалик (хотирот)ларининг мазмуни, моҳияти, маъноси ўзгармай қолиши асло мумкин эмас. Чунки, хотирот қотиб қолган когнитив таркиб эмас, балки динамик хусусиятли хотира жараёни. Шахс йўналишининг эволюцион (табiiй равишда, аста-секин ўзгариб боровчанлиги) тамойилга асосланганлиги туфайли у қайта фикр юритишга, маънони фикран қайта куришга мойил.

Шахснинг хотироти (эсдаликлари) унинг шахсий ҳаёти, саргузаштлари билан алоқадорлиги сабабли доимо улар билан бир қаторда ранг-баранг эмоционал ҳолатлар, мураккаб ички кечинмалар ҳамоҳанглигида кечади.

## 7. УНУТИШ ВА ЭСДА САҚЛАШ

Унутиш хотира жараёни сифатида таърифга эга бўлиб, ўзини вужудга келиш хусусиятига боғлиқ тарзда ўта чуқур ва юзаки кўринишларга эга. Худди шу боис, унутилган образларнинг ёки фикрларнинг фаоллашуви у ёки бу даражада қийинчиликларга учраши, ҳатто амалга ошмайдиган воқеликка айланиши мумкин. Шахснинг фаолиятида хотирада тўпланган материаллар (турлича бўлишидан қатъи назар) амалиётда камроқ қўлланилса, фойдаланилса (ортиқча юк хусусиятини касб этса), унутиш тобора

чукурлашиб боради, бунинг натижасида фаол ҳаётӣй мақсадга эришиш йўлидаги аҳамияти пасаяди. Аммо қайсидир материални эслаш чоғида қийинчилик, сунъий тўсиқ юзага келса, уни мутлақо йўққа чиқариш керак эмас, чунки, бу ҳодиса уни батамом шахс хотирасидан чиқиб кетишини билдирмайди. Одатда материаллар (объектлар, субъектлар)нинг аниқ, яққол, мавжуд томонларининг шакли унутилади, бундан ташқари, унинг ҳукм суриши, барқарор аҳамиятли мазмуни эса унга ўхшаш (мутаносиб) билимлар ва хулқ-атвор ҳаракатлари шаклий бирликлари билан қўшилиб кетади, оқибат натижада хулқ-атворнинг мазкур шаклларида таассуротлар интеграл (умумлашма, йиғиқ) тарзда эсга тушиши мумкин. И.П. Павловнинг далиллашича, сўниб бораётган рефлекслар ўзларини тиклашлари учун дастлабки пайдо бўлиш даврига қараганда такрорлаш миқдорини камроқ талаб этади. бундай ташқари, сўниб бораётган рефлекслар муайян шароит ёки вазиятга тормозланиш, тўхталишга учраши мумкин. Бу воқелик аллақачон унутилган деб тасаввур қилинган таассуротларнинг фавқулодда айрим омилларни эсга тушириш ҳолати билан изоҳланади. Масалан, оғир бетоб ҳолда ётган одам қачонлардир ўрганган шеърини тасодифан ёддан айтади, ваҳоланки, ундан узоқ йиллар фойдаланмагани учун уни батамом унутган деб ўйлаш мумкин.

Хотира жараёни ҳисобланмиш унутиш бу ўзига хос, ранг-баранг, изоҳталаб руҳий когнитив ҳодиса.

Шахс фаолиятига сингиб кетган маълумотлар (объектлар, субъектлар) унинг учун муайян аҳамият касб этганлиги туфайли булар мутлақо унутиб юборилмайди, инсон фаолиятига сингиб кетган материаллар унинг эҳтиёжлари бидан бевосита алоқага киришганлиги сабабли унутиш билан курашиш жараёнининг ишончли воситаси ҳисобланади. Бунинг ёрқин ифодаси эсда сақлашнинг муҳим омили ёки усули –бу такрорлаш ақлий ҳаракатидир.

Салбий индукция ҳодисаси ҳаракати билан уйғунлашув беқарор, шунингдек, муваққат (вақтинча) унутиш жараёнини келтириб чиқаради. Олий таълим жараёнида ўзлаштиришда нотаниш, бегона (ёд) кўзғатувчилар янги муваққат (вақтинча) боғланишлар вужудга келишига тўсқинлик қилади, бунинг оқибатида эсда олиб қолишнинг самарадорлиги (маҳсулдорлиги) пасаяди. Олдинги (ўтмишдаги) барқарорлашган боғланишлар (алоқалар) изларини йўқотишга йўналган тўсиқлар сўзсиз унутиш жараёнини келтириб чиқаради. Модомики, шундай экан, унутиш нерв фаолиятининг проактив ва ретроактив тормозланиши (тўхталиши) билан алоқада бўлишига шубҳа йўқ. Маълумотларга қараганда, олдиги ёки кейинги фаолият ҳозирги фаолиятнинг мазмунига ўхшаш ёки ундан мураккаброқ бўлса, албатта тормозланиш (тўхталиш) ҳолати вужудга келади.

Юқоридаги психологик ва физиологик омилларга асосланган ҳолда мана бундай хулосага келиш мумкин: биринчидан, бир мавзудан бошқа бир мавзуга ўтиш чоғида бироз тўхталиш қилиш туфайли асабий

таранглашув, жиддийлик, ақлий зўриқиш камаяди; иккинчидан, аудиториядан ташқари машғулотларда мустақил билим олишда турдош, жинсдош ўхшаш фанлар юзасидан эмас, балки ўзаро бир-бири билан кескин тафовутланувчи соҳалар бўйича тайёргарлик ишларини йўлга қўйиш даркор.

Маълумотларга қараганда, проактив ва ретроактив тормозланиш бир фаолият доирасида ҳам юзага келиши мумкин, чунончи, муайян ўқув материални ўрганиш (танишиш), техник чизмалар устида ишлаш, лойиҳаларни таҳлил қилиш каби жараёнлардир. Маълумки, материалнинг ўртасини эсда олиб қолиш учун боши ёки охирини ўзлаштиришдан қийинроқ, мураккаброқ кечади. Материал ҳажмининг кўплиги, катталиги, шунингдек, унинг ўртасини эсда олиб қолишга проактив ва ретроактив тормозланиш салбий таъсир кўрсатади. Худди шу боис, материал ўртасини эсда олиб қолиш учун уни бир неча марта такрорлашга тўғри келади. Шунинг учун бир текис, аста-секин суръатга амал ёки риоя қилиш юқори самара беради, диққатни мавзуга ёки фаолият объектига пухта тўплаш (марказлаштириш, концентрация), иродавий актни унга йўналтириш натижасида қўзғовчилар, турткилар миёда мустаҳкамланади.

Муваққат, вақтинча унутиш жараёни миёда пўсти ҳужайралари зўриқиши, таранглашуви оқибатида ҳамда ташқи, иккинчи даражали тормозланиш таъсирида вужудга келиши кузатилади. Бу воқелик тана аъзолари, асаб фаолияти тизими толиққан ҳолатида эсда олиб қолишни кескин пасайиши билан изоҳланади. Асаб тизими, ҳужайраларнинг меъёрида ишлашини тикланиши орқали унутилган нарсалар, субъектлар тўғрисидаги маълумотлар аста-секин эсга туша бошлайди.

Салбий индукция ва ташқи тормозланиш томонидан келтириб чиқарувчи вақт ўтиши билан унутиш жараёни реминисценция ҳодисаси билан алоқага эга. Эсда олиб қолишнинг дастлабки дақиқаларига қараганда, муайян вақт ўтгандан кейин эсга тушириш тўлароқ акс этар экан. Катта ҳажмдаги материалларни эсда олиб қолиш кезида ҳам шунга ўхшаш рухий ҳодиса вужудга келади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, реминисценция ҳодисаси вояга етганларга қараганда, болаларда кўпроқ учрайди, киши кексايиш даврида сал-пал эслаш, эсга тушириш янада кучаяди. Инсоннинг барча фаолияти турларида (таълим, меҳнат), муомаласида, ҳулқ-атворида ҳисобга олиш жоиз.

Маълумотлар (материаллар)ни эсга туширишдаги қийинчиликлар уларни эслашнинг ўта кучли хоҳиши юзага келиши туфайли намоён бўлади ҳамда ғавқулдда тормозланишни чакиради. Вақт ўтиши билан инсоннинг бошқа нарсалар(объектлар, субъектлар) билан чалғиши тормозланишни пасайтиради, натижада нимани эслаш зарур бўлса, у дарров эсга туширади.

Худди шу боис, эсга тушириш имкониятининг йўқлиги, ҳатто бу борада таниш жараёни ҳам ўз хусусиятлари билан тўла унутишнинг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланмайди. Энг асосийси, олий таълим тизимида

муваққат (вақтинча) унутиш билан сал-пал ҳамда узоқ муддатли унутиш турларини фарқлаш жоиз, чунки, унинг охиригини такрорлаш ёрдами билан бартараф қилиниши мумкин. Баъзи ҳолларда талаба билимини баҳолаш кезидаги англашилмовчиликнинг вужудга келиши муваққат (вақтинча) унутиш шароити ва хусусиятини ҳисобга олмай, узоқ муддатли унутиш сифатида қарор қабул қилишнинг оқибатидир.

Муваққат асаб тизими алоқаларини узоқ муддат сақланиши уларнинг мустаҳкамлик, барқарорлик даражаси учун муҳим аҳамият касб этади. Муваққат алоқалар камроқ мустаҳкамланган бўлса, пухталиқ етишмаса, улар тезгина сўнади ва аксинча. Шунинг учун ҳар қандай материални аввал бошдан пухта ўзгартириб олиш лозим. Агарда материал пухта мустаҳкамланса, шунча узоқроқ эсда сақланади ва камроқ унутилади. Шунини таъкидлаш жоизки, эгалланаётган материалга нисбатан шахсда мойиллик, қизиқиш, мотивация мавжуд бўлса, уни узоқроқ эсда сақлашга замин ҳозирлайди.

Унутиш жараёни вақт билан ўлчанади ва муайян суръат тақозоси билан рўёбга чиқади. Эббингаузнинг кўрсатишича, материални ўзлаштиришнинг дастлабки дақиқаларида унутиш жадал кечади, муайян вақт ўтгандан кейин унинг суръати пасаяди. Унутиш материалнинг мазмунига, янгилигига, тушунишнинг оғир ёки енгиллигига касбий ва ижтимоий аҳамият касб этишига боғлиқ. Худди шу сабабдан шахс томонидан англанган материал аста-секин, паст суръатда унутилади. Шунга қарамадан, нисбатан инсон томонидан англанган материал дастлаб тез суръатлар билан унутила бошлайди, кейинчалик эса унинг кечиши биров пасаяди. Машқ қилиш, такрорлаш, турғун, барқарор қизиқишни шакллантириш мумкин қадар унутиш суръатини пасайтиради.

Эсда сақлашнинг шарт-шароитлари хотира ўткирлиги, маҳсулдорлиги, самарадорлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Унутиш вақт (замон) функциясигина бўлиб қолмасдан, балки унда эсда олиб қолиш, эсга тушириш сингари танловчанлик (саралаш), хусусияти мавжуд. Ўз моҳияти билан шахснинг эҳтиёжларига қизиқишларига, фаолият мақсадига боғлиқ, мутаносиб, муҳим аҳамиятли материал, секин суръатда унутилади. Инсон учун ҳаётий, ижтимоий, касбий аҳамиятли бир қатор воқеликлар материаллар, маълумотлар асло унутилмайди. Одатда шахснинг фаолиятда иштирок этиш даражасига қараб материалнинг эсда сақланиши аниқланади. Илмий тадқиқотларда унутиш ўзлаштирилган материалнинг ҳажмига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Муайян вақт ўтгандан кейин ўзлаштирилган, ўрганилган материални эсда сақлаш фоизи унинг ҳажмига тесқари пропорционал муносабатда бўлиши тасдиқланган. Агарда бир хил шароитда (вазиятда) берилган материаллар ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ўхшаш бўлса, у ҳолда эсда олиб қолиш жараёнида уларни ҳисобга олиш ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Масалан, суҳандон (диктор) бир бет стандарт матнни ўқиш учун икки минут вақт сарфласа, худди шу ҳажмдаги

материални ўқиш, ўқиш, тушуниш, англаб етиш учун талаба уч-тўрт баробар вақт ажратади. Бунда шахснинг индивидуал хусусиятлари, хотира типлари, укувчанлик қобилияти, ноёб хислатини ҳисобга олиш жоиз. Эсда сақлаш жараёнида материалнинг ҳажми бирламчи эмаслиги, унга унинг сифати устувор аҳамият касб этади. Эсда сақлашда яхлитлик, алоҳидалик муҳим ўрин эгаллайди, чунки, мазкур жараёнда матн (мавзу)даги асосий ҳолатлар, қонуниятлар, назариялар, қиёсий таҳлиллар, ёрқин ифодадалар, жонли нутқ маҳсуллари ўз изини қолдиради. Эсда сақлашда кейинги ўрин баъзи бир фикрий бирликларга, ҳатто матн мазмунига ундан ҳам кучли эътибор берилади. Эсда сақлашнинг муҳим хусусиятларидан бири- бу материални умумлашган даражаси билан бевосита боғлиқлигидир. Жами умумийликдан мазмуний-назарий йўналишга ва ундан якка алоҳидаликка фикран ўтиш эсда сақлашнинг оқилона ақлий воситаси бўлиб ҳисобланади. Умумлашмаларни умумлаштириш, мавҳум ҳолатларни мавҳумлаштиришнинг фикрий ҳаракатларига асосланган материаллар эсда сақлашнинг энг қулай шарт-шароитлари саналади. Эсда сақлашнинг шароитларига: а) маълумотларнинг амалиётга татбиқ этувчанлиги; б) оқилона ақлий усуллар ёрдами билан олдинги билимлар ўзлаштирилганлиги; в) уларни вақти-вақти билан чуқурлаштириб бориш; г) материалларни эйдетик образлар, тасаввурларга бойитиш киради.

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Хотира ҳақида умумий тушунча
2. Хотиранинг нейрофизиологик асослари
3. Хотиранинг физиологик асослари
4. Хотира турларининг психологик тавсифи
5. Эсда олиб қолиш турлари ҳақида мушоҳадалар
6. Эсга туширишнинг психологик моҳияти
7. Хотира маҳсулдорлигини ошириш йўл ва воситалари
8. Хотира патологияси ва уни тузатиш усуллари
9. Инсонда хотиранинг ривожланиши

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Хотира тўғрисида умумий тушунча.
2. Хотиранинг моддий асослари ва механизмлари ҳақида мулоҳазалар.
3. Хотира турлари моҳияти ва уларнинг ривожланиши.
4. Хотира жараёнларининг психологик таҳлили ва талқини.
5. Хотира сифатлари юзасидан мушоҳадалар.
6. Хотира патологияси ва коррекцияси.

#### **Адабиётлар**

1. Аткинсон Р. Человеческая память в процессе обучения.-м., 1980.
2. Зинченко П.И. Непроизвольное запоминание.-М., 1961.



3. Линдсей П., Норман Д. Переработка информации у человека.-М, 1978.
4. Клацки Р. Память человека.-М., 1978.
5. Лурия А.Р. Маленькая книга о большой памяти.-М., 1968.
6. Ляудис В.Я. Память в процессе развития. –М., 1966.
7. Хрестоматия по общей психологии.-М., 1979.
8. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **XV БОБ ТАФАККУР**

### **1. Тафаккур психологияси предмети**

Психология фани нимадан баҳс этади, деган анъанавий савол мавжуддир, бироқ ҳозирги даврда тафаккур психологияси предмети нима деган савол туғилмоқда. Маълумки, психология фани тафаккурни ўрганадиган ягона фан эмас, чунки унинг айрим жиҳатларини логика, философия, ҳатто кибернетика тадқиқ қилмоқда. Шунинг учун тафаккур психологияси предмети аниқлаш жуда муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда.

Умумий психология дарсликларида тафаккурга берилган таъриф турлича бўлиб, иккита ёки учта муҳим хусусияти таъкидлаб ўтилади, холос. Жумладан, П. И. Ивановнинг дарслигида «тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсоннинг тағин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради» деб таърифланади. Ушбу таърифда тафаккурнинг тўла, аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттириши таъкидлаб ўтилади, холос, лекин унинг характерли хусусиятлари бавосита, сўз ёрдами билан ифодаланиши муаллифнинг диққат марказидан четда қолган.

М. В. Гамезо «тафаккур воқеликнинг умумлашган ҳолда ва сўз ҳамда ўтмиш тажриба воситаларида акс эттирилиши» эканлиги баён қилади. У тафаккурнинг умумлашган, сўз воситасида ва воситали атроф-муҳит ҳодисаларини акс эттира олишини таъкидлайди. Бизнингча, тафаккурга берилган ушбу таъриф унинг предмети тўла очиб беришга қурби етмайди, шунинг учун бошқа манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

А. В. Петровский таҳрири остидаги дарсликда тафаккурга ушбу шаклда таъриф ўз ифодасини топган: «Тафаккур-ижтимоий-сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат психик жараёндир, бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёндир». Таърифдан кўриниб турибдики, юқорида келтириб ўтилган таърифлардан бир мунча кенгроқ тафаккур хусусиятларни очиб бериш учун хизмат қилади, бироқ унинг жиҳатлари тўла камраб олинмаган.

В. В. Богословский таҳриридаги дарсликда ҳам тафаккурга берилган таъриф унинг умумлашган ва билвосита акс эттириш хусусиятлари ёритилган холос. Худди шунга ўхшаш тафаккур хусусиятлари Ф. Н. Гоноболин, К. К. Платонов дарсликларида ҳам учрайди.

Бизнингча, тафаккур предметини белгилаш учун тўлароқ таъриф О. К. Тихомировнинг дарслигида берилган. Тафаккур предметига кирувчи таркибий қисмлар мана бундай ифодаланади: «Тафаккур- бу ўз маҳсулоти билан воқеликни умумлаштириб, бавосита акс эттиришни характерлайдиган, умумлаштириш даражаси ва фойдаланадиган воситаларига ҳамда ўша умумлашмалар янгилигига боғлиқ равишда турларга ажратишдан иборат жараён, билиш фаолиятидир». О. К. Тихомиров мазкур таърифда тафаккурнинг аксарият жиҳатлари ва хусусиятларини таъкидлаб ўтган. Лекин тафаккур муаммосига янгича ёндашишларнинг пайдо бўлиши таърифни янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳозирги даврда тафаккурнинг предмети юзасидан психологияда турли-туман қараш ва таърифлар мавжуддир. Уларни айримларига характеристика бериб ўтамыз. С. Л. Рубинштейн назариясига биноан, тафаккурни психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмети- жараён, фаолият тариқасида намоён бўлишдир. Муаллиф тафаккур операциялари, шакллари шакллантиришда- жараён, муаммоли вазиятни ҳал қилишда эса-фикр юритиш фаолияти сифатида вужудга келишини чуқур таҳлил қилиб беради. С. Л. Рубинштейн тафаккур тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, уни субъект фаоллигининг пайдо бўлиши деб аталади.

А. Н. Леонтьев тафаккур психологияси предмети юзасидан мулоҳаза юритиб, тафаккурни турли кўринишларга ажратади, фикр юритиш фаолияти эканлигини тан олади, лекин уни предметли- амалий фаолият деб номлайди. Шунинг билан бирга тафаккурнинг структураси, фикр юритиш мотивацияси тўғрисида назарий методологик муаммоларни ўртага ташлайди.

П. Я. Гальперин фикрига кўра, тафаккур-бу ориентирлаш- тадқиқот фаолияти, ориентировка жараёндир, яъни ориентировка- жараён, ориентировка фаолият. Муаллиф психология фани интеллектуал масалаларни ячишда субъектнинг тафаккурга ориентировка қилиш жараёнини ўрганишдан иборат деб тушунтирилади. П. Я. Гальперин тафаккурнинг бошқа жаҳатларини ўзининг ақлий ҳаракатларни босқичли шакллантириш назариясидан келиб чиққан ҳолда ёритишга интилади.

А. В. Брушлинский тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни қидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари алоҳида таъкидлаб ўтилади. Юқоридаги муаллифлардан ўлароқ, А. В. Брушлинский тафаккурнинг умумлаштириб, билвосита акс эттиришдан ташқари муҳим янгиликни излаш ва очиш, олдиндан башорат қилиш хусусиятлари мавжудлигини далиллаб кўрсатади.

Тафаккур психологияси предмети юзасидан шўро психологлари томонидан билдирилган мулоҳазаларга якун ясаб, умумий таъриф беришнинг мавриди келди. Психологияда тафаккурга нисбатан берилган қатор тушунчалар мавжуддир, жумладан, жараён, фикр юритиш фаолияти, башорат қилиш, англашилган билимлар, ақл мезони, фаҳмлилик ва бошқалар. Юритилган фикрларга суянган ҳолда, тафаккурга қуйидаги шартли таърифни бериш мумкин: Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир. Таърифда тафаккурнинг энг муҳим хусусиятлари ва функцияси санаб ўтилган, яъни сўз (фикр) билан, умумлаштириб, бавосита, ижтимоий-сабабийлик, янгилик очиш, башорат қилиш, жараён, фаолият ва бошқалар. Бизнингча, берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда тафаккур предмети аниқлашга ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ иш қилинган бўлар эди. Тафаккур предмети белгилаш машаққати унинг мураккаб билиш жараёни эканлигини яна бир қирра тасдиқлаб турибди. қуйидаги тафаккур структурасини илова қиламиз.

## **2. Тафаккур операцияси**

2.1. Анализ ва синтез операциялари. Анализ-шундай бир тафаккур операциясидирки, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий хусусиятларини таҳлил қиламиз. Алломаларнинг айтишича, маймуннинг ёнғоқни чақишининг ўзиёқ бошланғич оддий анализдир. Ўқувчи ва талаба ёшлар турмушда ва дарс жараёнида анализ ёрдами билан кўпгина ишларни амалга оширадilar, топшириқлар мисол ва масалаларни ечадилар. Демак, табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш анализдан бошланар экан. Дарсда биз кимёвий бирикмаларни ( $H_2$   $SO_4$ -водород, кислород ва олтингугуртга) парчалаймиз. Маърузаларда гапларни грамматик таҳлил қилиш асосида турли гап бўлакларига, морфема ва фонемаларга ажратилади. Агарда инсон олдида автомашина моторининг тузилишини билиш вазифаси қўйилса, у ҳолда бу топшириқни ҳал қилиш учун у моторни айрим қисмларга ажратиб, ҳар бир қисмни ўз навбатида алоҳида олиб текшириш лозим бўлади ва ҳоказо.

Маъруза ва дарс жараёнларида тафаккурнинг анализ қилиш операцияси жуда муҳим роль ўйнайди. Инсонга савод ўргатиш бола нутқини анализ қилишдан бошланади. Сўнг бу ҳолат матнни гапларга, гапларни сўзларга, сўзларни ўз навбатида бўғинларга, фонемаларга уларни эса товушларга бўлиш сингари ақлий фаолият

билан аста-секин алмаштирилади. Арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия, физика ёинки Ўзбекистон тарихи, фалсафа, иқтисод, политология, психология ва бошқа фан асосларини ўрганиш муаммоли топшириқларни, масалаларни ечиш ҳам анализ қилишдан бошланади.

Юқорида айтиб ўтилган мотор ёки бошқа қисмларнинг ролини чуқур тушуниш учун ёлғиз анализнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки таркибий қимларни бирлаштирилган ҳолда бир-бирига таъсир қилиб турган мотор ва машинани бутунлигича олиб текширгандагина, унинг мотор ёки машина эканлигини англаш мумкин.

Синтез-шундай бир тафаккур операциясидирки, биз нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган, ажратилган айрим қисмларни, бўлакларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолига келтирамыз. Синтез элементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмлари ва бўлакларини бир бутун қилиб қўшишдан иборат аклий фаолият эканлиги таърифдан ҳам кўриниб турибди. Анализ амалий бўлгани каби синтез ҳам амалий характер касб этади. Масалан, мотор ёки двигателнинг қисмларини, деталларини йиғиштириб ўрни-ўрнига жойлаштирилганда, яъни синтез қилинганда мотор ёки двигатель ҳосил бўлади. Автомашинанинг кузовини, кабинасини, мотор ва ҳоказо қисмлари синтез қилинган маҳалдагина бир бутун автомашинани бунёд этиш мумкин. Турли психологик мавзуларни ўрганиш орқали психология фани тўғрисида яхлит тушунча пайдо бўлади. Кимёвий элементни реакцияга киритиш йўли билангина исталган бирикма ҳосил қилиш имконияти туғилади. Рассомлар кўз, қош, бурун ва кишининг бошқа органларини мутаносиб равишда чизик орқали бир бутун инсон шаклини ясаш, яратиш имкониятига эга бўладилар ва ҳоказо.

Биринчи синф боласи ўз ҳарф ҳалтасидаги кесилган ҳарфлардан фойдаланиб бўғин, бўғинлардан сўз, сўзлардан гап, гаплардан қисқа информация, ундан эса ҳикоя тузади. Талабалар Ўзбекистон тарихи фанидан халқимиз, давлатчилигимиз, маданиятимиз, санъатимиз ҳамда бугунги кунимиз тўғрисида маълумот оладилар.

Иш-ҳаракатларни яхлитлаш туфайли бир бутун моддий нарса ҳосил бўлади, иш-ҳаракатларда ҳам синтез операциясини қўлласа бўлар экан. Тарихий қаҳрамонлар, буюк саркардалар, арбоблар тўғрисида ҳам худди шундай фикр ва мулоҳазалар юритиш мумкин.

Халқ орасида Афанди, Алдар кўса, Рустамбек, Алпомиш, Зулқарнай, сув париси аждарҳолар, жинлар, алвастилар, девлар, Семурғ, олтин балиқ ва бошқа нарсалар ҳам айрим органларни-ҳайвон ва инсон тузилишини, ҳис ва ҳаяжонларни, характер ва

иродани бирлаштириб, ягона афсонавий образлар яратишга муваффақ бўлинган.

Анализ ва синтез ўзаро бевосита мустаҳкам боғланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ходисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

Талаба ва ўқувчиларни анализ ва синтез қилишга ўргатишда фикрларни муайян объектларга йўналтириш асосий роль ўйнайди. Бунда улар, албатта, қандай ва қай йўсинда иш бажарилишлари кераклигини билиб олишлари зарур. Масалан, ўсмирларни она тили дарсларида анализ ва синтез фаолиятига ўргатиш учун исталган жумлани, чунончи, «Ит бўйнини бурмасдан ғалатироқ букилди, оч кўзлари билан менга бир қараш қилди-да, думини қисиб ўзини ўрмонга урди» гапини мустақил ҳолда таҳлил этиш вазифасини қўйиш (агар синалувчанлар бу вазифани бажаришга қийналсалар, экспериментаторнинг ўзи ёрдам бериши) мумкин. Улар предмет номини англатадиган сўзларни алоҳида кўчириб ёзишлари ва сўзларнинг қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқлашлари, от ва сўз туркумларига таъриф беришлари. Шу сўз туркумига хос белгиларни (предметни билдириб, ким? ва нима? сўроқларга жавоб бўлишини) алоҳида ифодалашлари керак.

Мазкур вазифани ўқувчилардан бири қандай бажарганлигини кўздан кечирайлик: « гапга предметни билдирган сўзлар мавжуд. Масалан, ит, бўйнини, кўзлари, думини. Булар нима? сўроғига жавоб бўлади. Ана шу сўроқларга жавоб бўлиб, предметларнинг номини билдирган сўзлар от деб аталади. Отнинг энг муҳим, бошқа сўзлардан ажратиб турувчи белгиси-бу предметни билдириши ва саволларидир. Предметни англатувчи сўзлар турли хил қўшимчалар билан келиши мумкин». Синалувчи ўсмир ўқувчиларнинг ана шу мулоҳазалари асосида шуни айтиш мумкинки, анализ ва синтез операцияси қуйидагича ақлий фаолият тизимидан, таркибий қисмлардан иборат; а) берилган топшириқни диққат билан ўқиш; б) текстдаги сўзларни фикран парчалаш; в) ўхшаш сўзларни ажратиш, яъни майда бўлақларга бўлиш; г) ўхшаш сўзларни яхлит ҳолда келтириш; д) текстдаги сўзларни фикран йиғиш; ж) гапнинг структурасини тиклаш ва бошқалар.

Талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятида, жумладан конспект тузиш, реферат тайёрлаш, семинарга ҳозирлик кўриш, курс иши, малакавий битирув иши ва магистрлик диссертацияни ёзиш каби ақлий фаолиятнинг турли шаклларида аввал анализ, сўнг синтез операцияларидан фойдаланадилар.

2.2. Таққослаш инсоннинг ижтимоий фаолиятида, билимларнинг ўзлаштирилишида, воқеликни тўлароқ акс эттиришида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар тафовутини, шунингдек, бир-биридан фарқ қиладиган томонлар ўртасидаги ўхшашликни топишдан иборат фикр юритиш операцияси катта аҳамиятга эга. Таққослаш-шундай бир тафаккур операциясидирки, бу операция воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади.

XIX-XX асрларда яшаган алломалардан бири таққослашнинг психологик механизми тўғрисида жуда илғор фикрларни илгари суриб, қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: «Агар сиз табиатнинг бирор нарсасини равшан тушуниб олишни истасангиз, унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан тафовутини топингиз ва унинг ўзидан жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлик топингиз. Ана шунда сиз шу нарсанинг энг муҳим, ҳамма белгиларини пайқаб оласиз, демак, шу нарсани тушуниб оласиз».

Кузатишлар шуни кўрсатдики, инсон, кўпинча, жамият формацияларини ўрганиш даврида, уларнинг аввалги моҳиятини кейинги формацияни ўрганиш пайтида янада чуқурроқ ва пухтароқ эгаллаб олади.

Мазкур жараён тўғрисида фикр юритилганда, сўзнинг негизини ўзлаштиришда ўзакнинг муҳим белгиларини (хоссаларини) тўлароқ тушуниб олиш каби кўпгина ақлий ҳаракатларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Билиш объекти ҳисобланган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликни ёки фарқни, тенглик ёки тенгсизликларни, айният ёки зиддиятларни аниқлашдан иборат бўлган фикр юритиш операцияси билишнинг дастлабки ва зарур воситаси бўлиб ҳисобланади. Аждодларимиз таққослашнинг таълимдаги роли тўғрисида шундай фикрларни билдирган эди: Таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан била олмасак, бошқа йўл билан била olmayмиз, агар биз ҳеч нарса билан солиштиришимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирон бир нарсага дуч келганимизда эда, у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган бўлар эдик.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, таққослаш фикр юритиш операцияси сезгиларимизда ва идрокларимизда ҳали гавдаланмаган ўхшашлик ва тафовутни топиш зарурияти вужудга келган пайтда намоён бўлади. Психологияда яна шу нарса маълумки, сезги ва идрокимизда даставвал нарсаларнинг ва ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқланувчи томони кўзга яққол ташланади.

Таққослаш операцияси икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин: амалий (конкрет нарсаларни бевосита солиштириш) ва назарий (тасаввур қилинаётган образларни ва нарсаларни онгда фикран таққослаш). Агар инсон икки бойлам юкни қўл билан кўтариб, бир неча хил таом мазасини қиёсласа, икки пайкал пахтазор ҳосилдорлигини таққосласа- бу амалий таққослаш бўлади. Шунингдек, ўқувчилар икки қалам ёки стерженни, чизғични ёғочга ёки қоғозга солиштирсалар, у аналогик ҳолатдаги мисол бўла олади. Бундан ташқари, метр билан масофани (газламани), тарози билан оғирликни термометр билан ҳароратни, телескоп билан осмон жисмларини ўлчаш пайтида ҳам таққослаш жараёни вужудга келади.

Инсон теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг барчасини бевосита акс эттириш, қўл билан пайпаслаш имкониятига эга эмас. Шу боисдан тўпланадиган билимларнинг аксарияти қўл билан ушлаш, кўз билан кузатиш эвазига эмас, балки фикр юритиш орқали, мантиқ ёрдамида англашилади. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли аломат ҳамда белгилар назарий таққослаш асосида ажратилади. Демак, инсон олаётган кенг кўламдаги информациялар фарқини фикран таққослаш ёрдамида англаб етади. Жумладан, ўқувчилар дилда ўйлаётган нарсаларни фикран солиштириб кўрадилар. Баъзан турли ёшдаги кишилар ўз тенгдошлари характерида, қизиқишида, юриш-туришида, муомаласида ва бошқа хусусиятларида ўхшашлик ва тафовут борлигини топадилар.

Кишилар нарса ва ҳодисаларни бирон белгига (аломатга) асосланиб таққослашда қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун берилаётган информациялар моҳиятига диққат-эътибор қилиш шарт. Кишилар учун таққослаш принципи тушунарли ва аниқ бўла борса, мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш имконияти туғилади. Инсон олдига аниқ мақсад қўйилса, ёинки ўрганилаётган объект моҳиятига кириб бориш учун установка берилса, фикран таққослашда хатолар миқдори кескин камаяди.

Шахсий кузатишларимизнинг кўрсатишига қараганда, таққослаш операциясида катта ёшдаги кишиларда ва ўқувчиларда учрайдиган асосий камчилик бу жараёни нотўғри тасаввур қилиш ёки хато тушунишдир, яъни таққослаш деганда икки ва ундан ортиқ нарсаларни ёнма-ён қўйишлик деб, фараз қилишликдир. Инсон шахсий фаолиятида, таълим жараёнида таққослаш устида қанчалик кўп машқ қилса, таққослаш кўникмаси пайдо бўлса, унда фикр юритиш шунчалик самарали бўлади.

2.3. Абстракция Нарса ва ҳодисаларнинг, қонун ва қонуниятларнинг айрим белгиси, сифати, аломати ёки хусусиятларини фикран улардан айириб олиб, мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат фикр юритиш операцияси инсон



билиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, билиш жараёнида табиат, жамият ва айрим инсонларга хос бўлган «гўзаллик» белгисини айириб олиб, уларнинг газаллиги тўғрисида эмас, балки умуман гўзаллик, яъни эстетик категория мазмунидаги тушунча юзасидан мулоҳаза билдирилади.

Абстракциялаш шундай фикрлаш, тафаккур операциясидирки, бу операция ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиш ташлаймиз.

Абстракция жараёнида объектдан ажратиш олинган белги (аломат)нинг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция операцияси анализ натижасида вужудга келади. Масалан, синф деворини анализ қилиш жараёнида унинг фақат бир белгисини, яъни оқлигини ажратиш олиш мумкин ва оқ девор тўғрисида эмас, балки деворнинг оқлиги тўғрисида, кейин эса умуман оқлик ҳақида фикр юритиш мумкин. Кишилар қуёш, ой, юлдуз, электр, олов, баъзи планеталар, айрим тош ва ҳоказоларнинг кўз ўнгларида ёритилишини кузатиб туриб, уларнинг битта умумий белгисини, яъни ёритилишини фикран ажратиш олиб, умуман ёритиш тўғрисида мулоҳаза юритишлари айтиш ҳақиқатдир. Турли геометрик шакллари-учбурчак, тўртбурчак, кесик конус, кесик пирамида, параллелограмм, кўпбурчак, параллелепипед ва ҳоказоларни кузатиб туриб, улар учун умумий бўлган белгини, яъни бурчакни фикран ажратишлари, сўнгра умуман бурчак тушунчаси тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Фан ва техника революцияси авж олинган ҳозирги даврда кишиларга узатилаётган информацияларнинг маълум қисми абстракт ҳолатда инсон маънавий мулкига айланмоқда. Мазкур билимларни ҳиссий билиш аппарати ёрдами билан ўзлаштириш имконияти инсонда йўқ, шунинг учун уларни абстракт йўл билан ўзлаштириб олиш талаб қилинади. Лекин абстракция ҳолатидаги информациялар инсоният томонидан қийинчилик билан ўзлаштирилади. Яққол кўргазмаликка асосланмаган билимлар қийинчилик билан қабул қилинади. Шунга қарамадан, абстракт ҳолатидаги билимлар кўлами кундан-кун ортиб бормоқда. Чунки янги кашфиётлар, ихтиролар замиридан келиб чиқувчи қонуниятлар, ички мураккаб боғланишларнинг барчаси абстракт терминларда ўз ифодасини топади. Шу боисдан кишиларни мазкур жараёнга тайёрлаб бориш, ўнғайсиз шарт-шароитга мослаштириш, кўниктириш мутлақо шарт.

Таълим тизимидаги билимларнинг аксарияти билишнинг рационал йўли билан эгаллашга қаратилган бўлиб, абстракцидан

кенг қўламда фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ўқувчиларни абстракцияни амалга ошириш йўл ва усуллари билан таништириш керак.

Юқорида айтганларимиздан ташқари, абстракциялаш жараёни ёрдамида қиймат, сон, кенглик, тенглик, узунлик, катталиқ, каттиқлик, зичлик, баландлик, геометрик шакл, математик ибора, танқидий реализм, босим, солиштирма оғирлик, географик тушунчалар тизими каби абстракт тушунчалар вужудга келтиради.

Буюмларни, нарса ва ҳодисаларни, жисм ва предметларни бири-бири билан таққослаш пайтида ҳам абстракциялаш жараёни юзага келади. Бунда нарса ва ҳодисаларнинг, воқеликнинг мавжуд белгиларига (масалан, тусига, шаклига, тезлигига, оғирлигига, қийматига ва шу каби ўхшаш сифатларига) қараб таққосланади.

Абстракция операцияси билан инсонни қуроллантириш-интеллектуал жиҳатдан интенсив ривожланишга олиб келади, шунингдек, мустақил билим олиш фаолиятини такомиллаштиради.

2.4. Умумлаштириш. Психологияда умумлаштириш муаммоси бўйича ягона йўналишдаги назария йўқ Шунинг учун психологлар бу жараённи турлича талқин қиладилар, гоҳи уни гурупуларга бўлиб ўрганадилар. Шунингдек, мактаб таълимини қайси умумлаштириш усули асосида амалга ошириш тўғрисида олимлар турлича фикрдадилар. Баъзи психологлар таълимда назарий жиҳатдан умумлаштириш усулини қўллаб чиқсалар (С. Л. Рубинштейн, В. В. Давидов ва бошқалар), айримлари ҳам назарий, ҳам амалий усулни қўллашни тавсия этмоқдалар (Н. А. Менчинская, Д. Н. Богоявленский). Аммо ўқув фаолиятининг турли-туманлиги, бизнингча, дарс жараёнида ҳар хил умумлаштириш усуллари билан фойдаланиш кераклигини тақозо қиладди.

Психологияда умумлаштиришнинг кенг қўлланиладиган икки тури: тушунчали умумлаштириш ва ҳиссий-конкрет умумлаштириш юзасидан кўпроқ фикр юритилади. Тушунчали умумлаштиришда предметлар объектив муҳим белги асосида умумлаштиради. Ҳиссий-конкрет умумлаштиришда эса предметлар топшириқ талабига биноан ташқи белги билан умумлаштирилади. Психологлар нотўғри умумлаштиришнинг (Н. А. Менчинская, Е. Н. Кабанова-Меллер) ҳиссий-конкрет умумлаштиришдан тафовути борлигини ҳамиша таъкидлаб келмоқдалар. Ўқувчи ва талаба баъзан предметларни муҳим бўлмаган белгисига асосланиб нотўғри умумлаштириладилар, ваҳоланки топшириқ шартида бу талаб улар олдида мутлақо қўйилмайди. Лекин бу назариянинг ҳимоячилари нотўғри умумлаштиришни алоҳида тур деб ҳисобламайдилар.

Умумлаштириш деганда психологияда нарса ва ҳодисалардаги хосса, белги, хусусият, аломатларни топиш ва шу умумийлик асосида уларни бирлаштириш тушунилади.

Масалан, темир, пўлат, латун, олтин ва бошқаларда мавжуд бўлган ўхшашлик ва умумий белгиларни ягона тушунча остида тўплаб, уни «металл» деган ибора билан номлашимиз мумкин. Шунингдек, қиш, баҳор, ёз ва куз «фасл» деган тушунча орқали ифодаланади. Инсоннинг ёш давлари хусусиятдаги умумий белгилар ҳисобга олиниб, «ўсмир», «ўспирин», «етук киши», «кекса» сингари терминлар ишлатилади.

Умумлаштириш абстракциялаш операциясидан ажралган ҳолда содир бўлмайди, ҳар қандай умумлаштириш асосида абстракциялаш жараёни ётади. Умумлаштириш жараёни абстракциясиз мавжуд бўлиши мумкин, лекин абстракциясиз умумлаштиришнинг юзага келиши мумкин эмас. Агар абстракциялаш фаолиятида нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белгилари тасодиф белгиларидан фикран ажратиб олинса, умумлаштиришда эса ажратиб олинган ўхшаш, умумий ва муҳим белгиларга суянган ҳолда нарса ва ҳодисалар бирлаштирилади.

Бошқа фикр юритиш операциялари каби умумлаштириш ҳам сўз, нутқ ёрдамида рўёбга чиқади. Таъкидлаб ўтганидек, ҳар қандай сўзнинг ўзиёқ умумлаштиради. Жумладан, дарахт деган сўз қўлланилади, деб фараз қилайлик, унда биз турли дарахтларга бевосита алоқадор бўлган иборани акс эттирган бўламиз. Ёинки талаба деган терминни ишлатиш билан турли курс, ҳар хил факультет ва барча олий мактабда тақсил олаётган ёшларни бирлаштирамиз ва ҳоказо.

Умумлаштириш жараёни сўз таъсирида вужудга келган иккинчи сигналлар тизимига асосланади. Акад. И. П. Павлов фикрича, нутқ сигналлари туфайли нерв фаолиятининг янги принципи-абстракциялаш ва бу билан бирга, олдинги тизимнинг беҳисоб сигналларини умумлаштириш вужудга келадики, бунда ҳам ўз навбатида ана шу умумлаштирилган янги сигналлар тағин анализ ва синтез қилинаверади.

Фикр юритишнинг умумлаштириш операцияси ҳар хил асосларга кўра турларга бўлиб ўрганилади.



Умумлаштиришни мазмунига кўра тушунчали умумлаштириш ва яққол-кўрғазмали ёки элементар умумлаштириш турига ажратиш қабул қилинган. Тушунчали умумлаштириш орқали объектив қонуниятларни муҳим белгилари бўйича бирлаштириш амалга оширилади. Бунда муҳим белгилар умумлаштирилиб, объектив қонуниятларни очиш мумкин бўлади. Яққол-кўрғазмали умумлаштиришда нарса ва ҳодисалар ташқи ҳамда яққол белгилари бўйича умумлаштирилади.

Биз тажрибамизда умумлаштиришнинг йўналиши бўйича фарқланувчи усулларга аҳамият берганмиз. Тажрибаларда ушбу умумлаштириш усуллари ўрганилган эди: умумийдан хусусийга (1-усули), хусусийдан умумийга (2-усули), ягонадан умумийга, сўнг хусусий ҳолларга (3-усули), умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан янада умумийга (4-усули), камроқ умумий ҳолдан кўпроқ умумий ҳолатга (5-усули), ягона умумий қонуниятдан янада умумий қонуниятга ўтиш (6-усули) ва бошқалар.

Синалувчиларни умумлаштириш усулининг биринчи турига ўргатиш экспериментаторнинг тушунтириш фаолиятидан ва мустақил топшириқдан ташкил топди. Экспериментаторнинг тушунтиришида ва мустақил топшириқда синалувчилар географик қонуният билан танишадилар. Тушунтиришда экспериментатор картадан синалувчиларга Дракон тоғлари ва унинг шарқий этагини кўрсатиб, уларни объект билан таништиради. Объектни таҳлил қилиш жараёнида экспериментатор аста-секин қонуниятни аниқловчи тўрт шароитни очади ва тоғнинг ёғингарчилик миқдорига таъсири тўғрисидаги умумий қонуниятни ифодалаб беради.

қонуният бўйича мустақил топшириқда тибий география картасидан иккита объект топиш, уларда ўзлаштирилган қонуниятни иллюстрация қилиб бериш топширилган. Масалан, Ҳимолай ва унинг жанубий этаги, Сурам тоғ тизими ва унга ёндошган Колхида пасттекислиги. Улар ҳар бир объектни алоҳида анализ қилиб ундан экспериментатор томонидан очилган шароитларни топадилар. Сўнгра мазкур объектдаги умумий қонуниятни аниқловчи шароитлар тўғрисида хулоса чиқарадилар Бундай ҳолатда умумлаштириш умумий қонуниятни «тайёр ҳолда» олиб, уни бошқа объектларга «ёйиш» билан тугалланади.

Синалувчиларга умумлаштиришнинг хусусийдан умумийга ўтиш усулига (2-сон) ўргатилишида картадан Анд, Ҳимолай, Сурам объектлари кўрсатилади ва объектларни мустақил таққослаш, ёғингарчиликка таъсир қилувчи умумий шароитларни топиш, тоғнинг ёғингарчиликка таъсири қонуниятини таърифлаш вазифаси берилади. Синалувчилар объектларни таққослаб, уларнинг ҳар биридан қонуниятни аниқловчи тўрттадан шароитни топадилар. Сўнг худди шу шароитларга биноан объектларни фикран бирлаштириб, умумий қонуниятни ифодалядилар. Жумладан, тоғ тизмасининг баландлиги, нам шамолларнинг бу жойларга эсиши, намлик манбаининг узоқ эмаслиги, тоғ тизмаларининг кўндаланг ҳолда жойлашиб, нам шамолларни ўтказмаслиги ва бошқалар. Улар муҳим шарт-шароитга таяниб, умумий қонуниятни бундай таърифлайдилар: « Тоғ тизмаларининг ўзига ёндош жойлар ёғингарчилигига таъсир этиши натижасида, у ерларга кўп миқдорда ёғин ёғиши мумкин. Чунки тоғлар бунга ёрдам беради».

Мазкур группа синалувчилари хусусийдан умумийга ўтишдан иборат умумлаштириш усулини ўзлаштирадилар. Топшириқ улардан мустақил ечимни талаб қилади. Берилган объектлар ўзаро таққосланиб, умумий шароитлар топилиб, сўнгра умумий қонуниятга таъриф берилди.

Синалувчиларни умумлаштиришнинг яккадан умумийга, сўнг умумийдан яккага ўтиш усулига (3-сон) ўргатишда уларга Ҳимолай

ва унинг жанубий этагидаги жой кўрсатилади. Тоғнинг ёгин миқдорига таъсири ҳақидаги қонуниятни шу объектдан топиш таклиф қилинади. Улар мазкур объектни анализ қилиб, ундаги мавжуд тўрт шароитни аниқлайдилар. Аввал бу қонуниятнинг берилган объектга тааллуқлилиги юзасидан фикр юритадилар, сўнгра хулоса чиқарадилар. Бундан сўнг улар шу захотиёқ унга аниқлик киритиб, ушбу қонуният умумий ҳисобланиб, Ҳимолайдан ташқари бошқа тоғларга ҳам алоқадордир, деган хулосага келадилар. Синалувчилар умумийликни барча аналогик объектларга «ёйиш»га муваффақ бўладилар.

Сўнгра улардан қонуниятни иккита бошқа объектда кўрсатиб бериш сўралади. Бу ҳолатда объектлар умумлаштирилганда синалувчилар умумий қонуниятдан чиқиб, уларни тўртала шароитга биноан бирлаштирадилар. Мазкур жараён умумийликни хусусий ҳолларга «ёйиш»ни билдириб келади.

Синалувчиларга умумлаштиришнинг умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан янада умумийга ўтиш усулини (4-сон) ўргатишда иккита топшириқдан фойдаланилди. Биринчи топшириқда умумлаштиришнинг «умумий қонуниятдан хусусий ҳолларга» ўтиш қисми ўргатилди. Экспериментатор раҳбарлигида синалувчилар картадан бир объектни анализ қилиб, қонуниятни аниқловчи тўрт шароитни санаб ўтадилар. Сўнгра бир неча объектларга ушбу қонуниятни «ёяди»лар. Тўртинчи умумлаштириш усулини ўзлаштиришнинг иккинчи қисмида «умумий қонуниятдан янада умумийроқ қонуниятга» ўтиш таркиб топтиради. Усул аввал қатор фанларда ўзлаштирилган қонуният материаллари асосида шакллантирилади. Бу қонуниятлар ҳолатларнинг ўзгариши, тоғларнинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқлиги, ҳароратга географик кенгликнинг таъсири, ўсимликларнинг яшаш шароитларига мослашиши ҳамда жониворларнинг ранг хусусиятларига тааллуқлидир.

Шундан сўнг экспериментатор синалувчиларга ўзларига таниш бўлган жониворларнинг муҳитга мослашишига оид бир неча факторларни эсга келтиришни таклиф қилади ва умумзоологик қонуниятга таъриф берилади: «Ҳайвонлар рангининг ўзгариб туриши уларни ўз душманларидан мудофаа қилиш учун хизмат қилади, чунки улар ўзларини қуршаб олган муҳитга мослашадилар». Синалувчилар тўртта умумий қонуниятни қайта идрок қиладилар, сўнгра худди шу умумийликка кўра биологик умумлашган қонуниятга таъриф берадилар: «Табиатда ўсимликлар ва жониворлар ўзларини қуршаб олган муҳит шароитига мослашадилар». Ана шундай қилиб умумлаштиришнинг «қатор умумий қонуниятлардан янада умумий қонуниятга» ўтиш қисми

тажрибада ўзаро боғлиқ бўлган, лекин йўналиши бўйича фарқланувчи «умумий қонуниятдан хусусий ҳолларга ва ўша умумий қонуниятдан таққослаш орқали янада умумийроқ қонуниятга» ўтиш усулини ўзлаштирадilar.

Умумлаштиришнинг бешинчи усулини шакллантиришда зоологик қонуниятдан фойдаланилади: «Ҳайвонлар рангининг ўзгариб туриши уларни душманлардан мудофаа қилиш учун хизмат қилади. Чунки улар ўзларини қуршаб олган муҳитга мослашадилар». Улар ҳайвонларни ўзаро таққослаб, ҳимоя ранг белгисига биноан бирлаштирадilar ҳамда учта қонуниятни ифодалайдилар: «ҳайвонларнинг мавсумий ранги уларни душмандан ҳимоя қилиш функциясини бажаради. Улар муҳит рангига мослашадилар», «ҳайвонларнинг доимий ёки ўзгармас ранги душмандан ниқоблайди. Улар муҳит рангини қабул қилади» ва ҳоказо. Бинобарин, синалувчилар топшириқни таққослаб, камроқ умумий қонуниятдан янада умумийроқ қонуниятга ўтиш имкониятига эга бўладilar.

Умумлаштиришнинг олтинчи усулини таркиб топтиришда ушбу теоремадан фойдаланилади: «Учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси  $2d$  га тенг. Кўпбурчак ички бурчакларнинг йиғиндиси  $(2d(n-2))$  га тенглигини исботлаб бериш талаб қилинади». «Учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси  $2d$  га тенг, -дейди синалувчи. Кўпбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндисини топиш учун унинг бир учидан диагоналлари ўтказамиз. Бу диагоналлари кўпбурчакни бир неча учбурчакка бўлади. Кейин нечта учбурчакка бўлади. Кейин нечта учбурчак ҳосил бўлганлигини ҳисоблаб чиқамиз ва  $2d$  га кўпайтирамиз.  $2d(n-2)$  формуласидаги « $n$ » ўрнига изланувчи кўпбурчак томонини қўйиб, унинг нимага тенг эканлигини топамиз».

Протоколнинг кўрсатишига қараганда, синалувчи умумий формуладан (учбурчакка тааллуқли) чиққан ҳолда, кўпбурчакни учбурчакни бўлиш йўлини топиб, сўнг барча кўпбурчакларга алоқадор умумий формулага ўтади. Бошқача сўз билан айтганда, «умумлашмани умумлаштириш» ҳодисаси 6-усул билан амалга оширилади. Шундай қилиб, топшириқ ягона умумий ҳолатдан янада умумий ҳолатга ўтишдан иборат фикрнинг йўналиши воситаси билан ҳал қилинади.

Ўқувчи ва талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш билимларни ўзлаштиришни осонлаштиради ва ўқув фаолиятини бошқариш имкониятини яратади.

2.5. Конкретлаштириш. Умумий, мавҳум белги ва хусусиятларни яқка, ёлғиз объектларга татбиқ қилиш билан ифодаланадиган фикр юритиш операцияси инсоннинг барча

фаолиятларида актив иштирок этади. Воқелик қанчалик конкрет (яққол) шаклда ифодаланса, инсон уни шунчалик осон англаб этади. Ўзининг генетик қилиб чиқишига қараганда, кишилар даставвал теваарак-атрофни конкрет белгиларига асосланиб, конкрет ҳолда акс эттирганлар, яққол образларга суяниб, тасаввур қилиш имкониятига эга бўлганлар. Шу боисдан то ҳозирги кунга қадар конкретлик белгиси ҳар қандай инсон зоти учун энг яқин белги бўлиб ҳисобланади. Чунки конкрет воқелик кишини ақлий зўр беришликдан, иродавий тангликдан ва стресс ҳолатдан хориж қилади. Шунинг учун бўлса керак, одам энг мураккаб қонун ҳамда тушунчаларни конкретлик даражасига айлантиришга ҳаракат қилади. Масалан, инсон «қиймат» тушунчасини конкретлаштириб «одамнинг кадр-қиммати», «товарнинг қиймати» шаклида конкретлаштиради ва ҳоказо.

Психология фанида мазкур фикр юритиш операциясига қуйидагича таъриф берилади: Конкретлаштириш ҳодисаларни ички боғланиш ва муносабатлардан қатъи назар, бир томонлама таъкидлашдан иборат фикр юритиш операциясидир.

Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишига қараганда, конкретлаштириш одатда икки хил вазифани (функцияни) бажаради. Дастлабки функциясига тааллуқли кўпгина мисолларни келтириш билан унинг психологик механизмини кўрсатишига ҳаракат қиламиз. Масалан, ўқувчилар «қора» деган сўзни ишлатган пайтларидан кўз олдида битум, чақич, асфальт каби қора рангдаги нарсалар ва ҳайвонларни гавдалантиришлари мумкин. Шунингдек, улар «ҳаракат» деган иборани ишлатсалар, одамни, машинани, ҳайвонларни сув ва самолёт кабиларни тасаввур қила оладилар. Кейинчалик эса ҳаракат тушунчасининг кўлами кенгайиб боради, биологик, ижтимоий ва ҳоказо ҳаракатларни назарда тутди.

Конкретлаштиришнинг иккинчи функцияси қуйидаги мисолларда ўзининг ёрқин ифодасини топади. Масалан, кишилар кетмон, белкурак, паншаҳани деҳқончилик асбобларига; игна, бигиз, ангишвона ва тикув машинасини тикув асбобларига; лола, атиргул, бинафша, бульданежни гулга; дафтар, ручка, чизғични ўқув қуролларига киритиладилар. Демак, бу мисолларда конкретлаштириш операцияси умумий ва яқка белгилари кам бўлган умумийликни очишда намоён бўлади. Умуман конкретлаштириш абстракциялашни контраст ҳолати бўлиб, инсон билиш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

2.6. Классификациялаш. Инсоннинг билиш фаолиятида муҳим роль ўйновчи фикр юритиш операцияларидан бири классификациялаш ҳисобланади. Бир туркум ичидаги нарсаларнинг



бир-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумдаги нарсалардан фарк қилишига қараб, нарсаларни туркумларга ажратиш тизими классификация деб аталади. Фан оламида буюк ҳисса бўлиб қўшилган Д. И. Менделеевнинг «Элементларнинг даврий тизими» жадвали классификация учун ёрқин мисолдир. Бунда олим элементларни атом оғирлиги ортиб боришига, кимёвий сифатларининг бир типлигига ва бошқа белги ва аломатларига қараб тартиб билан жойлаштириб чиққан.

Фанда нарса ва ҳодисаларнинг табиатни ифодаловчи муайян белги (аломат) асосида қилинган классификация деб аташ қабул қилинган. Табиий классификацияга зоология фанидаги ҳайвонлар классификацияси (судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, паррандалар, қушлар ва ҳоказо), ботаникадаги ўсимликлар классификацияси (бир йиллик, кўп йиллик, буталар, дарахтлар, ўтлар, илдиздан кўпаювчилар, игна барглилар, тиканли ўсимликлар, дуккаклилар, полиз ўсимликлари ва бошқалар) каби қатор мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Мабодо классификацияга асос қилиб олинган белги нарса ва ҳодисаларнинг табиатини ифодаламаса, бундай классификация сунъий классификация деб аталади. Ижтимоий ҳаётимизда классификациянинг мазкур тури доимо қўлланиб туради. Масалан кутубхонадаги китоблар мазмунига, шаклига, ноёблиги ва шунга ўхшаш белгиларига қараб тоқчалар ва пештоқчаларга терилади. Ўқувчиларнинг алифбе тартиби билан тузилган рўйхати ёки хусусиятлари, жинсий белгилари, улгуришлари ва қизиқишларини назарда тутиб туркумларга ажратиш ҳам сунъий классификациялашга мисол бўла олади.

Лекин ижтимоий турмушда ва фан оламида оддий классификациялаш ҳолатидан тез-тез фойдаланилади. Жумладан, адабиёт, тарих, география, психология-гуманитар фанлари: фалсафа, иқтисод, ҳуқуқ, педагогика, тарих- ижтимоий фанлар: математика, физика, биология, кимё-табиий-математик циклдаги фанлар. Худди шунингдек, асосга суяниб психология соҳалари ҳам классификация қилинади. Инженерлик, авиация, космос психологияси-меҳнат психологияси, патопсихология, олигофренопсихология, сурдопсихология, тифлопсихология-махсус психология; болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, катта ёшдагилар психологияси, герантопсихология-ёш даврлари психологияси; суд иши психологияси, криминал психология, пенитенциар психологияси-юридик психология ва бошқалар. Психология фанида психик ҳолатлар, билиш жараёнлари, шахснинг индивидуал типологик хусусиятлари ҳам классификация қилинади. Акс эттириш характерига ва рецепторларнинг ўрнига қараб, сезгилар уч гурппага

бўлинади: экстероцептив сезгилар, интероцептив сезгилар, проприоцептив сезгилар. Классик бўлинишга биноан сезгилар қуйидагича классификация қилинади: кўриш, эшитиш, тактил, маза, хид, органик, ҳаракат ва ҳоказо.

Мактаб таълим тизимида мураккаб билимлар қулайроқ йўл билан ўзлаштириш учун классификация операциясидан кенг қўламда фойдаланилади. Масалан, от, сифат, феъл, сон-сўз туркумлари; ибтидоий жамоа, кулдорчилик, феодализм, капитализм, ижтимоизм-кишилиқ формациялари; проза, поэзия, драма, комедия, трагедия- адабий жанрлар; бриз, муссон, пассат-шамоллар ва бошқалар.

Шундай қилиб, классификация биз текширадиган объектларнинг муайян тартибни топишда, ўрганишимизда зарур бўлган нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолда текширишимизда, ўзлаштирмоқчи бўлган материалларни пухта эсда қолдиришимизда муҳим роль ўйнайди.

2. 7. Системалаштириш. Фикр объектив ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни замон (вақт), макон (фазо) ва мантикий жиҳатдан маълум тартибда жойлаштиришдан иборат фикр юритиш операцияси билимларни ўзлаштиришда, кўникма ва малакаларни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Одатда, системалаштириш операцияси ёрдамида нарса ва ҳодисалар, фактлар, фикрлар ва объектлар макондаги, вақтдаги эгаллаган ўрнига қараб ёки мантикий жойлаштирилади.

Шунинг учун тизимга солиш маконий (фазовий) хронологик белги ва мантикий белгисига асосан уч турга ажратилади. Кўчатларнинг боққа олиб чиқиб ўтказилиши, синф хонасидаги мебелларнинг бир текис жойлаштирилиши маконий (фазовий) тизим учун мисол бўла олади. Тарихий воқеаларни хронологик тартибда жойлаштирилиши, кутубхонадаги китобларнинг хронологик жиҳатдан териб қўйилиши воқеаларни замонга (вақтга) қараб тизимга солишнинг намунаси деб аташ мумкин. Математика, фалсафа, психология ва мантиққа (логикага) доир асарларда илмий мақолаларнинг (яъни пункт, параграф назарда тутилмоқда) жойлашуви мантикий тизимга солишнинг намунасидир.

Мактаб таълимида ўзлаштирилган билимларни тизимга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу иш бир неча босқичда амалга оширилади. Билимлар дастлаб предметнинг боблари, қисмлари бўйича, сўнг яхлит ҳолда ўқувчи онгида тизимлашади. Тизимлаштиришнинг иккинчи босқичида бир-бирга ўхшаш предметларга оид билимлар фикран тартибга солинади. Учинчи босқичда бир неча предметлар юзасидан тўпланган билимлар


маълум тартибга тушади, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ажратилади. Тизимга солишнинг тўртинчи босқичида дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларда эгалланган билимларни тизимлаштириш назарда тутилади.

Ўқитувчи дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзуларни сўраш, уларнинг тўғарак ишларида, олимпиада ва конкурсларда қатнашувини кузатиш, деворий газетга ёзган мақолаларини таҳрир қилиш, ижодий ва ёзма ишларни текшириш орқали улардаги билимларнинг қандай тизимлашаётганини аниқлаб бериш мумкин.

Демак, инсоннинг билиш фаолиятида «мавзулараро», «предметлараро» билимларни тизимлаштириш юзага келади. Бинобарин, билимларнинг тизимга солиниши ақлий ривожланишнинг дастлабки поғонаси ҳисобланади.

### 3. Тафаккур шакллари

Психологияда нутқ фикр юритиш фаолиятининг воситаси деб юритилади. Одатда нутқ тафаккур жараёнида ҳукмлар, хулоса чиқариш ва тушунчалар шаклида ифодаланиб келади. Шунинг учун ҳукм, хулоса чиқариш ва тушунчалар тафаккурнинг специфик шакллари деб аталади.



### 3.1. Ҳукмлар

Нарса ва ҳодисаларда, воқеликда ҳақиқатдан ўзаро боғлиқ бўлган белгилар (аломатлар) ҳукмларда ҳам боғлиқ равишда кўрсатиб берилса ёки воқеликда бир-биридан ажратилган нарса (томон) ҳукмларда ҳам ажратиб кўрсатилса-бу чин ҳукм деб аталади. Масалан, “Металлар-электр токини ўтказувчидир”, “Металлар қиздирилгандан кенгайди” деган чин ҳукмлардир. Чунки электр токини ўтказиш, қиздирилганда кенгайиш металлларга хос хусусиятлардир, бу ҳукмда у ёки бу ҳолат фақат тасдиқланиб айтилаётир.

Нарса ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ҳукм деб аталади.

Моддий оламда ҳақиқатдан боғлиқ бўлмаган нарса ҳукмда боғлиқ қилиб кўрсатилса, бундай ҳукм хато (ёлғон) ҳукм деб аталади. Чунки бу ҳукмда акс эттирилган сифатлар (белги ва аломатлар) бу нарсаларга асло мувофиқ келмайди. Масалан, “Атом-модданинг бўлинмас заррачасидир” деган нотўғри ҳукмдир. Атом мураккаб моддий тизимга эга бўлиб, у ядро ва электронларга бўлинади. Атомнинг ядроси ҳам бўлинади, бу ядро протонлардан ва нейтронлардан иборатдир, деган ҳукмлардир. “Ёр куёш атрофида айланмайди” деган мисол ҳам чин бўлмаган ҳукмлар доирасига киради. Аллақачонлар инсон томонидан кашф қилинган гелиоцентр назарияси мавжуд бўлиб, ана шу назарияга асосланган ҳолда мазкур қонун ҳукм сурмоқда. Демак, ҳукмнинг чинлиги, яъни воқеликни тўғри акс эттириши-унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Борликдаги нарсалар, ҳодисалар ва воқеликнинг миқдорига, уларнинг бирор ҳукмда акс эттирилган алоқа ва муносабатларига қараб, ҳукм қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

1) тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм. Ҳукмларнинг ушбу асосларга таяниб бўлиниши сифатга қараб бўлиниши деб аталади;

2) якка, жузъий, хусусий ва умумий ҳукмга ажратилиши мумкин. Ҳукмларнинг бундай белгиларга биноан бўлиниши миқдорга қараб бўлиниши дейилади;

3) шартли, айирувчи ва қатъий ҳукм сингари кўринишлар мавжуд бўлиб, у ҳукмларнинг муносабатга қараб бўлиниши деб аталади;

4) ҳукм тахминий кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳукмда акс эттириладиган нарса ва ҳодисалар белгисининг нечоғлиқ муҳим бўлинишига ёки воқеликка мос келиш-келмаслигига боғлиқ.

Масалан, “Эртага ёмғир ёғиш мумкин”, “Пахта режаси тўлиб қолса керак”.

Ҳукмларда тасдиқланган ёки инкор қилинган нарсалар, ҳодисалар, аломатлар ҳукмнинг мазмунини ташкил қилади.

Нарса билан белгининг алоқаси (боғлиқлиги) акс эттирилган ҳукм тасдиқловчи ҳукм деб аталади. Масалан, “Алишер Навоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккиридир”, “Тинчлик империализм учун даҳшатли қуролдир”, “Ўзбекистон қорақўли билан жаҳонга машҳурдир”, “1977 йил Тошкент метроси ишга тушган санадир” ва ҳоказо.

Нарса билан белги ўртасидаги бирор боғланиш йўқлигини акс эттирувчи ҳукм инкор ҳукм деб аталади. Масалан: Ўзбекистонда пахта экилмайди, Ойга АҚШ астронавтлари қўнган эмас, Самарқандда олий мактаблар қурилмаган ва бошқалар.

Воқеликда ажратилган нарса инкор қилувчи ҳукмда фикран ажратилиши мумкин. Якка (ёлғиз) нарса ва ҳодиса тўғрисидаги ҳукм якка ҳукм деб аталади. Мисол учун: Алишер Навоий номли Катта опера ва балет театри республика фахридир, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий буюк ўзбек шоири, ёзувчиси ва драматургидир, Тошкент Ўзбекистон Республикаси пойтахтидир; Амударё серсув дарёлардан биридир.

Белгининг бирор туркумигагина тааллуқли тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм жузъий ҳукм деб аталади. Масалан: баъзи металллар электр токини ўтказмайдилар, қарздор талабалар сессияга қўйилмайди, Жамоанинг айрим бригадалари мажбуриятга яраши меҳнат қилмадилар. Бир туркумдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммаси тўғрисида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган ҳукм умумий ҳукм деб аталади.

Ҳукмда нарса ва ҳодиса белгисининг борлигини муайян шароитларда тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган ҳукм шартли ҳукм деб аталади. Масалан: Агар қуёш нури уч бурчакли призмадан ўтказилса, экранда спектр ҳосил бўлади, Агар талаба сессияларга кунт билан пухта тайёрланса, у “яхши” ва “аъло” баҳолар олади; Агар ўқувчи диққат қилмаса, янги материални ўзлаштира олмайди, Агар пахтакор баҳорда ерга яхши ишлов бермаса, кузда ҳосил чўғи кам бўлади.

Ҳукмда нарсалар ва ҳодисаларга бир неча белги нисбатан берилиб, шу белгилардан фарқ биттаси унга тегишли бўлса, бундай ҳукмга айирувчи ҳукм деб аталади. Мисол учун: Жисмлар ё қаттиқ ёки суюқ, газсимон ҳолда бўлади; Ер юзаси фаслларнинг ўзгаришига қараб гоҳ қаттиқ исиб кетади, гоҳ илиб қолади, гоҳ кескин совийди. Нарса билан белги ўртасидаги алоқанинг бор ёки йўқлиги қатъий шаклда акс эттирилса, қатъий ҳукм деб аталади. Масалан:

Ўзбекистон нефть запаси жиҳатидан дунёдаги бошқа давлатлар ўртасида етакчи ўринлардан бирида туради; Ёниш кимёвий жараёндир; Ёзги таътил даврида талаба меҳнат отрядлари тузилади; Баҳорда барча жойларда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади ва ҳоказо.

Нарса ва ҳодисалар билан уларнинг хусусиятлари ўртасида алоқа бўлиши эҳтимоли фақат фараз қилинса, у ҳолда инсон ўз фикрини қуйидаги шаклда ифода қилиши мумкин: Эҳтимол, Марсда органик ҳаёт бордир Йигирма биринчи аср ўрталарида фан ва техника прогресси ҳозирги даврдан тахминан уч барабар ортиши мумкин; Жаҳондаги фойдали қазилмалар запаси яна бир юз эллик-икки юз йилга етса керак ва бошқалар. Бундай ҳукмлар эҳтимоллик ҳукмлари деб аталади. Нарса билан хусусият ўртасидаги алоқани тахминан эмас, балки ҳақиқатда аниқ билганимизда биз ўз фикримизни мана бундай шаклда изҳор қиламиз: Бизнинг Миллий Университет Ўрта Осиёда энг кекса олий ўқув юрти масканидир; Мактабимизда физика кабинети жуда яхши ускуналар билан жиҳозланган; “Истиқлол” жамоаси пахта топширишда олдинда; мактаб кутубхонасида кўп янги китоблар бор. Бундай ҳукмлар воқелик (ассерторик) ҳукмлари деб аталади.

Ҳукмнинг шундай юқори шакли борки, унда фақат ҳақиқатда бўлган воқеа қайд қилинмасдан, балки нарсa билан хусусиятнинг алоқаси қонуний эканлиги аниқлаб берилади. Масалан, Бутун дунёда, тинчлик ғалаба қозониши муқаррар; Базиснинг ўзгариши ва тугатилиши устқурманинг ўзгариши ва тугатилишига сабаб бўлади; Сизги чегарасининг меъёри қанчалик кичик бўлса, мазкур анализаторнинг сезгирлиги шунчалик юксак бўлади; Сезгиларнинг интенсивлиги кўзғатувчи кучининг логарифмига пропорционалдир. Бундай ҳукмлар зарурлик (аподиктик) ҳукмлари деб аталади. Бундай ҳукмларда инсон нарсa (воқелик, ҳодиса) билан унинг хусусияти ўртасида маҳкам боғланиш борлигини ва бу боғланишга зид келадиган бошқа бир ҳолнинг бўлиши асло мумкин эмаслигини акс эттиради.

Психологияда ҳукмлар иккита асосий йўл билан ҳосил қилиниши таъкидлаб ўтилади. Биринчи йўл билан ҳукм ҳосил қилинганда, идрок қилиш зарур бўлган нарсаларнинг бевосита ўзи ифодаланади. Иккинчи йўл билан эса бавосита мулоҳаза юритиш ёрдами билан ҳукм амалга оширилади. Масалан: Бу автомобилнинг янги модели. Мазкур мисолда ҳукм чиқаришнинг биринчи йўли акс эттирилган. Даставвал олимлар кашфиёт ёки ижодий жараёнда назарий жиҳатдан мулоҳаза юритиш ёрдамида ҳукм чиқарадилар. Улар чиқарган ҳукмнинг тўғрилиги амалиётда кейинчалик тасдиқланади, бу иккинчи йўл билан ҳукм чиқаришга мисолдир.

### 3.2. Хулоса чиқариш

Бир қанча ҳукмларнинг мантиқий боғланиши натижасида ҳосил бўлган янги ҳукм инсоннинг билиш фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. Психологияда хулоса чиқариш жараёнида фойдаланилган тайёр ҳукмлар асослар дейилади, уларнинг таҳлил қилиб чиқарилган янги ҳукмни эса хулоса деб аташ қабул қилинган. Хулоса чиқариш шундай тафаккур шаклидирки, бу шакл воситаси билан биз икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил қиламиз. Масалан: Ҳар қандай ҳаракат материя ҳаракатидир; Иссиқлик ҳаракат шаклидир деган иккита ҳукмни олайлик. Бу икки ҳукмдан; « Демак, иссиқлик материя ҳаракатидир» деган янги ҳукм чиқарилади Ёинки ушбу мисолни олиб қарайлик: Барча сайёралар ҳаракатланади; Ой-сайёра. Демак, Ой ҳаракатланади. Бунда ҳар қандай ҳаракат материя ҳаракатидир (умумий ёки катта асос). Иссиқлик ҳаракат шаклидир (жузъий ёки кичик асос) деб юритилади. Иккинчи мисолда эса: Барча сайёралар ҳаракатланади (умумий ёки катта асос), ой-сайёра (жузъий ёки кичик асос) дейилади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мулоҳаза юритиш ҳам, хулоса чиқариш ҳам воқеликни бавосита билишнинг асосий шакли сифатида намоён бўлган. Олдинги икки ҳукмга асосланиб учинчи ҳукм чиқарилади. Мазкур хулосани бевосита текшириб кўришга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Шу сабабдан хулоса чиқариш фикр ўртасидаги шундай боғланишдирки, мазкур боғланиш натижасида бир ёки ундан ортиқ ҳукмлардан учинчи ҳукм келтириб чиқарилади. Бунда янги ҳукм асосий ҳукмнинг моҳиятидан келтириб чиқарилади.

Хулоса чиқариш уч турга бўлинади: индуктив, дедуктив ва аналогия.

Индуктив хулоса чиқариш- бу хулоса чиқаришнинг шундай мантиқий усулидирки, бунда бир неча якка ёки айрим ҳукмлардан умумий ҳукмга ўтилади ёки айрим факт ва ҳодисаларни ўрганиш асосида умумий қонун ва қоидалар яратилади. Масалан: Темир электр токини ўтказади, Мис электр токини ўтказади, Кумушда ҳам электр токини ўтказувчанлик қобилияти, хусусияти бор ва ҳоказо. Инсон юқоридаги ҳукмлардан янги умумий ҳукм (хулоса) чиқариб, демак, «Металларнинг ҳаммаси электр токини ўтказади» деган янги ҳукм чиқарилади. Шунингдек, Тошкент Давлат маданият институти талабалари қишки сессияга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Шаҳардаги бошқа олий ўқув юрти талабалари ҳам қишки сессияга тайёргарликни кучайтирмоқдалар. Демак, Тошкент шаҳрининг барча

олий ўқув юрти талабалар қишки сессияга кунт билан тайёрланмоқдалар, деган ҳукм чиқарилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дедуктив хулоса чиқаришда- умумий ва якка ҳукмлардан якка ёки жузъий ҳукм келтириб чиқарилади. Мисол учун: Ҳар қандай металл-элемент. Висмут металл. Демак, висмут-элемент. Ҳамма планеталар махсус шаклдадир. Ўзбекистон камолот аъзолари шижоатли ёшлардир. Тошкент Давлат педогогика университети талабалари камолот аъзодирлар. Демак, улар ҳам шижоатлидирлар.

Таълим жараёнида мактаб ўқувчилари умумий қоида ва қонунларни якка ёки жузъий ҳолларга татбиқ этиш орқали ҳамма вақт дедуктив йўл билан фикр юритадилар. Масалан, ўқувчилар умумий грамматик қоидаларни билганликлари сабабли ўзбек тили дарсларида қаратқич, тушум келишикларини дифференциация қила билиб, ёзган пайтларида грамматик хатоларга асло йўл қўймайдилар. Ёинки ўқувчилар «кўпбурчаклар ички бурчакларнинг йиғиндисини  $2d(n-2)$ га тенг» деган умумий қоида, теоремани ўзлаштириб олган бўлсалар, уни сира қийналмасдан исталган кўпбурчакка татбиқ эта олишлари мумкин. Идрок қилинган нарсалар ва ҳодисаларни ёки инсон тажрибасида бор бўлган нарсаларни эсда қолдириш ҳамда зарур вақтда эсга туширишдан иборат психик жараён хотира дейилади, Мантикий хотира тури ҳам психик жараёндир. Демак, у ҳам эсда қолдириш ва эсга тушириш хусусиятига эгадир.

Демак, ўқиш жараёнида олий ва ўрта мактаб ўқитувчилари баён қилиб, изоҳлаб берган теорема, қонун ва қоидаларни, мураккаб хоссаларни айрим, жузъий ҳолларга кўчириш пайтида талабалар, ўқувчилар ҳамма вақт дедукция усулидан фойдаланиб фикрлайдилар ҳамда мулоҳаза юритадилар. Ўқитишнинг аксарият методлари ва шаклларида юбориладиган информациялар дедуктив йўл билан амалга оширилади. Шунинг учун умумий ҳукмлардан янги якка бир ҳукм келтириб чиқаришдан иборат мантикий тафаккур шакли муҳим аҳамиятга эга.

Аналогия хулоса чиқаришнинг шундай шаклидирки, бунда биз икки предметнинг баъзи бир белгилари ўхшашлигига қараб, бу предметларнинг бошқа белгиларининг ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқарамиз. Аналогия деб, нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган баъзи белгиларига қарабгина ҳукм юритишдан иборат хулоса чиқариш шаклига айтамыз. Аналогик усулда чиқарилган хулоса чин, тахминий ҳамда ёлғон бўлиши мумкин. Фикр юритишнинг бундай шакли кўпинча ёш болаларга хос хусусиятдир. Демак, жузъий икки якка ҳукмларга асосланиб жузъий ёки якка ҳукм келтириб чиқарамиз. Боғча ёшидаги бола мана бундай



мулоҳаза юритади: Адамлар дарвозадан исмимни айтиб чақириб келдилар. Улар совға олиб келган бўлсалар керак. Бу боланинг мулоҳазасини анализ қилиб кўрсак, унинг фикр юритишнинг мана бундай тарзда тараққий этганлигини шоҳиди бўламиз. Ўтган галда адам исмимни айтиб чақириб келган эдилар. Ўшанда улар менга совға олиб келган эдилар. Яна чақираётдилар. Албатта, адам менга совға олиб келганлар, деб хулоса чиқаради.

Энди турли ёшдаги кишилар турмуш лавҳаларидан намуналар келтирамиз. Бошланғич синф ўқувчиси математика дарсларида:

4к3 3к4 21 × 4 4 × 21 ақвқс сқакв

Ўсмир ёшдаги ўқувчи мулоҳазасидан парча: Ўтган йили ноябрнинг ўрталарида қалин қор ёққан эди. Ноябрьнинг ўртаси яқинлашмоқда. Демак, яна қалин қор ёғиши эҳтимол. Ўспирин хулоса чиқаришидан: шу йил ёз ойида спорт лотореясига соат ютиб олган эдим. Киоскада лоторея билети сотилмоқда. Яна сотиб олай, бирор нарса ютиб қоларман. Талаба аналогиясидан ўтган сессияда тест саволини энг тагидан тортиб олиб «аъло» олган эдим. Сессия яқинлашиб қолди. Яна тагидан тортиб олсам омадим юришиб кетар. Етуклик ёш давридаги киши хулоса чиқаришидан: Болаларнинг зўридан якшанба куни паркка чиқсам, йигирма йиллик қадрдоним келиб кетибди. Бугун якшанба, яна болалар хархаша қилишяпти. Яхшиси уйда ҳордиқ чиқарганим маъқул, чунки яна кимдир меҳмонга келиб қолар. Кексалар хулоса чиқаришларидан намуна: Ўтган ҳафта зағизғон сайради, қадрдон дўстим келди. Яна зағизғон сайраяпти. Бу гал севиқли набирам Ақобир меҳмонга келиши мумкин ва ҳоказо.

Шундай қилиб, аналогик йўл билан хулоса чиқарганда, мураккаб қонуниятлар тўғрисидаги билимлар ўзлаштирилмаса-да, лекин турмушнинг турли жабҳаларида ундан фойдаланиб турилади.

### 3.3 Тушунчалар

Инсон воқеликни билиш жараёнида нарсаларни бир-бири билан таққослайди, уларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлайди: анализ ва синтез йўли билан нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очади, фикран уларнинг белгиларини ажратади, бу белгиларни абстракциялаштиради ва умумлаштиради. Натижада одам воқеликдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида тушунча ҳосил қилади.

Нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини, боғланишларини, моҳиятини ҳукмлар орқали фикран кенг ва чуқур акс эттиришдан иборат фикр юритиш шакли ва психик маҳсули бўлган тушунча билишнинг муҳим жиҳатидир. Бошқа психик маҳсуллар каби тушунчаларнинг манбаи ҳам моддий дунё бўлиб, тилнинг материали билан органик равишда боғлиқдир.

Тушунча нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир. Одатда, тушунчалар моҳияти жиҳатидан конкрет ва абстракт тушунчаларга ажратилади. Алоҳида олинган бир бутун нарсага алоқадор тушунча конкрет тушунча деб аталади. Масалан: стол, диван, қайрағоч, трактор, ҳолва ва ҳоказо. Моддий борлиқдаги нарсалардан фикран ажратиб олинган баъзи хусусият, сифат ҳолатларга, шунингдек, нарсалар ўртасидаги ички муносабатларга, қонуниятларга қаратилган тушунчалар абстракт тушунча деб аталади. Масалан: оқлик, узунлик, баландлик, кенглик, ҳаракат, ёруғлик, қиймат ҳақидаги тушунчалар ва ҳоказо.

Тушунчалар кўлами жиҳатидан уч турга бўлинади: якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тўпланма тушунчалар. Якка тушунчалар, якка нарса ва ҳодиса ҳақидаги тушунчадир. Бундай тушунчаларга Алишер Навоий, Саркарда генерал Собир Раҳимов, Тошкент, Амударё, Ҳимолай, Тинч океан тўғрисидаги тушунчаларни мисол қилиб келтирса бўлади. Якка тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчаларда ҳамиша аниқ образ мавжуд бўлади. Умумий тушунчаларда бир жинсда бўлган кўп нарса ва ҳодисалар гавдалантирилади. Масалан: китоб, мактаб, юлдуз, Талаба, ўспирин, ҳосил, тоғ ва ер ва бошқалар.

Тўпланма тушунчалар бир жинсда бўлган нарса ва ҳодисалар тўплами ҳақида яхлит фикр юритиладиган тушунчадир. Масалан: Пахтазор, Кутубхона, Йиғилиш ва ҳоказолар. Тўпланма тушунчаларнинг бир қанчаси бирданига татбиқ қилинганда умумий тўпланма тушунчалар бўлади. Масалан: Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонаси тушунчаси якка тўпланма тушунчага оиддир. Гурӯҳ, синф, коллектив, полк, халқ, оломон ва бошқалар умумий тўпланма тушунчасига мисол бўла олади. Етти оғайни юлдузлар тўплами, Болгария ишчилар синфи, тошкент почта-хизматчилари жамоаси қабилар якка тўпланма тушунчалар жумласига киради.

Абстракт тушунчаларнинг юқорида қайд қилиб ўтилган тушунчалардан фарқи шуки, улар идрок ёки тасаввурга бевосита асосланмайди абстракт тушунчага мисол тариқасида «қиймат» тушунчасини келтириб ўтади: сиз ҳар бир айрим товарни ушлаб ва кўлингизда айлантириб кўришингиз, уни хоҳлаганингизча ишлатишингиз мумкин, аммо шу товарни қиймат тариқасида олиб қараганимизда уни асло ушлаб бўлмайди.

Тушунча билан сўз муносабати бир текис бўлмайди, айрим пайтлар сўз билан тушунча айнан мос тушади (олма-сўз, олма-тушунча), қолган пайтларда тушунча ўз кўлами жиҳатидан кенгдир.

Фикр юритишда тушунча билан сўз ўзаро боғлиқ равишда намоён бўлади. Бир томондан, сўз ёрдамисиз тушунча вужудга келмайди, иккинчи томондан, сўз тушунчанинг моддий асоси ва функциясини бажаради. Тушунчалар бир ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиши мумкин. Масалан, халқ деган тушунча бир сўздан, ўзбек халқи икки сўздан, ўзбек қаҳрамон халқи уч сўздан, озодлик учун курашаётган халқлар деган тушунча тўрт сўздан ташкил топган.

Психологияда баъзи тушунчалар шартли белгилар символлар ёрдами билан ҳам ифодаланади. Булар қаторига математик символлар  $+$  (плюс),  $-$  (минус),  $>$  (катталиқ белгиси),  $<$  (кичиклик белгиси),  $=$  (тенглик белгиси),  $:$  ( бўлиш),  $\cdot$  (кўпайтириш) ва бошқа белгилар қўлланилади: ҳарфлар ҳам тушунчаларни вужудга келтириши мумкин: а, в, с, d ва ҳоказо; йўл қоидалари белгиси, географик шартли белгилар тушунча ўрнида ишлатилади.

Тушунчалар фикр юритишнинг асосий жараёнлари, яъни классификациялаш, умумлаштириш ва абстракциялашлар сўзлар ёрдами билан вужудга келади. Сўзлар, белгилар, символлар, терминлар тафаккур жараёнида тушунчаларнинг мазмунини акс эттиради. И. П. Павлов таъбири билан айтганда, сўз биринчи сигнал тизимининг, барча сигналларнинг сигналларидир, бинобарин, шу сигналларнинг ҳаммасини ифодалайди, шу сигналларнинг ҳаммасини умумлаштиради.

Талаффуздаги ҳар бир сўз муайян мазмунни ва муайян кўламдаги тушунчаларни акс эттиради. Сўзлар алоқа (коммуникация) курили функциясини бажариб, тушунчалар моҳиятини англашга ёрдам беради. Тушунча сўзлар ёрдами ва воситаси билан шахслараро муносабатлар ўрнатишда фаол иштирок этади.

Инсон тушунчаларнинг аксарияти мерос тариқасида ўзидан аввалги авлоддан тайёр ҳолда олади. Авлодлар эстафетаси ҳукм суриши натижасида бир авлод яратган тушунчаларни иккинчи авлод эгаллаб олади, уларга янги мазмун ва янги шакл беради. Олдинги авлоднинг бой меросига асосланиб, уларни ўрганиб улгурмаган воқелиқ хусусиятини очишга интилади, шу кашфиёт натижасида янги тушунчалар ижод қилади. Бинобарин, тушунчаларнинг мана шундай йўл билан авлоддан авлодга берилиши ва эгалланиши мазкур тушунчаларнинг ривожланишига олиб келади.

Моддий борлиқ тўғрисидаги тушунчалар фило-ва онтогенетик тараққиёт босқичини босиб ўтади. Мазкур тараққиёт босқичи тушунчаларнинг такомиллашувига, мазмунан чуқурлашувига, кўлам жиҳатдан кенгайишига сабабчи бўлади. Масалан, 1) ярим аср муқаддам кишиларнинг қуёш тизимида кирган планеталар

тўғрисидаги тасаввурлари ва 2) мактабгача ёшдаги болаларнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тўғрисидаги тушунчалари кўлами ва лицей, коллежни тамомлаш давридаги ўспирин тушунчалари миқдори, 3) ўтган асрдаги одамларнинг кимё фанига оид тушунчалари, ҳозирги кундаги инсон тушунчалари ва ҳоказо.

Шундай қилиб, тушунчалар моҳияти ҳукмларда ёритилади, мавжуд ҳукмлар асосида хулоса чиқарилади, Янги ҳукм ҳосил қилинади, топилган янги белгилар, аломатлар тушунчаларни янада бойитади. Тафаккур ёрдамида инсон яратиш, кашф этиш, ихтиро қилишда давом этиши мумкин. Демак, янги тушунчалар, терминлар бунёд қилинаверади, истеъмолдагилари эса янги сифат ва янги мазмун касб этади. Детерминизм принципига биноан, сўзлар янги тушунчалар яратилишига хизмат қилаверади, шунинг билан бирга тушунчалар замирида янги сўзлар ва иборалар вужудга келади, ёинки янгича талқин қилинишга кўчади. Сўз билан тушунчаларнинг чамбарчас боғланиши ва муносабати филогенезда ҳам, онтогенезда ҳам операционал ва функционал хусусиятларни йўқотмайди.

#### 4. Тафаккур сифатлари

Тафаккур бошқа билиш жараёнлари каби ўзининг индивидуал хусусиятларига эга бўлиб, фикр юритиш фаолиятининг шакллари, воситалари ва операцияларининг муносабатлари кишиларда турлича намоён бўлишида ўз ифодасини топади. Одатда тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига (сифатларига) билиш фаолиятининг мазмундорлик, мустақиллик, эпчиллик, самарадорлик, фикрнинг кенглиги, тезлиги, чуқурлиги ва бошқа сифатлари киритилади.

Тафаккур мазмундорлиги деганда инсоннинг теварак-атрофдаги моддий воқелик тўғрисида онгида қай миқдорда (кўламда) мулоҳазалар, муҳокамалар, фикрлар, муаммолар, тушунчалар жой олганлиги назарда тутилади. Инсонда санаб ўтилган характердаги ғоялар тўлиб тошса, шунчалик тафаккур мазмундор бўлади. Кишилар бир-бирларидан биринчи навбатда тафаккурнинг мазмундорлиги билан тафовутланадилар.

Тафаккурнинг чуқурлиги деганимизда, моддий дунёдаги нарсаларнинг асосий қонунлари, қонуниятлари, хоссалари, сифатлари, уларнинг ўзаро боғланишлари, муносабатлари тафаккуримизда тўлиқ акс этганлигини тушунишимиз керак. Тафаккур арсеналида жойлашган нарсаларнинг қай йўсинда системалашганлигига қараб (тўғри ва рационал йўл назарда тутилади), у ёки бу шахснинг тафаккури чуқурлиги тўғрисида қатъий бир қарорга келиш мумкин.

Тафаккурнинг кенглиги ўзининг мазмундорлиги, чуқурлиги каби сифатлари билан мунтазам алоқада бўлади. Инсондаги нарса ва ходисаларнинг энг муҳим белги ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, ўтмиш юзасидан, ҳозирги давр ҳақида, шунингдек, келажак тўғрисидаги мулоҳазалар, муаммолар ва тушунчаларни камраб олган тафаккур кенг тафаккур дейилади. Фикр доираси кенг, билим савияси юқори, серғоя, ижодий изланишдаги кишиларни ақл-заковатли, билимдон ёки тафаккури кенг кишилар деб аташ мумкин. Демак, инсоннинг ақл-заковати, билимдонлиги, мулоҳазадорлиги унинг тафаккури кенглигидан далолат берар экан.

Инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз (гипотеза) қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак.

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигидан намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда, инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва конкрет вазифалар қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишда, уларни саралашда, ана шу усуллар ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, трафаретга айланган, эски йўл ҳамда усуллардан фориг бўлишда ва бошқа жараёнларда ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишда ақлнинг танқидийлиги муҳим роль ўйнайди. Тафаккурнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат инсонни баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга, муаммо моҳиятининг тўғри очилишига (баъзан эталонга) асосланиб амалга ошса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади.

Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидилик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатга олиб келади, шунингдек, инсонлар ўртасида «англашилмовчилик ғови» ни вужудга келтиради, икки шахс ўртасида кутилмаганда зиддият пайдо бўлади. Инсонда тафаккурнинг танқидийлиги оқилона, рационал тарзда вужудга келса, унда шахс муҳим сифат билан бойийди, деб айтиш мумкин.

Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахслар томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок этган тафаккур номустиқил тафаккур деб аталади. Номустиқил тафаккурлари кишилар «тайёр маҳсулотлар қули» га айланадилар ўсишдан орқада қолиш хавфи туғилади. Натижада ақл-заковатли инсон бўлиш ўрнига калтабин, ақлан эринчоқ, беҳафсала одам бўлиб вояга етади. Демак, тафаккурнинг номустиқиллик илллати жаҳон прогрессига тўсиқ бўлиб, якка шахс учун эса трагедия ролини бажариши эҳтимолдан холи эмас.

Фикрнинг мустиқиллиги унинг маҳсулдорлиги (самарадорлиги) билан узвий боғланган. Агар инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсияномалар яратилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай кишининг тафаккури сермаҳсул тафаккур деб аталади. Демак, вақт оралиғида бажарилган иш кўлами ва сифатига оқилона баҳо бериш- тафаккур маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қилади.

Тафаккурнинг ихчамлиги деганда, муаммони ҳал қилишнинг дастлаб тузилган режаси (плани) мазкур жараёнда масала ечиш шартини қаноатлантирмай қолса, номутаносиблик ҳосил бўлса, ҳеч иккиланмай эластик равишда ўзгартишлар киритишдан иборат фикр юритиш фаолиятини тасаввур қилмоғимиз шарт. Фикрнинг оператив жиҳатдан, тезкорлик билан ўзгартишдан ва тўғри йўналишига йўллаб юборишдан иборат тафаккур сифати унинг ихчамлиги дейилади. Масалан, «Талаба синовда аввал ғояни нотўғри ёрита ётиб, ўз-ўзига «бирданига» хатосини англаб, тўғри жавоб бера бошлаши» кабилар. Демак, тафаккурнинг мазкур сифати фикрларни, информацияларни тингловчиларга хато ва камчиликсиз етказиб бериш гаровидир.

Тафаккурнинг тезлиги қўйилган саволга ва муаммога тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади. Унинг тезлиги қатор факторларга: жумладан, фикрлар учун зарур материални тез ёдга тушира олишга муваққат боғланишларнинг тезлиги, турли ҳисларнинг мавжудлигига, инсоннинг диққатига, қизиқишига

боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, тафаккурнинг тезлиги бошқа шартларга: инсоннинг билим савиясига, фикрлаш қобилиятига, мавжуд кўникма ва малакаларига ҳам боғлиқ эканлиги исботланган. Хулоса қилиб айтганда, тафаккур жараёнларининг тезлиги ва жараёнларнинг маълум фурсат ичида қанчалик самара берганлиги билан баҳоланади.


Фикрларнинг тезлиги талабалар ва ўқувчиларга жуда зарур психологик қурол бўлиб хизмат қилади. Сессия пайтида, семинар машғулотларида фаол иштирок қилган талаба ҳаяжонланиб, эгаллаган билимларини вақтинча унутиб, ўзини йўқотиб қўяди. Ўринсиз, салбий эмоциялар (ҳис-туйғулар) унинг тафаккурини тормозлаб, муваффақиятсизликка олиб келади, яъни фикрни баён қилишда инертлик пайдо бўлиб, кейинчалик бутунлай тормозланишга айланади. Баъзи талабалар, аксинча, имтиҳонда ҳаяжонланиб, фикрлари равонлашади. қаттиқ ҳаяжонланиш, қаттиқ ташқи таъсир натижасида уйқудаги айрим нейронлар уйғониб функцияси жадаллашиб кетади ва фикр «бирданига» равшанланиши мумкин. Шунинг учун ўқитиш жараёнида талаба ва ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини тўғри баҳолашда уларнинг индивидуал топологик хусусиятларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон психологларининг кўрсатишига қараганда, юқорида таҳлил қилиб чиқилган тафаккур сифатлари уларнинг асосий хусусияти билан узвий боғлиқдир. Тафаккурнинг асосий ва энг муҳим белгиси, хусусияти-бу моддий воқеликдаги муҳим жиҳатларини ажратиб, мустақил равишда янги мазмундаги умумлашмаларни келтириб чиқаришдир. Инсон оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодиса моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақиқатидан умумий қонуният яратишга ҳаракат қилади. Шубҳасиз, инсон тафаккури ҳали изланмаган, тўла фойдаланилмаган резерв ва имкониятларга эга. Тафаккур психологиясининг асосий вазифаси ана шу резервларни тўла очиш, фан ва техника прогрессини интенсивлашдан иборат. Чунки ҳар қандай кашфиёт, янгилик, прогресс-инсон ақл-заковатининг маҳсулидир. Шу боисдан ҳам фан ва техника прогресси инсоншунослик фанининг ривожига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

### **5. Тафаккур турлари**

Муайян ижтимоий муҳитда турмуш кечираётган одамларнинг эҳтиёжлари, хатти-ҳаракат мотивлари, нарсаларга қизиқишлари, интилишлари, майллари, ақлий қобилиятлари, ҳатто фаолиятлари ҳам турли-тумандир. Худди ана шу боисдан, уларнинг тафаккури ҳам ҳар хил ҳолатларда, вазиятларда турлича тарзда вужудга келади,

намоён бўлади. Бундан олдинги бобларда таъкидлаб ўтканимиздек, билиш жараёнида, амалий ва назарий вазифаларни ҳал этишда, ўзга кишиларнинг нутқ орқали ифодаланган фикрларини уқиб олишда муомалага киришишда, фикрларини тушуниб олишда инсон фикр юритади. Психолгия фанида тафаккур шаклига, топшириқ хусусиятига, фикр ёйиқлигига, фикран оригиналлик даражасига қараб қуйидагича шартли классификация қилинади.



### 5.1. Кўргазмали-ҳаракат тафаккури

Тарихий тараққиёт босқичида одамлар ижтимоий турмушда воқе бўлган муаммоларнинг аксарияти амалий йўл билан ҳал қилинган, шунингдек, уларга нисбатан муносабат ҳам амалий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Нарса ва ҳодисалар юзасидан назарий фикр билдириш эса тарихий тараққиётнинг бир мунча кейинги даврига тўғри келади. Ер юзасида фанларнинг келиб чиқиши ҳақидаги бизгача етиб келган маълумотлар мазкур мулоҳазамизга далил бўла олади. қадимги аجدодларимизда ер майдонини кадам билан ўлчаш, кўз билан чамалаш бўйича амалий билимларнинг тўпланиши натижасида геометрия фани кашф қилинган. Кишиларнинг бармоқ билан ҳисоблаш турмуш талабини қондира олмагандан сўнг-математика, нарс ва ҳодисаларнинг тасвири, шартли белгиларни қолдирилиши якуни сифатида тарих фани кабилар вужудга келган. Ер юзасида амалий билимлар тўпланиши асосида аста-секин назарий умумлашмалар барпо бўла бошлаган, турли соҳага тааллуқли информацияларнинг тизимлашиши натижасида фанлар ҳосил бўлган. Шунинг учун инсоннинг амалий ва назарий фаолияти ўзаро



узвий алоқада бўлиб, ҳамиша бири-иккинчисини тақозо этади. Генетик келиб чиқиши нуқтаи назаридан амалий фаолият бирламчи ҳисобланиб, образлар тасаввурлар ва фикрларни акс эттирувчи назарий фаолият эса амалий фаолиятнинг маълум тараққиёт чўққисига чиққандан сўнг ажралиб чиққан. Мазкур жараён бир неча ўнг минг йўллар давомида юзага келган.

Агарда инсониятнинг тарихий тараққиёти муаммосидан четланиб, ушбу масалани олиб қарасак, у ҳолда амалий фаолият бирламчи эканлигига қаноат ҳосил қиламиз. Бунинг учун инсоннинг онтогенетик тараққиётини дастлабки фазасига мурожаат қиламиз. Бола туғилишидан тортиб, то унинг боғча ёшигача даврни амалий фаолиятда кўргазмали-ҳаракат тафаккур ўсишининг асосий палласи деб аташ мумкин. Мазкур ёшдаги инсон зоти ана шу амалий фаолият қобилиятида ақлий ҳаракатларни амалга оширади, амалий билимларни ўзлаштиради, натижада кўргазмали-ҳаракат тафаккур ўса боради. Ушбу ёшдаги кичкинтойлар ўзлари ўйнаётган нарсалар, ўйинчоқларни қўллари билан бевосита ушлаб кўриш орқали улар билан танишадилар, шунинг билан бирга уларни идрок қилишга интиладилар. Идрок қилган предметлар ва ўйинчоқларни ўзаро солиштирадилар, қисмларга ажратадилар, анализ ва синтез қиладилар, бўлакларга ажратилганларни яхлит ҳолга келтириб бирлаштирадилар. Катталар тушунтиришига ишонч ҳосил қилмасдан, айтиш чокда уларни объектларни синдириб ёки бузиб бўлса ҳам уларнинг ички тузилиши билан танишиш иштиёқи (майли) кучли бўлади. Шу боисдан амалий характердаги муаммоларни ҳал қилишда кўпинча «бузиб-тузатиш» йўли билан ҳаракат қиладилар. Кўргазмали-ҳаракат тафаккур боғча ёшига етгандан сўнг болаларда ўз қийматини йўқота бошлайди.

## 5.2 Кўргазмали образли тафаккур

Инсон томонидан бевосита идрок қилинаётган предметлар эмас, балки фақат тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашдан иборат тафаккур тури кўргазмали-образли-тафаккур деб аталади. Тафаккурнинг мазкур кўриниши 4-7 ёшгача бўлган болаларда намоён бўлади. Боғча ёшидаги болаларда кўргазмали ҳаракат тафаккурнинг амалий элементлари кўргазмали образли тафаккур босқичига ўтгандан сўнг ҳам сақланиб қолади, лекин у ўзининг етакчи ролини йўқота бошлайди. Ушбу ёшдаги кичкинтойлар жисм ва предметлар билан танишаётганда аналитик-синтетик фаолиятдан фойдаланиб иш кўраётганда уларни қўл билан ушлаб кўришга, ички тузилиши билан амалда танишишга интилмайдилар. Чунки кўп ҳолларда улардан амалий ҳаракат қилиш талаб қилинмайди. Лекин бу улар жисм ва предметларни,

объектларни аниқ ва тўлиқ идрок қилиш, яққол тасаввур этиш имкониятидан мустасно қилинади, деган сўз эмас, албатта. Боғча ёшидаги болалар илмий тушунчаларга эга бўлмаганликлари учун билиш фаолиятида асосан кўргазмали-образларга суяниб фикр юритадилар, мулоҳаза билдирадилар, ҳукм чиқарадилар. Юқоридаги фикримизни тасдиқлаш учун швейцариялик психолог Жан Пиаже тажрибаларига мурожаат қиламиз. У 6-7 ёшдаги болаларга ҳамирдан баб-баравар қилиб ясалган иккита зувалачани кўрсатади, шу заҳотиёқ текширилувчилар уларнинг бир-бирига тенг эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Тажрибанинг иккинчи босқичида зувалачанинг биттаси нон шаклига келтирилади, бу ҳолатни ўз кўзлари билан кузатиб турган болалардан сўралганда, улар зувалача ҳажмининг ўзгаришига қараб тенглик бузилган деб жавоб берганлар. Ушбу ҳолат боғча ёшидаги болаларда кўргазмали-образли тафаккур бевосита ва батамом уларнинг идрок жараёнларига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шунинг учун улар нарса ва ҳодисаларнинг, жисм ва предметларнинг кўзга яққол ташланиб турувчи аломатига, хусусиятига, ташқи белгисига эътибор қиладилар. Лекин уларни ички боғланишлари, ўзаро муносабатларини билдириб келадиган муҳим, асосий сифатларига аҳамият бермайдилар. Объектларни фазода жойлашган ўрни, ташқи номуҳим белгиси уларнинг кўргазмали-образли тафаккурини вужудга келтиради. Масалан, уларнинг назарида одамлар бўйининг баланд ва пастлиги уларнинг ёшини (улуғлигини) белгилайдилар.

### 5.3 Интуитив ва аналитик тафаккур

Тафаккур активлигига қараб ихтиёрсиз (интуитив) ва ихтиёрий (аналитик) тафаккур турларига ажратилади. Интуиция деб, мантикий тафаккур ёрдамида кўп вақтлар давомида ҳал қилинмаган ақлий вазифаларнинг тўсатдан, кутилмаганда ҳал қилиниб қолиши жараёни аталади. Шахснинг муайян соҳадаги ҳаётий ёки илмий тажрибаларига асосланган интеллектуал сезгирлигидан иборат фаолиятдир.

Кўпинча ихтиёрий тафаккур жараёни мулоҳаза, муҳокама, исботлаш, гипотеза қилиш каби шаклларда намоён бўлади. Математика, физика, кимё, психология ва бошқа фанлардаги муаммо ва масалаларни ечиш жараёнлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари, ихтиёрий тафаккурга танқидий ёки назорат (контрол) тафаккур ҳам киради. Моддий борликни адекват акс эттириш фикр юритишни танқидий ва синчков бўлишини тақозо этади. Бинобарин, нарса ва ҳодисаларни атрофлича билиш учун, объектив баҳо бериш зарурияти туғилади, бу эса ўз навбатида, фикр

юритиш кўлами кенг, аналитик-синтетик фаолият доираси мустаҳкам бўлишини талаб қилади.

Тафаккур жараёнлари ихтиёрсиз юз бериши ҳам мумкин. Лекин бу ҳолда улар ихтиёрий тафаккурга суянган тарзда вужудга келади. Жумладан, одамнинг амалий, маиший ва ҳоказо фаолиятларида ихтиёрсиз равишда қатор саволлар пайдо бўлиши ва уларга беихтиёр жавоблар ахтариш ҳоллари учраб туради. Бундай пайтларда инсон фикр юритяптими ёки йўқми, буни билиш жуда қийин, ваҳоланки у ўзича гўё саволларга жавоб топгандай, ширин ҳис-туйғуларни бошдан кечираётгандай бўлади, шунинг учун кўпинча «тилимнинг учида турибди» одамлар қандайдир текст ёки муаммо, масала устида бош қотириб ўтирганларида (бирор нарсанинг бевосита таъсири натижасида) фикр юритиш мутлақо беихтиёр ўй бериб қолади ва уларни асосий топшириқни бажаришдан узоқлаштиради. Баъзан амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган топшириқни ихтиёрий равишда бажариш жараёнимизда бу режага киритилмаган (фавқулодда вужудга келган) айрим вазифаларни ҳам бажарамиз, бу жараён биз учун ихтиёрсиз равишда ўтади.

Инсониятнинг тарихий тараққиёти тарихидан шу нарсалар маълумки, йирик илмий кашфиётлар ҳам кўпинча худди шундай беихтиёр фикр қилиб турган маҳалда тўсатдан очилган. Жумладан, юнон олими Архимед солиштирама оғирлик қонунини зўр бериб ақлий меҳнат қилиш пайтида эмас, балки ҳеч кутилмаган жараёнда, ваннада чўмилиб турган пайтида кашф этган. Улуғ рус олими Д. И. Менделеевнинг ҳикоя қилишича, у элементлар даврий тизими жадвалини тузиш вақтида уч кечаю уч кундуз бетиним меҳнат қилган, аммо бу вазифани ниҳоясига етказа олмаган. Ундан сўнг чарчаган олим иш столи устида уйкуга кетган ва тушида бу элементлар тартибли жойлаштирилган жадвални кўрган. Шунда Д. И. Менделеев уйқудан уйғониб, бир парча қоғозга тушида аён бўлган жадвални кўчириб қўйган.

Кўпинча психолог ва физиологлар таъкидлашларича, муаммонинг бундай осон равишда ечилиши ҳеч кутилмаган юқоридаги каби беихтиёр ҳал қилиниши шу кашфиётлар олам юзини кўрганича бўлган давр ичида ойлаб, йиллаб қилинган меҳнатнинг якуни, яъни тугалланмай қолган тафаккур жараёнининг ниҳоясига етишдир, деб баҳоламоқдалар.

Йирик физиолог ҳамда психолог В. М. Бехтеревнинг изоҳлича, бундай кутилмаган жараёнларнинг рўй беришига асосий сабаб- бу ўрганилаётган масала тўғрисидаги ухлашдан олдин зўр бериб бош қотириш ўйлаш (фикр юритиш) ва бутун зеҳни, шунинг билан бирга диққат-эътиборининг тортилиши, кашф қилиниши зарур масалага

тўла-тўқис йўналишдан иборат мақсадга мувофиқлаштирилган мураккаб, барқарор психик ҳолатнинг ҳукм суришидир. Мазкур ҳолат аниқ объектга қаратилган ақлий зўр беришнинг интенсив тарзда давом этиши натижасида вужудга келган маҳсулдир ва ҳоказо.

Фикр юритилиши лозим бўлган нарса ва ҳодисаларни идрок ёки тасаввур қилиш мумкин бўлса, бундай тафаккур конкрет тафаккур деб аталади. У ўз навбатида яққол-предметли тафаккур ва яққол- образли тафаккур номи билан икки турга ажратилади. Агар фикр юритиш объекти бевосита идрок қилинса, бундай тафаккур яққол-предметли тафаккур дейилади. Фикр юритилаётган нарса ва ҳодисалар фақат тасаввур қилинса, бундай тафаккур яққол-образли тафаккур деб аталади. Тафаккурнинг бир тури хотира ёки хаёл тасаввурига асосланган ҳолда намоён бўлади.

Абстракт тафаккур нарсаларнинг моҳиятини акс эттирувчи ва сўзларда ифодаловчи тушунчаларга таяниб, фикр юритишдир. Алгебра, тригонометрия, физика, чизма, геометрия, олий математика масалаларини ечиш маҳалида фикр юритиш, мулоҳаза билдириш абстракт тафаккурга хос мисоллардир. Алгебраик миқдорларини конкрет нарсаларга таққослаб, нисбатан бериб конкретлаштирилса бўлади, лекин бу ерда бизнинг мақсадимиз конкрет миқдор тўғрисида фикр юритиш эмас, балки шу нарсалар ўртасида мавжуд умумий миқдор алоқалари устида мулоҳаза юритишдир. Чунончи, бу ҳолда биз фақат умумлашган тушунчаларга таяниб фикр юритамиз.

Абстракт тафаккур конкрет тафаккурдан ғоят кенг маъно англатиши билан воқеликни чуқурроқ билишга олиб бориши билан фарқ қилади. Шунинг учун биз яқка ҳукм воситаси билан қатор нарса ва ҳодисаларга тааллуқли ички қонуниятлар тўғрисида фикр юрита оламиз. Идрок ва тасаввур қилиш мумкин бўлмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида абстракт тафаккур ёрдамида мулоҳаза юритса бўлади. Шу сабабли жамият ва табиат қонунлари ҳақида, борлиқ тўғрисида, чексизлик, сифат, миқдор, тенглик тўғрисида, гўзаллик юзасидан мавҳум абстракт мулоҳаза юритиш мумкин, холос.

Бироқ конкрет тафаккур билан абстракт тафаккур ўзаро узвий боғлангандагина бир бутун инсон тафаккурини вужудга келтиради, чунки предметнинг ташқи ва ички хусусиятларини атрофлича очиш алоҳида олинган тафаккурнинг у ёки бу тури ёрдамида ифодалаб бериш анча мушкулдир. Абстракт тафаккур конкрет тафаккур замирида вужудга келган, унинг пойдевори устида ўсган ва ривожланган. Чунки тафаккурнинг генетик жиҳатдан келиб чиқишини анализ қилиб чиқсак, конкрет тафаккур амалий тафаккур билан параллел равишда намоён бўла бошлаган, абстракт тафаккур

эса тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида ҳосил бўлган. Шунга қарамасдан, ҳамма вақт ҳар қандай конкрет фикр, мулоҳаза абстракт фикр, муҳокама ичига маълум даражада сингиб кетган бўлади.

Ҳодисаларни изоҳлашга, фараз қилишга қаратилган тафаккур назарий тафаккур деб аталади. Тушунчалар ўртасидаги боғланишларни, муносабатларни, ички боғланишларни ёритиб бориш ва шу боғланишларни назарий жиҳатдан фикр юритиш йўли билан изоҳлаш каби жараёнларни назарий тафаккур ёрдамида амалга ошириш мумкин. Изоҳлаш пайтида изоҳланаётган нарса ва ҳодисалар, хосса ва хусусиятлар, жисм ва предметлар, умуман бутун воқелик маълум туркумдаги тушунчалар қаторига киритилади ва уларнинг фарқ қиладиган белги ва аломатлари фикран ажратиб кўрсатилади. Бундан ташқари, муайян объектларнинг моҳияти, мазмуни, мавжуд бўлишлик сабаблари, келиб чиқиши, тараққиёти, ўзгариши, шунингдек, уларнинг аҳамияти ва функция ҳамда вазифалари изоҳлаб берилади.

Назарий тафаккур жараёнларда «Нега?», «Нима учун?», «Нима сабабдан?», «Бунинг ўзи нима?», «Бу ҳодиса ёки ҳолатлар, ёхуд тушунчалар ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутлар мавжуд?» каби қатор саволлар вужудга келади. Берилган саволларга атрофлича ўйлаб, мантиқан оқилона тузилган жавоблар ҳам топилади. Жумладан, «қуёш ботди-қоронғи тушди», «Совуқ тушди-сувлар музлади», «Олмаҳон-ҳайвондир», «Кит-сут эмизувчидир», «15к2 ва 20-3 миқдорлари ўзаро тенг», «ТАТ мавзувий апперцепция очиб бериш аппаратиدير», «Характер-ижтимоий турмуш маҳсулидир» ва бошқалар. Бу келтирган мисолларда ўқувчи билан талабалар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишларни, ички қонуниятлар ва хоссаларни, ўзаро мунтазам муносабатларни таъкидлаб ўтадилар, изоҳлайдилар ва тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар.

Назарий тафаккурни айна бир пайтда абстракт тафаккур деб аташлик анъана тусига кириб қолган. Бундай ном билан аташга асосий сабаб назарий тафаккурнинг умумий ҳукмларда ифодаланишидир. Мисол учун, Металлар электр токини яхши ўтказди, Жисмлар ишқаланишдан қизийди, Ҳамма ҳайвонлар ўзи яшаётган муҳитга мослашади, Нарса ва предмет номини билдириб келган сўзлар от деб аталади. Дикқат барча психик жараён ва ҳолатларнинг мувафаққиятли амалга ошириш гаровидир, Ўтиш (ўсмирлик) даври ҳам жисмоний, ҳам жинсий жиҳатдан интенсив ўсиш давридир, Шахс тараққиёти наслий (ирсий) белги, ижтимоий муҳит ва таълим тарбияга боғлиқдир, қизиқиш ва эҳтиёж инсон шахсининг муҳим жиҳатиدير ва ҳоказо.

Абстракт тафаккур мактаб ўқувчиларида даставвал элементар шаклдаги абстракт тушунчаларга суянган ҳолда ривожланади, сўнгра мураккаб табиий-математик фан асосларини эгаллаш жараёнида маълум тизимидаги абстракт тушунчаларни ўзлаштириш эвазига юқорироқ босқичга кўтарилади. Олий мактабларда таҳсил олиш давомида абстракт тафаккур ўзининг энг юқори илмий-диалектик, назарий босқичига кўтарилади. Бунда ижтимоий фанлар алоҳида аҳамият касб этади, жумладан философия, психология ва бошқалар. Талабалар ҳам кўлам, ҳам даража жиҳатидан мураккаб бўлган тушунчалар билан танишадилар. Масалан: материя, онг, хусусият, умумийлик, реаллик, макон, замон, ҳаракат, психика, сифат, кризис, босқич ва ҳоказо.

Абстракт тафаккур муаммоси қатор собиқ совет психологлари томонидан изчиллик билан тадқиқ этилган. Собиқ шўро психологиясининг дастлабки ривожланиши палласида ушбу масала билан Л. С. Виготский, П. П. Блонскийлар, кейинчалик С. Л. Рубинштейн, Б. Г. Ананьев, А. Н. Леонтьев, Н. А. Менчинская, Г. С. Костюк, П. Я. Гальперин, Р. Г. Натадзе, Д. Б. Эльконин, В. В. Давидов, А. М. Матюшкин, О.К.Тихомиров, А.В.Брушлинский ва бошқалар шуғулланганлар. Ҳозирги мазкур муаммо юзасидан етарли даражада эмпирик ва назарий билимлар тўпланган. Фан ва техниканинг тараққиёти абстракт тафаккурни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бу айтиб ўтилган мулоҳазалар назарий ва абстракт тафаккурга ёрқин мисол бўла олади. Назарий тафаккур туфайли воқеликдаги умумий ва муҳим боғланишларни хоссаларни, қонуниятларни англаб оламиз. Шунинг учун қуёш ва ой туталишини, юлдузлар тизимининг ҳаракатини, об-ҳаво маълумотларини, ер қимирлаш ўчоқларини воқеа содир бўлишини анча илгари айтиб беришимиз мумкин. Шу сабабдан назарий тафаккурни олдиндан кўриш имкониятини яратадиган умумлашган тафаккур деб ҳам атайдилар.

Шундай қилиб, абстракт тафаккур орқали нарса ва ходисаларни бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари аниқланади, у ёки бу соҳага оид қонуниятлар очилади, сабаб-оқибат боғланишлари акс эттирилади.

Воқеликни ўзгартиришга ёки инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган реал нарсалар яратишга қаратилган тафаккур тури конструктив, техникавий, тасвирий санъат сингари касб соҳаларини тадқиқ этади. Воқеликни ўзлаштириш воситаси билан реал нарса ва ходисаларни яратишга йўналтирилган фикр юритиш амалий тафаккур деб аталади. У қўйилган амалий ва назарий вазифаларни янги усуллар билан ҳал қилиш, онгимизда янги тасаввур, тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш, муайян янги нарсалар яратиш билан боғлиқ

мураккаб тафаккур жараёнидир. Амалий тафаккур жараёнида ҳам назарий тафаккурга ўхшаш саволлар туғилади. Амалий тафаккур жараёнининг давоми иш-ҳаракатларни, ақлий ҳаракатларни тасаввур қилишда, фикрлашда намоён бўлади. Мактаб ҳаётидан ўқувчиларнинг диктант, баён ёки иншо ёзиш жараёнини мисол қилиб келтириш мумкин. Талабалар фаолиятдан конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, курс ва малакавий битирув иши устида ишлаш, семинарга ҳозирлик кўриш, лаборатория машғулотида амалий вазифаларни бажариш кабилар амалий тафаккурга ёрқин мисолдир.

Психологияда тафаккурнинг ўндан ортиқ турларига характеристика бериб ўтилган. Психология тарихидан бизга маълум бўлган авторитар тафаккур тури ҳам ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб туради. Муайян фикрнинг чин ёки ёлғонлигини объектив далиллар билан исботлаш ўрнига инсон шахсининг ижобий ёки салбий сифатлари билангина чекланиб қолишдан иборат тафаккур тури авторитар тафаккур деб аталади. У кўпинча одамларнинг муайян соҳа бўйича билим савиясининг, даражасининг чекланганлигидан ва мустақил фикр юритиш қобилиятининг етарли даражада ўсмаганлигидан далолат беради. Шунингдек, психологияда бир-бирлари билан узвий равишда боғланган мулоҳаза юритишдан иборат мантикий тафаккур жараёнини дискурсив тафаккур деб аташ қабул қилинган.

#### 5.4 Ижодий тафаккур

Ижодий тафаккур мураккаб билиш фаолиятдан бири бўлиб, тадрижий равишда, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади: даставвал саволлар туғилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ёки саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала-бу бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган саволнинг ифодасидир. Намоён бўлган вазифа (масала) кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам ўзига акс эттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа ҳислардан хориж этишга қаратилган майлидир.

Тафаккурнинг изланиш босқичларида вужудга келган масаланинг ифодаланиши ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Жумладан, воқеликнинг нималари маълумки, нималари яна номаълум, уларни аниқлаш, қай ҳолатда ва қайси йўл билан ечилиши мумкин, унинг турмуш учун қандай аҳамияти бор, сингари жиҳатларини аниқлашга тўғри келади.

Ижодий тафаккурнинг навбатдаги компонентлари қуйидагича акс эттирилади: қўйилган саволларга жавоб излаш, масалани ечишга ёрдам берадиган йўллар, усуллар, воситалар, қоидалар ва кўникмаларни қидириш, уларни танлаш ҳамда мазкур фаолиятда

уларни татбиқ қилиш ва бошқалар. Одам ушбу конкрет ҳолдаги вазифани бажариш учун қўйилган саволларга бериладиган жавобларни айрим пайтларда теварак-муҳитдаги объектлардан топишларга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолатнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг кузатувчанлиги ва синчковлик сифатларига боғлиқ. Айрим ҳолларда берилган саволларга жавобларни тўпланган тажриба ва йиғилган билим фондидан топиш кўзга ташланади. Масалан, сессия топшираётган талабанинг фикр юритиши, мулоҳазаси ва хулоса чиқариши худди ана шундай тарзда намоён бўлади.

Ижодий тафаккур ижодий хаёл билан узвий алоқада бўлади. Шунинг учун инсон амалий фаолиятида бир талай саволларга жавобларни хаёл ёрдами билан топади. Жумладан, ҳар хил тахминлар, фаразлар, илмий гипотезалар, кашфиётлар, техника соҳасидаги ихтиролар ҳам ана шу йўсинда амалга ошади, яъни хаёл ёрдами билан зарур натижаларга эришилади. Шунингдек, ижодий тафаккур жараёнида баъзи бир вазифаларни ҳал қилиш, бажариш, муҳокама юритиш, мулоҳаза қилиш, фикрлаш, фараз қилиш сингари жараёнлар мантикий фикр юритиш усуллари ва воситаларини қўллаш йўли билан ниҳоясига етказилади. Масалан, математика, физика каби фан асосларини ўзлаштиришда худди шундай ҳолат рўй беради.

Ижодий фикр юритиш жараёнида гоҳо камчилик ва хатоларга йўл қўйилади. Натижада олинган жавоблар ёки қўлланилган воситаларда шубҳаланиш ҳисси пайдо бўлади. Оқибатда натижаларни танқидий текшириш масалани ҳал қилиш билан параллел равишда намоён бўлиши мумкин. Одатда, ушбу кезларда фикр юритишнинг мантикий жиҳатлари ҳукм ва хулоса чиқариш, исботлаш, далиллаш, асослаш, рад қилиш, инкор этиш кабилар ижодий тафаккур ядросини ташкил қилади.

Ижодий тафаккур жараёнида инсон масалани ҳал қилишда ўзгаларнинг ёрдамига таяниб иш кўради. Айрим ҳолларда масала ёки топшириқни ҳал қилиш, ечиш пайтида ижодий тафаккур шахслараро муносабатда, мулоқотда воқиф бўлади. Мулоқот эса фикр алмашиш, суҳбатлашиш, муҳокама қилиш, баҳслашиш, исботлаш, далиллаш каби мантикий усуллардан ташкил топади. Фан ва техника тараққиёти тарихининг кўрсатишига қараганда, йирик илмий кашфиётлар, фалсафий мушоҳадалар, илмий назариялар, конструктив ижодларнинг аксарияти улуғ кишилар томонидан ижтимоий тафаккурнинг маҳсули сифатида, коллектив тафаккури натижаси тариқасида дунё юзини кўрган. Демак, ижодий тафаккур авлодларнинг ақл-заковати дурдоналарининг тизимлашиши натижасида воқеликни янгилик элементи билан бойитади, холос.




Ижодий тафаккур билан масала ечиш ўзаро узвий боғланган билиш жараёнларидир. Лекин ижодий тафаккурни масала воситасига айлантириб юбориш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун уларнинг нозик жиҳатларини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, масалани ҳал қилиш, ечиш фақат тафаккур ёрдами билан амалга оширилади, чунки бунда ҳеч қандай ўзгача йўл бўлиши мумкин эмас ва бўлмайди ҳам. Ўз навбатида тафаккур масала ечиш вақтидагина вужудга келади. Шу боисдан янги масала қўйишда, янги муаммоларни барпо қилишда, уларнинг инсон томонидан (ўзгалар) англаб етишида ва бошқа ҳолларда асосий роль ўйнайди. Бинобарин, ижодий тафаккур фақат масала (муаммо) ҳал қилиш билангина боғлиқ бўлмасдан, балки билимларни эгаллаш, текстларни тушуниш, нарса ҳамда ҳодисаларни танқидий жиҳатдан анализ қилиш ва ҳоказоларда ҳам жуда зарурдир.

Хўш, муаммоли (муаммоли) вазият билан масала ечишнинг ўзаро тафовути борми? Одатда муаммоли вазият вужудга келганда одам фавқулодда ҳеч қутилмаган, нотаниш, тушунилиши мураккаб бўлган, номаълум нарса ва ҳодисалар билан учрашади. Ақлий зўр бериш натижасида ирода сифатларини ишга солиш орқали муаммоли вазият англашилган масалага айланади. Бинобарин, масала муаммоли вазиятдан келиб чиқиб, унинг билан маҳкам алоқа қилиб ҳукм суради. Тафаккур муаммоли вазиятни анализ қилиш натижасида уни равшанлаштириб, ечиш мумкин бўлган масалага айлантиради. Демак, бу ерда ўзаро мустаҳкам боғланган фикр юритишнинг берк занжири вужудга келади: Тафаккур муаммо масала. Занжирнинг ҳар бир звеноси ҳамиша ва бетўхтов бир-бирларини тақозо этади.

Масаланинг юзага келиши муаммоли вазиятдан ўзининг специфик хусусиятлари билан ажралиб туради. Одатда масала ифодааланганда, гарчи олдиндан бўлса ҳам, маълум маълумотлар ва номаълумлар (қидирилиши зарур бўлган нарсалар) алоҳида мантикий бўлакларга, қисмларга ажратилган бўлади. Масала нутқ билан баён қилинган қисмдан ва шартли белгилар ёки абстракт тушунчалардан ташкил топади. Масаланинг вербал бўлагида маълум маълумотлар ва номаълум нарсаларга бўлиш акс эттирилган бўлади. Ҳар қандай предметларга оид ўқув масаласида унинг асосий шартлари ечувчилар онгига бориб етадиган даражада яққол шаклда баён қилинган бўлади, шунингдек, унинг олдига қўйилган талаблар ва саволлар ҳам турли ёшдаги одамларнинг ёшига, савиясига мос равишда тузилади. қаттиқ изланиш, муҳокама юритиш, воситалар танлаш ва уларни татбиқ этиш натижасида қидирилган номаълум нарса топилади.

Собиқ совет психологиясида фикр юритиш актлардан, ҳаракатлардан иборат эканлиги таъкидланади. Инсоннинг амалий фаолиятида қўйилган масаланинг (вазифанинг) акти фикр юритиш ҳаракати деб аталади. Тафаккурнинг ҳаракати бирон-бир вазифа ёки масала юзага келиши билан оқ ўз функциясини бошлайди. К. К. Платонов тафаккур ҳаракати босқичларнинг ушбу схемасини ишлаб чиққан.



К. К. Платонов фикрига кўра вазифанинг ҳал қилиниши тафаккур ҳаракатини яқунлайди. Бироқ топилган масала ечими янги тафаккур ҳаракатларини вужудга келтириши, бетўхтов фикр юритиш жараёнлари билан таъминлайдиган янги саволларни туғдириши эҳтимол.

Ижодий тафаккур жараёни мавжуд билимларга, боғлиқдир. Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ўзаро алоқа қилишда тафаккур муҳимроқ, мавқелироқ ўрин тутди. Ҳозирги замон таълими олдида турган асосий мақсад, ўқувчи ёки талаба шахсини билимлар билан қуроллантириш эмас, балки уларни фикр юритиш фаолиятига ўргатишдан иборатдир.

Хўш, ижодий фикр юритиш жараёни қандай амалга оширилади?

Биринчидан, фикр юритиш фаолиятида энг аввал ҳал қилиниши зарур бўлган масала инсон томонидан аниқлаб олиниши керак. Агарда инсон олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирилмаган бўлса, у ҳолда у бирон-бир нарса тўғрисида фикр ҳам юритмайди, демакки, унинг қаршисида ҳеч қандай муаммо мавжуд эмас. Мабодо одам ҳал қилиши шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўлароқ маълумотга эга бўлса, уни оқилона ечиш йўл ва воситаларини шунчалик енгиллик билан топади. Бунинг учун муаммони ечувчилар қўйилган масала мазмунини аввало тушуниб олишлари, унинг шартини текшириб чиқишлари, нима маълум ва нималар номаълум эканлигини аниқлашлари мутлақо зарур. Фақат ана шундагина улар сира шошиб қолмайдилар ва ҳеч иккиланмасдан масала шартини ўйлаб топадилар, тўғри ечимга эришадилар.

Иккинчидан, муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган барча билимларни (қоидалар, фактлар, қонуниятлар, хоссалар, хусусиятлар, муҳим белгилар, муносабатлар, боғланишлар ва бошқалар) татбиқ қилиш учун интиладилар. Бунинг учун эса шахсий тажрибасида учраган тажрибадан, ҳолатдан, усуллардан унумли фойдаланиб, кўчиш жараёнини амалга оширадилар.

Учинчидан, масалага-муаммога тааллуқли гипотеза олға сурилади, босқичлар тахмин қилинади, ечиш тўғрисида фаразлар ишлаб чиқилади, турли вариантлар ҳамда вариациялар ҳақида

мулоҳаза юритилади, ўзаро ҳаёлан солиштириб, энг самарали аломатлар ажратилади ва ҳоказо.

Тўртинчидан, муаммо олдида қўйилган гипотезани текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун аналогик ҳолатлар ўзаро таққосланади. Бу ўринда ижодий ҳаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун тафаккур ҳаракатлари иерархияси татбиқ қилиб кўрилади. Гипотеза мантиқий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, унинг адекватлигига доир оператив равишда ҳукм ва ҳулосалар чиқарилади.

Бешинчидан, муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза адекват эмаслиги, нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади, ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия қилинади. Айтиб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техника масалаларини ҳал қилишда, кашфиётларни яратишда, ихтирочиларнинг таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий қилишда турли-туман моделлар, вариантлар, препаратлар, технологик карталар ва бошқалар фикран анализ қилинади, сўнгра улардан энг маъқули, энг мақсадга мувофиқи танланади ва унинг устида тўхталади.

Олтинчидан, муаммо ва масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларни тўғрилигига қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи уни текшириш билан тафаккур ҳаракатларини якунлайди. Ана шу операциялардан сўнг масала батамом ҳал қилинди деб топилади ва у тўғрида фикр юритиш тўхтатилади.

Одатда инсон ижодий тафаккур қилиш жараёнида маълум даражадаги қийинчиликларни енгади. Уларни елтириб чиқарувчи объектив ва субъектив сабаблар хилма-хил бўлиб, турлича тарзда ифодаланиши мумкин.

Психолог В. А. Крутецкий ижодий тафаккурни тараққий эттириш мақсадида масалалар типологиясини ишлаб чиқиб, турли ёшдаги ўқувчилар ўқув фаолиятида синаб кўрган. Олинган натижалар олим томонидан сифат ва миқдор жиҳатдан анализ қилиниб, график тасвири (ифодаси) акс эттирилган. Типологияга киритилган масалаларни В. А. Крутецкий турлича ном билан атайди.

1. Савол аниқ қилиб қўйилмаган масалалар. Ўқувчининг масалада берилган математик муносабатларни анализ қилгандан кейин ифодалаб бериладиган саволнинг вариантларидан бири қавс ичида кўрсатилади.

2. Берилганлари ечишмайдиган масалалар. Масалани аниқ ечиш учун ечишмайдиган маълумотлар қавс ичида кўрсатилади.

3. Ортиқча маълумотлари бўлган масалалар. Ортиқча маълумотлар курсив билан берилади.

4. Бир неча йўл билан ечиладиган масалалар. Бу ерда турли йўллар билан ечилиши мумкин бўлган масалалар берилган. Масала ечишнинг энг оддий, энг тежамли йўли иложи борида яширилган. Бу масалалар бир фикрлаш операциясидан иккинчисига, бир ишлаш усулидан бошқасига ўтиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган.

5. Мазмуни ўзгариб турадиган масалалар. Бу масалаларда ҳам битта мустақамланган ақлий қобилият таркиб топтиради.

6. Ишотлашга доир масалалар. Бу масалалар ёрдамида мантикий фикрлаш, ишотлаш сингари ақлий қобилият такомиллаштирилади.

7. Фикрлаш, мантикий мулоҳаза юритишга доир масалалар. Бу масалаларни ечиш учун ҳеч қандай махсус билимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум даражада ижодкорлик кўрсатиб, мантикий мулоҳаза юрита олиш керак бўлади. Бу масалаларнинг баъзилари мамавзутик характерда, бошқалари фақат мантикий характерда бўлади.

8. Демак, ижодий тафаккур тури ўзининг самарадорлиги ва долзарблиги, универсаллиги билан бошқа фикр юритиш жараёнларидан фарқ қилади, янги-янги муаммоларни ўйлаб чиқишда, масалани ҳал қилишда зарур жараён бўлиб, инсоннинг билиш фаолиятида етакчи роль ўйнайди.

5.5 Психология фанида тафаккурни реалистик ва аутистик турларга ажратиб ўрганиш ҳолати ҳукм суриб келмоқда. Одатда реалистик тафаккур қуршаб олган атроф-муҳитни ўрганишга, акс эттиришга қаратилган фикр юритиш бўлиб, у мантикий қонун ва қоидаларга бевосита бўйсунди ва уларнинг ёрдами билан воқеликни инъикос қилади. Мавжуд нарсалар ва ҳодисаларни акс эттириш мазкур тафаккур турининг объекти бўлиб ҳисобланади. Аутистик тафаккур инсоннинг хоҳиш ва истакларини амалга ошириш билан узвий боғлиқ равишда содир бўлади. Амалга оширилиши лозим бўлган тафаккур ҳаракатлари фақат ўша шахснинг ўз талақларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган фикр юритишдан иборат индивидуаллик ёки индивидуалистик тафаккурдир.

5.6 Масала ечимини қабул қилишга ва информацион тайёргарлик кўришга қаратилган фикр юритиш визуал тафаккур дейилади. Визуал тафаккур мақсадга мувофиқ ҳаракатлар ёки англашилмаган операциялар, чунончи, образлар манипуляцияси ва

трансформацияси ёрдами билан амалга оширилади ва «ақлий айланиш»дан намоён бўлади. Инженерлик психологияси ва меҳнат психологияси, шунингдек, эргономика соҳаларида муттасил визуал тафаккур иштирок этади. Кейинги йилларда визуал тафаккур муаммоси космос психологиясида интенсив равишда тадқиқ қилинмоқда.

5.7 Йирик собиқ совет психологларида бири З. И. Калмикова ўз тадқиқотларида тафаккурнинг продуктив ва репродуктив турларга ажратиб ўрганган эди. Бу бўлиниш субъект билимларига фикр юритиш фаолиятида олинадиган маҳсулнинг янгилик даражасининг муносабати асос қилиб олинади. қисқа вақт бирлиги ичида янги, оригинал фикрлар яратиш ёки муҳим илмий, амалий масалаларни ҳал қилиш билан белгиланадиган тафаккур продуктив тафаккур дейилади. Репродуктив тафаккур эса пассив, тайёр мулоҳазаларни ўзлаштириб олишга ва «тайёр ҳолда» ундан фойдаланишга қаратилган инсоннинг билиш фаолияти кўринишидир.

5.8 Фазовий тафаккур муаммоси атоқли собиқ совет психологи Б. Г. Ананьев ва унинг шогирдлари томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, кейинги йилларда бу муаммо юзасидан таниқли психолог И. С. Якиманская интенсив илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, сермаҳсул натижаларни қўлга киритаётир. Тажрибаларнинг аксарияти касб ҳунарколлежи (билим юрти) ўқувчилари устида олиб борилган. Фазовий тафаккур деганда нарса ва ҳодисаларнинг фазода рационал жойлашиши, замон ва макон муносабатларини, мураккаб боғланишларини адекват равишда акс эттиришдан иборат фикр юритиш жараёни тушунилади. У инсоннинг фазовий тасаввурлари, хотира ва хаёл тасаввурлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

## 6. Шахсда мустақил фикрлашни шакллантириш воситалари

Фикрлаш ёки фикр юритиш инсон ақлий фаолиятининг, ақл-заковатининг, муомала маромининг, онгли хулқ-атворининг юксак шакли бўлиб ҳисобланади. Мустақил фикрлаш теварак-атрофни, ижтимоий муҳитни ҳамда воқеликни билиш қуроли, шунингдек, шахснинг кенг кўламли ақлий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан амалга оширишнинг асосий шарти саналади. Мустақил фикр юритишнинг рўёбга чиқишида одамда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади ва улар шахс онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар сифатида ифодаланади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади. Худди шу боис талаба ўзининг мустақил фикрлаши (мулоқоти), нутқи, онгли хулқ-атвори туфайли борлиқдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Киши мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган, эслаб қолган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги, ҳаққонийлиги ёки уларнинг воқеликка мос (мутаносиб) тушиши ва тушмаслигини аниқлайди. Борлиқни билиш жараёнида ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар, фаразлар (тахминлар), қарор қабул қилишлари чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил фикрлаши туфайли воқеликни умумлаштирган ҳолда билвосита ёки бевосита акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ички, мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусиятлар ҳамда механизмларни тушунади, англаб етади. Бинобарин, одам муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда табиий, ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши ҳамда уларнинг оқибатини олдиндан пайқаш, башорат қилиш имкониятига эга. Ҳозирги замон кишисининг билиш ва амалий фаолиятини оқилона, омилкорлик билан ташкил қилишда мустақил фикр юритишнинг аҳамияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Одатда фикр юритиш воқеликни умумлаштира олиш даражасига, муаммони ечиш воситасининг хусусиятига, объектнинг шахс учун янгилиги унинг фаолликка ундашига биноан бир неча турларга ажратилади. Мустақил фикрлаш ақлий фаолият сифатида таҳлил қилинганда талаба томонидан масалалар ва топшириқларни ечиш назарда тутилади, уларнинг шартларида, моҳияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англашув, тушунув имкониятларида кузатилади. Масала, муаммо, топшириқ ечиш (ҳал қилиш, бажариш) инсоннинг эҳтиёжи, қизиқиши, майли, мотивацияси, ақлий қобилияти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ ҳолда олиб қаралади, муаммо томонидан қўйилган талабларни қабул этиш, шахсий қарорга келиш, ечимни топиш учун воситалар қидириш ижод, изланиш ва фикрлашнинг мустаҳкам негизини ташкил қилади. Мустақил ва ижодий фикрлаш фаолиятида муаммо ечимини топиш жараёнини бошқариш, борлиқни инъикос қилишда шахснинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ғавқулоддаги вазиятлари, объектив шароитлари унинг учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий турмушда таълим тизимида, ишлаб чиқариш амалиётида шахслараро (объектив, субъектив) муносабатлар, алоқалар, ҳамкорликдаги ақлий ва жисмоний меҳнат натижаси муомала қилиш мароми ностандарт фикрлашнинг мажмуаси тариқасида юзага келади. Талабалар жамоасида танқид ва ўзини ўзи танқид, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш, текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини ўзи намоён этиш, ўзига ўзи буйруқ бериш, гуруҳий мулоҳаза ҳамда шахсий мушоҳададан иборат мустақил фикрлашнинг сифатлари шаклланади.

Инсонни инсон томонидан идрок қилиш, яъни нотаниш шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш, уни тахмин қилиш, энг зарур аломатлари ва

белгилари тўғрисида материаллар тўплаш ҳам ижодий фикрлашнинг маҳсулидир. Мазкур мураккаб босқичли иборат билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт-шароитларни талаб қилади, буларнинг бевосита таъсири орқали маълум бир қарорга келинади.

Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, ихтирочилик таклифлари ҳам ижодий фикрлашнинг маҳсули ҳисобланиб, амалий ва назарий аҳамиятли илмий фаразлар, ғоялар, улуғвор мақсадлар, юксак эзгу ниятлар унинг вазифасига киради.

Инсоннинг фикрлаш фаолияти ижтимоий хусусиятга эга. Фикрлашнинг ижтимоий - тарихий тараққиёти даврида даставвал овқатланиш учун озуқа излаш, кейинчалик эса меҳнат қуролини яшаш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш кезида шахслараро фикр алмашиш, тажриба билан ўртоқлашиш эҳтиёжи вужудга келган. Инсоннинг ўзаро мулоқотга киришиши, муомала қилиши, муносабат ўрнатиши натижасида фикр билдириш, сўзлашув уқуви юзага кела бошлаган. Нутқнинг шарофати билан фикрлаш маҳсуллариининг изчиллиги, мантиқийлиги, тизимлилиги пайдо бўлган, келажак авлод учун анъанавий мерос тариқасида қолдириш имконияти туғилган. Инсоният томонидан тўпланган тизимлаштирилган тажрибалар, билимлар, кўникма ва малакалар қолдирилмаганида эди, одамзоднинг фикр юритиши фан, техника, маданият соҳаларида бундай улкан ютуқларга эриша олмасди.

Шахсда мустақил фикр юритиш муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади, лекин мазкур вазият туғилиши, ечими бу билан тугалланмайди. Унда билишга нисбатан мойиллик, ихтиёрсиз хатти-ҳаракат муаммоли вазиятгача ёрқин бўлмайди, у ноаниқ ҳолда юзага келади, сўнгра бу маънода ечимга муҳтож муаммоли вазият яралади ва ниҳоят унинг ечими топилса, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом этаверади (муаммогача-муаммоли вазият-муаммодан кейинги вазият).

Талабанинг ўқув фаолияти фикр юритишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади: мустақил фикрлаш, муаммо, масала (топширик).

Талабанинг мустақил фикрлаши қуйидаги босқичларда таркиб топиши мумкин:

1. Мустақил фикр юритиш фаолиятида, энг аввало ҳал қилиниши зарур бўлган масала (топширик) талаба томонидан аниқлаб олинishi керак. Агарда унинг олдида ҳеч қандай масала ёки муаммо вужудга келтирмаган бўлса, у ҳолда бирон-бир нарсa тўғрисида фикр ҳам юритмайди. Демакки, талаба қаршисида ҳеч қандай муаммо пайдо бўлмаган, мабодо у ечиш шарт бўлган масала юзасидан қанчалик аниқ ва тўларoқ маълумотларга эга бўлса, унинг oқилона бажариши юзасидан йўл ва воситаларни шунчалик енгиллик билан топади. Бунинг учун талабалар қўйилган масала мазмунини аввало



маълум даражада тушуниб олишлари, унинг шартини текшириб чиқишлари, нима маълум ва нима номаълум эканлигини аниқлашлари мутлақо зарур. Фақат ана шундагина, улар сира шошиб қолмайдилар ва сира иккиланмасдан (топшириқ) шартини қидириб, зеҳн билан уни таҳлил қилиши, татбиқ этиш натижасида тўғри ечишга эришадилар.

2. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни (қоидалар, омиллар, қонуниятлар, хоссалар, хусусиятлар, муҳим белгилар, муносабатлар, боғланишлар ва бошқаларни) татбиқ қилиш учун интиладилар. Бунинг учун эса инсоннинг шахсий тажрибасида учраган ҳолатлардан, усуллардан унумли фойдаланган ҳолда янги шароитга, объектга кўчириш жараёни амалга оширилади.

3. Масала ёки муаммога тааллуқли фараз (тахмин) илгари сурилади, босқичлар таҳлил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар юритилади, турли вариантлар ҳамда вариациялар, инвариантлар ҳақида фикр билдирилади, улар ўзаро қиёсланиш натижасида энг самарали аломатларга, белгиларга ажратилади ва ҳоказо.

4. Муаммо олдида қўйилган гипотезани муайян мезонлар натижаси ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшашлик ҳолатлари маъновий, шаклий, тузилмавий жиҳатдан таққосланади. Бу ўринда ижодий ҳаёл материалларидан атрофлича фойдаланилади, яъни ижодий режалар тузиш, умумлашма образлар яратиш мақсад, натижаларини кўз ўнгига келтириш, тахминий муносабатларни идрок қилиш амалга оширилади. Унинг ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ақлий хатти-ҳаракатлар тизимини татбиқ этиб кўрилади ва айрим ўзгаришларни киритиш мўлжали ойдинлаштирилади. Гипотеза мантикий усуллар ёрдамида фикран анализ ва синтез қилинади, унинг муҳим аломатлари ажратилади, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги бўйича тезкор ҳукм ва хулосалар чиқарилади.

5. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар топилади. Янги амалий гипотеза фикран бир неча марта текширилади ва ундан сўнг амалиётга жорий қилиш учун синашга тавсия этилади. Таъкидлаб ўтилган мулоҳазаларнинг аксарияти конструктив техник масалаларни ҳал қилишда, кашфиётларни яратишда, ихтирочилик таклифларида, рационализаторликда, технологик қурилмаларни жорий этишда турли-туман моделлар, вариантлар, препаратлар, технологик карталар ва бошқалар фикран таҳлил қилинади, сўнгра улардан энг маъқули, омилкори, оқили, энг мақсадга мувофиқи танланади ва унинг устига бош қотиришда давом эттирилади.

6. Муаммо ёки масалани ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларнинг тўғрилигига ишонч ва қаноат ҳосил қилиш учун талаба уни текшириш билан мустақил фикр юритиш хатти-ҳаракатларини якунлайди. Ана шу

фикрий операциялар, мулоҳаза шаклларида сўнг масала (топширик) батамом ҳал қилинади деб топилади ва у тўғрида ўйлаш нисбий жиҳатдан тўхтатилади, холос.

Одамнинг мустақил фикр юритиши қуйидаги босқичлардан ташкил топган бўлиши мумкин:

1. Муаммонинг шахс идрок майдонида пайдо бўлиши.
  2. Киши томонидан масала, муаммо, топширик моҳиятини англаш
  3. Уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларнинг вужудга келиши
  4. Тасаввур ва хотира материалларининг камайиши, тахминлар (фаразлар)нинг узлуксиз туғилиши
  5. Тахминларни босқичма-босқич текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш
  6. Янги тахмин(фараз)нинг юзага келиши ва такомиллашуви
  7. Фаразларни иккиламчи текшириш(иккинчи марта тасдиқлаш)
  8. Масала, топширик, муаммо ечимини топиши (ҳал қилиши)
  9. Ихтиёрсиз ақлий хатти-ҳаракатларнинг давом этиши
- фикрларнинг нисбий давомийлиги ва ҳоказо.

Талабаларни мустақил фикр юритишга ўргатиш учун муаммонинг маъновий, шаклий, тузилмавий жабҳаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга диққат-эътиборни йўналтириш мақсадга мувофиқ:

- Саволлари аниқ қилиб берилмаган муаммолар, масалалар, топшириқларда улар ўртасидаги боғлиқликлар, алоқалар, муносабатлар талаба томонидан таҳлил қилингандан кейин ифодалаб бериладиган саволларнинг вариантларидан бири қавс ичида кўрсатилади;
- Берилганлари етишмайдиган муаммолар, масалалар, топшириқлар, уларни ечиш (бажариш, ҳал қилиш) учун етишмайдиган маълумотлар қавс ичида қолади;
- Ортиқча маълумотларга, тавсилотга эга бўлган муаммо, масала, топширик, ортиқча маълумотлар билан берилади;
- Бир неча йўл билан, усул билан, босқич билан ечиладиган, ҳал қилинадиган, бажариладиган муаммо, масала, топширик, бу ўринда турли масалалар (муаммолар, топшириқлар) берилади, бунда ечимнинг энг қулай, оддий, энг тежамли, омилкор йўли иложи борица яширинган ҳолда ҳавола этилади, муаммолар фикрлашнинг бир усулидан иккинчисига, бир оддийроқ ҳукмдан мураккаброғига, бир хулосадан унинг алоҳида кўринишларига, шаклларига ўтиш талаба ақлий қобилиятини шакллантиришга қаратилган бўлади;
- Мазмун ва моҳияти ўзгариб турадиган муаммолар, масалалар, топшириқлар, уларда ҳам битта мустаҳкамланган ақлий хатти-ҳаракатлардан бошқасига ўтишдан иборат ақлий қобилият таркиб топтиришга йўналтирилади, яъни уларни янги вазиятга, объектга кўчиш жараёнида фойдаланишга ўргатилади;

- Исботлашга, кашф қилишга, янгилик очишга мўлжалланган муаммолар, масалалар, топшириқлар, улар ёрдами билан мантиқий фикрлаш ички муносабатларни далиллаш, қонуниятларини англаш сингари ақлий қобилият такомиллаштиради;

- Мустақил фикрлашга, мантиқий мулоҳаза юритишга муаммолар, топшириқлар, масалалар, уларни ечиш (ҳал қилиш) учун ҳеч қандай махсус билимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум даражада ижодкорлик кўрсатиш, ҳаётга мурожаат этиш, мантиқий мулоҳаза юрита олиш имконияти тақозо қилинади, уларнинг баъзилари математик хусусиятли, бошқалари эса фақат мантиқий бошқотирма шаклида ҳавола этилади.

Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, долзарблиги, универсаллиги билан касбий тайёргарлик маҳорат сари талабаларни етаклайди, жамият ва табиат ҳодисаларини англаш учун пухта негиз ҳозирлайди.

Фикр юритишнинг мустақиллиги деганда, талабанинг шахсий ташаббуси билан унинг ўз олдига яққол мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва назарий, хусусиятли фараз (тахминан, гипотеза) қилиши, кутилаётган натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли, турли йўл, усул, восита топиб мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш жоиз.

Фикр юритишнинг мустақиллиги, ақлнинг серташаббуслигида, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда, талаба ўз олдига янги муаммони аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда ниҳоясига етказишга, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлиши назарда тутилади. Ақлнинг пишиқлиги, вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, эски йўллардан фориг бўлишда ва бошқа руҳий жараёнлар ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера олишда ақлнинг танқидийлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга муаммо моҳиятининг тўғри очилишига муайян мезонга асосланиб амалга оширилса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик дейилади. Мабодо, талабанинг тафаккури танқидийлиги субъектив (шахсий) хатоларга умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик деб аталади. Талаба фикрлашидаги танқидийлик оқилона, одилона, омилкорлик билан амалга оширилса, намоён бўлса, унда шахс учун муҳим ҳам ақлий, ҳам ахлоқий сифат (хислат) вужудга келади, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Талаба фикр юритишининг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқ тарзда кечади. Агар талаба томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсияномалар билдирилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай инсоннинг фикр юритиши сермаҳсул дейилади. Вақт оралиғида бажарилган ақлий фаолият кўламига ва сифатига оқилона баҳо бериш талаба фикр юритиши маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қилади. Талаба оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодисалар моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақиқатидан умумий ижтимоий қонуният яратишга ҳаракат қилади. Шубҳасиз талабанинг мустақил фикрлаши ҳали изланмагани, тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлиб, уларни тўла очиш фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадига хизмат қилади. Ҳар қандай ташкилот, янгилик тараққиёт – инсон ақл-заковатининг маҳсулидир, худди шу боис фан ва техника ривож кўп жиҳатдан мутахассиснинг мустақил фикрлашига боғлиқ. Талаба камолоти жисмоний, ахлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, бу борада унинг мустақил фикрлаши етакчи, устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирги давр талабалари жисмоний, ахлоқий жиҳатдан комиллик даражасига енгиллик билан эришса-да, лекин ақлий камолотга етишишга эса асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий акт, узлуксиз фаоллик, фидойилик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошиши мумкин. Комил инсон бўлиб камол топишни эзгу ният қилган бўлғуси мутахассис аждодларимиз томонидан яратилган маънавият ва кадриятлар эгаллаш учун ҳамда келажак ривожини таъминлаш учун талабаларда мустақил фикрлашни, ижодий изланишни, ақлий фаолият усуллари шакллантириш мақсадга мувофиқ.

#### **Семинар машғулотини учун мавзулар**

1. Тафаккур психологияси предмети
2. Тафаккур операциялари ҳақида тушунча
3. Тафаккур шакллари психологик асослари
4. Тафаккур сифатларининг психологик тавсифи
5. Тафаккур турлари ҳақида мулоҳазалар
6. Мустақил тафаккурнинг психологик моҳияти
7. Тафаккур назариялари
8. Тафаккур ва ақлий тараққиёт
9. Тафаккур ва мантиқ
10. Тафаккурнинг онтогенезда ривожланиши

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Тафаккур тўғрисида умумий тушунча.
2. Тафаккур операцияларининг психологик моҳияти.
3. Тафаккур назариялари талқини.

4. Тафаккур турлари юзасидан мулоҳазалар.
5. Тафаккурни ривожланиш хусусиятлари.

### **Адабиётлар**

1. Брунер Д.С. Психология познания. –М., 1977.
2. Брушлинский А.В. Психология мўшления и кибернетика.-М., 1970.
3. Вўготский Л.С. Собр. соч. Т.3.- М., 1983.
4. Давўдов В.В. Видў обобҳения в обучении.-М., 1972.
5. Гальперин П.Я. К психологии творческого мўшления ғғВопр. псих.-1982, -№5.-С.80.84.
6. Психология мўшления.-М.,1965.
7. Солсо Р. Когнитивная психология.-М.: 2002.
8. Тихомиров О.К. Психология мўшления. –М., 1984.
9. Хрестоматия по обҳей психологии.-М., МГУ, 1981.
- 10.ғозиев Э.ғ. Тафаккур психологияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1990.

## XVI. НУТҚ

### 1. Нутқ тўғрисида умумий тушунча

Инсоният тараққиёти тарихида тил туфайли акс эттиришнинг имкониятлари қайта қурилади, олам одам миясида янада аниқ, равшан инъикос эттириладиган бўлади. Тилнинг пайдо бўлиш муносабати билан ҳар бир алоҳида шахс жамиятининг ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида тўплаган тажрибаларидан фойдаланиш имконияти туғилади. Тил ёрдами билан ҳар бир инсон шахсан ўзи ҳеч қачон дуч келмаган, нотаниш ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, шароитлар юзасидан билим олишга эришади. Худди шу боисдан тил одамга кўпчилик ҳиссий ва интеллектуал таъсирлар ҳамда таассуротлар тўғрисида ўзига ўзи ҳисобот бериш имкониятини яратади. Инсон тил ёрдами билан бошқа одамларга ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакка рид нарсалар, воқелик юзасидан ахборот, хабар, маълумот бериши уларга ижтимоий тажриба моҳияти кўникма ҳамда малакаларни ўтказиши, узатиши мумкин.

Маълумки, ҳайвонлар, жониворлар ўзларининг индивидуал тажрибаларини ўз туркумидаги бошқа намояндаларга ўтказишга ёки беришга мутлақо қобил эмаслар. Улар айниқса ўз туркумларидаги авлоднинг илгариги тажрибаларини ўзлаштириш қобилиятига эга эмаслар, чунки мавжудодлар туғма ирсий белгиларга, инстинктларга ва шартсиз рефлексларга асосланадилар, холос.

Биосфера ва неосфера тўғрисидаги маълумотлар, қонуниятлар, ҳаракатлантирувчи кучларни билиш ва эгаллашда қисқа ижтимоий-тарихий давр оралиғида ғоят улкан ютуқларга эришувчи инсоннинг ҳайвонот олаmidан муҳим фарқи шундан иборатки, биринчидан, одамнинг шахсий индивидуал тажрибаси умуминсоний тажриба билан узвий уйғунликка эга, иккинчидан, тажриба маҳсулотлари муайян даражада сақланади, учинчидан, мазкур тажрибалар такомиллашиб, модификациялашиб боради, тўртинчидан, уларнинг моҳияти, тузилиши қўлёзмаларда ўз аксини топади.

Одамдаги шахсий индивидуал тажрибанинг умуминсоний тажриба билан боғлиқлиги кишиларда тилнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Тил оддий қилиб тушунтирилганда сўз ва белгилар системаси ҳамда мажмуасидан иборатдир. Инсон томонидан у ёки бу фаолиятнинг бажарилиши белгилар, аломатлар хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг маҳсулдорлиги, муваффақияти тил таркибларининг аҳамиятига бевосита алоқадордир. Масалан, ҳайдовчи учун кўча қоидалари, математик учун формулалар, оператор учун сигналлар (семиотика – *sema*-юнон. “белги”) белгилар, символлар, аломатлар вазифасини бажариб, фаолият учун регулятор сифатида хизмат қилади.

Шунинг учун белгилар ва уларнинг аҳамияти инсоннинг юксак психик функциялари (яъни идрок, хотира, тафаккур, хаёл)нинг воситасидир. Одатда белгилар турли-туман бўлишидан қатъи назар уларнинг энг муҳими – бу сўздир. Ҳар бир сўз маълумот, хабар, ахборот вазифасини бажаради ва муайян мазмунни ўзида акс эттиради (масалан: машғулоти, дафтар, ёмғир ва бошқалар).

Тилнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

а) тил яшашнинг воситаси, ижтимоий тажрибани авлоддан авлодга узатиш, бериш ва ўзлаштириш қуроли тарзида вужудга келади (авлодлар ота-оналар, ўқитувчилар ва мураббийлар);

б) тил восита ёки коммуникация усули, ҳатто одамларнинг хатти-ҳаракатларини бошқарувчи қурол сифатида намоён бўлади (масалан: “Лекция бўлмайди”, “Бугун байрам” – таъсир қилишдан, таъсир ўтказишдан иборатдир);

в) тилнинг муҳим функцияларидан яна биттаси – интеллектуал фаолиятнинг қуроли сифатида хизмат қилишдир (муаммоли вазият моҳиятини тушуниш, ечишни режалаштириш, ижро этиш, мақсад билан солиштириш).

Одам ҳайвонот олаmidан фарқли ўлароқ ўзи хоҳ амалий, хоҳ ақлий ҳаракат бўлишидан қатъи назар уни режалаштира олади. Фаолиятни бундай режалаштириш ечими учун восита қидиришнинг ва умумий фикрий масалаларини ҳал қилишнинг асосий қуроли тилдир. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, тилнинг энг асосий функцияси – бу коммуникациядир.

Нутқ фаолияти – одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга бериш (узатиш) ёки коммуникация ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир.

Нутқ ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш ақлий топшириқларни ечиш фаолиятидан иборатдир. Агарда тил алоқа воситаси (қуроли) бўлса, нутқ эса айнан ўша жараёнининг ўзидир.

Нутқ фаолиятининг физиологик механизмлари

1. Нутқни идрок қилиш оддий рефлектор фаолиятининг қонунлари асосида содир бўлиши мумкин, чунки уни юзага келтирувчи стимуллар биринчи сигналлар типигаги кўзғатувчилардан иборатдир (масалан: “Марш”, “Салом”).

2. Нутқни юзага келиши ва идрок қилинишидан инсон “сигналларнинг - сигнали” (И.П.Павлов) тарздаги сўзлардан фойдаланиши мумкин. Мазкур жараён бош мия қатта ярим шарларининг пўстида амалга ошади.

3. П.Брока (1861 й.) мия пўстининг маълум қисми (мия чап ярим шари пешона қисмининг пастки томонидаги бурмаларнинг орқа қисми) шикастланса, беморларда нутқ артикуляциясининг

бузилишини касб этган ва “сўз образларини ҳаракатлантирувчи марказ” деб атаган.

4. К.Вернике (1874 й.) бош мия ярим шарлари пешона қисмининг тепа томонида “сўзларнинг сенсор образлари” жойлашган деб далиллашга ҳаракат қилади.

5. П.К.Анохин – нутқ жараёнини таъминлашда жуда ҳам содда элементар “стимул-реакция” типдаги физиологик механизм ҳам, нутқ фаолиятининг юксак формалари учун нутқ воситаси билан фикр баён қилишни ичдан программалаштириш механизмлари учун характерли ва иерархик тузилишига эга бўлган махсус механизмлар ҳам қатнашадилар.

Нутқ механизмлари (Н.И.Жинкин)

1. Бирон фикрни нутқ воситаси ёрдами билан баён қилишдан олдин, махсус код орқали бу фикрнинг асосини тузамиз – у программалаштириш механизмидир.

2. Ундан кейин режалаштиришдан гапнинг грамматик тузилишига ўтиш билан бир гуруҳ механизмлар юзага келади.

3. Эсда олиб қилишни сўзларнинг грамматик хусусиятларини амалда қўллашни таъминловчи механизм.

4. Бир хил типдаги тузилишдан бошқа типдаги тузилишга ўтиш механизми.

5. Программа элементларини грамматик тузилишга ёйиш механизми.

6. Сўзни маъносига қараб қидиришни таъминловчи механизмлар.

7. Синтагмаларни ҳаракат жиҳатидан программалаштирувчи механизмлар.

8. Нутқ товушларини танлаш ва ҳаракат программасидан товушларни тўлдиришига ўтиш механизмлари.

9. Нутқни амалга оширишни таъминловчи механизм.

Тадқиқодчи А.Р.Лурия нутқнинг афазиясини текшириб, улар қуйидаги турлардан иборат эканлигини баён қилади:

1) динамик афазия – гаплар ёрдами билан сўзлаш қобилиятининг бузилиши;

2) эфферент мотор афазияси – гапнинг грамматик тузилиши, бузилиши;

3) афферент мотор афазияси – нутқ артикуляциясининг бузилиши;

4) семантик афазия – гаплар ўртасидаги боғлиқликнинг бузилиши;

5) сенсор афазия – сўзларни идрок қилишнинг бузилиши.

Нутқ ривожланиши даврлари.



1-давр 2 ойдан 11 ойгача.

2-давр 11 ойдан 19 ойгача.

3-давр 19 ойдан 3 ёшгача.

Нутқ ривожланиши қуйидаги хусусиятларга эга:

а) гугулаш.

б) ғудурланиш (сохта сўзлар).

в) парадигматик фонетика (1,3- 1,5 ёшгача) – буви, бува, ўтир, ўтирди, ўтиради.

г) нутқнинг вазиятбоплиги (Ж.Пиаже – ситуатив нутқ).

д) нутқ эгоцентризми (Ж.Пиаже – эгоцентрик нутқ).

## 2. Нутқнинг вужудга келиши назариялари

Психология, психофизиология, психоллингвистика фанларида тўпланган назарий ва амалий материаллар таҳлилига кўра, акустик нутқ сигналлари мураккаб мувофиқлашган ҳаракатларнинг натижасида намоён бўлувчи мажмуавий ҳолатларнинг бирлашуви нутқ аппарати деб аталади.

Одатда ўпка ва нафас олиш тана аъзоларининг мускул ҳаракатлари босимнинг ошишини ва ҳаво оқимларининг (ички ва ташқи) нутқ актида артикуляторлар қатнашишини узлуксиз равишда таъминлаб туради.

Нутқни вужудга келтирувчи умумий аппарат схемаси учта жиҳатни ўзида акс эттиради.

### I. Нутқнинг анатомик тасвири:

1. Кўкрак қафаси.
2. Ўпка.
3. Трахея.
4. Овоз пайчалари (алоқалари).
5. Томоқ трубкаси.
6. Ҳалқум бўшлиғи.
7. Танглай пардаси.
8. Оғиз бўшлиғи.
9. Бурун бўшлиғи.

### II. Нутқнинг функционал элементлари:

1. Нафас олиш томирлари, мускулларининг кучи.
2. Ўпка сиғими.
3. Трахея ҳаракати.
4. Овоз пайчалари тебраниши ёки ҳаракати.
5. Томоқ трубкасининг функцияси.
6. Ҳалқум бўшлиғининг органик вазифаси.

7. Танглай пардасининг ҳолати (торайиши, кенгайиши, шилимшиқлиги).

8. Оғиз бўшлиғи (унинг таркиблари, аъзолари: тиш, ҳаво ҳаракати, кучайтиргич, сусайтиргичлар ва ҳоказо).

9. Бурун бўшлиғи ва унинг таркибий аъзолари (катаклари, туклари, намлиги, қуруқлиги).

10. Оғиздан нури (ёруғликни) кириб келиши, яъни нурланиши.

11. Бурундан нурни кириб келиши.

12. Оғиз ва бурундан ҳаво оқимининг кириши.

13. Ички тана аъзоларидан ҳаво оқимининг чиқиб кетиши.

III. Нутқнинг эквивалент блок схемаси:

2,3 – ўпка ва трахея сиғими,

4 - овоз (товуш) тебранишининг манбаи,

5,6 – ҳиқилдоқ ва томоқ аъзоларининг сиғими,

7 – танглай пардаси механизми,

8 – оғиз бўшлиғи сиғими,

9 – бурун бўшлиғи сиғими,

10 – оғиз трактидан чиқиш сигнали,

11 – бурун трактидан чиқиш сигнали,

12 – шовқин манбаи.

А. Томоқ - ҳаво бўшлиғи – конфигурация – нутқнинг пайдо бўлиши кескин равишда ўзгаради. Гапнинг бўлаги, таркибий қисми лотинча “конфигурация” дейилади, фразеологик жихатдан ушбу атамада ўз ифодасини топади: “қўли гул”.

Б. Бунда етакчи роль ўйнайди:

а) танглай пардасининг ҳаракати,

б) тил,

в) лаб,

г) пастки жағ.

Акустик тебранишнинг кўзгатувчи механизмлари томоқ фаолияти, шовқин ва импульсив, яъни ихтиёрсиз кўзгатиш, товушларнинг пайдо бўлиши, ҳаво оқимининг (массасининг) тор оралиғидан ўтиши, нутқ актининг айрим ўринлари билан узвий алоқадордирлар. Акустика юнонча “acustika”, яъни эшитув, товуш назарияси демакдир. Частотали фильтрация акустика манбаи бўлиб ҳисобланади.

Нутқ товушларнинг тавсифи:

1. Ҳар қайси тилда нутқнинг пайдо бўлишида чекланган тана аъзолари ҳаракати иштирок этиши мумкин (артикуляр имо-ишоралар).

2. Артикуляр имо-ишора нутқ аппаратининг хусусияти ва ҳолатига мос тушади ва муайян нутқ товушининг пайдо бўлишига олиб келади.

3. Артикуляр имо-ишоралар тартиб билан бирин-кетин амалга оширилади.

IV. Нутқнинг хусусиятлари.

1. Матн – маъно – фикр билдириш.

2. Маълумот (хабар, ахборот) баёни.

3. Оғзаки нутқда ахборотнинг муайян даражада йўқолиши.

V. Нутқнинг фонетик элементи.

VI. Нутқни идрок қилиш назарияси:

1. Шкалалаштириш.

2. Унитиш.

3. Ҳалақит берувчи вазият ва шароитда идрок қилиш:

а) акустик, б) визуал, в) тактил...

VII. Динамик спектограмма:

а) ундош,

б) унли.

VIII. Нутқ фаолияти:

1. Англаш

2. Англаш (тушуниш)

3. қайд қилиш (фиксация):

а) назарий ва амалий ахборотлар,

б) такрорий фикрлар,

в) диққатни йўналтириш (сохта диққат),

г) инсон шахсиятини (шахс, мотив, мотивация, эмоция, ҳиссиёт, ирода: эмоционал-мотивацион, шахсий, иродавий, когнитив, регулятив ва бошқалар).

### 3. Нутқ турларининг психологик тавсифи

Психология фанида нутққа ва нутқ фаолиятига бағишланган бир талай илмий тадқиқот натижалари мавжуд бўлса-да, лекин бу борада умумийлик, таърифлар бирлиги, унинг эволюцион ва ижтимоий-тарихий тараққиётига оид қарашларда моҳият ҳамда шакл жиҳатдан ўхшашлик йўқ. Нутқнинг нейропсихологик асослари, механизмлари, артикуляцион ва фонетик аппаратлари, психолингвистик тузилиши (фонема, флексия) тўғрисида илмий-

амалий хусусиятли умумлашмалар ҳамда умумлашмалар умумлашмаси ишлаб чиқилмаган. Худди шу боисдан нутқнинг генезиси, унинг филогенетик ва онтогенетик хусусиятлари, пайдо бўлиши, ўсиши, ўзига хос тавсифланиши, босқичлари, фазалари, патологияси бўйича хилма-хил ёндашувлар мавжуддир.

Психологлар томонидан нутқ психологик муаммо сифатида ўрганилиши ҳам ўзига хослик, унинг қирралари, шаклий тузилиши, мантиқан изчиллиги, таснифланиши, мавжуд бўлиб, илмий талқинининг туб моҳияти, баёнийлиги билан ўзаро тафовутланади. Ёндашувлар таҳлилига тўхталишдан олдин, нутқнинг психологик тавсифлари юзасидан мулоҳаза юритиш, унинг татбиқий жиҳати қийматини оширишга хизмат қилади.

Бизнингча, нутқнинг муайян асосларга суянган ҳолда ноанъанавий таснифини бериш унинг қийматини янада оширади, инсон – техника муносабатини амалий жиҳатдан намоёиш қилган бўлади (одатда оғзаки ва ёзма туркумга ажратилар эди): вербал ва новербал.

Генетик келиб чиқиш жиҳатидан новербал нутқ бирламчи ҳисобланади, чунки инсоннинг ижтимоий-тарихий тараққиёти даврида даставвал товушсиз, сўзсиз нутқ турларини пайдо бўлган бўлиб, у ўз ичига шахс камолотининг йирик санасини қамраб олгандир. Инсониятда нутқнинг ҳозирги замон авлодига хос артикуляцион аппарати пайдобўлгунга қадар, имо-ишора негизига қурилган. Маълумки, қадимги аجدодларимизнинг нутқи ва нутқ фаолияти ҳозирги замон кишиларида қандай функцияни бажараётган бўлса, ўша даврда ҳам худди шундай вазифани ижро этган. У даврларда ахборотлар, маълумотлар кўлами торбўлганлиги туфайли инсонлар новербал нутқдан кўп даврлар муваффақиятли фойдаланиб келганлар. Авлодлар тарбияси маълумотлар узатиш новербал нутқ орқали амалга оширилган, ижтимоий ва хусусий (шахсий) фикр узатиш ҳамда қабул қилиш ана шу тариқа намоён бўлган, тобора такомиллашиб борган.

НOVERбал нутқ турини шартли равишда қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

1. Имо-ишора,
2. Мимика,
3. Пантомимика,
4. Эхологик, яъни акс садо,
5. Сигнификация,
6. Дактилогик (бармоқ нутки).

Инсон ер юзасидан ҳаёт ва фаолият кўрсатиш даврининг дастлабки палласида асосий нутқ тури сифатида имо-ишора алоҳида аҳамият касб этган. Шунинг учун этник стереотиплар асосида муайян кечинмаларни, маълум ахборотларни шахслараро муносабат жараёнида узатиш ва қабул қилишда ифодаланувчи товушсиз, лекин маъноли, мазмунли нутқ тури имо-ишорали нутқ дейилади. Масалан, ўзбекларда фикрни тасдиқлаш олд томонга бош силташ билан ифодаланса, худди шу маънони булғорларда бошни сарак-сарак қилиш англатиб келади. Бир халқда санаш бошмолдоқдан бошланса, бошқасида жимжилоқдан, бирисида бармоқлар букилса, иккинчисида ундай қилинмайди. Аксарият ҳолларда имо-ишора ҳис-туйғусиз намоён бўлади ва шахслараро муносабатнинг туб маънодаги ҳам қуроли, ҳам воситаси функциясини бажариб келган. Лекин уни ҳис-туйғусиз деб номлаш ҳам илмий-амалий қийматини пасайишига олиб келади, бу ҳолат унинг ижтимоий функцияни ўзида акс эттиради, шахслараро муносабат мағзини ташкил этиб келган, баъзида ҳозирги замонда ҳам ундан кенг кўламда фойдаланилади.

Юз ҳаракатлари (физиономия) ёрдамида инсонни инсон томонидан идрок қилиш, ўзгалар фикрига жавоб қайтариш, тана аъзолари рангининг ўзгариши ҳисобига шахслараро муносабатга киришишда намоён бўлувчи новербал нутқтурига мимика дейилади. Табассум, жилмайиш, мийиғида кулиш, лаб қисиш ва чўчайтириш, тил чиқариш, қош учириш ва сузиш, хуллас турли психологик ҳолатларни, айниқса ҳиссий кечинмаларни акс эттирувчи коммуникатив, интерактив, перцептив хусусиятли нутқ тури мимика бўлиб ҳисобланади. Мимика ёрдами билан ҳақгўйлик, қувлик, ёқтириш ва ёқтирмаслик, самимийлик ва иккиюзламачилик, ҳасад, қувонч, қайғу, бахтиёрлик сингари юксак туйғулар намоён этилади. Хуш ёки нохуш кечинмалар акс этилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда муомала жараёни ёки қисқа муддатли, узоқ муддатли вақт мезонини намоён қилади, аянч, бахт ҳисларини ифодалаб келади. У моно вазиятни, диада, триада, полиада кўринишидаги шахслараро муносабат шакллари яққол акс эттиради, фикрни узатиш, қабул қилиш, таъсирланиш, руҳланиш каби функцияни

бажаради. Ҳаётий тажрибанинг кўпайиши билан ички кечинмаларни (интериоризациялаш) ташқи воқеа ҳодисаларга алмаштириш(экстериоризациялаш) билан якунланади, кўпинча индивидуал ва ижтимоий тарбия вазифасини бажаради.

Юз ҳаракатлари, тана аъзолари, қадди-қомат ёрдами билан фикрларни узатиш, сюжетли қоидали, маъноли, драматик кечинмали новербал нутқ турига пантомимика деб аталади. Ўз моҳияти кўлами билан мимикадан устувор хусусиятга эга бўлиб, ахборотлар, интим ҳолатлар, мураккаб кечинмалар юзасидан ўзгаларга маълумот узатиш тарзида ҳукм суради. Инсонда турмуш тажрибаси ортиб бориши, касбий фаолият мазмунини ролларга ва сюжетга асосланган ҳолда сценарийсини яратиш, вазиятга қараб қисқа ва узоқ муддатли информатив функция бажаради. Пантомимика юмор ҳиссини, кўрқинч туйғусини, заҳмат образини, даҳшат кечинмасини ўзида акс эттириб, кўпинча коммуникатив функцияни ижро қилади, ҳиссий алоқа ўрнатиш орқали таассуротлар мукамаллиги таъминланади.

Ташқи таъсирланиш ва унинг тескари алоқаси кулгида, кўз ёшларида (хоҳ қувончли, хоҳ қайғули бўлишидан қатъи назар) ифодаланиб, ассоциацияларни жонлантиради ва кўламини кенгайтиради. Пантомимика сахна ҳаракатига нисбатан қобил, истеъдодли, иқтидорли, салоҳият намунасини намоёйиш этиб, махсус қобилиятли шахслар томонидан мақсадга мувофиқ равишда ижроқилинади, лекин истисно тариқасида ўқитувчилик фаолиятида ҳам унумли фойдаланилади. Яққол руҳий ҳодисалар, ҳолатлар, хусусиятлар, шахснинг фазилатлари, пантомимика ижроси давомида фаолият субъекти томонидан бажарилади.

Айрим ҳис-ҳаяжонли шартли товушларда мужассамлашган ахборот узатиш ва қабул қилиш мақсадини амалга оширувчи, табиий тўсиқларга урилиб қайтувчи алоқа воситасига эҳологик ёки садо нутқи дейилади. Эҳологик ёки акс садо нутқ тури бир томонлама алоқа (тоғ-инсон, инсон-жисм) негизида вужудга келади, кўпинча индивидуал товуш ҳаракати жавоб, масофа функциясини ижро этади. Лекин акс садоорқали тоғларда, қалин ўрмонларда икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида алоқа қуроли сифатида муайян аҳамият қозонади. Фазовий тасаввур қонунияти асосида шахслараро муносабат ўрнатилади, маълум шартли белгилари ўзаро билвосита мулоқот воситаси ролини ижро қилади. Экстремал фавқулоддаги ҳодисалар юз бериши жараёнида шартли товушлардан тузилган алоқа усулидан фойдаланилади. Товушларнинг қайтиши фазовий чамалаш, муайян мўлжал олиш учун хизмат қилади, кўрқинч,

ҳаяжон, умид, ишонч туйғуларининг алоқага киритувчи шахслар руҳий дунёсида мужассамлашишини таъминлайди.

Новербал туркумга кирувчи сигнификация бошқалардан ўз тузилиши, мазмуни, шакли билан кескин ажралиб туради. Аник шартли аломатлар орқали муайян мантиқий юкламани ўзида акс эттирувчи коммуникатив хусусиятли новербал нутқ тури сигнификация дейилади. У шартли белгилар, сигналлар, моделлар шаклида ифодаланиши мумкин. Узоқ масофаларга хабар ёки маълумот узатиш ва қабул қилиш воситаси сифатида Морзе алифбоси ва шунга ўхшаш “сунъий тил” номи билан машҳур коммуникатив манбалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир “сигнал” ўз кўлами, такрорланиш суръати, тембри, частотаси билан муайян маълумот узатиш ёки қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, шартли аломатлар негизида мазмун ёки моҳият ётади (“доза”, “порция” деб номланади). Морзе алифбоси ва шунга ўхшаш ҳозирги замон алоқа қурилмалари кўл ёрдами билан (асбобни босиш орқали) хабар узатишга ёки қабул қилишга мўлжалланган. Ҳозирги замон рациялари ҳам худди шунга ўхшаш коммуникация қуроли вазифасини бажаради.

Новербал нутқнинг яна бир тури дактиологик (бармоқ) нутқ деб аталади. Инсон тана аъзолари, имо-ишоралар, мимика, хуллас ҳиссиёт ёрдами билан муомала ўрнатишга қаратилган алоқа воситаси дактиологик нутқ дейилади. Сўз орқали ифодаланувчи нутқ мазмуни маъноли кўл, юз ҳаракатларига, айрим ҳаяжонли садога, қаҳр-ғазаб, илиқ табассум, қаҳқаҳага кўчирилади. Ҳаракатнинг такрорланиши ахборот мазмунини бойитади, кучайтиради, маълумотлар узлуксизлигини таъминлаб туради. Умумбашарий хусусиятли нутқ воситаси дактиология фани номи билан юритилади ва махсус ўқитиш, ўргатиш орқали ундан фойдаланиш кўникмаси ҳамда малакаси соқов ёки кар-соқов одамларда шакллантирилади. Ҳатто уларда савод чиқариш ҳам худди шу тамойил негизида қурилади. Табиат ва жамиятга нисбатан муносабат, шахслараро муомала, маълумот алмашиш шу нутқ ёрдами билан ифодаланади.

Новербал нутқни шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) товушсиз: а) имо-ишора, б) мимика, в) пантомимика, г) дактиологик; 2) товушли: а) эхологик (акс садо), б) сигнификация(шартли белгилар, сигналлар, моделлар).

Вербал нутқ туркумини шартли равишда қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) оғзаки, 2) ёзма, 3) монологик, 4) полиологик, 5)

ташқи, 6) ички, 7) экспрессив, 8) импрессив, 9) лаконик (қатра, йиғиқ), 10) эпик (ёйиқ), 11) аффектив (жаҳл ҳолатидаги).

Инсоннинг ижтимоий- тарихий тараққиёти даври таҳлил қилинганда генетик келиб чиқиш жиҳатидан бирламчи қаторида оғзаки нутқни келтириш жоиз. Оғзаки нутқ новербал туркумдан кейин пайдо бўлган нутқ туридан бири ҳисобланади ва у шартли равишда қуйидаги нутқ кўринишларини қамраб олади: монологик, диалогик, полиологик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, лаконик (йиғиқ, қатра), аффектив (ҳис-ҳаяжон, жаҳл).

Пауза, мантиқий урғу, темп, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташкилий қисмлар ҳамда механизмларни ўзида мужассамлаштирган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи нутқ тури оғзаки нутқ деб аталади.

НOVERбал нутқ ўзининг асосий функциясини бажариб бўлганидан сўнг (унинг маълум таркиблари фаолият кўрсатишда давом этиб келмоқда) ахборот узатиш, тажрибаларни эгаллаш, инсонни камол топтириш ва шунга ўхшаган вазифалар табиий равишда оғзаки нутқ зиммасига юкланган. Жарангли, жарангсиз фаол, суст, ҳис-ҳаяжонли, монотон, юксак суръатли, шивирлаш кўринишидаги оғзаки нутқ хусусиятлари ва қонуниятларини ўзида мукаммаллаштирган ҳолда алоқа қуроли, воситаси тариқасида муомала таркибларини акс эттиради. Коммуникатив хусусиятли ахборотлар оддий хабар, сўров, ундов маъносини англатувчи маълумотлар оғзаки нутқнинг мураккаб ҳамда ранг-баранг тузилишига эга эканлигидан далолат беради. Оғзаки нутқ шахслараро муносабатнинг пухта негизини ташкил этиб, мақсадга йўналтирилган ёки тасодиқий вазиятлар моҳиятидан келиб чиқиб узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида ўз устуворлигини сақлаб келмоқда. Тилнинг такомиллашуви бевосита оғзаки (жонли тилда) нутқда намоён бўлади, истеъмолда эскирган сўзлар эски (архе) тушунчалар, атамаларга айланиб боради. Худди шу боис миллатга хослик мавжуд бўлса-да, лекин шахсларни ўзаро катта тарихий давр ажратиб турса, у ҳолда бир-бирларини тўлиқ тушуниш қийинлашади. Худди шундай ҳолатни географик муҳит, ҳудудий фарқ, лаҳжаларга оидлик, шевалар, этник алоҳидаликни келтириб чиқаради, аммо ахборотларни идрок қилиш ва тушунишдаги бундай қийинчиликларни адабий тил бирлиги бартараф қилади (Хоразм, Наманган шеваси ва ҳоказо).

Оғзаки нутқ ўзининг жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, узатилишдаги



ихчамлиги, толиқишнинг олдини олиш имконияти мавжудлиги унинг кенг қиррали эканлигини билдиради.

Оғзаки нутқнинг дастлабки туридан бири – бу монологик нутқдир. Якка шахснинг ички кечинмаларини тил механизмларига асосланган ҳолда акс эттирувчи, унинг ўзига қаратилган (эгоцентрик), таъсирланишини ифодалашга ва ахборот узатишга мўлжалланган нутқ тури монологик нутқ деб аталади. Унда шахсий ҳис-туйғуларнинг ички ва ташқи шакллари уйғунлашади, шунингдек, ўзгалар фикрини ифодали ўқишда ҳам ўз аксини топади. Одатда монологик нутқда фикрлар қисқартирилмайди, мабодо бу қоида бузилса, ахборот маъносини тушуниш қийинлашади. Ҳис-ҳаяжоннинг ташқи ва ички кечинмалари ҳамда уларнинг механизмлари аниқ, раво, изчил акс эттирилади.

Дидада шаклидаги муносабатлар негизида қурилувчи, икки шахс ўртасида намоён бўлувчи, ахборот узатишга ва қабул қилишга мўлжалланган нутқ тури диалогик нутқ деб аталади. Унинг монологик туридан фарқли томони фикр моҳияти нутқ фаолияти қатнашчиларида англангандан кейин у ёки бу шаклда қисқартириш имкониятига эга. Унинг интерактив томони кўпинча устуворлик қилади, ахборотлар қабул қилиш ва узатиш ўзаро тушунча асосига қурилади, акс ҳолда муомала мароми бузилади, ўзаро фикр алмашув муддатдан олдин якунланади.

Бир нечта кишилар билан амалга ошириш мўлжалланган, триада ва полиада негизига қурилувчи, ахборот узатиш ва қабул қилишга йўналтирилган, баҳс таркиблари иштирок этувчи оғзаки нутқ турига полилогик нутқ дейилади. Муомалада муаммо моҳияти ҳар қайси қатнашчи томонидан англашилгандан сўнг унинг таркиблари қисқариши мумкин, бу эса ўзаро тушунувни осонлаштиради. Мазкур нутқ турида ҳам диалогик нутққа хос бўлган механизмлар, таъсир ўтказувчи воситалар иштирок этиб, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади, шахслараро муносабат кўламини кенгайтиради.

Артикуляцион аппарат орқали вужудга келувчи, вербал ҳолатларда акс этувчи, ўзгаларга йўналтирилган, ҳар хил хусусиятли вазиятларда намоён бўлувчи нутқ турига ташқи нутқ дейилади. Тилнинг барча қоидалари ва қонуниятлари унда мужассамлашган бўлиб, узати ва қабул қилиш, идрок этиш ва тушунишдан иборат муомала қуроли, воситаси вазифасини ижро этади. Нутқ темпи, тембри, ритмикаси ва частотаси мавжудлиги учун ахборотларни тинглаш ва идрок қилиш енгилроқ кечади.

Муайян ахборотларни тартибга келтириш, ғояларни яратиш, фикрий дастурни ишлаб чиқишга мўлжалланган, лекин латент давридаги маълумотлар мажмуасидан тузилувчи нутқ тури ички нутқ дейилади. Ички нутқнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу кўлам жиҳатдан ташқи нутқдан кенгроқ эканлигидир. Иккинчи бир хусусияти эса тафаккурнинг механизми функциясини бажаришдир.

Ахборотлар ички моҳиятини ташқи ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатларнинг яққол ифодаланишини акс эттирувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ турига экспрессив нутқ дейилади. Ўзининг тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

Ички кечинмалар шахсий фикрлаш билан уйғунлашиши туфайли фикрий боғланишни вужудга келтирувчи ҳолатлар, ҳодисалар моҳиятини ички ва ташқи омилларга асосланиб акс эттирувчи нутқ турига импрессив нутқ дейилади. Мулоҳазалар моҳияти шахс кечинмалари билан муносабатга киришиши натижасида ўзига хос воқеликни намоёни қилади.

Миллат ва элатларнинг тил бойлиги афоризмлар, мақоллар, донишмандликлар, маталлар сифатида шаклланган, юксак мантикий юкламага эга бўлган йиғиқ нутқ тури лаконик, яъни йиғиқ, қатра нутқ дейилади. Етти ўлчаб – бир кес, сабрнинг таги – олтин. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ижоди маҳсулларидаги фикрлар шулар жумласига киради:

Хўтик бирла кучукка ҳарганч қилма тарбия,

Ит бўлур, эшак бўлур, асло бўлмас одами.

катра нутқ баъзи ўринларда жуда катта маъно англатади, хулқ, фаолият ва муомала учун манба ролини бажаради: Салют!, Марш! ва бошқалар.

Турли омиллар таъсирида бирданига вужудга келувчи, жаҳлнинг маҳсули ҳисобланмиш, қисқа муддатли нутқ турига аффектив нутқ дейилади. Бирданига суҳбатдош, рақибтомонга узатиловчи, ўта таъсирчан, хавфли, руҳий нишон вазифасини бажарувчи қисқа муддатли нутқ аффектив деб номланиб, зарбаси жиҳатидан альтернативи йўқлиги билан бошқа нутқ турларидан кескин ажралиб туради. Жаҳл, қасос, алам, тажовуз кечинмаларини ўзида акс эттириб, ўта танглик, зўриқиш (стресс) маҳсули бўлиб

ҳисобланади (жаҳл келганда – ақл кетади: ҳиссиёт билан эмас, балки ақл билан иш тут).

Инсоният тарихининг цивилизациялик босқичига ўсиб ўтиши давридаги эътиборга ёзма нутқ пайдо бўла бошлаган ва ҳозиргача у ўз ривожланишида давом этмоқда. Тилнинг барча қоидаларига (график, морфологик, синтаксистик, лексик, орфоэпик, лингвистик, фонеметик, флексив ва ҳоказо), қонуниятларига, механизмларига (жонли ифодаларни мужассамлаштирган ҳолда) асосланган тарзда, муайян шартли аломатлар (графиклар) ёрдамида шакл, тузилиши, маъно, мазмун ва моҳиятни узлуксиз, тадрижий равишда ахборотларга айлантириб берувчи нутқтури ёзма нутқ дейилади.

Ҳар бир тилнинг тўла моҳияти ёзма нутқ орқали ифодаланади, узоқ ва яқин масофалар учун ахборот (коммуникация) воситаси (қуроли) вазифасини бажаради. Миллат маданияти, маънавияти, фан ва техникаси, санъати ва адабиёти ёзма нутқ орқали узатилиб, миллатлараро алоқа канали функциясини адо этади.

Ёзма нутқ ўз навбатида қуйидаги таркиблардан ташкил топади: а) монологик (драма), б) диалогик (бадий асар жанрларида), в) ички, г) лаконик (йиғиқ, қатра), д) эпик (ёйиқ, йирик роман, қисса ва бошқалар).

Ёзма нутқнинг монологик ва диалогик турлари бадий асарларда ўз ифодасини топган бўлиб, оғзаки нутқдан фарқли ўлароқ тил бойликларига бевосита асосланади. Янгиликлар яратиш, ижод қилиш сўзлар орқали моҳият касб этади, у ёки бу шаклдаги тартибга келтирилади. Лаконик (йиғиқ, қатра) нутқ ҳам оғзаки нутқдагидай маъно касб этади. Эпик (ёйиқ) нутқ йирик асарлар, монографиялар моҳиятини тўлақонли акс эттириш билан бошқа нутқ турларидан фарқланади. Тил механизмларидан ташқари бадий воситалар орқали инсон руҳияти тавсифланади.

Бизнингча, ҳис-ҳаяжонлар орқали ифодаланувчи, муайян ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи нутқ турларини қуйидаги типларга шартли равишда ажратиш мумкин: экспрессив, импрессив, аффектив, дактиологик ва бошқалар.

Уларнинг психологик мазмуни, моҳияти, хусусиятлари тўғрисида юқорида мулоҳазалар билдирилганлиги учун қайтатдан таҳлил қилиш, тавсифлашга ҳеч қандай ҳожат йўқдир. Лекин мазкур нутқ турлари бошқа туркумлардан ҳам жой олиши мумкин. бироқ

илмий жиҳатдан ҳеч қандай қарама-қаршиликлар вужудга келмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиришда хизмат қилади, холос.

Нутқ ва нутқ фаолияти юзасидан билдирилган мулоҳазалар, илгари сурилган айрим ғоялар мутлақликка даво эмас, албатта, чунки уларнинг кўпгина жиҳатлари, қирралари, механизмлари, қонуниятлари, тавсифлари чуқурроқ изланишни талаб қилади, айрим ўринларда уларнинг ҳар бирини экспериментал тадқиқ этишни тақозо қилади, янги методикалар, тестлар, тренинглар ишлаб чиқишни изланиш предметиға олиб киради, амалий ва назарий муаммолар ечимини тезроқ ҳал қилишға сафарбар этади, нутқнинг муомала жараёнидан келиб чиқиб ёндашаш эвазига қийматли материаллар тўплаш мумкин ҳамда унинг негизида ҳар қайси психолог мутахассисни нотиклик санъатиға ўргатиш кадрлар тайёрла сифатини оширишға муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Нутқ тўғрисида умумий тушунча
2. Нутқ механизмларининг психологик моҳияти
3. Нутқ генезиси назариялари
4. Нутқ турларининг психологик тавсифи
5. Нутқни ривожланиш фазалари ва ўзига хос хусусиятлари
6. Нутқ ва муомала

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Нутқ психологик категория сифатида.
2. Нутқнинг физиологик асослари.
3. Нутқ турларининг психологик тавсифи.
4. Нутқнинг ривожланиши ҳақида мулоҳазалар.

#### **Адабиётлар**

1. Вўготский Л.С. Собрн. соч.-Т.3-М., 1983.
2. Вўготский Л.С. Собрн. соч.-Т.2-М., 1982.
3. Жинкин Н.Н. Психологические основў развития речи.-М., 1966.
4. Леонтьев А.Н. Избраннўе психологические произведения. –Т.1.- М., 1983.
5. Лурия А.Р. Язўк и сознание.-М., 1979.
6. Основў теории речевой деятельности.-М., 1974.
7. Рубинштейн С.Л. Основў обҳей психологии. -М., 1989.- С. 10-60.
8. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **XVII. БОБ**

### **ХАЁЛ**

#### **1. Хаёл тўғрисида умумий тушунча**

Психологияда хаёл тафаккур сингари билиш жараёнларидан бири ҳисобланиб, у инсонининг ички ва ташқи хусусиятли ва изланишли фаолиятида, муайян даражага эга бўлган муаммоли вазиятнинг вужудга келиши ва унинг ҳал қилинишида иштирок этади. Агарда хаёлни генетик жиҳатидан келиб чиқиши таҳлил қилинадиган бўлса, у албатта инсоннинг меҳнати маҳсулини образлар, тимсоллар ёрдами билан акс эттирмасдан туриб, бевосита фаолиятга киришиш мумкин эмас, чунки фикри мулоҳазаларни тасаввур қилиш туфайли яққол тафаккурнинг предметига узатилади. Худди шу боисдан хаёл ёрдами билан инсон томонидан кутилаётган натижа, яъни кутилмаган тасаввур образлари яратилади, гўёки бу жараёнда ижодий фаолиятнинг модели ишлаб чиқилади, фантастик тимсоллар тизими янгиликларнинг мутлақ таркиблари билан бойиб боради, ички фаоллик эса унинг механизмига айланади. Одамнинг ҳар қандай изланишли, меҳнат ва ижодий фаолиятлари хаёлий жараёнларни ўз ичига қамраб олади, кашфиётнинг дастлабки образлари, таркиблари аниқ воқеликдан узоқ бўлишидан қатъи назар тараққиёт (ривожланиш), турткиси вазифасини бажаради. Одатда хаёл инсон фаолиятининг зарурий таркиби, муҳим шарт сифатида унинг турлари атамаси номлари билан ифодаланади, чунончи бадий, адабий, илмий изланишли, мусиқавий, лойиҳавий, конструкторлик, эвристик (фикрий топқирлик), ижодий фаолият кабилар. Шахс томонидан бажарилиши, амалга оширилиши лозим бўлган ҳар қандай фаолиятнинг маҳсули олдиндан тасаввур қилиниши, яхлит тимсол шаклда кўз ўнгига келтирилиши шарт.

Жаҳон психологиясида хаёл инсоннинг ижодий фаолиятнинг таркибий қисми сифатида талқин қилинади, у тизимий хусусиятли хатти-ҳаракатнинг оралиқ ва якуний маҳсуллари орқали акс этади, муаммоли вазиятда ноаниқлик, номаълумлик аломатлари вужудга келса, у ҳолда фаолият режасини қайта кўриб чиқишни таъминлайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳеч қачон хаёл ижодий фаолият дастурининг яратувчиси сифатида намоён бўлмайди, балки унинг айрим ўринларини тўлдиришнинг ва алмаштиришнинг тимсолларини яратади, холос.

Хаёлнинг билиш жараёни сифатидаги асосий вазифаси шундан иборатки, у амалий фаолият бошланмасдан туриб, унинг

махсулини олдиндан тасаввур қилиш ва уларнинг тимсоллар тариқасида вужудга келтиришдан иборатдир. Инсон шахсий фаолиятида айрим қийинчиликлар вужудга келса, уларни бартараф қилиш учун одам ўйланади, фикрий образларни яратади, уларга янги қўшимчалар киритади, хуллас маҳсулотнинг сифатли чиқишини, унинг буюм тариқасида намоён бўлишини хаёл узлуксиз равишда таъминлаб туради. Айтайлик, инсон стул ясамоқчи бўлса, у энг аввал унга оид қисмларни тайёрлайди, шахс хаёлан унинг сифатига эътибор беради, кейин уларни яхлитлайди, ўзаро бирлаштиради ҳамда буюм шаклида гавдалантиради. Бинобарин, хаёл ишнинг ҳар бир босқичида бевосита иштирок қилади, йўл-йўлакай кўрсатмалар, қўшимчалар киритиб боради.

Хаёл билиш жараёнлари билан узвий алоқада ҳукм суради, уларни акс эттириш имкониятининг тўлароқ рўёбга чиқишига ёрдам беради. Айниқса, у тафаккур билан бевосита алоқада бўлади, худди шу боисдан уларнинг ҳар иккаласи ҳам башорат қилиш, олдиндан пайқаш, сезиш, истиқбол режасини тузиш имкониятига эга. Шунинг учун улар ўртасида бир қатор ўхшашликлар ва айрим фарқлар мавжуддир. Бу ҳолат қуйидагиларда ўз ифодасини топади: 1) хаёл тафаккур сингари муаммоли вазиятда, масала ва топшириқлар ечиш жараёнида туғилади; 2) янги ечим, усул, восита қидиришда ва уларни саралашда умумийлик мавжуд; 3) хаёлниң ҳам, тафаккурнинг ҳам пайдо бўлиши шахснинг эҳтиёжларига бевосита боғлиқ; 4) эҳтиёжларни кондиришнинг дастлаб хаёлий образлари яратилади, унинг натижасида вазиятни ёрқин тасаввур қилиш имкони туғилади; 5) хаёлда олдиндан акс эттириш жонли тасаввурлар тарзида, яққол тимсоллар шаклида вужудга келса, тафаккурда улар умумлашмалар, тушунчалар билвоситалик хусусияти орқали рўёбга чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаммоли вазиятда ақл фаолияти натижалари онг назоратидаги образлар, тасаввурлар ҳамда тушунчалар тизимида ифодаланади. Образлар ва тасвирлар танлаш (саралаш) хаёлниң функцияси орқали тушунчалар ва уларнинг янгилик аломатлари эса тафаккур ёрдамида рўёбга чиқади. Тасаввурлар билан тушунчаларнинг ўзаро уйғунлашуви иккита ижодий хусусиятли билиш жараёнларининг ҳамкорликдаги ижодий фаолиятида бир даврнинг ўзида қатнашишни бирдиради. Фаолиятнинг таркибий қисмлари уларнинг қандай амалга оширилиши тўғрисидаги яққол образларни узвий боғланиб кетган фикрий мулоҳазаларнинг қўшилиши туфайли ҳаракатчанлик имкониятига эга бўлади.

Хаёл жараёни тафаккурдан фарқли ўлароқ муаммоли вазиятнинг маълумотлари қанчалик ноаниқ бўлса, шунчалик таъсавур образлари яралиши учун қулай имконият туғилади, унинг механизмлари тезкорликда ишга тушади. Масалан, ёзувчининг хаёли асар қаҳрамонларининг тақдири билан узвий боғлиқ бўлиб, конструктор, муҳандис, меъмор каби мутахассисларга қараганда ниҳоят даражада катта ноаниқликларга эга, воқеликдан тубдан узоқ фантазия оламида образлар, чизғилар, бадий тўқималар яратади. Маълумки, аниқ дунёвий фанларнинг қонуниятларига қараганда инсоннинг психикаси, унинг хатти-ҳаракатлари қонуниятлари мураккаб ва етарли даражада маълумотларга эга эмас. Худди шу боисдан бош мия катта ярим шарлари функциясининг қарийб учдан бир қисмини илмий далиллар асосида тушунтириб бера олишимиз мумкин, холос.

Муаммоли вазият ўзининг хусусиятига кўра бир даврнинг ўзида ҳам хаёлнинг, ҳам тафаккурнинг иштирок этишини тақозо қилади. Агарда муаммонинг ечими, масаланинг шarti аниқ бўлса, бу ҳолда тафаккурнинг иштироки устуворлик қилади, мабодо номаълумликларнинг миқдори кўпайиб кетса, у тақдирда хаёл ёки фантазия етакчи роль ўйнай бошлайди. Муаммо ечимининг турли усуллари, уларнинг инвариантлари, муайян қонунлари, қоидалари таърифлари мавжуд бўлган тақдирда фаолият тафаккур ёрдами билан амалга оширилади.

Хаёлнинг энг аҳамиятли томони шундан иборатки, у тафаккур предметиға тааллуқли ҳолатлардаги етишмовчиликда ҳам у ёки бу йўл билан муаммоли вазиятдан енгилроқ чиқиб кетишға муҳим замин ҳозирлайди. Инсонда мавжуд нарсаларнинг ички тузилиши, унинг ривожланиши, ўзгариши тўғрисидаги маълумотларнинг етишмаслиги туфайли шахс хаёлға ва фантазияға мурожаат қилади. Биосфера ва неосферада инсоният учун номаълум ўрганилмаган соҳалар мавжуд экан, демакки, хаёл узлуксиз равишда ўз функциясини бажараверади, шунинг учун хаёлнинг қайси тури ҳукм сураётганлигидан қатъи назар у ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим. Чунки, хаёл инсоннинг ақлий зўр беришда, стресс, аффе́кт ҳолатларида асаб тизимининг танглигидан халос этиб, тана аъзолари функциясини тиклайди, ишчанлик қобилиятини барқарорлаштиради.

## **2. Хаёл турлари тўғрисида умумий тушунча**

Хаёл ўзининг фаоллиги билан атроф муҳитни ўзгартиришға йўналтирилган шахсни ижодий фаолиятининг муҳим шarti

сифатида хизмат қилади. Баъзи бир психологик маълумотларга караганда, гоҳо хаёл фаолиятнинг функциясини бажаради, бунда у хатти-ҳаракатларнинг сунъий равишдаги мажмуаси вазифасини ижро этади, холос. Инсон куйидаги ҳолатларда яққол тасаввурдан йироқ бўлган хаёлот оламига кириб бориши мумкин: 1) инсон ҳеч қандай йўл билан ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар, муаммолар исканжасидан беркиниш мақсадида; 2) турмушнинг оғир шароитларидан, заҳматларидан ҳимояланиш ниятида; 3) шахсий нуқсонларнинг таъқибидан; 4) ушалган армондан; 5) патологик ҳолатга (руҳий нуқсонга) учраганда; 6) алкоголизм, наркомания ва бошқа вазиятларда. Хаёлот (фантазия) турмушда гавдаланиши мумкин бўлмаган, амалга ошириш имконияти йўқ хатти-ҳаракатлар дастурини намоён этади.

Юқоридаги мулоҳазалар негизидан келиб чиқувчи хаёлниң бундай шакли психология фанида пассив (суст) хаёл деб номланади. Психологияда актив (фаол), ихтиёрий, ихтиёрсиз, тикловчи ва ижодий турлар тўғрисида ҳам муайян маълумотлар мавжуддир.

Инсон пассив хаёлни олдиндан ихтиёрий режалаштириб юзага келтириши ҳам мумкин. Худди шу боис ирода билан ҳеч бир боғлиқ бўлмаган, жўрттага «кашф» қилинган, бироқ ҳаётда гавдалантиришга йўналтирилган хаёлниң ўзига хос образлари мажмуаси «ширин хаёл» дейилади. Одатда «ширин хаёл»да фантазиянинг маҳсуллари билан инсоннинг эҳтиёжлари ўртасидаги алоқа енгиллик билан юзага келганлиги туфайли қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида одамлар хаёл сурадилар. Инсон қанчалик ширин хаёлга берилса, у шунчалик даражада пассив шахс саналади, бу кўриниш унинг нуҳсони ҳисобланади. Пассивлик (сусткашлик) кишини қийинчиликларини енгишдан четлаштиради, яшаш учун курашга хоҳиш йўқолади, демак, у реалликдан тубдан узоқлашади. Гоҳо пассив хаёл ҳеч ўйламаганда, ихтиёрсиз равишда вужудга келиши ҳам мумкин, бунда куйидаги ҳолат юз беради; А) онг назоратиниң кучсизланиши, Б) иккинчи сигналлар тизиминиң сусайиши, В) инсоннинг вақтинча ҳаракатсизланиши, Г) уйқусираш кезида, Д) аффеktiv вазиятдан, Е) туш кўришда, Ё) галлюцинацияда, Ж) патологик ҳолатларда ва ҳоказо.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, пассив хаёл ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга ажратилганидек, актив хаёл тикловчи ва ижодий кўринишларга бўлинади.

Ўзиниң моҳияти билан тасаввурларга мувофиқ келадиган тасаввурлар, тасвирлар тизимини яратувчи хаёл «тикловчи хаёл» деб аталади. Табиятга, жамиятга ва шахслараро муносабатга,



билимларга оид маълумотлар ўрганилишида ҳаёл бевосита иштирок этади ҳамда матнларда, расмларда, хариталарда акс эттирилган нарсалар қайта тикланали. Ижтимоий тажрибада, таълим-тарбия жараёнида фазовий ҳаёл, вақт ва ҳаракат бирликларида оид ахборотлар, масофа, ҳажм тўғрисидаги хабарларга диққат билан синчковлик билан қараш, тикилиш жараёнида мазкур ҳаёл тури ривожланади.

Ижодий ҳаёл тикловчи ҳаёлдан фарқли ўлароқ оригинал ва қимматли моддий, ижодий маҳсулотларда гавдаланувчи янги образларнинг яратилишидан иборат ҳаёлнинг туридир.

### **3. Ҳаёлнинг хусусиятлари**

Ҳаёлнинг муҳим томонларидан бири-унинг ижодиёт ва шахс муносабатининг яхлит ҳолда талқин қилиш хусусиятидир. Ижодиёт шахснинг ички имкониятлари ва захираларини рўёбга чиқишининг асосий шартларидан биридир. Худди шу сабабдан шахс ўзининг ижодий фаолияти билан, биринчидан, инсоннинг яратувчилик қудратини амалиётда намойиш қилади. Иккинчидан, у ижодиёт таъсирида янги фазилатларни эгаллайди, нафосат, бадиий ижод, техник қобилият, кашфиёт ижтимоий муаммоларни интеграция қилиш ёки мавжуд умумий қонуниятлардан келиб чиқиб, уни дифференциаллаштиради. Учинчидан, жаҳон фанига ўз улушини қўшади ва цивилизацияга ўз таъсирини ўтказади, ижтимоий тараққиёт ҳаракатлантирувчисига айланади. Ижодиёт давомида шахс мотивацион, эмоционал, иродавий барқарорлик, характернинг мустаҳкамлиги ва бошқа индивидуал-типологик хусусиятлардаги етуклик ижодиёт маҳсулига, унинг самарадорлигига, сифатига муносиб равишда ижобий таъсир ўтказади. Ижодиёт таркиблари билан шахснинг хусусиятлари ўртасидаги уйғунлиkning юзага келиши икки ёклама таъсир ўтказиш механизми сифатида муҳим роль ўйнайди, яъни фаолиятда шахс ўзининг янги қирраларини очади, унинг фазилатлари эса ижодий изланишларнинг муваффақиятли яқунланишини таъминлайди.

### **4. Ҳаёлнинг аналитик-синтетик хусусияти**

Ҳаёлнинг аналитик хусусияти бўйича (немисча «tendens» лотинча «tendere» келиб чиққан бўлиб, психологиянинг тарихий тараққиёти давомида ҳар хил кўринишларда ҳукм суриб келмоқда. Аналитик ҳолат ҳаёлнинг мазмунини, моҳиятини, предметини, асосан тубдан янги маҳсуллар, янгича образлар, тимсоллар, тасвирлар яратилишидан, атроф-муҳитнинг ифодаси, янги безакли,

жилоли эканлигини қайд қилишдан иборатлигини тан олишдир. Янгилик элементлари, баъзи жабҳаларининг қўшимча аломатлар билан бойитилиши, ижод қилиниши хаёлнинг асосий вазифаси эканлиги ғоясини акс эттирувчи тенденция психология фанида аксарият илмий мактаблар томонидан тан олинган ва тараққиёт ҳаракатлантирувчиси сифатида қатъий равишда ҳимоя қилиниб келинмоқда. Иккинчи тенденция биосфера ва неосфера тўғрисидаги маълумотлар, тасаввурлар, таъсирланиш, тимсоллар ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида қайтадан тикланиш орқали хаёл маҳсули сифатида сақланиб келади, деган ғояга асосланади. Бу тенденцияда образларнинг тикланиши, сақланиши, кучайиши ёки ўчмас из тариқасида узлуксиз равишда инсон хотирасида, кўз ўнгида намоён бўлиши, гавдаланиши ҳаёт ва фаолият учун бирламчи эканлиги исботлашга ҳаракат қилинади. Ҳар иккала тенденция ҳам хаёл ҳолатининг аналитик вазифасини бажариш имкониятига эга бўлиб, ўзаро бир-бирини инъкор этиш даражасига олиб бормасликни тақозо қилади. Шунинг учун ижодий хаёл янги образларни вужудга келтириш билан тараққиётга улус қўшади, яққол воқелик ва уларнинг тимсоллар ҳақидаги маълумотлар, чизғилар тасвири ҳамда тасаввурларини қайта тиклаш орқали инсоният билими, тажрибасини бойитади.

Тикловчи хаёл инсоният томонидан олдин яратилган нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги образлар, ахборотлар сифатида қайтадан жойланишига муҳим таъсир этади, ўзининг ҳаракат тезлиги билан ҳар қандай техника мўжизасини доғда қолдиради. Ҳар иккала тенденция уйғунлашуви орқали ижодий ва тикловчи хаёл турлари вазифасига, аҳамиятига, маҳсулдорлик даражасига оқилона баҳо бериш мумкин.

Акс ҳолда икки тенденция икки хил талқин, турлича яқун, ўзгача мазмун, алоҳида ёндошув, устуворликка даво келтириб чиқариши айни ҳақиқатдир.

Хаёл аналитик ҳолатдан ташқари синтетик хусусиятга ҳам эгадир. Хаёлнинг синтетик ҳолати ушбу феноменлар орқали ифодаланади: агглютинация (лот. *Agglutinare* ёпиштирмақ, елимламақ маъносини билдиради) муайян тасаввурларни бир-бирига қўшиб ёки улардан фойдаланиб, нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини яратишдан иборат хаёл феноменидан биридир; гиперболизация (юн. *Hyperbole* бўрттириш, кучайтириш маъносини англатади); схематизация (юн. *“schema”* образ, шакл вужудга келтириш демакдир); типизация (юн. *“tipos”* из, чизик деган маънони билдиради) ёки типиклаштириш; ўхшатма-муайян

нарсаларга нисбатан қиёслаш орқали муҳим ва номуҳим томонларидан умумийликни танлаб олиш кабилар.

Агглютинация феномени образлар (тасвирлар, тимсоллар) синтезлашув жараёнининг соддароқ кўринишидан бири ҳисобланиб, инсониятнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида рўй-рост яхлитлаштириш имконияти йўқ хилма-хил хислатлар, фазилатлар, сифатлар ва қисмларни «қоришиқ» тарзида (бирлаштирилган) шаклда акс эттиради. Одатда агглютинация ёрдами билан донишманд халқ томонидан яратилган эртак тимсоллари, афсона тасвирлари яратилади ёки ҳаёлий композицияси тўқиб чиқарилади (лотинча *compositio* тузилмаси, таркибий жиҳатлари деган маъно англатади). Масалан, булбули гўё одамсимон (боши одам, танаси қуш) бир жонивор гавдаланади; сув париси (русалка) тимсолида аёл мужассамлашади (бош ва гавдаси одамники, думи балиқники, сочи яшил сув ўтларидан иборат); кентавр (от ва одам); пегас (қанот ва от) қанотли от; товук оёқли уйча, еттибошли илон аждаҳо (илон, от ва қушдан иборат) ва бошқалар.

Ҳозирги замонда агглютинациядан техник, бадиий, санъат ижодиёти кенг кўламда фойдаланилмоқда, чунончи, самолет амфибия (юнонча *amphibios* иккиёқлама ҳаёт кечириш маъносини билдиради)-учувчи қайиқ тоифасидаги қуруқлик ва сувга мослашган гидросамолёт; аэросани (чана сингари сирғанувчи самолёт), жанговар техника амфибия (танк, бронетраспорт, автомобиль); аккордеон-фортепьяно билан баян бирлашмаси; автокран-автомобиль билан кран қоришиғи; автокор (инглизча «car» арава)-ўзи юрар арава ва ҳоказо.

Гиперболизация феномени ҳаёл образларини ҳамда тасаввур шакллариини ўзлаштириш жиҳатидан яқин агглютинацияга ёндош, ўхшаш психик жараёндир. Гиперболизация нарсалар ва жониворларни нафақат ҳаддан зиёд катталаштириш ёки кичиклаштириш (бармоқдек кичик бало, уйдек тухум, тоғдек паҳлавон, тариқдек бола, туядек бурга ва ҳоказо) билан тавсифланибгина қолмасдан, балки тасаввур образлари (тимсоллар, тасвирлар) миқдорини кўпайтириш ёки уларнинг ўрнига алмаштириш хусусиятларини ҳам намоён этади. Масалан, етти бошли аждарлар, кўпкўлли ва икки қоринли махлуқотлар, олти оёқли жониворлар, қуёш нуриини тўсган афсонавий қушлар шулар жумласидандир.

Схематизация феномени ҳаёлот (фантазия) образларини яратиш имконияти мавжуд воситалардан бири ҳисобланиб, у борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг у ёки бу аломатлари ҳамда сифатларини таъкидлашдан, шунингдек, уларга бутун диққат-эътиборни марказлаштиришдан иборат психик жараёндир. Худди

шу усул, йўл, восита ёрдами билан муайян яққол инсонларга мўлжалланган ўртоқлик ҳазиллари (шаржи французча *charge* сўздан олинган бўлиб, бўрттириш деган маънони англатади) ва аччиқ, аянчли, кулгили тасвирлар (карикатура италянча «*caricatura*» қайта мужассамлашув деган маънони англатади. Мазкур жараёнда хаёлот (фантазия) тасвирларида юзага келадиган тасаввурлар ўзаро бирлашиб кетиши натижасида тафовутлар қарийб йўқолади, ўхшашлик аломатлари эса бирламчи воқеликка айланади, қолаверса ушбу ҳолат схематизациялашни рўёбга чиқишга қулай негиз ҳозирлайди. Масалан, бунга конструкторнинг қушлар оламидан андоза олиб, янги қурилмалар яратиши, моделдан ҳақиқий асбоб ишлаб чиқиши; рассом табиат мўжизаларининг матога тушириши яққол мисолдир.

Типизация феномени ёрдами билан хаёлда тасаввурлар синтези рўёбга чиқиши мумкин. Одатда бадиий адабиётда типизация ёки типиклаштиришдан кенг кўламда фойдаланилади ҳамда унинг ёрдамида баъзи бир жабҳалари билан ўзаро ўхшаш, ҳатто мутаносиб нарса ва ҳодисаларда акс этувчи муҳим белгилари ажратиб олинади ҳамда улар яққол образларда мужассамлаштирилади. Ижодий жараёнларнинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши бир талай ассоциациялар орқали пайдо бўлади, лекин уларнинг қайта тикланиши хотира жараёнларида учрайдиган тикланиш ёки жонланишдан тафовутланади. Ижодий илҳомлари ҳисобланмиш эҳтиёжлар ва мотивларга ассоциациялар жараёнида ўзлаштирилган йўналиш бўйсунди.

Ижодий хаёл ўзига хос муайян хусусиятларга эга бўлиб, улардан энг муҳими ассоциацияларнинг анъанавий йўл-йўриғидан воз кечиб, ижодкор руҳиятида фавқулоддалик қилаётган ҳистуйғулар, ўй-фикрлар, хоҳиш-истакларга тобе этишдир. Ваҳоланки, ассоциацияларнинг ўхшашлик, ёндошлик, қарама-қаршилик (контрастлик) кўринишлари сақланиб қолса-да, лекин тасаввурларни саралаш эса сабабий боғланиш механизми билан тавсифланади. Ижодкор (шоир, ёзувчи, рассом) асарида ассоциациялар чизгиси пайдо бўлади, уларнинг вужудга келишига асосий сабаб ташқи таассурот ҳисобланади.

## **5. Хаёл жараёнларининг физиологик асослари**

Хаёл жараёнларининг, шу жумладан фантазия образларининг вужудга келиши инсон миёси фаолиятининг маҳсули ҳисобланиб, бош миё катта ярим шарлари пўстлоқ қисмининг функцияси орқали амалга ошади. Хотира билан хаёлниң физиологик асослари, механизмлари ўртасида муайян даражада ўхшашлик ва баъзи тафовутлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хотиранинг физиологик асоси муваққат нерв боғланишларининг ўзаро бирикуви ҳамда фаоллашуви (қайта жонланиши, тормозланиши)дан иборат бўлса, хаёл жараёнида инсон онтогенезида юзага келтирилган боғланишлар тизими бузилиши (емирилиши) оқибатида янги тизим ҳосил қилинади. Фавқулоддаги бундай ҳолат (бирлашиши, янги тизим) маълум эҳтиёж ёки бирорта тасодифий таассурот (ташқи таъсир) орқали миё пўстида кучли кўзғалиш ўчоғининг ҳосил бўлиши туфайли вужудга келиши мумкин. Худди шу боисдан хаёл сураётган шахсда нерв хужайраларининг гуруҳлари ўзаро янгитдан (қайтатдан) боғланиши, шунинг учун фантазия образларига хос янгилик ва ўхшашлик аломатлари мазкур янгича боғланишга бўйсунди.

Шундай қилиб, хаёл миё катта ярим шарлари пўстининг функцияси ҳисобланишига қарамасдан, унинг физиологик механизмлари миёнинг бошқа қисмлари билан боғлиқ эканлиги тўғрисида фарз қилишга имкон туғдиради. Миёнинг мана шундай чуқурроқ қисмлари гипоталам-лимбик (юнонча *hypothalamus* англатади ва юксак марказлар мажмуасидан иборат бўлиб, ҳар хил функциялар мослашувини таъминлаб туради; латинча *limbus* чегара, чет, ҳошия деган маънони билдиради; юнонча *thalamus* тепалик дегани тизими фантазия образларининг шаклланиши билан уларни фаолият жараёнларига қўшилишда миё ярим шарлари пўсти билан бирга қатнашади. Тизимнинг пўстлоқ билан пўстлоқости қисмлари боғланиши туфайли гипоталамус миё стволининг ярим шарлар билан туташувида «лимб» (чегара) ҳосил қилади.

Инсон миёси фантазия образларига ҳамда организмнинг периферик (чет) қисмларига бошқарувчанлик таъсирини ўтказиб, уларнинг фаолиятини ўзгартириб туради. Шахс асабийлашганида бирор нарса ҳақида қаттиқ ўйласа, албатта тана аъзоларида кўзга ташланадиган ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Юзага келган бундай аломатлар (белгилар, излар) «стигмат»лар деб номланади (юнонча *stigma* доғ ёки чандиқ деган маънони англатади). қадимги халқ афсонлари, ривоятларига қараганда инсон қаттиқ жисмоний калтакланган даврини эсласа, гўёки ўша азобнинг излари фавқулоддаги пайтда юзага келиши таъкидланади. кўрқинч ҳолат тўғрисида хаёл образлари яратилса, одамга учуқ чиқиши, лаблари ёрилгандай ҳис этиши воқеликлари учраб туради. Масалан, чекиш ва ичишни мутлоқ ташлаган шахс папирос ёки спирт ичимлиги тўғрисида ўйласа, унинг оғиз бўшлиғида тамаки таъми, ароқнинг аччиқлиги пайдо бўлиши мумкин. Инсон жуда сувга ташна бўлса ёки очлик азоби қийнаса, улар тўғрисида ўйласа, «ширин қониқиш» «лаззатланиш» ҳислари вужудга келади.

Психологияда кўрқинч ҳолати тўғрисида муайян материаллар тўпланган ва таҳлил қилинган. кўрқинч юнонча phobos «фобия» деб номланади. Фобия муайян шароитлар ва вазиятларда шахсда вужудга келадиган кучли асосга эга бўлмаган кўрқинч ва ташвишланишдан иборат, инсон томонидан енгил имконият йўқ муттасил психопатологик ҳолати. Мазкур патологик ҳолатнинг баъзи бирларига тушунча беришга ҳаракат қиламиз: 1) агаorafобия- шахснинг гавжум майдонлардан, шоҳ кўчалардан ўтишига кўрқиши; 2) каустрофобия- инсоннинг эшигини кулуфлаб ёлғиз ўтиришидан кўрқиши; 3) монофобия- шахснинг якка-ю ёлғиз, ҳеч кимсиз қолишдан кўрқиши; 4) атропофобия- инсоннинг кўпчилик даврасидан, ҳалойикдан кўрқиши; 5) назофобия- одамнинг касал бўлиб қолишдан кўрқиши; 6) эйротрофобия- шахснинг кўпчилик даврасида изза бўлишдан, ўзини йўқотиб қўйишдан кўрқиши; 7) дидактоген- ўқувчи ёки талабанинг ўқитувчидан кўрқиши; 8) ятроген- беморнинг шифокордан кўрқиши ва ҳоказо.

Хаёлнинг органик жараёнлари билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар яна идеомотор (юнонча idea- тушунча, тасаввур, лотинча motor ҳаракатлантирувчи деган маънони билдиради) актлар (ҳаракатлар)да мужассамлашган бўлади. Инсон у ёки бу ҳаракатни тасаввур қилиш биланок худди шу нарсанинг табиий равишда бажарилиши бошланади. Масалан, шахс қайсидир ашулани дилдан ўтказса, унинг хиргойиси амалга оширилади ёки рубоб тўғрисида тасаввур қилинса, ундаги бармоқ ҳаракати тасодифий ижрога киришади ва бошқалар.

## **6. Хаёл шакллари тўғрисида тушунча**

Хаёлнинг асосий шакли хаёлот ёки фантазия деб номланади, лекин чет эл психологиясида хаёлнинг синоними сифатида қўлланилади. Фантазия инсон онгида инъикос этила бошлаганда эътиборан борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналган бўлади, воқелиқнинг унсурларини ўрин алмаштириш хусусиятига ҳам эгадир. Шунингдек, фантазия инсоният дунёси учун маълум бўлган омилларга нисбатан янги нуқтаи назар топишга ва шу йўсинда ёндашишга имкон беради ҳамда бадиий, илмий билиш қадриятларни ўзида мужассамлаштиради.

Одатда боланинг асосий фаолияти ўйинга айлана борган сари боғча ва кичик мактаб ёши даврида жадал ривожланиши билан тавсифланади. Маълумки, таъкидланган ёш давридаги болалар учун фантазия образлари уларнинг ўйин фаолияти учун дастур тариқасида вужудга келади: а) бола ўзини космонавт сифатида ҳис қилади; б) конструктор ролини бажаради; в) ўзини персонаж хулқ-

атвори билан таққослайди; г) ролли, сюжетли ўйинларда муайян ролларга киришади ва ҳоказо.

Хаёлниң ўзи фаолиятниң ҳар хил турларида таркиб топади, уни амалга ошириш ва уюштириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Боланиң хаёли ташқи таянчларга (ўйинчоқларга) асосланувчи фаолиятдан сўзлар билан содда ҳамда бадий ижодиётни амалга оширишга шароит туғдирадиган ички фаолиятга ўсиб ўтади. Униң хаёли нутқни эгаллаш муносабати билан шахслараро муомала ҳам тараққий этади. Нутқ фаолиятиниң юксак кўрсаткичи кўрмаган, эшитмаган нарса ва ҳодисаларни тасаввур қилиш имконини яратади. Худди шу боис болалар чўплардан от образларини, стулдан ҳаракатланувчи техникани яратиш имконига эга бўлади. Шунинг учун фантазия ижтимоий тажрибани бири сифатида гавдаланади. Бадий фантазия образлари (Билмасвойниң саргузаштлари, Сарик девни миниб, Буратино, Нўхат полвон, қорқиз, қорбобо, Жодугар кампир ва ҳоказолар) ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва билишниң воситаси эканлиги психолог тадқиқотчилар томонидан далиллаб берилган. Вояга етган одамлар эса атроф-муҳитни ва шахслараро муносабатларни фаол ижодий изланишлари туфайли ўзгартиради.

Орзу хаёл шаклларида бири ҳисобланиб, шахсниң ўзи учун энг ёқимли истиқбол образларини хаёлида (тасаввурида) яратишда гавдаланади. Орзу инсонниң эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари, интилишлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни келажакда фаолиятни амалга оширишга ундайди.

Шахсниң ижодий фаолияти моҳиятида фантазия иштирок этмасдан иложи йўқ, чунки ҳамиша ҳам униң амалий хатти-ҳаракатларида хаёл жараёнлари рўёбга чиқавермайди. Аксарият ҳолларда хаёл жараёнлари шахс амалга оширишни истайдиган образлар шаклида мужассамлашади ҳамда ички фаолият тусига айланади. Келажакка шахсни ундовчи, униң хоҳиш-тилақларини акс эттирувчи образлар мажмуаси орзу дейилади. Орзу-шахсниң атроф-муҳитни, ижтимоий воқеликни ўзгартиришга, ўрин алмаштиришга йўналтирилган ижодий кучлари, илҳомлари ва интилишларини турмушга татбиқ этишниң асосий шартларидан биридир. Шу билан бирга орзу шахсий ва ижтимоий ҳаётни илмий фараз қилишниң унсурларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда тараққиётни олдиндан кўра билиш, мақсад кўзлаш, келажак буюк давлат ғоялари, миллий истиқлол мафкураси ва миллий истиқлол ғояси ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун орзу батамом тугалланиши маълум бир сабабларга кўра муваққат кечиктирилган фаолиятга ундовчи мотив (сабаб) тариқасида юзага келиши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон қўли билан бунёд этилган нарса ўзиниң

ижтимоий- тарихий моҳияти жиҳатидан моддийлаштирилган, татбиқий хусусиятли шахсининг орзусидир. Ана шу нарсаларга нисбатан ўта зарур эҳтиёж ҳис қилган аجدодларимизнинг орзулари яққол кўринишда гавдаланганлигини шоҳиди бўламиз: 1) учар гиламлар; 2)ойнаи жаҳон; 3) электр чироғи; 4) ўзи юрар аравалар; 5) лип этиб чиқиш (лифт); 6) даштга сув чиқариш ва ҳоказолар.

Бадий ва илмий ижодида фантазиянинг ўрни тўғрисида муайян даражада ишлар қилган, чунки санъат ва адабиёт ижодий фаолиятининг зарурий унсури сифатида хизмати баҳоланган. Маълумки, рассом ҳамда ёзувчининг ижодий фаолиятида иштирок этувчи ҳаёл образларининг муҳим хусусиятлари-бу унинг эмоционал кечинмалар ҳис-туйғулар билан мужассамлашгандир. Ҳозирги даврда: 1) бадий ижодиёт 2) бадий таржима; 3) илмий ижодиёт психологияси; 4) адабий қобилият ва истеъдод психологияси сингари махсус совғалар ҳаёл турлари, жараёнлари, шакллари кабиларга асосланган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мустақил мамлакатимизнинг ёшлари (фуқаролари) янгиликлар яратиш ва кашфиётлар амалга ошириш, ўзлари ёқтирган ишлар, муқаддас ижтимоий ҳаёл йўллари, ватанга муҳаббат, ифтихор, садоқат, содиқ дўстлик, қаҳрамонлик, иймон-эътиқод, бахт –толе тўғрисида узлуксиз равишда орзу қиладилар. Шахс томонидан тасаввур этилаётган орзулар ҳақиқатдан ҳам гўзал, эзгу ниятли, порлоқ келажакка қаратилган бўлса, улар инсон хислатига айланади.

#### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Ҳаёл тўғрисида умумий тушунча
2. Ҳаёл турларининг психологик тавсифи
3. Ҳаёлнинг хусусиятлари юзасидан мулоҳазалар
4. Ҳаёлнинг психологик хусусиятлари
5. Ҳаёлнинг физиологик асослари
6. Ҳаёл шакллариининг психологик талқини
7. Ҳаёлнинг ривожланиши

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Ҳаёл психологик категория сифатида.
2. Ҳаёл хусусиятлари ва феноменлари.
3. Ҳаёл турлари ва шакллари тўғрисида тушунча.
4. Ҳаёлнинг инсон ақлий ҳолатидаги роли.

#### **Адабиётлар**

1. Беркинблит М., Петровский А. Фантазия и реальность. –М., 1968.
2. Брунер Д.С. Психология познания. –М., 1977.



3. Вүготский Л.С. Собрн. соч.-Т.2-М., 1982.
4. Найсер У. Познание и реальность.-М., 1981.
5. Натадзе Р.Г. Воображение как фактор поведения.- Тбилиси, 1972.
6. Никифова О.И. Исследование по психологии художественного творчества.-М., 1972.
7. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – Т.1.-М., 1989.- С.344-360.
8. Гозиев Э.Г. Умный психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## **XVIII.БОБ ДИҚҚАТ**

### **1. Дикқат тўғрисида умумий тушунча**

Дикқат инсон фаолиятининг барча турларини муваффақиятли амалга оширишнинг ва улар самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан биридир. Киши фаолияти қанчалик мураккаб, серзаҳмат, давомийлик жиҳатдан узоқ муддатли, масъулият ҳиссини тақозо қилса, у дикқатга шунчалик юксак шартлар ва талаблар қўяди. Инсон зийраклиги, фаросатлилиги, тез пайқаши, синчковлиги, дилкашлиги унинг турмуш шароитида, шахслараро муносабатида муҳим омил сифатида хизмат қилади. Дикқат ақлий фаолиятнинг барча турларида иштирок этади, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ҳам унинг иштирокида содир бўлади.

Психология фанида дикқатга ҳар хил таъриф берилади, уни ёритишда психологлар турли назарияга асосланиб ёндашадилар. Дикқат деб онгни бир нуктага тўплаб, муайян бир объектга актив (фаол) қаратилиши айтилади (П. И. Иванов). П. И. Ивановнинг фикрича, биз фаолиятимиз жараёнида идрок ва тасаввур қиладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса, ўзимиз қилган ишимиз, ўй ва фикрларимиз дикқатнинг объекти бўла олади.

Н. Ф. Добринин, Н. В. Кузьмина, И. В. Страхов, М. В. Гамезо, Ф. Н. Гоноболин ва бошқаларнинг нуктаи назарича, дикқатнинг вужудга келишида онгнинг бир нуктага тўпланиши онг доирасининг торайишини билдиради, гўёки онг доираси бир мунча тиғизланади. Бундай торайиш ва тиғизланиш натижасида онг доираси янада ёрқинлашади. Онгнинг энг торайган, тиғизланган ёрқин нуктаси дикқатнинг маркази (фокуси) деб номланади. Худди шу марказ (фокус) га тушган идрок қилинаётган жисмлар, тасаввур образлари, ўй ва фикрлар тўла, ёрқин ва аниқ ифодаланади. Жаҳон психологларининг фикрича, дикқат узлуксиз равишда, муайян даражада активлик хусусиятини сақлаб туради. Бундай активлик, онгнинг бирон бир объектга ўйналишининг кучайиши ва маълум вақт давомида дикқат йўналтирилган нарсага онгнинг фаол (актив) қаратилишини регулировка қилиб туради ҳамда мазкур ҳолатнинг сақланишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дикқат сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ каби алоҳида психик жараён эмас. Шунинг учун барча психик жараёнларда қатнашади, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга таъсир этади. Шу боисдан дикқат қаратилган объектлар онг тўпланган нуктасида аниқ, яққол акс эттирилади. Демак, дикқат-ақлий жараёнларнинг сифати, маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи инсоннинг ички

активлигидан иборатдир. Шунингдек, у ҳар қандай инсон фаолиятининг зарурий шартидир.

Психология тарихининг саҳифаларини varaқласак, диққатнинг киши фаолиятидаги ролига берилган юксак ва қимматли мулоҳазалар учрайди. Жумладан, француз олими Кювье гениалликни чидамли диққат деб таърифлаши, Ньютоннинг кашфиёт фикрини доимо шу масалага қаратилиш жараёни дейиши, Ушинскийнинг диққат психик ҳаётимизнинг ягона эшиги деб баҳо бериши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Билиш жараёнлари кечишининг энг муҳим хусусияти унинг танловчанлик ва йўналганлик билан характерланади. Шу боисдан инсон атроф-муҳитнинг кўплаб қўзғатувчилари, таъсирлари орасидан алоҳида ниманидир идрок этади, фараз қилади, аллақайси нарсa тўғрисидагина мулоҳаза юритади, холос. Онгнинг бу хоссаси диққат хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Диққат билиш жараёнлари сингари ўзининг алоҳида мазмунига, муайян маҳсулига эга эмас, шунинг учун у барча жараёнларнинг жўшқинлиги, илдамлигини таъминлайди. Демак, диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бирор нарсага қаратилганлигидир (Е. Б. Пирогова). Берилган таърифга биноан, ушбу йўналтирилганлик субъектнинг эҳтиёжларига, унинг фаолияти мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган объектларнинг танланганлигида, ихтиёрсиз ёки ихтиёрий танлашда ва ажратишда вужудга келади. Диққатнинг муайян объектларга тўпланиши, тўпланганлиги (концентрацияланиши) айна пайтда бошқа жисмлардан чалғишни ёки уларнинг вақтинча (муваққат) инкор этилишини талаб қилади. Ана шу омилларга кўра, акс эттириш равшанланиб боради, тасаввурлар, мулоҳазалар фаолият якунлангунга қадар, қўйилган мақсадга эришгунча онгда сақланади. Ана шу йўсинда диққат фаолиятини назорат қилиб боради ва уни бошқаради. Шунинг учун кўпгина психологлар (П. Я. Гальперин ва унинг шогирдлари) диққатни юксак турини билиш жараёнлари, кишининг хулқ-атвори кечишини бошқариш имкониятига эга эканлигини таъкидлайдилар. Диққатнинг бирор объектга йўналишига кўра сенсор (перцептив), ақлий (интеллектуал), ҳаракатлантирувчи (ҳаракат) шаклларига ажратиш мумкин.

Диққат муайян объектга тўпланиши кўп жиҳатдан инсоннинг ҳис-туйғуси, иродавий сифати, қизиқиши кабиларга боғлиқдир.

Ҳис-туйғулар ва эмоционал ҳолатлар диққатнинг объекти билан узвий боғлангандагина унинг учун ижобий аҳамият касб этади. Ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар қанчалик кучли ва

кўтаринки тарзда намоён бўлса, демак диққат ҳам шунчалик объектга мустаҳкам қаратилади. Ҳислар, эмоциялар диққатнинг ҳам ихтиёрсиз, ҳам ихтиёрий турларини зўрайтиради. Инсоннинг амалий ва ақлий фаолияти жараёнида унинг онги муайян даражада янги билимлар маълумотлар билан бойиб бориши натижасида диққат ҳам такомиллашади. Янгиликни пайқаш ҳисси одам ақлий фаолиятини фаоллаштиради (активлаштиради), шу билан бирга, диққатнинг объектга узоқроқ тўпланишини таъминлайди. Инсоннинг барқарорлашган кайфияти диққатнинг кучи ва илдамлигини оширади, танловчанлигига ижобий таъсир этади. Стресс, аффект сингари эмоционал ҳолатлар диққатга салбий таъсир этиб, унинг ташқи таъсирларига берилувчан, кучсиз қилиб қўяди. Ана шунинг оқибатида диққат чалғийди, бўлинади, паришонлик намоён бўлади, фаолиятдаги бир текислик бузилади.

Психологияда диққатнинг ихтиёрий тури, кўпинча иродавий деб номланади. Бу, албатта, бежиз эмас, чунки, диққатнинг муайян объектга йўналтирилиши ирода кучи билан сақлаб турилади. Ҳатто ихтиёрсиз диққат фаолиятида қатнашса, у ҳам ироданинг зўри билан йўналтирилган объектда тўпланиб туради. Ироданинг фаолиятни амалга оширишда иштирок қилиши кўп жиҳатдан кишининг мақсадига интилиши, ишчанлик қобилияти, психологик тайёрлигига боғлиқ. Шу боисдан диққатнинг кучи, барқарорлиги, мустаҳкамлиги, илдамлиги одамнинг муайян фаолиятини бажаришга мойиллиги, шайлиги билан ўлчанади. Диққатнинг юксак даражада мужассамлигини таъминлаб туришда одамнинг фаолиятни бажаришга мувофиқлашгани муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай фаолиятни амалга оширишнинг бошида қийинчиликлар юзага келади ва улар кишидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Фаолиятни бажаришдаги нуқсонларнинг намоён бўлиши диққатни тўплашдаги қийинчиликларнинг оқибати бўлиб ҳисобланади.

Диққатнинг объектга тўпланиши, мустаҳкамланиши одамнинг қизиқишларига боғлиқдир. Ҳатто ихтиёрсиз диққатнинг фаолиятда мужассамлашишида кишининг иштиёқи ва қизиқиши катта аҳамиятга эгадир. Одатда фаолиятга қизиқиш бевосита ва билвосита шаклда намоён бўлади. Бевосита қизиқиш фаолият жараёнига, хатти-ҳаракатларнинг ўзига, иш услубларига қаратилган қизиқишдан иборатдир. Билвосита қизиқиш эса фаолиятнинг мақсадга, унинг натижасига йўналтирилган қизиқишдир. Ихтиёрий, иродавий диққат билвосита қизиқиш билан алоқадордир. Психологик маълумотларнинг таҳлилига кўра, диққатнинг объектга тўпланиши ва мустаҳкамланиши кўзланган мақсадни, фаолият маҳсулининг зарурлиги ҳамда сифатининг аҳамиятини инсон томонидан англаш орқали таъминлаб турилади. Фаолият мақсадини

англаш ўз иш-ҳаракатида киши диққатининг юксак даражада мужассамланишини таъмин этувчи энг муҳим шарт ва шароитлардан биридир.

Диққатнинг ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда вужудга келиши ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин. Агар диққатнинг манбаи онгимиздан ташқарида бўлса ташқи деб аталади. Масалан, шофер, тикувчи, муҳаррир кабиларнинг фаолиятида содир бўладиган диққат ташқи диққатдир. Ташқи диққат фақат идрок қилиш жараёнидагина намоён бўлмасдан, балки фикр юритилаётган нарсаларга ҳам қаратилади. Жумладан, ихтирочининг ўзи яратган нарсасини тасаввур қилиши, рассомнинг образларни кашф қилиш жараёни, муҳандиснинг тўғон қурилишини кўз ўнгига келтириш билан боғлиқ ҳолатлар бунга мисол бўла олади. Инсон онгининг ўзида содир бўлаётган ўз ҳиссиётларини, фикрларини, орзу истакларини ва шу кабиларни кузатишда ички диққат юзага келади. Диққатнинг ҳар иккала кўриниши ҳам фаолиятнинг муваффақиятли якунланишига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эгадир.

#### **Диққатга оид илмий тушунчалар изоҳи**

1. Доминанта (лат. *dominans*—ҳукмронлик қилувчи) —муайян нерв участкасидаги кучли қўзғатувчанлик қобилятига эга бўлган қўзғалиш маркази. Доминанта мавжудлигида ундан бошқа нерв марказлари тормозланган бўлади. Доминанта марказий нерв тизимига келган ҳар қандай қўзғалиш, импульсларни қабул қилиб, уларга тегишли жавоб қайтаради-да, шу тариқа бошқа марказларни тормозлаш эвазига ўз фаолиятини яна кучайтиради.

1. Доминанта тушунчаси физиология фанига А. А. Ухтомский томонидан киритилган. Унинг исботлашича, Д. орқа миядан тортиб то бош нерв марказларини ишлаш принципини ташкил қилади. Доминанта диққатнинг физиологик асосидир.

2. Нерв жараёнларининг индукцияси-олий нерв фаолиятининг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабат: МНСининг бирор марказида қўзғалиш пайдо бўлса, у бошқа марказларда тормозланишнинг келиб чиқишига, тормозланиш эса қўзғалишнинг келиб чиқишига сабаб бўлишдан иборат қонуният.

3. Нерв тизими жараёнларнинг концентрацияси- марказий нерв тизимидаги қўзғалиш ёки тормозланиш жараёнларининг вақт ўтиши билан дастлабки пайдо бўлган участкасига тўпланиш қонуни.

4. Диққатнинг кўлами-бир даврнинг ўзида диққат томонидан қамраб олиниши мумкин бўлган объектларнинг миқдори.

5. Диққатнинг кўчувчанлиги-фаолият жараёнида диққатнинг онгли равишда бир объектдан иккинчи объектга кўчирилиши. Диққатнинг кўчувчанлиги ҳар қандай фаолиятда, айниқса пульт бошқарувидаги алоҳида аҳамиятга эгадир.

6. Диққатнинг тақсимланиши-диққатнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча объектларга қаратилишидан иборат хусусияти. Диққатнинг тақсимланиши мураккаб фаолият жараёнини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Масалан: шофернинг, ўқитувчининг иш жараёнидаги диққати тақсимланган диққатдир.

7. Диққатнинг барқарорлиги-диққатнинг ўз объектига кучли йўналтирилиши ва фаол тўпланишидан иборат ижобий хусусияти.

8. Паришонлик-диққатни маълум бир объектга қарата олмасликдан иборат салбий хусусият. Паришонлик вақтинча ҳолат бўлиши ҳам, шахснинг нисбатан барқарор хислати сифатида гавдаланиши ҳам мумкин. Паришонликнинг икки тури мавжуд бўлиб, бири диққатни умуман ҳеч нарсага қарата олмаслик ҳисобланса, иккинчиси диққатнинг муайян объект устига кучли тўплантириб, бошқа нарсаларга қаратилмаслигидир. Паришонлик психопатологик сабабларга кўра келиб чиқиши ҳам мумкин.

9. Касбга хос диққат-маълум бир касбда кўп йил ишлаш натижасида шу касбнинг талабалари ва объектив хусусиятларига мос равишда таркиб топган диққат тури. Масалан: чорраҳада кўча ҳаракатини бошқарувчининг диққати билан микроскоп ёрдамида илмий кузатиш олиб борадиган олимнинг диққати бир-биридан кескин тафовут қилади. Биринчиси диққатнинг тақсимланишини, иккинчиси эса марказлашув хусусиятларини талаб қилади.

10. Ихтиёрий диққат- онгнинг олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ иродавий ва асабий фаоллик кўрсатган ҳолда муайян объектга йўналиши ва унга тўпланишдан иборат диққат тури.

11. Ихтиёрийдан кейинги диққат- диққатнинг муайян объектга аввало ихтиёрий равишда қаратилиб, сўнгра унинг аҳамияти тушунилган сари ўз-ўзидан қаратилиб бориладиган (автоматлашган) диққат тури. Ушбу тушунча психология фанига Н. Ф. Добринин томонидан киритилган.

12. Диққат чалғиши-маълум бир фаолият жараёнида диққатнинг бир объектдан бошқа бир объектга ихтиёрсиз равишда ўтиб туришидан иборат салбий хусусияти.

13. Диққатнинг ҳажми-диққатнинг бир вақтнинг ўзида камраб олиши мумкин бўлган мустақил объектлар миқдори билан белгиланадиган хусусияти. Диққатнинг ҳажми экспериментал шароитда 2-6 мустақил объектга тенгдир. Диққатнинг объектлари ўртасида қанчалик яқин боғланишлар мавжуд бўлса, унинг ҳажми шунчалик кенгдир ва аксинча.

14. Диққат объекти- онгимиз атрофдагилардан ажратиб олган ҳолда йўналтирилган ва фаол тўпланган нарса ёки ҳодиса. Диққат объекти фақат объектив нарсалар эмас, балки субъектив ҳодисалар,

ўз ҳис-туйғуларимиз, фикрларимиз, хаёл ёки хотира тасаввурларимиз ва бошқа шу кабилар ҳам бўлиши мумкин.

15. Ихтиёрсиз диққат- онгимизнинг олдиндан белгиланган мақсадсиз равишда муайян объектга йўналтирилиши ва унга тўпланишидан иборат диққат тури. Ихтиёрсиз диққат объектлари нарса ва ҳодисаларнинг одатдан ташқари ҳолати, белгиси, сифати ва бошқалардир.

16. Диққатсизлик-диққатни объектга йўналтира ва тўплай олмаслик, атрофдаги кишиларга нисбатан эътиборсизлик ёки илтифотсизликдан иборат салбий характер хислати.

17. Диққатнинг ўзгариб туриши- идрок, хотира, тасаввур ёки тафаккур жараёнида диққатнинг маълум вақт ичида дам кучайиб, дам сусайиб туришдан иборат қонуният; диққат баъзан минутига 25-30 марта ҳам ўзгаради. Диққатнинг ўртача ўзгариш-тебраниш частотаси 2-3 секундга тенгдир.

18. Кўрув диққати-наرسа ва ҳодисаларни кўрув органи орқали идрок қилиш, эсга тушириш муносабати билан намоён бўладиган диққат тури.

19. Иккинчи тартибли ихтиёрий диққат-онгимизнинг муайян объектга ихтиёрсиз равишда йўналтирилса-да, унинг устига маълум вақт барқарор ҳолда, тўпланиб туришидан иборат ихтиёрий диққат тури; диққат тўпланган объектининг мазмунига қараб ихтиёрсиз диққатнинг ихтиёрий диққатга айланиши.

20. Ички диққат-онгимизнинг ўз субъектив таассуротларимиз, ҳис-туйғуларимиз ва интилишларимизга қаратилишидан иборат диққат тури.

21. Ташқи диққат- онгимизнинг объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, уларнинг айрим белги ва хусусиятларига йўналтирилиш, уларда фаол тўпланадиган диққат тури.

22. Ретикуляр формация- бош мия тепа қисмидаги (узунчок мия, Воролиев кўприги, ўрта мия) нерв хужайралари бўлиб, улар ўз тузилишига кўра, қалин тўрни эслатадиган ўсимталарга эгадир. Кўзғовчилар таъсир остида турли рецепторлардан бош мияга сигналлар олиб борадиган сезувчи нервларнинг ўсимталари. Р. Ф. га туташган бўлиб, мавжуд сингал Р. Ф. ни ҳам кўзғайди. Р. Ф. да хос бўлган кўзғалиш, ўз навбатида, бош мия қобиғидаги турли марказларни кўзғайди. Бош миядаги кўзғалиш эса Р. Ф. нинг фаолиятини ё кучайтиради, сусайтиради. Демак, Р. Ф. нинг ҳар бир хужайраси сезги органидан кўп сигналлар қабул қилиб олиб, бош мия ва орқа мия фаолиятига умумий ҳолда таъсир кўрсатиб туради.

23. Бедор ҳолат- бош мия ярим шарларидаги тегишли нерв марказларининг кўзғалиши билан белгиланадиган уйқудан

ташқаридаги ҳолат, онгли ҳолат. Шахс бедор ҳолатидагина маълум бир фаолият турини амалга ошира олади.

24. қўзғалиш маркази-марказий нерв тизимининг қўзғалиш жараёни рўй берган участкаси.

25. Эргограф (юнон. *ergon*) –мушакларнинг ишини график усулда ифодалашда қўлланиладиган, айниқса, толиқиш жараёни ўрганишда қўлланиладиган асбоб.

26. Вигиллик( лат. *vigil* –хушёр, синчков)-зийраклик; диққатни янги объектларга, айниқса субъектив таассуротларга тез тўплай олиш қобилияти.

27. Диққат депрессияси (лат. *depressio* –пасайиш)-турли ташқи ва ички омилларга кўра объектда тўпланиш ва мустаҳкамланишнинг кучсизланиши ва бузилиши.

28. Альфа-ритмасининг экзальтамияси (лат. *Exaltatio*-кучайиш)-биоэлектрик потенциаллар амплитудасининг кучайиши; сигналларга жавоб беришда томирларнинг торайиши ўрнига уларда кенгайишнинг юз бериши.

29. Куч қонуни (И. П. Павлов)-кучли қўзғовчилар кучли, кучсизлар эса кучсиз реакция бериш ҳолати.

30. Парадокс фазаси-кучли қўзғатувчиларга қараганда кучсиз қўзғатувчиларнинг кучли реакциясининг вужудга келтириши (патологик ҳолатлар назарда тутилади).

31. Ориентир рефлексининг электрофизиологик симптомларининг барқарорлашуви-ихтиёрий диққат бузилганда мақсадга мувофиқ топшириқ ва оқилона инструкция (ёки установка) бериш ҳамда вазиятга қараб уни ўзлаштириш орқали инсонда ориентировка рефлексини қайтатдан тиклашдан иборат коррекцион фаолият.

32. Диққат коррекцияси (лат. *correctio*-тузатиш)-инсонда диққат патологик ҳолатга (бузилишга) учраганда махсус усул ва услублардан фойдаланиб тузатиш.

## **2. Диққатнинг физиологик асослари**

Диққатнинг физиологик асосларини тушунтириб беришда буюк рус физиологлари И. П. Павлов ва А. А. Ухтомскийларнинг олиб борган илмий кашфиётлари муҳим аҳамият касб этади.

Олий нерв фаолиятининг алоҳида реакциялари бўлмиш ориентир рефлекслар тўғрисидаги И. П. Павлов илгари сурган илмий тахмин (гипотеза) психология фани учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилди, чунки «бу нима?» рефлексисиз диққатнинг табиатини очиш мутлақо мумкин бўлмас эди. И. П. Павловнинг «бу нима?» рефлекси ҳақидаги ғояси ихтиёрсиз диққатнинг ғайритабиий (рефлексив) хусусиятини очиб бериш учун хизмат қилди. И. П.



Павловнинг фикрича, биз пайдо бўлаётган сиймога нигоҳимизни қаратамиз, эшитилган товушга қулоқ соламиз, димоғимизга урилган хидни зўр бериб ютамиз. Лекин ушбу мулоҳазалар рефлекс моҳиятини илмий жиҳатдан очиб бериш имкониятига эга эмас, ваҳоланки унинг негизини асослаш учун бир талай омилларни келтириш зарур. Е. Н. Соколов, А. Р. Лурия, П. Я. Гальперин, Е. И. Бойко ва бошқаларнинг ҳозирги замон маълумотларига суяниб мулоҳаза юритилганда, И. П. Павловнинг ориентир рефлекслари жуда мураккаб жараёндир.

Аслини олиб қараганда, ориентир комплексига ташқи хатти-ҳаракатлар, кўзларнинг ва бошнинг қўзғатувчи томонга бурилиши, муайян анализаторларнинг сезувчанлиги, модда алмашинуви, нафас олиш, юрак уриш ва қон айланиш ҳаракати, тери-гальваник реакциялари, вегетатив нерв тизими хусусияти ва миyaning электр фаоллиги ўзгариши каби сон-саноксиз жараёнлар киради.

И. П. Павлов ва А. А. Ухтомскийларнинг таълимотларига биноан диққатнинг ҳолатлари, сифатлари, хусусиятлари, биринчидан, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати билан, иккинчидан, миa структурасида ҳукм сурувчи қўзғалувчанлик билан уйғунликка эгадир.

И. П. Павловнинг тахминига кўра, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида миa қобиғида қўзғалиш учун анча қулай (сензитив) ва мақбул шароитга эга эканлиги билан ажралиб турувчи у ёки бу қисм ҳукм суради. Алоҳида ажратиб кўрсатиладиган мазкур қисм нерв жараёнларининг индукцияси қонуниятига биноан вужудга келади. Бош миa қобиғининг бирон-бир қисмида тўпланган (марказлашган) нерв жараёнлари индукция қонунига мувофиқ бошқа участкаларни тормозланишга олиб келади. қўзғалишнинг энг оптимал марказида янги шартли рефлекслар вужудга келади, дифференциаллаш эса муваффақиятли амалга ошади. қўзғалишнинг оптимал ўчоғи ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Бу ҳолатни чуқурроқ далиллаш учун И. П. Павловнинг ушбу фикрини келтириб ўтиш жоиздир: «Агар бош суяк косаси орқали кўриш мумкин бўлганда эди ва агар энг оптимал қўзғаладиган катта ярим шарлар ўрни ёритилганда борми, бу ҳолда биз фикрлайдиган онгли одамда унинг катта ярим шарлари бўйлаб доимо ўзгариб турадиган, шакли ва катталиги ғалати кўринишга эга бўлган ҳамда ярим шарларнинг қолган барча бўшлиғида кўпроқ ёки озроқ даражадаги соя билан ўралган оч рангли доғнинг у ёқдан бу ёққа қай тарзда кўчиб юришини кўрган бўлардик» (Двацатилетний опўт объективного изучения вўсшей нервной деятельности (поведения)) животнўх. -Полн. собр. соч. М. - Л, Изд-во АН, 1951, III том, . Iкнига, 248 бет. И. П. Павлов таъкидлаб ўтган оч рангли «доғ» оптимал қўзғалиш ўчоғи марказига

мос келади, унинг ҳаракати тўғрисидаги фикр эса диққатнинг интенсивлигини таъминлашнинг физиологик омили ҳисобланади. И. П. Павловнинг кўзғалиш марказининг бош мия пўсти бўйлаб ҳаракат қилиш юзасидан илгари сурган ғоялари, гипотезалари ва башоратлари кейинчалик Н. М. Ливановнинг экспериментал тадқиқот материаллари билан тўла исботланди.

Диққатнинг физиологик асосини тушуниб етишда А. А. Ухтомскийнинг илмий ишлари катта аҳамиятга эгадир. Муаллиф диққатнинг физиологик механизмлари тўғрисида тадқиқот ўтказиб доминанта принципини кашф қилади. А. А. Ухтомскийнинг нуқтаи назарича, мия пўстида кўзғалишнинг устун ва ҳукмронлик қилувчи маркази ҳукм суради. Олимнинг доминантага баҳо беришга кўра, у юксак даражадаги кўзғалиш маркази констелляцияси (муайян ҳолати) дир. Доминантанинг ҳукмронлик хусусияти шундан иборатки, у кўзғалишнинг янги вужудга келаётган марказлари фаолиятини чеклаш билан қаноат ҳосил қилмасдан, балки заиф кўзғатувчиларни ўзига тортади ва ана шу йўл билан уларнинг ҳисобига кучаяди, муайян даражада устунликка эришади. А. А. Ухтомскийнинг фикрича, доминанта кўзғалишнинг барқарор марказидир. Шунинг учун доминанта тушунчаси диққатнинг ҳаракатлантирувчи механизмини илмий жиҳатдан далиллаш учун хизмат қилиши турган гап.

А. А. Ухтомскийнинг таърифига биноан, доминанта- бу бир даврнинг ўзида ана шу марказда юз берадиган реакциялар хусусиятини белгилаб беришга қодир ҳукмрон кўзғалиш ўчоғидир. Унинг фикрича, доминанталар вужудга келган пайтда бош кўзғалиш ўчоқлари, яъни «субдоминанталари» нисбатан кучсиз кўзғалиш ўчоқлари мутлақо йўқолиб кетмайди, балки улар ўзаро қўшилиб, доминанта билан кураша бошлайдилар. Мазкур кўзғалиш ўчоқларининг ўзаро курашиши натижасида субдоминанта доминантага айланиши ёки олдинги доминанта эса субдоминанта билан ўрин алмашиши мумкин ҳукмрон кўзғалиш ўчоғи ҳисобланган доминанта диққатни муайян объектга йўналтириши, тўпланиши, мустаҳкамланиши, барқарорлашнинг физиологик асосидир.

Шундай қилиб, диққатнинг физиологик асослари тўғрисида мулоҳаза юритилганда фан оламида иккита таълимотнинг моҳиятига тўхталади. Ушбу таълимотларнинг биринчиси (И. П. Павлов қаламига мансуб) диққатнинг физиологик асоси кўзғалиш жараёнининг бош мия ярим шарлар қобиғининг айрим участкаларида тўпланиши натижасида оптимал кўзғалиш ўчоғининг ҳосил бўлиши ва айни вақтда манфий индукция қонунига биноан мия қобиғида бошқа нерв марказларининг маълум

даражадатормозланишидир. Иккинчиси эса А. А. Ухтомскийнинг доминанта назарияси талқинидан иборатдир. Чунки доминанта муайян нерв участкасидаги кучли кўзғалувчанлик қобилятига эга бўлган кўзғалиш марказидир. Доминанта мавжудлигида ундан бошқа нерв марказлари тормозланган бўлади. У марказий нерв тизимига келган ҳар қандай кўзғолиш, импульсларни қабул қилиб, уларга тегишли жавоб қайтаради-да, шу тариқа бошқа марказларни тормозлаш эвазига ўз фаолиятини яна кучайтиради.

Ҳозирги замон психофизиология фанида мианинг специфик бўлмаган тизимига оид турли тузилишидаги диққат ҳолатларининг ретикуляр формация, таламуз, гипоталамуз ва гиппокампларга алоқаси ҳақида анатомик, физиологик ва клиник маълумотлар мавжуддир. Улар тўғрисидаги мулоҳазалар кейинги саҳифаларда берилади.

### **3. Диққатнинг нейрофизиологик механизмлари (ретикуляр тизими активацияси)**

Ҳозирги замонда диққатнинг нейрофизиологик механизмларини тадқиқ этиш, кўп жиҳатдан психик жараёнлар кечишини танловчанлик хусусиятига боғлиқдир. У фақат кўзғалишининг оптимал даражаси мавжуд бўлган мия пўстининг уйғок (тетик) ҳолати орқалигина таъминланиши мумкин. Мия пўстининг уйғоклик даражаси пўстда зарур механизм (тонус) билангина таъминланиб, бош мианинг тепа стволида нормал муносабатни сақловчи кўтариловчи ретикуляр формацияни активлаштириш фаолияти билан уйғунликка эгадир.

Кўтариловчи ретикуляр формациянинг активацияси мия пўстлоғига организмдаги жараёнларнинг алмашишини таъминловчи импульслар олиб бориб, уйғоклик ҳолатини юзага келтириб туради. Бунда экстрарецепторлар ташқи кўзғатувчилар ёрдамида ташқаридан кириб келувчи информацияларни олдин стволнинг тепа бўлинмасига ҳамда кўриш тепалигининг ядросига, кейин эса бош мия пўстига олиб боради.

Бироқ мия пўстининг оптимал тонуси ва уйғоклик (тетиклик) ҳолатини таъминлаш фақат кўтариловчи ретикуляр формациянинг активациясига боғлиқ эмас. Балки бу нарса тушувчи ретикуляр формация фаолиятига ҳам алоқадордир. Тушувчи ретикуляр тизимнинг аппарати толалари бош мия пўстидан бошланиб (пешона ва чакка қисмларининг медиал ва медибазал бўлинмаларида), ствол ядроси томон, сўнг орқа мианинг ҳаракат ядроси сари йўналишда ҳаракат қилади. Шунинг учун тушувчи ретикуляр формациянинг фаолияти жуда муҳим бўлиб, унинг ёрдамида мия стволи ядросига кўзғалишни танловчи тизимига етказилади, даставвал бу жараён

бош мия пўстлоғида юз бериб, мураккаб билиш жараёнлари онтогенезида вужудга келган хатти-ҳаракатларнинг мураккаб программаси тариқасида инсон онгли фаолиятининг юксак шакли маҳсули бўлиб ҳисобланади.

Ҳар иккала ретикуляр формацияларни таркибий қисмларининг ўзаро таъсири миянинг актив фаолиятини ўз-ўзини бошқарувчи мураккаб шакли билан таъминлайди. Улар элементар, содда биологик ҳамда мураккаб, келиб чиқиш жиҳатдан ижтимоий стимуляция шакли таъсири билан ўрин алмаштириб турадилар.

Активация жараёнини таъминлашдаги бу тизимнинг муҳим аҳамияти кўп сериядан иборат экспериментал далиллар билан нейробиологлар Матун, Джаспер, Линдсли, Анохин кабилар томонидан текширилган.

Бремер тажрибасининг кўрсататишича, стволнинг қуйи бўлинмаларини кесиш тетиклик (уйғоқлик) ҳолатининг ўзгаришига олиб келмайди, лекин стволнинг юқори қисмини кесиш электр потенциалларнинг аста-секин пайдо бўлиши билан тавсифланадиган бўлган уйқуни вужудга келтиради.

Линдсли, сенсор қўзғатувчини вужудга келтирувчи мазкур сигналлар мия пўстлоғига боришни давом эттиради, лекин пўстнинг бу сигналларга жавоби қисқа муддатли бўлиб, узоқ вақтли турғун ўзгаришни амалга оширмайди. Ушбу далилларнинг кўрсатишича, уйғоқлик (тетиклик) ҳолатининг характерловчи қўзғалишнинг мураккаб жараёнларини вужудга келтириш учун сенсор импульслар оқимининг ўзи кифоя қилмайди. Шунинг учун ретикуляр тизими активациясини қўллаб-қувватлаб турувчи таъсир зарур.

Линдслининг психологик тажрибасига қараганда, кўтариловчи ретикуляр формациянинг активацияси натижасида ствол ядросидаги қўзғалиш ҳайвонларда сезги чегарасини пасайтиради, улар учун олдин мумкин бўлмаган ишни амалга ошириш имкони яратилади, нафис фарқлаш (дифференцировка) вужудга келади: конус билан учбурчак тасвирини аниқлаш ва бошқалар.

Доти, Эрнандес Пеон ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, кўтариловчи ретикуляр формация йўллариининг кесилиши олдин мустаҳкамланган шартли рефлексларнинг йўқолишига олиб келади. Бироқ ретикуляр формация ядросини қитиқлашда, ҳатто қўзғатиш чегараси атрофида бўлса ҳам шартли рефлексларни юзага келтиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, кўтариловчи ретикуляр формациянинг актив таъсири (тетиклик) учун зарур шарт бўлган оптимал ҳолат билан мия пўстини таъминлайди.

Жаҳон психологияси фанида олинган (тўпланган) маълумотларнинг аксарияти, кўтариловчи ретикуляр формациянинг

активацияси таъсири ўзига хос танловчанлик хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. Ретикуляр формация алоҳида сенсор жараёнларнинг танлаб (саралаб) фаоллашувини барпо қилмасдан, балки бир қанча биологик тизимларни танлаб фаоллашувини таъминлаш зарур: овқат, ҳимоя, ориентир рефлекси ва ҳоказолар.

П. К. Анохиннинг кўрсатишича, ретикуляр формациянинг алоҳида қисмлари мавжуд бўлиб, улар турли биологик тизимлар фаолиятини фаоллаштиради, шунингдек, ҳар хил фармокологик таъсирга (агентларга) нисбатан сезгирдирлар. Масалан: а) уретан-тетикликни блокада қилиб, уйқуни келтиради, б) аминазин-оғрик, ҳимоя қилиш рефлексларини блокада қилиб, тетикликка бефарқ қолади.

Демак юқоридаги маълумотларга асосланиб, ушбу фикр ва мулоҳазаларни билдириш мумкин: кўтариловчи ретикуляр формацияни фаоллаштириш таъсири танловчанликка эга бўлиб, бу танловчанлик асосий биологик системалар хусусиятига мос (муносиб) тушиб, организмни актив фаолият сари ундайди.

Тушувчи ретикуляр формацияни фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этиб, унинг импульс толалари бош мия пўстидан (пешона ва чакка медиал қисмларидан) бошланиб, ундан стволнинг юқори бўлинмалари аппарати томон йўналади. Олимларнинг фикрича, мазкур тизим диққатни олий формациясининг физиологик механизмларига таъсир этиш нуқтасига жуда яқин жойлашгандир.

Жаҳон фанида анатомик маълумотларга қараганда, тушувчи ретикуляр формациянинг толалари бош мия пўстининг барча участкаларига тарқалган бўлиб, энг хусусиятлиси- бу пешона қисмининг медиал ва медиобазал бўлимларидан бошланиб, то унинг лимбик областигача давом этади. Миянинг лимбик зонаси (гиппокамда) ва базал учларидаги нейронлар бошқа нейронлардан фарқ қилади, натижада кўриш ва эшитиш қўзғатувчиларининг айрим хусусиятларига нисбатан жавоб реакциясини беради. Мазкур нейронлар ҳар қандай қўзғатувчиларнинг кучайишида эмас, балки кучсизланишида ҳам фаол ҳаракатни юзага келтиради.

Бу ҳолатни ўрганган канадалик нейробиолог Джаспер юқорида таъкидлаб ўтилган хусусиятларни назарда тутиб, бу нейронларни «янгилик нейронлари» ёки «диққат катакчалари» деб номлашни тавсия қилади. Унинг фикрича, ҳайвонларнинг сигнал кутиш, лабиринтдан чиқиш йўлини кидиришда, пўстнинг худди шу областларида нейронларнинг 60 фоизи пайдо бўлиб, актив разядига айланадилар.

Агарда ҳайвонларда тайёргарлик ҳолатини бошқаришда лимбик областнинг медиал бўлинмаси ва базал бойламлари муҳим

роль ўйнаса, инсонларда эса мураккаб фаолият формациянинг асосий маркази мианинг пешона (манглай) қисмлари ҳисобланади.

Инглиз физиологи Грей Уолтер ўз тадқиқотларида фаол кутиш (масалан, синалувчининг 3 ёки 5 сигнални кутиши ва унга жавоб тариқасида кнопокани босиши) ҳолатининг ҳар қайсиси мианинг пешона қисмида электр тебранишни пайдо қилишини ва улар «кутиш тўлқинлари»дан иборат эканлигини далиллайди. Кутилаётган сигнални намоён бўлиш имконияти ортганда бу тўлқинлар нисбатан кучаяди, сигналларнинг эҳтимоли пасайганда эса, улар кучсизланади ёки бутунлай йўқолади. Ушбу ҳолат вужудга келса, сигнал пайдо бўлишини кутиш кўрсатмаси (инструкцияси) бекор қилинади.

Мия пўстини пешона қисмининг фаоллик ҳолатини бошқаришда (регуляциясида) қандай роль ўйнашини далилловчи тажриба М. Н. Ливанов томонидан ўтказилган. М. Н. Ливановнинг гувоҳлик беришича, ҳар қайси ақлий зўр бериш (математик топшириқларни ечиш пайтида) мианинг пешона қисмида кўп миқдорда синхрон тарзда ишловчи нуқталарни вужудга келтиради, бу ҳолат топшириқ ечиб бўлгунга қадар сақланади, кейин ўз-ўзидан ғойиб бўлади. Мия пўстининг пешона қисмидаги синхрон тарзда ишловчи пунктлар барқарор хусусиятга эгадир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин. Мианинг пешона қисми кўзғовчини вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки одамда фаоллик ҳолатининг ўзгариши унга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳайвон ёки одам мия пўстининг лимбик областидаги кўзғовчиларнинг кучайиши тушувчи ретикуляр формация тўқималари бўйлаб ҳаракат қилувчи импульслар манбаи ҳисобланади.

Жаҳоннинг йирик нейрофизиологларининг аксарияти, мия пўстининг қисмларини кўзғатиш мия стволи ядросининг электр фаолиятида бир қатор ўзгариш ясайди ва булар, ўз навбатида, ориентир рефлексини жонланишга олиб боради, деган хулосага келишган.

Тадқиқотчи С. Н. Нарикашвилининг тажрибасида бош мия пўстининг орқа қисмларини кўзғатиш натижасида кўриш тизимининг ичкари бўлимларининг жавоб реакциясида ҳам кескин ўзгаришлар юзага келиши кузатилган. Мия пўстининг сенсомотор қисмини кўзғатиш билан ҳаракат тизимининг пўстости бўлимлари фаолиятини сусайтириш ёки кучайтириш мумкин. Баъзи бўлимларни кўзғатиш ориентир рефлекси таркибига кирувчи хулқ реакциялари пайдо бўлишига олиб келади.

Юқоридаги фикрни тасдиқловчи тажриба Эрнандес Пеон томонидан ўтказилган. Унинг тадқиқотида миё пўстини қўзғалиш ўчоғининг кучайиши тушувчи ретикуляр формация орқали ўтиб бутун ствол бўйлаб тарқалган. Тажрибада мушукнинг оёғи остига сичқон ёки балиқ ташланганда, уларни ҳидлаб кўрса, «шилқ»этган овозга жавоб берувчи эшитиш нерви ядросининг актив электр разрядлари йўқолган. Бу далилнинг кўрсатишича, бош миё пўстида қўзғалиш ўчоғининг вужудга келиши миё стволи фаолиятини тўсиш ёки фаоллик ҳолатини бошқариш (регуляция қилиш) имкониятига эга.

Шундай қилиб, бош миё катта ярим шарлари пўстини унинг стволи билан иккиёқлама боғлаб турувчи кўтарилувчи ва тушувчи ретикуляр тизим танлаб фаоллаштирувчи таъсирга эга бўлиб, организм активациясининг юксак формацияси билан инсоннинг онгли (меҳнат, ўқиш, касбий) фаолиятини таъминлаб туради.

Ҳайвонларда лимбик пўстга озор бериш (экстирпация) миё стволи қисмлари электр фаолиятининг кескин ўзгаришига олиб келади ва уларнинг ҳулкида нуқсонлар ҳосил қилади. Бунинг оқибатида ориентир рефлексда патологик жонланиш номоён бўлади, шунингдек, танловчанлик хусусияти йўқолади. Комплекс методларга асосланган ҳозирги замон биология, физиология, нейрофизиология, психофизиология, психология фанларида ушбу омил миё стволи структурасининг пўстости механизмларини миё пўсти тормозлаш таъсиридан ҳалос қилиш деб баҳоланмоқда.

Демак, диққатнинг нейрофизиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юритилганда, кўтарилувчи ретикуляр тизим бош миё пўстига импульсларни етказувчи, формациянинг биологик шартланган шакли эканлигини, тушувчи ретикуляр тизим эса импульсларнинг фаол таъсирини вужудга келтириш имкониятини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

#### **4. Жаҳон психология фанида диққат назариялари**

Психология фанининг аксарият манбаларида диққат деб психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун маълум даражада аҳамиятга эга бўлган объектнинг устида тўпланиши тушунади. Диққат шундай муҳим бир психик жараёнки, у инсоннинг жамики фаолиятларида бевосита иштирок этади ва уларнинг муваффақиятли яқунланишини таъминлайди. И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти, А. А. Ухтомский илгари сурган доминантлик принципи ва уларнинг замондошлари тадқиқотлари диққатнинг физиологик асослари ва механизмларини илмий нуқтаи назардан тушунтириш имконини яратди.

Диққат билиш жараёнларини (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва бошқаларни) вужудга келиш, ривожланиш ва такомиллашишнинг зарурий шартидир. Билиш жараёнларининг бирлиги, барқарорлиги, ўзаро уларнинг уйғунлиги, самарадорлиги, мазмундорлиги ва тизимлилиги бевосита диққатга боғлиқдир.

Инсоннинг ҳар бир билиш жараёни фақат диққат ёрдамидагина рўёбга чиқа олади (лекин қизиқиш ва иродавий актни эътибордан четда қолдирмаслик шарт). Агарда диққат пассив (фаолсиз) кўзғатувчилар ёрдамида вужудга келса, у тақдирда билиш жараёни маҳсулдорлиги кескин камаяди, ҳатто тормозланиши ҳам мумкин. Диққат кучсиз, беқарор, объектга тўпланиши заиф бўлса, кишининг диққати узоқ вақт муайян вазифани бажаришга онгли равишда йўналтирилган тақдирдагина билиш жараёни мақсадга мувофиқ амалга ошади, холос.

Объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, субъектив рухий кечинмалар, муайян таассуротлар, инсоннинг хулки, фаолияти диққатнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Диққат жараёнида онгнинг воқеликка нисбатан танлаб муносабатда бўлиши (тўпланиш, қаратилиш, йўналтириш, мустаҳкамланиш)хусусияти намоён бўлади. Одамнинг бирон-бир объектга эътиборини йўналтирар экан, у онгида фақат худди шу объектнинг ўзинигина акс эттириб қолмасдан, балки айна бир даврда қолган нарсалар ва ҳодисаларни онг доирасидан четда қолдирмайди. Диққатнинг кўлами қанчалик кенг доирага ёйилса, демак, у танланган объектнинг миқдори шунчалик кўп бўлади ва бошқалар.

Собиқ совет психологиясида диққат муаммоси бўйича хорижий психология фанига нисбатан анча мураккаб, мустақил, илмий манбаларга эга ҳисобланади ва у шу билан ўзаро фарқ қилади. Лекин собиқ совет психологиясида диққатга нисбатан мукаммал, қатъий фикр вужудга келгани йўқ, лекин унинг атрофида жуда кўп тортишувлар, мунозаралар бўлиб ўтган. Диққатнинг психологик табиати тўғрисидаги XX асрнинг 20-30 йилларда бошланган илмий баҳслар то ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Илмий мунозараларнинг замирида асосий фикр-диққатнинг битта объектга қаратилишидир. Бу илмий модель онг-объектда тарзда ифодаланади. Бу ғоя йирик психолог П. П. Блонский томонидан илгари сурган ва асосланган. Унинг фикрича, одамнинг онги битта объектга қаратилгандан кейин у атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кўрмайди. Кўпчилик психологлар П. П. Блонскийнинг бу фикрига қўшилмайдилар. Жумладан, атоқли психолог С. Л. Рубинштейн мулоҳазасига кўра, диққат онгга ҳам, объектнинг хусусиятларига ҳам боғлиқ эмас. Бунинг аҳамиятли томони диққатнинг объектга йўналтирилишидадир. Мазкур йўналтиришнинг асосий сабаблари:



шахс, эҳтиёж, мақсад. Демак, диққат одамнинг муносабати орқали ифодаланади: диққат-муносабат. Лекин бу ўринда одамнинг диққати шахснинг хусусиятига айланиб қолмасмикин? Иккинчи бир томондан, одам ўз диққати хусусиятларига қараб, уларни ўзаро бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

Психология фанида диққатни ўрганишнинг яна икки хил назарияси мавжуддир (курсив бизники-Э. ғ.). Биринчи назария негизида онгнинг бир нуқтага йўналганлиги ётади. Иккинчи назарияга биноан унинг замирида организмнинг ориентировка фаолияти туради. Ушбу гипотезаларни илгари сурган психологлар диққатни йўналганлигининг объектга боғлиқлигини ва унда жараёни бошқариш имконияти мавжудлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Н. Ф. Добринин, А. Н. Леонтьев, П. Я. Гальперинларнинг фикрича, организмнинг қидирув ҳаракатлари, ориентировка фаолияти икки қисмдан иборатдир.

1. Диққат қаратилган ташқи ифодага эга бўлган объектни сезиш, идрок қилиш. Шу ерда қарама-қаршилик вужудга келади: чунки объектнинг йўқолиши билан диққат ҳам ўз функциясини тугатади. А. Н. Леонтьев мулоҳазасига кўра, бу ориентир фаолияти эмас, чунки объектнинг пайдо бўлиши билан диққат ҳам намоён бўлади, объект йўқ бўлса, демак диққат ҳам бўлмайди, деб таъкидлайди. П. Я. Гальперин эса, объектнинг пайдо бўлиши билан диққат юзага келади. Объект йўқолганидан кейин эса психик қисм бўлган текшириш, назорат қилиш жараёни бошланади. Демак, диққат онгни бир объектга йўналтирилиши ва онгли ҳолатни назорат қилувчи жараёндан иборатдир.

Психологияда диққатни «йўналтирилиши» деганда, психик фаолиятнинг танловчанлиги ва ихтиёрий ҳамда ихтиёрсизлиги тушунилади. Бу тўғрида мулоҳазалар бошқа саҳифаларда давом эттирилади.

XX асрнинг 20-йилларда бир қанча психологлар диққат муаммосини установка билан боқлаб тушунтирдилар. Бунинг яққол исботи К. Н. Корнилов таҳрири остида 1926 йилда чоп қилинган психология дарслигидаги бир мавзу «Установка ва диққат» деб аталганлигидир. Дарсликда ёзилишича, қатор объектлардан бир объектни ажратиш диққатнинг субъектив кечинмасидир ва буни объектив ҳодисалар билан таққослаш сезги органларининг установкасидан- ишлаш вазиятидан иборатдир.

Шунга ўхшаш ғоя Л. С. Виготскийнинг дастлабки тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Л. С. Виготский диққат билан алоқадор бўлган иккита установка турини ажратиб кўрсатади:

Сенсор установка - тайёргарликда идрокнинг устунлиги қобиляти.

Мотор установка - тайёргарликда ҳаракатнинг устунлиги қобиляти.

Сенсор установкада идрок, мотор установкада эса ҳаракат устунлиги сезилиб туради. Л. С. Виготский буларга мисол қилиб жисмоний тарбия машғулотида команда (буйруқ) беришни келтиради. Сафда турганларга қараб «Ўнг» деб айтамыз. Шу заҳотиёқ сафланганлар буйруқ охирини айтишга сенсор установка кўзгайди «га !» дейиш оёқларни айлантиришга мослашиш билан боғлиқ мотор установка команда охирини эшитишни таъминлайди.

Бу йилларда психологлар установкани кишининг ижтимоий тажрибаси билан боғлиқ равишда тадқиқот қилишга ҳаракат қилганлар. П. П. Блонскийнинг мулоҳазасича, диққатнинг асосида кишининг ижтимоий қизиқишлари ётади. Психологлар орасида диққатни тушунтиришда турли қарашлар, назариялар вужудга келади. Ваҳоланки, П. П. Блонский диққат билан кўркув, ваҳимани бир нарса деб қаради. кўркув-бу диққатнинг интенсивроқ намоён бўлиши, яъни максимал даражада акс этиши деб тушунтиради. Бу ерда психик фаолиятнинг маъноси бутунлай йўқотиб кўрсатилган туюлади ва диққат биологик нуқтаи назардан қаралганга ўхшаб кетади. Биологик позицияда диққат бош мия ярим шарлари фаолияти билан эмас, балки вегетатив нерв тизими билан боғлиқликда тушунтирилади.

Таниқли психолог Д. Н. Узнадзеинг диққатни установка билан боғлаш назариясига Н. Ф. Добринин қарши чиқди. Н. Ф. Добринин фикрича, диққатнинг установка билан боғловчи назарияси қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олмаган. Диққат ҳақиқатдан маълум мослашувчи ҳаракатлар билан бирга бўлади, лекин бу ҳаракатларга бориб етмайди. Агар томошабин сахнадан ўгирилса, кўзини юмади, қулоғини беркитади, у сахнада нима бўлаётганига диққат қилолмайди. Сахнага қараш ва эшитиш учун бошқа ҳамма нарсалардан чалғиш керак ва идрокни сахнада бўлаётган ҳодисаларга қаратиш лозим. қараб туриб кўрмаслик, тинглаб туриб эшитмаслик мумкин. Диққат шундан иборатки, у нимага қаратилган бўлса, уни кўриш демакдир. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Н. Ф. Добринин диққатни киши психик фаолиятини бирон-бир объектга йўналтириш ва тўплаш билан бошқа объектлардан чалғиш орқали тушунтиради.

Диққатнинг психик фаолиятнинг қандайдир объектга йўналиши ва тўпланиши орқали ўрганишни қатор муаллифлар танқид қиладилар. Ана шулардан бири С. Л. Рубинштейндир. С. Л. Рубинштейн диққатни алоҳида мазмунга (маҳсулга) эга эмаслигига кўшилади, лекин унинг гувоҳлик беришича, диққатни бирор объектга танлаб йўналиши унинг феноменологик характериدير.

Бундай феноменологик характеристикада ҳам диққатнинг табиати ва хусусиятлари очилмай қолаверар экан.

Мана биз диққат назариялари юзасидан муайян даражада маълумотга эга бўлдик. Ижтимоий турмушда диққат хусусиятлари аҳамиятлилигининг ошиши-унинг экспериментал тарзда ўрнатилишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Диққатнинг аҳамиятлилиги қандай муаммоларда намоён бўляпти? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин илмий-техника революцияси кишилар олдида қандай масалалар қўяётганлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Булар:

- 1) бир вақтнинг ўзида кўпчилик объектларни қабул қилиш;
- 2) дистанцион бошқариш, яъни информацияни бошқариш;
- 3) ҳар хил операцияларнинг тез ва аниқ бажарилишини таъминлаш ва бошқалар. Булар кишининг фаолиятида алоҳида психик жараёнларнинг аниқ, равшан ва равон юзага чиқишини таъминлайди.

Диққат таъкидлаб ўтилган вазифаларни амалга оширишда жуда муҳим роль ўйнайди. Диққатнинг хусусиятлари, айниқса унинг кучи ва барқарорлиги танловчанлиги, бўлинувчанлиги, кўчиши, кўлами (ҳажми), тақсимланиши, тўпланиши, мустаҳкамланиши кабиларнинг аҳамияти каттадир. Одамнинг ҳар қандай фаолиятида диққатнинг иштирок қилиши (қатнашиши), бу фаолиятнинг самарадорлиги ва муваффақиятли чиқишини таъминлайди. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги-бу шундай хусусиятки, бунинг негизида қилинаётган ишнинг натижаси эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги ўз одам фаолиятини бирор нарсага ёки ҳодисага муттасил равишда узок вақт давомида қаратиб турилишидир.

Диққатни фаолият устида тўплаш ва ушлаб туриш учун фаолиятни тўғри ташкил қила билиш керак. Масалан, 10-12 ёшли болалар 40 минут давомида танаффузсиз ишлашлари мумкин. Агар фаолият қизиқарли ташкил қилинса, у ҳолда бундан ҳам кўпроқ вақт машғул бўлишлари мумкин.

Психолог Г. С. Бакрадзе диққатнинг объектда тўпланиши фаолиятнинг роли ҳақида қизиқарли илмий текшириш тажрибасини ўтказган. Агарда диққат заифлигини текширувчи ўз вақтида пайқаб, унга нисбатан қандайдир мускул ҳаракатини амалга оширса, у яна тикланади. Булардан ташқари, диққат барқарорлиги фаолиятнинг характерига, шахснинг ўзига боғлиқлиги бир қанча психологлар томонидан исботланган.

Жумладан, А. П. Газова диққатнинг бўлинувчанлигини кўп станокда ишловчи тўқувчиларда ўрганиб, жуда қимматли материаллар йиғади. Унинг фикрича, диққат бу касбадаги одамларда

ихтиёрсиз ва ихтиёрий мувозанатлашган бўлиши мумкин. Бир нечта станокда ишлаш малакалари ҳосил бўлиши натижасида буларда ихтиёрий мувозанатлашган диққат тури вужудга келади.

Диққатнинг бўлинувчанлиги устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иккита ёки учта ишни бирданига бажариш мумкин, бунда И. П. Павлов кўрсатганидек, улардан бири таниш (ишдан олдин бажарилганлигини эслатувчи) ва бош мия ярим шарлар пўстлоғида «навбатчи пунктлар» мавжуд бўлса. Иккита фаолиятни бир даврнинг ўзида бажариш учун фаолиятнинг бири диққатни талаб қилмайдиган ёки автоматлашган бўлиши талаб қилинади. Кишида бундай имконият фақат машқ қилиш орқалигина юзага келиши мумкин, холос.

Диққатнинг кўчувчанлиги мезони (критерияси) фаолиятимизнинг бир турдан иккинчи турга айланишидир. Жумладан, телефонистка диққатини тезкорлик билан бир абонентдан иккинчисига кўчириши бунга ёрқин мисолдир. Диққатнинг кўчувчанлик хусусияти секинлашуви унинг сифати пасайишига олиб келади. Диққатнинг онгли равишда кўчиши намоён бўлса-да, лекин айрим ҳолларда онгсиз ҳолатда инсон диққати бир объектдан иккинчисига кўчиши ҳам мумкин. Мисол учун табиат кучоғига сайр қилиш чоғида, кино фильм тамоша қилишда худди шундай кўчиш ҳолати юзага келади.

Диққатнинг хусусиятларидан кенг доирада ва аниқ ўрганилгани унинг кўлами (ҳажми) бўлиб ҳисобланади. Диққат қаратилган нарсалар ва ҳодисалардан қанчаси онгимиз объектидан жой олган бўлса, демак унинг шу билан кўлами(ҳажми) ўлчанади. Диққат кўлами (ҳажми) тахистоскоп деган асбоб ёрдамида аниқланади. Тахистоскоп экранда текширилувчиларга бир тўп ҳарфлар кўрсатилади.

Объектдаги нарсаларни идрок қилишда уларни тўла акс эттириш мумкин эмас. 0, 1 секунд оралиғида объект яққол намоёиш қилинса, ўртача 5-9 тагача ҳарфлар идрок қилинади. Агарда таниш сўзлар идрок қилинса, унинг кўлами 12 тагача ортиши мумкин. Бу асбоб ёрдамида чет эл психологиясида диққатнинг объектив ва субъектив типлари ўрганилади: А) объектив тип-камроқ идрок қилинса-да, лекин аниқлиги билан ажралиб туради; б) субъектив тип- кўп идрок қилинса-да, бироқ ноаниқ, шунингдек, ўзидан қўшилган ортиқча элементларга серобдир.

Собиқ совет психологияси фани намояндалари, жумладан Н. Ф. Добринин ўзи ва шогирдлари ўтказган текширишларига асосланиб, бундай типология диққатнинг моҳиятини очишга етарли эмас деб, ҳисоблайди. Турмушда шундай одамлар учрайдики, улар объектни ҳам кўп, ҳам аниқ идрок қила оладилар. Яна шундай

тоифадаги кишилар мавжудки, улар нарсаларни ҳам кам, ҳам ноаник идрок қиладилар, ўзларидан кўп нарсаларни қўшиб юборадилар.

Тадқиқотчи Е. Б. Пирогова ўқувчиларда эшитиш ва кўриш диққатини ўрганиб, эшитиш диққатининг кўлами (ҳажми) кўриш диққатидан бир неча бор кичиклигини таъкидлаб ўтади.

П. Я. Гальперин диққати сушт бўлган болалар устидан «ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси» га асосланиб, бир неча сериядан иборат тажриба ишларини олиб борган. «Ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш» тажрибаси 5 сериядан иборат бўлиб, унинг биричи қисмида 23 та синалувчи (3-синф ўқувчилари) қатнашган. Уларга 14та хатоси бор текст (матн) берилиб, уларни тузатиш вазифаси қўйилади. П. Я. Гальперин назариясига биноан, бу асосда болаларга ориентирлашни шакллантириш керак. Шунинг учун 1-серия «Ориентирлаш асоси» деб номланади.

Тажрибанинг 2-серияси эса, «Моддийлаштириш» деб аталиб, 9 та синалувчидан 20-25 минут давомида ўтказилади. Бу тажриба индивидуал тарзда олиб борилади. Ўқувчилар матндаги хатоларни топиб, уларни карточкалардан текширишлари (таққослашлари) керак. Тажрибада 5 та ўқувчи кўпроқ қийинчиликларга дуч келишади, овоз чиқармасдан ўқиб, тезгина хатоларни тузатишади.

3-серия объектни овоз чиқариб муҳокама қилиш дейилади.

Берилган топшириқни бажариш жараёни бирмунча қийин кўчади. Чунки, ҳали бу ёшда болаларда ўз-ўзини назорат қилиш шаклланмаган бўлади. Шунинг учун тажрибада уй топшириқларини ўқувчилар мустақил тарзда ечадими ёки йўқми назорат қилиш ота-оналардан илтимос қилинади.

Ва ниҳоят, шунга эришилдики, «диққатсизлик» йўқолиб, ўқишга муносабат ўзгаради. Уларда интилувчанлик ва кунт шаклланиб, ўз-ўзига ишониш, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш пайдо бўлади.

4-серия шивирлаб ўзи учун мулоҳаза юритишдан иборатдир. Бу серияда «диққатсизлик» туфайли қилинаётган хатолар барҳам топади. Болалар ушбу босқичда 0, 2 хатога йўл қўядилар, холос.

5-серия-«Дилга жо қилиш» («в уме») дир. Бу серияда экспериментаторлар ўз олдиларига назорат қилиш хатти-ҳаракатларини умумлаштириш вазифасини қўядилар.

1. «Шахмат доскасига фигура ҳолати тўғрилигини текшир»
2. «Шулар орасидаги ўхшашини топ»
3. «Намунавий карточкадаги рақам билан бунисидаги (карточкадаги) рақам бир хилми, текшир»
4. «Бетартиб жойлашган рақамлар ичидан мана бунақасини топ» ва бошқалар.

Умуман олганда, 3-сериянинг натижалариданок кўринадик, топшириқлар кўламини (ҳажмини) кенгайтириб назорат қилиш хатти-ҳаракатларини шакллантиришга асос бўлади.

Диққат муаммосини ўрганувчи олимлар унинг бошқа психик жараёнлар билан боғлиқлиги ва роли масалаларини ўрганганлар. Жумладан, Н. Н. Ланге, А. Р. Лурия ва бошқалар.

Н. Н. Ланге диққатнинг ирода, рефлексив, инстинктив, перцептив ҳолатлар билан боғлиқлигини ўзингиз «Иродавий диққат назарияси» асарида кўрсатиб беради. А. Р. Луриянинг фикрича, кичик ёшдаги болаларда диққатнинг бу ҳолатини кўриш осон. Биринчи босқичда у беқарорлиги ва кўламининг торлиги (бола дастлабки ёки мактабгача ёшида янги пайдо бўлган кўзғатувчини йўқотади, ориентир рефлекс унда жуда тез сўнади ёки бошқа кўзғатувчиларни тормозлайди) учун кўзғатувчилар қуршовидаги диққатни бўлолмайди. Биз ўқув фаолиятида диққатни шакллантиришда иродавий диққат билан эмоционал қизиқишнинг бирлашуви, кўз югуртириш, иллюстрацияларни чуқур таҳлил қилиш, мантикий урғуга эътибор бериш, текстдан мантикий хатони топиш, ундаги нуқсонларни пайқаш усулларида фойдаланиб тажриба ўтказиб, диққатни асосланганмиз. Тажрибаларда топшириқни бажариш учун унга диққат йўналтирилади, уни ечиш фаолиятида эса диққат шакллантирилади.

Рус психологи Н. Н. Ланге ўзининг «Иродавий диққат назарияси» деган китобида (1893 йилда босилган) диққатнинг назариясига бағишланган жамики ишларнинг хронологик тарзда туркумларга (гурӯҳларга) ажратиб хайрли ишни амалга оширган. Унинг назарий мулоҳазаларини туркумлаштириш муаммоси юзасидан фикрлар П. Я. Гальпериннинг асарида ҳам кенг жой ажратилган (П. Я. Гальперин, С. Л. Кабильницкая. Формирование (экспериментальное) внимания. М. : МГУ, 1974).

Н. Н. Ланге диққат муаммосини ўрганишнинг қадимги даврдан бошлаб, то XIX асргача бўлган ривожланиш босқичини саккиз туркумга ажратган ҳолда таҳлил қилади ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари атрофлича очиб берилади.

Н. Н. Ланге биринчи туркумга (гурӯҳга) диққатнинг мотор назариясини ёқлаб чиққан олимларни киритади: Р. Декарт, Я. Фриз, Ф. Бэк, Г. Лотце, Т. Циен, Р. Рибо, Н. Н. Ланге. Таъкидлаб ўтилган назарияларнинг барчасида диққат мотор ҳаракатни мослашиш натижаси сифатида вужудга келиб, шу заҳотиёқ предметни идрок қилишни яхшилайдик ёки ғояларнинг ақлий жихатдан оқилона таҳлил қилишни тақозо қилади. Н. Н. Лангенинг таъкидлашича, бу ҳол диққатни назарий тадқиқ қилишдагина намоён бўлиб, уч хил ўзаро ўхшамаган ҳолатни ҳисобга олишни тақозо қилади: а) ғоя ёки

объектни дастлабки босқичини пайқаш, б) уларни идрок қилиш жараёнини такомиллаштириш, в) ғоя ёки предметни аниқ ва равшан идрок қилиш натижасини ҳисобга олиш. Муаллифнинг уқтиришига биноан, диққатни тадқиқ қилиш унинг иккинчи звеносига йўналтирилиши лозим, бунинг шу жараёнга қаратилиши натижасида унинг механизмини аниқлаш имконини берсин, объект билан дастлабки танишишни такомиллаштириш учун хизмат қилсин. Н.Н.Лангенинг шахсий нуқтаи назари шундан иборатки, ҳар қайси сезги ва ғоя қайсидир, ҳаракат билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатни эсга тушириш (тиклаш) давомида сезги ва ғоянинг қўшимча кучайганлиги тўғрисида маълумот берамиз.

Иккинчи туркумга Н. Н. Ланге диққат онг кўламининг чекланиши деган назарияларни киритади: жумладан, И. Гарберг, В. Гамильтон кабилар. Буларнинг тушунтиришларига кўра, диққат бу онг кўламининг чекланишдан иборат бўлиб, «кучлилар» нисбатан кучсизларини сиқиб чиқариш билан характерланади.

Учинчи туркумга инглиз ассоцианистик эмпиризм классик назарияси киради (Д. Хартли, П. Браун, Дж. Милль, А. Бэн кабилар). Мазкур гуруҳга кирган олимларнинг моҳиятидан иборат бўлиб, у алоҳида жараён сифатида ҳукм сурмайди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ушбу психологик мактабнинг намояндалари, содда ҳис-туйғулар (мамнуният-мамнун бўлмаслик) ва оддий хотира билан тенглаштириб қўяди. Уларнинг фикрича, диққатни ўзига тортадиган нарсаси бу қизиқиш билан боғлиқдир, маълумки қизиқиш эмоциянинг айнан ўзидир: эмоция эса объектга идрок ёки тасаввурни жалб қилади, ассоциация ўрнига интенсивлик, аниқлик, равшанлик, барқарорлик кабиларни олиб келади.

Бешинчи туркумни шундай диққат назариялари ташкил қиладики, қайсики диққат операцияларининг бирламчи рухий қобилят тариқасида намоён бўлиши (Г. Лейбниц, И. Кант, В. Вундт), ички ирода бирламчи рухий кучнинг автономияси (У. Джемс) дан иборатдир. Бу назарияларда диққатнинг фаоллик хусусиятини тан олишларини таъкидлаб ўтсаларда, лекин уларчасига, диққат ҳамма нарсани тушунтириш учун хизмат қилса-да, бироқ унинг ўзини хаспўшлаш жуда мушкул, шунинг учун уларнинг негизида қандайдир ғайритабиийлик (бинобарин, ноилмийлик) ётади.

Бешинчи туркумни шундай диққат назариялари ташкил қиладики, уларнинг талқинича, диққат бу олий нерв марказларидан келадиган қўшимча нерв қўзғалишларининг фаолиятидан иборат бўлиб, образ ёки тушунчаларнинг кучайишига олиб келади (Р. Декарт, И. Миллер, Ш. Бонне). Бу назариялар диққатни шундай таърифлайдики, ҳиссий органлардан келадиган қўзғовчига марказий

нерв участкалари нерв импульсларини юбориб туради, натижада импульс ташқи қўзғатувчининг у ёки бу томонига тўпланади, уларга қўшимча аниқлик ва равшанлик киритади. Бу ўринда Н. Н. Лангенинг ушбу ҳолат физиологик гипотеза (тахмин) эмас эканлигини аниқ пайқаш қобилятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки мазкур физиологик терминлар, омиллар, далиллар замирида диққат жараёни муаллиф томонидан шахсан ўзи кузатганлиги туради.

Олтинчи тукумини ташкил қилишда Н.Н.Ланге тўртинчи гуруҳда қайд қилинган назарияга қайтатдан мурожаат қилади. Агарда тўртинчи туркумда апперцепция ва ироданинг идеалистик талқини юзасидан мулоҳаза юритилган бўлса, олтинчи гуруҳ назарияларида уларнинг руҳий ёки психологик фаоллиги тўғрисида фикр билдиради.

Н. Н. Ланге еттинчи гуруҳга диққатни бир нарса билан машғул бўлиши фаолияти сифатида талқин қиладиган назарияларни киритади (Г. Ульрици, Г. Лотце). Лекин фаолият тўғрисидаги ғоя бу олимлар томонидан ёритилиб беришга ҳаракат қилинган, лекин бир нарса билан машғул бўлиш руҳий фаолиятни ҳар қандай мазмунли, объектив, предметли фаолиятга қарама-қарши қўйиш тўла-тўқис мазмунсиз фаолият ҳақида фикр юритишга олиб келган.

Н. Н. Ланге диққат назарияларининг саккизинчи туркумини амалга оширишда нерв жараёнининг онтогенетик ўзаро таъсирини асос қилиб олади. Бунда онгни муайян объектга тўпланиши нерв жараёнлари билан боғлиқлиги ва улар диққатнинг физиологик асосини ташкил қилиш мезони эканлиги муаллиф томонидан далиллаб берилади. Бу ҳақида диққатни ўрганиш методлари саҳифамизда фикрларни яна давом эттирамыз.

Шундай қилиб, Н. Н. Ланге юқоридаги мулоҳаза юритилган асарида бир томондан, тарихий, иккинчи томондан, илмий-экспериментал жиҳатдан диққатни ёритиб бериш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун бу асар ўзининг қийматини ҳали йўқотганича йўқ.

## **5. Диққатнинг педагогик психологияда ўрганилиши**

Улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский ишларида диққат тўғрисида жуда илиқ фикрлар айтилган. Унинг фикрича, диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб кради. Диққат объектни тўла ва аниқ идрок қилиш қобилятига эга. Зийракликнинг қатор сабабларига олдин идрок қилинган объект изларининг аҳамиятидан ташқари, Ушинский «таъсиротнинг кучи ва тўпланган актларни бошқара олишни кўрсатади. Боланинг ривожланиши унинг диққатини тўғри йўналтира билишдалигини



муаллиф кўрсатади. Диққатнинг тўлалиги, барқарорлигини таъминловчи тўпланишнинг психологик механизмларини муҳокама қилиш ҳам Ушинскийнинг асарларида учрайди. У диққатнинг асосий омили иродавий бошқариш деб ҳисоблайди. Шунинг учун диққатни мақсадга йўналтириб бошқара олиш қийин ва мураккаб жараёндир. К. Д. Ушинскийнинг кўрсатишича, киши ўз ҳиссиётларини диққат орқали бошқаради, бунда у ихтиёрий йўналтирилади. Муаллиф диққат турларини ихтиёрсиз ёки пассив, ихтиёрий ёки актив кабиларга ажратади. Унингча, ихтиёрий диққат бизнинг томонимиздан зўр бериш орқали ўзига предмет танлайди. Ихтиёрий диққатни объективлаштириш унинг фаол хусусиятидан биридир. Чунки, у кишининг ўзи орқали кўзғатилади ва қўлланилади.

К. Д. Ушинскийнинг айтишича, ихтиёрсиз диққат ташқи ва ички сабабларга кўра ҳосил бўлади. Ташқи сабаблар, кўзғатувчининг кучига, организмнинг айна вақтдаги ҳолатига боғлиқ. Пассив диққатнинг ички сабаблари бизнинг сезгиларимиз изларини боғланишидир. Идрок қилинган объектнинг янгиликлар босқичини диққатнинг истовчи омили эканлигини муаллиф фарқлайди. Диққат қаратилаётган объект маълум ўлчовда бўлиши керак.

Диққатнинг психологик таҳлилини К. Д. Ушинский тарбия муаммоси билан боғлайди. Диққатни бошқара билишни ақлий ривожланиш ва амалий фаолият учун асосий омил деб ҳисоблайди. Диққатнинг мақсадга мувофиқ бошқариш-идрок қилиш пайтида ва асосий ишдан ташқаридагиларга чалғимаслик тушунилади. Тарбиячиларнинг вазифаси болаларнинг актив диққатини тўғри йўналишда кўриш ва уларнинг диққатини ўзлари бошқаришга ўргатишдан иборатдир.

К. Д. Ушинский томонидан ечилган муаммолар, ўтказилган текширишлар шуни кўрсатиб турибдики, у онгни тўпланиш қобилятини диққат билан тушунди, у диққатни ўрганишда шахс психологиясидан келиб чиқди. Табiiй-илмiiй тушунтиришда ўз даврининг физиологик билимларидан унумли фойдаланди.

XX асрнинг 40-йилларда психология фани бир қатор муваффақиятларга эришди. Психология фани назария ва тажрибага асосланган ҳолда жуда кўп муаммоларни ечишга муваффақ бўлди. Назарий жиҳатдан катта ўрин олган масалалардан бири – «олий психик функцияларнинг ривожланиши ва структураси» тўғрисидаги Л. С. Виготский илгари сурган концепциялардир. Бунинг асосида иккита гипотеза ётади.

А) психик фаолиятнинг хусусияти ҳақида.

Б) бирламчи ташқи ва ички фаолиятдан ички психик жараёнларнинг намоён бўлиши.

Л. С. Виготский психик функциялар ривожланишини ўргана бориб, шулар ичига ихтиёрий диққатни ҳам киритади. Унинг фикрича, бола диққатининг тарихи-бу бола хулқининг пайдо бўлиши тарихидир. Л. С. Виготский ишларининг характерли томони киши психикасини тушунишда тарихий ва генетик ёндашишдир. Бунда у диққатни ўрганишга ҳам татбиқ қилган ва диққатнинг ривожланишини кўрсата олган. Муаллиф диққат ривожланишининг иккита йўналишини кўрсатади.

1. Диққатнинг натурал (табiiй) ривожланиши. Бунда муаллиф умуморганик ривожланишини тушунтиради, яъни марказий нерв тизимининг структуравий ва функционал жиҳатдан ўсишини кўрсатади. Бу ривожланиш бутун ҳаёт давомида содир бўлади, аммо бунда «секинлашган» ва «бир оз пасайтирилган» кўринишлар мавжуд.

2. Диққатнинг маданий ривожланиши. Бунда ихтиёрий диққатни намоён бўлиш хусусияти маданий концепция билан боғлиқ деб тушунтирилади. Катта ёшдаги одамлар диққатининг психологик механизми ҳақида гапириб, ташқи операция органзм хатти-ҳаракатини ички операциясига айланади, дейди. Маданий ривожланиш бола ташқи муҳит билан алоқага кириша бошлаганидан ўса бошлайди.

Маданий ривожланиш назариясининг бир неча баҳсбоп томонлари мавжуд. Булардан бири-бу бола диққатини ривожланишнинг «натурал» фазасидир. Л. С. Виготский «интериоризация» фикрини илгари сурганида, яъни ички психик фаолиятни ташқи амалий фаолиятдан келиб чиқиши, ташқи ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга, нарсаларнинг образларига ва улар ҳақидаги тушунчаларга айланиш жараёнини назарда тутди. Бу билан психик ривожланишнинг битта қонуниятини очди, лекин бу тўла характеристика бўла олмайди, чунки бунда мазкур жараён билан бирга «экстериоризация» жараёни мавжуд эканлиги диққат марказидан четда қолди.

Л. С. Виготскийнинг илмий ютуғи шундан иборатки, у диққат муаммосини ўрганишда ижтимоий ва генетик нуқтаи назардан ёндашди. Ихтиёрий диққатни ташқи стимуллар воситасида нутқ функциясини йўналтириш деб тушунтира олди.

Л. С. Виготский ишларини А. Н. Леонтьев ижодий давом эттириб, ихтиёрий диққат ривожланишини ўрганди. У ихтиёрий диққатни хатти-ҳаракатни бошқаришни олий формаси ва тарихий ривожланиш маҳсули деб тушунди. Болаларда диққат формаларини таҳлил қилиб, уларнинг 3 та босқичи мавжуд эканлигин кўрсатади:

1. Натурал бевосита, тўғридан-тўғри актлардан иборат.

Бунда тўпланиш ихтиёрсиз намоён бўлиб, асосан мактабгача бўлган болаларда вужудга келади. Яъни бу болалар ўз хулқ-атворларини ўзлари бошқара бошлайдилар.

2. Ташқи белгининг аҳамиятини эгаллаш, тушуна билишлар туради. Бу босқич бошланғич таълимда асосий роль ўйнайди.

3. Ташқи таассуротларнинг ички таъсирларига айланиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бу асосан катта ёшдаги кишиларда учрайди.

Узоқ вақт А. Н. Леонтьев мактабгача ёшдаги болалар диққатини текширади. Чунончи, идрок билан диққат алоқасини ўрганади. Диққат шундай психологик ҳодисаки, у идрокнинг қандай кечиши билан белгиланади, деб тушунтиради. А. Н. Леонтьев ўзининг кейинги ишларида ўқувчилар диққатини ривожлантириш ва уларда идрокни бошқариш, кўриш, эшитиш, қўйилган топшириқни тушуниш кабиларни эгаллашда муҳим роль ўйнашини кўрсатди.

Н. Ф. Добринин диққатни кишининг психик фаолиятини бирон-бир объектга йўналтириш ва тўплаш билан бошқа объектлардан чалғиш орқали тушунтирди. Агар йўналиш ва тўпланиш ихтиёрсиз бўлса, ихтиёрсиз диққат вужудга келади. Агар онг қўйилган мақсадга мувофиқ бўлса, у ҳолда ихтиёрий диққат намоён бўлади. Булар билан бир қаторда Н. Ф. Добринин диққатни учта турга ажратади. Унинг фикрича, диққатнинг учинчи тури “ихтиёрийдан кейинги диққат” деб аталади. Бу ихтиёрий диққат каби мақсадга қаратилган бўлиб, иродавий зўр беришни талаб қилмайди. Булар тўғрисида Н. Ф. Добринин шундай дейди: “Ихтиёрий диққатда қизиқишни, интилишни ўрни бор, лекин бу қизиқиш фаолиятнинг натижасига қизиқишдир. Фаолиятнинг ўзи эса қизиқарсиздир. Киши психик фаолиятининг ажойиб хусусияти шундан иборатки, яъни натижага қизиқиш, жараёнга қизиқишга айланади. Бу ихтиёрий диққат ихтиёрийдан сўнгги диққатга айланганда бўлади” (Добринин Н. Ф. Внимание и его воспитание. Изд-во “Правда”. М. : 1951, стр. 22).

Б. Г. Ананьев “Ўқувчиларда диққатни тарбиялаш” (Воспитание внимание у школьников) номли асарида диққатни ҳамма вақт текшириш, тадқиқ қилиш керак, дейди. Бунинг учун мана бундай ҳолатларга эътибор қилишни кўрсатиб ўтади: дарсни тўғри ташкил қилиш, таълимнинг пухталиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятини тўғри ташкил қила билиш кабиларни таъкидлайди. Б. Г. Ананьев бу билан диққатнинг узоқ вақт бир объект устида тўплай билиш кераклигини уқтиради.

Дикқат муаммосини тадқиқ қилиш И. В. Страхов асарларида ҳам ўз аксини топган. қуйида уларнинг асосий моҳиятига тўхталиб ўтамыз.

Киши диққатининг келиб чиқиши ва ишлаш услубига кўра ижтимоий табиатга эга. У кишиларнинг меҳнат фаолиятига сабаб бўлади ва меҳнат жараёнининг асосий психологик таркибларидан бири бўлиб саналади. Дикқатнинг муҳим белгиси – кишининг фаолият жараёнида ва атрофдагилар билан алоқада психиканинг тўпланишидир. Психологияда ўрганилган диққатнинг хусусиятларининг тўпланиши, ҳар бил сифатларда ва ривожланишда акс этишидир.

катор муносабатларда тўпланиш икки хил хусусиятга эга бўлади: у предмет ва ҳодисаларга танлаб йўналтирилади, яъни диққат объектини онгли ажратиш, бу вақтда бошқа кўп объектлардан чалғиш воситаси билан актлар тизимини ташкил қилади, тўпланиш меҳнат предметига йўналтирилади, лекин унинг жараёни ҳам диққат объекти ҳисобланади. Тўпланиш фаолият объектига ва у билан ҳаракатга йўналтирилади.

Диққат психиканинг алоҳида томони ва формаси ҳисобланмайди, шунингдек қандайдир биронта функцияни бажаришга ҳам кўчмайди. Мақсадга йўналган, интенсив-психик фаолиятнинг структурали ва функционал асоси ўзгаришига, маҳсулдорлиги ортишига ва миянинг барқарор ишлашига олиб келади.

Киши диққати меҳнат фаолиятига, фаолият жараёнига, меҳнат курулларига йўналтирилади. Диққат предметлари бир хил эмас, балки ҳар хил фаолият турларида ҳар хил бажариладиган меҳнат операциялари ва воситалари киши меҳнат предметига таъсир қилади. Буларга боғлиқ равишда диққатни фаолият турларида ўрганишда ва ҳар хил образли психологик муаммолар вужудга келади. Ўтказилган текширишлар асосида диққат кўп функцияли жараёндир, деган хулосага И. В. Страхов келади. Бу функцияларни амалий бажариш-меҳнат, ўқиш, илмий ва бошқа фаолият турларидан биронтасининг шарт-шароити маҳсулдорлигидир. Фаолиятнинг ҳар бир тури диққатга алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун унинг функцияси фаолиятнинг шу турига тўғри келиши жуда муҳимдир.

Диққат тафаккур билан биргаликда акс этади. У билиш жараёнининг тиниқ ва асосли бўлишининг сабабчисидир. Бу йўналишда, айниқса ижодий илҳомланишнинг ҳисобга олмаганда, диққатнинг кидирув ориентировкаси муҳим аҳамиятга эга.

Диққатнинг назорат қилиш-тузатиш функцияси ҳам унчали кам аҳамиятга эга эмас. Бироқ унинг шакллари меҳнат ва ўқув фаолиятининг ҳар хил даврларида бир хил намоён бўлмайди.

Диққат кишиларнинг алоҳида муносабатларида, жамоада ўзига хос функция бажаради. Шахснинг кузатувчанлигида, ўзга одамларнинг психик ҳолатини тушунишда, зийракликнинг фаол шаклларида (меҳрибонликда, ғамхўрликда, ишдаги ёрдамда) диққат акс этади. Зийракликнинг меҳнатда ва шахслараро муносабатда ахлоқий-психологик аҳамиятга эга бўлади. Бунга мувофиқ зийракликнинг мотивацияси ўрганилади. У акс эттиришнинг яққол шаклларида ва тарбиялаш ҳақидаги масалаларда кўриб чиқилади. Зийракликнинг бундай ўрганилиши унинг таҳлилида ва шахс психологиясида янги йўналишдир. Тадқиқотчи ўз ишларида диққатни ўрганишнинг кўрсатилган жабҳаларини синтез қилишга интилади.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, И. В. Страхов диққатнинг билиш жараёнидаги аҳамиятига, унинг фаол психологик акс эттириш имкониятига алоҳида эътибор беради. Шунингдек, диққат билиш фаолиятининг борлиқ билан алоқаси кенг ва чуқур акс этишининг муҳим механизми эканлиги таъкидланади.

Диққат шахснинг йўналишида тўпланган жараён сифатида ишлайди. Кенг маънода бу сўз асосида эҳтиёж, қизиқиш, қараш, идеал каби таркибий қисмлар бор. Диққат психик жараёнлар структурасида кўрсатилган омиллардан ҳосил қилинган ҳодиса сифатида иштирок этмай, балки у шахснинг бошқа хусусиятларига нисбатан муносабатда таянч хусусият тариқасида қатнашади. Бунга мисоллардан бири – диққат ва зийракликнинг педагогик такт (одоб)нинг шаклланишида психологик шарт-шароит эканлигидир.

И. В. Страхов “Диққат ва нутқ” муаммоси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган. У нутқ шакллари ва функцияларини ҳамда тасвирий фаолиятни таҳлил қилади. У ўқувчиларда спорт гимнастикаси дарсларини психологик нуктаи назардан ўрганади.

Муаллифнинг таъкидлашича, диққатни нутқий бошқариш қуйидаги омилларда кўринади: предметни номлашда ёки мақсадли ҳаракатларни тўплашда, фаолиятни режалаштиришда, диққатни илгарилаб кетиш актларида, қидириш фаолиятида, диққатни кўчиш жараёнининг вербализациясида, диққатни назорат қилиш функциясини фаоллаштиришда, зийракликнинг акс этишида ва унинг ахлоқий-психологик аҳамиятида.

Диққатни ва бутун фаолият жараёнини бошқариш нутқнинг ички ва ташқи турлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу бошқаришда муаллиф фикрича, интеграл (юқоридаги икки нутқ тури оралиғидаги) нутқ иштирок этади. Буларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, график ҳаракатларни амалга ошириш, ақлий-нутқий жараёнлар уларни англаш ва йўналтириш билан бирга боради.

Шундай қилиб, диққатни бошқариш ва уни тарбиялаш, ўқувчиларда ривожлантириш масаласи И. В. Стахов томонидан атрофлича ўрганилган (Страхов И. В. Воспитание внимание у школьников. М.: Учпедгиз, 1958).

Психолог Н. В. Кузьминанинг фикрича, ўқитувчиларнинг дарс давомида берилаётган билимини қанчалик ўзлаштира олишини текширишда, асосий ва етакчи ролни диққат жараёни ўйнайди. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнида даставвал тарбиячи томонидан ўқувчи диққатини торта билишлик унинг асосий мақсади бўлиши керак. Бу эса ўқитувчи ўтиладиган материални пухта билишни талаб қилади. Бундан келиб чиқадики, диққатнинг тарбияланиши ва шаклланиши ҳам вужудга келади.

Ф. Н. Гоноболин, М. Р. Рахманова, Д. Т. Элькин, В. В. Репкин ва бошқа қатор тадқиқотчилар томонидан таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда диққатнинг намоён бўлиши, кечиши, ривожланиши, ўзига хос хоссалари, индивидуаллиги каби жиҳатлари ўрганилган. Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларга бағишланган ижодий изланишлар миқдори ундан ҳам кўпдир. Биз уларга ўз муносабатимизни билдириш имконимиз йўқ.

Шундай қилиб, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисалар, субъектив кечинмалар диққат объекти бўлиб ҳисобланади. Диққат жараёнида онгнинг воқеликка нисбатан танлаб муносабатда бўлиш хусусияти намоён бўлади. Ўқувчи бирор объектга диққат қилар экан, айти бир пайтда қолган нарса ва ҳодисаларни онг доирасидан четда қолдирмайди.

XXI асрнинг 10-йилларига қадар кўпгина психологлар диққатни мактаб ўқувчиларида тарбиялаш, ўстириш ва фаоллаштириш тўғрисида мулоҳаза юритиб келмоқдалар. Бизнингча, диққатни анъанавий услубга таянган ҳолда махсус воситалар ёрдамида дарсдан ташқари қизиқарли материаллар ҳисобига такомиллаштириш юзасидан мулоҳаза юритишдан кўра, балки таълим жараёнида таълим субъектлари томонидан фан асосларини ўзлаштириш кезида уни (диққатни) шакллантириш зарур. Бунинг учун диққатни шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи қуйидаги усуллардан фойдаланиш айти муддао бўлар эди. (Э. ғ.): материалларга кўз югуртириш, материалларни тасаввур қилиш, кўргазмали материалларни ўқиш, чуқур таҳлил қилиш, гаплардан хато топиш, мантиқий урғуга эътибор бериш, мантиқий нуқсонни топиш ва ҳоказо.

### **Семинар машғулоти учун мавзулар**

1. Диққат тўғрисида умумий тушунча
2. Диққатнинг физиологик асослари
3. Диққатнинг нейрофизиологик асослари

4. Жаҳон психологиясида диққат назариялари
5. Диққатнинг педагогик психологияда ўрганилиши
6. Диққат турлари ва уларнинг психологик тавсифи
7. Диққатнинг онтогенезда ўсиши
8. Диққат регуляторлик функция сифатида

#### **РЕФЕРАТ УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Диққат тўғрисида умумий тушунча.
2. Диққат назариялари ҳақида мушоҳадалар.
3. Диққат турларининг психологик тавсифи.
4. Диққат регулятор сифатида.
5. Диққатни шакллантириш имкониятлари.

#### **Адабиётлар**

1. Величковский В.М. Современная когнитивная психология. –М., 1982.-С. 151-183.
2. Вўготский Л.С. Собрн. соч.-Т.3-М., 1983.
3. Гальперин П.Я., Кабўльницкая. Экспериментальное формирование внимания.-М., 1974.
4. Добрўнин Н.Ф. О новўх исследованиях внимания.- Вопр. псих. 1975, № 2.
5. Добрўнин Н.Ф. О селективности и динамике внимания.-Вопр. психол. 1975, № 2.
6. Хрестоматия по вниманию.-М., 1976.
7. ғозиев Э.ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002.

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ.

I БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. Психология ҳақида тушунча.
2. Психология фанининг вужудга келиши.
3. Психиканинг физиологик механизмлари.
4. Психология ва унинг моддий асослари.
5. Психика ва акс эттириш.

II БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ СОҲАЛАРИ ВА УНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

1. Психология фанининг соҳалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари
2. Психологиянинг методологияси ва принциплари
3. Инсон психикасининг илмий-тадқиқот методлари

III БОБ. ОНГНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Онгнинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-тарихий моҳияти.
2. Онг моҳияти
3. Онг психологик категория сифатида.
4. Онгнинг тузилиши.

IV БОБ. ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

1. Фаолият тўғрисида умумий тушунча.
2. Фаолиятнинг тузилиши.
- 2.1. Психологиянинг ўзига хослиги.
3. Фаолиятнинг интериоризациялаш ва экстериоризациялаш.
4. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш.
5. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш.
6. Инсон ҳаёти ва фаолиятини ўзгартирувчи асосий омиллар
7. Реориентация психологик муаммо сифатида

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ШАХС.

V БОБ. ШАХС Тўғрисида УМУМИЙ ТУШУНЧА

1. Умумий тушунча.
2. “Эндопсихика” ва “Экзопсихика” ҳақида тушунча.
3. Чет эл психологиясида шахс назариялари.
4. Собиқ совет психологиясида шахс ривожланиши назариялари шарҳи
5. Собиқ совет психологиясида шахс таъриф
6. Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили
7. XXI аср одамлари
8. Ўзини ўзи англаш
9. Аждодлар комил инсон тўғрисида



10. Баркамол инсонни баҳолаш тести  
УЧИНЧИ БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯСИ.  
VI БОБ. ИЧКИ РЕГУЛЯЦИЯ ТАРКИБЛАРИ.

1. Эҳтиёж тўғрисида тушунча
- 1.1. Эҳтиёжлар фаолликнинг манбаи сифатида
- 1.2. Эҳтиёжларнинг турлари
- 1.3. Инсон эҳтиёжларининг ривожланиши
2. кизиқишнинг психологик тавсифи
3. Шахснинг установкаси ёки англанилмаган майллари
4. Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши
5. Мотивация
- 5.1. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари
- 5.2. Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулоҳазалар
- 5.3. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли
- 5.4. Ўқув фаолияти мотивлари тўғрисида мулоҳазалар
- 5.5. Мотив классификацияси

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ  
ЖАБҲАЛАРИ

VII БОБ. ҲИССИЁТ

1. Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча
2. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги
3. Ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатларнинг психологик асослари
4. Одам ва ҳайвон эмоциялари
5. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари
6. Юксак ҳислар
7. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш
8. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари

VIII БОБ. ИРОДА

1. Ирода тўғрисида тушунча
2. Ирода актининг тузилиши
3. Ирода назарияси ва тадқиқоти тўғрисида тушунча
4. Ироданинг физиологик асослари ва сифатлари тўғрисида тушунча
5. Шахс иродасини ўрганиш тести

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ

IX БОБ. ТЕМПЕРАМЕНТ.

1. Темпераментнинг психологик тавсифи
2. Нерв системаси типларининг келиб чиқиши

X БОБ. ХАРАКТЕР

1. Храктер ҳақида умумий тушунча
2. Характернинг физиологик асослари

3. Характер тузилиши ва хусусиятлари
4. Характернинг таркиб топиши
5. Инсон характер ва шахс камолоти

#### XI қОБИЛИЯТЛАР

1. қобилиятлар тўғрисида тушунча
2. қобилиятларнинг сифат ва миқдор тавсифи
3. қобилиятлар тузилиши
4. Талантнинг пайдо бўлиши ва тузилиши
5. қобилият ва талантларнинг табиий шартлари
6. қобилият назариялари талқини

#### ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

##### XII БОБ. СЕЗГИ

1. Сезги тўғрисида умумий тушунча
2. Психология фанида сезги назариялари
3. Сезгиларнинг рецептор ва рефлектор назариялари
4. Сезгиларнинг умумий қонуниятлари ва сезгирлик
5. Сезгининг нейрофизиологик асослари
6. Сезгиларнинг психологик тавсифи

##### XIII БОБ. ИДРОК

1. Идрок тўғрисида тушунча
2. Идрокнинг янги қирралари
3. Идрок феноменлари

##### XIV БОБ. ХОТИРА

1. Хотира ҳақида умумий тушунча
2. Хотиранинг нейрофизиологик асослари
3. Хотиранинг физиологик асослари
4. Хотира турлари
5. Эсда олиб қилиш турлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаси
6. Эсга тушириш
7. Унутиш ва эсда сақлаш

##### XV БОБ. ТАФАККУР

1. Тафаккур психологияси предмети
2. Тафаккур операцияси
3. Тафаккур шакллари
4. Тафаккур сифатлари
5. Тафаккур турлари
6. Шахсда мустақил фикрлашни шакллантириш воситалари

##### XVI БОБ. НУТҚ

1. Нутқ тўғрисида умумий тушунча
2. Нутқнинг вужудга келиш назариялари
3. Нутқ турларининг психологик тавсифи

##### XVII БОБ. ХАЁЛ

1. Хаёл тўғрисида умумий тушунча
2. Хаёл турлари тўғрисида умумий тушунча
3. Хаёлнинг хусусиятлари
4. Хаёлнинг аналитик-синтетик хусусиятлари
5. Хаёл жараёнларининг физиологик асослари
6. Хаёл шакллари тўғрисида тушунча

#### XVIII БОБ. ДИҚҚАТ

1. Дикқат тўғрисида умумий тушунча
2. Дикқатнинг физиологик асослари
3. Дикқатнинг нейрофизиологик механизмлари (ретикуляр тизими активацияси)
4. Жаҳон психологияси фанида дикқат назариялари
5. Дикқатнинг педогогик психологияда ўрганилиши